

XX АСР ЎЗБЕК РОМАНИ

**ЎКТАМ
УСМОНОВ**

ГИРДОБ

Роман



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КОНЦЕРНИ БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2000

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ислом ШОҒУЛОМОВ (ҳайъат раиси), Бобур АЛИМОВ (ҳайъат раиси ўринбосари), Музаффар АЪЛАМОВ, Саид АҲМАД, Аҳрор АҲМЕДОВ, Машраб БОБОЕВ, Наим КАРИМОВ, Тоҳир МАЛИК, Омон МУХТОР, Умарали НОРМАТОВ, Анвар ОБИДЖОНОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Барнобек ЭШПҮЛАТОВ (ҳайъат котиби), Бегали ҚОСИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ.

Масъул муҳаррир

Носир ФОЗИЛОВ

Усмонов, Ў.

Гирдоб: Роман. — Т.: «Шарқ» НМК
Бош таҳририяти, 2000. 352 б. — (XX аср ўзбек романи).

Ўз

© «Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни Бош таҳририяти,
1995, 2000

1

Саратон.

Кун бўйи еру кўкни жизғанақ қилиб куйдирган куёшнинг ботишига сал бор... Уфқ қонталашиб, осмон заъфарон тусга кирган; олисдаги қорли тоғларнинг тепасигина нилий рангда товланади... Чилонзордаги сарғиш, қизғиш гиштин, кулранг, оқиш йирик панелли баланд уйларнинг кўланкалари тобора узайиб бораётган пайт. Айниқса, тушдан кейин билқиллаб юмшаб кетган асфальт кўчалардан ёқимсиз ҳовур кўтарилади. Қаёққа қарасанг: зув-зув, гув-гув машина, тумонат одам; шаҳарликлар ишдан қайтишяпти. Айрим йўловчилар бир ёнга оғиб кетаётган автобусларнинг эшигигача осилиб олишган. Бекатда турганлар ҳам терга ботиб, кеч кираётганига қарамай, соя ахтаришади... Қани энди қилт этган шабада бўлса...

Катта йўлнинг нариги бетидаги озиқ-овқат дўконидан одамларга туртина-суртина ёшгина бир жувон чиқиб келди; бошини сочиқ билан ўраб олган, устида гижимланган эски атлас кўйлак, қўлида бир шиша пахта ёғи. Юзи сўлгин, кўзлари киртайган, юраги торлиги шундоқ афтидан маълум; ўрта, бир қараса — лўппигина, бир қараса — ушоқ болалардек нозикниҳол... аммо диққат билан разм солинса, истараси иссиқ аёл.

У шошилиб йўлни кесиб ўтмоқчи эди, сал бўлмаса машина тагида қолиб кетай деди. Оч ҳаворанг «Волга» гувиллаб келиб уни уриб юборгудай ёнидан тақалиб ўтди, йўл четига чиқиб чанг буруқситганча уч-тўрт қадам нарига бориб тўхтади. Машина эшиги очилиб, ундан кун димлигига қарамай, жигарранг қостюм кийган барваста бир йигит тушди. У тахминан ўттиз ёшларда; тўладан келган, қорамағиз, яғринли, бурнига тегиб турган қуюқ мўйлови ҳам, жингалак сочлари ҳам тимқора, энли қошлари остидаги митти кўзлари қаттиқ. У жувон томонга аста юриб, кўрсаткич бармоғига илиб олган кумуш занжирли калитини пирпирак қилиб ўйнаганча:

— Яхшимисиз, Салтанатхон? — деди мулойим кулимсираб.

Машинадан қўрқиб кетганидан ҳали ҳам юраги така-пука бўлиб турган аёл йигитга ялт ўтирилди-ю, бўйнигача қизариб кетди. Қўлидаги ёғни яширмоқчи бўлиб, у қўлидан бу қўлига олди, баттар ўнғайсизланди. Қоғозга ўраб бермагани учун сотувчини ичида койиди; «вой ўлмасам, ҳалиям ечмовдимми», дегандай бошига ўралган сочиғини ушлаб қўйди...

Салтанат йўлнинг пастидаги ху анави баланд иморатда туради. У ҳозиргина қозонга олов ёқиб, бундай қараса, уйда бир қатра ҳам ёғ қолмабди. «Магазин беркилиб қолмасин» деган ўйда шошилганча газни ўчириб, уй кийимида ҳалпиллаб чиқиб келаверган эди. Эғнида боя айтганимиздай ўнг қўлтиғи ситилган нимдошгина атлас кўйлак, бош ювишдан олдин сочига қатиқ суриб, сочиқни опала ўраб олган, оёғида эса ҳовлида илиб юриш учун боғичи қирқиб ташланган, орқаси босилган эски оқ туфли... У ўзини йўқотганидан нима дейишини билмай қолди. Йигит бўлса кулимсираб келиб, унга қўл узатди:

— Ҳалиям қўрқоқ экансиз, Салтанатхон!

— Вой, Йўлдошмисиз?! — деди Салтанат энтикиб, худди йигитни энди танигандай.

Йигит Салтанатнинг ўсмоқчилаганини, ўзининг ҳам кайфияти бирдан ўзгарганини дарҳол сизди.

— Чилонзорда туришингизни эшитгандим, — деди у яна калитини ўйнаб. Салтанат ерга қаради. Йигитнинг сержун қўлларига зимдан тикиларкан, бундан анча йиллар бурун худди ҳозиргидай катта кўчада шу қўллар унинг белидан маҳкам кучганини эслаб, этлари жимирлашиб кетди. — Ишларингиз, соғлиқларингиз яхшими? Қалай, поччамиз саломат юрибдиларми?

Йўлдошнинг «поччамиз» деб бойваччалардек менсимай гапириши Салтанатга алам қилди. Йўлдошга чимирилиб қаради. Аммо шу заҳоти унинг оч нигоҳидан иймандими:

— Раҳмат, — деди ерга қараб. Йўлдошнинг яп-янги қора туфлиси ва дазмоли бузилмаган шимига кўзи тушиб, «артистга ўхшайди», деган фикр кўнглидан лип этиб ўтди.

— Уйингиз олисми? Олиб бориб кўяй.

— Йўқ, раҳмат, шу ерда, ҳув ана... Шошилгандан шундай чиқиб келаверган эдим...

— Ҳечқиси йўқ. Ҳаммамиз ҳам шу... Шошилганимиз-шошилган... Қаерда ишляяпсиз?

Салтанат бошини сарак-сарак қилди, кейин:

— Кичкинам бор, — деди овози бўшашиб.

Йўлдош калитининг учи билан энгагини қашиди.

— Унда бизга руҳсат! — деди такаббуруна. — Поччамизни сўраб қўясиз. Амакимлар яхши юрибдиларми?

Йигит «амакимлар» деб Салтанатнинг дадасини назарда тутди.

Салтанат «тезроқ қутулай шу олифтадан» деган мақсадда ёлфондака мулозамат қилди:

— Раҳмат. Меҳмон бўлиб кетмайсизми?

— Насиб этса... — Йигит ҳамон кулимсираб, вақтида ўзини қай кўйларга солган мактабдоши Салтанат ҳозир буткул ўзгариб, ранг-рўйи, туриш-турмуши бир ҳолатда бўлиб қолганига аввалига астойдил ачинса-да, кейин ҳам ажабланиб, ҳам ичида бир оз қувонганча, унга қўл узатди, нозик бармоқларини қаттиқ қисиб хайрлашди-ю, виқор билан рулга бориб ўтирди, сўнг машинадан бошини чиқариб, Салтанатга яна бир кулимсиради ва газ берди; у анча жойгача пешойнага тикилиб, орқала, йўл четида туриб қолган Салтанатни кузатиб борди. Салтанат ҳам машинага ора-сира кўз қирини ташлаб қўярди...

У, Йўлдош тўғрисида бултурми, ундан олдинми, ҳозир аниқ эсида йўқ, бехос ойисидан эшитиб қолганди.

— Анави нариги маҳалладаги Ашраф темирчининг ўғли бор-ку? Мактабда сизлар билан бирга ўқиган?.. — деганди ўшанда ойиси гапдан гап чиқиб.

Салтанат эслаёлмаганди.

— Вой, анави тоғаси профессор-чи? Пахта профессори. Энди ёдингга тушдимми? Мактабдалиқ вақтларингга туғилган кунингга ҳам келувди шекилли?

— Э, Йўлдошни айтяпсизми? — Салтанат шундай деб, бирдан шўхлиги тутиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборганди. — Ойи, янгилишяпсиз, у биз билан бирга ўқимаган, икки синф юқори эди. Ҳа, нима қипти, нега уни сўраяпсиз?

— Тунов кунни кўриб, бирам ҳавасим келди! Бир келишган, бир тўлишган йигит бўптики... Майда-чуйда кўтариб, Олой бозоридан — дадангнинг олдидан келаятсам, машинасида зув этиб ташлади-кетди. Акангга ўхшаб, чет элда ишлаб келганмиш. Машина ҳам опти!

Мен танимабман, у танибди. Даданг ҳам оғзидан бол томиб гапиради, кўrsa сира тўхтамай ўтмас экан, барака топкур...

Онаси шундай деб туриб, қизига: «Мана шунақа йўқни йўндирадиган йигитлардан ҳам топа қолмагансан... аҳволингни қара!» — деган маънода ачингандек бўлувди ўшанда Салтанатга...

У катта кўчани кесиб ўтгач, ҳадеб ўзига ўзи далда беришга уринди:

— Керилмай ўл! — деди жаҳл билан Йўлдош кетган томонга қараб. — Ҳали ҳам ўша-ўша! Ўпка!

Шундай деди-ю, аммо кўнгли чўкиб, ўзини ғариб ҳис этди.

* * *

Салтанат тўрт қаватли фиштин иморатдаги ўз йўлакларига кирмасиданоқ ўғилчасининг биғиллаб йиғлаётганини эшитди. Бирдан талпиниб зинадан кўтарила бошлади, лекин шу заҳоти қадамини секинлатди. Негадир ҳаётдан, бир пайтлари тили қисик одами олдида ҳозир юзи шувут бўлганидан алами кўзиб, энсаси қотди, ўжарлиги тутиб кетди. Шошилмай бориб эшикни очди. Аввал қўлидаги ёғни ошхонага олиб кириб қўйди, боласи қотиб йиғласа ҳам худди гўдакка аччиқ қилгандай бамайлихотир ивирсиб юрди, йиғи сал босилгандан кейин ёнига кирди. Бола шарпани сезиб яна йиғлай бошлади.

Салтанат хона ўртасидаги каравотчани зарда билан силкиб:

— Бахтимни қаро қилдиларинг! Умримга заволлар! — деди жазаваси тутиб. Гўдак гўё онасининг феълени сезгандай, жимиб қолди... Салтанат каравотчага суянганча анча вақт хомуш ўтирди. Полга тўшалган йўл-йўл шолча попугини бармоқлари билан тараб ўйнарган, атрофга разм солиб, ўзининг туриш-турмуши, ночорлигидан уялди; бахти очилмай, орзулари чил-чил синганини ўйлаб юраги ўртанди... Узун хонада боласининг каравоти-ю, Азиз акасининг иш столи. Тўрда четларини ёғ босган сарғиш ёғочли тошойна. Қоғозлар, китоблар ҳам оддий табуреткага тахлаб қўйилган, сал тегса қулаб тушадигандай зўрға турибди. Салтанат ўртадаги очиқ эшикдан «зал»га қаради. Янги квартиралик бўлишганда дадаси мебель дўконида иш-

лайдиган оғайнисидан арзон-гаровга олиб берган ол- тита стул билан доира стол, тагида эса энсизгина пой- андоз. Бурчакда экрани кафтдаккина, устига парда ёпилган эски «Рекорд». Деразага тақалган нимжонгина диваннинг фақат бир учи кўриниб турибди. Унинг ёнида пахта гулли чойнак-пиёлалар териб қўйилган қизгиш шкаф. Балкон томондан эшик қия очиқ ше- килли, олачалпоқ парда тўхтовсиз ҳилпираб турибди... Салтанат ҳаммаёқни текшириб чиқаётгандай шифтга қаради: лампочкани қалин чанг босган, шнурунинг ат- рофи эса ис арғимчоқлари... Йўқ, Салтанатнинг кўнгли музлаб кетган... Ҳатто уйга ҳам меҳри йўқ. У бирдан рўпарадаги қўшниси — журналист йигитнинг уй жиҳозларини кўз олдига келтирди. Ҳаммаёғи бадас- тир! Тўқ-қизгиш рангли немис гарнитури оловдай ёнган гиламлар шуъласида баттар жозибали кўрина- ди... Кўчиб келишларидан бир кун олдин Салтанат Азиз акаси иккалови бўёқ ҳиди анқиб турган бўм-бўш хоналарни томоша қилавериб тўймай, қаерга нимани қўйишни қайта-қайта маслаҳатлашиб, энди ташқарига чиқишганда мана шу қўшнилариини ҳам учратишган, уларникига кириб, янги квартира билан чин дилдан табриклашган эди. Ўшанда иккала квартиранинг зиғирча ҳам фарқи йўқ эди. Энди бўлса...

Боласи фингшийвергач, Салтанат баттар тоқати тоқ бўлиб, бошини даст кўтарди, жаҳл билан оғзига сўргич солиб қўйди. Хўрсинганча тўрда турган тошойнага ти- килди. Киртайган кўзлари қалин киприклари остидан ҳолсиз термилар, сочиқ тагидан кўриниб турган, қатиқ томчилари оқиб тушиб қотиб қолган пешонасида ажин- лар баттар бўртиб, юзларини ёғ босган, қовоқлари салқиган... Уй хотинлиги бир қарашдаёқ билинар эди. Ҳарқалай, шундай бўлмаса ҳам, Салтанатнинг хаёли- дан шу фикр ўтди.

«Шуям турмушми? Қани қиз пайтимдаги орзула- рим? — куюниб ўйлади у. Бирдан хўрлиги келди. — Ҳаммаси туш экан... Туш экан... Ойим бекорга айтмаб- ди... қандай кўҳли, ёқимли йигит бўпти... Бир оғиз сўзимга томдан ташлашга тайёр турган — шу Йўлдош эмасмиди? Тавба! Умр ҳам шунчалик тез ўтарканми, а?.. Мен аҳмоқ шундай йигитни хўрлабман! Ўшанинг уво- лига қолган бўлмай тагин...»

У яна ойнага қаради. Ранг-рўйи ўзига баттар сўлғин, асабий кўриниб кетди.

Эшик қўнғироғи жиринглади: Салтанат тўсатдан алами бўғзига тиқилгандай, дик этиб ўрнидан турди. У «эрим келди, бир хумордан чиқиб олай», деб эшикни очса, йўқ, қайнотаси экан. Бутун умри меҳнатда ўтгани қайишдек қотиб кетган қўллари, ажин тўла юзларидан билиниб турган Қўрғонбой ота бундан тўрт йил бурун кўкламда қуртга барг қирқаётиб, дарахтдан йиқилиб оёғи синган, салкам ярим йилча гипсда ётса ҳам, суяги яхши битмай, ҳассага таяниб юрадиган бўлиб қолган эди. Чол бечора оппоқ соқоллари селкиллаб, терга ботганча остонада қулимсираб турарди. «Кўзим учиб турувди», деган фикр ўтди Салтанатнинг хаёлидан; азбаройи энсаси қотганидан қайнотасига зўрға пичирлаб «келинг», деди-ю, эшикни очиқ қолдирганча изига қайтди. Қўрғонбой ота «бемаврид келдиммикин», деган истиҳола билан йўлакда бир оз туриб қолди, кейин бир йўталиб уйга кирди. Қўлидаги қийиқчада ўралган бир кастрюль қатиқни йўлакка қўйиб, гуноҳкор одамдай астагина ҳол-аҳвол сўради:

— Қалай, келин, тузукмисизлар? Қудаларим тинчми? Кичкина қалай? Ўтирай дейпими? Бувиси қатиқ бериб юборувди.

Салтанат каравотча тепасида ивирсиланиб туриб, қайнотасига орқа ўгирганча:

— Ҳали қатиқ ичмайди! — деди қўрслик билан.

Соддадил чол бўлса:

— Ичиб қолар, — деди тик турган жойида каравот панжараси орқали неварасига тикилиб. — Қатиқ одамни семиртиради. Азиз қўринмайди? Ҳали ишдан қайтмадими?

Салтанат бир юлқиниб, ўғлини каравотчадан олдида, тескари ўтирганча эмиза бошлади, кейин қайнотасига зардали қараш қилди. Бу қарашда: «Вой тавба-ей, ўғлингизни энди биляпсизми?» — деган таъна бор эди. Чолга қараб туриб, Салтанатнинг баттар ғазаби ошди: «Шу одамнинг боласи-да... ўғли қаёққа борарди...» — деди ичида алам билан. Қайнотаси эса ҳамон ундан тайинли бир жавоб кутиб, на ўтиролмас ва на чиқиб кетолмас; келинининг тили ёмонлигини илгаридан билса ҳам, бари бир, унинг ҳозирги қилиғидан қаттиқ ранжиган эди. У анча кутди... Салтанатдан садо чиқавермагач, индамай кавушини кийди. Кираверишга қўйган тугунни ечиб, қийиқчасини бўшатди. «Ҳайр, келин, ишқилиб, ўзинглардан ти-

нинглар», деб эшиқни секингина ёпиб ташқарига чиқди. У то ҳовлига тушиб узоқлашиб кетмагунча ҳассасининг «дўқ-дўқи» эшитилиб турди. Салтанат анча вақтгача деразага тикилиб миқ этмай ўтирди, кейин алаמידан йиғлашга ўтди.

2

Азиз тажриба участкасидан алламаҳалда келди. Кираверишдаги йўлакнинг лампочкаси куйган экан, зинага тусмоллаб оёқ қўя-қўя иккинчи қаватга кўтарилди. Салтанатни, ўғилчасини уйғотиб юбормаслик учун эшиқни ўзидаги калит билан очди. Энди чироқни ёқаман, деб қўл чўзганда қоронғида кўзлари ёниб, худди ўлжа пойлаётган мушукдек йўлакда турган Салтанатни кўриб, қўрқиб кетди. Шоша-пиша деворни пайпаслаб, чироқни ёқди.

— Салтанат?! Нима қилиб турибсан бу ерда?!

У йиғидан кўзлари қизариб кетган эди. Эрининг гапига қошини бир чимирди-ю, индамай ошхонага кириб кетди. Азиз апил-тапил оёғини ечиб, Салтанатнинг орқасидан ошхонага ўтди:

— Тобинг қочдимиз? Бирор еринг оғрияптимиз?

Салтанат эрига ўқрайиб қаради; кўзлари хунук чақнаб, лаблари титради:

— Мен оғримай ким оғрисин?! — деди ўпкаси тўлиб...

Азиз икки ўт орасида қолди. Бир томони Салтанат мундай баъзи одамларнинг хотинидай бахти очилиб юриш ўрнига, тобора асабийлашиб, илгариги ҳусн-кўркини ҳам йўқотиб борар; иккинчидан, Азизнинг аҳволи ҳам мақтагулик эмасди. «Ахир нима қилсин у? Нияти ушалмаса нима қилсин?! Кўчага чиқиб дод десинми?!»

— Сабр қилсанг-чи, ахир! — деди Азиз аламли фикрлар таъсирида бирдан қизишиб. — Бехзод юрадиган бўлсин... Бирга дам олармиз ҳали... Кўрмагандай бўп кетасан.

Агар бу гапларни Салтанат биринчи бор эшитаётганда эди, эҳтимол, ишонарди. Торга — тор дунё, у баттар тутақиб кетди. Азизга қўлларини пахса қилиб:

— Қачон! Қачон?! — дея ўшқирди. — Гўрга кирганимдами? Жувонмарг қилдингиз-ку мени! Афт-ангоримга қараб бўлмайди-я! Пешонам қурсин!

— Ҳали шуларга мен айбдорманми?!

— Сиз бўлмай ким?! Қачон қараса, қўйнимни пуч ёнғоққа тўлғазасиз! Сиз тенгилар хў-ў қачон эди — егани олдида, емагани кетида!..

— Бас! Менга деса юлдузни узиб олишсин! Мен очимдан ўлганимда ҳам!.. — Азиз бирон ёмон гап айтиб юборишдан қўрқиб, тилини тийди. Ғазабига чидолмай, идиш-товоқлар турган столни қаттиқ муштлади. — Сенга фан бозор эмас, тушундингми!

— Сизни худо дағдагага яратган! Танглайингизни дўқ билан кўтарган! Мақтайверинг ўзингизни, мақтайверинг! Мақтасангиз, биров келиб, тап-тайёрини оғзингизга солиб қўяди... Кечагина келган анави Шорасуллар ҳам ҳадемай ишини битириб кетади! Бу авлиё «сувдан тиниқман» деб ўтираверади.

Азиз хотинининг ҳам аччиқ, ҳам қўрс гапига нима жавоб беришни билмай довдираб қолди. Охири:

— Бас қил! — деди кўзлари олайиб. — Ёки шу уйни ташлаб кетайми?! Шундай қилсам тинадими жағинг?! Қутуламанми?! — Азиз эшикни қарсиллатиб ёпиб, нариги хонага чиқиб кетди. Салтанат эрининг орқасидан еб қўйгудек ўқрайиб турди-да, қўлидаги алюмин товоқни шарақлатиб шкаф тахтасига ташлаб, у ҳам боласи ётган хонага кириб кетди. Бир пайт ўғилчаси йиғладими, жазаваси тутиб бақирди:

— Жим ёт, тухуминг қуригурр! Тинка-мадорим қолмади-ку! Бошимга етиб тинчийсанлар! Сўргани сўрган-а!..

Чорак соатлардан сўнг Салтанатнинг ҳазин алласи эшитила бошлади. Азиз бериги уйда ётса ҳам, хотинининг хун бўлиб йиғлаётганини сезиб турарди. Кейин уйга оғир жимлик чўкди. Азиз пружиналари ўйнаб кетган эски диванга ўзини ташлаганча изтироб билан ўйлар эди. Охири туриб чироқни ўчириб ётди. Ҳовлидаги симёғоч лампочкасидан тушаётган гира-шира ёруғлик ҳам юрагини сиқаётгандай, безовталаниб у ёқдан-бу ёққа ағдариларди.

Ҳар куни аҳвол шу... Азизнинг ўзи-ку, иши юришмаётганидан ичини ит тирнаб, еганиям-ичганиям татимай, кун сайин эти устихонига ёпишиб боряпти... Уйда бўлса ҳар куни жанжал! Камбағални туянинг устида ҳам ит қопаркан! Бўлмаса зўрға аспирантурага кириб... ярим йил ўқир-ўқимас тўсатдан домласи вафот этадими?! Сергей Матвеевич ҳаммага гамхўр, илмда

тенгсиз нуктадон одам эди. Агар у тирик юрганда-ю... Азиз бу хўрликларни кўрмасди, аллақачон ёқлаб, дўпписини яримта қилиб юрган бўларди. Эҳ, бу дунёда жонкуяринг бўлмаса, чатоқ экан... Афсус, афсус, Сергей Матвеевич ўлиб кетди...

Аслида, Азизнинг дилида туғилган ўша дадил фаразни бошиданоқ қизгин қўллаб-қувватлаган, унга далда ва кўмак берган ҳам Сергей Матвеевич эди. Азизнинг гаплари, вилтга чидамли янги пахта навини яратиш тўғрисидаги академик Вавилов таълимотига асосланган фавқулудда фикрлари, гўза коллекциясидан бир қанча навни танлаб олиб, ёввойи texicum турини вилтга қарши синаб кўрмоқчи бўлаётганини гоят қизиқиб тингларкан, ичида унинг ёшлик ғайрати, янглишишдан ҳам ҳайиқмайдиган ўтли даврига ҳавасланиб қарар эди. Азизнинг кўз ўнгидан ҳали ҳам кетмайди: бир марта Сергей Матвеевич елкасига қоқиб, ёқимтой кўзларини бир оз қисганча, гўё Азизнинг бўй-бастини чамалаётгандай жўшиб:

— Балли, ўғлим! — деган эди. — Балли! Юрагингга балли! Фаннинг бир қаноти ҳаминиша таваккалга суянади! Балли, ўғлим! — Кейин у бир оз ўйланиб, хотирасида ниманидир тиклаб, яна Азизга кулимсираб шундай деган эди: — «Хаёл кучи билан яратилган мингларча фикру мулоҳазадан кўра, бир донагина тажрибани афзал кўраман».

... Ҳозиргидақа алам ўтиб кетган пайтларда Азиз ўзини-ўзи койишга ҳам тушади. «Кўп қатори тинчгина юраверсам бўлмасмиди? Ўзимга душман орттирмай, ўша Муҳиддин Жабборович айтган жўн мавзуга уринганимда-ю, олам гулистон эди! Мана энди азобга қолдим! Салкам беш йил бўляпти... ҳали ҳеч нарсадан дарак йўқ! Боши қаерда, охири қаерда — ўзим ҳам билмайман!.. Тўғри тажриба ўтказаетган энг сўнгги навимда ёввойи гўзанинг салбий, яъни пуштсизлик, ҳаддан ташқари ғовлаб кетиш хусусияти деярли йўқолди... Айни пайтда, маданий навга тегишли жиҳатлари кучайиб келяпти. Аммо кўсакнинг салмоғи, толанинг пишиқлиги, ранги эса ўша ёввойи гўзаникига тортган... Ким кўринган орқамдан кулиб, мазах қилади. Толмас Азимовдай инсофли олимлар-ку, ачи-нишади. Ўшаларнинг юзига қараш қийин! Салтанатнинг гаплари-чи? Уларда ҳақиқат йўқми? Куйганидан жаврайди, ахир... Ҳаммаям айни ёшлигимда ўйнаб-

кулсам, кўрсам, дейди. Хўш, бу орзунинг нимаси ёмон?! Эҳ, Азиз! Азиз! Ҳеч ким қилмаган ишни қиламан, деб кўкрак муштлаб, катта кетмай кўя қол! Фақир киши панада бўлиб, индамай, билиб ишингни қилаверганинга-ю, шу пайтгача бир ердан тешиб чиқардинг. Бошқалардан ажраламан деб, мана — оқибати! Ҳамма сенга халақит беряпти энди... Эҳ, Азиз! Бу дунё сengaча ҳам бўлган, сендан кейин ҳам бўлади. Сендақа довдирлар эса умри ўтиб, куч-қуввати сингандагина «аттанг» дейди... Фанга сендақа савдойилар эмас, аниқ фикрли, эртанги кунни ойнадай равшан кўриб турадиган зеҳнли, истеъдодли одамлар керак. Сендақаларни бошига урадимми?»

«Ахир, кўпчилик бировнинг устидан бир нарсаси борки — кулади! сўнгги йилларда қўлга киритилган қатор-қатор тажрибаларда, жилд-жилд китобларда очиқ-ойдин ёзиб қўйилган: янги перспектив нав яратиш учун — сўзсиз *маданий навни маданий навга чаптиштириш йўлидан бориш керак*, деб! Бу — илмий ҳақиқат, ахир! Уни инкор этадиган нима асосинг бор?.. Оталик ўрнида *дабдурустдан* ёввойи гўзани ишлатишга қандай журъат этдинг, бунга қандай илмий исботинг бор, қани? Нега энди дабдурустдан бўларкан?! «Эркак гўзада вилтга чидамлик хусусияти бор», дейсан. Хўш, ундай бўлса унинг наслсизлик хусусияти-чи? Ҳосил бермайдиган гўзани деҳқон нима қилади?

Йўқ, Муҳиддин Жабборовичдан ўпкаламай кўя қол! Ҳамма айб ўзингда. Аввал сен у кўрган ишларнинг урвоғини кўр-чи! Гайирлик қилса, душманлик қилса, келиб-келиб сендай нотавонга қиладимми?! Тушунмаяпти, деганинг ҳам янглиш гап. Ахир, мундай бир тушунтирадиган, инонтирадиган далилинг борми ўзи?! Нуқул Мичурин, Вавиловларни рўкач қиласан. Қани, зўр бўлсанг, ҳақ бўлсанг, ўшаларнинг таълимотини амалда кўрсатиб бер-чи! Шундай экан, ўзингга бунчалик ортиқча тош қўйма. Кимсан ўзи? Нима иш қипсанки, сенга одамларнинг гайирлиги келса? Тўғри, марҳум Сергей Матвеевич мулоҳазаларингни тинглаб туриб, аввалига: «Бир бош қотириб кўрай-чи», дегани ҳам рост. «Ишингни давом эттиравер, дастлабки натижалари чиқсин, кейин гаплашамиз», деб кўнглинг учун айтган далдаси, наҳотки, шунча йиллик зое кетаётган умрингга гаров бўла олади, хумпар?..

Йўқ! Ҳақиқат ҳеч қачон ўз-ўзидан юзага чиқмаган!

Илмий ҳақиқатлар эса... бунинг учун расмана игна билан қудуқ қазिश, ҳеч ким юрмаган йўлдан юриш керак... Мана, мавжуд навлар ҳар қанча ҳосилдор, тезпишар, толаси пишиқ бўлмасин — бари бир вилтга тоб беролмаяпти. Ўсимлик аслида ташқи таассуротдан ўзи ажратган хужайра шарбати билан ҳимояланади. Маданий ғўзада шу шарбатларни вилт қуритиб ташлаяпти. Ёввойи mexicanum ғўзасида эса истаганча бору, аммо фойдасиз... Наҳотки, шу иккала хусусиятни бир-бирига қўшиб бўлмаса! Бўлади! Қўшса бўлади! Бунга айни Вавилов, Мичурин тажрибалари гувоҳ! Фақат вақт керак! Вақт!..»

Азиз шу зайлда анчагача ўй суриб ётди-ю, охири ўзи сезмаган ҳолда Салтанатга ўхшаб фикр юритаётганидан, фан, кандидатликни тўғридан-тўғри пул, дунёга боғлаётганидан уялди. Илгарилари у илмий мартабаларни бойлик, ҳузур-ҳаловат билан ўлчамасди, асло! Одамларнинг оғирини енгил қилиш унинг ёшликдаги бирдан-бир ҳаваси эди. Бу ҳавас қишлоқда кўрган анави воқеасидан сўнг қатъий мақсадга айланди. Ўшанда Азизларнинг курси пахта териб юрган колхознинг донгдор бригадири кимёвий дори сепилган майдонга кириб кетиб... заҳарланиб узоқ ётган, айни йиғим-терим пайтида оламдан ўтган эди... Азизни биринчи бор қаттиқ ларзага солган, селекционерлик нақадар масъулиятли касб эканлигини миясига қуйган воқеа ҳам ўша ўлим эди. Азиз: «Бу фожиага энг аввало селекционерлар айбдор», деб шафқатсиз ҳукм чиқаргани ўшанда. Шу-шу унинг ягона орзу-мақсади — вилтга ўзи чидайдиган янги нав яратиш бўлди. Мана, энди қараса, хотинининг ногорасига ўйнаб, фанни, ўз келажагини ҳам Салтанат, Шорасулларга ўхшаб пул билан ўлчаяпти. У багтар тутақиб кетди, иштаҳаси бўғилган бўлса ҳам, истар-истамас ошхонага кирди, қозонда совиб қолган мошкичиридан олиб ея бошлади. Кейин юраги куйиб, бир кўтаришда ярим чойнак совуқ чойни бўшатди.

Шу пайт ичкаридан шип-шип қадам товуши эшитилди, кейин кастриулнинг қопқоғи очилиб, қошиқ тикиллади ва сал ўтмай пиёлада қатиқ кўтариб Салтанат кириб келди.

— Намунча уйни бошингизга кўтариб чапиллатмангиз? — деди у, «ёмон бўлсам ҳам овқатимни еяпсизку» дегандай оҳанг билан. — Дадам келувдилар, — у

пиёлани Азизнинг олдига қўйди. — Ётиб қолинг, десам унамадилар. Бошимнинг чап томони кўзим билан қўшилиб шунақанги лўқиллаб оғрияптики. Кеч бўлди мана шу ерим қизийди, худди бир нарса тиқилгандай, — Салтанат шундай деб, кафтини чап кўкрагига босди.

— Асабингдан. Врачга бор...

Салтанат Азизга яна ўчакишиб қаради:

— Бу уйда тош-метин ҳам адои тамом бўлади.

Азиз ҳам ҳозирги хаёллари алами билан елкасини қисиб, жаҳл билан:

— Хўш, мен нима қилай? — деди қўлидаги қошиқни хотинига нуқиб. — Нега бунча қийнайсан одамни?! Бир қараса — сендан ақлли хотин йўқ, бир қараса...

— Бу гапни мен сизга айтишим керак! — деди Салтанат Азизнинг гапини бўлиб.

— Айт, ахир, мен нима қилай?!

Салтанат «э, сента ҳам гапми» дегандай қўлини силкиди-да, Беҳзод ётган хонага йўналди. Азиз ранги қув ўчганча Салтанатни ўйиб оладиган сўз ахтарар, кўзлари ялтиллаб кетган эди. Охири чидолмай, лаблари гезарганча хотинининг орқасидан бостириб кириб борди:

— Қани гапир! Мақсадинг нима ўзи?!

— Мақсадимми?! — Салтанат эрига дарғазаб қараганидан қошлари хунук ўйнаб кетди. — Дунёга икки марта келмайман. Мен ҳам одамлардай яшасам дейман! Нима кам улардан! Кўрманми, карманми? Қачонгача уйимдагини сотиб ейман?! Отам бечора, яхшиям, қўша-қўша гилам қилиб узатган экан! Пенсонам қурсин!.. — Салтанат шу гапдан сўнг хўнграб йиғлай бошлади.

— Сотсанг, ўзингга сарфладинг! Бир тийининг рўзгорга киргани йўқ! — деди Азиз бўшашиб.

— Бир камим сизни боқишим қолувди энди! — Салтанат юзига дувуллаб тушаётган ёшларини кафтига артди. — Баъзи эрларга ўхшаб бошдан-оёқ зарга ўраб қўйсангиз, нақ бўғизлаб ўлдираркансиз! Дадам бечоранинг шунча яхшилигини билмаяпсизми — кўр-басир бўласиз! Олиб келганингиз битта тешик кигиз эди!.. Товоқ-қошиғигача, стол-стулигача — ҳаммасини дадам боёқиш қипти-я...

Азиз миқ этмай қолди. Ҳар гал Салтанат уни мана шунақа жон олгувчи аччиқ таъналар, пичинглар билан энгади! Узиб олади! Азизнинг бирдан хўрлиги келди;

бўғзига алам ёши тиқилиб, мункайганча залга чиқиб кетди.

Илгарилари у ажабтовур вазмин йигит эди; айрим дўстлари ҳатто «тепса-тебранмас», дейишарди. Лекин кейин у ҳам айниди. Азизнинг назарида биринчи бўлиб хотини ўзгарди. Салтанатнинг ҳар кунги нолишларини, инжиқ болалардек бетайин қилиқларини бора-бора кўтаролмайдиган, салга ўзини босолмайдиган ҳолга тушди. Гоҳо у хотини билан айтиша-айтиша, бирдан тинка-мадори қуриб бораётганини сезиб қоларди. Шундай пайтларда у Салтанатнинг овозини мутлақо эшитмасам деб ўйлар, унинг дилозор гаплари юрагига санчилган зирапчадек кўп вақт уни қийноққа солар, шунда ички бир изтироб билан «шўрпешона эканман», деб қўярди. Кейинроқ эса Салтанат иккови тортишиб қолса, баттар ўжарлиги ошиб, сен шохида юрсанг — мен баргида юраман, дегандай иш тутиб, то хотини хўнг-хўнг йиғламагунча айтишиб ўтирар, охири бир-бирларини очикдан-очик ҳақорат қилишгача бориб етадиган бўлишди. Шундай пайтларда Азизнинг бутунлай руҳи тушиб кетар эди.

Салтанат эса деярли Азизнинг тескариси. Жаҳли кўзиганда бамисоли қутургандай жазавази тутар, ҳатто кўнгли истамаса ҳам, эрига аччиқма-аччиқ тескари иш қиладиган қайсар аёл. Айниқса, ҳомиласи анча билиниб юрган пайтлари эди... Кўчада Азиз билан қўлтиқлашиб кетаётиб, беҳосдан тойиб, музга йиқилди-ю... етти ярим ойлик гўдаги чала тушгандан сўнг Азиз унинг кўзига жинидан ҳам ёмон кўринадиган бўлди. Устига-устак бунга Азизнинг ҳаётдаги айрим уқувсизликлари, омадсизлиги кўшилиб, Салтанат тобора асабийлашадиган бўлиб қолди, у тез-тез касалхонага тушадиган, уйда ҳам сал нарсага жаҳд қилиб, эрининг юрагини сиқадиган одат чиқарди. Ўртада бир неча йил ўтиб туғилган иккинчи ўғил эса эр-хотиннинг орасини унчалик илитмади...

Салтанат ҳозир ҳам Азизнинг аҳволини тушуниш уёқда турсин, унинг дилгир қиёфасидан баттар ғазабланиб, шафқат қилиш ўрнига, баттар ёмон кўриб:

— Эркак зотига иснод келтирмай бўйинг ерда чири-син! — деди алам билан шивирлаб, юлқинганча шундоқ қаравотча ёнига — полга тўшалган ўрнига кираркан. — Узоқдаги қуйруқни деб... энди кулфатини тортяпман! — Бирдан ўпкаси тўлиб, бўғзига тошдай бир нарса ти-

қилди, киприкларига жиқ-жиқ ёш қуйилди. Кўз ўнгида яна Йўлдошнинг барваста, чақмоқдай қиёфаси гавдаланди.

Азиз ечиниб, кийимларини стул суянчигига илдида, дивандаги кўрпачага муккаси билан ташлаб, усти очиқ ётаверди. Бир оз эти увушгандан кейингина ўрнидан туриб, бошига ёстиқ топди, диван четига ташлаб қўйилган куёвлигидаги тўнани олиб оёғига ёпди ва хотини билан боласи ётган нариги хонага кулоқ солди: ўғилчаси бир-икки ғингшиб, жим бўлди; фақат кўчадан ўтаётган машиналарнинг овозигина очиқ деразадан вағиллаб кирар, онда-сонда катта йўлдан бу томонга қайрилган машиналарнинг ўткир фаралари Азиз ётан хонани бир зумга сутдай ёритиб юборар, кейин бирдан девордан ҳар хил соялар югуриб ўтиб, яна қайтадан хонага нимқоронғи шарпа чўкарди...

Азиз ётган жойида бир неча бор у ёқдан-бу ёққа ағдарилди. Остидаги эски диван сал қимирласа гижирлаб, пружиналари бели, кураги ва оёқларига қаттиқ ботар эди. Вужудини кўнгилсиз, мужмал, оғир ҳислар чулғаб олганди. Шу аснода у кимдан хафа бўлишини ҳам билмас, охири яна бутун айбни ўзидан кўрар, ичига чироқ ёқса ёришмас эди. У баравақтроқ туриш учун мажбуран ухламоқчи бўлди, аммо қовоғига худди кум қадалгандай кўзи юмилмади. Баттар асаби кўзиди. Ҳозирги дилсиёҳликни унутиш учун эсига тушган ҳар хил воқеаларни палапартиш ўйлай бошлади, узук-юлуқ хаёллар билан ҳиссиз бир ҳолда ётаверди. Йўқ! Бари бир аламли ўйлардан қутулолмади. Кўз олдига боягина хотини тилга олган Шорасул келди. Унинг қирғизқовоқ юзи, бароқ қошлари, ҳаммавақт йилтиллаб турадиган силлиқ қоп-қора сочлари, деярли бир нуқтага тикилмайдиган югурик қийиқ кўзлари, қурт еган олд курак тишини эслади... Ҳали Шорасулнинг иши куни кеча ёқлашга тавсия этилганини Салтанат билмайди... билмай туриб шунча хархаша қиялпти. Билса борми! Вой, баъзи олимларнинг кичик илмий советда оғиз кўпиртирганлари! Илмий иш буёқда қолиб... Шорасулнинг шахсий хислатларини кўкка кўтаришди обдан. Яхшиямки, мажлис раиси бор, вақт-вақти билан эслатиб турди... Хуллас, ҳарна қилгандаям, Шорасул омадли

йигит экан... Эпчилки! Бироқ олган мавзуси жуда умумий, чайналган мавзу... Азиз илмда биринчи галда фактларни ўрганиш тарафдори. Аммо бу ҳадеганда кўзга кўринмайдиган, машаққатли «қора» иш. Лекин бари бир фаннинг ўзаги, пойдевори факт... Олимлар тили билан айтилган «фундаментал масалалар»ни ҳам ишлаб чиқиш, тадқиқ қилиш керак, албатта. Лекин бунинг учун теран, ҳар тарафлама пухта билим, бир-бирига солиштириб кўрса бўладиган ўнлаб, юзлаб, минглаб илмий далиллар зарур. Назарий масалаларни ечишга бел боғлаган одам аввало ўзи қомусчи бўлмоғи лозим. Бироқ билими чекланган, ўз соҳасини кўламли қамраб ололмаган, бунинг устига қулай имкониятлар тақозоси билангина институт партасидан тўппа-тўғри илм даргоҳига сакраб ўтган олимваччалар, ахир қандай қилиб назарий, катта муаммоларни ҳал этиб беришсин?! Нари борса, аввалги ишлардан кўчириб олиб, мужмал, кераксиз, қуроқ бир нарса ёзгандан кўра, кичкина фактни атрофлича ўрганган маъқул эмасми? Биз фикрларни эмас, фактларни таҳлил этишимиз зарур! Фандаги энг муҳим нарса ҳам — фикрлар занжирида фактларнинг қонуний ўрнини топишдан иборат-ку, ахир?!

Азизнинг назарида Шорасул мутлақо ундайлардан эмасди. Мана, танишганига икки йилдан ошяпти-ю, бирон марта аспирантлар даврасида унинг баҳслашганини кўрмаган; аксинча, фан соҳасидаги гаплар чуқурлашиб кетгундай бўлса, Шорасул бирдан мум тишлаб қолар, худди гапирса хато қилиб кўяётгандек, ҳамсуҳбатларига жавдираганча индамай ўтираверарди, аммо гап ҳам қўшмасди. Ишлаётган мавзуси эса назариянинг айна баҳсли, анча қоронғи соҳаларидан — гўза генетикасига оид эди.

Азиз Шорасул ҳақида кейинги пайтларда кўп ўйлайдиган бўлди. Айниқса, унинг яқингинада келиб, жимгина юриб, бирдан илмий ишини тайёр қилиб қўйганига аввал инонмади. Кейин ўзича бунинг сабабини қидира бошлади «Йўқ, бари бир енгил иш капалакка ўхшаб умри қисқа. Ҳеч қачон йўқдан бор бўлмаган... Ахир, чалакам-чатти ишдан қандай қилиб катта натижа чиқариш мумкин?! Меҳнатсиз юзага келган нарсаларнинг бари таги пуч... Ҳаётда нимаики мавжуд — ҳаммаси ўзига яраша изоҳга эга. Акс ҳолда, у ғайритабиий ва ноқонуний».

Айни пайтда, Азиз Шорасулнинг тап тортмаслигига, ўзидан катта одам уни хафа қилган тақдирда ҳам, гўё ҳақоратни эшитмагандай тилёғламалик қилаверишига ажабланиб, неча маргалаб ёқасини ушлаган эди. Бу эшиқдан ҳайдаса, унисидан кирадиган, эгаси тош отиб кувса ҳам сал нари қочиб, яна думини қисганча эргашиб келаверадиган лайчасифат одамлар қайтага тезда ишини битириб, эшагини лойдан ўтказиб кетаверишини кўрган Азиз баъзи-баъзида ўзидан, ўзининг қовушолмаслигидан, ношудлигидан қаттиқ куюнарди.

... У ўйлаб ётиб-ётиб, охири кўзи илинди. Бугун тажриба участкасида бўлганини, ҳатто Маҳамат чатоқнинг: «Эрта-индин шаҳарга тушмоқчиман. Шунча йилдан бери ака-укамизу, лекин бир биримизни билмаймиз. Майли, катта бўлсам ҳам мен бошлай қолай... бир кириб ўтмоқчиман», деб адресларини суриштириб олганини ҳам Салтанатга айтолмади. Бунга вақт ҳам бўлмади, мавриди ҳам келмади.

* * *

Салтанат ҳам мижжа қоқмай ётарди. У тайинсиз ўйлар азобида тўлганар, дилидаги инсоф ва инсофсизлик туйғуси деярли бир мувозанатга келиб қолгани учун ҳам... ҳозир Азизни на қоралашни ва на оқлашни билмас, ўз ёғида ўзи қовурилар эди.

Болалиги бемалолчиликда ўтгани учун унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари ғариб ва бир ёқлама эди. Ёшлик ҳаёллари уни олис-олисларга, номаълум кенгликларга элтиб ташлагандики, ундан сира қайтгиси келмас ва қайтолмас эди. Қўйиб берса у ўзини юлдузлардек эркин ҳис қилгиси бор эди. Аммо сиртдан қараганда самовотдаги зарралар ҳам ўз билгича ҳаракат қилиб юргандек туюлса-да, аслида умумий қонунга — қудратли тортиш кучига бўйсунганини эса Салтанат ҳаёлига ҳам келтирмасди. Унинг фожиаси шунда эди. У, инсон ҳамиша истаганини эмас, кўпинча ўзига ёқмаган ишларни қилишга ҳам мажбурлигини тушунмасди. Натижада у ўз ҳаётини аста-секин азобга айлантира борган эди.. Кўпгина аёллар бахт ўрнида энтиқиб қабул қилгувчи йўргак ювиб, бола боқиш... овқат қилиб, эрини кутишлар ҳам Салтанатга баъзан ҳақорат бўлиб туюлар эди. Тор уй, зерикарли тушдек ўтаётган маъносиз умри ёшликдаги орзуларига шу қадар қарама-қарши эдики,

гоҳо Йўлдошдақаларни учратганда ўша тушидан бирдан сесканиб уйғонгандек бўлиб, ана шунда болалик хаёли яратган жаннатсимон макон ўрнида тўсатдан қақроқ чўлни кўргандай, баттар чорасиз аҳволга тушарди.

... Қоронғи уйда ҳамон киприк қоқмай ётаркан, у яна Йўлдошни эслади. Миясига: «Нега унга тегмадим-а? — деган ғайритабиий ўй келди. — Изимдан соядай эргашиб юрарди... Тавба!.. Пешона деганлари шу экан-да!..» Кейин Азизни, унинг ўша бир вақтлари Сергей Матвеевичникига қатнаб юрган студентлик йилларини хотирлади.

Шундоқ Салтанатлар яшайдиган уйнинг нарёғида Сергей Матвеевич деган машҳур селекционер профессор яшарди. Маҳаллада уни ҳамма ҳурмат қилиб, «Сергей ота» дейишарди. У Тошкентга келиб, университетда дарс берган, кейинчалик уруғчилик фанида катта мактаб яратиб... Ўзбекистондаги ҳозирги мавжуд пахта навларининг барини шу чол кашф этган, деган бир оз муболағали гаплар ҳам юрарди. Бунини Салтанат кичиклигида тушунмасди, албатта. Аммо чолнинг «катта одамлиги», «хатто министрлардан ҳам зўрлиги» қулоғига қуйилиб қолганди... Хуллас, уни айри йўғон гулдор ҳассасини кўлдан қўймайдиган, жиккаккина, қадди бир оз букик, сочлари, қошлари, чўққи соқоли ҳам оппоқ бу нуроний мўйсафид кириб-чиқиб юрадиган ҳаворанг катта дарвозага Салтанат бамисоли тубсиз сирхонадек қизиқиб қарар, тирқишларидан ичкариги кўзи тушиб қолганда, энтиқиб кетарди.

Сергей Матвеевич сўққабош эди. Айтишларича, кампири тириклигида улар бола боқиб олишган экан. Лекин у ҳам айни паҳлавондай етилган пайтида урушга кетиб, қайтиб келмабди. Эллигинчи йилнинг кўкламида кампири вафот этгач, бир ўзи қолибди. Шу-шу чол боёқиш неча йиллардан бери хизматкор ёллаган; у ҳафтада бир келиб, кир-чирларини ювиб, уйини саранжомлаб бериб кетаркан. Сергей Матвеевичнинг умри эса асосан институтда ўтаркан... Шанба, якшанба кунлари бўлса шогирдлари келиб, ҳовли гавжумлашиб, гўё институтдаги иш бу ерга кўчгандай бўлиб кетаркан.

Салтанат шуларнинг барини катталардан эшитган эди. Азиз билан танишишига асосан шу Сергей Матвеевич сабаб бўлгани учун ҳам Салтанат марҳум чолни ҳануз яхши эслади. Ўша пайтларда у тўққизинчи синфда ўқир эди... Бир марта дугоналари билан

аллақайси ҳинд фильмини кўриб қайтишаётган вақтида ҳадеб Сергей Матвеевич дарвозаси кўнғироғини босаётган нотаниш бир йигитга кўзи тушди. У қотмадан келган, қирра бурун, ёноқ суяклари бир оз бўртиб чиққан, юзлари бугдойранг; оппоқ финкасини каламинка шимига текис қистириб олган, қўлида каттакон сумка; ёши йигирма бешлар атрофида эди. Салтанат «бу ким экан?» дегандай беихтиёр тикилиб қолди. Шу пайт йигит бирдан Салтанат томонга ўгирилди ва ўзига бегона қиз тикилиб турганини кўриб негадир кулимсиради, садафдай тишлари ялтиллаб кетди... Салтанатнинг юраги шувиллаб бирдан юзлари ёнди, дарров кўзини олиб қочди. Оёқлари бўшашиб, сал нари бориб, яна орқасига қараган эди, йигит ҳамон унга тикилиб турган экан. Салтанатнинг юраги баттар дукирлаб, чап елкаси билан нозли бир юлқинди-ю югуриб уйига кириб кетди, ўзидан-ўзи энтикиб, зипиллаганча, меҳмонхонага кирди, дераза ёнига бориб, узун шол парданинг бир четини хаёл кўтарди ва профессорнинг дарвозаси тарафга мўраллади. Йигит ҳамон ўша жойда турар, аммо энди ҳадеб Салтанатларнинг уйи томонга аланглаб қарар, ора-сира дарвоза кўнғироғини босиб ҳам кўярди. Кейин сумкасини очди ва кичкина қоғоз чиқариб, нималарнидир тез-тез ёзди, тўрт буклаб почта қутисига ташлади ва Салтанат кириб кетган дарвозага жавдираб қаради-ю, аста трамвай бекати томон жўнади.

Ўша кундан бошлаб Салтанатнинг тинчи йўқолди. Бўлса-бўлмаса ҳадеб кўчага чиққиси келар, Сергей Матвеевичнинг ҳаворанг дарвозаси кўзига оловдай кўриниб, ҳар рўпарасидан ўтганда хўрсиниб қўядиган одат чиқарди. Шу зайлда орадан бир ҳафталар ўтгач, Салтанат кутилмаганда ўша йигитни трамвайда кўриб қолди. Трамвай энди кўзгалай деяётганда охириги вагонга югуриб чиқиб, шоша-пиша билет олмоқчи бўлаётувди, кимдир: «Салом, яхшимисиз», деди паст, майин овозда. Салтанат ўгирилиб қараса, ўша! «Раҳмат», деди-ю, юзлари гул-гул ёниб, юраги уриб кетди, ёнида дугоналари йўқлигидан ичида қувонди. Йигит ҳам бошқа гапирмай, фақат трамвай бир силтаниб юргандагина беихтиёр Салтанатга бурилди: Қизнинг атлас кўйлак тагидан туртиб турган муштдаккина кўкраги ва оппоқ, силлиқ бўйнига кўзи тушиб, бошқа ёққа қараб олди. У трамвай деразасидан лип-лип ўтаётган пастбаланд ҳовлиларга тикилганча, индамай кетаверди.

Орада ҳали бир-икки бекат бор. Салтанат орқадан туртиниб ўтаётган йўловчилардан четланиш баҳонасида секин йигитга кўз қирини ташлади: қўлида ўша сумкаси, ўша кийимда; ингичка бўйнини хиёл қийшайтирганча, ҳойнаҳой, Салтанатга қарашга ботинмай, нукул ташқарига тикилиб келяпти. Салтанат гўё трамвайдагилар унинг ҳозирги пинҳона ҳолатини пайқаб қолаётгандай ҳаяжонда эди. Ўз бекатига етгач, худди трамвайдан биров қуваётгандек шошилиб тушди-ю, зипиллаганча кетаверди. Газета дўкончаси олдидаги муюлишга бориб беихтиёр орқага қаради; йигит уч-тўрт қадам нарида Салтанатдан кўз узмай кулимсираганча келарди. Салтанат вужудини қандайдир ёқимли илиқлик қамраганча, йигитга ўгринча қарай-қарай, бирпасда уйига етиб келди. Дарвоза олдида атайлаб тўхтаб, дераза тагида тош ўйнаётган қўшни болақайларга қаттиқ-қаттиқ гапириб дашном берган бўлди; яна ўгринча профессор уйи томонга кўз қирини ташлади. Йигитнинг кўзи Салтанатда, дарвоза қўнғироғини босаётган эди. Бу гал эшик тезда очилди-ю, ичкаридан профессор чиқиб келди ва йигитни кўриб:

— Ҳа, Азиз, келдингми? Марҳамат, марҳамат, мен ҳам сени кутаётган эдим, — деди ва елкасига қоқиб-қоқиб, уйига бошлаб кириб кетди...

Салтанат йигитнинг исми Азизлигини шунда биринчи марта эшитди. Кейин ўзича ҳар хил юмушлар ўйлаб топиб, бир неча бор кўчага чиқиб, ташқарига аланглаб қараса ҳам, Азиз кўринмади. Ҳозиргина ловиллаб турган жисмини аллақандай ёқимсиз кайфият эгаллади-ю, умрида сира бошидан кечирмаган кўнгил хижилликдан юраги сиқила бошлади...

Охири бу сирни ичига яширолмай, баъзи энг яқин дугоналарига қўшиб-чатиб сўйлаб берди. Улар ҳам айна шу хилдаги пинҳона туйғулар оғушида юрганлари, бировнинг севинчини худди ўзиникидек талпиниб қабул қиладиган ёшда бўлганлари учун, бу «янгилик»ни жон қулоқлари билан тинглашди ва ҳатто Салтанатга ўзларича маслаҳатлар ҳам беришди. Гўё Азиз Салтанатга тегишли бир буюмдек:

— Бизга уни кўрсат, — деб хиралик ҳам қилишди.

Нимқоронғи уй. Салтанат гоҳ ғамгин кулимсираб, гоҳ хомуш, беғубор қизлик онларини ўйлар эди. Шу пайт

Ўғилчасининг каравоти қимирлаб, хаёли бўлинди. Салтанат бирдан кўнгли юмшаб, хўрлиги келди; каравот панжараси орасидан қўлини ўтказиб, боласининг елкасига қоқиб ухлата бошлади. Беҳзод тамшаниб-тамшаниб тинчигач, тагин хаёлга чўмди... Олис-олисларда, тўғрироғи, йўқликда қолиб кетган тотли дамларини эслаш унинг учун чиндан ҳам оғир, айна чоғда лаззатли эди...

«...Сергей отадек профессорниқига келиб юрадиган йигит ундай-мундайларданмасдир... — дея ўйлаганди ўшанда. — Профессорнинг ўзики уни атайлаб кутиб ўтирган экан...»

У Азизни кўп ўйлайдиган бўлди. Тақдир ҳали ўша йигитга дуч қиладимиз-йўқми, бунини билмасам-да, кўнглида нуқул хилма-хил режалар тузар, бундан ҳатто баъзан ўзи куларди. «Эҳтимол, сал ўтмай у ҳам профессор бўлар... Мен ҳам ўқийман. Қайси институтга десаям — бари бир: киравераман! Ҳовли оламиз. Ўқишдан қийналиб кетсам, Сергей Матвеевичга ўхшаб хизматчи ёллармиз... машинамиз бўлади...»

Салтанат ҳали анча ёш бўлишига қарамай, ҳаёт неъматларидан тўйиб фойдаланишнинг қанчалар сурурли эканини олдидаги опалари, акалари, кеннойилари ва ўз оиласи мисолида жуда эрта билиб олган зийрак қиз эди. У ҳисоб-китобли, тўқ оилада ўсган эди. Отаси кўп вақт савдо идораларини бошқарган. Фақат кейинги йиллардагина пенсияга чиқиб, Олой бозоридаги хўжалик моллари дўконига мудирлик қила бошлаган эди. Шу боисдан, Салтанатнинг Азиз сира тушуниб етолмайдиган ғалати-ғалати одатлари бор эди. Борига шукур қилишни Салтанат умуман тушунмасди...

У кўкраги кўтарилиб, оғир хўрсинди, гўё ёшликдаги савдойи хаёлларидан энди ўзи ҳам уялиб, бунини ўзгалардан яширишга уринаётгандай бошигача бурканиб олди.

Бошқа жинс дарахтни бошқасига пайванд қилганда бегонасираб, тутиб кетиши қийин бўлганидек, бу кичик оиладаги келишмовчиликларнинг сабабини ҳам анча олисдан ахтармоқ керак эди.

3

Салтанат Беҳзодни чўмилтириб ухлатди-да, майда чуйда кирларини чайиб ёйди, кейин энгашганча, юзлари бўртиб ваннани тозалаётганида эшик кўнғироғи жиринглади. Қаддини тиклаб, ажабланганча бир дам ўйланиб қолди. Ҳали вақт эрта эди. Азиз бу пайтда одатда

институтда бўлиши керак. Салтанат, қўшнилари билан биронтасидир, деган ҳаёлда шоша-пиша пешонасидаги терини сидириб, кўкрагига ёпишган кўйлагини кўчирди, у ёқ-бу ёгини тузатиб, эшикка борди.

— Ким? — деди қулфни очишга қўл чўза туриб.

Ташқаридан нотаниш одам «Салтанат» деб шивирлагандай бўлди. Салтанатнинг юраги ўйноқлаб кетди. Жонҳолатда иккинчи қалитни ҳам бураб қулфлади. Нафасини ичига ютиб, қулоқ солиб турди.

— Салтанат, очинг. Бу мен — Йўлдошман.

Салтанатнинг бирдан тиззалари бўшашиб кетди. Нима дейишини билмай чурқ этмай турди. Охири:

— Азиз ака ҳозир йўқлар, — деди ва ўз жавобидан ўнғайсизланиб йўталиб қўйди.

— Ана, холос! Тоза бопладингиз-ку! Йўлим тушиб, сизни бир кўриб ўтай дегандим... Майли, унда...

Салтанат эшикни очди. Остонада бир ўрам нарса кўтариб Йўлдош турарди. У бошини силкиб имо билан саломлашди-да, туфлисини остонадаги ҳўл латтага қайта-қайта артиб, таклиф кутмасданоқ уйга кирди.

Салтанат уни ийманибгина ўртадаги хонага бошларкан, кимдандир афв сўрагандек:

— Кўрқиб кетдим, — деди. — Уят қилмайсиз, ҳаммаёғимиз ҳалигидай... — Салтанат шоша-пиша диван суянцигига қатор ёйиб қўйган боласининг кўйлакчалари ва иштончаларини йиғиштириб ола бошлади.

Йўлдош қоғозга ўроғлиқ буюмни бурчакка авайлаб суяб қўйди-да, Салтанатга қараб жилмайди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... — У шундай деб, зимдан уйни синчиклай бошлади. Салтанат хонадаги нарсаларнинг эскилигидан уялиб, баттар ўнғайсизланди. Йўлдошни негадир тўрда турган стулга таклиф этди. Йўлдош «раҳмат, раҳмат», деб ўтирганида, нимжон стул худди жон киргандай гижирлаб кетди. Салтанат хижолат чекиб, ўзи ҳам бериоқдаги курсичага авайлаб ўтирди. Йўлдош дераза ёнидаги эски «Рекорд» телевизорига кўз қирини ташлади. Салтанат бунни сезиб:

— Азиз ака бултур айтгандилар, каттасига алмаштираман деб. Мен кўнмадим. Кичик бўлгани билан етти йилдан бери тиқ этмайди, яхши кўрсатади, — деди. Ичида эса: «Бу олифтага қаердан ҳам йўлиқдим-а, энди олдида нима қўяман, оқ қанддан бошқа ҳеч нарсам йўқ эди аксига олиб», дея ўйлай бошлади. Кейин «мен

ҳозир», деб ўрнидан тураётганида жонига Йўлдошнинг ўзи ора кирди:

— Салтанатхон, чой-пойга овора бўлманг, мен атиги бир минутга кирдим, холос. Ишим зиқ. Ҳар қанча тиниб кетганинга ҳам... мактабдошингни кўрсанг, одам шошиб қоларкан. Ўша кунни сизни кўрдиму...

Салтанат шоша-пиша:

— Раҳмат, — деди гўё ортиқча, ноўрин гапнинг олдини олмоқчи бўлгандай. Аммо дилида: «Бу нима дегани, тавба», дея ўйлади ва сергакланиб, аёлларга хос сиполик билан ёқаларини беркитди. Буни Йўлдош ҳам сезиб, гапини бошқачароқ изоҳлашга тушди:

— Бувим айтардилар: «Одам ўттизга чиққунча... ундан уёғи шунақанги чопқиллаб кетадики...» Кулардим. Мана, энди бошимизга тушяпти... Шунданми, сизни кўрдиму, ишонасизми, худди ёш бўп кетгандай бўлдим, Бола-чақа орттиргандан кейин қизиқ экан... қулоғи очиб қўйилган ариқдек уйдан — ишга, ишдан — уйга физиллаб боравераркансан... Ушалса-ушалмаса, орзули бўлиб яшаган тузук экан...

Йўлдошнинг бу фикрлари Салтанатга ҳам ёқиб тушгани учун хиёл кулимсиради, бармоқларини ўйнаб ерга қаради.

Шу пайт бирдан нариги хонада Беҳзоднинг аксиргани, кейин йиғиси эшитилди-ю, Йўлдош бир оз саросималаниб ўрнидан турди ва бегона уйда бировнинг хотини билан якка ўзи ўтиргани гўё энди эсига тушгандай: «Хўп, хайр бўлмасам... мана, кўрдим, вақт топсам яна кираман», деди. Кейин «албатта, сиз қарши бўлмасангиз» дея пайпаслаб ҳам қўйди. Салтанат гарчи кўнглида «тезроқ кета қолсайди», деб турган бўлса-да, бари бир мужмал бир кайфиятда ўрнидан қўзгалди:

— Ўтирсангиз бўларди, ҳали-замон Азиз ака ҳам қайтиб қолардилар, танишиб олардингизлар, — деди бўшгина.

Йўлдош божаси Шорасулдан яқиндагина эшитган янгилигини айтиб юборишига сал қолди. «Поччамиз Азиз ака тоғамизнинг аспирантлари эканлар-ку» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган жойида, нимадандир истиҳола қилиб айтмади. Фақат:

— Қачон қайтадилар? — дея ноўрин савол берди.

— Ҳар якшанбада колхозга — тажриба участкасига борадилар... ўшанда бир оз кечикадилар. Бошқа кунлари эса вақтида қайтадилар.

Бу бир жиҳатдан Салтанатнинг: «Азиз ҳозироқ эшикдан кириб келиши мумкин, тезроқ қорангни ўчир», деб шама қилаётгани эди. Йўлдош эса унинг соддадиллик билан айтган бу гапидан ўзича хулоса чиқариб олди... Кейин бурчакка қўйган қоғоз ўрамига кўз ташлади-да, Салтанатга анави кунги кўчадагидек оч нигоҳ билан тикилди.

— Э, танишишга улгурамыз ҳали, — деди у яна кулимсираб. Ҳуроғлик нарсани олиб, Салтанатга яқин келди: — Бу сизга! Эсингиздами, ўнинчи синфда ўқиётганингизда берган ваъдам?

Салтанат «вой, наҳотки» дея савол берган одам қиёфасида ҳайратланиб:

— Қандай ваъда экан? Эслолмаяпман, — деди бўйнигача қизариб, елкасини учираркан.

— Эсланг... Олмасангиз хафа бўламан.

— Йўқ, олмайман, Йўлдош ака. У киши кўрса нима дейдилар...

Йўлдошнинг баданлари жимирлашиб кетди. У Салтанатнинг оғзидан «Йўлдош ака» деган сўзни биринчи бор эшитиши эди. Гарчи, Йўлдош икки-уч ёш катта бўлса ҳам, мактабда Салтанат уни «Йўлдош» дер эди. Қувонганидан у бирдан чеккиси келиб кетди. Чўнтагидан сигарета чиқариб лабига қистирди-ю, зажигалкаси машинадаги костюмида қолганини эслаб, Салтанатга «гугуртингиз борми» дегандай термилди. Салтанат яна аксира бошлаган ўғилчасининг олдига йўналди. Йўлдош шундагина бу ерда чекиш ноқулайлигини сезиб, сигаретасини чўнтагига солди. Сал ўтмай Салтанат Беҳзодни кўтариб чиқди. Беҳзод кўзлари қоп-қора, ўзи оппоқ, майин, сийрак сочлари терлаб қулоқларининг орқасига ёпишганча, жажжи муштчалари билан кўзини тўхтовсиз ишқалар, йиғлашга тайёр турарди.

Гўдак бўлса ҳам, орага учинчи одам қўшилганидан сўнг Йўлдош ўзини ноқулай ҳис этди. Бунинг устига Беҳзоднинг қўлини ушлаб эркалатмоқчи эди, у онасига қочиб чириллаб йиглаб юборди.

— Олмасангиз хафа бўламан, арзимаган нарса, — деди Йўлдош кетишга чоғланиб. — Масалан, бизда бунақа буюмлар жуда кўп, менинг ишим ҳам йўқ, суриштирмайман ҳам. Кеннойингиз менга кўрсатиб ҳам ўтирмайди.

Салтанат ерга қаради. Индамади. Йўлдош хайрла-

шиб чиқиб кетди. Салтанат бир қўлида ўғли, бориб эшикни беркитди ва зинадан шип-шип тушиб бораётган Йўлдошнинг қадам товушларига қулоқ солганча, остонада бир оз михланиб турди. Кейин бирдан ўзини енгил ҳис этди. «Тавба! Хўп қизиқ гапларни айтди-ю... «Кеннойингиз менга кўрсатиб ҳам ўтирмайди». Бу — эрингга кўрсатма, деганимикин? «Берган ваъдам эсингиздами?» дейди. Тавба, нима ваъда берган экан? Нима деб валақлагани эсимда турарканми?! — Салтанат қаттиқ кулиб юборди ва қувончи ичига сиғмаганидан Беҳзодни чўлпиллатиб ўпди. — Тавба! Орадан шунча йил ўтиб кетибди, лекин унутмабди...»

Мана шу «лекин унутмабди» деган фикр унга қандайдир галати, негадир жуда аҳамиятли бўлиб туюлди. Кейин ўғлини диванга ўтқазиб, Йўлдош ташлаб кетган ўрамнинг ипак бөгичларини бўшатиб, очиб кўрди. Қараса, коса шаклидаги катта-катта иккита биллур идиш. Биттасини қўлига олиб айлантирган эди, деразадан тушаётган кечки шафақда ялт-юлт нур соча бошлади. Беихтиёр чойнак-пиёлалар турган шкафга юзланиб, сепига ойиси қўшган бир жуфт конфет соладиган биллур тарелкага қаради. Ҳар ҳафтада икки мартадан чангини артиб, жойига қўядиган бу идишлари Салтанатнинг кўзига ҳозир жуда ҳам жўн, оддий шишадек кўриниб кетди. Йўлдош ҳадя этган биллур косаларнинг гули майда, шакли ҳам замонавий, кўзни қамаштиради. «Қўлда буларнинг ҳар бири юз сўмдан ортиқ турса керак... — дея ўйлади Салтанат. — Э, тавба! Нима ваъда берган экан, ҳайронман? Лекин, қойилман, унутмабди... Мен бўлсам бу қулогимдан кириб, унисидан чиқиб кетарди... Нима деган эди? Тавба! Шунча йил ўтиб унутмабди-я, боёқиш! Демак... кўнглида бор экан! Бекорга кетимдан чопиб юрмаган экан... Севаркан!.. Севаркан... Ахир, пешонамга ёзилгани шу бўлса, айб мендами? Муҳаббатнинг кўзи кўр дейдилар! Қисмат дегани шу: олдингдан оқади — қадрламайсан... Кафтингда турди — кўрмайсан, ўз қўлинг билан ташлаб юборсан... Э, ҳаётда бир мен шундайманми? Юзлаб, минглаб одамлар шундай-ку... Ҳаммасининг кўзи кейин очилади... Кейин очилади! Кейин эса фойдаси йўқ... Қайтага зиён. Баттар азоблайди... Шунча йил ўтиб, унутмабди-я!.. Вой тентак! Ҳалиям қолмабди тентаклиги! Шу гаплари чинданмикин! Ёки мени лақиллатяптими?.. Тўхта! Тўхта! Топдим! Эсладим! Ўнинчи синфдаги воқеани

айтяпти у! Имтиҳон куни бўлган воқеани! Ха, ўшани айтяпти! Муаллимларимизга гул олиб кетаётганимда... қитмирлик қилиб чинни гулдонни синдириб қўганини айтяпти...»

Ўшанда Салтанат ясан-тусан билан биринчи давлат имтиҳонига бораётган эди. Кўчада кутилмаганда Йўлдошга дуч келиб қолди-ю, икки йил ичида одамнинг шу қадар ўзгариб кетишига ҳайрон бўлиб ёқасини ушлади. Хаёлида дарров уни Азизга солиштириб кўрди. Йўлдош бурқиратиб папирос чекиб келаётган экан. Салтанат унинг чека бошлаганини ҳам биринчи ўшанда кўрган эди. Йўлдош Салтанатга кўзи тушиши ҳамон бирдан оғзи қулоғига етиб, шоша-пиша папиросини ерга ташлаб, оёғининг учи билан чўғини эзиб ўчирди. У семирив, катта кишилардек яғрин қўйиб етилган, қарашлари энди хотиржам, энг кулгилиси: мўйлов қўйибди; кундуздек жингалак сочлари ўзига ярашган. Салтанат у билан эски қадрдонлардек сўрашди... Ҳар қалай, шу йигитнинг илк балоғат талпинишлари, мусаффо туйғулари Салтанатнинг изларида қолган: бу ўз-ўзидан Салтанатга қандайдир ички бир мажбурият юклар эди. Буни Салтанат биларди. Аммо аввалбошданоқ унда Йўлдошга нисбатан жиддий бир ҳиссиёт уйғонмагани учун бечора йигитни қийнаб, зимдан мазаҳ қилгани қилган эди. Йўлдош эса Салтанатни кўрганда расмана ўзини йўқотиб, бир оғиз ҳам гапиролмай, фақат Салтанатга илҳақ бўлиб тураверарди. Салтанат ошиқ йигит нигоҳи ва кўксидаги ўтли жароҳатни гоҳо атайлаб алангалатар, ҳар хил қилиқлар билан унинг рашкини кўзгар, азобидан завқланар; хуллас, мактабда «донғи» чиққан шу «шўртумшук бола»ни ипакдай эшиб қўйган эди бир вақтлари...

Ўшанда Салтанат имтиҳонга шошмаётганда, эҳтимол, у билан бамайлихотир гаплашиб, ҳол-аҳволларини суриштирарди. Аммо аксига... Йўлдош ҳам энди бурунгидай тортиниб, қимтиниб ўтирмай, тўппа-тўғри Салтанатнинг қўлидаги гулдастани ҳидламоқчи бўлди:

— Ўхў, зўр-ку. Эгаси ким экан?

У гулни ҳидлаш баҳонасида Салтанатнинг билагидан ушлади. Салтанатнинг юраги шувуллаб, атрофга олазарақ аланглади: кап-катта кўча-я! Беихтиёр гулни Йўлдошга узата туриб, «эгаси — бугун имтиҳон олади-

ган Холдор ака», демоқчи эди, бунинг ўрнига чувалчанг босиб олгандай «вой» деб қичқирганча жонҳолатда орқага чекинди. Йўлдош гулнинг новдасидан ушлагани учун тагидаги сув солинган ихчамгина чинни гулдонни кўрмадими, у ерга қарсиллаб тушиб чил-чил синди. Йўлдошнинг шим почалари, Салтанатнинг баланд пошна туфлиси жиққа ҳўл бўлди. Гулдаста ҳамон Йўлдошнинг кўлида; чала тозаланган тиканлари кафтига кирса ҳам, сир бой бермай Салтанатга қараб жилмайиб турарди. Кейин икковлари бирдан кулиб юборишди.

— Хафа бўлманг, Салтанат, — деди Йўлдош охири тепиниб-тепиниб почасининг сувини қоқаркан. — Мен сизга кейин тилласини олиб бераман.

— Нима бало, тилла конида ишляяпсизми? — Салтанат юлқинди.

— Илгари ишламасак ҳам энди ишлаймиз, сиздан кутулиш учун, — деди Йўлдош кулимсираганча гулдас-тани узатаркан.

Салтанат бошқа индамади. Гулдастани олиб, мактабига қараб тез-тез юриб кетди...

Йўлдош Салтанатга еттинчи синфдан бери *бошқача* қарарди. У пайтда ўзи тўққизинчида ўқир, анча зийрак бўлгани билан, аммо кунти кам, жанжалкаш, «кучлиман» деб синфдошларига кун бермас, айрим муаллимларга ҳам тик қараб, баъзан уришиб дарсидан чиқиб кетаверадиган, интизоми бўш ўқувчи эди. У Салтанатнинг изидан бир йилдан ошиқроқ эргашиб юрди. Охири қизнинг кўнгли йўқлигини, ҳатто орқасидан майна қилишларини пайқадими, бирдан индамай кетди. Салтанат кейин уни Йўлдош ўнни битирганда ёз пайти мактаб кутубхонасида кўрди.

Салтанатнинг юраги илк бор ўшанда шув этиб кетган, Йўлдошнинг тўсатдан ўзгариб, бунчалик кўзга яқин бўлиб қолганига, тўғриси, ажабланган эди. Ўшанда Йўлдош башанг кийиниб олган, кўлида қалин дафтар билан бир-иккита китоб, қаёққадир шошиб кетаётган экан. Салтанатга остонада дуч келиб, биринчи марта унга дадил яқинлашиб:

— Салом, Салтанат! — деганди қўл узатиб, Салтанат кўришгач, ўзидан-ўзи гап бошлаб кетганди: — Политехникага киярман. Физикадан беш бўлди. Эртага иккинчи имтиҳон: математика.

— Яхши... — Салтанат унга чинакам ҳавас билан қараганди...

Шундан кейин Йўлдош анча вақт кўринмади. Институтга қиролмаганини Салтанат кейинроқ эшитди. Ҳатто профессор тоғаси ҳам ёрдам беролмабди... Охири, ўзи азалдан таваккалчи, айтганини қиладиган йигит эмасми, бульдозерчилар тайёрлайдиган ҳунар мактабига ўқишга кириб кетибди... Азиз билан танишганига анча бўлгани учун Салтанат бу янгиликни эътиборсизгина эшитди ва тезда унутиб юборди. Орадан икки йил ўтгач, кўчадаги анави кулгили воқеа юз берди. Кейин Салтанат турмушга чиқди. Биринчи бола насиб этмади. Энди Беҳзодлари бор...

«Қизиқ бўлди-ку, — деди Салтанат ўзига-ўзи, биллур идишларга кўз ташларкан. — Азиз акамга нима дейман?! Тавба, шунча йил ўтиб... арзимаган битта гулдонни унутмабди! Ҳалиям ўша-ўша: тентак! Тўппатўғри кириб келаверганини-я! Кўрқмабдиям... Эркақ кишига бало ҳам урмайди... менга мақтанмоқчи бўлгани бу! Ҳе, матоҳинг курсин!.. Бекор олдим, бекор олдим... Нега қайтариб бермадим?.. Бўлар иш бўлди энди. Буни даф қилиш керак. Айтмасам, Азиз акам қаердан билиб ўтирибди? Ғўзасидан бошқа нарсани ўйламайди-ку, у...»

Салтанат қанча ўй сурди, аниқ билмайди. Қизлик дамлари, ўқувчилик йилларини эслаб, юзини ҳазин табассум эгаллади. Ҳали ҳам диванда ўтирганча олдига уйиб олган ҳар хил ўйинчоқларини бир-бирига отиб ўйнаётган Беҳзодни даст кўтарди-ю, лўппи юзларидан яна чўлпиллатиб ўпди.

— Вой, йиғлоққинамдан ўргилай! Вой, қоровулчамдан ўргилай! — дея қўлида отиб-отиб эркалай бошлади. Кейин ичкари уйдаги сандиқни очиб, Йўлдош ташлаб кетган биллур идишларни келинлигида кийган оқ ҳарир кўйлагига ўради-да, бир чеккага бостириб қўйди. Сандиқ устига яна кўрпа-тўшакларни йиғиб, ошхонага кирди. Совутгични очиб, «нима овқат қилсамикин», деб ўйланиб қолди.

4

Уруғчилик институти шаҳар марказидан хийла четда жойлашган, бир томони колхоз далаларига туташ; анча илгари қурилган бино бўлса керак, деразалари катта-

катта, ту누ка томли, кираверишида қавариқ гербли баҳайбат кунгураси ҳам бор. Аввал герб зарҳал рангга бўялган шекилли, ҳозирги сидирга оҳаклари кўчиб, олачалпоқ бўлиб, герблиги ҳам унча билинмайди. Тепарокда қизил алвонга битилган «Пахта — бойлигимиз» деган шиор. Залварли очиладиган икки тавақали заранг эшикка олиб чиқадиган йирик-йирик учта мрамар зина ҳам йиллар ўтиши билан анча ейилиб кетган. Зинанинг икки четидаги пахта чаноғига ўхшаш бесўнақай бетон тувакларга ҳар хил гуллар экиб қўйилган. Эшикдан кириш билан кенг йўлак бошланади ва у уч-тўрт қадамдан сўнг чапга бурилиб, то бино охиригача икки тарафда бир хил хоналар қаторлашиб бораверади. Хона эшикларининг бари икки тавақали, ярмигача ойнаванд. Деярли ҳамма хоналарда сарғиш жавонлар кўриниб туради, уларнинг тепасига ҳар хил бурама қоғозлар қалаб ташланган, йўлак охирига етилгач, бу бир хиллик кескин ўзгаради. Газета-журналлар учун қўйилган пастак стол ва икки-учта янги креслолар кўзга чалинади; йўлак полига гулдор линолиум ётқизилган. Деворларда турли-туман жадвал ва кўрсаткичлар, пахта навларининг намуналари; дераза пештахтасида эса тувакчаларга экилган гуллар, худди пуфлаб шиширилгандай силлиқ қавариқ қора чарм эшикка йирик-йирик босма ҳарфларда «Директор» деб ёзилган. Илгари директор кабинети иккинчи қаватда эди, зилзиладан кейингина пастга кўчирилган. Қора чарм эшикни очиб ичкари кирилса, кичик бир ҳовлидай келадиган қабулхона. Шундай ўнг бурчакка одам бўйи келадиган қадимги соат қўйилган. Рўпарадаги баланд дераза тагида котиба қизнинг ихчамгина столи устида машинка. Қабулхонанинг бир томонига қатор стуллар терилган. Деворларда Дарвин, Мичурин, Тимирязов ва яна аллакимларнинг портретлари. Қабулхона полида ҳам худди йўлакдагидек гулдор линолиум...

Азиз билан Шорасул ўтирадиган хона қабулхонага келаверишда, буёқдан санаганда тўртинчи эшик. Азиз дам олиш куни бўлишига қарамай, хонасида бир ўзи ёлғиз ўтирибди. Доим одам қайнайдиган тўрт қаватли институт биносида бугун ҳеч ким йўқлигидан аллақандай ғайритабиий, ёқимсиз сукунат ҳукм сургани учун Азиз ҳар қанча уринса ҳам қўли ишга бормай хаёл олиб қочарди. Ташлаб юборса бўладиган пастак эски столига эгилганча, ҳадеб пешонасини тириштириб ўз ташвиши-

ни ўйларди... Аспирантурани тугатганига ҳам, мана, уч йилдан ошяпти. Яна ўша — эски иши — лаборантлик вазифасида. Оладиган маоши тўқсон саккиз сўм. Бир ёқда оила, бола-чақа... хархашаси оламини бузадиган хотин... Турмуш эса ўсиб кетяпти...

Шуларни ўйлаганда Азиз худди боши берк кўчага киргандай меровсиб қолар, турмуш муаммолари хусусида хотинига ўхшаб майда ўйлар, майда туйғуларга кўмилиб кетар, «илм — жафоли, кети — вафоли» деган гапларга ҳам ишонмай кўярди. Файрати жўшиб, ишга киришиб кетган пайтларида эса оила икир-чикирларини унутиб, тўғрироғи, улардан ўзини баланд тутиб, «инсон боласининг катта мақсади бўлмоғи керак», деган кўтаринки фикрлар оғушида юрар... пахтакорга ҳозир сув билан ҳаводек зарур бўлиб турган заволсиз нав яратиш орзуси кўнглида баттар аланга олиб, нуқул ўз кашфиётини ўйлар, эртанги кунига зўр умидворлик билан қарар эди. Аммо, афсуски, хаёл бошқаю ҳаёт бошқа экан...

Ҳозир ҳам Азизнинг дили хуфтон! Кўтаринки кайфиятидан асар ҳам йўқ. Туни билан мижжа қоқмай, ух тортиб, охир-оқибатда яна ўзини айбдор деб топди. «Сен молпарастсан, мен фан кишисиман, олимман», деб дабдаба қилган билан бирон нарса ўзгариб қолмайди-ку, ахир! Салтанат бечорала нима айб?

Четларига қачонлардир сиёҳ томган, ойнаси тагига ҳар хил жадваллар қистириб қўйилган столидан кўз узиб негадир шифтга қаради. Тепадаги фанер шифтда қанотларини ёйиб учишга ҳозирланаётган бургутларга ўхшаш иккита баҳайбат вентилятор чанг босганча осилиб турибди. Улар ҳатто ёзда ҳам айланмайди. Бир ишлатмоқчи бўлиб уриниб кўришганда тариллаган овозидан безор бўлиб кетишди. «Наҳотки, шундай... Қаёққа қарасанг — чегара, ҳошия. Анави ойнаванд кўргазмаларга қўйилган янги пахта навлари ҳам ҳошияланган. Ўтирган хонаси ҳам, гарчи жуда баланд, кенг бўлса-да, тўрт бурчак. Қаёққа қарама — тўрт бурчак... Умрнинг ўзи ҳам вақт билан чегараланган-ку, ахир! Чегараланган! Азизнинг мана шу кичкина иши ҳам... Акс ҳолда, у яқшанба куни келиб, бир ўзи шу хонада қоғоз титкилаб ўтирмай, хотини билан ўғилчасини оларди-ю, дадасиникигами ёки шаҳар четигаги сўлим бир жойгами зув-в этиб кетарди-қоларди. Аслида Салтанат ҳам шуни истайди! Наҳотки, бу истаги ноўрин

бўлса?.. Мана энди Азиз якшанба куни ҳам келиб, директорнинг шахсий топшириғини қилмоқчи. Расул Оллоёрович тузиб чиққан чала-чулпа жадвалларни бири-бирига қиёслаб, солиштириб, ҳақиқатга яқинлаштириши керак... Якшанба куни эса унинг учун тўхтаб қолгандай... Азиз дам ҳам олмайди, худди механизмдай, мурватини бураб қўйса — бир маромда юраверади. Унда на юрак, на ҳис-туйғу бор. У — машина... Салтанат мана шунисига куяди».

Азиз истар-истамас ўрнидан туриб, рўпарадаги — тутқичларининг атрофини ёғ босиб кетган сарғиш жавонни гичирлатиб очди-да, кеча ўзи қўйган семиз папкани олди.

Шу аснода худди кутиб тургандай Расул Оллоёрович қабулхонасидан данг-дунг овоз эшитилди. Азиз нафасини ютиб, беихтиёр кейинги дақиқани пойлади; кабинет ичидаги осма соатнинг ҳам тантанавор даранг-дурунги қулоғига чалинғач, кимсасиз институт йўлақларини юракни аллаловчи майин оҳанглар қамраб олди. Шундоқ қабулхонага кираверишда — ўнг бурчакда турадиган одам бўйи қадимги соат Азизнинг кўз ўнгига келди. Биринчи ўша занг урди, кейин унга кабинетдагиси «жўр» бўлди. Бу товушлар институт ходимларининг барига таниш эди. Ишга келиш, овқатга чиқиш, ишдан кетишга ҳам шу овозлар белги эди.

Азиз Расул Оллоёровичнинг, гарчи ўзи элликлардан ошган бўлса-да, анча ёш кўринадиган бардам қиёфасини кўз олдига келтирди. У ўрта бўйдан сал баланд, очиқ юз, ҳамиша босиқ ва салобатли гапирадиган, доим бировларнинг таъвишида куймаланиб юргандай кўринадиган ёқимтой одам эди. Одми, сипо, тоза кийинарди-ю, кўзойнакка зеб берган эди. Чўнтагида хатга, залга, узоқ ва яқинга қарайдиган иккита, ҳатто учта нафис кўзойнак олиб юрарди.

Кеча Азиз кирганда ҳам у битта кўзойнагини авайлаб ғилофига солиб, бошқасини тақаётган экан. Азизни кўриб, оғир заранг ёғочдан қилинган, оёқлари шернинг панжаларига ўхшатиб ишланган қатта столдан турди-да, унга рўпарадаги юмшоқ креслони кўрсатди. Юзларига кулимсираб тикилиб:

— Азизжон, ишлар қалай? — деди овозидан меҳр ёғилиб.

— Раҳмат, домла.

— Раҳматни қўйинг. Кўзингиз айтиб турибди: хафа-

роқ кўринасиз. Нима гап? Айтаверинг. Менга айтмасангиз, кимга айтасиз?

— Йў-ўқ. Ҳеч гап йўқ. Сал тобим қочиброқ турибди.

— «Қочиброқ турибди»ми ёки «қочган»ми? «Қочган» бўлса, докторларга қаратайлик. Қурбимиз етади, тортинмай айтаверинг. — Расул Оллоёрович кенг қаншарини силаб, Азизга самимий тикилди.

— Раҳмат, домла, сал шамоллаганга ўхшайман.

— Унда ихтиёрингиз. Мабодо, ёрдамим керакми, марҳамат, сира тортинманг.

Расул Оллоёровичнинг одатини Азиз яхши биларди. Бирор жиддийроқ топшириғи бўлса, гапни мана шундай узоқдан, ҳол-аҳвол суриштиришдан бошларди. Охири илмий иши билан ҳам қизиқарди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди:

— Азизжон, анави тажриба ишларингиз қалай кетяпти? Бирон натижа чиқай дейдими?

Азиз елкасини қисди. Кейин гўё Муҳиддин Жабборовичдан ўпкалагандай:

— Домла ҳалиям ўша эски фикрларида турибдилар, — деди ҳафсаласизлик билан. — Илмий ишдан кўра кўпроқ ихтирочиликка берилиб кетганмишман. «Сиз рационализаторлик бюросида эмас, фан даргоҳида, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ йил олдинни кўзлаб ишланадиган даргоҳда хизмат қиляпсиз, тушундингизми?» дегандилар ҳў бир марта. Умуман, қилаётган ишимдан куладилар. Ўзимга индамайдилар, орқаворатдан эшитиб қоламан...

Бу гапдан Расул Оллоёрович сезилар-сезилмас ўнғайсизланди. Чунки у Азизнинг фикрига бирор муносабат билдириши, яъни Муҳиддин Жабборовични ё қоралаши, ёки оқлаши зарур эди. Шу сабабли ҳам кейинги фикрини анча мужмалроқ шаклда баён этди:

— Майли, домлангиз сизни тушунмаётган эканлар. Ҳўш, ўзингиз-чи, қўлингизда нима далилингиз бор? Шунча йиллик уринишдан бирор натижа чиқдимми?

Азиз жавобга шошилмади. Чунки уни айни шу савол қийнаб юборган эди. Бундан анча йиллар олдин иш бошлаб, ўша дадил ғоясини ўртага ташлаб улгурмасиданоқ унга ҳамма шу саволни берган эди. Ахир, қандай қилиб дарров натижа чиқарсин?! Авваллари-ку, яхши томони — Сергей Матвеевич тирик эди; ортиқча гап-сўзларга ўша боёқиш қалқон бўларди. Энди-чи?..

Ҳамма бало шундаки — Азиз илгари сураётган фикр

ҳозирги амалдаги кўп нарсаларни барбод этиб ташлайди. У пахтадаги вилт касалига қарши янги усул билан курашмоқчи. Очигини айтса, бу ерда илмий жиҳатдан ҳеч бир янгилик ҳам йўқ, фанга илгаридан маълум йўл. Лекин эсдан чиқарилган, кўп йиллардан бери аҳамият берилмаган, натижада, олимларнинг назари ва эътиқодидан қолиб кетган йўл... Гап мана шу унутилган усул хусусида боряпти.

Азиз деҳқончиликнинг оғир касалликларини текширган Вавилов сингари тадқиқотчиларнинг асарларини, Мичурин тажрибаларини қайта-қайта синчиклар экан, бу фикрида тобора қатъийлашди. Чиндан ҳам дорига зўр бериш билан иш битмайди. Вилт ташқи муҳитга шу қадар тез мослашувчан балои азимки, сал ўтмай ҳар қандай заҳарга ҳам ўрганиб олиши турган гап. У илдиз орқали ғўза танасига киргач, ўзини ҳимоя қиладиган қобиқ орасига яшириниб, заҳарини чиқараверади. Шу боисдан ҳам у унча-мунча дорига ҳадеганда бўй бермайди. Энг ёмони шундаки, ғўё у одамлар билан ўчакишгандай, уларни йил сайин ўткирроқ дориларни ишлатишга мажбур қилипти... Демак, пахтачиликнинг келажаги — *янги чидамли навлар яратиш* билан боғлиқ! Ғўзани вилтдан сақлайдиган бошқа ҳамма кимёвий воситалар эса бу офатга қарши курашда *қўшимча, ёрдамчи куч* бўлмоғи керак...

Азизнинг бу фикрини ҳеч ким рад этмайди. Бу фикр аслида Азизники ҳам эмас, илгаридан маълум гап. Аммо Азизнинг кейинги иши, кейинги талқинига келганда Муҳиддин Жабборовичга ўхшаш олимлар оёқ тираб қаршилиқ кўрсатадилар. «Муштдай бола»нинг «бемаъни қилиғи» Муҳиддин Жабборовичнинг жигига тегиб, туриб-туриб уни кумурсқадай эзиб ташлагиси келади. Азбаройи манманлигидан Азизнинг ишидан ҳеч бир натижа чиқмаслигига астойдил ишонади. Бироқ ўзи яратган самарадор, пишиқ «Ф» пахтасига ишониб, деярли чорак аср давомида касалликка чидамли, ҳозирги навлардан кескин фарқ қилувчи янги навлар вужудга келтирмаганини ҳам ичида баъзан тан олиб қўяди. Айниқса, сўнгги йилларда вилт худди қутурган дарёдай тобора кўп майдонларни эгаллаб бораётганини кўргач, ўртада оғир хатолик ўтганини пайқади-ю, бунга қисман ўзини ҳам жавобгар ҳисоблаб, баттар дами ичига тушиб кетди. Бировга айтолмаса буни!.. Чиндан ҳам пахта уруғчилигида маълум

даврда кечирилмас катта бўшлиқ юзага келишига йўл қўйиб берилгани учун ҳам ҳозир ўша бўшлиқни вилт эгаллаб турибди... Бунинг устига, Муҳиддин Жабборович урушдан аввалги йиллардаёқ кўпчилик хўжаликларда алмашлаб экишга аҳамият сусайиб кетганини ҳам яхши эслайди. Бироқ ўша қалқиб турган беҳаловат йилларда мамлакатга иложи борица кўпроқ пахта керак эди, ҳар қарич ер ҳисобда эди. Бутун диққат-эътибор кимёга, янги чидамли нав яратиш масалаларига қаратилгани, натижада табиатнинг кўпгина азалий қонунлари, шартлари унутилиб, унинг ўрнини ҳа бўлсинчиликка асосланган қуруқ ташаббускорлик эгаллаганининг асл сабаби ҳам шунда эди. Дехқончиликнинг ўзаги бўлмиш алмашлаб экишдан воз кечиш бир кун бориб оғир оқибатлар туғдиришини ўша пайтларда ҳали ёш, ғайрати жўшган, зукко олим Муҳиддин Жабборович ҳам сезмай қолмасди, албатта. Аммо умумий оқимга қарши сузиш қийин эди... Бунинг устига, айрим янги навлар бир неча ўн йиллар давомида кимёвий ўғитлар кўмагида ташқи таъсиротга сира бўй бермай, шу даражада юқори ҳосил инъом этдики... Шундан кейин алмашлаб экиш тарафдорлари бутунлай энгилиб, ҳатто қувғин қилинганлар ҳам бўлди.

Муҳиддин Жабборович айни ўша йилларда ном қозонди. Ҳатто уни фронтга олиб кетамиз деб туришган пайтда, уруш қизиган 1942 йилда у яратган «Ф» нави Давлат синов комиссиясига топширилди-ю, қўлида чақирув қоғози билан вокзалдан қайтариб келишди. Уруш тугагандан сўнг Муҳиддин Жабборович шу уруғчилик институтида анча йиллар директор бўлиб ишлади. Докторликни ҳам шу ерда ёқлади, шу ерда профессор, академик бўлди... Мана, энди ўша бир вақтлардаги ортиқча хотиржамлик, манманлик, ютуқлардан эсанкирашнинг оқибати пахта уруғчилигини мушкул аҳволга солиб ўтирибди. Бунинг Муҳиддин Жабборович ҳам юрагининг туб-тубида ҳис этади-ю, аммо очикчасига тан олгиси келмайди. «Биз қилган хизматларнинг, ваҳоланки, юздан бирини қилишсин-чи булар, ана ўшанда гаплашамиз, — деб зардага ўтади даров. — Бор кучимизни аямадик. Энди навбат ёшларга! Қани бир кўрайлик, азаматларни», деб мажлисларда пичинг отиб гапиради. Лекин ёшларга тизгинни беришга келганда эса... худо асрасин! Бу фақат унинг шуҳратпарастлигидан эмас. Йўқ, йўқ! У ўзини ҳали

бақувват сезади, шунинг учун ёшларга ўзига ишонган-чалик ишонмайди...

...Азиз шу алфоз ҳар кимдан эшитган гаплари, ўзи шоҳид воқеаларни эсларкан, кўз ўнгида Сергей Матвеевичнинг жиккаккина жуссаси гавдаланиб, ўсиқ қошлари остидан доимо кулиб қарайдиган мовий кўзлари ҳамон унга термилиб тургандек туюлди, меҳрибон чолнинг бевақт ўлиб кетганига чин кўнглидан ачинди. Сергей Матвеевичнинг елиб-югуриб, колхозга чиқиб, озгина ер олиб берган пайтларини хотирлади-ю, беихтиёр кулимсиради. Ҳаммаси ўша боёқишнинг зўри билан бўлган эди. Азизнинг шу «сержанжал» мавзусини тасдиқлаиб берган ҳам Сергей Матвеевич асли. Азиз ўзига расмий шогирд тушган, биринчи кунёқ у билан салкам уч соатча суҳбатлашган ва охирида шундай таклиф қилган эди:

— Азиз, сени кўпдан бери биламан, сенга ишонаман. Бир ҳафта муҳлат сенга. Яхшилаб ўйлаб кўр яна. Пахта уруғчилиги соҳасида ҳозир — шу кунда, шу дақиқада қандай долзарб масала турибди? Обдан бош қотир. Таклифларингни айтасан, кейин мавзу белгилаймиз...

Азиз ҳафта давомида ўйлади. Адабиётларни, газета-журналларни кўриб чиқди. Домласи ҳузурига келиб:

— Сергей Матвеевич, — деди дадиллик билан. — Шу пайтгача бизда ёввойи нав иштирокида бирон-бир пахта нави яратилганми? Йўқ! Нега? Назариядан ўзингиз ҳам ўқитгансиз: ёввойи навлар касалликка чидамли. Шу хусусиятни наҳотки ҳосилдор навга ўтказиш мумкин эмас?!

Сергей Матвеевич ўсиқ қошлари бирдан кўтарилиб, мовий кўзлари баттар жонланиб кетди.

— Бу ниҳоятда қизиқ масала! — дея хитоб қилди у. — Бу ҳақда кўплар бош қотирган. Камина ҳам... уч йилча шу иш билан шуғулланиб, охири натижа чиқмай, ташлаб кетганман. Вақт етмаган. Бошқа навлардан ортмаганман. Аммо синаб кўриш керак. Бу қизиқ масала! Нима учун ўша ёввойи навлар вилтга бўй бермайди? Вилтга қарши қандай ҳимоя механизми бор уларнинг? Биз яхши билмаймиз. Аввало шуни аниқлаш керак. Шу нарса аниқланса, худди ёввойи ҳайвон қўлга ўргатилгандай, эҳтимол, ёввойи ғўзани

ҳам маданияштираш мумкин бўлар... Очигини айтсам, ярамга қайтадан туз сепдинг, ўғлим... Майли, ишга киришавер. Кўлимдан келган ҳамма ёрдамимни аямайман...

Азиз кейин яна Муҳиддин Жабборовични эслаб, қовоғи уюлди. Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, машҳур селекционер Муҳиддин Жабборович билан айри чиқиб, унга гап қайтариб юрганидан негадир ҳозир бирдан юраги увишиб кетди. Муҳиддин Жабборович, юзаки қараганда, Сергей Матвеевичдан кейин Азизнинг иккинчи илмий раҳбари. Аммо одам билан одамнинг ҳам фарқи шунчалик бўларканми?! Бошиданоқ у Азизни ёқтирмади. Ёноқлари теп-текис, қип-қизил, қошлари энли, фақат чаккаларидагина сочига бир-иккита оқ оралаган Муҳиддин Жабборович Азизнинг ахборот ўрнида ёзилган ишига беписанд кўз югуртириб чиқди-ю, гапларини тинглаб, ҳеч нарса демади. Бошини силкиб, чўнтагидан оппоқ дастрўмолини чиқариб, лаби, бўйни, юзи, кўзларининг четини обдан артди ва: «Қани ишлайверинг-чи», деб қўя қолди. Лекин илмий совет йиғилишларидан бирида Азиз ахборот бераётган пайтда унга лабдурустан луқма ташлади:

— Азизжон, сиз, биология тарихидаги айрим тажрибаларни рўқач қила туриб, мадания навни тўсатдан ёввойи, эркаклаган гўзага чатиштиряпсиз. Шу пайтгача ҳали пахтачилик тарихида бундай тажриба қўлланмаган. Ваҳоланки, бундан натижа чиқишига қатъиян ишонасизми ёки таваккал қилиб кўряпсизми?

Ўтирганларнинг бари ялт этиб Азизга қаради. У аввал ҳам айрим олимлардан бу саволни эшитган ва қўлидан келганча жавобини берган эди-ю, бироқ ҳозирги вазиятда, кўпчиликнинг ичида, яна ўз домласидан бу саволни эшитиши Азизни довдиратиб қўйди. Назарида ҳамма нарса, ҳатто ҳаёт-мамоти ҳам ўзининг бир оғиз жавобига боғлиқдек туюлди ва дадил туриб:

— Натижа чиқади! — деди.

— Асослаб беринг-чи!

— Бу мураккаб масалани бир оғиз гап билан асослаб бериш қийин, Муҳиддин Жабборович. Лекин шундайм ҳаракат қиламан... Кўряпмизки, вилт тобора кучайяпти. Ишлаб чиқиляётган айрим янги навлар эса жорий этилиши уёқда турсин, ҳатто Давлат синовидан ҳам олиб ташляяпти. Бунинг сабаби, бизнингча: нуқул геогра-

фик ва генетик жиҳатдан бир-бирига яқин навларнинг ўзаро чагиштирилишида. Ҳатто вилтга чидамлироқ маданий навлар чагиштирилганда ҳам тайинли бир натижа чиқмаяпти. Чунки ўша навлар ўзларининг генотипик имкониятларини бутунлай сарфлаб бўлганлар. Энди бизнингча, пахта уруғчилигида вилтга чидамлик томонга қараб кескин силжиш учун ўзаро узоқ насларни, турларни чагиштиришга тўғри келади. Ана шунда ўсимлик билан зараркунанда орасида ҳозирги кунда вужудга келган эволюцион мувозанат кескин ўзгаради...

Атрофдагиларнинг айримлари бу гапларга шубҳа, айримлари истеҳзо билан қараётганини сезган Азиз ўз фикрини шу ерда бошқача далиллашга уринди:

— Маълумки, бу ғояни 30-йиллардаёқ академик Вавилов илгари сурган. Биология тарихида бунга мисоллар кўп. Масалан, Мичурин апортлари: улар Америка ва Европа навларини қўшишдан келиб чиққан. Ёки ёввойи картошкага чагиштириш йўли билан вилтга чидамли нав яратган Камераз тажрибаларини олинг. Ёки Терновскийнинг тамаки устида ўтказган худди шундай тадқиқотлари? Ниҳоят, кўп йиллик Перу ғўзасига чагиштириш усули билан домла Автономов яратган ингичка толали вилтга чидамли 10964, С — 6002 навларичи? Тўғри, ёввойи навдаги керакли хусусиятларни маданий навга кўчириш ниҳоятда мушкул иш. Айниқса, ғўзада қийин. Чунки гибридлаштиришда салбий хусусиятлар ҳам «ўжарлик» билан янги навга ўтиб келаверади. Бизнингча, бу узоқ муддатни, бир неча авлод натижаларини кузатишни талаб қиладиган муаммо...

Азиз кўпдан бери миясига ўрнашиб, хаёлини қамраб келаётган бу фикрларини шу қадар қизгинлик билан гапираётган жойида тўсатдан Муҳиддин Жабборовичга кўзи тушди-ю, боядан бери ўзи ҳали ҳеч бир аниқ гап айтмагани, тажрибасидан сўзламагани, аллақандай тахминлар ичида сузиб юрганини ҳис этди ва «қани, охири нима бўларкан» дея унга тикилиб қолган нигоҳлар тазйиқидан баттар ўнғайсизланди. Бир-икки йўталиб, яна гапида давом этди:

— Баъзи бир ёввойи навлар касалликларга ғоят бардошли иммунитетга эга. Шунинг учун ҳам домла Сергей Матвеевичнинг маслаҳатлари билан ўз олдимга қўйган кичик бир мақсадим шуки, биринчидан, узоқ турдаги эркаклаган ғўзалар оиласидан вилтга иммуни-

тети кучли навни ажратиб олдим, иккинчидан, ўша топилган нав асосида ирсият генетикасини ўрганишга уриняпман, учинчидан, мени тўғри тушунинглар, агар қўлимдан келса, умрим, ақлим, имконим етса, вилтга чидамли нав яратишда янги бир услуб қўлламоқчиман.

— Булар ҳаммаси хаёлдаги гаплар, ука, — деб луқма ташлади яна Муҳиддин Жабборович. — Сиз қилган ишингиздан гапиринг, мана, шунча йилдан бери нима иш қилдингиз? Тажриба ўтказаетган гўзангизда қандай ўзгаришлар юз берди? Масалан, қайси турни қайси турга чатиштириб, қандай натижа олдингиз? Ёввойи гўза дейсиз нукул? Ёввойи гўзаларнинг ҳам хили кўп: чинакам ёввойи, чала ёввойи, маданийга яқин нав... Ҳатто бир турдаги навлар ўзаро морфологик ва биологик жиҳатдан бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Хўш, сиз, қайси бирини олдингиз, нимага асосланиб олдингиз? Ахир, чўпчак айтаётганингиз йўқ-ку, бу — фан! Халқ хўжалигига, ваҳоланки, чиройли орзу эмас, дағал бўлса ҳам конкрет иш керак. Буни ўзингиз ҳам биласиз.

Азиз бу кўпол, дангал танбеҳдан баттар эсанкиради. Бунинг устига атрофдагиларнинг ҳозирги баҳсга қандай муносабатда бўлишини Азиз олдиндан билгани учун ҳам уч йил давомида йиққан қиёсий маълумотларини, йилт этган умид уйғотувчи дастлабки натижаларини ҳам айтиб ўтирмади. Ёввойи гўзалар ичидан ўзи ажратиб олган *mexicanum* навига бир неча бор теплица шароитида вилт юқтириб синов ўтказилганда у касалликка чалинмагани, айна пайтда *paniculatum* чала маданий нави устида худди шундай тажриба олиб борилганда унга вилт анча юққани... Демак, академик Вавилов илгари сурган гоё яна бир бор исбот этилгани, яъни ўсимликлардаги касалликка бардошлилик иммунитети ўсимлик танасининг касаллик микроби билан узоқ вақт давомида *бирга, ёнма-ён* яшашидан келиб чиққан ҳодиса экани... Вилт касаллиги, асосан, Марказий Америкада кенг тарқалгани, Мексика ҳам айна шу минтақада жойлашгани ва эҳтимол, вилтнинг ватани аслида Мексика бўлгани хусусидаги фарази... ниҳоят, вилтга чидамли нав яратиш учун сўзсиз энди мексика навини биздаги ҳосилдор навларга чатиштириш йўлидан бориш зарурлиги тўғрисидаги фикрларини ҳам айтиб ўтирмади. Чунки ўрни эмасди. Буни холи ўтириб, ҳар иккала томон ҳам масалага бир хилда қайғуриб муҳокама қилиши керак эди. Ҳозир эса институтининг барча лабора-

тория бошлиқлари, етакчи олимлар тўпланишган. Ҳаммасининг шу йиғилишда айтадиган ўз фикрлари, ташвишлари бор. Вақт зиқ, бари шошиб турибди. Баҳслашиш аслида Азизнинг хаёлида ҳам йўқ эди, илмий қотиб тузган кун туртибига биноан шунчаки бошқа ходимлар қатори ўз ишлари ҳақида қисқагина расмий ахборот бериб ўтмоқчи эди. Баҳсни Муҳиддин Жабборович бошлади... Ҳамма шошиб турганда қандай қилиб Азиз, ахир, уч йиллик маълумотларини батафсил гапириб ўтиради? Кўпчиликнинг ичида қандай қилиб Муҳиддин Жабборовичнинг юзига оёқ қўяди?.. Яна илмий раҳбари-я!...

Шу хилдаги изтиробли фикрлар миясидан яшиндай югуриб ўтди-ю, гўё Муҳиддин Жабборовичнинг саволини яхши англамагандай унга талмовсираб тикилиб турди, кейин қўлидаги қоғозларни мақсадсиз титкилади. Охири ялингансимон оҳангда:

— Натижа чиқиши керак, Муҳиддин Жабборович, — деди. — Туғилмаган болага олдиндан йўрғак бичиш ярамайди-ю, аммо натижа чиқиши керак... яна камида икки-уч чатиштирувдан кейин...

— Баракалла! — дея гапни илиб кетди. Муҳиддин Жабборович, ўтирган жойида стулни гичирлатиб Азиз томонга ўгириларкан. — Туғилмаган бола деганингиз тўғри. Бу кетишда у мутлақо туғилмайди! Ишонаверинг! Ваҳоланки...

Ўтирганларнинг айримлари домланинг юзи учун пиқ-пиқ кулиб қўйишди. Азиз бўйнигача қизариб, негадир Расул Оллоёровичга жавдираб қаради. Илмий кенгашдаги бу ноқулай вазиятни ўртадан кўтариш учун Расул Оллоёрович Азизга мулойим боққанча буюрди:

— Ўтиринг. — Кейин «яна гапингиз борми» дегандай Муҳиддин Жабборовичга тикилди. Муҳиддин Жабборович ўтирган жойидан кўзгалмай, сўзини давом эттирди:

— Ваҳоланки... мен Азизжоннинг меҳнатчанлигидан севингандим. Илм кишиси шундай бўлмоғи керак. Аммо ғайратни ҳам билиб ишлатиш керак. Нишонга тегмаган ўқнинг кимга нафи бор? Менга шу йигитни бердинглар, йўқ демадим. Бироқ фикримиз бир ердан чиқмаяпти. Ваҳоланки, устоз билан шогирд бир хил фикрламадими, тамом! Азизжон ҳеч қандай илмий асосга суянмаган ҳолда пахтачиликка ёввойи пуштни киритмоқчи. Боя у ҳатто домла Вавиловни ҳам эслатиб

ўтди. Ваҳоланки, Азизжон, сиз ёшсиз, ука, катта одамларнинг фикрини сохталаштиришга ўрганманг. Вавилов ҳам, Мичурин ҳам бир-биридан узоқ навларни чаптиштиришни тавсия этганлар, лекин ёввойи навларни эмас... Азизжоннинг умри совурилиши — бу масаланинг бир томони, ўртоқлар. Яна иккинчи томони ҳам борки — бунга ниҳоятда хушёр бўлмоқ керак. Боринги, ўша ёввойи пуштдан вилтга чидамли, майли, ҳосили ҳам дурустгина янги нав чиқдиёқ, дейлик. Хўш, кейинчи? Бир-икки мавсум ўтгач, ўша ёввойилик хусусияти зўрайиб кетиб, катта-катта майдонларда мутлақо ҳосил битмаса-чи? Шундай бўлмаслигига кафолат бера оласизми? Йўқ! Ана унда давлат олдида ким жавоб беради? Ким? Сизми? — Шу ерда Муҳиддин Жабборович заҳархандалик билан кулди. — Тўғри, бу ишингизни Сергей Матвеевич маъқуллаган эканлар. Ваҳоланки, бирор натижа чиқар, деб ўйлаган бўлсалар керак. Аммо мана уч йилдан ортиқ вақт ўтди... Тайинли бир гап айтолмадингиз... Ваҳоланки...

Шу ерда Азиз нимадир гапирмоқчи бўлган эди, Расул Оллоёрович унга «тўхтаг» дегандай қўл силкиб, Муҳиддин Жабборовичга юзланди:

— Бу гапни кейинроқ ҳал қилсак...

— Сиз биздаин тажрибали, суяги пахтада қотган одамларнинг сўзига кираверинг, ваҳоланки... — деди Муҳиддин Жабборович Расул Оллоёровичнинг гапига эътибор ҳам бермай. Азиз Муҳиддин Жабборовични «Ваҳоланки, домла» дейишларини илгари ҳам унда бунда эшитган эди-ку, бироқ шу пайтгача аҳамият бермаган экан. Муҳиддин Жабборовичнинг бирдан ҳужум қилиб қолишини кутмаганиданми ёки кўпчиликнинг салобати босганиданми — ишқилиб, боши айланиб, мияси қарахтланиб, кейинги говур-ғувурни унча эшитмай, унча англамай меровсиб тураверди. Қулоғига фақат домланинг «ваҳоланки» деган сўзигина кирарди. Чиндан ҳам Муҳиддин Жабборович бу сўзни тилга олганда калласида қанча-қанча фикрлар қуюни чарх ураётгандек бўлиб турган жойида ҳам «ваҳоланки» деса, маърузаси чўзилаверар эди. Ҳар нечук шу бир оғиз сўз Муҳиддин Жабборович учун бошқа қанча-қанча фикр ва ибораларнинг ўрнини босса ажаб эмасди... — Биз қарияларни сиз ёшлардан вақт пардаси тўсиб туради. Ваҳоланки, бу парда ҳам уйни иккига ажратган чи-

милдикдай гап: чироқ ёниб турган сиз ёшлар томонни биз қариялар яхши кўрамызу, сизлар эса биз томонни кўрмайсизлар... Яна билмадим. Эҳтимол, ҳис-ҳаяжон, ваҳоланки, эҳтирос кишисига адашиш, хатога йўл қўйиш унча қимматга тушмайдигандир... масалан, артистларга, ёзувчиларга... аммо илм аҳли, тафаккур кишисининг ақл ишлатиб туриб янглишиши — кечирилмас ҳол. Бундай хатони тузатиш керак. Шунинг учун, Азизжон, қайсарлик қилмай, хаёлпарастлигингизни йиғиштириб, ваҳоланки, бўладиган ишга қўл уринг. Ёввойи пуштдан ҳеч натижа чиқмайди. Тушунинг, ука, сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпман. Ҳозирги суръатда фанда хаёлпарастликка вақт йўқ. Саробни биласизми? Чўлда сувни кўриб тураверасизу ўшанга қараб интилаверасиз. Бориб қарасангиз — ваҳоланки, ҳеч вақо йўқ. Хомхаёл — илмдаги ўша сароб. Эргаштириб кетаверади-да, йўлдан адаштириб, саргардон қилади...

Муҳиддин Жабборович яна стулни ғичирлатиб, энди Расул Оллоёрович томонга ўтирилди ва «бўлди, гапим тамом» дегандай имо қилди. Хона Муҳиддин Жабборович мушоҳадаларидаги кучли мантиқ таъсиридан сув қуйгандек жимиб қолган эди. Азиз ҳар қалай шунда ҳам ниманидир гапиришга чоғланган эди, Расул Оллоёрович унга «ўтиринг» деган ишорани қилди. Шунда бурчакдан:

— Г-гапирсин-да у ҳам! — деган асабий овоз эшитилди. Ҳамма ўша томонга қаради. Доим тунд юрадиган «бедачи профессор» Толмас Азимов, протез оёғини энгашиб кўтарганча, ранги ўчиб ўрнидан турди ва одати бўйича дудуқланиб директорга захрини сочди: — Г-гапирсин бу б-бечора ҳам! Оғзидан чиқмай, ёқасига ёпиштиряпмиз!

Азиз қайтага хўрлиги келиб баттар гапиролмай қолганди ўшанда...

Азизнинг ўз илмий раҳбари билан биринчи тўқнашуви шундай юз берган эди. Кейин... мана, орадан, салкам тўрт йил вақт ўтди, бошқа бирон марта улар юзма-юз айтишишмади. Бу орада Азиз аспирантурани битириб, ноилож яна ўша лаборантлик вазифасида ишлай бошлади. Муҳиддин Жабборович қирқдан ортиқ фан кандидати, иккита доктор чиқарган, бағри кенг устоз бўлишига қарамай, бари бир Азизга ён босмади, ўша-ўша қўлини ювиб, қўлтиғига урганча, нозиктаб одамлиги учун гапни кўпайтиришни истамай, «билга-

нингни қил-э, тентак», дегандай юраверди. Унинг назарида Азиз ёш бўлса-да, ўтакетган худбин эди.

Расул Оллоёрович шу гапларнинг баридан хабардорлиги учун Азиз унинг саволига жавоб бергиси келмас, кўнглидагини очиқ айтгани билан у бари бир Муҳиддин Жабборовичнинг ёнини олишини билар, шу сабабли «майли, бу гапларнинг унча аҳамияти йўқ, нима топширигингиз бор, айтаверинг» дегандай домлага ғамгин тикилиб турарди. Расул Оллоёрович нафис кўзойнаги оша Азизга кулиб қаради-ю, насиҳат қила бошлади:

— Ҳар қалай, сиз ёшсиз ука. Яхши гапга илон инидан чиқаркан. Муҳиддин Жабборович обрўли, фанга кўп меҳнати сингган киши. Буни биласиз. Аммо одам қариганда кўнгли бир оз нозиклашиб, иззатталаб бўлиб қолади. Сиз ақли йигитсиз-ку, буни тушунишингиз керак. Биласизми? — Шу ерда Расул Оллоёрович яна Азизга самимий кулиб боқди. — Яхши бузоқ икки онани эмади. Сиздан нима кетди! Чолга «хўп» денг-у, кейин ишингизни билиб қилаверинг-да! У киши агар бераман деса, илмда дарёи азим. Фойдаланиб қолиш керак улардан. Улар ҳам ғанимат одамлар. Ҳа, майли, яна бир карра ўзим гаплашиб кўрадиган бўлибман-да...

Азиз одоб юзасидан Расул Оллоёровичга «раҳмат» деди-ю, лекин бу гаплар қуруқ ваъдалиги, борди-ю, Расул Оллоёрович айтган тақдирда ҳам Муҳиддин Жабборовичга таъсир қилмаслигини билар, шунинг учун ҳеч ўзгармай, ўша-ўша бепарво ўтираверди. Лекин домланинг «сиздан нима кетди... чолга «хўп» денгу, кейин ишингизни билиб қилаверинг-да...» деган гапидан қаттиқ ранжиди. Чунки Расул Оллоёрович буни шунчаки Азизнинг кўнгли учун, бирон иш буюрмоқчи бўлса, шуни пайпаслаш учун айтаётганини сезиб турарди. Ахир, Азиз Муҳиддин Жабборович билан шунчаки арзимаган нарсага, отасининг молини таллашиб ёки жаҳл устида айтишиб қолганмас-да! Буни Расул Оллоёрович ҳам биледи. Домла — шогирд ўртасидаги келишмовчиликнинг илдизи жуда чуқур! Бу масалада мураса қилиб бўлмайди, ахир! Ё Муҳиддин Жабборович ёки Азиз ўз фикрларидан қайтишлари керак... Келиб-келиб энди омадсиз бир лаборант-аспирант олдида Муҳиддин Жабборовичдек академик ўз фикридан қайтадимми? Унда

Муҳиддин Жабборовичнинг республикага, Иттифоққа, ҳатто дунёга донғи кетган олимлиги қаяқда қолади?

Азизнинг ҳатто директор ҳузурда ўтирганини ҳам нурутгандай оғир хаёлга ботганини кўрган Расул Оллоёрович баъзи тили ёмонларнинг: «Ўзи кўп меҳнаткаш йигиту сал етишмайди-да», деб гап тарқатиб юришларини бирдан эслади. Пластмасса идишчада турган бўёқ қаламларини олиб, қўлида гижир-гижир ишқалади ва:

— Азизжон! — деди ҳамон кулимсираб. Азиз чўчиб тушди, уялганидан кулоқларигача қизариб, ерга қараган кўйи «кечирасиз» деб қўйди, Расул Оллоёрович ундан кўзини узмай мийиғида кулимсираганча: — Сизни бир масалада чақиртирдим, — деди ўтирган жойида вазмин кўзғалиб. — Шу кунларда иш бошдан ошиб кетди. Бир ёқда, ўзингиз биласиз, мажлислардан бўшайман. Мана шу нарса, — деди у шер оёқли баҳайбат столининг ғаладонидан каттакон семиз папка чиқариб, Азизнинг олдига суриб қўйди. — Мана шу нарса... диаграмма, маълумотлар. Ўн йил ўтказган тажрибаларимнинг ҳисоб-китоби. Шунинг синчиклаб кўриб чиқсангиз. Рақамлар нотўғри кетган бўлса, хатолик топсангиз, шубҳа туғилса, тегмангу белгилаб қўйинг. Биргалашиб кўрамиз. Кейинги монографиямга илова қилинадиган маълумотлар бу. Китоб ўзи босмахонага тушиб кетган, терилипти. Шундан шоштириб қўйишмаяпти. Бир укалик қилиб шунга кўмаклашиб юборасиз, хўпми? Бир ҳафта муҳлат етадими?

Азиз қоғози кўплигидан боғичи учма-уч чандилган сарғиш папкага тикилганча, хиёл иккиланиб «етса керак» деди мужмал оҳангда. Расул Оллоёрович ўрнидан туриб:

— Бемалол етади! — деб гапни чўрт кесди. — Шанба, якшанбада келиб ишласангиз ҳам бўлади, қоровулга тайинлайман. Муҳиддин Жабборович билан эса, кўнглингиз тўқ бўлсин, ўзим гаплашаман.

Азиз лоқайд бир оҳангда яна «раҳмат» деди-ю, кабинетдан чиқди. Хонасига кирса, вақт анча кеч бўлишига қарамай, негадир Шорасул ҳали ҳам ўтирибди. Азизнинг директор ҳузурдан ёстиқдай папка кўтариб чиққанини кўргач, аввалига жилмайди, кейин худди бировга аччиқ қилгандай қарсиллатиб столларини беркита бошлади.

... Азиз жимжит хонада ҳозир бир ўзи ўтирганча, ўша папкани очди. Палапартиш тахлаб ташланган қоғозларни кўргандаёқ бу папкада камида бир ойлик юмуш уюлиб ётганини сезиб, бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Бир-икки варақни олиб ўқиб кўрди-ю, кулди: Расул Оллоёрович сира тиниш белгиларга аҳамият бермас экан, ёзиб кетавераркан... Папкани четга суриб, узоқ бир эснади, зериккан қиёфада беихтиёр Шорасулнинг столига қаради: бўм-бўш; устидаги ойнага қуёш тушиб, нури деворга санчилиб турибди. Азиз яна Шорасулнинг кечаги қилиғини эслади. Иш тугашига беш минут қолганда директор котибаси келиб, Азизни домла йўқлаётганини айтган пайтда, Шорасул қоғозларини саранжомлаб, уйига жўнашга шайланиб турган эди. Лекин Азиз ярим соатлардан кейин чиқса ҳам у кетмабди... асабийлашганда тутадиган одати — ўнг тирсагидаги қичимасини енгининг устидан қашиб ўтирибди... Шорасулнинг ўзига ғайирлигини-ку биларди. Айниқса, уни директор чақиртирса Шорасул ҳайрон бўлар, гаши келиб, шундай пайтларда Азизни сира кўздан қочиргиси келмас, зимдан кузатар; ҳатто мана шундай кеч қолиб, иш билан машғул одамдек, директор ҳузуридан Азизнинг чиқишини пойлар, унинг топшириқ олиб, севиниш ўрнига, қайтага эзилиб чиққанини кўргандан кейингина кўнгли жойига тушиб, уйига жўнар эди. «Домла нима дедилар?» — дейишга эса журъати етмасди... У ҳеч қачон биринчиликни даъво қилмас, панароқда, ўртароқда кўзга ташланмаёғина юрганларнинг ҳаёти анча тинч-хотиржамлигини, шахсий турмушлари эса етарли таъминланганини яхши биларди. Шу боисдан, гоҳо хурсанд пайтларида Азизга қараб туриб кулар, «Ҳар қандай идорада ҳам эркарроқ ходимлар қилган чала-чулпа ишни орқасидан супуриб-сидириб, тозалаб юрадиганлар бўлади... Бу довдир ҳам ўшандай бир қирчанғи от-да!..» деб севи нарди ичида.

Азизнинг Муҳиддин Жабборович билан тортишишини эса сира ақлига сиғдиролмасди. «Умр дегани шунчалик омонатки, бугун бору эрта йўқ. Шунга энди шунчалик дов-жанжалми?... Тинч яшайман десанг, қурт-қумурсқа билан ҳам муроса қилишинг керак. Ҳайронман, маънави Азизга! Нимасига ишонади?! Йўқ ердаги бир мавзуни деб, Муҳиддин Жабборовичдек одамга гап қайтаради-я! У телба биринчи навбатда ўзига-ўзи

болта уриб, ўзига-ўзи душманлик қилаётганини кошки энди билса! Мана, оқибати — бирон одам итмисан, эшакмисан ҳам демайди!.. Йўқ, бошлиқлар билан олишиш эмас, қўлингдан келса уларнинг кўнглини овлашинг керак...»

Азиз табиатан соддалигидан бундай нарсаларни хаёлига ҳам келтирмас, айниқса, «Фалончи билан писмадончининг муносабати қандай?», «Фалончи писмадончига ким бўлади?...» деган саволлар уни ранжитар, айрим ҳамкасблари ва ҳатто тузуккина олимлар ҳам баъзан шу «муносабатлар»га ортиқча урғу бериб мақтанганларида у ҳайрон қолар, ичида «тавба, шу ҳам гап бўлди-ю», деб астойдил елка қисиб кўярди.

Шорасул эса бундай муносабатларга ҳаётнинг энг муҳим шарти, мағзи деб қарайди. Шунинг учун ҳам Расул Оллоёрович Азизни ўз ҳузурига чақирган сари баттар изтироб чекарди. Айниқса, ё Расул Оллоёрович, ё Муҳиддин Жабборович гоҳо уни ҳам чақириб, «фалончини тополмаяпман, қаранг, дарров кирсин ҳузуримга», «фалончига шу китобни бериб кўйинг», «аниқланг-чи, фалон жойнинг самолёти бугун қачон учаркан» қабилдаги майда-чуйда топшириқларни буюришганда аввалига югуриб-елиб бажарарди-ю, кейин туриб-туриб ўзига наша қилар ва Азизга баттар гижини келарди. «Нима, мен югурдакманми, керак пайтда мени сира эслашмайди», деб ич-ичидан куярди. Ахир, Шорасулнинг кандидатлик иши бир овоздан ёқлашга қўйилди-ку! Расул Оллоёровичнинг ўзи иштирок этди ўша кичик илмий советда. Муҳокама пайтида у сиполик қилиб индамаган бўлса-да, аммо ўзи бошқараётган илмий даргоҳда ишлар чакки кетмаётганидан кўнгли ўсиб, мамнунлиги шундай юз-кўзидан билиниб, ҳатто ён-веридаги илмий совет аъзолари билан ҳазиллашиб, пичирлашиб, кулишиб ҳам ўтирди. Бундан Шорасул қувонди... Расул Оллоёрович гарчи Шорасулнинг дадасини шахсан яхши билса ҳам, аммо ўзи билан негадир шу пайтгачаям қуруқ салом-алиқдан нари ўтмаган. Раҳбарнинг бу бепарволиги Шорасулга ҳақоратдек болади... Бари бир, ўша эътиборсизлик! У кандидатлигини битирди. Азиздан ўтиб кетди... Лекин директорнинг билгани эса... яна шу Азиз! Илмий совет йиғилган куннинг эртасигаёқ Шорасул йўлакда Расул Оллоёровичга дуч келиб, «оҳ, ана энди ўзи табриклайди мени», деб илтижо қилгандай унга жавдираб турган жойида,

директорнинг иши тигиз эканми ёки эсида йўқми, гўё орада ҳеч нарса юз бермагандай, аввал бош ирғаб, кейин қўлининг учини бериб ўтиб кетаверди... Бунга қандай чидаш мумкин, ахир?!

Шорасул кеча Азиз кириб келганда шундай кайфиятда ўтирарди. Кейин у бирдан столини қарс-қурс ёпди-ю, чиқиб кетди. Азиз, эҳтимол, бошқа вақтда бунга аҳамият бермасди, аммо ҳозир ажабланди. Шорасулнинг ичиқоралик қилаётганини тушуниб баттар эзилди. «Қанийди, шу дарстёргарчиликларнинг барини Расул Оллоёрович менга эмас, мана шу Шорасулга берса! — деган аламли фикр ўтди миясидан. — Ҳам хизмат қиласан, ҳам тухматга қоласан!..»

Азиз Расул Оллоёрович берган папкани яни истаристамас очиб, турли вақтда турли қоғозларга битилган ҳар хил жадваллар, ҳар хил ҳисобларни кўриб чиқа бошлади. Бари бир, сира ишлагиси келмади. «Орада бир ҳафта бор-ку», деди енгил тортгандек бўлиб. Кейин папкани йиғиштириб, босиб-босиб тагин қайта боғлаб қўйди. Шаҳарнинг нариги четидаги Чилонзордан келиб, қуруқ қайтиб кетавериш ўзига наша қилди-ми, жавоннинг устки қаватидаги чанг босган газета-журналларни олди-да, ўз мавзуси учун мўлжаллаб қўйган ҳар хил қийқим материалларни бир-бир ёзиб кўра бошлади. Кўпчилиги оммабоп мақолалар. Ия, мана Расул Оллоёровичники ҳам бор экан: «Тезпишар пахта навларини яратишда ёруғликнинг таъсири». Азиз газета қийқимининг у ёқ-бу ёғини айлангириб кўриб, озгин панжаларини энгагига ботирганча, мийиғида кулди. Чунки бу аслида осмондаги гап эди... Балки, илм учун керакдиру... аммо Расул Оллоёровичнинг усули билан тезпишар пахта етиштираман деса, республикадаги ҳамма пахта майдонларининг тепасига кучли электр чироқлари ўрнатиб чиқиш керак. Эҳтимол, келажакда шундай бўлар... Ҳозирча эса бу катта монографиянинг ҳаёт учун бир чақалик ҳам амалий аҳамияти йўқ. Ахир, кунни узайтириб ёки қисқартириб бўлмайди-ку.

Ҳа, мана буниси Сергей Матвеевич ёзган охириги мақола: «Гўза кушандаси». Азиз сарлавҳага қараб туриб беихтиёр жилмайди. Чунки Сергей Матвеевич бундай сарлавҳа қўймаганига имони комил эди. Ҳойнахой, бу газета ходимларининг иши бўлса керак.

Мақола республика партия газетасида босилган эди.

Азиз ўша пайтда уни ўқиб, баъзи жойларига қизил қалам уриб, ўзича нималарнидир белгилаб чиққан экан. У ярми саргайиб, чанг босган мақоланинг ўша белги қўйилган ерларини кўздан кечири бoшлади: «Кейинги йилларда вилт кучайиб бoраётгани сабабли республика-мизда йилига 10—14 процент пахта нобуд бўляпти. 196... йилда кучли вилт туфайли мамлакатимиз 500 минг тоннага яқин ҳосилни ололмади. Натижада, пахта етиштирувчи хўжаликлар 200 миллион сўмдан зиёдроқ зарар кўрди, халқ хўжалиги эса 1,5 миллиард метр газ-ламадан бебаҳра қолди».

Азиз «бебаҳра қолди» деган сўзларни қавс ичига олган экан, ҳойнахой, «буни ҳам журналистлар қистирган» дегани бўлса керак. Азиз мақоланинг давомини ўқий бoшлади: «Пахтачилигимиз ютуғини ҳамиша уруғчиликдаги муваффақиятларимиз белгилаб келган. Аммо кейинги ўн йил ичида районлаштирилган барча навлар вилт билан кучли зарарланыпти. Вилтга чидамли янги самарадор навлар эса ҳозирча йўқ. Шу кунларда 1 миллион гектарга яқин майдон турли даражада вилтдан зарарланган... Сўнгги марта навларнинг алмаштирилиши бундан деярли чорак аср илгари амалга оширилганининг ўзи — уруғчилик соҳасидаги тадқиқотларимизнинг самарадорлиги ниҳоятда пастлигини кўрсатади».

Кейин вилтга чидамли янги навлар яратиш йўлида илм аҳллари олиб бoраётган турли изланишлар, шу жумладан, Азиз ўтказаётган тажрибалар ҳам санаб ўтилган эди. Айниқса, Сергей Матвеевич Азиз ўртага ташлаган фаразга кенг тўхталганди: «Азиз Қосимов ёш, ишчан, ҳавасманд олим. Унинг янглишишдан ҳам кўрқмаслиги, дадиллиги, ўзига хос фантазияси менга ёқди: кўп нарсадан қониқмаслиги ёқди. У изланади. У селекцияда янги бир услубни синаб кўрмоқчи. Маданий навни узоқ оилага мансуб ёввойи пуштга чатиштириб, улардан чиққан дурагайларни яна қайта чатиштиришлар йўли билан вилтга чидамли янги нав яратмоқчи; ёввойи навлардаги чидамлилиқ хусусиятини маданий навлардаги ҳосилдорлик хусусиятига қўшмоқчи. Бу ниҳоятда диққатга сазовор, қизиқарли иш. Борди-ю, амалий натижа чиқмаган тақдирда ҳам, фақат фан нуқтаи назаридан ҳам гоят керакли тадқиқот! Ахир, шу йўлнинг нотўғрилигини, бу йўлдан бошқа юрмаслик зарурлигини ҳозирги далиллар билан исботлаб беришининг ўзи ҳам кашфиёт эмасми?! Қолаверса, хатолар ҳам

фаннинг ўзига хос калити-ку? Мен Азизнинг изланишларини менсимай, кўр-кўрона инкор этаётган баъзи бир муҳтарам олимларимизга шуни айтмоқчиманки, сал бағрингизни кенг қилинглар! «Олга, фақат менинг ортимдан!» деган ярамас шиорга ёпишиб, майсадай униб чиқаётган истеъдодларга завол бўлмайлик тагин?! Ҳар қандай қилмишнинг акси, қайтарма оқибати мавжуд: шундай экан, фақат ўз принципимни ҳимоя қиламан деб, бир кун бориб кўпчиликни доғда қолдирмайлик тагин?! Ахир, мавжуд назариялар қолипига тушмайдиган фактлар, айниқса, фан учун қимматли эмасми?! Чунки шу номаълум фактларни ишлаб чиқиш билан яқин ораларда фаннинг янги йўналишларига йўл очиб бериш мумкин-ку? Фан тарихида бундай мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Фактни тан олмаслик, аслида — ҳазм қилинмаган назариянинг оқибати-ку!... Мен насиҳатгўйлик қилишни ўйламаганим, аммо ўрни келиб қолди. Коинот азалдан инсонни зулмат билан ўраган. Фан эса — одамзот кўлидаги мангу машғала! Зеро, фан — чексизликни ўрганар экан айти пайтда ўзининг ҳам ҳад-чегараси йўқ. Инсон билими тугамайди, у абадий яратилади, абадий ҳаракатда. Модомики шундай экан, мен очган кашфиёт услубига бошқа бир услуб қарама-қарши чиқиб қолса, нима учун энди мен унга албатта тош отишим керак?! Нима учун?! Йўқ, ақлимиз бўлса, истиқболимизга чинакам қайғурсак, орзунини бўғмайлик. Орзу ҳар қандай фактдан ҳам қудратли! Орзу бамисоли ҳаёт кўксигаги милдираб турган булоқ, гуркираб ўсувчи ниҳол...»

Азизнинг баданлари жимирлашиб кетди. Шунчалик ҳам одамнинг ичидагини топиб айтиш мумкинми-я! У ҳаяжони кўксига сиғмай, кўлида газетаси билан хонани бир-икки айланиб чиқди, ғайрати қистаб, қиши билан берк турган баланд деразани қасирлатиб очиб юборди. Теварак-атроф эрта баҳордан жонланган; ташқаридан ҳар хил кўкат ислари ва сал нарида — Расул Оллоёрович кабинетига тагида гуллаган сирень ҳидига қоришган салқин ҳаво димоғига гупиллаб урилди. Кечкурун енгилгина, илиқ ёмғир ёғиб ўтгани учун ҳаммёқ топ-тоза эди. Азиз буни боя келишида сезмаганига ҳайрон қолди. Қаердадир, ё томда, ё бинонинг орқасидами, мусича ку-қуларди, сап-сарик қоқигулларнинг устида арилар изғиб юрибди. Ҳу, рўпарада, эндигина сўрига кўтарилган яланғоч ток зангида қандайдир кулранг

миттигина қуш худди новдага михлангандай қимир этмай қотиб турибди. Азиз деразадан бош чиқарганда шарпасидан кўрқдими, лик-лик сакраб шохдан-шоҳга ўтди-ю, кейин пирр этиб кенг дала бағрига учиб кетди. Бутун гиёҳлар, ўсимликларнинг илдизи, пўстлоқлари шарбат йиғаётгани, уйғонаётгани сезилиб турарди.

Азиз яна ўрнига ўтириб газетага кўз югуртирди. У илгари ҳам Сергей Матвеевичнинг мақоласини мириқиб ўқиганди-ю, аммо унинг бунчалар жон койитиб, куйиниб ёзгани, уни қаттиқ туриб ҳимоя қилгани, тўғриси, ёдидан кўтарилган экан. Энг қувончлиси шундаки, Сергей Матвеевич олдинданок масаланинг ўзагини кўра билган экан. Орада ўтган салкам беш йиллик муддат Азизга яна кўпгина илмий натижаларни ҳада этди. У энди ўзига, қилаётган ишига ишонади. Шунинг учун ҳам Сергей Матвеевичнинг бошиданок жон куйдиргани ҳозир, айниқса, Азизга қадрли туюлиб кетди. У ўзи қилаётган ишининг бутун салмоғини қайта бошдан аниқ кўргандай бўлди.

Расул Оллоёровичнинг папкасини, столи устидаги бошқа қоғозларни ҳам апил-тапил йиғиштирди-ю, кўчага ошиқди.

У ҳозир ўзида юришга, ҳаракат қилишга қандайдир кучли иштиёқ сезганидан, то чарчаб-ҳоригунча далаларни кезгиси бор эди. Аллақайси шўх куйни қадамига мослаб хиргойи қилганча ташқарига чиқаркан, институт ҳовлисида ивирсиланиб юрган қоровул чол билан самимий хайрлашди. У тўсатдан Маҳамат чатоқни эслади. Эртага албатта тажриба участкасига боради. Маҳамат ака билан яна бир карра ўзи гаплашади. Бу йил атайлаб, сунъий усулда вилт юқтириб тажриба ўтказишлари керак. Навбат шунга келган. Азиз энди сўзсиз орзусига етади. Етади!..

У кўксини керганча кимсасиз далалар томон юрди. Институт ҳовлисини айланиб ўтган анҳор қирғоғидан бораркан, сувга эгилиб ўсган сертикан буталар ҳам учидан гуллаганини, бўрсиллаб ётган ердаги кўкатлар устини ҳар хил беозор ҳашаротлар босганини кўриб, юраги орзиқди. Юмшоқ майсалар бахмалдек оёқни сийпалайди. Қаердадир бирдан сигир маъради. Азизнинг шитир-шитир қадам товушидан кўрққан уч-тўрт қурбақа худди бир-бири билан баланд сакрашга мусобақа ўйнаётгандай ўзларини шўп-шўп сувга отишди... Шишадай тиниқ осмонда эса оғзига чўп олиб,

чуғурлашиб учаётган қалдирғочлар кўзга чалинади. Олис-олислардан қандайдир ғалати чўзиқ овозлар ва уларнинг ёқимли акс садолари эшитилади. Азиз ҳамон илдамлаб бораркан: «Яшаш, тириклик қанчалар гаштли», дея шивирлади севинчдан энтикиб. У тез юрганидан салда терлаб кетди.

5

Саратон кириб, туш пайтлари ҳарорат қирқ беш даражагача кўтарила бошлади. Илдизи бақувват чинорлар ҳам кечга борганда олов селига чидолмай барглари сусайиб тумшайиб қоларди. Осмон худди тубсиз танлирга ўхшаб ерга оташ пуркайди... Айниқса, бугун якшанба бўлгани учун одамлар иссиқнинг қайтишини мўлжаллаб уйларида ётишар, шу сабабли кўчаларда йўловчилар сийрак, онда-сонда тошбақа юриш қилиб ўтаётган автобуслар деярли бўм-бўш эди.

Азиз шалдираган автобусда бир ўзи келиб тушди-ю, рўпарадаги баланд иморатнинг соясига ўтгач, нафасини ростлаш учун қўлидаги икки тўрхалта юкни ерга қўйди. Баданига ёпишган кўйлагини шип-шип кўчириб, дастрўмоли билан юз-кўзлари, бўйинлари, кўкраklarини артаркан, елпина туриб, бир маҳалла наридаги ўз уйларига қаради. Барча деразаларнинг дарпардалари тушириб қўйилган, теварак-атрофдан тирик жон асарини топиб бўлмайдигандай эди.

«Ғўзаларга ҳам қийин бу иссиқда», дея ўйлади Азиз. У кўклам чўзилиб кетиб, қуёш энди аламини олаётгани азбаройи жигига текканидан, соядан секин бош чиқариб, «инсофинг борми ўзи» дегандай офтобга хўмрайиб қаради. Кўз ўнги ловиллаб бир зум ҳеч нарсани кўрмай қолди. Кейин хотинининг қистови билан Бешёғоч бозоридан харид қилиб келаётган мева-чевалари, нон, кўкат ва бошқа майда-чуйдаларини кўтарганча, йўлида давом этди. Муқолишга етганда чанқаб томоғи қақраганидан, беихтиёр «чойхона»га ўгирилиб, мункиб кетди. Баланд бинолар орасида, кейинроқ хиёбон қилишга мўлжаллаб қолдирилган, ҳозир эса қаровсиз ётган кенг майдон ўртасида «жон сақлаган» азим туп ёнғоқ соясиди «чойхўр»лар гавжум эди. Ўт-ўланлари одам бўйи ўсиб қовжираган, ҳар хил бетон синиқлари, арматура бўлақларидан тозаланмаган бу майдонга ҳар шанба, якшанбада кўчма пиво дўкони келар, кимдир

ҳазиллашиб уни «чойхона» дегану, шу-шу одамлар бу номга ўрганишган эди. Ҳозир ҳам ўн-ўн беш майкачан, ярим-яланғоч «чойхўр»лар қўлларида графин, уч литрлик консерва банка, баъзилари эса кастрюль кўтариб, навбат кутишяпти. Азизларнинг уйидан ҳам бир-икки талари бор шекилли, унга қўл силкигандай бўлишди. Азиз кўрмаганликка олиб, тез-тез юрганча йўлакка кирди...

Одатда «чойхўр»лар идишларига пиво ғамлаб, холодильникда совутишади-да, сал соя келгач, уч-тўрт улфат бир бўлиб ҳовлига тушишади. Азизларнинг уйидагилар ҳам шундай, иморат бурчагидаги тол тагига гадир-будир тахтадан атайлаб омонатгина стол ва икки тарафига эшакчалар ўрнатиб олишган. Ҳар ким пастга ўз пивосини кўтариб тушгач, қасир-қусур домино ўйини бошланади. Доминога қўшилолмаганлар столнинг бир четида уймалашиб, ора-сира пиво симириб, ёғи чиқиб кетган картада пирра ўйнашади. Пиво ва ичкиликнинг кўп-озлигига қараб ўйин тезроқ тугаши ҳам ёки симёғочдан тушган хира чироқ ёруғида ярим тунгача чўзилиши ҳам мумкин... Энди ҳаммаёқ тинчиб одамлар ухлашга ётганда қаршидаги Азизларникига ўхшаш гиштин бинонинг учинчи қаватида эр-хотин жанжали бошланади. Аввал хотин эрини қаргайди, кейин қарс-қурс идиш-товоқ синади; хотин «синдирма» деб ёпишса керак, маст эр уни бир-икки тушириб қоладими, ҳар қалай, кеча сукунатини пичоқдек тилган ҳаёсиз шанғи овоз қулоқларни батанг қилади... Азиз шу йиғидан безиб, ёзда ҳам балконда ётолмайди. Илгарилари бир-икки марта ҳовлидаги улфатларга ҳам қўшилиб кўрди, аммо эртаси куни кайфи тарқагач, кап-катта одам бутун кунини пивога навбат туриш ва ҳовлида валақлаб ўтириш билан ўтказганига хижолат бўлди-да, бу одатини ташлади.

... Салтанат эшикни очганда, Азиз остонада пешонасию, қошларининг устини маржон-маржон тер босганча, сочлари чаккасига ёпишиб, юзлари ҳаммомдан чиққандай бўртган ҳолда кулимсираб турарди. Буни кўриб Салтанат кулиб юборди ва чаққонлик билан унинг қўлидан зилдай тўрхалталарни оларкан, эрининг тирсагига юзи тегиб:

— Вой-бў-ў, ёниб кетибсиз-ку, а, чўмилиб чиқа

қолинг, — деди меҳрибонлик билан. Эри олиб келган нарсаларни ошхонага кўтариб кирди. Азиз ҳам ошхонага кириб, шундоқ холодильникка тақаб қўйилган бир яшик сап-сарик ҳусайни узум, кучоққа сиғмайдиган иккита тарвуз ва қаппайган каттақон қора сумкага кўзи тушди. Ҳайрон бўлиб Салтанатга қаради. У эрталабкидан ҳам чиройи очилган, «қани, топинг-чи, ким келди?» дегандай қошини кериб турибди, Азиз ўйланиб-ўйланиб:

— Маҳамат ака! — деди топишмоқ ўйнаётгандай кўзларини катта очиб.

— Топдингиз.

— И-и, ростданми? — Азиз энди ўз гапига ўзи ишонмаётгандай апил-тапил йўлакка қайтди-да, туфлисини еча туриб, ўртадаги уйга бош эгиб қаради.

— Шошманг, ҳозир йўқлар, — деди Салтанат ювишга тайёрлаган уч-тўртта нокни кўтариб ошхонадан чиқиб келаркан. — Бир айланиб, майда-чуйда ишларимни битириб келаман, дея кетганларига ҳам икки соатча бўлди.

— Эрталаб бекорга қовогингга қоғоз ёпиштирмаган экансан. Қайси кўзинг учувди? — Азиз хотинига ҳазиллашди.

— Ўнг кўзим-да! Суюнадиган кўзим! Билидингизми энди, айтганимни индамай қилаверинг, бари бир, меники тўғри чиқади.

Азиз кулди. Бирдан Маҳамат чатоқнинг одатларини эслади шекилли, бошини сарак-сарак ўйнатиб:

— Ишқилиб, у-бу бўляптими, уятли одам-а, яхшиям бозорга бориб келганим, — деди энди ошхонага бошқача разм солиб чиқаркан.

— Бозорга боришни ҳам, хўш, сизга ким айтди? — Салтанат товоқ-қошиқларни жўмрак тагига қўя туриб, эрига яна нозли кулиб боқди.

— Шундай топилмас одамки... неча йилдан бери «бораман-бораман» деб сира қўлим тегмайди. Гап овқатдамас, қанча қилсак ҳам ҳурмати.

— Қўйинг, ўргатманг, яхши одам эканини сиздан кўра яхшироқ биламан...

Азиз яна кулди. Уйга кирди. Қараса, Салтанат балодай стол ясатиб қўйибди. Оппоқ дастурхон ўртасида сал ичилиб анчадан бери холодильникда турган коньяк, теварагига Маҳамат ака олиб келган ҳусайни узумдан катта бир бошини яхшилаб ювиб терган, ярим палла

қип-қизил тарвуз коса қилиб қирқилган. Уч-тўртта қийма сомса; уни кеча қайинсинглиси «анчадан бери бормаяпсизлару, ойим хавотир олиб, юбордилар», деб ташлаб кетганди. Қатиқ аталаб, сирли чуқур товоқда чалоб ҳам тайёрлабди; балкондаги гул яшигига экилган райхон ва кашничлардан майдалаб солган экан, чалоб юзида иштахани қитиқлайдиган кўкиш япроқчалар сузиб юрибди. Хонага кирган Салтанат, эрининг елкаси оша дастурхонига бир назар ташлади-ю, Азизга «қалай» дегандек имо қилди ва ликопчадаги совуқ сувда чайилганидан ялтираб турган сап-сарик нокни ҳам дастурхонга қўйди, мамнун қиёфада яна ошхонага чиқди. У ердан пиёз доғи жазиллагани эшитилиб, уйга хушбўй ҳид таралди. Азиз бирдан завқи ошиб кетди. Салтанат ошхонада таом билан оворалигида бир рюмка коньяк ичиб олди. Кейин ярим пиёла чалоб қуйиб, тишлари орасидан ҳузур қилиб симираркан, «бай-бай-бай» деганча, хотинига тегишмоқчи бўлиб ошхонага кирди.

Салтанат бурнини жийириб, ҳовурдан бошини хиёл олиб қочганча, чап қўли билан қозоннинг қулогини ушлаб, палов масаллиғини қовурарди. Хотинининг чаққон ҳаракатларини эшикка суянганча бир оз кузатиб турди. У қапгирни ердаги лаганга қўяётганда, секин бориб орқасидан қучди. Салтанат ёшланиб кетган кўзларини эрига тикди-ю, «вой тавба, тинчликми, намунча оғзингизнинг таноби қочган?» деган писанда билан жилмайди. Азиз коньякдан ёноқлари бўртиб, ўзини шу қадар енгил ҳис этардики, ичида туганмас кучгайрат жўш ургандай, кўнгли буткул эриган, ҳар бир нарсага завқланиб, мастона тикилар эди. Салтанат эридан ичкилик ҳиди келаётганини сезса ҳам, индамади.

— Биласанми, Салтанат, кейинги пайтларда жудаям димоғим чоғ! — Азиз табиатига номуносиб бир тарзда қўлларини ўйнатди. — Бунинг устига Маҳамат аканинг келганини айт! Бу, ҳалиги эсингдами, ўғлини ўқишга киритолмай, магазинчига ёрдамчи қилиб бермоқчи бўлган ота тўғрисидаги латифани айтган одам-да! Маҳамат чатоқ шу!

— Вой ўшами? — Салтанат қозонни кавлаётган жойида кулди.

— Бу одам — бамисоли тутантириқ. Лов этиб ёнса — тамом! Феъли қизиқ. Жаҳли чиққанда отасини танимайдиганлардан. Маза-бемаза гап ҳам чиқиб кетади оғзидан. Ўзига келдими, танимайсан: бундан доноси йўқ.

— Гапирувдингиз, — деди Салтанат масаллиқни обдан қовуриб, капгир устидан шопирма сув қуяркан. — Ҷша латифаниям бировларга тегизиб айтган-да...

— Ҷа-да! — деди Азиз ёш боладай севиниб. Кейин хотини иккинчи марта «чўмилиб чиқинг» дегандан сўнг сочиқ, совун олиб ваннахонага кирди. Энтикиб-энтикиб, нафаси қайтиб кетса ҳам совуқ сувда чўмила бошлади...

... Аслида ўшанда Азиз айтган воқеа мана бундай юз берган эди.

Мархум Сергей Матвеевич елиб-югуриб ҳаракат қилмаганда, Азизга, умуман, ер қаёқда эди! Тагин келиб-келиб Маҳамат чатоқдан олиб бўлармиди! Ўзини томдан ташласа ташлардики, бир қарич уватини ҳам бермасди. Аммо кекса профессорни республикадаги деярли ҳамма колхоз, совхозларда яхши танишар, ўткир пахташунос олимлигидан ташқари, катта ташкилотчи, раҳбарлардан бири бўлганини ҳам билишар, эслашар эди. Буни Маҳамат чатоқ ҳам орқаворатдан хийла эшитганди. «Пахтанинг пири» деб ном қозонган Сергей Матвеевич уруш йиллари партия топшириғи билан вақтинча университетни қўйиб, Марказий Комитет секретарининг ёрдамчиси лавозида ишлаган, бормаган колхоз-совхоз, кўрмаган, танимаган раиси ёки директори қолмаганди. Кейинчалик республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг фан бошқармасига раҳбарлик қилган, фақат пенсияга чиққандан сўнггина, Фанлар академиясининг илтимосига кўра шу уруғчилик институтида лаборатория мудири бўлиб ишлай бошлаган эди. Азизнинг пешонаси ҳам ана шунда ярқираб қолганди. Бечора чол бир умр унинг эсидан чиқмайдиган яхшилик қилиб кетди. Азизнинг дадил, ҳатто кўп олимларнинг жиғига тегиши мумкин бўлган фикрларини эшитиб бир вақтлар ўзи ҳам бошлаб, лекин охирига етказолмай қолиб кетган илмий армонини энди мана шу шогирди давом эттираётганидан севиниб, институт тажриба участкасидан ер талашиб ҳам ўтирмади; тўппа-тўғри Тошкент яқинидаги ўзи биладиган раислардан бирига борди-ю, Азизнинг ишини бир чиқишдаёқ битириб қайтди; уни қонуний расмийлаштириб ҳам қўйишди. Колхоз билан институт олимлари ўртасида илмий-иш-

лаб чиқариш шартномаси тузилиб, «бу шартномага мувофиқ институт олимлари икки ойда бир марта колхозчилар ўртасида турли мавзуларда илмий-оммабоп маърузалар ўқиб туришлари, маҳаллий қишлоқ ёшлари сафидан келажакда пахтачилик мутахассислари етишиб чиқишини таъминлаш мақсадида иқтидорли ўқувчиларни мактаб партасидаёқ оталиққа олишлари, ўз навбатида колхоз эса бу ёшларни тайёрлаш ва уларга биологиядан махсус амалий-назарий машғулотлар бериб борилиши учун бир ярим гектар ер ажратиши зарур» деб топилди... Сергей Матвеевич шу тажриба участкасига Азиз Қосимовни раҳбар қилиб тайинлади.

Азиз аввалига бу хушxabарга унча ишонгиси келмади. Кейин Сергей Матвеевич йўл-йўриқларини қулоғига қўйиб олди-ю, эртаси куни ўша колхозга қанот чиқаргандай учиб борди. Раис райкомдан келганлар билан банд экан, шунда ҳам Азизни яхши қаршилади. У паканагина, қоратўридан келган, сочини устарада қирдиргани учун дўпписининг ўрни оппоқ бўлиб турган хушчақчақ одам экан. Азизни ҳамсухбатлари билан таништира туриб, «бу киши Сергей Матвеевичнинг шогирдлари» деб Азизнинг елкасига миқти қўлини қўйди. Кейин унга юзланиб «мен бўшагунча, боринг, участкангизни кўриб келинг, ёқармикин...» деб, ҳатто машинасини миндириб юборди; шофёрига «меҳмонни тутзорга олиб бориб келгин», деб тайинлади.

Азиз Маҳамат чатоқни биринчи бор кўргани ўшанда эди. Қоп-қора, эти устихонига ёпишган, бўйнидаги томирлари бармоқдек-бармоқдек бўртиб чиққан, кўзлари ўткир, қув, икки томонга ўроқнусха ёйилган шопмўйлови ориқлигидан худди ёлғондан ёпиштириб қўйилгандек бўлиб кўринар, устида тимкулранг матодан халат-шим, оёғида жигарранг брезент этик. Узун тахта столнинг бир четида, шундоқ тол шохига илинган бедана тўрқовоғи тагида ўтирганча, ўн икки варақлик дафтарига қалам билан нималарнидир ёзарди. У Азиз билан, раис шофёри билан совуққина кўришди-да, икковларига олдидаги бурни учган гардин чойнакдан илиқ чой қўйиб берди, кейин «гаплари бўлса айтишар» дегандай индамай яна ишини қилаверди. Азизнинг мақсадини эшитгач, раис аввал огоҳлантирмаган экан, бирдан кўзлари ёниб, ўрнидан туриб кетди:

— Нима-а? Ер дейсизми? Қанақа ер? Қани ер?

Гапга раиснинг шофёри аралашди:

— Хўжайин тайинлаб юбордилар. Тутзордаги ерни бераркансиз, тажрибага.

— Сен тек тур! Бор хўжайинингга айт, у киши раис экан-ку, худосига ҳам бермайман бу ерни. Тажриба-пажрибасини ҳовлисида ўтказаверсин, стадиондай участкаси бор...

Кейин торт-торт билан раисга боришди. У ерда ҳам Маҳамат чатоқ ҳадеганда гапга кўнавермади.

— Маҳамат ака, сиздан бошқада ер қуриб кетибдими оламан десам! — деди раис, Маҳамат чатоқнинг одатини билгани учун унга хушомад қилиб. — Сиз республикага машғал одамсиз, геройсиз. Тажрибангиз катта. Сиз тушунган, янгиликпарвар деҳқонсиз.

Маҳамат чатоқ бўйин томирлари қабариб: «Э-э, қўйсангиз-чи!» деб юзини тескари бурди. Шунда раис ҳам тутақиб:

— Нима, ерингизни институтга орқалаб кетадими булар! — дея бақириб берди. — Сизни деб қилишяпти-ку. Вилтнинг давосини топишмоқчи. — Шу ерда Маҳамат чатоқ «шу-я, шу топадими?!» дегандай Азизга паст назар билан ўқрайиб қаради. — Қўрқманг, пахтангизни экаверасиз. Фақат қачон экасиз, қачон суғорасиз, қандай озиклантирасиз, мана, Азизжон укамиздан сўрайсиз. Ҳосили етилдими, шу йигитдан рухсат оласизу териб топшираверасиз...

— Ўзимиз-ку оқпалакдан тинкамсиз қуриб, бир қарич ер тиллога тенг бўлиб турганда, сиз ер улашасиз, ҳайронман! — деди Маҳамат чатоқ кўзлари ола-кула бўлиб.

— Маҳамат ака, қўйинг, энди гапни чўзманг. Ҳаммамизнинг ҳам ниятимиз — пахта! Хўш, манави йигитларнинг нияти бошқами?! Улар...

Маҳамат чатоқ раиснинг гапини бўлиб, яна «э-э» деб қўл силтади.

— Қўл силтаманг! Нимага биз бунча кериламиз ўзи, қани айтинг-чи? Наридан борса, оми бир одам бўлсак... — Раис шу ерда бир оз тин олиб, кулимсиради. — Невадангиз сал тумовга чалинса, дўхтирга чопасиз. Булар ҳам — дўхтир. Пахтанинг дўхтири булар! Маҳамат ака, касални минг яширинг, иситмаси ошкор қилади. Мана, лаънати вилтдан бўғилиб ётибмиз-ку, ахир... Лоп этиб давоси чиқиб қолса-чи?! Шундай экан, болага ўхшаб

салга тепага сапчимайлик-да, манави йигитларга қайта-га раҳмат айтайлик, қуллуқ қилайлик... Нима, шунча йилдан бери экаетган чигитингиз осмондан тушганми-ди? Уларни ҳам шу олимлар яратган! Биз бўлсак ўзимиздан бошқани аҳмоқ деб ўрганганмиз!

Шундагина Маҳамат чатоқ «э, билганингизни қилмайсизми!» деди-ю мўйловлари диккайганча, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди...

Ўшанда Азиз бир чеккада тумшайганча бу гапларга ҳанг-манг бўлиб, бир раисга, бир Маҳамат чатоққа жавдираб нима дейишини билмай ўтираверган эди. Маҳамат чатоқ чиқиб кетгач, раис Азизга кулиб қаради-да, дўпписини олиб яйдоқ бошини обдан силади.

— Бўлди! — дея ўрнидан турди. — «Билганингизни қилинг» дегани — кўнгани!! Энди бемалол тортинмай бораверинг...

Чиндан ҳам Маҳамат чатоқ Азизни қовоқ уйиб кутиб олса-да, тутзор оралиғидаги бир ярим гектарча ерни индамай кўрсатди-ю, ҳеч нарса демай, изига қайтди.

Азиз ичида ноқулайлик сезса-да, тушгача шийпонга бормай, ўзича янги картанинг ҳисоб-китобини қила бошлади... Узоқдан кимнингдир «Обе-ед!» — деган қичқиринини эшитгандан сўнггина қалин тут барглари оша ўша томонга қаради. Офтобда қорайган майкачан, пакана бир одам қўлини оғзига карнай қилиб, галмагалига тўрт томонга ўгирилиб, колхозчиларни тушликка чақирар, ора-сира кафтини қошининг устига қўйиб, қаёққадир узоқ тикилиб турарди-да, яна чақирарди. Орадан беш минутлар ўтгач, Маҳамат чатоқ Азизга одам юборди. У истамаса ҳам ноилож боришга мажбур бўлди. Маҳамат чатоқ стол тўрида ўрнашиб олганча, каттакон мис товоқдаги маставага ҳадеб нон тўғрапти. Столга сиғмаган беш-олти хотин-қиз эса ҳовуз четидаги соя жойга палос ташлаб ўтиришибди. Ғовур-ғувур, ҳазил, кулги... Маҳамат чатоқ Азизни имо билан ўз ёнига таклиф қилди. Ҳаммининг кўзи Азизда эди. Маҳамат чатоқ туйқусдан:

— Нима, одам кўрмаганмисизлар? — дея бақириб берди атрофдагиларга. — Таниб қўйинглар: ўртоқ Қосимов Азиз. Ишимизни енгиллатиш учун, оқпалакни йўқотиш учун келганлар.

Ўтирганлар Азизга баттар ажабланиб қарашди. Кимдир унга дарров бир коса овқат келтириб берди. Шундан кейин бирон кимса чурқ этмай, хўриллатиб мастава

ича бошлашди. Азиз атрофга разм сола-сола қошиқни айлантириб, таомнинг совушини кутди. Тахта столдан сал нарида иккита мой бочка турибди, бирининг устига кўл радио қўйилган, негадир гапирмасди. Бочка тагидаги хасчўплар қорамойга беланган. Ундан сал ўнгроқда ҳозир деярли ҳеч ерда ишлатилмайдиган узун «бричка» арава; фақат битта орқа филдираги қолибди. Филдирак тагидаги хас «тўшак»да эшакдай келадиган гувала бош таргил ит энгагини олд оёқларига қўйган қўйи чивин таласа ҳам индамай ётибди. Ҳар замон-ҳар замон обдан жонига тегиб кетганда тўсатдан ҳавога ҳамла қилиб қолади.

— Даладагиларнинг хўрдасидан ҳам татиб кўринг! — деди Маҳамат чатоқ кутилмаганда. — Бизнинг маданий дам олишимиз шу, ука! — У кўзларини муғамбирона қисиб, кўрсаткич бармоғи билан атрофни чизиб кўрсатди. Кейин Азизни қойил қолдирмоқчи бўлди: — Замонавий бир латифа айтиб берайми, тинглайсизларми? — деди дабдурустдан гап мавзусини ўзгартириб. У бўш товоқни четга сурди-да, шопмўйловларини силаб, бир-икки кекириб қандайдир қизиқ нарсани айтгиси келиб, ўрнидан кўзғалиб қўйди. Бригада аъзолари бўлса тўс-тўс ёқда «эшитайлик, эшитайлик», дея шовқин солишди. — Буни қарангки, туппа-тузук бир одамнинг арзандаси институтга киролмай қопти, — Маҳамат чатоқ ҳамон мийиғида кулиб гапирарди. — Нима қилиш керак? Бекор юрса — саёқ йўлга киради, элнинг кўзига чўгиртак! Майли, ҳаммол бўлсаям бирон-бир ишга овунсин. Ўзи ўқишни зўрга эплаб юрган бола экан, ўйлаб-ўйлаб савдода ишлайдиган бир ошнаси эсига тушибди. Катта дўконга мудир экан. Ушани топиб: «Оғайни, ўғилча имтиҳон пайтида тоби қочиб, бу йил ўқиши бўлмади. Бекор юрса... тагин йигитчилик дегандай... Бирон ишга чалғигани маъқулмикин? Сизда юмуш топилар, маошсиз бўлса ҳам майли...» деб олиф-тагарчилик қилиб баланддан кепти. Оғайниси ҳам «шундай мартабали одам менга бўйин эгибди, мен йўқ дейманми», дегану ўша заҳоти: «Ҳа, омон бўлинг-э! Сиздай қадрдонимизнинг ўғилчаларига иш тополмасак, бу дунёда нима қилиб юрибмиз! Эртадан юбораверинг», дебди. Чиллаки ваъдадан бир оз чўчиган мартабали ота танги оғайнисидан ётиғича: «Масалан қандай иш?» деб сўрабди. Оғайниси: «Юбораверинг. Ҳозирча... ойига уч юз туширади», дебди. Мартабали ота капалаги учиб:

«Йўқ, йўқ, бўлмайди! Мен уни ўқитмоқчиман. Бунақала пулга ўрганиб...» дебди чўчиб. «Унда сотувчига ёрдамлашиб туради... ойига икки юз». Мартабали ота яна рози бўлмай: «Бошқа ишингиз йўқми? Қўлига катта пул тушмаслиги керак», дебди оғайнисига. Шунда дўкончи мартабали отанинг мақсадига тушунмай, азбаройи энсаси қотганидан: «Ҳа, унда ўқишга киритинг... беш йил юриб, кейин етмиш сўм пул олади», дебди.

... Ўшанда Маҳамат чатоқ бу латифани, ҳойнаҳой, Азизга қарата, «сен ҳам ўшанақа мирқуруқларнинг бирисан-да», деб шама қилгани аниқ эди. Аммо Азиз бўш келмади. Қайтага латифаси Маҳамат чатоқнинг ўзига калтак бўлиб тушди. Азиз теваракдагиларнинг қотиб-қотиб кулаётганига пинагини ҳам бузмай:

— Маҳамат ака, — деди чаккасини қашиб илжайганча. — Эшитишимча, ҳамма болаларингиз олий мактабни битиришган экан... шундайми?

Маҳамат чатоқни бирдан ифтихор ҳисси эгаллади-ю, кўкрагини ғоз қилиб, гапнинг кетини ўйламай мақтанишга ўтди:

— Бўлмасам-чи! Бизнинг ҳақимизни ҳам шуларга берган! Даври кептиякан, давронини суришсин! Кичик қизим, саломатлик бўлса, янаги йили пиллачиликка киради. Қолганлари бари битирган!

Яна ҳамма гуриллаб кулди. Маҳамат чатоқ аввалига талмовсирагандай, «булар ҳали ҳам менинг гапимга кулишяптими», деган хаёлда турди-да, тўсатдан қўлга тушганини пайқаб, ўзи ҳам сўйлоқ тишларини кўрсатиб илжайди.

— Домланинг айтганини қилу қилганини қилма! — деб қичқирди, кимдир чеккадан. Яна гуррос кулги кўтарилди. Маҳамат чатоқ овоз келган тарафга қўлини бигизлаб пўписа қилди-ю, шарт ўрнидан туриб, Азизнинг нозик кафтига ўзининг чайир, қадоқ қўлини қарсиллатиб урди-да, самимий боқиб, «енгдингиз... таслиммиз, таслим!» деди қиҳқиҳлаб куларкан.

Ўша кунни кечқурун Азиз бу гапни Салтанатга ҳам айтиб берган, Салтанат аввалига ёйилиб кулиб, кейин бирдан қовоғи уюлганича:

— Лекин, Азиз ака, шу латифада жон бор, — деган эди. — Атрофингизга қаранг, от — минганники, тўн — кийганники-ку. Латифалар эрмакка тўқилмас. Аҳволимизни кўринг.

— Аҳволимизга нима қипти?

— Ҳа, энди айтаман-да!..

Салтанатнинг дуч келган нарсадан қийиқ ахтариши Азизнинг жаҳлини чиқарса ҳам, аммо ўшанда у индамади. Салтанатнинг гапига елкасини учуриб қўя қолди.

Салтанат эса тўсатдан дадасининг бир вақтлар кимгадир айтган ўғитини эслаганди. Дадаси ўшанда супада орқа ўгириб ўтирганича, ёнидаги шогирдимиди ёки ҳамкасбими, жиккаккина бир йигитга ҳадеб гап уқтирар, Салтанат ошхонада ойисининг олдида сабзи артиб, пўчоқларини челақка солаётган эди.

— Санаб берганга қуш ҳам тўймайди, — деганди дадаси. — Тийин бўлса ҳам кунига қўлга пул тушиб тургани бошқа гап. Тийиндан йиғилганда, қўшилиб-қўшилиб... Эҳ-ҳе! Йўқ бўлса — ёмон. Қанча топма — баракасиз, ўпқон ямлагандай эплаш қийин.

... Аммо Азиз хотинининг бугунги куйди-пишдилигидан ўзида йўқ севиниб кетди. Чунки Салтанатни тушуниш қийин эди, ёш бўлишига қарамай, у Азиз учун жуда мураккаб шахс эди. Эҳтимол, у баъзан ўзини ўзи ҳам тушунмас... Лекин, бари бир, Салтанат бошқа ҳамма аёллар сингари, эртанги кунга катта умид билан қарарди. Айниқса, Азизни кимдир эътироф этиб, кимдир унга ихлос қўйса, илмий изланишларини мақтаса, Салтанат бирдан ийиб кетар. Азиз акаси яна ҳу қизлик вақтидагидек уддабурро, истаганини йўндирадиган эпчил одам қиёфасида гавдаланар, «ҳадемай бизга ҳам офтоб тегар... айтганимиз-айтган, деганимиз-деган бўлиб қолармиз...» дея ширин хаёл сурар; шундай пайтларда тўсатдан у ўзгариб, эрига меҳри товланиб оройишни ҳам ҳаддидан ошириб юборарди.

Салтанат бугун айни шундай кайфият оғушида. Боя кимсан, Маҳамат акадай қаҳрамон одам энгил машинада келиб, шунча совға-салом ташлаб кетди-ю... Азиз акаси ҳазилакам эмас экан, минг қатла шукрки, ўзига яраша обрўси, иззати бор экан...

Салтанат Маҳамат чатоқни очик юз билан кутиб олди.

— Вой, тавба! — деди Маҳамат чатоқ ҳам нарсаларни бир-бир йўлакка қўяркан. — Ўзим ҳам салкам пайғамбарман. Худди шундай бўлсангиз керак, деб ўйловдим, келин. Азизжондай йигитнинг жуфти ҳалоли

ҳам ўзига яраша бўлади-да! Янглишмабман. Баракалла, умрларингдан барака топинглар. Одамларга яхшилик қилаверинглар. Яхшилик ҳеч қачон ерда қолмаган. Яшанглар, ишқилиб, қўша қаринглар...

Маҳамат чатоқ кетди-ю, Салтанатнинг дили чироқдай ёришди. «Тўпори, очик одам экан», деган ўй ўтди хаёлидан. Кейин ўзидан-ўзи Азизга ачина бошлади: «Бечора, нима қилса, бизни деб, уйим, бола-чақам деб қиялпти-ку. Мунча уни қийнамасам! Биров ортиқ, биров кам, беш панжа бараварми? Ордона қолсин ўша кандидатлиги ҳам! Вақти соати келиб бир кун ёқлар. Ҳа, битказганлари тоғни талқон қилиб беришяптими жуда. Шукр қилиш керак. Биздай бўлмаганлар ҳам сон мингта. Боши ёстиққа тегиб, ётгулик қилмасин, унда қўлимдан нима келарди. Ҳар қалай, ишлялпти-ку! Ишлаганда ҳам... бошқа одам аллақачон қўлини ювиб, қўлтигига урарди. Азиз ака айтганидан қолмаяпти. Бир нарсага ишонадики, шундай қилади. Ўжарлиги ҳам ишонганидан...»

У меҳмонни кўнгиладигдек кутаман деб, апил-тапил уйни йигиштириб, дастурхон тузашга киришди. Шу орада эшик қўнғироғи жиринглаб, куни кечагина сомса ташлаб кетган синглиси кутилмаганда яна кириб келди. Улар синфдошлари билан Тошкентнинг янги қурилишларига экскурсияга чиқишган экан, қайтишда тағин бир кириб ўтай, деб йўл устида автобусдан тушиб қолибди. Салтанат ёрдамчи топилганига суюнди. Ҳамма ишлар битиб, стол ясатилгач, синглиси «мен энди кечикмай», деб ўрnidан турганида, Салтанат уни қўярди-қўймай, «қуруқ кетма», деб Маҳамат чатоқ олиб келган тарвuzдан биттасини тўрхалтага солиб, икки килоча олтиндай ҳусайни узумни газетага ўраб қўлига тутқазди, «бу даланики, бу бошқача», деб мақтаб, гўё ҳаммавақт ўзларини мана шундай янги мева-чева, сабзавотлар билан сийлаб туришадигандай, танти бекалардай иш тутди. Ҳозир унинг кўнгли осмонда эди...

Азиз ваннахонадан чала-ярим кийинганча чиқиб келди. Салтанатнинг олдида туриб, сочини қайта-қайта артди.

— Салтанат, — деди хотинини эркалаб. — Биласанми, худди марҳум Сергей Матвеевични кўргандайман. Ўша, энди тўйимиз бўлган пайтларда чиққан бир мақоласини яқинда яна ўқиб чиқдим. Э-эх! Одамга жудаям кўп нарса керак эмас ўзи бу дунёда! Яхши гап

керак. Битта гапдан одам тирилик, битта гапдан ўлиши мумкин. Мен бугун тирилгандайман.

— Сизники тирилтирибдими демак, зўр гап экан!

Хотинининг ярим ҳазил-ярим чин бу гапига Азиз ҳозир эътибор ҳам бермади. Унинг хаёли бошқа ёқларда эди:

— Илгариям ўқигандиму ёдимдан чиқиб кетган экан. Бағри кенг одамлигини энди билдим. Бутун ишларимни худди олдиндан кўриб ёзгандай, боёқиш... Биласанми, баъзи пайтларда ҳаммасидан воз кечворгим келади, бошимни олиб кетсам дейман.

Азизнинг охириги гапи Салтанатнинг нафсониятига тегди, у юлқинганча:

— Беҳзод билан бир кечагина ойимникида ётиб келай десам, шунга сочингиз тикка бўлади-ю, сиз бош олиб кетаркансизми? — деди лабини буриб.

— Ростдан, Беҳзод қани?

— Хайрият, эсладингиз. Гулнора кўтариб чиқиб кетган. Ҳу, ана, ҳовлида юришибди. — Салтанат қўлини сочиққа арта туриб, ошхона деразаси орқали чўзилиб ташқарига қаради.

— Қайси Гулнора?

— Вой, қўшнингизниям билмай қолдингизми? Йўлакда юрган экан, қарашвор, деб ялиндим.

Азиз «ҳа-а» деди-ю, хаёли бошқа ёққа учди.

— Бугун ўша мақолани ўқидиму, биласанми, ҳамма шубҳаларим тумандай тарқади-кетди. Худди машаққатли ишимни яқинда охирига етказадигандайман. Шунини кўнглим сезиб турибди! Ҳа, ҳа, сезяпти! Эртага яна участкага чиқаман.

Салтанат нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда, кўнгироқ жиринглади. Азиз «келдилар» деди-да, бориб эшикни очди. Салтанат ҳам шоша-пиша йўлакка чиқди. Маҳамат чатоқ мўйловлари диккайиб, ҳар хил қоғоз қути ва ўрам-ўрам буюмлар кучоғига сифмай, сўйлоқ тишларини кўрсатиб остонада кулиб турарди.

— Э, Маҳамат ака, бормисиз! Ассалому алайкум. Қани, марҳамат, марҳамат, — Азиз унинг қўлидаги нарсаларнинг бир қисминини олди.

— Икки қадам жою шунга ҳам қўл тегмайди, — деди Маҳамат чатоқ оёғини остонадаги латтага артаркан. — Бир тушганда бир йиллик ўйинчоқни биратўласи оламан. Кейин неваралар ўйнаб, ичак-човоғини чиқариб ётаверишади. Дўконга кирсам, ёпирай, қалашиб ётган

ўйинчоқлар эмас, кўзимга нуқул уйдаги миттивойлар кўринаверади! Ҳар бирига биттадан олганда ҳам... Шофёримиз бензинга кетди. Кабинкада қалдир-қулдир сочилмасин деб, қўлимга сиққанча кўтариб киравердим. Ҳали машинада ҳам бор анчаси.

Маҳамат чатоқ Азиз ва Салтанат билан алламаҳалгача ота-болалардек ширин суҳбатлашиб ўтирди. Кейин: «Биз қарзимизни уздик, келин! Энди сизлар чиқасизлар, қишлоқ тарафларга», дея «топшириқ» бердида, қайта-қайт хайр-хўшлашиб, қўлидаги бир дунё қўғирчоқлари ичига кўмилганча чиқиб кетди.

Азиз уни муюлишда турган машинасигача кузатиб борди-да, изига қайтиб, йўлаklarиға кираётганда, қаршидаги гиштин иморатнинг учинчи қаватида қарсиллаб чинни идиш синди, хотин кишининг додлаган шанғи овози эшитилди. Азиз ширакайфлигидан ирим қилгандай кўкрагига туфлади-ю, «яхшиям Маҳамат ака кетгандан кейин бошлашди», дея минғирлади ва билинарбилинмас гандираклаганча зинадан кўтарила бошлади.

6

Осмон боягина феруза шишадек, тип-тиник эди, ҳозир эса найзага келган қуёш тафтида бамисоли тандирдек ёнар, Азиз анҳор лабидаги тарвақайлаб ўсган кекса жийда тагида ёнбошлаб, уйидан келтирган бир шиша қатигини нон билан тамадди қиляпти. Гардиш лентаси сарғайиб кетган эски похол шляпаси бошида, таги кулранг йўл-йўл қўйлагининг баданига ёпишган жойлари тердан қорайиб кўринади... У эрталабдан бери тинмади. Бўлак-бўлак карталардаги ҳар хил белгилар қўйилган тахтачаларни ҳам синчиклади, ўсимликнинг кейинги ривожи, суръатини ўзича чамалаб, блокнотига ёзиб чиқди. Мана энди обдан чарчаганини, айниқса, сал дам олиб, тамадди қилганидан сўнг сезди... Лоқайд қиёфада нон чайнар экан, атрофга кўз югуртди. Фадирбудир жийда танасини олхўридек-олхўридек сирачлар қоплаган; пастдан қарагани учунми, Азизнинг назарида шу «шишлар» ҳам боёқиш дарахтни хиппа бўғган касалликка ўхшаб таъбини хира қилди... Кейин у яна рўпарасидаги ўз карталарига кўз тикиб, вужудини бирдан тотли сурур қамраб олди. Ғўзалари бири баланд, бири паст; ҳатто танасию баргларининг рангидан уларни бемалол биридан бирини ажратса бўладиган кичик-кичик

пайкалларда гўзалар ёғ ичгандай яшнаб турибди, уларни уч кун олдин Маҳамат аканинг одамлари меҳр билан чопиқдан чиқаришган. Азиз ўшанда то қош қорайгунча куймаланиб, ниҳолчаларини ишонмай, ўзи кўз-қулоқ бўлиб турган эди. Азиз ётган жойида хў ўша илмий кенгашда туйқусдан бошланиб кетган баҳсни эслади. Муҳиддин Жабборовичнинг «қани, фикрингизни асослаб беринг-чи», деган дағдағаси худди ҳозир қулоғининг остида эшитилгандай, оғир хўрсинди, юраги орзиқиб, кун қизиғига бош эгиб турган бўлиқ гўзаларга тикилди, «халоскорларим» дея дил-дилидан шивирлади...

Каллакланган тутзорга бориб тақалган ҳов анови картадаги гўзалар Азиз етилтираётган энг охириги бўғинга мансуб пахта нави. Боягина санаб чиқди: гиж-гиж кўсак, ўзак шохларининг баландлиги 90—100 сантиметрга етибди, ваҳоланки, гўза вилтга чалинса, айна мана шу ўзак шохлари бошиданоқ пажмағил бўлиб қолади. Ҳосил шохлари унча узун эмас, барглари беш панжали, кўм-кўк, ўрта ҳажмда. Кўсаги думалоқ, жажжи бўғинли, силлиқ, беш чаноқли. Ўтган йилги бўғиннинг ҳар бир кўсагида ўрта ҳисобда беш-олти граммдан пахта етилган эди, гўзанинг чоғига қаралса, бу йилгиси яна ҳам салмоқлироқ бўлиши керак... Азиз қанча вақтдан бери умид боғлаб келаётган шу янги навидан ҳамон кўз узмас экан, бундан етти йил бурун, худди шу ерда иссиқхона шароитида экиб, кўкартирган ёввойи гўзасини хотирлади-ю, вужуди зириллаб кетди. Ўшанда тажриба учун эккан гўзалар куз кирганда ҳам гулламаган эди. Бутун мавсум кутди, аммо битта дона кўсак ҳам тугмади. Кўсак тугиши учун Мексикадаги сингари кун қисқа бўлиши зарур эди... Аммо сунъий йўл билан қайта-қайта вилт юқтирилса ҳам, касалликка чалинмади, ҳосилсизу, лекин гуркираб ўсаверди. Мана, энди хув анави серҳосил «Ф» навига қараганда ҳам эрта стилаётган гўзаларда кўп одамларнинг кулгисини қис-татган, жигига теккан ўша ёввойи навнинг пушти, қони бор! Азиз табиатнинг ажиб бир хислатига ҳар доим ҳайрон: бирон кашфиёт юзага келгандан сўнг, мундай ўйлаб қаралса, борлиқнинг оддийгина сири очилган бўлади, холос. Аммо ўша заррадай қонуниятни кашф этиш учун озмунча меҳнат, озмунча сабот, озмунча инсон умри керакми, ахир?

Бари бир, Азиз ҳозир дилгир эди. Боя эрталаб гузар-

да автобусдан тушиб, колхоз идорасига кирмай, тўппа-тўгри даласи томон бурилганида, омборхона муюлишида унга икки нотаниш йигит дуч келди. Бирининг энгил-боши қора мойга беланган, залворли кирза этигини зўрға судраб келаётган чўпдай ориқ йигит эди, иккинчиси — пакана, юзлари тирсиллаган; думалоқ елкасида паншаха билан кетмон. Аввалига Азиз билан қуюқ сўрашишди-ю, беш-олти қадам нари бормай, иккови бараварига воҳ-ҳа-ҳалаб кулиб юборишди. «Оқпалак полвон шу! Неча йилдан бери келади-кетади!» Азиз ялт этиб орқасига ўтирилди: йигитлар ҳамон кулиб бориш-япти. Азиз қишлоқ йигитларининг бу соддалиги ва худбинлигидан ўша дақиқада унча ранжимеди. Лекин сал юргач, бутун жисмини уят ҳисси эгаллаб, ҳозиргина эшитган гапидан бўйнигача қизариб кетди...

У шоиртабиат йигит бўлгани учун ҳам салга эзилар, салга суюнар, салга қанотланиб, салга бўшашар эди, айримлар бир шиддат билан оладиган ишни бу баъзан роса миждовланиб, минг ўйлаб, иккиланиб, охири кўнглига ўтиришгандагина бир ёқлик қиларди... Шу сабабли ўша йигитларнинг эрталабки гапи ҳам унинг кўнглига қаттиқ тегди-ю, кайфиятини бутунлай бузиб юборди. Шунча йиллик қилаётган иши бирдан кўзига бир чақалик аҳамияти йўқ нарсага ўхшаб кўринди. Кейин гўзаларига чалғиб, гапни бир оз унутди... Мана, ҳозир эса яна изтиробда, яна шубҳа қилипти... Баъзан ўзининг ҳам жонига тегиб кетади! Денгиздай мавж урган пайкаллар буёқда қолиб, яланг нимжон, қовжираб, қувраган парча-пурча майдончалардан чиқмай юриши, ивирсиб, эртадан-кечгача блокнотига нималарнидир ёзиб, нималарнидир идишчаларга, конвертларга йиғиб чарчамаслиги қишлоқ аҳлини аввал ҳам шубҳага солганини, унинг олимлигига бир-иккида ишонмай қарашганини у орқаворатдан сезганди. «Неча йилдан бери келади-кетади!» Бундан ҳам ортиқ ҳақорат бўлиши мумкинми, ахир?! «Ёввойилик хусусияти зўрайиб кетиб, катта-катта майдонларда ҳосил битмай қолса-чи? Унда давлат олдида ким жавоб беради?! Сизми?» Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг ачитиб айтган шу гапларини эслади-ю, баттар ваҳм босди ва кафти билан кўзини қуёшдан яширганча, ҳозирги кунда республиканинг деярли барча пахта майдонларида районлаштирилган, вақтида вилтга чидамли, ҳосилдорлиги, тола сифатлари аъло бўлган гўза нави экилган нариги карталарга қара-

ди, юраги увушди. Ўтган сафар чиққанида бу майдонлар қийғос ўсиб, шохлари тарвақайлаб, кун сайин, соат сайин ўзига куч йиғаетган эди. Мана, энди бирдан сусайиб, деярли ўшидан тўхтаб, қувраб ётибди. Битта-яримта тугунчаклари ҳам қоқисимон бужмайиб, кўплари ҳалитданоқ эгат орасига тўкилиб тушибди. Жон сақлаганлари ҳам нима гўр бўларди? Аввало кўсақда салмоқ деган нарса йўқ. Толасини-ку, гапириб ўтириш ҳам бефойда...

Азиз жийда тагига дастурхон қилиб ёзган газетага офтоб туша бошлагач, уни йиғиштириб ўрнидан турди-да, сал наридаги қатор тут дарахлари соясига ўтди. У шимининг чанг бўлишини ҳам ўйламай уватга тақалиб ўтган тупроқ йўлга баралла оёғини узатиб, чалқанча тушиб ётди. Суякларини қирсиллатиб, ҳузур қилиб обдан керишди. Шу пайт бош томондан қалин тут барглари орасидан ёқимли бир эпкин келди. Азиз шиддат билан ўрнидан туриб, тагин сал юқорироққа, қақраб ётган ариқ бўйига кўтарилиб ўтирди. Рўпарадаги кўм-кўк пахтазор бора-бора олислашиб, новвотранг тусга кирган, диққат билан қаралса, пахтазор устидан лопиллаб нимранг лудга ўхшаш ҳовур кўтариларди. Деҳқонлар бу ҳовурни оқпалакнинг белгиси дейишади... «Унда давлат олдида ким жавоб беради?! Сизми?» Азизнинг назарида ҳозир ҳар бурчакдан Муҳиддин Жаббарович унга хўмрайиб қараётгандай, уни таъқиб қилаётгандай туюлди-ю, яна алам билан қувраган ғўзаларга ўгирилди. «Ахир, бир иложини топиш керакми?! Манавинақанги ўткир ачимсиқ дориларга ҳам бўй бермаяпти-ку? Аввал «ёввойи пуштга чатиштира», деб қийнашган эди. Энди буёғини ҳам тўғрилаб қўйишяпти, мабодо, вилтга чидамли ҳосилдор нав етиштирилган тақдирда ҳам бари бир, охири вой эмиш... Азизнинг хотирига туйқусдан Сергей Матвеевич мақоласидаги нунов кунги фикр келиб урилди: «Хатолар ҳам фаннинг калити, ахир...»

Бирдан боши айланиб, гўё рўпарасидаги пахтазор ҳам бир сидра чайқалиб кетгандай бўлди. Яна ўша ўтган галдагидек калласи тўхтовсиз гувуллаб бошлади. Юраги дук-дук ўйнаб, шоша-пиша чўнтагидаги резерпин дорисидан бир донасини олиб оғзига ташлади-да, «сув йўқмикан» дегандек у ёқ-бу ёққа аланглади. Нариги пайкал четидан ўтган ариқ қақраб ётар, ўнгга бурилган жойдаги тўй қозонидек ҳовузчада эса бир ҳовучгина

кўлмак сув ялтиллаб турар, бироқ у сув эски, кейин Маҳамат чатоқ бригадасидаги асосий гўзаларни кечагина дорилаб чиқишганда ҳовузчага ҳам дори тушган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Шунинг учун Азиз тилида турган тахир дорини ямлаб ютди.

Бир оздан сўнг анча кўзи ёришгандай бўлди-ю, хаёлини яна гўза ташвиши эгаллади. Барглари унниқиб, шалпайиб ётган нариги пайкалларга кўз ташлади. «Вилт томир орқали ўтиб, ўсимлик ҳужайраларининг фаолиятини сусайтириб қўяди шекилли... Бўлмаса, нимага қовжирайди. Аксари олимлар шу фикрни қувватлашади. Лекин бошқача қарашлар ҳам анча...»

Азиз касалликдан соб бўлган, зўрга қилтиллаб турган бегона пайкаллар билан ўз пайкалларини солиштираркан, вилт муаммосига, унинг сирли механизмига ўзининг ниҳоятда яқинлашиб борганини ҳис этди, руҳи бирдан енгиллашиб, ўрнидан ирғиб турди, бир оз ўйла-ниб, яна ўтирди. Ахир, маданий навни ёввойи уруққа чатиштириш гоёсини у осмондан олган эмаску?! Азиз ўз фарази моддий борлиқ қонуниятларига мос тушишига ва оқибат натижада ўйлаган нияти ушалишига ишонади. Ишонади-ю, бироқ қанчалик кўп мушоҳада юри-тиб, қанчалик кўп билгани сари дунёнинг шу қадар беҳад, бепоёнлиги, унинг истаган нуқтасида кутилмаган қонуниятлар яшириниб ётган бўлиши эҳтимолини ҳам чуқурроқ ҳис этади, ана шунда Муҳиддин Жабборовичларнинг унга билдирган шубҳаси кўкрагида илондай қўзғалиб, бутун режаларини остин-устун қилиб юборгудек бўлади... Аммо, бари бир, у таваккал қилаётгани йўқ! Тўғри, ирсият қонунига мувофиқ бир организмнинг айрим белги-хусусиятлари наслдан-наслга ўзгармаган ҳолда ўтади... Лекин ташқи шароит таъсирида, бир ёки бир неча наслий зарраларнинг ўзгариши билан ўша белги-хусусиятлар бошқа хоссага айланиши ҳам мумкин!..

Азиз студентлик йиллари, фақат тотли умиддангина иборат беозор хаёллари, Сергей Матвеевичдан тинглаб юрган мароқли лекцияларини эслаб кетди. Қанчалар осон ва жўн эди-я, ўша пайтдаги уларнинг қарашлари! Ҳаммаси — китобда, таппа-тахт эди!.. Энди бундай ўйлаб қараса, тўхтовсиз давом этгувчи фикрлар курашидан баҳслар қуюнида келажак туғиларкан! Ахир, Дарвингача яшаган олимлар мана шу кўриб турганимиз «жонли ва жонсиз табиатни мутлақо ўзгармайди...

Ўсимлик ва ҳайвонот олами қандай яралган бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай, яъни ўзгармаган», дер эдилар-ку?! Айни Дарвин ўша догма қарашга тиг уриб, биология фанини илмий асосга олиб чиқмадимми?! У, яна ўзгарувчанлик ва янги организмларнинг вужудга келишига чатишув сабаб бўлишни ҳам исботлаган... Ёки ўзимизнинг Мичуринни олайлик: у ўз фаолиятини организмларнинг ирсий хусусиятларига ташқи муҳит қандай таъсир кўрсатишини ўрганишдан бошлаган: дурагай организмларда баъзи белги-хусусиятларни атайлаб кучайтириш... ҳа, ҳа, атайлаб кучайтириш йўлидан борган; жүгрофик жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган формаларнинг чатишиши ва насл бериши мумкинлигини амалда кўрсатган. Ёки академик Вавилов таълимоти-чи? Николай Иванович турли ўсимликларнинг географик тақсимланишини текшириб, улар ер куррасида маълум қонуният асосда тарқалганликларини ва ўсимлик турларининг жойланиш жадвалини тузди; маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларини изоҳлаб берувчи қимматли таълимот яратди...

Шуларнинг барини Азиз биринчи бор Сергей Матвеевичдан эшитганди. Сергей Матвеевичга эса Азизнинг бошқа студентлардан ажралиб турадиган бир хислати — назарий қоидаларни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки уларнинг ҳар бирига ҳаётдан бевосита изоҳ излашга бўлган интилиши ёқиб қолганди. Кўнғироқ чалиниши ҳамано аксари студентлар ўзини кўчага урса, Азиз Сергей Матвеевич ҳузурига келиб яна сўроққа тутар, кўпинча унинг гапларини тинглаб деканатгача эргашиб бораверарди. Улар орасидаги чинакам отаболалик айни ўша йилларда бошланганди...

Аммо фан, илм ҳам бамисоли кема елканидек, қаёқдан кучли шамол эсса, ўша ёққа бурилавераркан! Зиддиятли назариялар, хилма-хил далиллар, бир-бирини инкор этишлар... Аммо шу жараёнда баъзан тўғри йўлдан тойиб, ўйдим-чуқурликларга тушиб кетиш ҳам мумкин экан... эҳтимол фан учун бу ҳам зарурдир. Ахир, табиат тилсимотини ҳар бир одам турлича нуқталардан туриб кўради...

Азиз уруғчиликда ёввойи пуштдан ҳам фойдаланишдан бу қадар чўчишларини ўткинчи ҳодиса деб биллади. Чунки ҳозир биологияда шу услубни рад этувчи қараш ҳукмронлик қиляпти. Бу қараш ҳам аслида фойдали; унга асосланиб муҳим тадқиқотлар,

ниҳоятда самарали тажрибалар ўтказилган... Лекин, айти пайтда, у иккинчи йўлни инкор этмаслиги керак! Азиз мана шунисига куяди. «Менинг иш услубимга бошқа бир услуб қарама-қарши чиқса, нега энди мен унга албатта тош отишим керак экан?!» Азиз Сергей Матвеевич мақоласини эслаб, яна кулди. Ҳамма гапи тўғри-я! Фирт ҳақиқат! Ҳозир ҳам худди шундай бўляпти! Ўша ҳукмрон қарашга мансуб ва шу кунда фан идораларининг кўпини бошқараётган Муҳиддин Жабборович сингари номдор олимларнинг бир ёқлама фикрлари, қолаверса, ўз обрў ва кашфиётлари тақдирини фан, борлиқ ҳақиқатидан устун қўйишга интилиб, ўзларига салгина зид туюлган ғоя ва қарашларни менсимай, уларни обрўсизлантиришга жон-жаҳдлари билан уринишлари Азизнинг виждонини қийнади... Йўқ, охир-оқибатда ўша қувғинга олинган қарашлар ҳам ўз ўрнини топиши, енгиб чиқишини Азиз билади! Лекин... унда вақт бой берилган бўлса-чи? Ҳамма соҳада ҳам одамга суянчиқ керак; аммо фан соҳасида кучли ҳомий кишинг, мас-лакдошинг, ҳамфикринг бўлмаса, қирда ўсган якка қайрағочдек умринг шумшайиб ўтавераркан. Айниқса, кўпчилик тан олиб, расмий тусга кирган қарашларга шак келтирдингми — бас, жамоат фикрини ҳақоратлади, деган номинг чиқаркану, бироқ бари бир, уларни ўз фикрингга ишонтиришинг қийин экан!... Жамият эътироф этилган ҳақиқатлар билангина яшаркан!...

...Орқа тарафдаги тут буталари шитир-шитир қимирлаб, ер остидан чиққандек кутилмаганда Маҳамат ака пайдо бўлди. У ариқдан гуп этиб сакраб ўтди-да, қўлидаги газетани ва сап-сарик босволдини авайлаб ерга қўйди. Кейин Азиз билан кўришиб, унинг рўпарасига чордана қуриб ўтиргач:

— Азизжон, бу дейман, ғўзаларингизга дам соляпсиз шекилли? — деди юракдан қаҳқаҳа уриб. Унинг кулгиси Азизга оғир ботмади. У ёнбошлаб ётган жойидан илжайганча туриб ўтирди-да, тирсиллаган қовунни кўриб оғзининг суви келди. Маҳамат чатоқ ўрнида бир қимтиниб, жигарранг брезент этигининг қўнжидан ўзи доим «Чустники» деб мақтайдиган сопи жимжима пичоғини олди; қовунни сўйишдан аввал худди Азизга кўз-кўз қилаётгандай, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. Кейин ширр этиб пичоқ тортиши билан газета юзига тотли

шарбат қўйилиб тушди.— Ҳа, жонвор-а! — деди Маҳамат чатоқ ҳам оғзининг суви келиб. — Ҳазил ҳазил билан қовун пишиғигаам етиб келибмиз, мана. Олинг, Азизжон, олинг. Кафтдаккина ерга, тагини чўқилаб гўнг солиб экканмиз, дориси йўқ. Бизга шунисиям бўлаверади-а? — Маҳамат чатоқ шундай деб, кўзини қувлик билан қисиб қўйди-ю, тагин ёзилиб кулди. — Қўли қимирлаганнинг оғзи қимирлайди. Мана, пўчоқ ерга тушди, буёғи куз...

Азиз яқин ўртада бунақанги лаззатли қовун емаганди. Танглайига босиши билан хушбўй шарбат томогидан қултиллаб ўтади денг! Қовундан кейин ҳам яна у ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўтиришди. Охири толзор орасидаги шийпонда дам олаётган бригада аъзолари бирин-сирин ўринларидан туриб, пахтазорга тарқалиб кета бошлагач, Маҳамат чатоқ Азизга яқинроқ сурилиб ўтирди ва худди биров эшитиб қолишидан қўрққандай, паст овоз билан:

— Азизжон, — деди, — ишқилиб, у-бу чиқай деяптими манавиларингиздан? — У ҳамон қўлида ўйнаб ўтирган пичоғининг учи билан қаршидаги майдонга ишора қилди. — Тутзорга тақалган ҳов анави карталарингиз дуруст, кўсаги биз эккан майдонлардагидек бўлмаса ҳам, ҳар қалай, бор. Лекин яхши тутиб турибди. Ҳар куни ўтаётганимда мен ҳам тимирскиланаман участкангизда. Аммо манави мажмағил карталарни нима қиламиз кўкартириб? Шунисига ҳайронман.

Азиз кулди.

— Кулманг, Азизжон. Мен жиддий гапиряпман.

Маҳамат чатоқнинг азбаройи ачиниб айтган бу сўзи Азизга бирдан айил ботди. Тузукроқ жавоб тополмаганидан:

— Нима, сиз ҳам шубҳаланяпсизми? — деди жаҳли чиққани сезилиб.

— Шубҳа-ку қилмайман-а... аммо атрофингизда айланиб юрган майда-чуйда гаплардан жичча хабарим бор, Азизжон. Ҳў, бир борганимда келиннинг ройишидан ҳам сал сезгандим. Сизга қайишганимдан гапиряпман, ука. Шунча йилдан бери, мана, шукр, ота-боладек бўлиб қолдик. Сизга калтак тегса, бизга теккани...

Азиз Маҳамат чатоқ тўхтагунча тишини тишига қўйиб турди. Яна лоп этиб миясига эрталаб муюлишда учраган йигитларнинг қочириқ гапи келиб урилди. «Демак, Маҳамат акаям менга ишонмас экан-да?.. Раис-

нинг юзидан ўтолмаганидан индамай юраркан...» Азиз шу аснода бундан анча йил бурун раиснинг кабинетиди бўлган биринчи жанжал ва ўшанда Маҳамат чатоқ ер талашиб, «Оқпалакнинг давосини, шу-я, шу топади-ми?!» дегандай қараганини хотирлади-ю, баттар алами кўзиди. Азбаройи газаби ошганидан ҳозир кўзига Салтанат уни ким кўринганга ёмонлаб ҳасрат қилиб юрадиган ёвга ўхшаб кўринди. Нега бунча оғзи шалоқ?! Уйга биринчи келган хоксор одамга ҳам мени янибди-я!

— Салтанат нима деди?!

Маҳамат ака ўткир, қув кўзлари чақнаб Азизга ўгирилди. Бўйнидаги бармоқдек-бармоқдек томирлари яна ҳам бўртиб кетгандек бўлди. У Азизларникига борганда кўнглида туғилган ожизгина гумони ҳам суҳбатининг ҳозирги арзимас ҳаракати туфайли бирдан тасдиқланганди. Салтанатнинг номини эшитиши билан Азиз тутақиб, ранги ўзгариб кетганининг ўзи оралари совуқлигини ошкора қилиб турибди. Аслида, Салтанатнинг уй тутиши, гап-сўзлари Маҳамат чатоққа ҳам аллақандай сохта туюлган, Азизнинг акси бўлиб кўринганди. Гарчи у биринчи борган жойи, яна Салтанатнинг юзидан ўтолмай: «Азизжонга қуйиб қўйгандек экансиз», деган бўлса-да, бари бир, бу уйда оилавий бахт, ўзаро чинакам илиқлик, ҳар қандай мушкул шароитда ҳам кишига куч бағишлаб турувчи соф муҳаббат йўқлигини қандайдир ички туйғу билан сезиб олганди; лекин сир бой бермаган эди. Мана, энди Азизнинг гезарган лаблари, газабнок кўзлари ҳаммасини равшан қилди қўйди. Маҳамат чатоқ шуларни ўйларкан, Азизнинг юрагига бекорга туз сепганидан куюниб, гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди:

— Эскидан гап бор, ит хураверади — карвон ўтаверади. Ҳозир одамларга «мана сенга, кўрдингми» деб тумшугининг тагига суқмагунингизча, ишонинмайди. Ким ким-у, лекин мен сизга ишонаман, укам. Ишингиздан, сўзингиздан биламан. Бунинг устига, юзингизга айтмаю, мусичадек беозор одамсиз, ишқилиб, омадингизни берсин, ишингиз бароридан келсин. Кўкракни баланд кўтариб юраверинг, Азизжон, буёқда мана биз бор! Фисқу фужур гаплар эса... э, элнинг оғзига элак тутиб бўларканми?! Кулоқ солманг! Нафсиламбрига, агар ҳамма бир хил гапирганда, қайтага зерикиб қолардик. Ҳо инонинг, ҳо инонманг, тортишаётган одамларни кўрсам, ҳузур қиламан! Демак, нимагадир ишони-

шади! Кўнгилларида қандайдир чин сўзлари бор! Қандайдир ўғил бола гап айтишмоқчи! Аммо-лекин тортишмай, тулкидай жилпанглаб туриб, пахта тагидан игна санчиб кетадиганидан асрасин! У-у-у! Улар худди сувилонга ўхшаб, қайси қамишнинг тагидан чиқиб қолишини ҳам билмайсан!...

* * *

Азиз кондуктор қаршисидаги ўриндикда ўтирганча уйига қайтаркан, Маҳамат чатоқнинг гапларини эсларди. «Тортишган одамни кўрсам, ҳузур қиламан!» Чинакам мард, танти киши! Муҳиддин Жабборовичларга айни шу хислат етишмайди. Ҳар қалай, улар тортишадиган ёшдан ўтиб кетишгандир, эҳтимол. Энди уларга тинчлик керак. Эл-юртга, давлатга қиладиган хизматларини вақтида дўндириб қўйишган. Энди уларга тинчлик керак. Тинчлик! Ҳеч ким энди уларнинг мушугини пишт демаслиги керак. Ҳеч ким!..

Автобус текис асфальт йўлда шувиллаб борар; қуёш уфқда қип-қизил из қолдириб, ҳозиргина ботган; ҳалигина теракларнинг узун кўланкалари йўлгача чўзилиб, кечки шабада кумуш баргчаларнинг йилтироқ ва хира томонларини галма-галига айлантириб, ўйнаётган эди. Энди туйқусдан ҳаммаёқни бир текисда кулранг шарпа эгаллади. Чап томондаги уфқ эса ҳамон оловланиб турибди, поёнсиз пахтазорларга тутшиб кетган олис ёнбағирларда нур ва соя ўйинлари ҳали ҳам авжда. Зангори рангда олтинланиб турган узумзорлар орасидан мўралаётган дала шийпонининг нуқра деворлари нақ кўзни олади... Автобус ойнасидан липиллаб ўтаётган қорамтир далаларда ҳали ҳам ҳаёт тинмаган, одамлар уйга қайтишни ўйлашмайди, ҳамон чумолидек ғимирлаб юришибди. «Деҳқоннинг меҳнати бу! У соатни билмайди... Қанча ишлаш керак бўлса — шунча ишлайди, шунга ўрганган. Бировдан ўпкаламайди ҳам, ишлайверади...» Ху, ана, ёнига уч-тўрт қизни ўтирғизиб олган аравакаш йигит, оғзи қулоғида, дала томонга қараб отини қамчилаб боряпти. Азиз уларга тикиларкан, лабларига беихтиёр табассум югурди. У ҳам бир вақтлари болалик пайтида ўртоқлари билан колхоз боғидан сариқ гилос ўғирлаб, кейин дарахт панасида беда ортилган арава ўтишини пойлаб туришарди. Билдирмай орқасига осилиб, қўйинларидаги гилосдан еб, данакларини бил-

қиллаган тупроқли йўлга чирт-чирт отиб келишаверарди. Борди-ю, аравакаш сезиб қолса, узун қамчисини тепадаги бедага қарсиллатиб уриб, қўрқитиб тушириб юборарди...

Азиз ўзидан-ўзи кулимсираб, нимадир деб пичирлаб юборгандай бўлди ва хижолат чекканидан шошилиб атрофидагиларга разм солди...

«Тортишган одамни кўрсам, ҳузур қиламан!» Тавба! Қизиқ гап айтди... Азизнинг кўз ўнгида яна Муҳиддин Жабборовичнинг энли қошлари, қип-қизил мамнун қиёфаси жонланди-ю, кабинетида ўтириб бир куни унга айтган гаплари қулоқлари остида қайтадан жаранглаб кетгандай бўлди. Ушанда у Азизга қўлини нуқиб:

— Ука, бўлса-бўлмаса гап қайтаравериш одамнинг тутуруқсизлигини кўрсатади, — деганди. — Киши ҳаётда минг хил адашиши мумкин, ваҳоланки, тўғри йўл — битта, укам. Буни мен эмас, бурунги файласуфлар айтган. Адашиш ўнғай, ваҳоланки, тўғри йўл топиш мушкул; нишонга тегишдан кўра, ваҳоланки, хато қилиш осон, укам. Эсингизда бўлсин! — кейин бир оз ўйланиб туриб, яна давом этганди: — Ҳозир адашиш ҳам сизга фойдали. Негаки, ёшсиз, ҳали тушунасиз. Бироқ шу хатоингизни, бу феълингиз билан, ваҳоланки, умрбод кўтариб юрмасангиз деб қўрқаман...

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг озиб-ёзиб бир насиҳат қилгандай айтган ўша сўзларини эслади-ю, кўнгли хижил тортиди. Бу сўзлар унга яна ўзгача куч билан таҳдид солаётгандай туюлди. Айниқса, Маҳамат аканинг бугунги шубҳаси кўнглига қаттиқ ботди.

— Майли, осмон қўлида бўлса — ташлаб юборар. Зўр келса кандидатлигимни ёқлатмай кўяр. Керакмас! Ахир, зигирдаккина фойдали иш қилмасам... кандидат бўлдим нима-ю бўлмадим нима?! Уз фаразимни, қолаверса, ўзимни синаб кўраман. Турган-битганим, эйтиқодим шу менинг! Ё донғим чиқар, ё чангим! Мабодо, манави заҳматкаш деҳқонларга қилдайгина қувват бўладиган иш қилолсам, шунча меҳнатим, чеккан аламларимдан мингдан-минг розиман. Шу йўлда адашсам ҳам майли, жазолашса ҳам розиман... Аммо номига фалончи бўлиб, ҳаётга бир мирилик нафи тегмайдиган олимпикдан асрасин!

Азиз шаҳарга етиб келганда қоронғи тушган, кунни билан қизиб ётган асфальтдан ҳалиям юзга иссиқ ҳовур урилар эди. Чилонзорга боргунча ҳам орадан анча вақт ўтди. Азиз шундоқ йўлаklarига бурилаётганда, шу пайтгача сира кўрмаган нотаниш бир йигитга дуч келди-ю, беихтиёр четланиб унга йўл берди. Кун дим бўлса ҳам йигит оч кулранг костюм кийиб олган, галстугини ойнага қараб боғламаган шекилли — тугуни қийшайиб кетибди, пошнаси баланд янги чиққан туфлиси рўпарадаги симёғочдан тушаётган неон лампа ёруғида ялт-юлт қилиб борарди. У ҳам Азизга кўзи тушиши билан дарров четланди-да, кейин зипиллаганча орқасига қарамай кетаверди. Жингалак қора сочли, куюқ мўйловли, митти кўз бу йигит негадир Азизга жуда такаббурга ўхшаб кўринди, аммо у аҳамият бермади. Зинадан кўтарилаётганда хаёлидан: «Тўртинчи қаватдаги бева хотиннинг танишларидандир-да», деган фикр ўтди.

Эшик қўнғироғини босди. Кунни билан далада офтобда юриб, тайинли овқат ҳам емай, тинкаси қуриганини энди сизди. Вужудида ёқимсиз беҳоллик туйиб, эшик очилгунча деворга суялиб турди. Салтанат, негадир ҳаяллаб қолди. Азиз ҳайрон бўлиб соатига қаради, яна қўнғироқни босди. Жимжит... Бирда Азизнинг назарида ичкарида Салтанат бору, лекин эшикни атайлаб очмаётганга ўхшаб туюлди. Бу фикр унда онгсиз равишда пайдо бўлди-ю; тоқатсизланиб эшикни дукўрлата бошлади. Шундагина ичкаридан — ошхонадан шекилли, Салтанатнинг «ҳозир» деган овози эшитилди ва у шип-шип юриб келиб эшикни очди. Хотинининг бўғриқиб кетган юзи, енг ва этаklarига ун теккан кенг халатига кўзи тушди-ю, Азиз дарров ўзини босиб олди.

— Мен, кўчадамисизлар, деб ўйловдим, — Азиз хотинига «нега тез оча қолмадинг» дегандай зарда қилди.

— Вой, кеч бўлди-ку, Беҳзод ухлаб ётибди...

Салтанатнинг хавотирли кўзлари, бутун диққати, фикри-зикри эрида эди. Рангсиз юзи баттар оқариб, гапирганда нафаси ичига тушиб кетаётганга ўхшарди. У мундай бир кун кўрмаган, қачон қараса, диққинафас уйда ўтириб, аёллик кўркини деярли йўқотаёзган эди. Ҳозир ҳам кўрқув яширинган кўзлари Азизга илтижо билан боқар, баланд ҳам, паст ҳам, ориқ ҳам, тўла ҳам

деб бўлмайдиган жуссаси эса баъзи аёлларникидай ўзини қўйиб юборолмагани бир қарашдаёқ билинарни. У одатига хилоф равишда ҳадеб мақсадсиз куймаланар, Азиз билан гаплашса ҳам хаёли бошқа ёқда, нуқул эрини синчикларди. Азиз даладан чарчаб қайтгани учун хотинидаги бу ҳолатни сезмади. Қўйиб берса, ҳозир мириқиб чойга қонса-ю, овқатланиб, ўрнига кириб ёта қолса...

— Чанқаб кетдим. Совуқ сув йўқми?

— Вой, тавба, кичкина болага ўхшайсиз-а! — деди Салтанат ўзини дадил тутишга уриниб. — Кўчадан сув-сув бўлиб келдингиз-ку... Хафақон касалингизга шамоллашни ҳам қўшиб олмоқчимисиз? Жудаям бесабр-сиз-да. Ана, айвонга чиқинг, совиган чой бор.

Азиз хотинининг амрига ёш боладек бўйсуниб, айвонга ўтди. Каттакон гардин чойнакка яхна қилиб қўйилган кўк чойни бир сибиришда яримлатгач, тана-сидаги ҳордиқ зумда сусайгандек бўлди. Чойнакни хон-тахта устига дўқ этиб қўяркан: «Яхшиям сув бор дунёда!» — деди.

Салтанат ҳамон ошхонада ивирсиланар, юраги така-пука, асаблари қақшаб, биқир-биқир қайнаётган қозонга лағмон хамирини соларди... Эри хамир овқатни ёқтиришини ўйлаб, тушдан кейиноқ у лағмонга уннаган, тўрвадаги уни камроғу, лекин «иккаламизга етар» деб, таомни бошлайверган эди. Ҳу бирда Маҳамат ака келиб кетгандан бери Салтанат ажабтовур очилиб, Азизнинг кўнглига қарайдиган бўлиб қолган эди. Мана, бугун ҳам анча-мунча майда ишидан қочмай, ўзи истаб лағмон қилаётганди.

Кун ботиш олдидан эшик кўнғироғи жиринглади. Салтанат худди боягидек ичкаридан, «ҳозир» дея овоз берди-да, эринниг келганига шубҳа қилмай бориб эшикни очди. Очди-ю, турган жойида тахтадай қотиб қолди. Остонада Азиз эмас, Йўлдош илжайиб турарди! Қўлида яна алламбало ўралган оқ қоғоз ўрами. Салтанат тўсатдан мияси чайқалиб кетгандай талмовсиреди. Енг-этаклари ун, бармоқлари хамир... нима қилишини билмай гарангсиб тураверди... Йўлдош эса башанг кийинган; кайфи бор шекилли, қонталаш кўзлари мастона сузилиб, Салтанатнинг «киринг» дейишини кутмоқда эди. Аммо Салтанат индаёлмади. Шунда Йўлдош бир гандираклар остонадан ўтди-ю, қарс этиб эшикни беркитди ва Салтанатнинг билагидан ушлаб,

«мумкинми» деди. Бу — ичкарига киришга рухсат сўраганими ёки «қўлингиздан ушласам майлими» деганими — Салтанат англамади. У қўлини силтаб тортиб олди. Йўлдош яна унинг билагига интилди. Салтанат ғазаби қайнаб:

— Сизга нима керак ўзи? — деб ўшқириб берди. — Уялмайсизми кап-катта одам! Бировнинг уйида!

Йўлдош ғирт маст бўлса ҳам, бу танбеҳдан кейин бир оз ўзини тутишга ҳаракат қилди:

— Кечира-а-сс... — деди ва тагин Салтанатнинг тирсагидан ушлади. Салтанат шундагина Йўлдошнинг аҳволини тушуниб, баттар юраги ўйноқлаб кетди. «Биронтаси кўрган бўлса-я... ҳозир қўшнилари ҳовлига сув сепадиган пайт... Вой, шўрим, нима қилиб қўйдим!.. Азиз акам кириб келса, нима дейман?!»

Салтанат безгак тутгандай вужуди дағ-дағ титраб, оёғлари, тиззалари ҳолсизланди, жон талвасасига тушди. «Энди у билан тортишишнинг фойдаси йўқ. Қайтага шов-шув кўпайиб, қўшнилари сезиб қолади...»

Азиз-чи! У истаган дақиқада кириб келиши мумкин! Э, худо, нима қилиб қўйдим!»

Бу фикрлар Салтанатнинг миясига яшин тезлигида келди-ю, у ўша заҳоти аҳволни тарозуга солди ва «нима бўлса ҳам ҳозир Йўлдошни тезда чиқариб юбориш керак», деган қарорга келди. Маст одамга қаттиқ гапирса — деворга нўхат отган билан баробар. Яхшиси, уни алдаб йўлга солиш керак... «Ўша биринчи келгандаёқ ҳайдаб чиқариб, Азиз акамга очигини айтиб, юзимни ёруғ қилиб олганимда-ю! Мана, энди! Бир оёғим ботқоқда, энди тортаверади... тортаверади...»

Йўлдош эса баттар хираланиб Салтанатга суйканар, қўллари, билакларини силаб ўзига тортар, азбаройи вужуди музлаганидан Салтанат буни сезмасди. «Майли, нима бўлса ҳам... ишқилиб, тезроқ чиқиб кетсин, тезроқ чиқиб кетсин... мени шарманда қилмасин...» Салтанат индамаган сари Йўлдошнинг ҳирси баттар ўт олиб, ақлини йўқотган одамдай ҳадеб билакларини силаб, тўхтовсиз ҳансирарди. Кейин Салтанат юлқиниб, ўзини олиб қочса ҳам уни ўпишга интилди; у оғзидан ароқ ҳиди гупиллаб, нуқул « Салтанат, Салтанат» дея телбанамо шивирларди.

Охири Салтанатнинг юзини куч билан қайноқ кафтлари орасига олди-да, лабларидан қаттиқ ўпди. Салтанат бир силтаниб унинг кучоғидан чиқди ва уни итариб

юборди. Йўлдош боши деворга тегиб, гандираклаб кетди.

— Аҳмоқ! — деди Салтанат кўзлари газаб билан ёнганча Йўлдошга қаттиқ тикилиб. — Аҳмоқ! Сен мени ким деб ўйловдинг! Аҳмоқ!

Йўлдош юз берган воқеани унча англаёлмай, аввалига безрайиб қолди. Кейин нимадир деб минғирлаганча, эшикни очмоқчи бўлди. Салтанатнинг қапалаги учиб кетди; назарида худди эшик орқасида қўшнилари. Азиз пойлаб тургандай, агар очса, шу заҳоти қўлга тушадигандай, баттар ранги ўзгарди. Жонҳолатда Йўлдошни ушлади-да, бутун жисми қулоққа айланиб, ташқарини тинглади. Йўқ, ҳеч қандай шарпа сезилмади. Салтанат кичик болани туртгандай Йўлдошни четга суриб қўйди ва эшик қулфини секин очиб, йўлакка бош суқиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Пастдаги ярим очиқ деразадан ҳовлида гуҷғон ўйнаётган болаларнинг қийқириқлари, ота-оналарнинг ишдан қайтишини пойлаб саватини кўтариб келган боққолнинг: «Сара бодроқ! Сара бодроқ!» деган овозигина эшитиларди, холос.

Салтанат Йўлдошнинг гижимланган ёқаларини юлқиб-юлқиб тўғрилади, ташқарига чиқишидан олдин уни хотиржам қилиш учун хиёл жилмайди. Йўлдош буни бошқача тушуниб, чуқур хўрсинди, яна Салтанатни кучмоқчи бўлди.

— Ҳайдасангиз кетмайман! — деди аразлаган боладек юзини терс буриб; деворга қараб қаттиқ кекирдида, ҳикичоқ тута бошлади.

Салтанат баттар ваҳимага тушди. Миясида эса «нима бўлса ҳам тезда жўнатишим керак буни» деган фикр тўхтовсиз чарх урарди. Кўрқиб кетганидан ўзи Йўлдошнинг қўлини маҳкам ушлади ва унга ялиниб:

— Илтимос сиздан, ҳозир кетинг. Азиз акам келиб қоладилар. Илтимос, кетинг, — деди.

Йўлдош мастлигидан ҳаёни ҳам унутиб:

— Қачон келай? — деди кўзларини пирпиратиб.

— Кейин, кейин! — деди Салтанат даҳшат ичида, оғзидан нима чиқаётганини ўйламай. Йўлдош бўлса, ёшлигида камситилган ўтли эҳгирослари энди мастлиги туфайли бирдан сиртига қалқдими, Салтанатнинг кўксида қандай тўфон юз бераётганидан беҳабар, галати бир манманлик кучи билан ҳеч нарсадан ҳайиқмас, ҳатто ўзи ҳам қанчалар хатарли жар ёқасида турганини

сезмас эди. Шу сабабли ҳам аввалги икки учрашувда Салтанатда жуда яхши, ҳавасни келтирар даражада ёқимли таассурот қолдирган Йўлдош ҳозирги қилиғи билан унинг кўзига ниҳоят бачкана, тутуриқсиз енгил-так бир хотинбоз бўлиб кўринди. «Ишқилиб, бир амал-лаб, ҳеч кимга билдирмай чиқариб юборишим керак. Чиқариб юборишим керак!..»

— Кейин, кейин! Вой, мунча хирасиз?! Кейин!

— Ҳозир!..

Салтанат ҳамон суюқлик қилаётган Йўлдошни секингина йўлакка итариб чиқарди-да, кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб, пастни ишора қилди. Йўлдош истар-истамас зинадан туша бошлади. Салтанат эшикни қирс этиб ёпиб олганини эшитгач, зинанинг ярмида тўхтаб, ўйланиб қолди. Яна изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Ёпиқ турган эшикка қараб бу фикридан қайтди ва у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, худди жиддий иш билан юрган одамдай қовоғини уйди, ташқарига қараб йўл олди. Ҳовлига тушиши билан Азизни кўрди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. У Азизни биларди. Агар кундуз куни бўлганда-ку, бу одамнинг тўсатдан ранги қув ўчганини Азиз ҳам сезарди, албатта...

Йўлдошнинг бор кайфи учиб, катта йўл тарафга жадал жўнаб қолди. Орқасидан биров куваётгандай шошила-шошила, қоқила-суқила автобус бекатига етиб келди. Шундагина журъат қилиб орқасига қаради: ҳеч ким йўқ эди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай оғир сўлиш олди... Шу пайт узоқдан кўк чироғини милтиратиб такси кела бошлади. Йўлдош кўл кўтаргани етмагандай, отилиб йўл ўртасига чиқди. Такси тўхтади. Шофёр «гаражга кетяпман», деса ҳам Йўлдош қилт этмай ўтириб олди-да, адресини айтди. Бу гаражга мутлақо тескари тараф эди. Ҳайдовчи бир оз айтишиб турди-ю, кейин гапирган билан фойда чиқмаслигини сезди шекилли, жаҳл билан газни босди. Йўлдош эса худди қамоқдан чиққан одамдай ўзини бирдан хотиржам сезиб, чуқур нафас олди... Аммо, бари бир юраги гуп-гуп уриб, «сал кечиксам, ё қайтиб чиққанымда борми...» дея ўйлади-ю, тасавуридаги даҳшатли манзарадан эти увушиб, қилган ишидан афсусланди. Боягина ароқнинг кучи билан ўзича кўнглида маъқуллаган гаплари қанчалар бемаъни эканини тушуниб, баттар ваҳимага тушди. Аслида, бугун Салтанатларникига келиш унинг хаёлида йўқ эди. Ишхоналарида тўй бор эди, ҳамкасбларидан

бири уйланаётганди. Йўлдош «бир ёзилишиб ўтирайлик», деган мақсадда машинасини минмай келган эди.

Ишхона раҳбарлари тўйхонага анча барвақт боришди, мақсад: кўздан холи ўтириб, бир мириқишмоқчи, одамлар йиғилган пайтда эса сиполик билан ўринларидан туришмоқчи эди. Йўлдош бошиданоқ оч қоринга бир-икки рюмкани тўла-тўла ичди-ю, кейин ўзини тўхтатолмади. Овқатни ҳам еди, ароқни ҳам тортди... Ўтириб-ўтириб бирдан эсига Салтанат тушиб қолди. Бу фикрдан шу даражада қувониб кетдики, бошлиғига дарров нимадир деб баҳона топди ва тўй эгаси билан хайрлашиб, дарвоза тагида қаторлашган машиналардан бирига ўтирди-да, ишхонасига келиб, тунов кунни хотинига олган совғасини қўлтиқлаб чиқди, ўша машинада Чилонзорга қараб жўнади. Кайфнинг хузури билан орқа ўриндикда ястаниб бораркан, ўзини худди иссиқ ўлкаларга қанот қоққан кўчманчи кушлардек энгил сезарди... Кейин Азизни ўйлади. «Бугун ҳам даласидадир?.. Хўш, уйда бўлса нима қипти?.. Ҳе, бу ҳезалак олимваччаларнинг ҳаммасини биламан! Диплом деса... шу бир варақ қоғозга хонумонини ҳам сотиб юборишадди. Тоғамнинг аспиранти бўлгандан кейин қаерга борарди? Истасам, гаҳ деб қўлимга қўндираман...»

Йўлдош кайфлигидаги бу телба-тескари фикрларидан, сохта ботирлигидан ўзи уялиб, яна баггар кўрқиб кетди. «Қўлга тушганимда катта жанжал бўларди. Шармандам чиқарди. Тўхта, тўхта, Шорасул айтувди-я, бу тўнка, тоғангизни ҳам менсимайди, деб, Муҳиддин Жабборовичдай одамни-я! Вой, худо бир асрабди. Қайтага аламини мендан оларкан. Худо асрабди...»

Йўлдош хаёлга шунғиб, такси уйига етиб келгани, шундоқ дарвозаси тагида тўхтаганини ҳам сезмади. Шофёр тепадаги чироқни ширқ этиб ёқиб, унга еб қўйгудек ўқрайиб қаради, шундагина Йўлдош чўнтагидан пул чиқариб, ҳисоб-китоб қилди, машинадан тушаётиб эшигини қарсиллатиб ёпди. Ҳайдовчи нимадир деб сўкинди-ю, машина кўзгалган пайтда очиқ ойна орқали:

— Хурмачангга қараб ич-да, аҳмоқ! — деди-да, машинасини гувиллатиб, бир зумда узоқлашиб кетди. Йўлдош эса «хў, нима дединг?» деб дўқ урганча машинанинг номерини эслаб қолишга уринди, аммо дарров унутди...

Салтанат Йўлдош чиқиб кетгач, эшикни беркитди, деворга суялганча, мажолсизланиб, бирдан йиғламсиради. Шу турганча туриб қолди. Сал ўтмай ташқарида Азиз келаётганини пайқади, унинг бир пой туфлисидаги лиқиллаб қолган нағали бетон зинага урилганда чиқ-чиқ товуш чиқарар, буни ҳатто тунов куни Азизга айтиб, «ғашингизга ҳам тегмайди-я, тузатиб олсангиз бўлмайдими», деб дашном ҳам берганди. Азиз қўл силкиб қўя қолганди. Салтанат ўша таниш «чиқ-чиқ»ни эшитди-ю, «вой ўлмасам, анави қоғоз ўрами шу ерда қопти-ку», деган даҳшатли фикрдан эсанкиради, кейин эса шошилганча уни олиб, ичкари уйга учиб кирди, шифоньер тагида уйилиб ётган кирлари орасига яшираётганда Азиз эшикни жиринглатди. Салтанат юраги ўйнаб, у ёқ-бу ёғини тузатди. Оёқ учида келиб, даҳлиздан ўтса қадам товуши эшитилиб қолишидан қўрққани учун, катта уй эшиги билан айвонга чиқди. Яна қўнғироқ жиринглади. Салтанат ошхонага кириб, ўзидан-ўзи полдаги тахта-ўқлоғи билан супрани йиғиштира бошлади. Азбаройи қўрқиб кетганидан бу ишни Азиз уйга кирганда қилса ҳам бўлишини унутган эди. Шу пайт эшик дукурлай бошлади. Салтанат ҳовриққанча ошхонадан туриб «ҳозир» деди-ю, шоша-пиша даҳлизга қараб йўналди...

Салтанат Азизга косани тўлатиб юзига кўк ташланган хуштаъм лағмон сузиб келди-да, ўзи ҳам ўтирди. Бироқ томоғи хиппа бўғилган, овқат ўтмади. Нуқул эрига зимдан разм солиб, «ишқилиб, сезиб қолмадимикин, ёки сезса ҳам атайлаб синаяптими» деган хавотирда ўтирар, эшик тақ этса, «мастликда довдираб яна кириб келса-я» деган гулгуладан юраги орқага тортиб кетарди.

Азиз ўзи боя тушда Маҳамат аканинг гапидан обдан таъби хира бўлган эди. Маҳамат чатоқ ҳам ўзи билмай Азизнинг нозик жойидан тутган, «уринишларингиздан бирон натижа чиқадими», деб усиз ҳам тоза эзилиб юрган Азизни баттар изтиробга солганди. Кейин орадан шўп этиб Салтанат чиқди. Азиз шунисига чидолмади. Аммо йўлда кела туриб, у анча ҳовуридан тушди. «Гапирса гапиргандир-да, бегона эмас-ку», деб қўйди ичида. Азизга қолса, яна ҳозир ўша гапни чувалаштиришни истамаётган эди-ю, бироқ Салтанат ўзи гап очди:

— Куриб кетсин шу ишингиз ҳам, — деди эрига ачиниб. — Рангингизга қараб бўлмайди, эзилиб кетдингиз. Хў келганда, Маҳамат акага ҳам айтгандим, у кишиям кўп ачиңдилар.

— Нима девдинг? — Азиз оғзидан овқатни култ этиб ютди-да, Салтанатга норози тикилди.

— Анави сизни қийнаётган домлангизни айтдим. Йўл бермайди деб...

— Нима деб айтдинг?! — Азиз энди ўшқириб юборди.

— Сизни кўролмайди деб...

— Эсинг борми? Менинг нимамни кўролмайди?!

Салтанат бошқа вақт бўлганда Азизга гап бермасди, оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирарди. Аммо ҳозир тилини тийди. Азизнинг жаҳли чиққанини кўриб, «айбдорман» дегандай бош эгди. Бундан Азиз юмшаб, хиёл ўксиган оҳангда:

— Сенга айтганман-ку, менинг ишларимга аралашма, деб. Нима қиласан бошингни оғритиб, — деди ўрнидан туриб; бир-икки эснаганча ётоҳхонага кириб кетди. Салтанат ўрин солиб берди. Азиз тезгина душга тушиб ювиниб чиқди-да, юмшоқ тўшакка шўнғиди.

Салтанат яна анчагача ошхонада ивирсиб қозонтовоқ ювиб юрди. Орада бир сидра лип этиб ичкари уйга кириб, Йўлдош олиб келган ўрамни очиб ҳам кўрди: кўкракбурма, жимжимадор гулли ич кўйлак экан. Қоғозчаси шундоқ устига ташлаб кўйилган, алақайси чет элники шекилли. Салтанат унча ўқиёлмади. Апил-тапил тахлаб, яшириб қўйди...

Хў алламаҳалда ишларини саранжомлаб бўлгач, нариги — ўша шифоньер кўйилган хонада ухлаб ётган Беҳзоддан хабар олиб чиқди-да, секин келиб, эрининг ёнига кирди. Азиз деворга тақаб солинган ўринда устига юпқа чойшаб ёпиб бу томонга қараб ухлар, негадир гужанак бўлиб олган эди. Салтанатнинг назарида хона димиқиб кетганга ўхшади. Ўрнидан туриб, бош томондаги дераза пардасини сидирди, товуш чиқармай форточкани очиб қўйди. Ташқаридаги симёғочдан тушаётган ёруғ шуъласида эрининг юзига тикилди. Бир оз ўйланиб турди-да, кейин ётди. Азиз кундузи чарчагани учун оғзини хиёл очганча, «қхқ-қхқ» хуррак отиб ухларди. Салтанат халақит бермаслик учун берироқ сурилиб ётди, кейин аста ўгирилиб, эриннинг юзига қаради. Азиз бурни дўрдайиб, ўнг юзидаги ҳозир

қорайиб турган чуқур кулдиргичи негадир ҳар замонда учиб-учиб ухлар эди. Салтанат унга узоқ термилди-да, бирдан қўнгли ғаш тортди. «Бечора иш-иш деб адойи тамом бўляпти... Мундай сал гаплашиб ётишга ҳам ҳоли-жони йўқ...»

Салтанат тарам-тарам ёруғ тушиб турган оқиш шифтга кўз тикди-ю, Йўлдошни хаёлан эрига таққослай бошлади. Ҳўин-кулги, хуфёна айиш-ишратларга ўч Йўлдошнинг олдида Азиз худди фариштадек покиза, бегуноҳ эди. Салтанат Йўлдошнинг бояги дағал жиловсизлигини Азиз бечоранинг тортинчоқлигига, ҳатто эр билан хотин ўртасидаги муносабатларда ҳам ўз туйғуларини кишанлай билиш хислатига солиштириб кўрди-да, Азизнинг бегона аёл уёқда турсин, ўз хотинига ҳам бу масалада одобсизлик қилолмаслигини ўйлаб, ичидан зил кетди. Кўча чироғининг нури синиб турган ўнг тарафдаги деворга ўгирилиб, икковлари ЗАГСдан олдин тушган расмга қаради. Нимқоронғи хонада Азизнинг қора костюми ва ўзининг оқ кўйлагидан бошқа нарсани ажратиш қийин эди. Аммо Салтанат Азизнинг хиёл кулиб тушган юзини кўз олдига келтирди-ю, бундан уч-тўрт кун бурун, пашша ўтирганми, пешонасида бир-иккита майда қора доғлар пайдо бўлганини, шу пайтгача ҳафсала қилиб шуни артиб қўймаганини эслади, «қхх-қхх» хуррак отаётган эрига тикилди. Виждони азобланди шекилли, юраги баттар сиқилиб, касал пайтидагидек чакка томирлари лўқиллаб оғрий бошлади. «Қаёқданам кўрдим-а, шу олифтани! Энди бошимга бало бўлди! — Салтанат ётган жойида тўлғаниб, эрига орқа ўгириб олди. — Мақсади нима ўзи унинг? Устимдан куляпти! Севган одам, юрагида қилдай бўлса ҳам ҳурмати, муҳаббати бор одам бу ишни қилмайди! Мақсадини биламан... биламан...»

Миясидан шу хил фикрлар сизиб ўтди-ю, яна эри томон ўгирилди, унга тикилиб, тагин раҳми келди. Оҳиста юзларини силаб, ўзига қаратди. Азиз донг қотиб ухлаётгани учун бир-икки ғингшиб, девор тарафга қараб ётиб олди... Салтанат Азизнинг ёстиғини тўғриламоқчи эди: муздай — сўлаги оқибди. Кейин у эрининг елкасига чойшаб тортиб қўйди. Бари бир, ярим тунгача кўз юмолмади. Минг йўсин хаёллар тартибсиз қўй подасидек бошида гувуллаб, бутунлай оромини йўқотди.

Бир пайт Йўлдошнинг ўтли эҳтирослари ва кулгили

қилиқларини эслаб, вужудини бирдан ёқимли уят ҳисси қамради. Ҳали ҳам жимирлаб турган лабларини ушлаб тамшанди-да, «ўлгур, тишлаб олди-я» деди ичида. Йўлдошнинг қоп-қора жингалак сочлари, тикандек қаттиқ мўйлови ҳозир ҳам гўё юзи, бўйниларига ботиб қитигини келтираётгандай, оғзининг таноби қочиб, жилмайди. Боши деворга гурс этиб текканда кўзлари бирдан ғилайлашиб кетгани эсига тушиб, Салтанат кулиб юборишига сал қолди. Кейин Йўлдош нима қилиқ кўрсатган бўлса, ҳаммасини бир-бир хаёлида ўтказди-ю, яна вужудида тайинсиз, аммо аллага ўхшаш ёқимли қалқиш сизди. «Йўқ, ҳозир!» деб қисталанг қилиб туриб олгани ҳам энди унга ёқди. «Тавба! Наҳотки шунга йўл қўйдим-а?! Устимдан тоза кулган бўлса-чи... Кўни-қўшнини чақирсам ҳам кавушини тўғрилаб, ҳайдаб чиқаришим керак эди! Энди суйканиб келаверади... Ҳайдаб чиқаришим керак эди... Йўқ! Унда баттар шарманда бўлардим... Кейин мени қўйишарканми?! Бутун Тошкентга овозам кетар... Йўқ, йўқ, худо асрасин! Қандай бош кўтариб юраман кейин? Ундан кўра ўлганим афзал...»

Салтанат кўп нарсаларни билмаса ҳам гийбатнинг кучи нималарга қодирлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам «Йўлдошни дангалига ҳайдаб чиқаришим керак эди», деган гапни энди хаёлидан итқитиб ташлади. «Бошқа йўл топиш керак... Бошқача йўл... Акс ҳолда...»

У шу хилдаги зиддиятли фикрлар гирдобиди ўртаниб, минг турли хаёлларга бориб, эртанги кун ўзига нима ҳадя этишини билмаган ҳолда, ярим кечага боргандагина кўзи илинди...

8

Азиз зиёфатларни унча хуш кўрмаса ҳам, Шорасул-никига Салтанатни бирга олиб борди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Ҳў бирда, у директорнинг шахсий топширигини бажариб, Расул Оллоёрович йиққан илмий далиллар — ҳар турли жадвал ва диаграммаларни тартибга солиб бўлгач, унинг ҳузурига кирган; семиз папкадаги қоғозларнинг тахминан учдан бир қисмигина Расул Оллоёрович ишлаб чиққан илмий хулосага хизмат қилиши, қолганларини эса ташлаб юбориш ҳам мумкинлигини айтганда, директор аввалига ишонмаган эди. Кейин ўша кун соат ўнларгача кабинетда ўтириб,

Азиз ажратган жадваллар ва яроқсиз деб алоҳида тахлаб кўйган қоғозларни ҳам эринмай, диққат билан кўздан кечириб чиқди-ю, ёш олимнинг диди, иқтидори нақадар юксаклигига тан бериб, унга яна хурмати ошди.

Лекин эртаси куни уни алоҳида чақириб, раҳмат айтган пайтида ҳам, бари бир ичидагини очиқ билдирмади. Чунки яқингинада Муҳиддин Жабборовичнинг икковлари ўртасида Азиз тўғрисида бир оз гап айланган эди. Ушанда Расул Оллоёрович маслаҳат солган оҳангда: «Шу Азиз Қосимовга ҳам қарашиб юборишимиз керак», деганида Муҳиддин Жабборовичнинг бирдан ранги ўчиб:

— Сизга неча дафъа айтдим, Расул Оллоёрович, — деб гина қилди. — Менда ахир шу тирмизакка нима хусумат бўлиши мумкин? Гапингиз қизиқ. Демак, айб унда эмас, менда экан-да. Ваҳоланки, қайсар одамни тарбияламоқ учун таёқ керак! У марҳаматнинг қадрини билмайди. Андишанинг отини кўрқоқ кўяди.

Илмий баҳсларда чиниққан, хоҳласа, истаган одамга «зулмини» ўткази оладиган Муҳиддин Жабборович Азизнинг номини эшитиши билан бу қадар ўзгариб, газабга тушиб фикр билдирганига Расул Оллоёрович бир жиҳатдан ажабланди, бир жиҳатдан, у ҳам айбни Азизга тўнкаб, «муштдай бошидан шундай бообрў одамни ранжитганига куяйми», деб ўйлади, «яқинда унга анча насиҳат қилганим жуда ўрнига тушган экан», дея ўзидан мамнун бўлиб кўйди.

...Шунинг учун ҳам Азиз бажарган ишдан ўзида йўқ қувонса-да, аммо сиртида унча сир бой бермади, яна насиҳатга ўтди:

— Одамларга, коллективга аралашиб туриш керак, Азизжон, — деди хатга қарайдиган кўзойнагини бошқасига алмаштираркан. — Мана, хонадошингиз Шорасул Мақсудовнинг ҳам иши битди, янаги ҳафтада ёқлайди. Эндиги навбат, саломатлик бўлса, сизга, — Расул Оллоёрович Азизга кулимсираб қаради. Азиз бундан ўзини ноқулай сизди. — Азизжон, мен сизга астойдил айтяпман, кўпчиликдан ажралманг. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, а?.. Нега ўзингизни олиб қочасиз? Ҳаммаси синашта одамлар. Эрта-индин Шорасулнинг зиёфати бўлади, албатта боринг. Шунақа жойларда ҳеч кўзимга тушмайсиз. Одам бир-бири билан учрашиб, гаплашиб турса чигали ёзилади, одамнинг ҳовурини одам кўтаради, ука. Уйда қамалиб ётаверган билан қай-

тага иш орқага кетади. Бунинг устига яна хонадошсизлар, белни маҳкам боғлаб хизмат қилишингиз керак бундай пайтларда. Келин билан боринг, хўпми? Албатта боринг...

Азиз «хўп» деб кабинетдан чиқди-ю, лекин кимдир ўзи ҳақида Расул Оллоёровичга гап ташлаб кетганини ҳам пайқади. Чунки Расул Оллоёровичнинг одатини билар, у бировга ақл ўргатдими, демак, кимдир қулоғига шипшиб кетган бўларди. Азиз буни илгари ҳам эшитган, кейин бир-иккида ўзи ҳам синаган эди.

Зиёфатга боришининг иккинчи сабаби Шорасулнинг унга қилган илтифоти эди. Сўнгги вақтларда диссертациядан кейин зиёфат беришлар ман этилган эди. Шундай бўлса ҳам, Шорасул меҳмонларни танлаб-танлаб айтганини, Азиз ҳам шулар қаторига киритилганини шама қилди. Бу гапи «ноз қилмай келавер», дегандай эшитилди Азизнинг қулоғига...

Зиёфатларнинг ман этилгани Азизга жуда ҳам ёққанди. Йўқ, бу қачондир келиб, агар эсон-омон кандидатлигини ёқласа, ошна-оғайни, ёр-биродарларга чиқим бўлишдан қочгани учунмас! Йўқ, йўқ! Битта зиёфатни эл қатори қарз кўтарса ҳам қилиб бериши мумкин. Бундан қочмайди. Гап шундаки, ўша зиёфатларнинг маънавий-ахлоқий жиҳати Азизга ёқмайди. Ахир, диссертация фақат муҳокамага қўйилди-ку? Ҳали у ўтиши ҳам, ўтмаслиги ҳам мумкин! Йўқ, шунга қарамай, дабдабали ресторанда олдиндан катта зиёфат буюрилади. Айрим олимлар ҳатто муҳокама кетаётган пайтдаёқ дастурхондан сўз очади. Азиз буни неча марталаб кўрган, эшитган, ахир... Эҳтимол, шу ўтириш баҳонаси билан фан ҳақида, унинг келажаги ва хилма-хил муаммолари ҳақида баҳс юритилар? Афсуски... бу йиғин диссертантнинг шахсий фазилатлари, ота-онасининг фазилатларини бир-бир санаб, кўкларга кўтариб мақтовчи базми жамшидга айланади.

Олдиндан зиёфат буюриш, демак, диссертациянинг ўтишини олдиндан билиш деган сўз! Азиз айни мана шу ерда қандайдир нопоклик сезади. Фаннинг буюк обрўси ва даҳоси худди бирдан оёқости қилинаётгандай, ҳаддан ташқари жўнлаштирилиб, бачканалаштирилиб, олди-сотдига айлантирилиб юборилаётганга ўхшайди. Баъзан туппа-тузук олимлар ҳам ичкилик ҳароратидан бирдан қулфи-диллари очилиб, диссертантнинг ишини ўқиш уёқда турсин, ҳатто номини

ёнидаги шеригидан сўраб олгач, ўрнидан туриб, унинг шаънига шунчалар мадху сано ўқийдики... Қани, бу ерда самимият, қани ҳалоллик? Бундай пайтда одамларнинг қайси лафзига ишониш керак?!

Азиз мана шунисидан хижолат чекади. Борди-ю, диссертация ўтмаса-чи? Шунақаси ҳам гоҳ-гоҳ бўлади-ку. Уч-тўрт йил муқаддам қўшни институт аспирантларидан бири кандидатликни ёқлаётганида шундай воқеа юз берганини, ахир, Шорасулнинг ўзи гапирганди-ку Азизга. У бечора, таомилга қарайман деб, қанча пул сарфлаб, зиёфат буюрибди. Бир замон қараса, илмий раҳбаридан тортиб бошқа ҳамма олимлар ҳам зипиллаб жўнаб қолишаётганмиш. Боёқиш уларга ялиниб, «бирпас ўтириб кетинглар, майли, мен хафа эмасман», деса ҳам қулоқ солишмасмиш. Зўр-базўр бир-икки киши борибди-ю, бари бир, ўлик чиққан уйдек гап-гапга қовушмай, салда тарқаб кетишибди. Йигит бечора кейин уч ой касалхонада қимирламай шифтга қараб ётибди...

...Азиз хотинига «эртага ресторанга, Шорасулнинг зиёфатига борамиз», деганда Салтанат аввалига ишонқирамай, эрига ажбланиб тикилди. Чунки Салтанат учун бу буткул янгилик эди. У шу пайтгача эрининг ишхонасидагиларни деярли билмас, фақат Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовичнигина ондасонда телевизорда кўриб турарди. Шу боисдан ҳам Азиз уни тўсатдан зиёфатга таклиф қилганда, аввалига қувониб кетди. Кейинги дақиқада эса юрагини ўзидан-ўзи қандайдир тортиниш, бегонасираш ҳисси қамраб олди-ю, «вой, нима кийиб бораман у ерга», деб ўйлади. Гоҳ-гоҳ юраги сиқилган вақтларда «менга ёруғ дунёни кўрсатмаяпсиз», деб зугум қиладиган Салтанат, нотаниш одамлар даврасига кириш нақадар оғир ва ҳаяжонли эканини ҳам биринчи бор ҳис этди. Иложи бўлса-ю, ўша зиёфатга бормай, уйда қола қолса... йўқ, бари бир, Азизнинг қистови билан Беҳзодни ойисиникига ташлаб келди-да, икковлашиб айтилган вақтда «Зарафшон» ресторанига етиб боришди. Бу пайтда чақирилган меҳмонларнинг бари тўпланган, улар ўзаро давра қуриб бир-бирлари билан қуюқ гаплашишар, мезбонларнинг «қани, марҳамат, киринглар», дейишларинигина кутиб гуришарди. Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жаббо-

рович ҳали йўқ, шу сабабли питирлаб юрган тўйбошиларнинг кўзлари тўрт эди... Маҳобатли рестораннынг ойнаванд деворлари кечки қуёш шуъласида симобдай ёниб, сояроқ жойларда эса ташқаридаги хилма-хил кийинган одамларнинг ранг-баранг тасвирларини акс эттириб, ичи бўм-бўш турибди, фақат ора-сира хизматчилар ва официантларгина кўзга чалинади. Улар ҳовлида йигилган меҳмонларга синчковлик билан, жилмайганча қараб қўйишади. Ресторанда ўтирмақ ниятида онда сонда жуфт-жуфт бўлиб келаётган ёшлар эса эшик тагида турган хизматчи билан бир-икки оғиз гаплашишади ва кейин бошқа ресторанны мўлжаллаб, муюлишга ўтиб кетишади.

Азиз билан Салтанат кираверишга яқин ерда четроқда тўхташди-да, атрофдагиларга разм солишди. Эшик рўпарасидаги мрамор устунлар тагида ўрта ёшлардан сал ошган беш-олти тенгқур семиз аёллар давра олиб туришибди, ҳаммасида тилла тақинчоқлар, бежирим кийинишган; ора-сира эркаклардай қаҳқаҳа отиб беибо қулиб юборишади. Салтанат секин уларга кўз қирини ташлади: деярли бари оппоқ, ўн етти яшар қизнинг юзидай теп-текис таранг кулча юзли, аммо фақат бўйинларига қарабгина ҳақиқий ёшини билса бўладиган танноз аёллар эдилар. Сал берида эса дид билан кийинган қизлар, ёш жувонлар шўх-шўх суҳбатлашишар; Азиз танимайдиган эркаклар бир томонда қўл қовуштириб туришар; ҳойнаҳой булар Шорасулнинг қариндош-уруғлари эди...

Салтанат эғнида яқинда тозалатган хонатлас қўйлаги, бўйнига тўйда дадаси ҳая этган йирик-йирик бурунги тоза дур маржонини таққан, ора-сира оёғидаги моладан қолиб кетган ингичка пошна туфлисига ийманиб қарар, кўзи эса ял-ял ёнган қиз-жувонларда эди. Сочини рўвакка ўхшатиб елкасига ёйган, тоза, янгича атласдан калта қўйлак кийиб, босқон-пошна ҳашамдор туфлида нозли тайсаллаб, беғам-беташвиш гаплашиб турган чучук тил қизларга ўкрайиб-ўкрайиб қўярди-да, ичида Азизни қарғарди. «Нима, мени уларга томоша қилдиргани олиб келдими бу ерга! Пешонам қурсин! Одамлар қўйчивондан чиқиб, кимсан фалончи бўлаётган замонда... мени худо урди!..» Салтанатнинг назарида унинг устидан ҳамма, айниқса анави башанг, олифта кийинган аёллар «ким ўзи бу?» деб масхара қилиб қулишаётгандай туюлар, ўзини

таҳқирланган ҳисоблаб, ноқулай сезар; бошига оғриқ туриб кетган эди.

Салтанат шу алфозда ич-этини еяётган маҳалда меҳмонлар қаршисига зувиллаб оч ҳаворанг «Волга» келиб тўхтади. Орқа ўриндиқда Расул Оллоёрович, Муҳиддин Жабборович ва яна қандайдир нотаниш бир бақалоқ киши ўтирибди. Салтанат улар тарафга кейинроқ ўгирилиб қаради-ю, бирдан ранги ўчиб, юраги ўйнаб кетди. Жонҳолатда Азизнинг панасига ўтди. Машина Йўлдошники эди. У тезда олдинги ўриндиқдан тушиб, ҳарбий қўмондоннинг адъютантидек эпчиллик билан орқа эшикни очди. Аввал Расул Оллоёрович, кейин ўртада ўтирган бақалоқ киши, охирида Муҳиддин Жабборович тушиб келишди. Йўлдош уларни хуштавозелик билан ичкарига бошлади. Лекин Муҳиддин Жабборович «очиқ ҳавода бир оз турайлик», дедими, дарров киришмади. Йўлдош бугун ҳам кун иссиқ бўлишига қарамай костюмда, галстук тақиб олган, оппоқ кўйлагининг узун, энли енглагида эса йирик-йирик тилла тўғнағичлар ялтирарди.

Муҳиддин Жабборович атрофдаги тантанавор руҳдан кўнгли яйраб, мамнун қиёфада ҳаммага бир-бир назар ташларкан, бирдан четроқда турган Азизга кўзи тушди-ю, қошлари чимирилиб, орқа ўгирди. Азиз одоб юзасидан хиёл таъзим қилиб домла билан саломлашгандай бўлса ҳам, Муҳиддин Жабборович ўзини сезмаганликка олди. Кейин овозини атайин баландлатиб:

— Йўлдош, божангиз қанилар? Ҳамма шу ерда, ваҳоланки, куёв бола йўқ-ку?! — деб ҳазиллашди ва хахолаб кулди.

— Ҳозир келади, бизлардан кейин жўнашган эди, — Йўлдош шундай деб, йўлга қаради.

Муҳиддин Жабборович Азиз томонга орқа ўгирганча, қўлларини белига қўйиб, ўз тўпи билан нималарнидир хотиржам гаплашар, Азиз уларнинг овозини эшитмасди. Йўлдошни дастлаб кўрганда капалаги учган Салтанат эса, сал ўзини босгандан кейин, «тавба, у бу ерда нима қилиб юрганикин», деб ҳайрон бўлди. Айни пайтда Азиз ҳам «тўхта, бу йигитни қаердадир учратгандим, шекилли...» дея бош қотира бошлади. Бирдан эслаб қолди. Яқиндагина тажриба участкасидан кеч қайтиб, энди йўлакка кириб бораётганида, шундоқ остонада йўлиққанди бу йигит. Шунини эслагач, Азизда, Салтанат акси ўлароқ, «у бу ерда нима қилиб юрибди», деган

эмас, «қизик, бу одамга биз томонларда нима бор экан», деган савол туғилди.

Йўлдош бу пайтда Салтанатга ўгринча қараб-қараб, ичида Азиздан қуларди. «Бўриваччадек четга чиқиб, хўмрайиб туришини қара! Ман-ман деган йигитларни сарсон қилган Салтанат ҳам келиб-келиб шуни топибди! Қовуннинг яхшисини ит ейди ўзи!» Кейин Салтанат билан ораларида юз берган анави воқеаларни хотирлади-ю, бутун жисмига бамисоли ўт тушгандай севиниб кетди. «Худога шукрки, нимага қўл узатмай — етади! Бировнинг шундай нозик, шундай сулув хотинига ҳам... Одамлар бор, оғзидагини олдириб ўтиради. Аканг қарағай... Манавиларнинг ҳаммаси бир гўр! Усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Кимсан, шундай академик тоғам ҳам вақти келса менга эланади-ю...» Йўлдош ўзидан мамнун бўлганча, узоқдан кўринган Шорасулларнинг машинасига пешвоз юрди.

Охири ҳамма ресторанга кирди. Иккинчи қаватдаги кўркам зал бемалол беш юз кишилик тўй қилса ҳам етгулик эди. Шорасулнинг отаси ўғли учун қаттиқ эриган, бор бўлгандан кейин юртга едирганга нима етсин, дейдиган мард одамлардан эди. У шаҳардаги катта бир курилиш трестида бош инженер бўлиб ишлар, фарзанди шундай улуг синовдан ўтаётган дамда топган-тутганини аямай, Шорасулнинг порлоқ эртаси учун бугунги маросимнинг оғирлигидан ҳам оғринмаганди. Ҳашаматли зални ижарага олиб, ноз-неъмат деганни дастурхонга тўкиб ташлашибди. Институт раҳбарлари ва таниш-билиш олимларни ҳисоблаганда, йигилган меҳмонлар юз кишидан ортар, қолганлари эса Шорасул ва дадасининг биродарлари ва қариндош-уруғлар эди...

Зиёфатга раислик қилиш «сиз очинг, сиз очинг... сиз турганда бизга уят бўлади...» деган ўзаро мулозаматлардан сўнг Муҳиддин Жабборовичга юклатилди. Ҳамма жойлашиб ўтиргач, раис залга бир қирғий қараш қилди-ю, яна оёқ томонда, шундоқ стол четида ўтирган Азизга кўзи тушди ва ўша заҳоти юзини Шорасулга бурди.

— Шорасулжон! Келин қанилар? Ваҳоланки, зиёфатни ресторанга буюрибсизларми, марҳамат, сизлар ўтиринглар-да, бошқалар хизматда бўлишсин. Мана, дадангиз ҳам шундай деяптилар. — У боя машинада ўзи билан бирга келган бақалоқ кишига юзланди. У ҳам кулимсираб бош ирғади, ўғлига қараб, «бор, хотининг-

ни олиб кир» дегандай имо қилди. Шу орада официантлар дарров айтиб улгуришди шекилли, ошхонадан қўллари ни шоша-пиша сочиққа артганча, ялтироқ товар кўйлак кийган, қадди-қомати келишгангина, кўҳлик бир аёл чиқиб келди. Унинг кетидан худди шундай либосда яна бир жувон Йўлдош билан бошлашиб чиқди-да, тўппа-тўғри Шорасулнинг ёнига ўтиб ўтиришди. Иккала жувон бир-бирига шу қадар ўхшардики, Салтанат бир қарашдаёқ «улар опа-сингил эканлар», деб ўйлади ва бирдан «э, Йўлдош Шорасулнинг божаси экан-да», деган фикр хаёлидан ўтди-ю, боягина Муҳиддин Жабборовичнинг ўз жиянига қарата «Йўлдош, божангиз қанилар?» деган саволини эслади.

Салтанат эса сочларини бир хилда турмаклаб, бир хилда кийиниб, эрлари билан апоқ-чапоқ нималарнидир шивирлашиб ўтирган бу хушрўй, қувноқ опа-сингилга анча узоқ тикилиб турди ва ич-ичидан ҳаваси келди. Тўсатдан опаси, янгаларини эслади: тўйдан сўнг уларникига бир-бир йўқловга борганларини айтмаса, кейин орадан қанча йил ўтиб кетди, борди-келди ҳам қилишмайди... «Ҳаммасига мана шу калондимоғ айбдор! — деган фикр ўтди Салтанатнинг хаёлидан, кўз қири билан эрининг дўрдайган бурнига қараркан. — Ҳатто муомалани билмайди-ку, тагин димоғларидан қор ёғади... Кўнглига қарайвериб-қарайвериб, туғишганларимдан ҳам бегона бўлдим. Бу авлиёга эса ҳали-ҳали бир гап — оз, икки гап — кўп...» Салтанат қимматбаҳо зираклари электр нурида ялт-ялт чақнаб кўзни олаётган нозанин опа-сингилларга яна бир бор қаради-ю, чуқур хўрсинди; «Ўзи шу — ови юрганнинг лови ҳам юраркан! Вой Йўлдошнинг айланиб-ўргилиши-чи, артистдан ҳам ўтади-я...»

Шу топда Йўлдошнинг хотинига Салтанатнинг бирдан гаши келгандай бўлди, «жуда енгил хотин экан», леги ичида ва киши билмас Йўлдошни ундан хиёл рашк қилаётганини ўзи ҳам сезмади. Кейин бўйнидаги дур маржони одамларга кўриниб турсин учун кўйлагининг устига чиқариб қўйди.

Залда бир-биридан ҳайратли, бир-биридан ширин габриклар, қадаҳвозликлар бошланди. Агар Шорасул аввалдан бунақанги ўтиришларда иштирок этиб эти нишмаганда, эҳтимол, ҳозирги гапларга, ўзи ҳақида айтилаётган осмону фалак мақтовларга чиппа-чин ишониб, калласини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин эди.

Лекин у, икки-уч йилдан бери илмий даража олган ҳамкасблари, таниш-билиш дўстларининг зиёфатига қатнашавериб, бунақанги гапларнинг кадр-қимматини яхши билади. Шунинг учун ҳам гарчи қуюқ мақтовлардан эриб кетаётган бўлса-да, аммо севинчини сиртига чиқармас, бугунги базм эртага бирдан тинишини билиб, табрикларга хотиржамгина қулоқ тутиб ўтирарди.

Бир замон Муҳиддин Жабборович сал «жилови бўшашган» зиёфатга яна қайтадан жиддий илмий руҳ бермоқчи бўлди шекилли биллур қадаҳчани кўрсаткич бармогида чимчиб ушлаганча, маъруза бошлади:

— Дўстлар! Гарчанд биз ҳозир... ресторан биносида ўтирган бўлсак-да, бироқ бу ерга бугун илму фан, ақлу донишмандлик кўчиб келган десак, сира хато қилмаймиз. — Зални қарсак босди. — Чунки... бу кошонага йиғилганларнинг бари — ваҳоланки, олимлар, нари борса бўлажак олимлар. — Яна қарсак гуриллади. Муҳиддин Жабборович чироқ шуъласида қирмизланиб ёнаётган қадаҳига тикилган кўйи бир оз тин олди, кейин Шорасулга ўгирилиб гапини улаб кетди. — Мана шундай сермаъно улфатчиликдан фойдаланиб, камина сиз ёшларга бир-икки оғиз сўз айтмоқчи. Майлими? — Ҳамма шовқин солиб, домланинг фикрини қувватлади. — Шуни билингларки, иродасиз одамлар... ҳеч ерда, ҳеч қачон обрў тополмаганлар! Айниқса, фанда! — Муҳиддин Жабборович бўш қўлини шифтга бигиз қилди. — Бироқ ирода ҳам, файласуфлар айтгандек, ваҳоланки, конкрет тушунча! Қайсарлик — ирода эмас! Илмда ҳар қанча ўзиб кетма, ўзингни «нодонман» дея олсанг — ваҳоланки, ютганинг! — Шорасулнинг дадаси «оҳ, оҳ, қанчалар доно гаплар!» дегандай бошини куй тинглагансимон чайқаб-чайқаб қўйди. — Ваҳоланки, ўша қайсар олимваччалар яна «мен кабинет олими эмасман», деб кўкракларига урадилар. Бу аслида уқувсизликни, ношудликни яширишдан бўлак нарса эмас! Осмондаги ойни олиб бераман, дема, ваҳоланки, мард бўлсанг, ердаги ишларни бир ёқли қил! Бунинг учун эса ишлаш керак. Ишлаш! Сиз, Шорасулжон, фанда жуда тўғри ва биз, олимлар тили билан айтсак, рационал йўлни танлагансиз. Бунинг устига... Расул Оллоёровичдек саховатли, меҳрибон, олижаноб устоз сизга ҳамиша кўз-қулоқ! — Шу ерда Шорасулнинг дадаси ўзидан сал берироқда ўтирган Расул Оллоёровичга қараб қайта-қайта таъзим қилди. — Ваҳоланки фан

изчилликни талаб этади. Кечирасизлару, орқасини босиб ўтиролмайдиган одамдан ҳеч замонда олим чиқмайди!..

Муҳиддин Жабборович ўз нутқига ўзи маҳлиё бўлиб, кимларгадир тобора қилич яланғочлаб бораётганини сезган Расул Оллоёрович маъноли томоқ қириб, йўталиб қўйди. Муҳиддин Жабборович ҳам буни дарров тушунди ва фикрини яқунлашга шошилди:

— Мен буни нима учун гапиряпман? Дўстлар, шунинг учунким, ваҳоланки, сизлар — ёшсизлар, ҳамма ризқларингиз, бахтларингиз олдинда сочилиб ётибди. Ваҳоланки, уни топиб, териб ейиш ҳам осонмас. Шунинг учун биз қилган айрим хатоларни сизлар тақрорламанглар деган маънода айтяпман бу гапларни. Урни келган ҳар бир жойда сизларга буни айтиш — бизнинг бурчимиз. Ёдингларда бўлсин: буюк кашфиётлар — ваҳоланки, буюк изчиллик мевасидир. Фанда тер тўкиб ишлашдан бошқа йўл йўқ...

Деярли ичмайдиган Муҳиддин Жабборович бу гал негадир ён-веригагилар билан эгилиб-эгилиб қадаҳ уриштирди-да, рюмкани охиригача бўшатди. Кейин «мана, кўринглар, оқ қилиб бердим», дегандай уни зиёфат аҳлига кўз-кўзлаб энди жойига ўтираётган пайтида бирдан тўрадагиларнинг диққат-эътибори залга олиб чиқадиган кенг зинага қадалди. Азиз кираверишда орқа ўгириб ўтиргани сабабли, одамларнинг нима учун аланг-жалаңг бўлишганини аввалига тушунмади. Қайрилиб қараса, гиламлар тўшалган зинадан ёғоч оёғини эҳтиётлик билан бир-бир кўтарганча, ердан кўз узмай, профессор Толмас Азимов чиқиб келяпти. Ҳар доим гунд юрадиган, камгап, гапирса ҳам унча-мунчани лудуқланиб узиб оладиган бу оқсоқ профессордан институтда кўпчилик ҳайиқарди. Ҳатто Расул Оллоёровичлар ҳам унга қаттиқ сўзламас, ҳар замонда тортишиб қолган пайтларида ҳам у билан тенг келиб ўтиришмасди. Орқаворатдаги гапларга қараганда, у Расул Оллоёрович билан ёшликдан таниш; фронтда ҳам бирга жанг қилишган. Толмас Азимов яралангунга қадар ҳатто битта взводга тушиб, кўпинча окопларда ҳам ёшма-ён туриб олишишган. Уша Толмас Азимов абадий маймоқ бўлган машъум кунда ҳам, у нақ тепасида ерни остин-устун шопириб портлаган снаряд зарбидан ҳушини йўқотганда ҳам, фақат Расул Оллоёровичнинг «Толмас!» деган қичқирганинигина эшитган, холос...

Госпиталдан чиққач, Толмас Азимов Тошкентга қайтди. Аввал мактабда, кейин қишлоқ хўжалик институтида дарс бериб юрди. Шошмади, ўртада ўн йил-ўн йил танаффус билан аввал кандидатликни, сўнгра докторликни ёқлади. Мана энди уни билганларнинг ҳаммаси орқасидан «бедачи профессор» дейишади; чунки унинг докторлик илмий даражаси бедага бағишланганди. Лекин анча ногиронлиги учунми ёки муаллимликка берилиб кетганиданми, ишқилиб, «доктор», «профессор» номи бору, аммо баъзи бировлардек қалин-қалин монографиялари ҳам йўқ, газета-журналларга ҳам фаол қатнашмасди. Расул Оллоёрович эса уруш тугагач, тўрт мучали соппа-соғ қайтиб келди. У ҳам ўзини фанга бағишлади; лекин у академия системасида кетди... Мана энди қарасангиз, йирик бир уруғчилик илмий муассасасининг раҳбари, айтгани-айтган, дегани-деган одам! Толмас Азимов ҳам унинг қўлида... Расул Оллоёрович узоқ йили уни фавқулодда бир тўйда учратиб қолди-ю, ҳол-аҳвол сўрашиб, ишларини суриштирди. Билса, Толмас Азимов яқинда пенсияга чиққан, уйда экан. «Э, қўйинг, фронтовик одамга уй пойлаш ярашмайди, келинг, бирга ишлашамиз», деб таклиф қилди Расул Оллоёрович хотамтойлиги тутиб. Толмас Азимов ҳам ишга ўрганган эмасми, уйда сиқилиб юрган экан шекилли, бу таклифга жон деб рози бўлди. Агар Расул Оллоёрович Азимовнинг бунчалик бетгачопарлиги, кўрслиги, ҳақман деб ҳар нарсадан ҳам тоймаслигини билганда-ю, ўз оғзидан илиниб, бошига бу ташвиш-ни орттирмасди, албатта. «Ярим ставка иш берсам, тинчгина, мендан умрбод миннатдор бўлиб гимирлаб юраверади», деб ўйлаганди у бошида. Афсуски, адашган экан... Уларнинг ёшликдан дўстлигини эшитган баъзи одамлар ҳали ҳам «султон суягини хўрламас» деб ўзларича писанда қилиб юрсалар-да, лекин аслида қани энди Расул Оллоёровичга яхши бир баҳона топилса-ю, Азимовнинг бахридан ўтса! Аммо шу баҳона қурғур чиқмайди! Толмас Азимов кўрс гапиргани билан, бироқ унга эътироз билдириш, айниқса уни мот қилиш осон эмас...

Толмас Азимов шошилмай, оқсоқланиб келиб, Расул Оллоёрович ва Муҳиддин Жабборовичнинг ёнида ўтирган Шорасулни яна бир бор табриклади, «ўтиринг, ўтиринг» деб жой кўрсатишларига қарамай, пастга ўтди, кўзи билан бўш стул қидириб аланглади, Азизнинг

шундоқ рўпарасидан жой топди-да, дўқиллаб келиб, ёғоч оёғини буклаб ўтирди. Атрофдагиларга бир-бир назар ташлаб:

— С-сал-ом й-йигитлар! — деди, анча-мунча ичиб юзлари қизарган Азизга ажаблангандай кўз тикди. Азиз эса бирдан Толмас Азимов ҳар куни ётишидан аввал ёғоч оёғини ечиб, каравотининг тагига тикиб қўйишини эслади-ю профессорга ачиниб, ўзидан-ўзи хўрлиги келди...

Толмас Азимов «олинг, олинг»дан кейин овқат ейишга тутинди. Ароқ, вино таклиф қилишганди, ичмади. Бу орада хизматдаги мутасаддилардан бири келиб, «домла, сизни юқорига сўрашяпти, Шорасулнинг дадалари сўраяптилар», деган эди, Азимов бошини сарак-сарак ўйнатиб, «йўқ, баҳузур, баҳузур... менга шу ер дуруст», деб гапни кесди-қўйди...

Ярим соатлардан сўнг, ўтириш энди қизиётган пайтда Муҳиддин Жабборович бундан буёғига даврани бошқаришни Тўхтамуродов деган чечан, гаплари милтиқдаккина шогирдига топширди-да, Расул Оллоёрович иккалови ёши улуг, бообрў олимларга хос сиполик билан, ҳаммага хайр-маъзур айтиб, савлат тўкиб чиқиб кетишди. Шорасулнинг дадаси билан яна ўн-ўн беш киши уларни кузатгани туриб, алламаҳалгача қайтиб келишмади.

Азизга Расул Оллоёровичнинг Муҳиддин Жабборович орқасидан лўкиллаб жўнагани ёқмади... Расул Оллоёрович, кимсан, йирик бир институтнинг директори, мансаби жиҳатидан Муҳиддин Жабборовичдан баланд. Лекин, Азизнинг сезишича, унинг кўнглида битта илинжи бор. Бу ниятини рўёбга чиқиши қисман мана шу Муҳиддин Жабборовичнинг марҳаматига боғлиқ. Расул Оллоёрович шу галги сайловда Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига ўз номзодини қўйдирмоқчи; бундан ҳатто тегишли шахслар, ташкилотлар ҳам хабардор. Буни узил-кесил ҳал этиш, албатта, Муҳиддин Жабборовичнинг қўлида эмас-ку, бироқ шундаям битта «душман» кам бўлгани маъқул-да! Яширин овоз бераётганда, ким билади, мундай бир чизворса, қарши овозлар биттага кўпаяди, деган сўз. Шундай экан, Расул Оллоёровичдан нима кетди, «ваҳоланки домла»нинг кўп одатларини жинидан баттар ёқтирмаса ҳам, сиртида «ким яхши, Муҳиддин Жабборович яхши», деб юрар-верса, бир ери камайиб қоладими?!..

Азиз Расул Оллоёровичнинг Муҳиддин Жабборовичга шундай илинж билан муомала қилишини анчадан бери билар; яқиндагина икковлари ўртасида бўлиб ўтган суҳбат оҳангидан ҳам буни сезганди...

Азиз шу йўсин кайф аралаш фикр юритар, ўзини жуда қўйиб юборган, институтда кўрганда-ку, соясидан чўчқийдиган Толмас Азимовдан ҳам энди тап тортмай, «домла, олинг, олсангиз-чи манавилардан... битта рюмка ичинг, жон домла, қўлни қайтарманг...» деб ҳадеб тикилинч қилар, аммо оқсоқ профессор эса ундан ранжмай, бири боғдан, бири тоғдан гапларига унда-бунда кулиб-кулиб қўярди...

Шу пайт Азиз тўсатдан нариги тарафда ўтирган Йўлдошнинг Салтанатга тиканакдай тикилиб турганини кўриб қолди. Аввал «менга шундай туюлди шекилли», деб ўйлади-ю, ер остидан яна қаради. Йўлдош ҳамон Салтанатдан кўз узмасди. Азиз жони ҳалқумига келиб секин хотинига ўгирилди. Салтанат буни сезиб тургани учунми, дарров ерга қаради ва ҳаяжонини бошиш учун у-бу олиб еган киши бўлди.

Азизнинг баттар ғазаби қайнади. Юрагига мастлик аралаш ёмон бир шубҳа ўрмалаб кирди, бундан бир неча кун илгари Йўлдошни ўз йўлакларида кўрганини эслади. «Нима қилиб юрган эди у биз тарафда? Кимникига борган? Салтанатга нега бунақа тикиляпти? Ёнида шундай хотини туриб... нега Салтанатга ўғринча қарайди? Салтанат нега бошини ерга эгиб олди?...»

Азиз кўзлари сузилиб, ёнидаги нотаниш йигит билан яна уриштириб ичмоқчи эди, Салтанат секин тирсагидан туртиб:

— Азиз ака, уйга қанақиб кетамиз? Етар, ичманг, — деди шивирлаб, илтижоли кўзларини эрига қадаркан; кейин «шундай қилсам, эҳтимол ичмас» деган хаёлда худди кетмоқчи бўлаётгандай қўлига сумкасини олди.

Азиз энсаси қотганидан ароқни шарт ютиб юборди ва рюмкани тақ этказиб столга қўйди-да:

— Нега ичмас эканман?! — деди деярли ўшқириб. — Ичмай, кўз уриштириб ўтирайми?!

— Вой, бу нима деганингиз, Азиз ака? — Салтанат ваҳимага тушиб, бирдан юраги уриб кетди. Азиз энди боши обдан карахт, эс-ҳушини йиғиштириб олишга ҳам ақли, фаросати етмас, бегона одамларнинг кўзи олдида хотинини беобрў қилиши хунук бўлишини кайф устида ўйламас, ботирланиб кетган эди. Шу орада Салтанатга

қаттиқ гапираман деб, бехосдан стол четида турган рюмка билан вилкани ерга тушириб юборди. Зиёфатда ўтирганларнинг деярли бари Азиз томонга ўтирилиб қарашди. Айниқса, Йўлдош кулиб қараб турибди... Салтанат ер ёрилмади-ю, ерга кириб кета қолмади...

Орага Толмас Азимов аралашиб кўрди. Бари бир Азиз кулоқ солмади, қайтага «кўй, кўй» дейишгани сари баттар авжга чиқа бошлади. Шунда Толмас Азимов Салтанатга: «Сиз, қизим, ташқарига чиқиб туринг», дегандай имо қилди. Салтанат хўнграб юборишига сал қолган кўйи:

— Мен кетдим, бўлмаса! — деди-да, сумкачасини қўлтиқлаб, зарда билан эшик тарафга йўналди. Азиз буни кутмаганмиди, Салтанатга ҳатто бир оғиз гап ҳам айтолмай қолди. Кўлларини чорасиз ҳолда икки томонга ёйганча бир оз анграйиб турди, кейин хотинининг кетидан эргашди. У эшикдан чиқаётганда залда шўх куй янграб, деразаларни ларзага келтиргудек бешқарсак бошланди...

Азиз кўчага чиққанда, Салтанат хў наридаги нимқоронғи йўлкада ҳамон бош эгиб, юлқиниб борарди. Азиз унинг изидан автобус бекатига қараб юрди. Салтанат дам-бадам кўзларини дастрўмолчасига артиб, дуч келган одамни еб ташлагудек қиёфада, бекатнинг нариги бурчига ўтиб турди. Азиз ҳам энди бирдан ўзича хотинидан аразлаб, бериги бурчакда тўхтади-да, хиёл гандираклаганча автобус қута бошлади. Автобусга чиқилганда ҳам бошқа-бошқа жойга ўтиришди...

Уйга борганда Азиз яна ғазабланиб, отдан тушса ҳам эгардан тушмай, «анави олифта нега сенга қаради», деб дўқ урди. Салтанат юпқа қонсиз лаблари пирпир учиб:

— Қойил қилдингиз! — деди кўзи жиқ-жиқ ёшланиб. — Умримда бир одам сонига қўшилиб, тоза хурсанд бўп қайтдим. Ҳамма бинойидек ўтирибди. Йўқ, бу киши яна менга кимларнидир тўнкагани-чи? Ёмоннинг кучи япалоққа етиб! Шўрим курсин, шўрим!

Азизга бу гап баттар алам қилиб: «Мени чалғитма, анави олифта нега сенга бақрайиб қаради?.. Нега у анави кунни йўлагимизда юрган эди?» деди ҳамон кайфдан боши ғувиллаб. Аммо мастлиги шу қадар эдики, берган саволига ўзи жавоб кутмади. Соғ бўлганда-ю, кейинги сўроғи Салтанатнинг нақ ўтакасини ёриб юборай деганини ҳам сўзсиз сезган бўларди. Лекин ҳозир

бутунлай каловланиб қолганди. Салтанат бирдан шашти тушиб:

— Қараса қарагандир-да, мен қаёқдан билай? — деди йиғламсираб, ичини ҳамон ит тирнаркан.

Азиз ечинмай диванга ётди-ю, сал ўтмай пуф-пуфлаб ухлаб қолди. Салтанатни даҳшат босиб, саҳаргача мижа қоқмади. «Энди нима қиламан? Эртага сўраса нима деб жавоб бераман? Наҳотки, ўша куни кўрган бўлса?.. Нега унда шу пайтгача айтмади? Азиз бунақамасди-ку?..» Ора-сира ўйлайвериб тоқати тоқ бўлганда бирдан қайсарлиги тутиб кетар: «Э, шунга ҳам ташвишми? Пешонамдагини кўраман-да... Ажаб қипман! Хўп қипман! Ношудлигидан кўрсин!» — деган аламзада фикрлар қуюнида сузар, лекин сал ўтмай яна ваҳима билан энтикиб, «эртага ўрнидан туриб жанжал кўтарсая!» дея юраги типирчиларди.

Шу орада бир сидра Шорасулни, унинг яқинларини ҳам ўйлади. «Қандай бир-бирига меҳрибон, ҳамиятли, бир-бирига ярашган одамлар-а! Йўлдош билан Шорасул-чи? Туғишган ака-укалар ҳам бунчалик бўлмайди! Иноқлиги, аҳиллигига ҳавасинг келади! Ўша, мен аҳмоқ деган Йўлдош ҳам божасини қўлида кўтариб юргиси бор. Керак бўлса, Шорасулга кўксини қалқон қиладди!.. Манави оғзига тегиши билан ақлу ҳушини йўқотадиган ношуд-чи! Ошна-оғайниси ҳам йўқ! Борини ҳам бездиради!.. Анави узун гапирган домла, Муҳиддин Жабборович хўп топиб айтди-да! Ҳамма сўзи мана шу калондимоққа аталган!..»

Салтанатни яна ваҳима босди; Азизнинг гапига кириб, зиёфатга боргани учун ўзини қойиди.

9

Азиз бир-икки гингшиб, уйғонди. Ҳали қоронғи эди. У диванда ечинмай ухлаб қолганини шундагина сезди. Нафасини ичига ютиб, бирмунча вақт кулоқ солиб ётди. Салтанатнинг бир ўзи нариги уйда шекилли, чунки Беҳзодни зиёфатдан олдин таксида ойисиникига ташлаб келган эди. Азиз оғзи какрадек тахир, томоқлари қақраб, бамисоли дарёни ичиб юборгудек чанқаган бўлса ҳам эски диванни гичирлатиб Салтанатни уйғотиб юборишдан қўрқиб, қимир этмай ётаверди. Уй сув қуйгандек жимжит. «Нима бало, ойисиникига кетиб қолдими?» деган хаёл келди Азизнинг миясига ва

эхтиёткорлик билан ўрнидан туриб, нариги уйга мўралаб қаради. Уй дим бўлгани учун Салтанат устини очганча, оппоқ озгин баданлари ярим-яланғоч ҳолда ухлаб ётарди.

Азиз келиб яна диванга чўзилди, бирдан кечаги қилиқларини эслаб, ер ёрилмади-ю, ерга кирмади. «Нотаниш одамлар ичида шу томошани кўрсатдимми, а! Шунча бегонанинг кўз ўнгида хотинимни мулзам қилдимми, а! Мени ўзи уриб ўлдирган савобга қолади...»

У, кечаги мастлигини чала-чулпа эсларкан, шу қадар руҳий азоб исканжасига тушдики, юраги бир-икки қаттиқ санчди. Эҳтимол, бу ичмай-ичмай, бирдан кўп тортиб қўйганидан бўлса керак... Кейин у ўрнидан туриб, кўкрагини ушлаганча, хона ўртасида хийла вақт серрайиб қолди. Ишқилиб, бир амаллаб ҳозир шу уйдан чиқиб кетсин-чи, уёғи — таваккал. Танҳо ўзи бир яхшилаб ўйлаб олар. Лекин ҳозир бу ердан билингирмайгина гумдон бўлиши керак, гумдон бўлиши керак. Миясига бирдан: «Нонуштани муюлишдаги қаҳвахонада қиларман», деган фикр келди-да, ими-жимиди устки кийимларини пайпаслаб топиб кия бошлади. Аммо ҳали вақт эрта эди. Кунчиқар тарафдаги деразадан эндигина ғира-шира шафақ излари кўзга чалинар, ҳали қаҳвахона очилгунча ишхонасига кам деганда икки марта бориб келиши ҳам мумкин эди. Кейин фавқулодда, юзи шувутликдан қочиш учунгина шошаётгани ва ўзидан-ўзи нуқул қаҳвахонани ўйлаётгани, аслида эса овқат деса кўнгли озиб, томоғи хиппа бўғилаётганини сезди-ю, баттар эзилди. Кийинган жойида диванга бориб ётди, кўзини юмди. Аммо уйқуси келмади. Каловланиб ўрнидан турди, эшикни аста очиб, ошхонага ўтди. Товоқ-қошиқлар орасида қаппалиб турган катта гардин чойнакни бошига кўтариб симира бошлади. Қақраган томоқлари бир оз ором олиб, кўзи ёришди. Буни қаранг, ҳаммасидан ҳам шунча таниш-билишларнинг ичида шармисор бўлгани даҳшат бўпти! Қани, энди у ҳеч кимга, ҳатто Салтанатга ҳам рўпара келмаса! Бир умрга рўпара келмаса! Ишга ҳам бормаса! Кўчага ҳам чиқмаса! Мастлигини то одамлар муштиб юборгунча қандайдир хаёлий дунёда битта ўзи яшаса!.. Йўқ, қаёқда! Ана, Салтанат уйқусида нималардир деб алаҳсираяпти, ким биландир уришяпти!.. Нега-ям бордим-а, ўша зиёфатга! Ароқ лаънати, ичганингда дунёни кўзингга офтоб қилиб юборали-ю, эртаси...

одам бўлганинга минг-минг пушаймонлар едиради! Нега бордим?! Бирон баҳона топиб қўя қолсам бўлмасмиди?! Расул Оллоёрович айтмаганда бормасдим-а. Оч қорним, тинч қулогим, юраверардим. Мана энди ўша енгилтаклигимни юзимга солмасликлари учун ҳаммага хушомад қилишим керак...

Азиз ошхонадан чиқиб, секин туфлисини кийди-ю, билинтирмай эшикни очиб, йўлакка ўтди; нафасини ютганча эшикни беркитди. Фира-шира зинапоядан липллаб пастга туша бошлади...

У ишхонасига кириб борганда, Шорасул йўқ эди. Кеча зиёфатда бўлмаган бир-икки илмий ходимлар Азизни ҳар кунгидай қарши олишди. Азиз йўлакка чиқиб Расул Оллоёровичга дуч келиб қолди. «Эшитган бўлса ҳозир бир эрмак қилади», деб турган эди, йўқ, у шошганча бош ирғаб ўтди-ю, «ҳа, Азизжон, яхши, яхши», деди ва ҳовлида тириллаб турган машинаси томон йўналди. Азиз хонасига кириб ўйлай бошлади. «Нега бунча ўзимдан-ўзим куюнаман?! Бировни урмаган бўлсам, бировни сўкмасам... Мунча ўз соямдан ўзим ҳадиксирайман? Ахир, мен кимга ёмонлик қилдимки, бунчалик азоб чексам?! Расул Оллоёрович ҳам бекорга айтмаган, ўлгудек одамови бўп кетганман... «Коллективга аралашинг», деганда у худди шу камчилигимни кўзда тутиб айтган...»

Азиз бир оз руҳи енгиллашгандай бўлиб, ишига уннади. Шорасул эса кечаги ташвишлардан чарчаган шекилли, рухсат олганми, келмади. Қайтага Азиз бунга суюнди, чунки у ўзини минг дадил тутишга урингани билан бари бир кечаги ишлардан юраги хижил эди... Фақат кечга бориб, ҳамма ўзи билан ўзи оворалигига қаноат ҳосил қилди-ю, қўнгли жойига тушди...

Кечқурун уйига келганида ҳам Салтанатнинг муомаласидан ажабланди. Салтанат онадан бошқа туғилгандай. Азиз гўёки уни танимади. Илгарилари арзимас баҳона чиққанда ҳам Салтанат уйни нақ остин-устин қилиб, Азизни қийнаган пайтлари кўп бўлганди. Аммо бугун Салтанат мутлақо бошқача. У эшик жиринглаши билан кўп куттирмай липллаб келиб очди-ю, орада ҳеч нарса юз бермагандай Азизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Азиз «ярашиш учун» йўл-йўлакай дўкондан харид қилган каттакон «мармар» тарвузни унга узатди. Салтанат тарвузни кўтариб ошхонага кирди ва жиз-бизини давом эттираверди...

Азиз баттар хижолат чекди. Хотинининг шовқинига ўрганиб қолган эканми, унинг юмшоқ муомаласи худди ўлганнинг устига тепган бўлди. Айбингни юзингга солиб, шартта-шартта тишлаб олишгани ҳам тузук экан аслида! Виждон азобида ич-этингни еб турсанг-да, буни ҳеч ким сезмагандай, атайлаб индамаса... бундан ёмони йўқ экан!

Азиз уйга кириб, телевизор қўйди. Аллақайси бир бадийий фильм кўрсатилаётган экан, бир оз қараб туриб, ҳеч нарса тушунмади. Кейин программани топиб, кўз югуртиб чиқди-да, соатига қаради, фильм тугашига атиги ўн минут қолган экан. Телевизорни ўчирди. Шу пайт ошхонадан Салтанатнинг:

— Азиз ака! Қўлингизни ювинг, овқат тайёр, — деган қувноқ овози эшитилди...

Улар энди овқатланишга ўтиришганда кутилмаганда кимдир эшик қўнғироғини жириглатди. Азиз Салтанатга, Салтанат Азизга қаради. Салтанатнинг миясига: «Ким бўлиши мумкин? Эҳтимол синглим Беҳзодни олиб келгандир», деган фикр урилди-ю, аммо негадир ўтирган жойидан қимирламади. Азиз қўлини сочиққа артиб, сўнг бориб эшикни очди. Йўлакда йигирмайигирма бир ёшлар чамаси икки ўспирин турар, икковлари ҳам жажжигина чамадонча кўтариб олишганди. Бири от тақасига ўхшаш учи пастга қараган мўйлов қўйган, бири озғин, шифтдай йигит эди. Азиз «электр ёки газни кўргани келганлардан бўлса керак», деган хаёлда: «Хизмат?» деб сўради. Тақамўйлов йигит: «Биз шаҳар телефон станциясиданмиз», деди қўлидаги ёғ босган дафтарчасини варақлаб; уй эгаси таклиф этмаса ҳам у даҳлизга кирди. Кейин чамадончасини деворга суяб, Азизга қаради:

— Биз телефон станциясиданмиз, — у бу сўзини «ошитяпсизми» дегандай писанда билан такрорлади.

Азиз кулди:

— Кўриб турибсизлар, бизда ҳали телефон йўқ, ўрнатганларингда келарсизлар.

Йигитлар бу пичингга пинак бузмай, чамадонларини шошилмай титкилай бошлашди. Кейин новчаси бўйи сумбатига сира мос тушмайдиган ингичка овоз билан:

— Суюнчини чўзаверинг, биз телефон ўрнатгани келдик, — деди Азизга ва нариги уйдан бош суқиб ажабланиб қараб турган Салтанатга илжайиб тикилди.

Эшитган гапига ҳали ҳам унча ишонмай турган Азиз эса тақасимон мўйловли йигитга термилиб, «Ростми?» дегандай кулимсиради.

— Ҳозирча тоҷкаларимиз кам, — деди йигит. — Ҳар битта бинога икки-учтадан ўрнатяпмиз. Бошлиғимиз сизларникига қўйишни буюрди. Илгари жанжал қилганмидингиз? — Тақамўйлов йигит Азизга қарамай, чамадончасидан ўралган телефон симларини оларкан, ўзича гапирарди.

— Жанжал қилмаганман-ку, аммо бир-икки борганман. Бунга ҳам тўрт йилча бўлди, эслан ҳам чиқиб кетувди.

— А, бизнинг эсимиздан чиқмайди, ака. Хатга тушдингми, ўтга тушдинг... Мана келдик, ака. Қаерга ўрнатяйлик?

Азиз яна ҳайрон бўлди:

— Ҳозироқ ўрнатаверасизларми?

Тақамўйлов йигит ихчам омбири билан ичакка ўхшаш оқ елим симни шарт узиб оларкан:

— Ака, бизнинг келишимиз қийин, келдикми — чўзмаймиз, — деди Азизга мақтаниб.

Салтанатнинг бирдан оёғи чаққонлашиб, «мана бу жой қалай?» деб ичкари уйдаги курсичани кўрсатди. Тақамўйлов йигит аввал йўлакдаги эшикнинг шифтига, кейин полга, охири Салтанат кўрсатган бурчакка кўз қирини ташлаб, ўзича чамалаб кўрди-да, бошини кимирлатди:

— Сим етмайди, — деди Азизга юзланиб. — Кўпчилик шундоқ кираверишга ўрнатган телефонини. Ҳали «бир кўнғироқ қилволайлик», деб келадиганлар ҳам жонингизга тегади. Оёқостироқ жой дуруст.

Бу гап Азизга ҳам, Салтанатга ҳам маъқул тушди: шундоқ кираверишдаги трюмо пештахтасига ўрнатадиган бўлишди. Йигитлар тезда иш бошлаб, новчаси ташқарида, умумий телефон қутичаси теварагида ивирсиланар; тақамўйлови эса уй ичида майда мих билан деворга сим қоқарди... Бир соатчаларда ҳамма юмуш битди. Новча йигит тантанавор қиёфада чамадончасидан қора аппарат чиқарди:

— Немисларники, — деди у Азизга қараб илжайркан. Кейин дароз бўйига мутлақо мутаносиб бўлмаган бир чаққонлик билан зумда тақамўйлов тортиб келган симга улади. Шунда тақамўйлов шир-шир рақамларни терди-да, кимдандир: «Алло, мени қандай эшитяпсиз,

қандай эшитяпсиз? Мен тўртинчиман, қандай эшитяпсиз?» — дея қайта-қайта сўради, охири Азизга қараб:

— Ана, ака, бўлди! Энди истаганча гаплашаверасиз, — деди полда сочилиб ётган майда-чуйда асбобларини йиғиштира туриб.

Салтанат индамай ичкари уйга кириб кетди, сал ўтмай чиқиб, йигитларга самимий кулиб боққанча «раҳмат» деди. Новча телефончи эса ўша заҳоти худди уни масхаралагандай «арзимаиди» деб қўйди сурнай овозини чийиллатиб. Бу пайтда тақамўйлов орасига қора қоғоз қистириб, икки нусха квитанция тўлдирди.

— Эртага буни истаган кассангизга кириб тўланг, — деди Азизга тайинлаб. — Буниси аппаратнинг нархи, мана бу икки ойлик гаплашув ҳақи. Маслаҳатим: ҳар ойда ҳақини вақтида тўланг, йўқса, узиб қўйишади. Кейин овора бўласиз...

Улар чиқиб кетишаётганда Салтанат кафтида яширганча тақамўйловга нимадир берди.

— Оз бўлса ҳам кўпдай кўрасизлар, укалар. Раҳмат сизларга, раҳмат, — деди ҳамон озгининг танобини йиғиштиролмади. Йигит ҳам «раҳмат» айтиб, Салтанат берган пулнинг бетигаям қарамай, чўнтагига солди. «Агар бузилса, марҳамат, чақираверинглар, ўша заҳоти стиб келамиз», деб чиқиб кетишди...

Салтанат бамисоли лотереяга машина ютган одамдай босар-тусарини билмай қолди.

— Ойлигингиздан ўн сўмини бериб юбордим, — деди ҳамон севиниб. — Майли, садақа аташ керак-ку... — У ярқиллаб турган аппаратдан кўз узмай, ёш боладек энгикди: — Вой, ойимга телефон қилиб кўрай-чи?

У шоша-пиша керакли рақамларни терди-ю, юраги дукиллаб, кутиб турди. Бирдан кўзлари чақнаб:

— Ойи! — деди баланд овозда, тепасида турган Азизга «тўғри тушди», дегандай ишора қиларкан. — Салтанатман! Тинчлик, тинчлик! Қўрқманг, вой! Шундай, ўзим телефон қиляпман. Уйдан! Ҳа, уйдан! Ҳозиргина ўрнатиб кетишди. Биринчи сизга... Ҳа! Номерими? Ҳозир! — қўлини силкиб Азиз ушлаб турган квитанцияни сўради. Унга қараб, номерни айтди. — Беҳзод нима қиляпти? Аллақачон денг-а? Қайси уйда ётибди? Ҳа, яхши, тепасидаги форточкани очиб қўйинглар, димиқиб кетади... — Яна узоқ гаплашди, укалари, сингиллари билан ҳам анча эзмаланди. Охири трубкани қўйиб, боя қўл урилганча жой-жойида қолган кечки таомга ўтиришди...

Эртаси куни Азиз ишга кетиб, Салтанат ҳам энди ойисиникига жўнай деб турганда, бирдан телефон жиринглади. Салтанат ўрганмаганликдан қаттиқ чўчиб тушди. Кейин «ойим бўлса керак», деган фикрда югуриб бориб трубкани олди. Телефон яхши ишламадими, нариги томондаги одам атайлаб индамадими, ҳар қалай, овоз эшитилмади; узоқда кимдир икки киши бир-бири билан ҳадеб тортишиб гаплашарди. Салтанат трубкани ола солиб «ойи» деб энтиккан бўлса, кейинига эса «алло, алло»лаганча охири трубкани жойига қўйди. «Эҳтимол, Азиз акам тушолмаётгандир?» Яна кўнғироқ. Салтанат шоша-пиша яна трубкага кулоқ солди.

— Алло! — деди қандайдир салобатли эркак овози. Салтанатни ваҳм босди. — Салом. Ўзингизмисиз?

Салтанат баттар қўрқиб кетди:

— Ким бу?!

— Танимадингизми? Менман, Йўлдош. Телефонлар муборак бўлсин, қалай, тузук ишляптимми?

— Ҳа... ишляпти. Тузук...

— Ўша куни кайфда... Узр. Энди бошқа қайтарилмайди, ишонинг. Банкетда бирам очилиб ўтирдингизки... рост, рост... биласизми, бошқаларга солиштирсам... ўзингиз жа-а бўлакча экансиз... Рост! Мана, телефон бор — энди узоғингиз ҳам яқин бўлди... Мен ҳали сиздан кўп қарздорман... Хайр, соғ бўлинг.

Салтанат яна бир оз кутди-да, трубкани жойига қўйди. Кейинги дақиқада бирдан юраги шигиллаб, «номеримизни қаердан билди экан?! Ажаб?! Ойимдан бошқа ҳеч кимга айтмовдим-ку?!» деб боши қотди. «Мен ҳали сиздан кўп қарздорман» дегани нимаси? Наҳотки, телефонни Йўлдош қўйдирган бўлса? Наҳотки? Мана шунақанги хуфёна гаплашиб, эзмаланиб юриш ниятида-я! Тушингни сувга айт! Кўнглингнинг кўчасига сени!.. Энди у киши билан пичир-пичир дон олишиб, ўйнаш бўлиб юришим керак! Вой, аҳмоғ-эй!..»

Аммо газаби тошиб, ҳатто сал-пал қалтирай бошлаган Салтанатнинг кўнглини бирдан шўх бир туйғу қамради ва деярли ҳамма аёлларда ҳам бўладиган — эркаклар эътиборидан завқланиш ҳисси уни ром этди-ю, бутун ўйни кўтариб ўзидан-ўзи қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Кейин хаёли яна Йўлдошга бориб тақалди: «Тавба! Эркакларга ҳайронсан! Уйида фариштадай хотини ўтиради-да... ёлғондан бўлса ҳам сал кулиб боқ-

санг, авлиёси ҳам ўша заҳоти ақлидан озади... Суюлиб кетади... Тавба! Сал бош қотиришса-ю, ўзларининг қанчалар кулгили аҳволга тушганларини, аҳмоқ бўлиб юрганларини билишади-я! Йўқ, буни то юзига айтмагунингча, обрўйини уч пул қилиб қўлига тутиб бермагунингча бари бир суюлишавераркан! Уларнинг наздида хотин киши нари борса хушхўр таомдай гап. Хоҳлашса, шундай олишади-ю, еяверишади! Э, тавба! Э, тавба! Эркак киши асли боладан баттар гўл бўларкан-да! Ҳайнатсанг, ўйнайверади...»

Салтанат чиндан ҳам Йўлдошга ажабланарди. «Хотинини кўрган одам суқи киради. У бечора эса эрининг мажнунлигидан ҳойнаҳой беҳабар... Э, ҳаммасини билса керак... Хотин киши бўлади-ю, сезмайдими?.. Наҳотки, телефонни у ўрнатган?! Тавба!.. Ҳа, майли, қўлингдан келса, қилавер бойваччалигингни! Аммо, мени анойи деб ўйлама! Сендақаларни сувга олиб бориб, суғормай қайтишга қурбим етади! Бир тукимга ҳам теголмайсан! Хушомадингни қилавер!..»

Салтанат ҳозир бу «ишқ» ўйинида негадир ўзини Йўлдошдан устун қўяр, лекин олмоқнинг бермоғи борлигини, хуфёна ширин туйғуларнинг ошқора аламлари ҳам бўлишини ўйламасди. Ўйларди-ю, ўзининг уддабурролигига ортиқча баҳо бериб, ортиқча ишониб кетган эди.

10

Муҳиддин Жабборович одатига кўра трамвай йўлини кесиб ўтгач, муюлишда машинасидан тушиб қолди. Машина энди қўзғалай деяётганда, шошилиб соатига қараб шофёрига нимадир деди-ю, кейин куни билан ўқишга қўли тегмаган бир даста газетасини қўлтиқпаганча ҳовлиси томон илдам юриб кетди. У кўча чангитиб, то дарвозагача «аравада» боришни ёқтирмайди. Қайтага ўтган-кетган билан саломлашиб, кайфияти яхши бўлса, баъзилари билан отамлашиб, беш юз метрча йўлни пиёда босади. Томига оқ тунука ётқизилган икки қаватли кўркам уйи муюлишдан ўтиши биланоқ ярқ этиб кўзга ташланади. Хилватгина асфальт йўлнинг ўнг томонида, сал ичкарироқ олиб қурилган бу иморат қизғиш гиштдан кўтарилган, деразалари йирик-йирик кўкракдан келадиган баланд пойдевори эса жигарранг кафель билан қопланган бўлиб, чор атрофи анча кенг

чорбоғ, ҳовлиси пастаккина, тепаси гулдор бетон девор билан ўралган, ўртадаги қум сепилган йўлқадан й...ир-ма қадамча юриб борилса, кираверишга — даҳлизга ўхшатиб кичкина равоқ солинган, икки ёндаги бир қаватли бошқа участкалар эса гўё Муҳиддин Жабборовичнинг уйидан истиҳола қилиб, ўзларини четга олгандай бўлиб кўринишади. Муҳиддин Жабборовичнинг уйини билган одамлар билмаганларга «иккинчи қавати-га айланма зинадан чиқилади... тепа қаватининг ҳаммаси кутубхона билан биллиардхона» дея мақтаниб гапиришади. Яна маҳалла орасида «бу кошонани давлат куриб берган, домланинг бир тийини ҳам кетмаган» деган миш-мишлар ҳам юради-ю, лекин бу ҳақда Муҳиддин Жабборовичнинг ўзи ҳали ҳеч кимга бирон гап айтмаган...

Муҳиддин Жабборович бугун шошиб келяпти, чунки Назокатхон аллақайси қариндошининг тўйига бормоқчи эди...

Назокатхон Муҳиддин Жабборовичнинг иккинчи хотини. Биринчиси — Башархон бундан тўққиз йил аввал жигар касалидан ўлган. Домланинг аввалги хотиндан туғилган икки фарзанди ҳам ҳозир олим, ўғли — биолог, қизи — фармацевт. Иккови ҳам аллақачон оилали, бола-чақали бўлиб, ўзларидан тиниб кетишган. Аммо Муҳиддин Жабборович бари бир уларни эсдан чиқармайди, ҳар байрамда жужуқлари билан ҳаммалари албатта шу ерда йиғилишади... Муҳиддин Жабборовичнинг ҳозирги хотини келини Улфатхондан ҳатто бир ёш кичик, лекин уч боланинг онаси бўлган Улфатхон Назокатга қараганда анча катта кўринади. Назокатхон туғмаган, бўйида бўлмайди; шунданми, ҳамон балоғатга етган қизга ўхшаб ялтиллайди. Ўғли ва қизи, орқаворатдан «чол қурмагур...» деб уларнинг устидан кулишса ҳам, лекин уйда Назокатхонни «опа-чи, опа» деб оғиздан кўйишмайди... Назокатхон Муҳиддин Жабборовичнинг аспиранти эди. Мана энди салкам саккиз йилдан бери улар бир-бирларига жудаям ўрганиб, жудаям суюниб кетишган. Муҳиддин Жабборович ҳануз хотинининг оғзини пойлагани-пойлаган: нима сўраса — ўша заҳоти жо-бажо. Одамлар манави уйга «домланинг пули куймаган», деб алам қилгандан нотўғри гапиришади. Назокатхон келиши билан бошдан-оёқ таъмир... ҳамма хоналарга, ҳатто ошхонагача янги мебель олишди, кетма-кет зиёфатлар... булар озмунча харажатми,

ахир? Назокатхон севинса, Муҳиддин Жабборович худди боласи хурсанд бўлаётгандай ич-ичидан хузур қилади. Аввалги турмушида-ку, қўли калта, иложи йўқ эди, энди давлат йигиб қаёққа ҳам олиб боради; топган-тутганининг бари — Назокатга...

— Домлажон, ўзингиз ҳам юра қолинг, — деди Назокат эри эшикдан кириши билан эркаланиб. У кийиниб, пардоз-андозни дўндириб, тайёр бўлиб турган эди.

— Ўн беш минутдан кейин машина келади, бензинга кетди, — деди Муҳиддин Жабборович француз атрининг майин исидан боши айланар ҳолга келиб. — Ўзингиз бора қолинг, жоним, бугун ишимиз кўп бўлиб, обдан толиққанман.

— Ҳа, майли, сизники доим шу: биз билан юришни истамайсиз. Ҳали қараб туринг! — деди Назокатхон эрига ёлғондақа пўписа қилиб. — Бормасангиз борманг. Фақат машинангиз вақтида келса бас. — Назокатхон шарақлаб кулди...

Ташқарида таниш сигнал эшитилгач, эр-хотин бошлашиб чиқишди. Муҳиддин Жабборович Назокатхонни орқа ўриндиққа ўтказиб, шофёрига «келинойинг айтади қачон қайтишини», деб тайинлади-да, машина муюлишга ўтиб кетганда ҳам анчагача йўлдан кўз узмай турди... Теварак-атрофга оқшом чўкмоқда эди. Муҳиддин Жабборович яна бир оз ҳовлини айланиб юрди-да, кейин ошхонага кириб ўзига лойиқ қаҳва тайёрлади. Қорамтир ялтироқ мебеллар билан безалган, ўртасига майда гулли қизил гилам тўшалган телевизорлик хонага ўтди, чироқни ёқиб диванга ёнбошлади, қаҳвадан ҳўплаб-ҳўплаб, кечикиб бўлса ҳам бугунги газеталарни кўра бошлади. Республика партия газетасининг биринчи бетиде кутмаганда Азизнинг расмига кўзи тушди-ю, беихтиёр ўрнидан туриб кетди ва «шумикан» дегандай чироққа солиб кўрди. «Илк натижалар» деб сарлавҳа қўйилган каттагина материал биринчи бетдан бошланиб, давоми учинчи саҳифага ўтказилибди. Мақола ўртасида Азиз нотаниш шопмўйлов бир киши билан суҳбатлашиб турган пайтида суратга олинди. Муҳиддин Жабборовичнинг бирдан энсаси қотди; атайлаб бошқа материални ўқимоқчи бўлди-ю, лекин чидаёлмади, «қани, нима экан», деди менсимай ва мақолани ўқишга тутинди:

«Ҳурматли газетхонлар! Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам биз машҳур селекционер олим

ва фан ташкилотчиси, мархум Сергей Матвеевич Ивановнинг мақоласини эълон қилиб, унда пахтачилигимиз олдида турган ва уруғшунос олимлар зиммасига партиямиз, халқимиз юклаётган долзарб проблемалар ҳақида атрофлича фикр юритган эдик. Ўшанда Сергей Матвеевич редакция илтимосига бажонидил кўниб, янги, вилтга чидамли пахта навларини яратиш борасида тер тўкаётган фидокор мутахассисларимиз тўғрисида, улар бошлаган ишнинг мураккаблиги ва айна пайтда, муҳим давлат аҳамиятига эга эканлиги тўғрисида қимматли фикрларини баён этган эдилар. Мана, орадан беш йил ўтди. Энди ғалвирни сувдан бир кўтариб, илк натижаларни чамалаб чиқса ҳам бўлар, деган фикрда бугунги рейд-суҳбатни уюштирдик. Унда ўша аввалги мақолада тилга кўп олинган Азиз Қосимов тадқиқотлари хусусида гап юритилади. Биринчи сўзни шу истеъдодли олим иш олиб бораётган колхоз бригадири, Азиз Қосимовнинг яқин кўмакчиси ва мададкорларидан бири, машҳур пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Маҳамат ака Турдибоевдан эшитсак...»

Муҳиддин Жабборович хўмрайиб, бирдан журналистлардан хафа бўлиб кетди. «Уларга учини чиқарса бас — қуруқ аравани тоза олиб қочишади. Ўзлари масалани тузукроқ тушуниб етмай туриб, ҳақиқатни арзон шов-шувга қурбон беришларига, илмий фактларни юзаки билган ҳолда яна уялмай умумий хулосалар чиқариб, олимларга ақл ўргатишларига куясанми ё ўласанми?! «Истеъдодли олим» эмиш! Шундай донгдор пахтакорни ҳам йўлдан уришибди-я! Унинг обрўйи керак-да ахир! Гавҳар узук билан данак чақиш бу!.. Ваҳоланки, партия минбаридан бундан пала-партиш фойдаланиш... билмадим, нима дейиш мумкин буни?! Тишларининг оқини кўрсатиб, керилиб туришларини қаранг! Гўё тоғни кулатиб бергандай... — Муҳиддин Жабборович Азизнинг расмига яна менсимай қаради. — Пахтачиликни йўртаклаб, оёққа тургазган олимлар буёқда қолиб, газетачиларга ҳайронсан!.. Шу довдирни кўтар-кўтар қилиб, расмларга тушириб... Тавба! Ваҳоланки, бу ҳақиқатга хилоф-ку?! Яна, бунинг устига, антибиологик йўлдан бориб, ҳаммани лақиллатиб юрган мулла бекорчини партия газетасига чиқариб мақташ... Йўқ! Бунақаси кетмайди! Керак бўлса, Муҳиддин Жабборович Марказий Комитетдаги ўртоқларга ҳам айтади! Газетадагиларни бир тийиб қўйиш-

син!.. Ұқисанг, асабларинг қақшайди-я... Тавба! Қийшиқ дарахтнинг кўланкаси ҳам қийшиқ асли!..»

Муҳиддин Жабборович худди ҳозироқ Марказий Комитетга бориб айтгану у ерга муҳаррирни чақариб, унга Азизни ҳам кўшиб тоза адабини беришаётгандай, кўлини шашт билан силтаб қўйди. Ноилож мақолани ўқишда давом этди:

«Азизжонни биринчи учратганимда, — дея гап бошлади Маҳамат ака Турдибоев, — тўғриси, жоним ҳиқилдоғимга келган. Мана, ўзлари айтсинлар, ўшанда Азизжон туфайли раисимиз билан сан-манга бориб, анча жиқиллашиб ҳам олганмиз... Мен дангалчи одамман, очигини айтсам, энди ўша ишимдан уяламан! Эсимда, раисимизга ўдағайлаб: «Оқпалакдан тинкамиз қуриб, бир қарич ер тиллога тенг бўлиб турганда, сиз ер улашасиз, ҳайронман!» деганман. Шунда раисимиз: «Ёш боладай тепага сапчимамай, қайтага манави йигитларга қуллуқ қилинг, улар сиз билан бизнинг гамимизни еб юришибди», деганда баттар жиғибийроним чиқиб, «Бэ-э!» деб қўл силтаганман. Омилик қурсин, омилик! (Маҳамат ака бошини сарак-сарак қимирлатиб кулди.) Ҳа, бизни ҳам маъзур тутинглар. Оқпалак — ўзи бу бир аждаҳо! Ер тагидан чиққандек зумда келади-ю, чақалоқдай яшнаб турган ғўзани пайҳон қилади-кетеди. Ҳў, узоқдан тикилганда пайкал усти жимирладими, лопиллаб ҳовур кўтарилдими — тамом. Ўша жойга оқпалак тушган, ғўза жониворнинг қонини сўриб, илдиридан бутун намини тортиб олаётган бўлади. Кеча гуркираб турган кўчат бугун шалпайиб, қийналиб ўлган одамдай, қарашга юрагинг бетламайди. Ҳаммасини кўриб турасан, аммо қўлингдан ҳеч нима келмайди, мана шуниси алам қилади одамга. Ҳар туп кўчат устида то чигити кесак орасига тушгандан бошлаб, митти қулоқ бўлгунча, беда майсасидай ўсиб, кейин мана шундай азамат ҳолга келгунча... ит тинади, қуш тинади, лекин деҳқон тинмайди. Кафтингда парваришлайсан, қанча кўз нуринг тўкилади... кечирасизу баъзан одам ўз фарзандидан ажралгандан баттар бўлади!.. Шундай бабойи азимга, шундай аждаҳога мана шу думбул йигит лаф келар эканми... бунақангиларнинг кўпини кўрганмиз, келишида билак шимариб, кетишда жуфтакни ростлаганини билмай қоласан», деб ўйлайман ичимда, ўшанда Азизжонга ер остидан тикилиб. Хайриятки, адашган эканман...»

Муҳиддин Жабборович узун бир эснаб, кўзларидан ёш чиқиб кетди-ю, аммо ўзи сезмаган ҳолда мақола-нинг давомини қизиқиб ўқий бошлади. У энди ин-жиқлик қилиб материалдан қусур изламас, Маҳамат Турдибоев гапларидаги деҳқонча чапани мантиқ, иш-билармонлик бунга ўрин қолдирмаганди. У Азизга нисбатан адоватини ҳам унутиб, бутун диққатини га-зетага қадади:

«Оқпалакни йўқотамиз, деган гуруҳ-гуруҳ олимлар аввал ҳам колхозимизга келиб-кетиб туришарди. Гўнг солишарди, турли-туман заҳарли, заҳарсиз дориларни синаб кўришарди. Заҳарли доридан-ку, очигини айтсак, юрак олдириб қўйганмиз. Хуллас, ўша олимлар ҳам қўп савоб ишларни қилганлар! Биз, илмсиз одамларга кўпроқ нақди керак. Кунимиз нукул пайкалда ўтгани учунми... масалан, мен салкам қирқ йилдан бери пахта экаман... илмдан-ку йўқмизу, аммо баъзан олимларгаям гап бермай, катта кетиб қоламиз. Яна бир камчилиги-миз: нукул нақдини кўзлаймиз! Деворнинг нарёғи эса қоронғи. Кўрсак ҳам, нақдига ўрганган эмасмизми, уч-тўрт йилгача ким бору, ким йўқ, деймиз-да, кўрмаганга оламиз. «Олимписан, зўр бўлсанг, қани, бир йилда чиқариб бер-да, ўша янги навингни!... Яна тажрибага ер ажрат эмиш! Биздан ер олиб... яна бизга лексия ўқишармиш! Лексияни ҳар куни телевизордан ҳам эши-таверамиз!.. Хуллас, ўша вақтдаги хомхаёлларимни айт-япман-да сизга... Мана энди биз ҳам жа-а унақа қилни қирқ ёрган «учёний»ларданмасмизу, ҳар қалай, чала мулла бўлиб олганмиз... Уйлаб қарасам, олим, илм де-ганни... уларга қўйиб бериш керак экан. Мўлжалига тушса, бутун оламга татийдиган янгилик чиқиб қолар-кан; тушмаса, кетган харж-харажатни ўша заҳоти дов-ламай, каллани ишлатиб, яна сарфлайвериш керак экан. Бурунгилар ҳам айтарди-я, тийин санасанг, имо-рат солма, деб. Аммо биттагина кашфиёт минг йиллик сарфу харажатни ҳам текислаб кетиши мумкин экан-а! Илмнинг қудратини қаранг! Бир марта Азизжон сўйловдилар, қайсидир катта олим айтган экан-ку: «Менга таянадиган жой топиб беринглар, ер шарини ҳам кўтариб ташлайман», деб. Ё, алҳазар! Ерни кўтариб ташлармиш! Биз бўлсак, кетмондак участкани Азиз-жондан аябмиз...»

Муҳиддин Жабборович Маҳамат чатоқнинг ҳаёт на-фаси уфуриб турган бу гапларини ўқиркан, кўнгли бир-

дан ғаш тортиб, ўзидан-ўзи қачонлардан бери қишлоққа чиқмаганини ўйлаб кетди. Бир симиришда совиброқ қолган қаҳвасини ичиб тугатди. Илгарилари, Азиздақа вақтида у ҳам даладан бери келмасди. Аслида, у яратган аъло толали, тезпишар пахта навлари ҳам айни ўша йилларнинг маҳсули. Кейин-кейин бориб, Муҳиддин Жабборовичнинг номи оддий колхозчидан тортиб, республика раҳбарларининг тилида ҳам дoston бўлди... Керагидан ортиқ нур кўзни қамаштирганидай, ортиқча шон-шуҳрат ҳам одамни ошириб юбораркан. Мана, энди Муҳиддин Жабборович қишлоққа чиқса ҳам, фақат дам олишга, шанба, якшанба кунлари чиқади. Шаҳардаги ғала-ғовурдан қочиб, «миямни бирикки кунга бўшатиб келай» деб, атайлаб ўйламаслик учун чиқади... Аттанг, аттанг...

Муҳиддин Жабборович тепадаги биллур қандилдан сокин ёғилиб турган электр нурига чўмилган мебель ва қимматбаҳо идишларга лиқ-лиқ кенг хонага разм соларкан, бирдан юраги сиқилди. «Наҳотки, шиддат билан гувлаб бораётган ҳаёт оқимидан ўзим сезмай секингина сирғалиб тушиб қолган бўлсам?! Одамлар қай даражада ўсиб кетгани! Оддий бир бригадирнинг, ўзини «илмсиз, оми» дейишдан уялмаган деҳқоннинг юрт тақдири, фан истиқболи хусусидаги гапларини қаранг! Йўқ, буни журналист тўқимаган! Булар юракдан чиққан гаплар, ваҳоланки, буни тўқиб бўлмайди!... Нима ақл борки, нима янгилик, нима ҳалоллик борки — ҳаммаси ўша ҳаёт қозонида, ўша ризқ-рўз яратаётган халқининг ичида, ўша қўли қadoқ, кўнгли пахтасидай оқ пахтакор орасида! Олимман деб минг чиранма, ваҳоланки, кўп билганингда ҳам кўпдан ортиқ билмайсан!... Ўзим пахташунос олим бўла туриб, улардан шу қадар узоқлашиб кетганимга ҳайронман!.. Ҳайронман!..»

Муҳиддин Жабборович миясида бамисоли дим ҳавони ёриб кирган ҳаётбахш эпкиндай кезган бу ҳалол фикр сал ўтмай, сўнгги ўн йиллар бадалида йиғилган шон-шуҳрат тазйиқига учради-ю, бирдан ғойиб бўлди. Муҳиддин Жабборович яна ўз ҳолига келди. Қўлидаги газетага гўё зуғум қилгандай четидан бир силтади, лоқайдлик билан мақолага кўз югуртди:

«Азизжон янги иш қиляпти... Унинг айтишича, мамлакатда ҳозир олти мингдан зиёд гўза навининг уруғи сақланармиш. Олтин минг-а! Олимларга бу жуда катта дастак экан. Азизжон ҳам ўзига ёққан битта

уруғни танлаб олиб, уни ҳозир экаётган ғўзамизга ча-
тиштириб кўряпти. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучи-
маслигини ҳамма билади, бунга вақт, сабр-бардош ке-
рак. Уёғини суриштирсангиз, Азизжоннинг келганига
ҳам салкам етти йил бўляпти... Эшитишимча, баъзи
сабрсиз одамлар, ҳатто айрим кўпни кўрган олимлар
ҳам ишнинг бунчалик чўзилиб кетганига қараб, Азиз-
жонни қийнашаётганмиш. Яширишнинг нима ҳожати
бор, камина ҳам нақ бултургача Азизжонни кўрганам-
да, салом-алик қилардиму... бироқ юзи бир бурда,
кўзлари доим киртайиб юрадиган мана шу йигитга зим-
дан тикилиб, ичимда унга ачинардим: «Бечора ўзини
намунча уринтирмаса... Оқпалак деган махлуқ бу
боёқишнинг ўзини ҳам ғўзага кўшиб еб кўйишига сал
қопти-ку...» деб ўйлардим. Йўқ, бурунги полвонлар
жуссаси кичик курашчидан кўрқижарди; негаки кичик
полвонларнинг ҳадиси зўр бўлади. Келбати чинордай
курашчини киприк қоқмай, пайт пойлаб туриб, шуна-
қанги кўтариб урардики! Қийқириқ босиб кетарди...
Азизжоннинг иши ҳам чамамда шунга ўхшаш... У ҳам
оқпалак балосини кўтариб урди шекилли. Ишқилиб,
урсин! Бу йилги ғўзалари кўм-кўк, кўриб кўз қувонади.
Кўсақлари бўла. Бўйини ҳам ўлчаганман, бир хил жой-
да 120 сантиметрга етади. Пояси бақувват, эгатга ётмай-
ди. Яна биз учун энг зарури — ҳозир экаётган «Ф»
ғўзамиздан олти-саккиз кун олдин етилиши. Шу ерда
гап келиб қолди, ўзларингизга маълум, дўппи торлик
қилганда биз деҳқонларга бир кунни айтасиз, бир соат
ҳам ғанимат. Айниқса, атайлаб оқпалак юқтирилган
картада ҳам кўчатлар зарарланмаганини айтинг. Агар
иложи бўлганда-ю, янаги йилданоқ далаларимизнинг
барига шу Азизжоннинг навидан экардим. Қайтага бу
кишининг ўзи кўрқоқ. Бизга ё чикка-ю, ё пукка! Яхши
нарсанинг яхшилигини кўрдикми, таваккал! Йўқ,
олимларнинг йўли бошқа экан. Азизжон айтадиларки:
ҳар бир янгиликни, айниқса кўпчиликка кетадиган ян-
гиликни худди доришуноснинг қил тарозисига солиб
ўлчагандай, ҳар томонидан синчиклаб чиқиш керак
эмиш... Мен Азизжонни биламан, у подадан олдин чанг
чиқарадиган шошма-шошарларданмас. Лекин, бари
бир, баъзан юрак қурғур тошиб кетади! Бўла қолса
экан, деймиз нуқул. Айрим ўша янгиликни кўролмай
юрган «ғаним»ларку, «қани, бер-бер»лабоқ бечоранинг
тинкасини қуритса керак...»

Муҳиддин Жабборовичнинг пешонаси тиришиб кетди. Ичида Азизни сўкди. «Айрим ганимлар». Бу нима дегани?! Ювош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади, дейишарди. Бўйинини эгиб юриб, ваҳоланки, ҳаммамизнинг хастимизни ер экан-да! Илм даргоҳи деганнинг ўзига яраша обрўси, остонадан ташқарига чиқмайдиган айрим сирлари бўлади. Демак, бу ердаги бутун гапларни тортишувларни кўчага ёйиб, ваҳоланки, бизни кулги қилиб юраркан-да? Академикларни, докторларни-я!»

Муҳиддин Жабборович газабидан кўзлари чақнаб, газетани диванга ташлади-да, асабий ҳаракат билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У ҳар қанча уриниб масалани Азизнинг нодонлиги, бемаънилигига йўймоқчи бўлса ҳам, аммо газета мақоласи ва Маҳамат чатоқ айтган гаплар юрагига оғир ғашлик солди. «Бир балоси бўлмаса... Партия газетаси ва қолаверса манави кўпни кўриб кўзи пишган мўйлов ҳам бекорга бунчалик оғиз кўпиртирмаётгандир?! Бу ерда бир гап борга ўхшайди... Наҳотки, шу нарсадан иш чиқса?! Наҳотки! Йўқ, мумкин эмас, чиқмайди! Ёввойи гўзанинг пуштсизлиги бари бир авлодга ўтмай иложи йўқ. Ўтади! Унда нега манави мўйлов «кўсаги бўла» деяпти? Ҳайронман. Э, ёлгонга учмаслик керак. Ҳа, ўша «янги нав» бир-икки йил ҳосил берди ҳам дейлик... Кейин-чи?.. Ваҳоланки, эркаклик белгиси қачондир ўтиши керак-ку келгуси авлодга? Ўсимлик мағзидаги ёмон хусусият ўзидан-ўзи қаёққа йўқолади? Бари бир эркаклаб кетиши аниқ... Бир-икки мана шунақа енгилтакларнинг, арзон шўҳрат тамагирларининг гапига кириб, республика пахта майдонларининг маълум қисмига шу «янги» уруғни экдик ҳам дейлик. Майли, бир-икки йил ҳосил ҳам олайлик. Кейин бирдан минг-минглаб гектар майдондаги гўза, ваҳоланки, бир мисқол ҳам ҳосил бермай қўйса, хўш, ундачи?! Айб ағдарилиб келиб кимга тушади? Ким гуноҳкор бўлади? Ахир, пахтачилик илмининг мутасаддиси ким ҳозир? Академик Муҳиддин Жабборовичми? Ёки... — Муҳиддин Жабборович шу ерда Азизни ўйлаб, энли қуюқ қошлари кўзларини баттар босиб тушди. — «Булар-ку, илмдаги ёшлар, адашишлари мумкин. Лекин сиз, академик одам, қаёққа қараб ўтирдингиз? Ваҳоланки, шунча илм, шунча тажриба билан анқайиб қолаверибсиз-да? Шу бир тирранчанинг хатосини тўғрилашга ҳам кучингиз етмабди-да?!» дейишмайдими?! Йўқ, шу пайтгача индамай келдим. Индамаганимдан

тушунар, дедим. Ваҳоланки, бу бола мен ўйлагандан минг чандон телба экан! Энди уни тўғрилаш керак! Акс ҳолда бошимизга бало бўлади у!.. Ваҳоланки, пахтачиликнинг пири ўзингмисан, унда билиб қўй, ҳеч қачон чироқ кўтарган одам орқала юрмайди!.. Орқала юрмайди...»

Муҳиддин Жабборович яна газетани қўлига олди:

«Ҳамма гапни Маҳамат ака айтиб қўйдилар, — деди суҳбатни давом эттириб селекционер Азиз Қосимов. — Лекин очиги, у киши бир оз ошириб юбордилар. Мен кўп йиллардан бери олиб бораётган ўз тажриба ишларимга Маҳамат акадек юқори баҳо беролмайман. Маҳамат аканинг одатлари шу доим, нуқул бировга яхши бўлсин дейдилар... Ҳали мен айрим натижаларимни қайта-қайта текширувдан ўтказиб кўришим керак... (Шу ерда Маҳамат Турдибоев гапга аралашиб: «Ҳа, энди биз деҳқонмиз-да, кенг далада кенгашиб юриб, сўзимиз ҳам муболағалик... Ошириб айтмасак, кўнгил жойига тушмайди... Аммо хотиржам бўлинг, биз ҳам ҳар нарсани муболаға қилавермаймиз... Сихга илинадиғанини қиламиз...» дея ўз гапи ўзига ёқиб тушиб, хохолаб кулди.) Лекин шуни айтиш мумкинки, салкам ўн йил мобайнида, афсуски, фақат пахтазор чангинигина эмас, тортишув, рақобат, адолатсизлик чанглирини ҳам ютиб, қўлга киритган илк натижаларим мени қувонтиряпти... Ҳаммага маълумки, мавжуд «Ф» нави, айниқса, кейинги йилларда вилт билан жуда қаттиқ зарарлана бошлади. Бу касаллик 1948—49-йиллардаёқ ёйилган эди. Бунинг сабаби: пахта майдонларига асосан бир турдаги нав экилиб, вилтнинг тез ёйилиши ва айтиш мумкинки, оммавий тус олишига қулай шароит яратиб берилди. Айниқса, Андижон ва Бухоро областлари далаларида 1960 йилларда касаллик кенг тарқалди... Олимлар бунга жавобан вилтга қарши турли ҳимоя йўллариини ишлаб чиқдилар. Лекин бари бир қутилган натижа йўқ. Гапимни тўғри тушунинглар, тагин шунча йил давомида селекционер олимлар қўл қовуштириб, фақат томошабин бўлиб ўтиришган экан, деган нотўғри хулоса келиб чиқмаслиги керак. Тўхтовсиз иш олиб борилди! Лекин очигини айтганда, фаннинг чексиз имкониятларидан жуда тор, бир ёқлама фойдаланилди. Барча янги навларга «Ф» гўзасига ўхшаш фақат маданий уруғларгина асос бўлди. Бир қарашда бу тўғри ҳам; ахир селекционер ўсимликдаги фойдали хусусиятни игна билан қудук

қазилгандай мисқоллаб, пардозлаб, авлоддан-авлодга ўтказиб боради. Шу сабабли ҳам янги нав яратишда асосан маданий навлар пойдевор бўлади. Лекин манави далилларга бир диққат қилинг. Академик Муҳиддин Жабборовичнинг маълумотларига кўра, Избоскандаги тажриба участкасида ўн бир йил мобайнида вилтга қарши 250 дан ортиқ янги нав синаб кўрилган; Гиждувон, Андижон, Қўқон ва Чимбой участкаларида эса 150 дан ортиқ нав текширилган. Бу навларнинг айримларигина вилтга бир оз чидамли бўлиб чиққан. Фикримизча, бунинг сабаби: ўша оналик ва оталик сифатида ишлатилган уруғларнинг фақат бир-иккита маданий нав доирасида чекланганлигидир. Уларнинг ҳаммасида сўзсиз «Ф» нави иштирок этган. Натижада географик ва генетик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш навлар ўзаро чатиштирилганда олинган натижа ҳам деярли бир хил, яъни топилган янги нав вилтга чидамсиз бўлиб чиқарилган. Демак, «Ф» навида касалликнинг туғилиши ва ёйилишининг олдини оладиган ҳимоя кучи сусайиб кетган. Биз мана шу тажриба натижаларидан сабоқ олиб ҳамда селекция назариясининг бошқа муҳим йўллариغا таяна туриб, ўзимиздаги маданий навни ёввойи теҳисапум навига чатиштириш йўлини танладик. Маълумки, академик Вавилов ўсимликлардаги касалликка бардошлилик иммунитетини ўша ўсимлик танасининг касаллик микроби билан узоқ вақт давомида бирга, ёнма-ён яшашидан келиб чиққан ҳодиса, деб изоҳлайди. Демак, ёввойи теҳисапум гўзаси вилтга ўта чидамли экан (бунга бизнинг тажрибаларимиз гувоҳ), вилтнинг ватани ҳам асли Марказий Америка минтақаси, шу жумладан, Мексика бўлиши мумкин, деган фикр туғилади. Мана шу фаразга асосланиб туриб, биз вилтга чидамли нав яратиш учун энди сўзсиз Мексика навини ишлатиш зарур, деган қарорга келдик... Ҳозирча катта ваъда беролмайман. Чунки қўлимда ҳали тугал қилилларим йўқ. Аммо кейинги йилларда ишончим янада ортди! Бир пайтлари ҳамма ишларимдан юз ўгириб, бутунлай ташлаб кетмоқчи ҳам бўлганман. Лекин энди ишончим қатъий! Ҳозирча охирига етмаган, аммо анчагина салмоқли натижаларим бор. Уларни яна бир мавсумдан сўнг илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилмоқчиман...

Муҳиддин Жабборович шу ерда қаттиқ ўйланиб қолди. Азизнинг «вилт асли Мексикадан тарқалган

бўлса керак» деган фарази унинг учун мутлақо қутилмаган бир фикр эди. У Азизнинг фаҳму фаросати, ўткир зеҳни, таҳлил кучига қойил қолди, аммо яна дарров ўзини босиб, хаёлан Азиз билан тортиша бошлади: «Хўш, вилтнинг ватани Мексика бўлса нима бўпти?! Бу фикрга қўшилиш мумкин... Аммо гап ўша mexicanum навининг пуштсизлиги устида кетяпти-ку? Унинг ҳосилсизлиги қайтага маданий навни ҳам бузиб юбормайдами?!»

Муҳиддин Жабборович яна ўйга чўмди. Хаёли парижон бўлиб газетага кўз тикди. Азиз гапини тугатгач, мухбир унга қуйидагича савол берибди:

«Ўртоқ Қосимов, сизнинг тажрибаларингизга нима учун айни мана шу колхоз майдони танланган? Бу бир тасодифми ёки бирон-бир илмий сабаби борми?»

Азиз шундай жавоб қайтарбди:

«Биласизми, ҳаммасига Сергей Матвеевич «айбдор». Илгарилари мен, Маҳамат аканинг колхозидан ер унганига суюниб, тажриба участкасини домла таваккал танлайверганлар, деб ўйлардим. Кейинчалик бунинг ҳам чуқур маъноси борлигини тушундим. Республикамизда асосан континентал иқлим. Сергай Матвеевич тоққа яқин жойни танлаганининг ҳам катта сири бор экан: у мана шу мураккаб табиий шароитга дош берадиган навларни хаёл қилган эди... Бунинг устига ўша mexicanum навининг сувсизликка чидашини ҳам яхши билган бўлсалар керак. Марҳум келажакни олдиндан кўрувчи ҳақиқий аллома эдилар...»

Азизнинг шу гаплари ҳам атайлаб Муҳиддин Жабборовичга кесатиб айтилгандек туюлди унинг назарида. Йўқ, Сергей Матвеевичнинг зўр олимлигига у ҳам шак келтирмаган. Махсус йўлланма билан Тошкент университетига ишга келган бу машҳур биолог даставвал маҳаллий кадрлар тайёрлашда катта хизмат қилган, бора-бора фан ташкилотчисига айланган, гала-говурли уруш йилларида эса партия Марказий Комитети секретарининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган, айниқса мана шу даврда у катта обрў қозониб, элга танилган; кейинчалик қолган умрини ҳам фанга бағишлаган. Пахта уруғчилиги, хусусан, янги навлар яратиш устида иш олиб бориб, кўп кашфиётлар қилган. Ҳозир Иттифоқда донғи кетган шу уруғчилик институти ҳам аслида бир вақтлар у очган кичкинагина лаборатория базасида ташкил топган. Шуларнинг барини Муҳиддин Жаббо-

рович яхши биледи. Ҳатто Сергей Матвеевичдан сабоқ олиб юрган вақтларини ҳам худди кечагидек эслайди. Бундан ўн беш йил илгари академикликка сайланиб, уйида ўтириш қилиб берган пайтида ҳам кимдир кийдирган биринчи тўнни ўзи ўрнидан туриб бориб, Сергей Матвеевичнинг елкасига ёпган, домласини қучоқлаб ўпиб: «Менинг шундай одам бўлишимга энг аввало Сергей Матвеевич сабабчилар. Бу тўнни шу киши кийишлари керак», деб ҳаммани қойил қолдирган. Сергей Матвеевичнинг эса кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетган эди. Аммо вақт дегани шунчалар беомон эканки, кўп нарсаларни унуттираркан. Сергей Матвеевични ҳар қадамда «устозим» дейдиган одам, кейин-кейин бориб, у ўзининг мустақиллигини, бақувват, принципиал олимлигини писанда қилиб, аввало тор доираларда, кейинроқ илмий баҳсларда ҳам домла билан ҳадеб тортишишга, атайлаб унинг жигига тегиб, унга қарши гапиришга ўтди. Шуҳрати ортган сари ўзининг фавқулодда истеъдодлигига ишончи ҳам кучайди. Охири тилида айтмаса ҳам дилида Сергей Матвеевични «асосан муаллим, маърифатчи, маъмур — бу ҳам керак... ваҳоланки, тоза фанний, илмий проблемалар маъмурчилик ва маърифатчиликдан осмон билан ерча фарқ қилади... Эҳтимол, Сергей Матвеевичлар ҳам ўзларини ҳар томонга урмай, фақат илм йўлидан кетганларида, сўзсиз, катта тадқиқотчи бўлиб етишишлари мумкин эди. Афсуски, у кишида ҳар соҳадан бир чимдим...» деб ўйлайдиган ва шунга астойдил ишонадиган бўлди.

Шу сабабли ҳам Азизнинг Сергей Матвеевич ҳақидаги самимий гаплари ҳозир Муҳиддин Жабборовичга айил ботди. Бунинг устига газета мухбирининг Азизга берган кейинги саволи ҳам назарида қасддан уюштирилгандек бўлиб кўринди. Мухбир шундай дебди:

«Ўртоқ Азиз Қосимов, яна бир савол. Сергей Матвеевичнинг ўша мақоласида баъзи муҳтарам олимлар шаънига ҳам уч-тўрт оғиз гап айтилиб, «сал бағриларингизни кенг қилинглар» деган ибора ишлатилган эди. Орадан мана беш йил ўтди: кўп нарсаларнинг оқи оққа, қораси қорага чиқди. Энди ўша фикрлар ҳақида нима дейсиз?»

Мухбирнинг ёзишича, Азиз бу саволга тезда жавоб қайтармабди; ўйланиб қолибди, ўнғайсизланибди.

«Мен фанга баҳслашишни, олишишни ният қилиб кирмаганман, — деди ниҳоят Азиз Қосимов кулимсираганча елкасини қисиб. — Мабодо тадқиқотларимда ўйлаган хулосаларим чиққан тақдирда ҳам, мен буни бировга мақтанишга ёки ўзимни алоҳида қўйишга зигирдек ҳам ҳаққим йўқ! Ахир, янги нав яратиш — менинг оддий вазифам, бурчим; қолаверса мени ўқитган, вояга етказган жамият, халқ олдидаги қарзим-ку? Олимнинг — кашфиётдан бўлак яна нима иши бўлиши мумкин?! Кашфиёт — асли ўзи қаҳрамонлик, лекин уни сунъийлаштириб, пуфлаб, туғдек кўтариб, манманлик воситасига айлантириш... Шу ўринда мен домла Муҳиддин Жабборовичнинг бир фикрларига юз фоиз қўшиламан: у киши, фанда тер тўкиб ишлашдан бошқа йўл йўқ, дегандилар. Зўр гап! Бунга ҳаммамиз бир хилда амал қилишимиз керак?.. Энди илмий тортишувлар масаласига келсак, бу абадий жараён! Дунё бор экан, одамлар бор экан — сўзсиз, баҳс ҳам бўлади! Аммо баҳс билан баҳсинг фарқи бор...»

Муҳиддин Жабборович тутақиб кетди. Бу дунёда нималар юз бeryпти ўзи? Бошнинг оёқ, оёқнинг бош бўлгани шудир эҳтимол?! Нимасига ишонади бу адабсиз! Ўзи-ку, арзимаган кандидатликни ҳам эплолмай, яна ҳаммага ақл ўргатгани-чи! Айб ўзимизда, итни қопағон қилган — эгаси! Номаяқул гапирдими, ўша заҳоти оғзига урмадик! Айб ўзимизда! Бошимизга чиқиб кетганда ҳам «ҳа, майли» дедик-қўйдик. Мана энди шу калтабин яна қаерда денг — партия газетасида ваъз айтяпти! Айтади-да! Биз бўлсак, то бўғзимиздан олмагунча миқ этмабмиз! Э, тавба! Э, тавба! Додингни кимга айтасан энди?!

Муҳиддин Жабборович тўсатдан Шорасулнинг зиёфатини, ўша зиёфатда кайф қилиб олган жияни Йўлдош ҳадеб Азизнинг хотинига суқланиб қараганини эслаб қолди. Ўшанда ҳам у ичида бир кулиб қўйган эди. Кейин яқинда бир гаъзияли жойга бориб келишаётганда Йўлдош ўзидан-ўзи Азиздан гап очиб қолди:

— Тоға, анави аспирантингиз Азиз Қосимов борку, ўшанга қарашиб юборинг, қийналиб кетибди бечора — деди кутилмаганда, йўлдан кўз узмай. Хаёлга чўмиб келаётган Муҳиддин Жабборович бу гапдан нақ чўчиб тушай деди. Жиянига синовчан тикилиб.

— Ия, уни қаердан биласан? — деди тамоман ажабланиб.

— Шорасул кўп гапиреди... — Йўлдош гапни чалгитмоқчи бўлди.

— Ростини айт, жиян, уни қаердан биласан? — Муҳиддин Жабборовичнинг йигитлиги тутиб кетдими, кўзлари қувлик билан йилтиллади.

— Мактабдош бир қўшнимизга уйланган экан, сиз уни билмайсиз, — деди Йўлдош худди ўз гапига ўзи эътибор бермаётгандай лоқайд оҳангда. — Яқинда ўша қизни учратиб қолдим. Аҳволи хароб, бечоранинг. Ачиниб кетдим. Шорасулдан эшитсам, ўша Қосимовнинг хотини экан.

— Кўпинча шунақа бўлади, жиян. Ваҳоланки ҳаёт ўйинчоқмас... Тўхта! Шорасулнинг зиёфатида кўз уриштириб ўтирувдиларинг шекилли ўша аёл билан. Ҳа, шайтон, шайтон! — Муҳиддин Жабборович кулимсираб туриб кўрсаткич бармоғи билан жиянига дашном берган киши бўлди. — Унақа жиннилик қилма, бировнинг хасмига кўз олайтириб. Бола-чақали одамсан-а... Лекин у бечора эрдан чув тушган, унақа аҳмоқнинг қўлида ҳар қандай ота-онанинг арзандаси ҳам гадой бўлади...»

Ўша гаплар ҳозир ҳам бирдан Муҳиддин Жабборовичнинг ёдига келди-ю, худди ўғли аччиқ олма еса, отасининг тиши қамашгандай, Йўлдошнинг ишларидан ичида хурсанд бўлиб, Азизнинг устидан кулди. «Майли, боппайверсин, бурнини камроқ кўтарди, калтабин!...»

Муҳиддин Жабборович шу ерда бехос ўз фикридан ўзи уялиб кетди. «Йўғ-э, ўғлим бор, қизим бор-а... невараларим... бундай пасткаш ният. Ўлибманми жуда! Шу болага кучи етмаса! Истасам, жимжилоғимда ўйнаганман!...»

У истар-истамас яна газетага кўз югуртирди.

«Ўртоқ Қосимов, илтимос, сўнгги саволимга ҳам жавоб берсангиз. Сиз селекционерлик касбини эгалламоқчи бўлган, шу йўлда илк қадамларини қўя бошлаган ёш дўстларингизга қандай тилаклар билдиришни истар эдингиз?!

— Менми? — деб кулди Азиз елкасини қисиб. — Агар масалага умуман ёндашсак, пахта селекцияси олимлари, мутахассислари олдида турган асосий вазифа сўзсиз серҳосил, тола сифати юқори, эртапишар, механизация билан ишлов беришга, йигиб-териби олишга қулай, ҳар хил касалликларга, зараркунандаларга чи-

дамли навларни яратишдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда, боя Маҳамат ака айтганларидай, олти мингдан ортиқ ёввойи, ярим ёввойи, маданий, ярим маданий, кўп йиллик ва бир йиллик гўза намуналари мавжуд. Булар мислсиз хазина. Мана шу хазинада сабр-тоқат билан тинимсиз иш олиб бормоқ зарур. Эҳтимол, улар орасидан *texsanum* навига қараганда ҳам яхшироқ сифатларга эга уруғлар топилар. Ҳозирча эса бу нодир гўза коллекцияси тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда... Яна бир истагим: паст ҳароратда ва шўрхоқ тупроқда яхши ўсадиган гўза навларини яратиш соҳасида муҳим ишлар олиб борилиши керак. Чунки, Ўзбекистон, биринчидан, жаҳон пахтачилигининг энг шимолий минтақасида жойлашган бўлса, иккинчидан, бизнинг шароитда пахта майдонларимизнинг 60 фоизи у ёки бу даражада шўрланганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим... Айни пайтда, биз гўза чигитига эътибор беришимиз зарур. Маълумотларга кўра, кейинги йигирма йил ичида чигитда мойнинг сифати пасайиб, миқдори эса деярли тўрт фоиз камайган. Агар чигитда мой бир фоиз камайса, республикада пахта мойи 20 минг тонна кам олинди деган сўз... Селекция фани олдида турган долзарб вазифалардан тагин бири — гўзанинг минерал ўғитларга янада талабчан навларини яратишдир. Буни амалга ошириш мумкинлигини тажрибалар тасдиқлайди. Масалан, СоюзНИХИда гидропоника шароитида ўтказилган синовда гектаридан 150 центнердан ҳосил олинганлиги ёки колхоз-совхозларда пайкал четларида 100—150 тагача кўсак боғлаган гўза тупларининг мавжудлиги — гўза организми ҳали катта имкониятларга эга эканлигидан далолат беради... Ҳозир олимларимиз кузда барги ўз-ўзидан табиий равишда тўкиладиган гўза навларини яратиш устида ҳам иш олиб бормоқдалар. Бундай навлар топилса, дефолиация учун сарфланаётган юзлаб тонна кимёвий заҳарли моддалар, меҳнат ва маблағ ресурслари тежаллади ва энг муҳими — табиий муҳит тоза сақланади...»

Маҳамат Турдибоев билан Азизнинг суҳбати шу йўсинда тугаган, қолган қисми эса муҳбирнинг мулоҳазалари эди: «Ўтмиш донишларидан бири, олимнинг энг зўр хислати унинг камтарлигидир, деган экан. Чиндан ҳам чинакам олим ўзи кўп иш қилгани учун ҳам ҳали қилинмаган ишлар ниҳоятда кўплигини бошқаларга қараганда яхшироқ биледи. Мен бу фикрни

давом эттириб, Азиз Қосимов тадқиқотларини анча йиллардан бери кузатиб бораётган оддий бир журналист сифатида шуни айтмоқчиманки, Азизжон — ниҳоятда камсуқумлигидан ташқари, ниҳоятда етилган, пишган олим ҳам! Бугдой бошоғи ҳали дони тўлишмаган пайтда кўкка интилади; тўлишиб, пишганда эса ювош тортиб, ерга эгилади... Азиз Қосимовда ҳозир мен мана шу гўзал хислатни кўряпман, дейишдан қўрқмайман... Хуллас, пахтачилигимизда, хусусан, унинг селекциясида ғоят муҳим кашфиёт юзага келаётганини, ғоят муҳим ҳикмат туғилаётганини ҳис этиб турибман. Бу кашфиёт сўзсиз Азиз Қосимов номи билан боғлиқ бўлади».

Мақола шу билан тугаган эди. Муҳиддин Жабборович худди бир оғир иш қилгандай хўрсинди, газетани диванга ташлади. Уни шу топда хилма-хил, бир-бирига вид азобли фикрлар қийнамоқда эди. Айниқса, мухбирнинг мақола охиридаги дадил, қатъий ишонч руҳи билан суғорилган жумлалари академикда қандайдир жумал кайфият уйғотди. «Ғоят муҳим кашфиёт юзага келаётганини, ғоят муҳим ҳикмат туғилаётганини ҳис этиб турибман...» Наҳотки, ҳаётдан шу қадар орқада қолиб кетган бўлсам?! Мен буёқда чайналган, сийқаси чиққан теоремаларга ўралашиб... у тирранча, уёқда ҳаманинг оғзини анграйтириб, кўзини мошдай очиб кўйса-чи! Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир! Буни ҳеч ўйлаб кўрдимми шу пайтгача?! Ахир, деҳқонга бирон нарсани ёқтириш ўлимдан қийин-ку?! Улар дангалчи, нақдидан келадиган одамлар, уларга қуруқ ваъда кетмайди...»

Муҳиддин Жабборович газетани яна қўлига олиб, Маҳамат чатоқнинг гапидан керакли бир жойини топдида, «янаги йилданоқ далаларимнинг барига шу Азизнинг навидан экардим», деган сўзларнинг тагига қизил қаламда қуюқ қилиб чизиб қўйди. Ўйланиб қолди. Азизнинг ўзини чақириб, «натижаларингизни қани бир кўрсатинг-чи», деб сўрашни ҳам кўнглига тугиб қўйиш-ю, аммо кейинги дақиқада бу фикри иззат-нафсига оғир тегди. Шорасулни ишга солса... Азиз муғамбирнинг; бари бир айтмайди...

Охири шу яқин ўртада қулай бир пайт топиб, ҳеч кимга билдирмай, секин ўша колхозга чиқиб, Азизнинг гўзаларини кўриб келмоқчи бўлди...

У диванга ёнбошлаб, юраги ҳамон хижил, бетоқатлик билан хотинини кута бошлади.

Азиз бугун ишдан уйга эмас, тўғри қайнотасиникига қайтди. Чунки кеча у ердан қўнғироқ қилишиб, Салтанатнинг укаси Мирвосил армиядан таътилга келгани, шунга қариндош-уруғларнинг бари йиғилишини хабарлашган эди. Азиз эрталаб институтга кетаётганидаёқ барвақт кириб, қайниси билан кўришиб ўтди. Яқиндагина мактаб ҳаваскорлик тўғарагида қатнашиб юрган, Азизларнинг тўйида артистлар бўлмайд қолганда бириккита ўзига ўхшаш митти болақайлар билан иккита қашқар рубобию доирани вадаванглатиб, тўйни қизитиб берган қайниси энди бирдан етилиб, юзлари, пешонасига ҳуснбузар тошиб, овозлари дўриллаган барваста йигит бўлибди.

Мирвосил Азиз билан худди туғишган укасидек унинг бағрига отилиб кўришди. Ҳанузгача вақти келса шу хонадонга ётсираб юрадиган Азиз учун Мирвосилнинг бу жигарчилиги аллақандай эриш туюлса-да, лекин юраги бир қалқиб тушди...

Азизнинг одамови кайфиятини отаси билан онаси зимдан билганлари учун улар ҳам шаҳарлик қудалар билан унақанги қариндошлик қилаверишмасди. Одатда кўпчилик қуда-андалар тўй-томошадан кейин туғишгандан аъло бўлиб кетишади; ўғил-қизлар баҳона, ўзларига маслакдош, юракларини ёзиб турадиган бир умрлик дўст топиб оладилар. Азизларда ундай бўлмасди. Бунга ким айбдорлигини ҳеч ким суриштирмас, кўнгил чопмагандан кейин бу масала ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди. Лекин қудалар ўртасида тилда эътироф этилмаган нохуш бир совуқлик борлигини иккала томон ҳам сезиб, ҳис қилиб турарди...

Салтанатнинг акаси Мирҳосил қайсидир бир «катта одам»га куёв бўлгач, орадан уч ой ўтмасданоқ, тўрт йил ишлаган институти билан тўсатдан хайрлашиб, ирригатор инженер сифатида Сурияга икки йиллик хизматга жўнаган, биринчи йилиёқ «Волга» билан қайтиб, кейин уни гаражга «қамаб», хотинини ҳам бирга олиб кетган эди. Сафарлари қаригаҳ, ўша акаси республика Қишлоқ хўжалик министрлигида идора ходими бўлиб ишлаб юрди. Лекин аввалги четга чиққанида мазахўрак бўлган эканми, чидолмади; ўтган йили хотини ва қизчаси билан яна Афғонистонга жўнади. Хуллас, улар ўзларидан

тинишган; Салтанатнинг ойиси билан дадаси ҳар гапда уларни кўқларга кўтаришар, Мирҳосилларнинг ўзи Афғонистонда-ю, аммо булар кунда бўлмаса ҳам кун ора қудалари билан телефонлашиб, борди-келдини узишмасди... Бироқ Салтанатнинг опаси Маърифатнинг эса бахти юришмади. Ўзи врач, ТошМИ қошидаги шифохонага янги ишга кирган вақтида бир профессорнинг ўғли билан танишган, қанча шов-шув билан тўй ҳам қилишган эди. Лекин сал ўтмай опаси шўрлик тилини тишлаб қолди; эри гиёванд, суюқоёқлардан бўлиб чиқди. Аслида куёвнинг отаси ҳам ўғлининг шу ярамасликларидан безиб, «балки бўйнига оила бўйинтуруғи тушса, қуюлар», деб ўғлини шошилтириб уйлантирган экан. Йўқ, қайтага баттар бўпти. Ўғли билан келинининг ўртасида қозилик қилаверишдан чарчаган профессор охири етти хоналик данғиллама ҳовлисини ҳам уларга ташлабди-ю, оч қорним, тинч қулоғим, деб нариги маҳаллага тушган янги уйдан квартира олиб, кампири билан чиқиб кетибди. Шундан бери эри Маърифатни ҳар куни дўппосларкан... Бечора ҳафтада икки-уч марталаб уйига йиғлаб келаркан. Баъзилар хотини кетса, эртаси кечирим сўраб, ялиниб-ёвориб, ҳали одам юбориб, ҳали телефон қилиб, «қайт-чи, қайт», деб ҳоли жонига қўймайди. Маърифатнинг эри эса тўнка: бир ой йўқолиб кетганда ҳам сувга чўқдим, ўтда куйдим, демайди. Кейин туриб-туриб, Маърифатнинг ўзига наша қилади-да, кўнглини ҳар хил хаёллар кемириб, шўппайганча дарвозадан ўзи кириб боради... Шу боисдан қизига кўшилиб она бечора ҳам куяди. У неча марталаб «йўлга солинг», деб профессорга ҳам йўлиққан, аммо қуданинг даккиси қудага қаттиқ ботгани учун профессор ҳам жазаваси тутиб: «Ие, қизиқ-ку!... Шунча ўқитиб, қўлингизга тайёр қилиб берсак-да... яна биз айбдормизми?.. Улар ёш бола эмас, ўз араваларини ўйлари тортишсин... биз аралашмаймиз», деб терсайиб олгандан сўнг, она боёқиш ўқимишли одамлардан ҳам ҳафсаласи қайтиб, кенжа қизи Салтанатни бойлиги, мартабаси, номига учиб эмас, камбағалгина, бироқ эпчил ва диловаргина биронтасига бериб, бундан буёғига фарзанд азобини кўрмай ўтишга ният қилган эди. Қизи Азизни ёқтириб қолганда эса, уни сал-пал суриштириб, айниқса у кўшнилари Ивановнинг шогирди эканини билди-ю, кеч эрга бериб Маърифатида чув тушганини аслади-да, «қиз эртапишар мева», деди ва ўзи енг ши-

мариб, эри билан бамаслаҳат тўйга ҳозирлик кўра бош-лади. Қишлоққа, Азизларникига уй кўрдига чиққанда ҳам харобгина пасқам-пасқам учта хона ва ҳовли тўридаги огилда чивин талаб турган ориқ тарғил сигирга қараб, юраги бир шувиллаб кетди, аммо Азизнинг бари бир шаҳарда ишлаши ва яшаши юрагига таскин бўлиб, кўниб қўя қолди. Шундан кейин қайтага тўйни қиз томон тезлаштириб юборди...

Баъзан Салтанатнинг ранги сўлиб, мазаси қочганини кўрса, онаси ҳали ҳам ўшанда ўзининг нега бунчалик шошганига тушунмай, ичини ит тирнайди, ўзини гуноҳкор ҳисоблайди. Эҳтимол, Маърифатидан қаттиқ куйгани учунми ёки Азиз худди излаганидай бўлиб туюлганиданми, тез думалоқ-ёстиқ қилиб қўя қолмаса, уни биров илиб кетаётганга ўхшайвергани учунми... ишқилиб, у жуда шошган эди... Шунчалик шошилдики, Азизнинг уйидагилар тўйга мундай тузукроқ йиғиб-те-риб ҳам улгуришолмади, ўша ориқ сигирни сотиб, расм-русумларни бир амаллаб ўтказишгандай бўлишди. Кейин-кейин бу ҳам эсдан чиқди. «Бахти иқболларини берсин!.. Бугун даранг-дурунг тўй қилиб, эртага ит-мушук бўлиб юришса, нима, ўша гат-гут ёрдам беради-ми?... Пешоналарига ёзса, ҳаммаси топилади... аҳил-лик, сиҳатлик бўлсин, илойим...» Ҳамма хижолатпаз-ликлар эсдан чиққандан кейингина ўзларини шундай юпатишди. Унгача — ўша тўй пайтида эса Салтанат-нинг ота-онаси, айниқса ойиси неча марта лаб ер ёрил-мади-ю, ерга кириб кетмади! Маърифатнинг тўйида, думбасини ўзи эплолмаган ҳисори кўчқор боғланган кираверишдаги гилосга энди маърайвериб оламни буза-диган ориқ малиш кўзи танғиб қўйилди. Яна эскидан удум шуки, тўй сарполарини ҳамма — кўни-қўшни, узоқ-яқин қариндош-уруғларнинг бари кириб кўради. Салтанатнинг онаси бўхчани очди-ю, тахтадай қотди-қолди. Сандиқдан чиққан бир-иккита эски шойи, ка-вуш-маҳси, ҳатто калиши ҳам бор!.. Бўхчани шундай ёпди-ю, нима қилишини, нима дейшини билмай, та-ванхонага кирганча, анча вақт чиқмади. Кейин шоша-пиша ичкари уйга елвиллаб, сандиқ устидаги кўрпа-тўшакларни ағдарди, чарларга атаган бир-иккита пом-бархит ва тоза шойилари, атлас кийимликларини олди-да, қудаси юборган сарпога кўшиб қўйди. «Шу замонда кавуш-маҳсига бало борми? Маҳалладаги оғзи катта хотинларга ҳўп эрмак топилди-да!..» Чиндан ҳам улар-

дан бири қўшнисининг кўнглига қаттиқ тегишини ҳам ўйламай: «Эгачи, нима бало, бунча шошмасангиз? Қизингиз кўчада қолаётувдими? Эндигина мактабни битирувди... ёки шўхлик қилиб қўйишибдими-а?» дея баттар ярасига туз сепган эди. Шунда Салтанатнинг ойиси илон чаққандай тўлганиб: «Вой, бу нима деганингиз?! Биз таги кўрган одамлармиз!» деб жавоб қилганди-ю, бари бир ичидан зил кетганди.

Нима бўлганда ҳам янга — янга экан-да, ўша сарпо келганда Мирҳосил акасининг хотини лип этиб уйга кириб, сал ўтмай иршайиб чиққан, ҳовлида у-бу ишлар билан ўралашиб хижолатдан ҳеч кимнинг юзига қараёлмай юрган Салтанатга ҳў, зинадан туриб, «Салтанатбону, киринг, сарполарингизни кўринг», деб пичинг отган эди. Салтанатга янгаси аввал жудаям ёқар эди. Унинг кийиниши, муомаласи, сўзлашлари шу қадар ўзига ярашардики, эркаклар уёқда турсин, аёлларнинг ҳам унга қараб ҳаваси келарди. Кейинкейин бориб, ундан Салтанатнинг кўнгли совиди... Бир кун янгаси шунақанги кўзни оладиган янгича атлас кийиб чиқдики уйдан, Салтанатнинг юраклари орзиқиб кетди. Кифтлари, кўкраклари ўзига бирам ярашган, гуллари усталик билан жой-жойига туширилган... Салтанат ойисига гишинглайвериб, бир кийимлик атлас олди, худди янгасиникига ўхшатиб гиктирди. Янгаси уни кўриб севиниш ўрнига бирдан қовоғи уйилди, ранги ўчиб, бир юлқинди-ю, ўша янги қўйлагини бошқа киймади, синглисига бериб юборди. Шу-шу, Салтанат янгасининг одатини яхши билади. Ой бўлса ҳам, кун бўлса ҳам фақат ўзига боқишини, доим ҳаммадан ажралиб юришни истайдиган такаббур аёл... Айниқса, мана шунақанги бировдан хўрлик кўрган пайтларида Салтанат Азизга баттар ёвланиб қарайди. «Бахтимни қаро қилган сенсан!..» Бу фикр мияси, қалби, вужудига худди сирачдек ёпишиб, фиғонини фалакка чиқаргудек уни не-не азобларга солмайди. Тўй баҳонаси билан ҳар иккала томон эл-юрт, маҳалла-қўй олдида бамисоли рентгендан ўтаётгандай, бор кам-кўсти кўриниб, томоша бўлишини эса у хаёлига ҳам келтирмаганди.

Эҳтимол, қудалар ўртасидаги совуқчилик ҳам шундан бошлангандир? Азизнинг ҳали-ҳанузгача қайнотасиникига боришга кўнгли чопмаслиги, борганда ҳам «найғамбарлар сийлаган» куёвдек очилиб-ёзилиб ўтир-

маслигининг сабаби ҳам балки шундандир? У тумшайганча фақат биров савол берсагина жавоб қайтариб, иложини топса тезроқ чиқиб кетишни мўлжаллайди доим. Буни Салтанат ҳам, ота-онаси ҳам яхши билишади. «Мундай одамга қовушмайдиам! Қўлидан-ку, бир чақалик иш келмайди, қовоқ-димоғи оламни бузади!..» Салтанат баъзан ойисининг Азизга чимирилиб қарашларидан мана шу маънони уқарди. Ҳатто бир марта Салтанат эридан ёзғирганда, унга ойиси ҳам қўшилиб: «Болам, эскилар айтган, бўлар одам ўн ёшида бош бўлар, бўлмас одам қирқида ҳам ёш бўлар», деб қизининг изтиробини баттар алангалатган эди.

...Азиз ҳовлига кириши билан қайниси яна унга пешвоз чиқди. Аммо бу гал эрталабгидек «қани, уйга», деб қистамади. Катта хона чароғон: Мирвосилнинг ёрдўстлари йиғилишган, нур ёғилиб турган очиқ деразадан ора-сира кулги, ҳазиллар эшитилар, гоҳо уч-тўрт киши бараварига шовқин солиб гапириб қоларди. Азизни кўриб ошхонадан Салтанат ҳам чиқди. Негадир у ташвишли, боқишлари хавотирли эди. Мирвосил опаси билан поччасини холи қолдириб, йигитлар ўтирган уйга кириб кетди. Хиёл ўтмай ёзда ҳам брезент этик кийган, бармоқларидаги қорамойни тузукроқ артиб улгурмаган Азизнинг холаваччаси Шухратжонни бошлаб чиқди. Азиз ҳайрон бўлди, бирдан юраги уриб кетди. Шухратжон Азиз билан кўришаётган пайтда, Салтанат:

— Ойимларнинг мазалари йўқ эмиш, — деди бўшашиб.

— Нима бўлди? — деди Азиз кўзлари олайиб.

— Эрталаб соппа-соғ эдилар. Прицепда бир яшик помидор ташлаб кетган эдим. Ҳозир оғир ётибдилар.

Азиз беихтиёр ташқарига қараб юрди. Орқасидан қайнотаси, қайнонаси, қайниси ҳам эргашиб бориб, кўчага чиқишди. Девор остида қатор тизилган бириккита енгил машиналар ичида Шухратжоннинг яшил «Жигули»си ҳам турганини ҳозир кираётганида Азиз сезмаган экан, Шухратжон машинани юргиза бошлади. Шу пайт қайнотаси Азизни секин четга тортиб, қўлига пул тутқазди. Азиз ҳайрон бўлганча:

— Нега? — деди қайнотасига қараб. Қайнотаси «чўнтагингизга ташлаб қўяверинг, ишлатилмаса, қайтиб келар», деди шунча йиллардан бери биринчи марта куёвининг елкасига қўлини қўйиб. Азиз қайнотасининг бу самимий муомаласидан юраги орқага тортиб, баттар хавотири ошди. Машинага Салтанат ҳам ўтирди. Азиз унга: «Сен нега кетяпсан, болага ким қарайди?» деган маънода тикилди. Салтанат буни тушуниб, эрига меҳрибонлик билан термилди-да, қўлини маҳкам қисиб ушлади. Азиз индамади. Шухратжон «қуда бува», «қуда хола»лар билан хайрлашиб, машинани аста жилдирди. Анча гира-шира бўлиб қолган. Шухратжон шаҳарга ҳадеганда тушавермагани учун троллейбус, автобусларни ҳам қувиб ўтишга юраги ботинмай тошбақа юриш қилиб имиллаб борарди.

Азиз шум хабарни эшитган пайтида боя бирдан йўлга отланган бўлса, энди анча ўзини босиб олгандан кейин эса негадир шошмасди. Иложи бўлса, уйга кечроқ кириб боришни истарди. Юрагини ўтли алам қийнар, негадир ҳадеб ўзини гуноҳкор ҳисоблар, нега ва кимнинг олдида гуноҳкорлигини ўзи билмас, бутун эл-юрт, отаси, онаси, қайноталари — ҳамманинг олдида айбдор ҳисоблар, изтиробда эзилиб, чурқ этмай борарди. Салтанат ҳам жимир-жимир ёнаётган сон-саноксиз чироқларга тикилганча, оғир ўйга чўмган эди. Шаҳардан чиқиб, қишлоқ йўлига тушишгандагина Шухратжон жимликни бузди:

— Тавба, шу бугун эрталаб соппа-соғ эдилар. Ҳовли супуриб, «индинга бозор, чап кўзим учяпти — суюнаман, Азиз акаларинг чиқиб қолиши мумкин, кўрмаганимга ҳам икки ойдан ошди», дедилар. Мен аҳамият бермадим, бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиқиб кетди. Яшиқни дарвоза тагига қўйдим-да, бир пиёла чой ичиб, далага жўнадим. Тушга яқин ойим шийпонга елвиллаб келиб, «холанг касал бўп қолди, югур, Азиз акангга югур, олиб чиқ», дедилар.

— Аниқроқ айтгин, нима гап ўзи? — деди Азиз ниҳоят:

— Ётибдилар, — деди Шухратжон худди «иш тамом» дегандай оҳанг билан. Салтанат ўтирган жойида сурилиб, баттар Азизга ёпишиб олди. — Ётибдилар, тилдан қолганлар...

Азиз кўкрагини кериб оғир «уф»лади. Кейин то қишлоққача биронтаси ҳам финг дейишмади.

Азиз дарвозадан кириб борганда иккала синглиси, холаси, тоғаси ва бир-иккита кўшни аёллар ҳам ҳовлида экан. Ойиси рўпарадаги катта уйда шекилли, дераза орқали оқ халатли шарпаларни кўрди-да, ўша томонга қараб юрди. Кирса, онаси уй тўрига қалин солинган ўринда, кўзларини очганча шифтга қараб ётибди. Устидан оқ чойшаб. Қўллари икки ёнида, жонсиздай чойшабга ботиб турибди. Бошини қандай қўйишган бўлса, шундай, одам кирган-чиққанда ҳам қимирламайди.

Азиз табиатан одамовилиги учун мундай югуриб бориб, онасининг ёнига тиз чўкиб, аҳволини ҳам сўрамади. Тепасида серрайганча туриб қолди-ю, лаблари титраб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Орқасидан сирғалиб ўтган Салтанат эса, кўзларини очганча тилсиз ётган қайнонасига бош ирғаб салом берди, кейин секин бориб пешонасига қўлини қўйди. «Тузукмисиз, ойи?» деб сўради. Қайнонаси кўзлари хиёл кенгайиб, нимадир демоқчи бўлди, аммо гап ўрнига хунук бир йўтал тутди-ю, ўқчиди; қизи югуриб келиб пиёла тутди, она сафро аралаш қон ташлади. Азиз тоқат қилолмади, ташқарига отилди. Ҳожатхона томонга ўтиб, дарахт панасида товуш чиқармай юм-юм йиғлади. Гўё дунё кўз ўнгида чархпалак айланаётгандай чайқалиб-чайқалиб кетмоқда эди. «Нима қилиб юрибман ўзи одам бўлиб?! Бир марта ширин гапирмабман-а, онамга! Бирон марта ҳам! Ана, энди, топ онани, топ, топ! Топиб бўпсан! Топиб бўпсан... Юрагингда музлаб ётган, ҳозир кўзингдан тирқираб ёш чиқаётган ўша пинҳона туйғуларингни энди ўзинг билан бирга лаҳадга олиб кетасан!.. Ё кўнглингда онангга нисбатан меҳр-муҳаббатинг йўқмиди?.. Йўқмиди? Унда нега йиғлаяпсан?! Нега?! Меҳр-оқибатга вақтим йўқ эди, дегин-а?.. Вақтинг йўқ эди...»

Ойиси ётган хонада одамлар уймаланишар, Азиз эса боришга, онасини кўришга юраги безилларди. Сал вақт ўтгач, қишлоқ касалхонасидан чақирилган врач билан ҳамшира аёл қутичаларини кўтарганча чиқиб кетишди-ю, қоронғи ҳовлини бир зумгина жимлик эгаллади. Кейин ҳамма ҳовлига тушиб, кимдир, тоғаси шекилли, синглисидан:

— Азиз қани? — дея шивирлаб сўради. Қоронғида Азиз томонга тусмоллаб келди ва қўлини жиянининг елкасига қўйган ҳолича:

— Бунга тақдир дейдилар, ука, — негадир у «жиян» демай «ука», деди. — Ердамисан, кўкдамисан, бари бир

этагингдан тутади. Умринг ўтаверади, ҳаммасига чидайсан... Фақат қаро ерга кирибгина одам тинчийди... Йиғлаб-йиғлаб, оҳ-воҳ уриб нима ҳам қилардинг... Чида... Онанг бечоранинг ҳам паймонаси тўлганга ўхшайди...

Тоғаси шундай деди-ю, ўзининг ҳам кўнгли бўшашиб, тезда бурилиб, айвон тарафга нарилаб кетди. Азиз вужуди бамисоли палаж бўлгандай, бирдан ўзини мадорсиз сизди. Энди нима қилади? Йиғлагани билан нима фойда, тоғаси тўғри айтди! Ҳар қалай, у оиладаги эркак одам, бош бола. Дадасидан-ку, умид йўқ, бечора ўзи икки букилиб ҳассасига таяниб қолган... Ҳар қанча оғир бўлганда ҳам энди Азиз ўзини қўлга олиши керак. Қўлга олиши керак! Ўлимда хизмат қилиш, тобут кўтариб, гўрига тупроқ тортиш фарзанд учун қарз-ку, ахир! Фарзанд доғини кўрмай, ўз фарзандлари қўлида жон беришни бурунгилар худонинг муруввати, деб тушунганлар-ку!.. Йўқ, йўқ! Ҳой, нодон! Ҳой, аблаҳ! Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишгур! Нималарни тилак қилипсан ўзинг? Нималарни ўйлаяпсан?! Ҳали ўлмасдан туриб гўрга тикияпсанми муштипар онангни? Ҳали ўлмасдан-а?! Эҳтимол... дард бошқа, ажал бошқа... тузалиб кетар... Йўқ, йўқ, хаёлингдан қув бундай муртад ўйни! Қув! Қув! Биттагина онанг-а! Биттагина! Биттагина!.. Ана энди тамом, она деган зотни фақат тушларингда кўрасан! Фақат хаёлингда кўрасан! Эсингга тушиб, хўрлигинг келиб, кўзингни жиққа ёш қоплаб... У фақат ширин хотирагина бўлиб қолади сенга! Фақат ширин хотирамикан?.. Ҳар замон, ҳар замонда шу хогираларни эслаб, овуниб, аста-секин фарзандларинг улгайиб... қарабсанки, ўзинг ҳам қарибсан! Қарибсан! Ўрта-кеч шу болаларингни деб, қўлингдан келган ҳамма ҳимматингни шуларга атаб... билинтирмайгина умрингни яшаб қўйибсан!.. Наҳотки, одам ҳаёти шунчалар қисқа бўлса! Наҳотки, чақмоқ чаққанчалик вақтда, худди хас учгандек осонлик билан йўқлик қаърига сингиб кетса!.. Эскидан нақл бор: ёруғ дунё инсонга икки мартагина мурувват қилармиш... Биринчиси, сўғилганда чопон, иккинчиси — ўлганда кафан бераркан! Қолган нима яхшилигу нима ёмонлик — барини инсоннинг ўзи қиларкан... Шу ёруғ дунёга келиб, хўш, сен нима каромат кўрсатдинг?! Хў, қариган чоғингда, ниждонинг олдида бемалол туриб, кўкрагингни кериб: «Умримдан розиман!.. Мана бу ишларни қилдим! Фа-

лончи йиқилганда суюдим, писмадончига далда бўлдим» дейдиган нима эзгуликка бош қўшдинг, ахир?.. Жуда бўлмаса туққан онангга нима қилдинг?..»

Азизнинг миясини ҳозир мана шундай пайдар-пай, бир-бири билан мантиқан унча боғланмаган фикрлар қамраб олган эди... Охири холаси билан тоғаси, қўшни кампирлар ҳам «худо хоҳласа, ажали етмаса — ҳеч нарса эмас, одамнинг жони тошдан қаттиқ, болам», деган юпатишлар билан уй-уйларига чиқиб кетишди. Шундагина Азиз оҳиста онаси ётган хонага кирди. Салтанат тўрдаги дастурхонни йиғиштирар, синглиси ҳамон онасининг ёнида ўтирар, бемор хийла тинчиб, ухляпти шекилли, бир текис нафас оларди. Кўзлари юмилган, лабларининг ости кўкаринқираб шишган, қовоқлари худди чақалоқнинг муштчасидек-муштчасидек кўтарилиб, ранги сап-сарик, туртиб чиққан ёноқлари устида қон томирчалари бўртиб кўринарди. Азиз онасига тикилиб турган эди, назарида худди у энди нафас олмаётгандек туюлди. Юрагини ваҳм босиб, энди устига энгашмоқчи бўлаётганда, онаси бирдан ўқчиб йўталди ва бу гал аввалгига ўхшаб қусмади. Бир-икки қийналиб нафас олди-ю, яна мизғиди...

Шунда синглиси қизарган кўзларини Салтанатга тикиб, орқасига тушиб кетаётган рўмолини тўғриларкан:

— Кеннойи, ётинглар энди, мен шу ердаман-ку. Ҳаммамиз турганимиз билан қўлимиздан нима келади, ётинглар, дам олинглар, — деди.

Азизга синглисининг «дам олинглар» деган сўзи, «ётинглар, ҳали олдинда иш кўп, ҳали ҳаммамизга ҳам етиб ортади... ҳозирча дам олиб туринглар», дегандай эшитилди. Азизнинг ичи баттар шиғиллаб кетди... Синглисига, орадан анча йиллар ўтиб, мана, биринчи марта ҳайрон бўлиб тикилди. Болалигида ҳаммавақт арзимаган нарсадан жиқиллашиб, салга йиғлайдиган ва дадасидан, ойисидан неча марталаб Азизга дашном «со-тиб» олиб берадиган мана шу синглиси Сабоҳат ҳам қанчалар улғайиб, ўзгарибди. Унинг ёшлиги қолмаган, кўпни кўрган, мотам-азаларни ипидан-игнасигача билладиган аёллардек атрофда содир бўлаётган ишларга қандайдир кексаларга хос хотиржамлик билан қараяпти... Ўйлаб қараса, Азиз шу туғишган синглисини ҳам, куёви, холаваччаси Шухратжонни ҳам яхши билмас экан. Ахир борди-келди қилмаса, неча марталаб тўймаъракаларга айтганларида бормаса... худди бегонадан

баттар!.. Мана энди билса, қариндош-уруғ, жигарнинг йўриғи бошқа экан. Бошингга иш тушса, ўша жигаринг қайишаркан. Тўй-томоша, хурсандчилик кунларда баъзан жигарингни унутиб ҳам қўясан, чор атрофдан дўст ҳам топилаверади... Аммо бошингга кулфат тушса-чи, жигар — жигар. Биринчи бўлиб югуриб келадиган, биринчи бўлиб дардингни бўлишиб оладиган, ёлғизлигингни билдирмайдиган ҳам шу туғишганинг, жигаринг экан!

Азиз синглисига гуноҳкорона термилганча, шу нарсаларни алам билан ўйлар эди...

Эртаси кун онасининг аҳволи анча яхшиланди. Кўзини очиб, қимирламай ётса ҳам гоҳо-гоҳо бир нарсаларни шивирлаётгандай лаблари қимтиниб-қимтиниб қўярди. Шундай пайтда ойисининг тепасида жилмай ўтирган Сабоҳат қулоғини унинг лабларига тутиб, секин-секин суриштириб, нима деяётганини билишга уринарди. Азиз хонага кириб борганда бирдан онасининг касалманд чеҳраси ёришиб кетгандай бўлди... Ойисининг қон босим касали борлигини Азиз анчадан бери биларди. Бурноғи йили қишда ҳам сигирга терт гайёрлайман, деб тўсатдан ҳушини йўқотиб, оғилга ағларилиб тушган, хайрият, уйда Сабоҳат бор пайти экан, ҳай-ҳайлашиб, кўни-қўшнилари чақириб дарров уйга ётқизишган, доктор чақириб, вақтида қаратиб, нақ ажал ёқасидан қайтариб олишган эди. Ўшандаям Азиз шоша-пиша етиб келганда, онаси дармонсиз, аммо хониржам бир қиёфада ёстиққа ёнбошлаб ётар, эшикдан Азиз кириши билан кўзига ёш қуйилиб:

— Болам, сал бўлмаса мендан ажралувдинг, — деб қайта-қайта ўғлининг елкасини силаган эди. Азиз шуларни худди ҳозиргидай аниқ эслайди. Ўшанда онаси шиддан қолмагани-ю, лекин бирдан ўнг оёғи билан ўнг қўли, ҳатто юзи, тилининг ўнг томонлари қаттиқ увушгандай ҳеч нарсани сезмай... хайриятки, вақтида қилинган дори-дармондан аста-секин яна ўз ҳолига келган эди... Мана, бутун ҳам Азиз онасининг хийла тетик юзига диққат билан тикилди-да, бирдан руҳи кўтарилиб кетди, бўғзига бир нарса тиқилиб, томоғида тўхтагандай, оғир ютинди. Шу пайтда унинг юраги, бутун вужуди, ўй-хаёллари ҳам чинакам фарёд урарди. Онасининг эркакларникига ўхшаш дағал, қадок қўллари, сўнги, аммо хиёл дармон кирган юзига жавдираркан: «Оҳ, ҳақиқат бор экан бу оламда! Бор экан! — дея

ўйларди. — Онам боёқиш тузалади! Тузалади... Ҳақиқат бор экан! У ўлмаслиги керак! Ўлмаслиги керак! Шунча яшаб нима кўрди ахир?! Кимдан рўшнолик кўрди? Бутун умид қилгани — «олим» ўғли мен бўлсам — мен нима яхшилик қилдим унга?! Нима мурувват кўрсатдим?! Йўқ, у ўлмаслиги керак! У кўриши керак! Тузалсин... тузалсин... Шаҳарларга олиб тушиб, зерикканча айлантириб... Оёқда маҳкам туриб олганимни кўриб, қувонсин, бечора...»

Шу пайт онаси яна хунук йўтала бошлади. Азизнинг эсига бирдан кексаларнинг ёқимсиз бир ҳикмати келиб урилди. Улар оғир ётган бемор тўсатдан тузалганга ўхшаса, суюниш ўрнига сарак-сарак бош қимирлатиб; «Ёришиб ёққан ҳаводан қўрқ», дея шивир-шивир гап қилишади. Наҳотки, менинг онам билан ҳам шундай бўлса?! Наҳотки?!.

Синглиси унга «сизни сўраяптилар», дегандай имо қилди. Азиз онаси қаршисида тиз чўкиб, қулогини лабига олиб борди-ю, тўсатдан унинг тенгсиз бир меҳрини туйиб, худди гўдаклик вақтидагидек унга эркалангиси, фақат туққан оналагина бўладиган ёқимли ис оғушида яйраб, норасида боладек кўксига тикилгиси келди. Шунда у ўзининг талай ёшга бориб қолганига қарамай мана шу дармонсиз ётган аёлнинг жигаргўшаси, шу аёл туфайлигина ёруғ дунёни кўришга муяссар бўлган тобе бир жонзотлигини ҳис этдими, ичидаги туйғулари бирдан кўксини қисиб, яна кўзларига тирқираб ёш чиқди. Ўзини босолмай, силкиниб-силкиниб, пиқиллаб йиғлади. Она билан суюкли ўғил ўртасидагина бўладиган, тил билан тасвираб бўлмайдиган бу муқаддас яқинлик сиртдан қараган одамни ларзага солар эди. Ҳар нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бир-бирига нимаси биландир ўхшагани сингари, она билан бола ҳам ҳозир худди ўз ибтидосидаги каби ягона вужудга айланган, шу вазиятда уларнинг қай бири — онами ёки ўғил қаттиқ азоб чекаётганини ажратиш қийин эди. Она жисмоний, ўғил эса руҳий азоб исқанжасида эди. Уларнинг қай бири оғир — буни айтиш мушкул...

Бир пайт ойиси Азизнинг қулоғи остида нимадир деб шивирлагандай бўлди. У сергакланиб қулоқ солди. Онаси худди темир дарвоза орқасидан гапиргандай, «Беҳзод қани?» — деди куч билан. Азиз сесканиб, кўзлари чақнаб кетди. «Ўзи нима аҳволда-ю, невараси-

ни сўрайди! Бутун умри шу!... «Менгамас, унга бўлсин» — бечоранинг билган амали шу! Ажал ёқасида ётибди, шунда ҳам кўнглимни тинчитмоқчи, йиғлаганимни кўриб мени юпатмоқчи... Ҳа, онаизор-а! Ёки охирги марта бир кўрай деганими бу? Йўқ, йўқ, онаизорим ҳали ўлмаслиги керак! Ўлмаслиги керак! Ахир, мен унга ҳеч яхшилиқ қилолганим йўқ! Ҳаммасини кейинга суриб келяпман. Йўқ, энди унча-мунчага қурбим етади. Етади! Шу пайтгача чўздим, энди чўзмайман! Бунақа бир кун, бир дақиқанинг ўзида худди тушдек кетиб қолишини билганимда... эҳ билганимда... хонумоним кўйса ҳам шу онамни хурсанд қилмасмидим, шу онамни кафтимда кўтариб юрмасмидим! Қаёқдан билай ахир, одамзод умрининг бунчалик бевафолигини!»

Азиз кўксидан отилиб чиқаётган бу ўтли ситам қийноғида баттар изтиробга тушди: онасининг юзига юзини қўйганча қимир этмай тураверди. Шунда у бирдан сира қайтарилмас мудҳиш воқеа юз берганини, ҳозир умрида онасига сўнгги марта суйкалиб эркалик қилаётганини, волидаю мукаррамаси энди то ўлгунча фақат армонли хотирот бўлиб қолажагини бутун вужуди билан даҳшатга тушиб ҳис этди-ю, юрагида қандайдир умидсиз, лоқайд бир хотиржамлик уйғонди. Онасининг юраги худди куйиб адо бўлган, аммо шунда ҳам ёнишга интилиб, липиллаб турган ожиз шамдек урарди. Нафаси ҳам бамисоли кўкрагида ғадир-будир нарсага урилиб, зўрға сирғалиб ўтаётгандай хириллаб чиқар, бу — ҳаёт қувватининг сўниб бораётганидан дарак эди.

12

Азиз ҳовли тўрига, ишкомнинг нарёғига қачонлардир қўйилган эски темир каравотда чалқанча ётганча, живир-живир милтираётган ёрқин юлдузларга қараб, шунча ухлайман деса ҳам сира кўз юмолмасди. Кўз юмса, чаккалари тиришиб, қовоғига қаттиқ бир нарса боғаётгандай, киприклари қадалиб, кўз милклари ачишиб, гашини келтирарди.

Бугун ойисининг маъракаси ҳам ўтди. Эртадан-кечгина одам аримади, кўнгил сўрагани келганларнинг кети узилмади. Шаҳардан қайнотаси, қайнонаси, Мирвосил ва Азиз танимайдиган анчагина бошқа қариндошлар ҳам чиқишди. Азиз узоқдан қайнотасини кўрганда, тунов куни қўярда-қўймай пул бериб юборга-

ни эсига тушди-ю, ичида ундан миннатдор бўлди... Тушга яқин Йўлдошнинг машинасида Муҳиддин Жабборович билан Шорасуллар ҳам чиқиб, бир оз ўтириб, ҳол-аҳвол сўраб кетишди. Ҳаммани кутса ҳам Азиз Муҳиддин Жабборовични кутмаганди. Онаси вафот этган куниёқ институт ходимлари бир автобус бўлиб келиб, дафнда иштирок этишган, узун тўн кийиб белини боғлаганча шумшайиб турган Азизни партком секретари Бобоқулов бир четга тортиб, шахсан Расул Оллоёровичнинг таъзиясини билдирган, маҳаллий комитет раиси эса унга секингина конвертга солинган бир озгина ёрдам пули берган... шунда Азиз коллектив, кўпчиликнинг кучига яна бир бор қойил қолган эди. Аммо бари бир онасининг таъзиясига кимсан — Муҳиддин Жабборовичнинг чиқишини асло ўйламаганди. Азиз йўлакда келган-кетганларга таомилга кўра қўл қовуштириб турарди. «Ҳассакаш»лардан бири ташқарида машина тўхтаганини эшитиб, дарвозадан бош чиқариб қаради-ю, Азизга юзланиб:

— Катталардан шекилли, қаранг, — деди.

Азиз остонадан ўтди ва ўн қадамча нарида тўхтаган «Волга»дан Муҳиддин Жабборович билан Шорасул тушиб келаётганини кўриб, шошиб қолди. Азадорлигини ҳам унутиб, шахдам юриб домлага пешвоз чиқди, у билан қўл олишиб кўришди. Муҳиддин Жабборович эса бундай маъракаларни кўп билгани учун Азизга юз очмади, шунчаки қўлининг учини бериб, терлаб кетган бўйнини оппоқ дастрўмолига арта-арта, Шорасул билан Йўлдошни эргаштирганча индамай ичкарига кириб кетди. Ҳамма қатори, нариги уйдан эшитилаётган қироатнинг тугашини кутди ва қўлини юзига енгилгина силкиб, у ҳам фотиҳа ўқиган бўлди. Чой-нон, ошдан кейин қўлини яна юзига тортиб ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб, Азизнинг ёнига келди; уни бирдан кучоқлаб олди ва қулоғига:

— Бандалик, ука, бандалик! Ваҳоланки, ҳаммамизнинг ҳолимиз шу... — деди. Азиз бундай бўлишини асло кутмагани учунми ёки онасининг тирик қиёфаси тўсатдан яна кўз ўнгида ялт этиб кетдими, ишқилиб, бирдан хўрлиги келиб, бошини Муҳиддин Жабборовичнинг елкасига ташлади-ю, пиқиллаб йиғлаб юборди. Унга сари Муҳиддин Жабборович Азизнинг елкасини силаб, уни юпатди:

— Ўзингизни босинг, Азизжон. Ваҳоланки, ўлим

ҳам асли туғилишдай бир гап. Аммо, афсуски, жуда ёш кетибдилар марҳума онангиз, Айни роҳатни кўраман, деганда оламдан ўтибдилар. Йиғлаган билан чора йўқ энди. Ҳали кўп эслайсиз онангизни. Ваҳоланки, кўп эслайсиз. Дарахтнинг бўйи-басти, ука, йиқилганда билинади... Маҳкам бўлинг, қолганлар омон юришсин...

Муҳиддин Жабборович бир четда одоб сақлаб туришган Шорасул билан Йўлдошга ҳам имо қилди: улар ҳам келиб, Азиз билан қучоқлашиб, кўнгил сўрашди. Салдан кейин самимий хайрлашиб, кўчага отланишди. Азиз уларнинг изидан чиқиб, то машинагача кузатиб борди. Муҳиддин Жабборович олдинги ўриндиққа ўтираркан, Азизга насиҳат қилди:

— Азизжон, сиз азадор одамсиз. Келган-кетганни бунақа кузатиб юрманг, кўзга хунук кўринаркан... Ишдан бўлса, ғам чекманг, мен ўзим Расул Оллоёровичга айтиб қўяман... Ҳа, ростдан, сал бўлмаса, ёдимдан чиқай депти-я, сизга алоҳида гапим бор эди... — Муҳиддин Жабборович шундай деб, чаққонлик билан машинадан тушди, Азизни қўлтиқлаганча қўшни дарвоза томон етаклади. — Азизжон, бир ерда сизни сўраб қолишди, — деди негадир овозини пасайтириб. — Ишларингизни-да. Мен қобилиятли, ҳалол, илмли йигит, дедим. Ишқилиб, уялиб қолмасак бўлгани... Ўзингизни ҳам бирга олиб бормоқчи эдик. Минг афсуски, ўртада манови ишлар юз бериб... буёққа кетган экансиз. Тажрибаларингиздан натижа чиқай дедими?.. Ҳа, тушунарли, тушунарли! Ваҳоланки, ҳозир юрагингизга бу гап сиғармиди? Бўпти унда! Сиз бу ердаги расм-русумларни бемалол, шошмай, а? Институтда гаплашамиз. Бундан Расул Оллоёрович ҳам хабардорлар. Хўп, соғ бўлинг...

Азиз домлани яна машинагача кузатиб борди. Орқа ўриндиқда ўтирган Шорасулнинг қовоғи солиқ, хаёл олиб қочганидан домлага эшик очишни ҳам унутган, Муҳиддин Жабборович ўзи ўтиргандан кейингина «э, э, кечирасиз, домла», деб гудраниб қўйди. Йўлдош ҳам Азиз билан бош ирғаб хайрлашди-да, машинасини биллатиб ҳайдаб кетди...

Юлдузли қорамтир осмонга тикилганча ётаркан, Азиз ҳозир ўзига-ўзи: «Муҳиддин Жабборович айтмоқчи бўлган муҳим гап нима экан?» деган саволни берарди. Очиги, у Муҳиддин Жабборовичнинг сирли шамасини тинглаб туриб, нима гаплигини дангал сўрай

деди-ю, лекин азадорлиги ёдига тушиб, индамади... Кейин кеча яқиндагина хаёлига тўсатдан, «Домланинг муомаласи ўзгариб қолдими?» деган тусмол фикр келганини эслади-да, яна ажабланди. Назарида, чиндан ҳам сўнгги пайтларда Муҳиддин Жабборович унга бошқача муносабат қилаётгандек. Аввалига, «менга шундай туюлаётгандир», деган фикрга ҳам борди. Илгарилари Азиз журналистларнинг қистови билан газета-журналларга унда-мунда мақола ёзиб берган вақтида Муҳиддин Жабборович материалнинг ҳаммаёғига қизил қалам уриб, таниб бўлмас даражага келтириб, йиғилишдами, илмий советдами ёки партия мажлисидами, Азизнинг бурнини ерга ишқаб, обдан қийнади. Партия газетасида чиққан тунов кунги катта суҳбатига эса шу пайтгача ҳам бирон нарса демади. Домланинг холис йўл тутиб, бирдан «аралашмаслик сиёсати»га ўтиб олгани аввалига Азизга галати туюлди, кейин эса буни Муҳиддин Жабборовичнинг ўз «принциплари»дан бир қадам орқага чекиниши, деб қабул қилди. Нима бўлса ҳам боя келганида худди муҳим сирдек илмоқли қилиб айтган гапи тўғридан-тўғри ўзининг илмий ишлари ва тажрибаларига тааллуқли эканини бутун вужуди билан ҳис этди-ю, юраги орзиқди...

У кейинги кунлардаги югур-югурлар, ҳар хил ташвишлар, руҳий азобларни бир зумга унутгандай бўлди, онасининг ўлимини ҳам гўё эсидан чиқарди. Бутун фикрини яна неча йиллардан бери уни фақат таъна-маломатларга қолдириб келаётган ўша «қалтис» тажрибаси эгаллади. Демак, Азизнинг изланишларига ҳам кимнингдир, энг муҳими — мавқели бир шахснинг назари тушибди... Модомики, Муҳиддин Жабборович билан Расул Оллоёровичники ҳаракатга келтирган экан, айниқса, манови қайсар домлани ўз қарашларидан сал бўлса ҳам орқага чекинишга мажбур қилган экан, демак, бу мавқели назарлиги турган гап!..

Бундан Азиз бир қувонса, бир сидра юрагини баттар шубҳа босди. Бирдан, «Ўйлаганим чиқмаса-я», деган эски хавотири яна миясига чарс этиб урилди-ю, ваҳимага тушди. Шунда у масъул кишилар зиммасидаги жавобгарлик юкининг нақадар оғирлигини ҳам биринчи бор чуқур ҳис этди; шунда у илмий баҳсларда кўпинча қизишиб, баъзан эса ўйламай гапириб юборишлари — ҳаёт илмини ҳали пухта билмаслиги ва анчайин ғўрлигидан эканини ҳам тушуниб етди.

Шунда у мана шу Муҳиддин Жабборовичлар ҳам унинг фаразларини қатъиян инкор этганларида, фақат унга адоват юзасидан эмас, балки ўзлари ишонган назария ва қарашларни ҳимоя қилганликлари ва шу йўл билан улар ҳам ҳақиқат учун курашганларини ўйлаб кетди-ю, шунча йилдан бери ўзини дўппослаб келаётган «Ваҳоланки домла»га нисбатан юрагида ҳолис бир меҳр пайдо бўлди. Айниқса, Муҳиддин Жабборович онасининг азасига шаҳардан чиқиб, Азизга ҳамдардлик билдиргани, ширин гапириб, кўнглини кўтаргани уни жуда ўйлантириб қўйди. Хўш, келмаганда-чи? Мана, Расул Оллоёрович чиқмади-ку?! Нафсиламрга, Азиз кутмаган ҳам эди уларни... Аммо шунга қарамай, орадаги қанча гап-сўзларни писанд қилмай, катта бошини кичик тутиб, «ёшдан — хато, кексадан узр» дегандай, лоп этиб ўзи кириб келди эшиқдан. Эҳтимол, ичида у «ёмонга баъзан яхши бўлиб ҳам... тўғри йўлга солиш мумкин» деб ўйлагандир? Ахир, ҳамма бир-бирларидан ўч олаверса — унда нима бўлади?! Эҳтимол, баъзан жаҳолатга майинлик малҳамдир?..

Азизни аста-секин уйқу элита бошлади. Лекин ҳамон кўз ўнгида унга тўсатдан кўмакчи чиқиб қолган ўша қудратли назар, сирли, мавқели қўл афсонавий бир қиёфада юз очгандек туюлди-ю, юрагини бирдан шодлик чулғади. Ҳаётда қандайдир кескин бурилиш рўй беришини сезган ҳолда, ғам-аламга ботган, асаблари обдан қақшаб соб бўлган кейинги ҳафта ичида биринчи бор кўксига ҳаётбахш ёлқин сизиб кирди-ю, у ширин хаёллар оғушида кўз юмди. Кейин худди туш кўраётгандек талмовсираб уйғонди. Эти жунжикиб, елкаларини кўрпага ўраб олди. Уйқу пардаси қоплаган нигоҳини тепага, қорамтир осмонга тикиб ётди. Олис-олисларда милтиллаган юлдузлар ҳам гўё Азизнинг кўнглидаги гаплардан хабар топгандек, живир-живир кўз қисшаётганга ўхшайди. Улар ердаги одамларга қараб: «Қизиқ, бу жонзотлар нимакин? Зигирдаккина жонлари бору тиниб-тинчимайди-я! Тавба!» дейишаётгандай. Азиз уларга тикиларкан, уйқу аралаш жилмайиб қўйди, кейинги дақиқада эса кўз илғамас қудратли қўллар кўмагида бўшлиқ қаърига енгилгина учиб кета бошлади... У аста-секин ғафлатга чўмди...

Чиндан ҳам орада нима воқеа юз берди? Муҳиддин Жабборович нега ўзгариб қолди?.. Янги навлар устида тадқиқот олиб борувчи олимларга ҳомийлик ва ҳакамлик қиладиган, ҳар бир илмий натижа устидан ҳукм чиқарадиган, айтгани айтган, дегани деган аллома ҳам гапидан қайтар эканми?! У «киришган»дан кейин бошланмаган ишлар ҳам ўзидан-ўзи битиб кетаверишини ким билмайди, ахир?! Муҳиддин Жабборович «фотиҳа берган» масалага маъмурият ҳам дарров ёпиша қолар, керакли маблағлар ёки куч дейсизми, тезда ажратилар, хуллас, Муҳиддин Жабборович шу илм даргоҳининг падари бузруквори эди. Нега шундай «пайғамбар» одам бирдан орқасига тисарияпти? Ахир, у баъзиларга ўхшаб илмга йўл-йўлакай кириб олган, кейин унга уя қуриб атрофига нуқул ўзи каби саёз кимсаларни тўплаб, ўшаларнинг ҳимоясида айшини суриб, фанга зиғирдек наф бериб ё бермай, фаннинг қонини зулукдек сўриб ётган сохта олимлардан эмас-ку? У пахта селекциячилигида йирик мактаб яратган, доврўғи бутун мамлакатга эмас, чет элларга ҳам ёйилган, Америка ва Миср олимлари билан тез-тез ёзишиб турадиган, вақти келса уларга илмий маслаҳатлар берадиган катта мутахассис-ку? Нега у, шундоқ жимжилоғини нуқса йўқ бўлиб кетадиган мана шу Азизнинг олдида чекиниб ўтирибди?!

Айниқса, бу Шорасулдақаларга қаттиқ алам қилар эди... Боя ҳам Муҳиддин Жабборович атайлаб машинадан тушиб, Азизни бир четга етаклаб, у билан хуфёна гаплашиб турганда, Шорасулнинг шу қадар ичи куйдики, қирғиз қовоқлари учиб, энли қошлари чимирилиб, юраги ёмон бўлишига сал қолди. У Йўлдошга божалиги учун дилида «Муҳиддин Жабборовичга қариндошман» деб гурурланар, ўзини домланинг пинҳоний маслакдоши ҳисоблаб юрарди. У гарчи ҳеч қачон биринчиликни даъво қилмаса-да, аммо Муҳиддин Жабборовичнинг Азизга бугунги муомаласи унга қаттиқ тегиб кетди. «Бир гапи билан чиқай-чиқай деб турган монографиялару эрта-индин синовга тушириладиган янги навларини ҳам асфалософилинга жўнатадиган академик олимга жин урдими, нима бало? Бунақада бир кун бориб кунимиз мана шу латтачайнар Азизларга қолиши ҳеч гапмас! Ана унда кўрасан!.. Йўқ, қандай бўлмасин, домлага таъсир ўтказиш керак... Илм ҳомийсининг сирти кулиб

турса ҳам қамчисидан қон томсин!.. Акс ҳолда, ким кўринганга «сениқиям тўғрига ўхшайди», деб кетаверса, унда нима бўлади?! Арқон бўшашдими — тамом, қўлдан чиқади...» Шорасул домла ҳақида шу тақлид ўйларди-ю, аммо бу фикри ҳам аслида ўзиники эмасди. Тешик кулоқ, орқаворатда ҳар хил гаплар бор — уларни эшитмай илож йўқ эди...

* * *

Чиндан ҳам домлага нима бўлди?

...Айни ўша Азиз ишдан кейин қайнотасиникига бораман, деган куни кечга яқин Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборовични «тез кирсинлар», деб чақиртириб қолди. Муҳиддин Жабборович журнал варақлаб ўтирган эди, директор котибасига кўзойнаги устидан қаради-да: «Тинчликми?» деб сўради. Котиба қиз елкасини учуриб, дик-дик юрганча чиқиб кетди. Муҳиддин Жабборович пешонасини кафтлари орасига олиб ўйлай бошлади. «Хўш, нима билан кирсам экан директор хузурига?» У, кимсан — академик бўлишига қарамай, кўп йиллик тажрибаси туфайли шундай бир хулосага келганки, бошлиқнинг олдига сира бўш кирмаслик керак! Ичингда уни менсимамай, ўзингдан паст кўрсанг ҳам майли, аммо олдига қуруқ кирма! Майда-чуйда, аҳамиятсиз бўлса ҳам бир-иккита масала кўтариб кир... Ҳал қиладими-йўқми, унинг иши, лекин сен «чақирган экансиз», деб қуп-қуруқ кириб бораверма! Масала кўтариб кир! Ўша «масала»нг ўрнига тушса, дашномларга қалқон бўлиши, ловиллаган асабларга сув пуркаб, сени ортиқча дилсиёҳликлардан асраши ҳам мумкин!..

Муҳиддин Жабборович аслида директор олдида ўзини жуда қўйиб юборган бўлса ҳам лекин бари бир хизмат таомилини қаттиқ ушлар, шундай қилганда сих ҳам, кабоб ҳам куймай, одам ўзининг эртанги кунидан бемалол, хавотирсиз яшашини яхши билар, шу боисдан кўринишда арзимаган нарсага ўхшаб, туюлган, аммо раҳбар кайфиятини ўзгартириб юборадиган мана шунананги майда-чуйдалардан сира эринмасди. У ўйлаб-ўйлаб, бир-иккита қоғозларига Азиз билан Маҳамат Турдибоев суҳбати чиққан тунов кунги партия газетасини ҳам қўшди-да, гулдор линолиум ётқизилган қабулхонага кириб борди. Навбат кутиб, зерикканидан девордаги Дарвин, Мичурин, Тимирязев портретларини худ-

ди биринчи бор кўраётгандай томоша қилаётган икки олимга бош ирғаб ўтди-да, кабинет эшигини очди. Расул Оллоёрович телефонда ким биландир гаплашарди. Муҳиддин Жабборовични кўриб ҳурмати учун ўрнидан турди, рўпарасидаги креслони кўрсатди. Кейин трубка-ни жойига қўйиб, Муҳиддин Жабборович билан қўл олишиб кўришди. Кўзойнагини алмаштирди.

— Муҳиддин Жабборович, — деди негадир столи устида ётган қоғозларни титкилаб, — эртага ўнда обкомга боришимиз керак экан. Қишлоқ хўжалик бўлимига.

— Нима гап, тинчликми?

— Аниқ айтишмади-ю... бироқ Азизжоннинг ишлари шекилли.

— Қайси Азизжон? — Муҳиддин Жабборович ҳайрон бўлди.

— Шогирдингиз Азизжон-да, Азиз Қосимов!

— Ҳа-а... — Муҳиддин Жабборович кулди. Кейин қизил қалам билан роса бўяб ташланган газета мақоласини Расул Оллоёровичга узатди: — Мана буни ўқишгандир-да!

— Кўрувдим. Қалай, йигитларимиз чакки эмас-а! — деди Расул Оллоёрович ҳам кулиб. У шу билан институтнинг ишлари бутун республикага ёйилганидан севиняптими ёки Муҳиддин Жабборовичга ўхшаб ёқтирмай гапиряптими — билиш қийин эди. Қизил қалам билан бўяб ташланган газета саҳифасига кўз югуртириб чиқди-да:

— Соғ жойини қолдирмабсиз-ку... — деб жилмайди. — Умуман, ишидан бирон наф чиқадими?

— Мен қаёқдан билай?

— Раҳбари бўлиб сиз билмасангиз, унда кимдан сўраймиз? — Расул Оллоёрович, гапи дашном ўрнида қабул қилинмаслиги учун яна кулимсиради.

— Мен вақтида фикримни айтганман! Ваҳоланки, «бу ишдан ҳеч нарса чиқмайди», деганман. Лекин ҳозир бошқа нарсага қойил қолиб турибман. Ваҳоланки, шу зиғирдай бола ҳаммамизни ногорасига ўйнатяпти, сиз билан менигина эмас, бутун илмий жамоатчиликни, қолаверса, мана! — Муҳиддин Жабборович жаҳл билан газетани кўрсатди, — бутун республикани лақиллатиб ўтирибди, ваҳоланки, мана шунисига қойилман. «Ҳой, ука, аҳмоқлик қилма... бекорга умрингни совуриб сарсон бўлма, илиғ-иссиғида бошқа иш билан шуғул-

лан, ҳали ҳам кечмас... таваккал «назария»ларингни йиғиштириб қўй, ваҳоланки, олимларни, айниқса ёшларни чалғитма», дейдиган битта мард топилмади-я, шу пайтгача! Мана, оқибати! Унинг учун Расул Оллоёрович ҳам бир тийин, Муҳиддин Жабборович ҳам бир тийин! Биз-ку, майли, ваҳоланки, бизни ўзига душман деб билади! Ахир, газетадагилар қаёққа қарашган, ҳайронман?!

Расул Оллоёрович ҳар галгидек Муҳиддин Жабборовичнинг гапини бош лиқиллатиб маъқулламади. Қайтага Муҳиддин Жабборовичнинг куюниб сўзлаганига кулди-да, газетани домлага кўрсата туриб:

— Муҳиддин Жабборович, келинг, очиқчасига гаплашайлик, — деди бирдан жиддий тус олиб. — Шу боланинг ишини қанчадан бери қайтариб келяпмиз. Аммо ишончимиз қатъийми шунга, янглишаётган бўлмайлик тағин? Фан, ўзингиз биласиз, йўналиши ҳам, имкониятлари ҳам кенг...

Муҳиддин Жабборович «менга ақл ўргатмасангиз ҳам ўзим биламан», дегандай бошини четга бурди. Кейин бетоқат бўлиб, хуноби ошиб, қўлларини икки томонга ёйди:

— Ҳатто сизниям йўлдан урибди, Расул Оллоёрович!

— Йўқ, Муҳиддин Жабборович, бу масалада мен бошқача фикрдаман. Минг қилганда ҳам шу бола ўзимизники! Модомики, ўн йилдан бери битта нарсанинг кетидан тушиб... бирон умиди бордирки, қўймапти. Очиғини айтсак... тан олишимиз керак — шу боланинг ишига мундай бир қизиқиб, жон койитмадик. Бу бизнинг айбимиз. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор, Муҳиддин Жабборович. Вилт балоси пахтачиликнинг ҳиқилдоғидан бўғиб турган ҳозирги вазиятда нима бўлса ҳам, албатта, бирон чорасини топиш керак-да, бари бир, бошқача йўл йўқ. Тўғри, Азизнинг иши хусусидаги шубҳаларингиз ўринли. Битта сиз эмас, анчагина йирик олимлар ҳам шу фикрда. Аммо ҳали айтганимдай, масаланинг иккинчи томони бор...

Муҳиддин Жабборович шу гапдан сўнг, бир оз қовоғи очилиб, олдидаги қоғозларидан кўз узмаса ҳам, лекин энди Расул Оллоёровичга диққат билан кулоқ сола бошлади.

— Минг қилганда ҳам бу бола ўзимизники. Манави герой бригадирнинг гапларини қаранг. Бу кўчадаги одам эмас, пахтанинг пири-я, билмаса айтмайди. Ҳозир

икковимизни чақириб сўрашса, Азизнинг янги навини мутлақо билмаймиз...

Муҳиддин Жабборович яна хуноби ошди:

— Тушунсангиз-чи, Оллоёрович! — у жаҳли чиққанда рўпарасидаги одамга фақат отасининг исмини айтиб мурожаат қиларди. — Қандай нав яратибдики, у тирранча, ваҳоланки сиз уни янги дейсиз?! Авваллари неча марталаб айтганман, натижаларингизни кўрсатинг, деб. Худбинлигининг устига тагин димоғдорлигичи! Ваҳоланки, тузукроқ хулоса чиқарганларидан кейин кўрсатармишлар! Бу гапга нима дейсиз энди?! Унга бориб ялинишим қолди фақат! Сиз ҳам айбни бизга ағдарасиз.

Расул Оллоёровичнинг бирдан ранги ўчди. Лекин ўша заҳоти ўзини босди-да, вазмин оҳанг билан:

— Нима десангиз денгу, аммо шу бола ўзимизники, — деди. — Мана, обкомдан қизиқишяпти, республика партия газетаси ҳимоя қилиб чиқди уни. Бунақада бурнимизнинг остидагини илдириб ўтирмайлик. Қараб-сизки, битта чаққон чиқади-да... шунча йил даргоҳимизнинг тузини ичган одамни дарров ўзиники қилади-қўяди. Бу ҳам майли-я! Ўлганнинг устига тепган дегани кейин бўлади: сиз билан биз қолақ, консерватор, догматикка чиқамиз... Тушунапсизми? Мен мана шу жиҳатларини ўйлаяпман. Ҳар қалай, ўзимизнинг бола-ку...

Муҳиддин Жабборович Расул Оллоёровичга истеҳзоли нигоҳ билан тикилиб турди-да, ичида: «Ҳа, қув!» — деб қўйди ва ўзи ҳам кутмаган тарзда директорга қўпол гапириб юборди:

— Сиз фақат ўзингизни, борингки, институтни, мени ўйласангиз, кечирасизу нокамтарлигим учун, ваҳоланки, мен республикани, бутун пахтачилигимизни, давлатимизни ўйлайман! Ўзбек пахтачилигини йўртаклаган одам, ваҳоланки, уни чақалоқдек папалаб ўстирган одам... ҳеч қачон энди уни арзимас бир кимсаларнинг қўлига топшириб қўёлмайман! Гапим шу!

— Қизишманг, Муҳиддин Жабборович, қизишманг. Қизишишингизга ўрин йўқ. Хўш, унда обкомда нима деймиз?

Муҳиддин Жабборович директорнинг охирги гапидан сўнг яна бир оз шаштидан тушди-да, юзини четга буриб «уф-ф»лади. Кейин, «бари бир мени тушунмаяпсиз» дегандек, елкасини қисиб қўйди. Расул Оллоё-

рович бирпас жим кутиб турди, академик миқ этма-
гач:

— Хафа бўлдингизми, Муҳиддин Жабборович? — деди кулимсираб. — Ҳар қалай, обкомга «тузук юриб-сизларми, соғлиқларингиз қалай», дейиш учун чақиришмайди-ку. Биздан фикр сўрашади. Раҳбарларни биласиз, амалиётга суянишади. Қосимовнинг тажрибалари ҳам кўзларига тайёр ошдек кўриняпти шекилли... Бекорга қизишишдан нима фойда? Аксинча, ёшимизга, мавқеимизга яраша иш тутайлик. Керак экан, ўша Сергей Матвеевич олиб берган участкасига бориб, ўзимиз кўриб келайлик тажрибаларини, ҳаммаси равшан бўлади-қўяди. Шунинг учун ҳозирча йўқ нарсадан иш-кал чиқариб ўтирмай, агар обкомда Азизни ёқлашса, ёнини олмайлигу, лекин текшириб кўрамиз, деб муҳлат сўрайлик. Ана шунда тузук бўлар менимча...

— Оллоёрович! Айтиб қўяй сизга, ваҳоланки, бунақанги либераллик билан ўзингизга албатта гап теккizasиз! Фанни — чидаганга чиқарган! Фанда ҳамиша, ҳар доим расмана жанг кетади. Кимдир эътироф қилинади, кимдир инкор этилади! Ваҳоланки, жанг тўхтаган куни фанни кўлмак босади! Ҳар хил қурт-қумурсқалар босади! Эҳ, Оллоёрович! Ҳамманинг кўнглини овлаб бўларканми-а! Овлаб бўлсиз! Овлаёлмайсиз! Фан — тафаккур кураши! Биров енгади, биров енгилади! Фақат ўз фойдамизни, ўз тинчимизни ўйласак... унда нима бўлади?! Либералликни ташланг, дўстим! Кейин... шошманг, фанга маъмуриятчиликни аралаштириш — ваҳоланки, бу нима деган гап?! Мард келдингми, мард кет! Нима қиласан, раҳбар органларнинг соясига беркиниб?

Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборовичнинг жаҳли чиққанини, вазиятни сал бўшаштирмаса, арзимаган нарсадан оралари бузилиб қолиши мумкинлигини сезди-ю, юмшатиброқ гапирди:

— Фикрларингиз тўғри, Муҳиддин Жабборович. Аммо обкомда ҳозирча бояги айтганимдек иш тутайлик. Ҳайронман, наҳотки, шу мақоладан кейин кўзғалиб қолишган бўлса...

Муҳиддин Жабборович қўл силтади:

— Мен ўша хусуматчидан, ростини айтсам, қўрқиб қолдим. Ваҳоланки, бундай паст кимсадан ҳар нарса кутиш мумкин. Балчиққа тош отсанг, шатмоғи ўзинга сачрайди! Анови бригадир, фамилияси ким эди? — У газетага қараб, керакли жойини топди: — Ҳа, Турдибо-

ев! Гапини қаранг, «баъзи сабрсиз одамлар», «янгиликни кўролмай юрган ганимлар» эмиш! Хўш, ўша сабрсиз, ўша янгиликни кўролмайдиган ганим, ваҳоланки, ким сизнингча? Ким?! Кўряпсизми, гап қаёққа қараб кетяпти? Тагин бу на бир илмий даражаси, на бир тайини бор маҳмадонанинг иши. Ҳали кейин кўрасиз? Сиз билан биз либераллик қилавериб, «майли, шовшувсиз ҳал бўла қолсин, чангимиз чиқмасин», деб юравериб, ҳадемай елкамизга миндириб, бошимизга кўндириб оламиз. Э, кулманг, ваҳоланки, менга раҳмат дейсиз ҳали! Худди айтганимдай бўлади, мана кўрасиз...

Икковлари тортиша-тортиша, охири эртага соат ўнга Муҳиддин Жабборович ҳам, Расул Оллоёрович ҳам тўппа-тўғри обкомга бораверадиغان бўлишди. Домла ҳаяжондан боя айтарман, деб кўтариб кирган бир-икки майда ишларини ҳам унутди. Уларни яна қўлтиқлаганча чиқиб кетди. Бўялган газетани эса «тагин бир ўқиб чиқай», деб Расул Оллоёрович олиб қолди...

* * *

Тўрт қаватли ойнаванд оппоқ иморат — обком биноси томонга трамвай йўлини кесиб ўтаётгандаёқ Муҳиддин Жабборович узоқдан Расул Оллоёрович ўзини гулзор орқасидаги зинада кутиб турганини кўрди. Муҳиддин Жабборович одатдагидек яхши кийинган, галстугини атайлаб бўшгина боғлаб, этаги очиқ кўйлак нусха костюмининг кичкина ёқаларини қотириб дазмоллатган, қип-қизил текис юзи тез юрганиданми, сал терлаб, қизариб кетган эди. Расул Оллоёрович эса Муҳиддин Жабборовичнинг келишини пойлаб, кулимсираб турибди. Иккала домла ҳол-аҳвол сўрашиб, лифт билан учинчи қаватга кўтарилишди. Эшикларда ёзилган фамилияларга қараб-қараб, Қўшмоқовнинг кабинетини топишди-да, қабулхона котибасига ўзларини таништириб, юмшоқ курсиларга ўтиришди. Котиба қиз кабинетга кириши билан ичкаридан гўнғир-гўнғир овоз эшитилди ва кейинги дақиқада эшик ланг очилиб, Зокир Қўшмоқовнинг ўзи чиқиб келди. У домлалар билан самимий кўришиб, уларни ичкарига таклиф қилди. Обком қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Зокир Қўшмоқов қотмадан келган, жиккаккина йигит бўлиб, Расул Оллоёровичникига ўхшаш нозик кўзойнак таққан, устида одми костюм, сочини типратикан нусха-

да олдирган, ҳаракатчан одам эди. Уни Расул Оллоёровиچ анча тузук билар, мажлисларда юравериб кўп кўрган, аммо Муҳиддин Жабборовиچ эса деярли танимасди. У фақат Зокир Қўшмоқовнинг Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг мухбир аъзоси эканлигини орқаворатдан эшитгани бор эди...

Зокир Қўшмоқов бундан анча йиллар бурун қишлоқ хўжалик институтида ўқиб юрган вақтдаёқ жамоат ишларида ўзини кўрсатиб, институт комсомол ташкилотининг секретарлигига сайланган, чаққон, ишбилармон студентлардан эди. Шу сабабли олий ўқув юртини битиргач, аспирантурада қолдиришди. Сал ўтмай уни район комсомол комитетининг биринчи секретарлигига сайлашди. Ҳар ишнинг этагидан маҳкам тутадиган, ташкилотчилик қобилияти зўр йигит, шунча югур-югурнинг орасида кандидатликни ҳам ёқлаб олди. Уч йиллардан кейин партия Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимига инструктор бўлиб ишга ўтди. Сўнгра тавсиянома билан Москвага, докторантурага жўнади. Тўрт йил ичида чорва моллардаги паразитизм бўйича докторлик диссертациясини ёқлаб қайтди-да, республика Фанлар академиясида илмий котиблик қилиб юрди. Ўтган йили унинг докторлик иши қатта амалий аҳамиятга эга бўлиб чиққани туфайли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академияси мухбир аъзолигига сайлангач, сал ўтмай, обком бўлимига мудир қилиб тайинланди. Расул Оллоёрович гарчанд Зокир Қўшмоқовни шахсан яхши танимаса ҳам шуларнинг баридан хабардор эди...

— Сизларнинг қимматли вақтларингизни совуришга ҳаққим йўқ, — деди Зокир Қўшмоқов кула туриб, иккала олимга жой кўрсатаркан. — Муҳим масалада чақирдик сизларни. Областимиздаги бир колхозда... ўша колхоз раҳбарларидан, колхозчилардан, қолаверса, айрим пахташунос мутахассислардан бизга тушган маълумотларга қараганда, Азиз Қосимов деган сизларнинг институтингизда ишлайдиган ёш бир олимнинг вилтга қарши ўтказаетган тажрибалари яхши натижа бераётганмиш. Кеча Марказий Комитетдан ҳам қўнғироқ қилиб, қизиқишди. Биз ўша тажрибанинг салмоғини, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий аҳволини билишни истардик. — Зокир Қўшмоқов шундай деб аввал Расул Оллоёровичга, кейин Муҳиддин Жабборовичга тикилди. Расул Оллоёрович «мабодо сиз бошламайсизми»

дегандек Муҳиддин Жабборовичга юзланди. Академик қовоғини уйганча ўтирар, агар у гап очса, кечаги жанжалдан нари ўтмаслигини Расул Оллоёрович сезди-ю, томоғини қириб, Зокир Қўшмоқовга юзланди.

— Зокир Қўшмоқович, ўзимиз ҳам шу масала бўлса керак, деб тахмин қилгандик... — бу асли Муҳиддин Жабборовичга мўлжаллаб айтилган муқаддима эди. Чунки кеча Зокир Қўшмоқов директор билан телефонда шахсан ўзи сўзлашган, нима мақсадда чақиринишаётганини батафсил айтган; Расул Оллоёрович эса элбурутдан Муҳиддин Жабборовичнинг кайфиятини бузмаслик учун кеча обком бўлим мудирини хабарлаган гапларнинг фақат учини чиқариб, қолганини ўзи ўша ёқда эшитсин, деган қарорда тўхтаганди. Зокир Қўшмоқов ҳам буни пайқадди шекилли, мийиғида кулиб, индамади. — Бу анча жиддий масала. Ижозатингиз билан биз яна бирон ҳафта шуғуллансак. Натижасини кейин айтсак.

Обком бўлим мудирини, ҳойнаҳой, гапнинг бу қадар қисқа бўлишини кутмаган шекилли, бир оз шошди ва бир нима дейишга қийналиб турди.

— Тушунарли, — деди охири у столидаги календарни варақлаб, — Яна неча кун керак сизларга? Бир ҳафта стадими?

— Йўқ! — деди шу пайтгача миқ этмай ўтирган Муҳиддин Жабборович. — Етмайди. Чунки бу жуда ҳам чалқаш масала. Таги бўш. Бўшгина эмас, пуч!

Расул Оллоёрович домлага ўпкалагансимон кўз тащлаб қўйди, у бундай пайтларда гапни чўзинини ёмон кўрарди. Бўлим мудирини қараб:

— Зокир Қўшмоқович, биласизми... — деди қўлидаги кўзойнагини ўйнаб, — домланинг гапида жон бор. Қосимовнинг тажрибаси ҳали таваккал иш... Ҳеч ким бу услубда ишламаган...

— Мантиқ йўқ! — деди Муҳиддин Жабборович энди бир оз ҳаяжонга тушиб. — Мукамал навни мукамал навга чагиштириш — бу аксиома ҳам эмас, қонун, қонуният, ахир! Халқимиз асрлар давомида пардоздан ўтказиб, пуштини тозалаб келган маданий навга ёввойи гўзанинг қонини қўшармиш. Ёввойи нав ҳеч қачон селекциячиликда донорлик ролини ўтамаган. Мана шу тўққиз пуллик нарсани ҳам тушунишни истамайди, ваҳоланки, ўша Қосимов! Бу мантиқсизликдан бошқа нарсамас!

— Кечирасиз, домла, мен ҳам мутахассисман, — деди обком бўлим мудирини Муҳиддин Жабборовичга самимий боқиб. — Сиз билан бир оз тортишмоқчиман бу масалада. Гапингиз тўғри, ҳар ишда мантиқ бўлиши зарур. Агар қидирилса, чиқади ўша мантиқ. Чатоқ жойи шуки, кўпинча мантиқни тополмай, шошма-шошарлик билан «мантиқсизлик», дея эълон қиламиз.

— Нима десангиз денг-у, ихтиёр сизда, аммо бу ишдан натижа чиқмайди. Ёввойи навнинг пуштсизлик касали, ваҳоланки, охири бориб ўз кучини кўрсатади. — Муҳиддин Жабборович асабий қиёфада юзини четга бурди.

Зокир Қўшмоқов яна баҳсга аралашди:

— Мен ҳам ўша йигитнинг ишларидан бир оз хабардорман; икки марта тажриба участкасида бўлдим. Лекин мен чорвадорман. Менга айтиш сизларнинг эътиборли фикрларингиз керак. Эҳтимол, мен нозик жиҳатларини билмасман. Лекин натижаларига қаралса, вилтга чидамли, тезпишар, толаси яхши. Айтиш бизга ҳозир мана шундай нав керак!.. Ҳа, айтгандай, мантиқ масаласи. Юзаки ёндошилса, кўп нарсаларнинг мантиқ ва маъноси йўққа ўхшайди. Фламарионнинг фикрини эсланг: «Тириклик — табиатнинг доимий шиори. Табиат ўзининг барча хилват бурчакларига ҳаёт ато қилганидан гўё қониқмагандек, уларни тирик жонзотлар билан тўлдирга бошлади, ўзи яратган жонзотларни бир-бирига қалаштириб, тирикликни тириклик ҳисобига яшашга мажбур этди, яъни паразитизмни вужудга келтирди». Чиндан ҳам табиат ўзига-ўзи мантиқсизлик қиляпти. Лекин бунинг тагида ҳам катта мантиқ бор. Бундан табиатда мувозанат масаласи келиб чиқади. Бироқ онгсиз табиатга хос бу мантиқ айтиш замонда бизни қаноатлантирмайди! Биз ўрни келганда табиат мантиқини ижтимоий мантиққа мослаштирамиз... Э, кечирасизлар, мен сизларга лекция ўқиб кетдим шекилли... Фанда, менимча, жасорат керак! Мутлақ бўлиб қолган айрим тушунчаларни яна қайтадан ғалвирдан ўтказиш ҳам фанга қутилмаган, оламшумул кашфиётлар берган-ку, ахир! Буни мендан кўра сизлар яхши биласизлар...

Муҳиддин Жабборович ичида «ҳа, гапни мана қаёққа олиб келяпти», деб ўйласа, Расул Оллоёровичнинг миясидан «бу унча-мунча бўш келадиган йигитга ўхшамайди» деган фикр ўтди-ю, ўтирган жойида бир қимтиниб, Зокир Қўшмоқовга кулимсираб қўйди.

— Жасорат билан таваккалнинг, ваҳоланки, осмону ерча фарқи бор, ўртоқ Қўшмоқов! — тўнғиллади Муҳиддин Жабборович.

— Борди-ю, бу таваккал бўлмаса-чи, аини ўша биз ахтарган жасорат бўлса-чи?! Ҳозирча билмаймиз-ку, ахир! Қўлимизда далил йўқ. Биров юрмаган йўлдан боргани учун, менимча, у йигит дашном ўрнига мақтов эшитиши керак! Ўзингиз биласиз, домла, ҳар қандай кашфиёт — дадил, кескин, қутбли фикрлашлар оқибати. Ўртаҳол нарсалардан катта натижа чиқмаган. «Менинг шогирдларим мендан ўзиб кетишлари, менинг ишларимни давом эттирганлари ҳолда, менга қарши чиқишлари, ҳатто ишларимни вайрон қилишлари зарур. Фақат мана шундай изчил вайрон қилиш ишларигина тараққиётга йўл очади». Бу Мичуриннинг сўзлари. Қаранг, қанчалар жасоратли, қанчалар адолатли, доно гаплар! Мана шу бағрикенгликнинг ўзи, мана шу жасоратнинг ўзи шогирдларга минг чандон илмий жасорат бермайдими? Уларнинг ёшликка хос тошиб келаётган фанний илҳомини баттар авж олдирмайдими?!

Расул Оллоёровичнинг хаёлини энди икки хил фикр эгаллади. Бир томондан, боягидек, илмли, ақлли мушоҳадаси кенг йигит экан, деб ҳатто ундан бир оз ҳадиксираб ўтирган бўлса, иккинчи томондан, айниқса Зокир Қўшмоқовнинг кейинги гапларини эшитгач, «ҳали, шошмай тур, дўстим... Фан муаммолари сен айтганчалик хамирдан қил суғуриш эмас... бу оғир, машаққатли иш, одамни эзадиган иш...» деб ичида унга истеҳзо билан қарай бошлади, аини пайтда у, донишмандларнинг ўтқир фикрларини ёдлаб олган ва ҳозир дона-дона айтиб бераётган бу йигит яқингинада докторликни ёқлагани, ҳали қўша-қўша адабиётлар, хилма-хил назариялар оламидан, чиндан ҳам кучли, аммо истаган шароитда қўлласа кетавермайдиган доно мулоҳазалар салобатидан қутулиб улгурмаганини ҳам ҳис этди.

Расул Оллоёровичнинг бу фикрларини гўё Зокир Қўшмоқов уқиб олгандек, қутилмаганда шундай деди:

— Келинлар, ҳозир цитатабозликни йиғиштирайлик-да, аввал ўша ишни холис туриб, тузукроқ кўриб чиқайлик. Назаримда уни сизлар ҳам шунчаки умуман биладиганга ўхшайсизлар; натижаларидан беҳабарга ўхшайсизлар. Майли, сизларга борингки, икки ҳафта муҳлат. Ўртоқ Қосимовни ёнларингизга олиб, бир кўриб чиқиш керак. Республикага машҳур Маҳамат

Турдибоевнинг гапларини қаранглар! — Зокир Қўшмоқов фақат шу ердагина газета мақоласини эслатди. Кейин бир четга яхшилаб тахлаб қўйилган қоғозлари ичидан ҳозир Расул Оллоёрович ҳам папкасида турган, Муҳиддин Жабборович обдан бўяб берган газетанинг ўша сонини топди-да, олимларга қараб: — Ўқигандир-сизлар? — деб сўради. — Ўзини гаровга қўйиб ёқлаб чиқяпти у! Холис гап ҳаммага ёқади. Мақолани биринчи секретаримиз ҳам ўқиган эдилар, бизга кула-кула Маҳамат чатоқни гапириб бердилар. Тўғрисўз, ўжар, ҳақлигига ишонса ҳеч кимни танимайдиган одам бу! Бир-икки воқеани айтсам, кулавериб қотасиз. Қосимовнинг ишини мана шу одам ёқлаяпти! Секретаримиз ҳам қизиқиб қолдилар, «бу албатта катта шов-шувга айланади», деяптилар нукул. «Маҳамат чатоқ ёқлабди-ми, демак, ютуқ шу йигитда», деяптилар. Шунинг учун икки ҳафта ичида аниқ маълумот тайёрласанглар. Пучагини пучакка, сарагини саракка ажратиш керак, васалом. Бизга факт беринглар. Келишдикми?

Икковлари учун Расул Оллоёрович «келишдик» деб жавоб қилди-ю, Зокир Қўшмоқов олимларни йўлакка кузатиб, кейин хайрлашди. Расул Оллоёрович ҳам, Муҳиддин Жабборович ҳам узун йўлакдан ўтиб, лифтда пастга тушиб, ташқарига чиққунларича чурқ этишмади. Фақат Муҳиддин Жабборович зинадан тушиб бораётганида негадир орқасига ўгирилиб, «чиндан ҳам ҳозир шу ерда бўлдикми» дегандай, ярқиллаб турган бинога ҳайратомуз қараб қўйди.

Бошлиқларнинг иш тарзи ва одатига ўрганган, хушчақчақ пайтида «мен қоловураман, хўжайинларимни олиб ташлайверишади», деб одамларни кулдирадиган паканагина шофёр йигит «булар ҳойнаҳой, ҳали-бери чиқишмаса керак», деган тахмин билан шапқасини кўзига бостирганча, радиони паст қўйиб, ўриндиқ суянчиғини орқага ташлаб оёқларини чалиштирган ҳолда уйқуни уриб ётарди. Аммо «хўжайини» Расул Оллоёровичнинг шарпасини анча наридан қандайдир бир зийраклик билан дарров сезди-ю, шоша-пиша кўзини ишқаб, домлалар келишига ичкаридан орқа ошиқни очиб турди.

— Ҳайқиш деган нарсани билмайди! Ахир ўз бошини ейди у! — деди Муҳиддин Жабборович зарда билан машинага эпчил чиқиб ўтираркан. Расул Оллоёрович индамади. Машина қўзғалаётганда радиоси

қаттиқ тириллаб кетди. Ўзи табиати хира бўлиб турган Расул Оллоёрович худди тишига бехос тош теккандай афти буришди ва «овозини ўчир» деган ишорани қилди. Шундан кейин ҳам Муҳиддин Жабборович яна бирикки бор суҳбатни ўзи истаган мавзуга йўлламоқчи бўлиб кўрди-ю, аммо ҳамроҳи индамагач, бу сукутни «бегона кулоқнинг олдида жим кетайлик» деган маънода тушунди-да, нафасини ичига ютди. Лекин ташқарига тикилиб бораркан, бари бир мияси шиддат билан ишларди. Машина муюлишга бурилаётганда нимадир эсига тушдими, энди гапиришга оғиз жуфтлаганида ўнг тарафдаги орқа гилдирак бирдан ариққа тушиб, ўтирганлар ичлари узилгудай сакраб кетишди. Яна жимлик. Расул Оллоёрович ҳам гарчи кўринишдан хотиржам бўлса-да, хаёлида бошқа режалар тузаётгани шундоқ кўзидан билиниб турарди.

«Газик» институт олдида тўхтагач, олимлар бирин-бирин тушишди-да, Расул Оллоёрович домлага қараб:

— Ўн минутлардан кейин Азизжонни чақираман. Сиз ҳам кинг, бирга гаплашамиз, — деди-да, йўлакдан чапга бурилиб, кабинети томон йўналди. Азизларнинг хонасига яқин келганда, юриб бораётган жойида бўйнини чўзиб, ойнаванд эшикдан ичкарига қараган бўлди... Котиба қиз дераза тагида патиллатиб машинкада нимадир ёзар, берироқдаги қатор стулларда эса институт олимларидан, аспирантлардан тўрт киши Расул Оллоёровичнинг келишини кутиб ўтиришарди. Директор улар билан бош ирғаб кўришди ва:

— Дўстлар, биз шошиб турибмиз, ишларингиз жуда тигиз бўлмаса, илтимос, эртага кирсанглар, — деди кабинет эшигини очаркан, йиғилганларга бир-бир тикилиб. Олимлар ноилож тарқалиб кетишди. Расул Оллоёрович котиба қизни чақирди.

— Ҳеч ким сўрамадим мени? — деди одати бўйича. — Азиз Қосимовни чақиринг. Тез.

Котиба қизнинг бирдан авзойи ўзгарди, ҳаяжонга тушиб:

— Домла, ҳозиргина у кишининг қайноталари телефон қилган эдилар, Қосимовнинг онаси вафот этибди, — деди.

Расул Оллоёрович сейфини очаётган ерида таққ тўхтаб, негадир ялт этиб девордаги соатга қаради.

— Ие, қачон? — деди сейф эшигини қайтадан ёпиб

— Кеча. Тунда. Қосимов ўша ерда экан. Шуни билдириб қўйиш учун телефон қипти қайнотаси.

Расул Оллоёрович юз берган воқеага чин дилидан ачинди. Ўйлаган режаси чиқмагани учунми, мақсадсиз равишда кўзойнагини алмаштирди, кейин:

— Чатоқ бўлибди. Жуда чатоқ бўлибди, — деди. — Унда менга Бобоқулов билан местком раисини чақиринг. Қизим, илтимос, тезроқ топинг уларни. Ҳа, ростдан, илмий котибга айтинг, газетага таъзиянома бериб юборсин. — Расул Оллоёрович ички телефонда Муҳиддин Жабборович билан уланиб, воқеани айтди. Зум ўтмай, шошилганча Муҳиддин Жабборович кириб келди:

— Бола фақирга қийин бўпти-ку. Билишимча, у оиланинг тўнғичи. Қийин бўпти! Боришимиз керак, Расул Оллоёрович, боришимиз керак. Бунақа пайтда одамга дунё-дунё хазина бермангу шундоқ бир кўри-ниб, кўнглини сўранг — етади! Қаддини бирдан тиклаб қўясиз. Борайлик, Расул Оллоёрович...

Инсон ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, у яшаб турган, ҳар куни талашиб-тортишиб, бировдан озор чекиб, бировга озор бериб юрган муҳитини бирдан унутгандай, худди холис самога кўтарилиб, ерни, ундаги серташвиш жонзотларни, дунё завқ-сафосига нодонларча берилган ёки арзимаган ўткинчи ҳавасни деб бир-бирига чоҳ қазиган одамларни юқоридан туриб томоша қилаётгандай, уларнинг устидан заҳаранда кулаётгандай сезади ўзини. Одатда кўпинча ўлимдан кейин шундай бўлади. Ўзганинг ўлими ҳам яшаб турганларнинг ҳаёти, шу кунгача кўрган-кечирган кечмишлари учун ўзига хос сарҳисобга айланади. Ана шунда ҳар қандай тошмеҳр, бадфеъл одам ҳам, майли, бир зум бўлса-да, кўпчиликка яхшилик қилиш, ном орттириш хусусида бош қотириб қолади...

Муҳиддин Жабборович ҳам гарчанд Азиз Қосимовни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ бўлиб юришига қарамай, аммо онаси ўлганини эшитганда бирдан юраги орқасига тортиб, Азизнинг ҳолига чин кўнгиладан куюнди. Назарида, «ўлим» деган мудҳиш бир шарпа унга ҳам бўй чўзиб қарагандай этлари жимирашиб кетди. Лайниқса шон-шуҳрат мазасини олган, ҳаётда доим ошиғи олчи одамларга ўлим қанчалар ёмон таъсир этишини бир тасаввур қилинг. «Наҳотки, шу латофатли олам биздан ҳам қолиб кетса?! Бу қадар ширин, бу

қадар тотли ҳаёт бир кун келиб, наҳотки, бизсиз ҳам давом этса?!» Эҳтимол, Муҳиддин Жабборовични айти мана шундай кечинмалар қийнаётгандир?.. Ким билади?.. Аммо шуниси аниқ эдики, у Азизга, унинг оиласига юрак-юрагидан ачинарди...

Расул Оллоёровичга келсак, кўнгли бўш, меҳрибон одамлиги учун уруш азобларини бошидан кечирганига қарамай, ўлимдан ёш боладек қўрқарди. Оломон орасига бош суқиб, оёғининг учида чўзилиб мурдага қарайдиган дийдаси қаттиқларни кўрганда эса кўнгли беҳузур бўларди. Шу боисдан, қариндош-уруғлариникига ҳам дафнга бормас, орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейингина бир кириб, таъзия билдириб чиқарди. Шунинг учун билган киши унинг аҳволини тушунар, билмагани уни калондимоғ, дер, айрим шартакилар эса: «Бурнингни кўтариб қаерга борардинг? Бир кун сен ҳам ўласан-да. Дунёга устун бўлармидинг?..» деган ортиқча гапларни ҳам ташиб юришарди. Расул Оллоёрович бу вайсашларни орқаворатдан эшитса ҳам бари бир тарки одат — амри-маҳол, ўлим деган жойдан етти маҳалла нари қочарди...

Ҳозир ҳам у Муҳиддин Жабборовичнинг таклифини эшита туриб, «бормасликка қандай баҳона топсамикин-а», деган ўйда эди. Охири гўё академикнинг гапини эшитмагандай:

— Бобоқулов билан месткомимизни чақиртирдим. Одамларни уюштириб, майда-чўйдасига қарашиб келишар, — деди. — Вақтингиз бўлса чиқинг, яхши бўлади, чиқинг...

Шу гапдан кейин Муҳиддин Жабборовичнинг шашти бир оз тушди, «ҳамма билан судралишиб юраманми, вақт топиб ўзим чиқиб келарман», деб кўнглига тугиб қўйди. Хонасига боргач, хаёлини яна боягина обкомда бўлган гаплар банд этди-ю, эртагаёқ Азизнинг тажриба участкасини бориб кўрмоқчи бўлди ва машинасини сўраб жияни Йўлдошга телефон қила бошлади.

13

Азизнинг «тажриба участкаси» бир ярим гектарча ер экан. Теваракдаги бошқа карталардан атайлаб ихота қилингандай қалин тут дарахтлари билан ўралган, фақат кунчиқиш тарафдаги тупроқли йўлгина уни кўшни карталар билан боғлар эди. Атрофда негадир ҳеч ким йўқ, кенг далада тик этган товуш эшитилмасди...

Муҳиддин Жабборович анҳорнинг нариги уватидан бериги томонга эпчиллик билан сакраб ўтди-ю, ҳар хил белгилар, ёзувларга тўла тахтачалар қадаб қўйилган кафтдай-кафтдай майда карталарга кўзи тушиши билан Азизнинг участкаси шулигини дарров тушунди... Бирдан шунча ер ҳам академикнинг кўзига жуда кичкина кўриниб кетди, қилаётган ишлари ўзига малол келди. «Урвоқдай жойнинг гапини бутун республикага ёман дейиш... ўтакетган худбинлик-ку?..» Муҳиддин Жабборович, гарчи куни кеча Азизнинг кулфатидан астойдил қайғуриб, унга юрагидан ачинган бўлса-да, аммо ҳозир яна аслига қайтиб, гап яна ўзи бутун умрини бағишлаб келаётган қадрдон соҳасига бориб тақалгани учун ундаги одамгарчилик туйғуси ундан ҳам зўрроқ хоҳиш — ўз ҳақлигини, бенуқсонлигини исботлаш истаги олдида ожизлик қилди; у бирдан асабийлашиб кетди, қаердаги гумроҳ бир болани кўллаб, Муҳиддин Жабборовичдек хизмати чўнг олимларни камситаётганларидан қаттиқ ўксинди.

Эгнидаги яп-янги костюмини қовжираган гўза барглари ифлослантириб юбораётганига ҳам қарамай, шитоб билан у картадан бу картага ўтар, тажрибали, зийрак кўзлари бесаранжомланиб, бир чамалашдаёқ янги навнинг бутун хислату иллатларини илғаб олишга уринаётгандек эди. Вужудини қандайдир тушуниб бўлмас титроқ чулғаган, нуқул қаёққадир шошаётганга ўхшарди...

Бир четда, почалари чанг бўлиб, жийда дарахти соясида турган Йўлдош эса тоғасининг бу галати хатти-ҳаракатидан, у ёқдан-бу ёққа ёш боладек саросимага тушиб югуришидан кулгиси қистар, «олимлар ҳам сурштириб келганда ғирт нашаванд одамлар-да», деб ўзини-ўзи хурсанд қиларди... Жингалак сочлари терлаб, митти кўзларини жонсарақ тоғасидан узмай, «ишқилиб гезроқ битирсин-да, ишини», деб тоқатсизланарди. У, ичида олимларни ёмон кўрар, ўзича уларга паст назар билан қараб юрар эди. Аммо иккинчи томондан ўқимишли, донгдор одамларга яқин бўлиш унга хушёқар, шу сабабдан, тоғасими, божаси Шорасулми — бир нарса дейишса, гапларини икки қилмай бажо келтирарди. Айниқса, тоғаси уни машинаси учун тез-тез йўқлаб туради. Гоҳо катта зиёфат, йиғинларда Йўлдош фан кишилари даврасига тушиб қолганда, уларнинг салобати, ўткир-ўткир гапларига ҳаваси келиб, «бекор

ўқимаганман», деб афсусланади ҳам. Лекин кейин кўп жиҳатдан улардан ўзининг устунлиги, арзимаган нарсаларга ям қўллари калталиқ қилиб, ҳатто Муҳиддин Жабборовичдек академик тоғаси ҳам унга ялинишини ўйлайди-да, «усти ялтироқ, ичида қалтироқ бўлмай ўлларинг», деб кулади...

Муҳиддин Жабборович иссиқни писанд қилмай, энди майдоннинг қоқ ўртасида туриб олган, гоҳ энгашиб адл ғўзалардаги очилган кўсакларни санар, гоҳ толасини тортиб кўрар, кейин нозик нарсани авайлаётгандай яна кафти билан жойига итариб-итариб кўярди. Гоҳ инқилаб ерга энгашганча ғўза тупини тагидан қараб синчикларди... Мана шу ҳаракатларнинг барини у худди тажрибали шофёр машина ҳайдаётгандай, битта рақсни юз марталаб такрор ўйнаган артистдай ўйламай қилар, хаёлида эса фақат газетадаги қайси кунги Азиз илгари сурган фикр чарх урарди. «Вилтнинг ватани Марказий Америка, шу жумладан, Мексика... Ўсимликдаги касалликка чидамлилиқ иммунитет — ўша ўсимлик танаси билан касаллик микроби ўртасидаги узоқ муддатли бирликнинг натижаси... демак, ўсимлик танаси касалликка мослашиб олган, уни энди писанд қилмайди...» Айниқса, Азизнинг кейинги хулосаси ғалати эди. «Энди биз вилтга чидамли нав яратиш учун селекциячиликда сўзсиз Мексика навини ишлатиш зарур, деймиз...» Азизда бу қатъий фараз қачон туғилган, мана шуниси қизиқ! Илгари у нукул «ёввойи нав, ёввойи нав», дерди-ю, аммо мақсадини бу даражада назарий асослаёлмаган эди. Ҳозирги фикри эса жуда бақувват! Бу хулосага келиш учун қўлида етарли далиллари бўлиши керак... Мана ўша далили!..

Муҳиддин Жабборович қийғос очилган картага қараб, юраги шифиллаб кетди. Бир-иккита чаноқни узиб олди-да, энгашиб, ўзича ғўзанинг бўйини чамалади. «Тўғри, Турдибоев айтгандай, 120 сантиметрга боради. Кўсаги ўртача катталиқда, яхши очилган, пахтаси чаноқда яхши турибди...» Муҳиддин Жабборович бир-иккита чигитни ҳам чиқариб кўрди: тукли. Кафтида кўёшга солиб: «Ҳойнаҳой, мингаси 120—140 граммдан келса керак», деб ўйлади. «Толасининг узунлиги 32—33 миллиметр». Муҳиддин Жабборович шуларнинг барини ўлчамай туриб тўғри топаётган эди... «Наҳотки, шу пахталар ёввойи навнинг насли?! ҳайронман... йўқ, бари бир, бу қалтис иш. Навни бузиб юбориши аниқ. Бу йил

бўлмаса, нариги йили...» Кейин шитоб билан анҳордан сакраб ўтди-да, қўшни карталарга қараб юрди. Маҳамат чатоқ бригадасининг асосий пахта майдонлари ўша ёқда бўлиб, унга «Ф» навининг кейинги авлодидан экилган. Муҳиддин Жабборович бу навни янгийўллик шогирдлари билан олти йил бурун совуқроқ районлар учун ишлаб чиқаришга киритган, лекин бу ҳам вилтга бир оз чидамли эди-ю, бари бир уларни сақлаш қийин эди. Буни Муҳиддин Жабборович гўза танасига қарабоқ билиб турибди... Яна машина теримига мўлжаллаб, дефолиация ҳам қилингани учун пайкал орасига кириши ҳамано димоққа қўланса, ачимсиқ ҳид гупиллаб урилди. Азизнинг тажрибасига халақит бермаслик учун атрофдаги майдонларга заҳарли модда қўл пуркагичларида сепилганга ўхшайди, чунки унинг «участкаси»дан деярли дори ҳиди келмади.

Муҳиддин Жабборович бир зум ўқариқ бўйида тўхтаб офтоб ҳовурида живирлаётган кенг пахтазорга тикилди. Гўза туплари баргларини ташлаб, оппоқ момиқ толаларини худди қўлда тутгандай юқорига кўтариб, шабадада шитирлашиб турибди. Дори янги сепилгани учунми, далада ҳеч ким кўринмайди...

Муҳиддин Жабборович «ўз» майдонидан ҳам икки дона очилган кўсак узиб олди ва беихтиёр «нариги» кўсакларга солиштира бошлади. Уники пиёлага ўхшаш япаскироқ, ҳовончалари оппоқ толаларни худди айридек ичкарига босиб турибди; «нариги» кўсаклар эса узунчоқ. Муҳиддин Жабборовичнинг назарида янги нав гўзанинг пахтаси ҳовончада эркинроқ етилгандек, толаси ҳам майинроқдек туюлди...

Диққати ошиб, бирдан Зокир Қўшмоқовнинг кечаги гапларини эслади. «Ҳамма нарсани оғзида пиширдикўйди, азамат!.. Унингча, вилт деган офат жинжилоқни шундоқ қимирлатсанг, вассалом, йўқ! Икки ҳафтада пучагини пучакка, сарагини саракка чиқариш керак эмиш! Қани энди бу сабил дард билан сен айтганчалик осон қутилиб бўлса эди, оғайни! Қайтага юзимиз ёруғ бўларди-ку?! Асли ўзи, умрини фанга тиккан одамнинг, ваҳоланки, ҳавас қиладиган жойи йўқ экан! Ҳолига маймун йиғларкан!.. Бир ишни бошлаб, эртага ундан нима чиқишини ҳали билмайсан-ку, аммо атрофингда сенга кўзини лўқ қилиб, «Хўш, янги навни қачон бера-сиз?» дейдиганлардан куясан! Бир сирни очаман деб, ваҳоланки, йўл-йўлакай сон-мингта муаммога рўпара

бўласан... Гоҳи пайтларда ҳаммаёқ зулматга чўккандай, худди адашиб қоронғи ўпқонга қараб кетаётгандай ваҳимага тушасан! Айниқса, катта олимга қийин... юз карра, минг карра қийин! Сендан ҳар бир ишинг аниқ нишонга тегишини талаб қилишади, сал адашишга ҳам ҳаққинг йўқлигини қадамингда сезиб турасан... сезмасанг ҳам сездиришади!.. Анови олифта Қўшмоқов менга ақл ўргатиб, нукул цитата ёдлаб, мақтанди!.. «Бу олам шунчалик чексизки, биз, кўпни кўрган олимлар ҳам унда худди қирғоқдан туриб, сувга тош отиб ўйнаган гўдакларга ўхшаймиз. Ваҳоланки, рўпарамизда буюк сирлар океани ястаниб ётибди». Мана фикр!.. Бунақа гаплар ҳам бор дунёда! «Ундай қилиш керак, бундай қилиш керак», деган билан... ҳатто Ньютондек одам ҳам бу ҳадсиз, сирли олам қаршисида лол қолиб, мардчасига тан олибди-ку! Йўқ, Қўшмоқов буларни эслармиди! У кишига, ваҳоланки, фақат янгилик топиб берсанг бас!.. «Фанда жасорат керак эмиш! Вой, бу сиёсатдонлар-эй! Ўзларидан бошқанинг ҳаммасини аҳмоқ деб билишади. Мана шунисига куясан!..»

У ўй ўйлаб, Йўлдошни ҳам унутган, гоҳ қўлидаги кесакларга, гоҳ этаги кўринмаётган пахтазорга тикилиб, гарангсиб турарди. Энди кимдандир суриштириши керак... «Бу гўзаларнинг режими қандай бўлди? Нима озуқалар берилди? Чигити қачон экилган? Қачон суғорилган? Ваҳоланки, чеканкаси қачон ўтказилди?.. Мана шу саволларга тўла жавоб олиши керак у. Шундан кейингина бир нарса дейиш мумкин бу нав ҳақида? Ҳали яна толасининг сифатини лабораторияга бериб текширтириш ҳам зарур. Аммо толаси шундоғам яхшига ўхшайди... Наҳотки, шундай гўза ёввойи уруғ иштирокида етиштирилган бўлса? Наҳотки! Ахир, бу оламшумул янгилик бўлади-ку!»

Муҳиддин Жабборович ичида шундай деб юборди-ю, атрофга олазарак қараб, худди бу фикрини биров сезиб қолгандай саросимага тушди. «Салкам қирқ йилдан бери вилт билан олишаман. Умрим бўйи юзга яқин нав яратган бўлсам, ваҳоланки, ҳаммаси ўша биринчи бақувват навимнинг авлоди. Томирида бошқа қон йўқ. Наҳотки, биринчи навимга ортиқча баҳо бериб юборган бўлсам?! Оламда абадий нарса йўқ-ку, ахир! Қасрлар қулаб, пўлат, темирлар ҳам чирийди-ку! Наҳотки, янги йўл изламадим?! Ўзимни-ўзим бўғиб, ўзимни-ўзим чегаралаб, этагимдан тор-

тибман-а!.. Азиз ўтказган манови тажрибани нега мен қила қолмадим? Нима кетарди мендан?! Юзлаб, минглаб далилларни синаб кўрган одам учун, борингки, битта бенатижа тажриба, ваҳоланки, нима бўпти?! Фойда берса берарди, бермаса қолиб кетаверарди... Нега шундай қилмадим? Нега? Наҳотки, кўзимни шу қадар ёғ босиб кетганидан бошимда эсиб турган давр шамолининг йўналишини ҳам сезмабман?! Мана энди ҳеч ким танимаган ному нишонсиз бир бола панд бериб, мендай академикни четга суриб қўйяпти!.. Наҳотки, йиқилмай туриб харобага айландим?! Э, воҳ! Нималар бўляпти ўзи?!»

Аммо ҳаётнинг шафқатсиз қонуни мавжудлигини, яъни янгилик ҳар қандай тўсиқларни мардона итқи-тиб ҳар қандай шароитда ҳам ўзига кенг йўл очиб бораверишини Муҳиддин Жабборович яхши биларди. Янгиликни ҳамиша ҳаётнинг ўзи тақозо этганидек, Азизнинг уринишларида ҳам чуқур ҳаётий маъно бор эди. Пахтачиликда ноиложликдан заҳарли моддаларни кенг қўллаш оқибатида кейинги йигирма-ўттиз йил ичида ташқи муҳитда ёмон асоратлар қолаётганидан Муҳиддин Жабборович мутахассис сифатида хабардор эди. Тадқиқотларга кўра, заҳарли моддалар беш-ўн йилгача тушган жойида бемалол сақланиб туради. Натижада тажриба районларидаги аҳоли ўртасида асаб, қон айланиш хасталиклари, нафас олиш, ошқозон, жигар касалликлари бошқа жойларга нисбатан анча кўпайганлиги исботланган... Шунинг учун ҳам партия раҳбарларими, олимларми — ҳамманинг хаёлини вилтга наслий чидамли янги нав яратиш, пахтачиликда иложи борица заҳарли дорилардан фойдаланмаслик масаласи қамраб олган эди. Гўё сувга чўкаётган одам зигирдай хасга ҳам жонҳолатда ёпишганидай... баъзан қалтис «янгиликлар»ни маҳкам «ушлаб» олишларининг сабаби ҳам шунда эди. Қосимовнинг тажрибалари ҳам чамаси шунинг учун тилга тушиб қолди шекли.

Муҳиддин Жабборович иссиқдан бўғриқиб кетди. У бугун далага чиқишини билса ҳам, бари бир, одати бўйича яхши кийинган эди. Аслида у Азизнинг «участ-каси»ни чала-чулпа кўриб, кейин Йўлдошнинг маши-насида анчадан бери боролмай юрган бир-иккита чала юмушларини битириб олмоқчи эди. Лекин ҳозир у бу режасини бутунлай унутди. У ҳамон ўйларди. «Заҳарли

дориларнинг зиёни кўп, албатта... Буни ким билмайди. Аммо оёгингнинг остидан нарини кўрмайдиган, ваҳоланки, ҳаётдан фақат нуқсон излайдиган айрим «доно» вайсақилар, афсуски олимлар орасида ҳам бор. «Авлодимиз, наслимиз бузилиб кетяпти — ҳозир пахта инсонгамас, инсон пахтага хизмат қияпти...» Мана шунақанги гаплар!.. Қани энди ўшаларга «Ҳой, оғайни, ҳолва деган билан оғиз чучирканми? Ваҳоланки, шунча халқ, элни боқиш осонми?! Ахир, бу лим-лим оқиб турган дарёи азим-ку?! Ахир ризқ-рўзимиз, шону шавкатимиз шу пахтадан-ку... Уша лим-лим дарёни айюҳаннос солган билан орқага қайириб бўларканми? Қани, тирик жон, ваҳоланки, бир кунгина ишламай қўйсин-чи, нима бўларкин? Ётиб еганга тоғ чидамайди! Шундай экан, ваҳоланки, катта ишлар амалга ошири-лаётган жойда, сўзсиз, жузъий камчиликлар юз бермай иложи йўқ...» десанг! Йўқ, қаёқда, қулоқларига бекорга танбур чертасан! Биттаси мана шу Қосимов! Биттаси, ваҳоланки, анови маймоқ Азимов! «Халқнинг тирикчилиги, кечаги, бугунги, эртанги орзу-армонларига бориб тақалмаган, одамларнинг оғирини енгил қилмаган илмга ҳайф!» Муҳиддин Жабборовичнинг ҳамон эсида, очиқ партия йиғилишида Толмас Азимов шундай деб кимларгадир кесатганда, ваҳоланки, Азиз Қосимов жон-жаҳди билан чапак чалган эди...

Муҳиддин Жабборович фаромуш бир кайфиятга тушиди-ю, карта этагида оқариб кўринган шийпондан гангир-гунгур овоз эшитиб, ўша томонга тикилди. Йўлдош боя Азизнинг «участкаси»ни кўрсатган қоровул билан «эзилиб» суҳбатлашар, бир қўлида пиёла, бир қўли билан ҳар хил имо-ишоралар қилар, нималарнидир сўраётганга ўхшар, ора-сира қаттиқ кулиб ҳам юборарди.

Муҳиддин Жабборович истамайгина ўша томонга қараб юрди. Жияни ёқаларини ёғ босган узун якак кийиб, яланг оёғига эски калиш илган бояги кишини ҳадеб гапга соларди. Шийпондан сал нарида, бузуқ арава тагида гувалабош баҳайбат тарғил ит мудраб ётибди. Муҳиддин Жабборович унга кўзи тушиши билан миясига «боғлоқмикин», деган фикр келди-ю, қадами секинлашди. Айвон устунларига, ҳовуз атрофида ўсган қатор тол дарахтларининг айриларига тўрқовоқлар илиб қўйилган, ора-сира у ер-бу ердагиси ўзидан-ўзи питир-питир қимирлаб қолади-да, бунга сари «ҳозир сайрай-

ди» деган умидда Йўлдош ҳам, бояги яктакли киши ҳам оғизларини очганча, беданалардан кўз узмай туришади. Гоҳ-гоҳ худди навбати келгандай, галма-галига «вавақ-вавақ» деган кескир овозлар янграйди, шунда иккала беданабознинг оғзи қулоғига етиб, кўзлари сузилиб, ҳузурланишади, гўё беданамас, уларнинг ўзлари сайраётгандай хурсанд бўлишади.

Муҳиддин Жабборовични кўргач, қоровул ўша заҳоти Йўлдошни ташлаб, қўлини кўксига қўйганча домланинг олдига югуриб келди, негадир иккинчи марта кўришди, фотиҳа қилгандай кафтини юз-кўзларига тортди. Домла икки қўлида уч-тўрттадан кўсак, беданабозларга кулимсираганча қараб турарди...

Шу пайт кунчиқар тарафдаги устини қуюқ чанг босган япасқи тут шохлари шитир-шитир қимирлаб, қалин барглар орасидан энгил-бошини қоқиб-қоқиб, зангори галифе шим устидан яланг камзул кийган шопмўйлов бир киши чиқиб келди. Муҳиддин Жабборович бир кўришдаёқ уни таниди: Маҳамат Турдибоев! Лекин у газетадаги расмига қараганда хийла қарироқ кўринарди. Муҳиддин Жабборович унга кўзи тушиши билан хаёлига: «Ол-а, бу фалокат қаердан чиқа қолди, билмагани маъкул эди», деган фикр келди. Чунки Азизнинг ишини ҳеч кимга айтмай, ҳатто Расул Оллоёровичга ҳам сездирмай аввалига ўзи чамалаб кўрмоқчи эди. Яна бунинг устига ўртада: «Ҳа ўл-а! Қачон қараса ерга уриб, яқинингга йўлатмай юрардинг Азиз бечорани! Қалай, югуриб қопсан-ку, ҳали шошмай тур...» деганга ўхшаш гаплар ҳам чиқиши мумкин. У шундан хижолатда эди. Лекин дарров ўзини босиб, нотаниш меҳмонларга пешвоз келаётган Маҳамат чатоққа қўл узатаркан:

— Машҳур бригадир Маҳамат ака Турдибоев ўзлари бўлсалар керак, адашмадимми? — деди жилмайиб.

— Топдингиз! — Маҳамад чатоқ ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди.

Муҳиддин Жабборович дарров ўзини танитиб қўя қолди:

— Жуда хурсандман, Маҳамат ака! Сиз тўғрингизда, ваҳоланки, кўп эшитганман. Кўриш орзусида эдим. Энди насиб бўпти-да! Каминалари профессор Муҳиддин Жабборовман.

— Э-э, домла, бормисиз, бормисиз! Кечирасиз, танимаганни сийламас, дейдилар. Қадамларига ҳасанот!

Бу қандоқ бўлди-а, аввал уйга кириб бир пиёла чой ичмасдан, а?.. Хўп кепсиз, домла, қуллуқ, қуллуқ. Мен ҳам сиз ҳақингизда кў-ўп эшитганман. Бугун ўзи ўнг томоним билан турган эканман!

Маҳамат чатоқ одати бўйича ўз гапидан ўзи завқланиб, кўзини юмганча осмонга қараб вах-хохолаб кулди. Муҳиддин Жабборович бу бетаккаллуф қилиқдан бўйнигача қизариб кетди ва шоша-пиша:

— Йўлдошбой билан Сирдарёдан келаётувдик. Бу киши бизнинг жиян, — деди уни кўрсатиб. Йўлдош тоғасига кулимсираб қараркан, «ёлғонни худо кечирсин», деб қўйди ичида ва «ҳа шундай» дегандай юмшоқ таъзим қилди. — Эсга тушиб, Азизжон укамизнинг даласи шу ёқда бўлса керак, бир кўриб ўтайлик, дедим. Йўлдошбой ҳам шартта буриб юбора қолди машинасини.

— Яхшиям эсга тушгани! Мен ҳам қарасам, бегона машинанинг изи ўтибди. Кўра солиб келаверганим. — Маҳамат чатоқ беихтиёр уларни Азизнинг пахтазорига бошлади. Биринчи эгат ичига кириб, тут дарахтлари билан иҳоталанган майдончани кўрсатди: — Мана шу Азиз шоввознинг иши, — деди гурурланиб. — Яқинда ҳар хил конвертларга майда-чуйда уруғларни солиб... келиб-кейтиб юарди. Бирор наф чиқишига ишонсам азбаройи ўлай ўшанда! Мана, энди! Бўйи бастини қаранг, фоз йигитларга ўхшайди! Менга қолса ҳосилини тердириб юборардим. Азизжон тайинлаб кетган. Аввалги ҳафтада чиқаман, девди, ҳайронман, келмади. Тоби қочдим...

Муҳиддин Жабборовичнинг ҳам, сал нарида ҳафсаласи пир бўлиб турган Йўлдошнинг миясидан ҳам «э, онасининг қазосини эшитмабди-да», деган фикр ўтди-ю, Йўлдош ўзича «мундай газет-пазет ҳам ўқиб туришмайди», дея таъна қилди; Муҳиддин Жабборович эса, аксинча, унинг фикрини бошқача давом эттиргандай, «бечораларнинг газета ўқишга ҳам қўллари тегмайди», дея ўйлади.

Маҳамат чатоқ бўлса тинмай гапирар, барглари кўм-кўк адл гўзалар ичида ҳадеб у ёқдан-бу ёққа юриб, кумушдек товланган, салмоқли чаноқларни атайлаб барглар орасидан очиб кўрсатарди.

— Бу ҳазил ишмас, Муҳиддин ака! Шу ернинг ўзига эккан гўзаларимиз кўз олдимда. Яшнаб, бўй чўзиб турарди-да, бирдан инфаркт бўлган одамдай букчаярди-

қоларди. Барги унниқиб бир кунда ҳолдан тойиб... қарасанг юрагинг ачишарди. Тавба, дейман! Ёқамни ушлайман! Ғўзанинг ҳам ўзига яраша табиби бўларканда! Орадан нима ўтди, ахир?! Ўша ер, ўша тупроқ! Мана, энди бир қаранг!.. Азизжоннинг айтишича, энди гап — фақат сизга ўхшаш пахтанинг пирларида эмиш. Сизлар бир оғиз айтсангиз — ишга тушиб кетаркан бу янги уруғ ҳам. Барака топинглар, яхшиям сизлар бор мушкулумизни осон қиладиган!.. Ишқилиб, тезроқ рухсат беринглар. Мундай бир кўкракка шамол тегиб чигит экайлик биз ҳам. Ўлиб бўлдиқ-ку, ерга чигит қадаш билан оқпалакдан юрак безиллайериб...

Муҳиддин Жабборовични ҳозир жуда кўп саволлар қизиқтирарди-ю, лекин Маҳамат чатоқ обдан гапириб олсин, деган хаёлда атайлаб индамай турди...

Йўлдош қўлида шапалоқдек ғўза баргини чириллатиб ўйнаганча, суҳбатга диққат билан қулоқ солаётгандай кўринса-да, бироқ хаёли бошқа ёқларда кезиб юрарди. Чанг босганидан орқа ойнасидаги оқ пардаси ҳам саргайиб кўринаётган машинасига қаради-ю, ичи ачиди ва «буни қачон юваман ҳали», деб ўзича тўнғиллаб қўйди. Кейин аламини папиросдан олди, устма-уст тортиб, ярим чекилган сигаретни кесак орасига ташлаб, оёғининг учи билан эзиб ўчирди. Тўсатдан Салтанатни эслаб қолди. «Ҳозир қаердайкин, ҳали ҳам эри билан қишлоқдамикин ёки қайтдимикин?..» Нишабликка думалаган копток охири бориб бир нарсага урилмагунча тўхтамагандек. Йўлдош ҳам юрагига хуш ёқувчи хуфёна саргузаштлардан ўзини сира тиёлмасди. Қилаётган ишининг қалтислиги, хунуқлигини яхши билар, буни айниқса тоғасининг ҳў бир галги ҳазил аралаш дашномидан ҳам сезган, аммо бари бир ўша ўтли туйғулари хуруж қилганда ўзини қўлга ололмай қоларди. Мана, ҳозир ҳам у Салтанатни нафақат эслади, уни жуда кўмсаб кетди...

Маҳамат чатоқ эса ҳамон лаби лабига тегмай сўйлар, Муҳиддин Жабборович уни жон қулоғи билан тинглар, бошини тўхтовсиз қимирлатиб, гапларини маъқуллаб турарди. Кейин аста-секин шийпон томонга қараб юришиди. Йўлдош енгил тортиб уларнинг изидан эргашди...

Муҳиддин Жабборович хайрлашиш олдидагина Маҳамат чатоққа Азизнинг онаси қазо қилганини айтди. Маҳамат Турдибоевнинг ҳатто ранги ўзгариб, бир

неча дақиқа нима дейишини билмай индамай турди. Ўзича пичирлаб қўлини юзига тортди-да:

— Қачон? — деб сўради.

Муҳиддин Жабборович кўзларини қисиб осмонга тикилганча хаёлида кунларни санаб:

— Эртага тўртинчи кун... шундайми? — деб Йўлдошга юзланди. У беихтиёр тоғасининг гапини маъқуллади... Кейин «чой ичиб кетинглар», деб қисташларига ҳам қарамай, хайр-хўшлашиб, тоға-жиян чанг йўлни буруқсатганча шаҳарга жўнашди... Муҳиддин Жабборович машинага ўтиргандагина кийимлари таниб бўлмайдиган даражада чанг-тўзонга беланганини кўрди-ю, «оббо, кетказгунча Назокат обдан қийналадиган бўпти-да», деб ўйлаб, қилган ишидан яна афсусланди.

* * *

Орадан ўн кун ўтди. Азиз ишига қайтди. Ҳамкасблари орасида кулфатини ҳам аста-секин унута бошлади. Аммо баъзан туриб-туриб бирдан онасини, у айтган айрим гапларни эслаб кетади-да, яна хомушланиб қолади. Ҳозир ҳам кенг хонада бир ўзи ўтираркан, ўлим деган жойда одамларнинг бир-бирига ўта меҳрибонлигини, айниқса Маҳамат ака бечоранинг одамгарчилигини ўйлар эди. Ўша Маҳамат ака келган куни Азиз ичкари уйда бир пиёла чой ичиб ўтирган эди. Қимдир ҳовлига ташқаридан йиғлаб кира бошлади. Йўлакда турганлар дарров Азизни чақириб чиқишди. Қараса, Маҳамат акаси! У кела солиб, Азизни юпатиш ўрнига, елкасига ўзини ташлаб, ҳўнг-ҳўнг йиғласа бўладими! Азизнинг ҳам дил яраси қайта очилиб, йигитларга хос хунук овоз билан ўкириб йиғлаб юборди. Атрофдагилар атайлаб индашмади. Охири обдан тўйиб хумордан чиқиб олишди-ю, юраklarини эзиб келган алам юкидан фориг бўлгандай, бир-бирларига тикилиб қолишди. Маҳамат чатоқ шундан кейингина Азизни ўз фарзанди, ўз туғишганидай маҳкам бағрига босиб, кифтини силаб, кўнглини кўтара бошлади. Шу орада ҳовли яна дўпир-дўпир бўлиб кетди. Маҳамат чатоқ қишлоғидан бир автобус одам йиғиб келган экан...

Азиз ўша манзарани ҳозир яна бошдан-охир эсларкан, киприкларига тирқираб ёш чиқди. Биров кириб қолишидан ийманиб, апил-тапил кўзини артди ва сум-

касидан ўз тажрибалари тўғрисида ёзаётган илмий хисоботини олди... Орадан сал ўтмай, эшик гийқ этиб очилди-ю, Муҳиддин Жабборович шошилганча бош суқиб, Азизга «илтимос, менга бир учранг», деб йўлак полларини гичирлатганча тез-тез юриб кетди. Азиз қоғозларини сумкасига жойлаб, домланинг хонасига кирди. Муҳиддин Жабборовичдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У Азизга «ўтиринг», деб жой кўрсатди.

— Тунов куни сизни сўрашаётганини айтувдим-ку, — деди у Азизга зимдан тикилиб. — Эҳтимол, эшитгандирсиз? Расул Оллоёрович айтдиларми?

Азиз бошини қимирлатиб «айтдилар» дегандай ишора қилди ва индамай, гапнинг давомини кута бошлади. Домла «ҳа, тузук» деган маънода калласини ликиллатиб, бир оз сукут олди. Кейин тўсатдан бошқа мавзуга кўчди:

— Ҳаммаси жойида бўлдими? Кампирнинг маъракаларини айтяпман?

— Раҳмат, домла. — Азиз ерга қаради... — Дўст мана шунақада билинаркан. — Шу гапидан сўнг Азиз бир оз ўнғайсизланиб, қимтинди. — Агар сизни нима биландир хафа қилган бўлсам, домла, кечиринг мени. Раҳмат сизга, шунчалик ҳурматингиз учун.

— Э, э, нега бундай дейсиз? Ваҳоланки, фотиҳага борганим учун сиздан раҳмат эшитишим керакми? Яшанг, омон бўлинг! Тирик одам учун бу ахир жуда-жуда зарур-ку!

— Шундай-ку... Лекин унга амал қилган ҳам бор, қилмаган ҳам...

— Балли! Аммо буниси ўғил бола гап бўлди! Ваҳоланки, бунисига кўшиламан! Гердайиб қаерга борардик? Қамиш ҳам гердайиб-гердайиб охири бўйра бўларкан! «Мени кечиринг», дедингиз. Ваҳоланки, Азизжон, мен сизни аллақачон кечирганман, укам! Кечирганман! Ёшликда, эҳ-ҳе, нималар бўлмайди! Ҳаётнинг ўзи вақти келиб одамни шиннидек қуюлтириб қўяди. Аммо сиздан битта хафалик жойим: сизга астойдил яхшилик истасам, сиз буни тушунмадингиз. Ваҳоланки, мана шундан хафа бўлдим, Азизжон. Қолгани нима, сан-манга борилмаса, биров бировни чимчиб турмаса, фан фан бўладими?! Раҳмат, ука, мардлингизга! Энди сиздан хафа эмасман, мутлақо!

— Раҳмат, домла, минг раҳмат сизга.

— Ҳали бу боши, раҳматни кейин айтасиз, канди-

датликни ёқлаб, дипломни мана бундай чўнтакка солганингизда айтасиз асосий раҳматингизни! Хўпми?

Муҳиддин Жабборович фикрларини бир ерга жамлаб, «гапни нимадан бошласамикин», дея ўйланиб қолгандай бир оз жим турди ва охири:

— Азизжон, — деди, — кампирнинг маъракасига борганимда секин разм солдиму ёшлигим эсимга тушиб кетди. Ваҳоланки, мен ҳам сиздек қийналиб ўсганман. Битта-яримта суюнчигимиз ҳам йўқ экан денг! Ваҳоланки, ҳамма ёқламаганда ҳам сиз ёқлашингиз керак! Масланинг моддий томонини айтяпман-да. Бобой қариб қолиптилар. Оиланинг бошлиғи экансиз. Энди бундай юриш бўлмайди. Тезроқ ёқлаш керак, ёқлаш керак. Шорасулдақаларга унчалик шарт ҳам эмас, аммо сизга керак. — Шу ерда Муҳиддин Жабборовичнинг афти буришди. — Биласизми, истеъдодсиз одам бари бир бирон йўлини топади, ваҳоланки, талантга қийин. Бу гапларни биз билмаймиз деб ўйлайсизми? Э, ҳали кўп нарсаларни тушунасиз, ҳали шошманг...

Шу топда Азизнинг миясига Шорасулнинг зиёфатида Муҳиддин Жабборович айтган «сиз, Шорасулжон, фанда жуда тўғри ва рационал йўлни танлагансиз» деган мақтов гаплар лоп этиб келиб урилди-ю, домладан ранжиди. Азиздаги бу ўзгаришни Муҳиддин Жабборович сезиб кулимсираганча:

— Кўп нарсаларни ҳали тушунмайсиз, ука, — деди кўнглида алланималар ва кимларгадир шама қилиб. — Одам баъзан ўз хоҳишига қарши боришга мажбурлигини билмайсиз... — Сўнгра яна бирдан суҳбат мавзуини бошқа ёққа бурди: — Хўш, Расул Оллоёрович нима дедилар?

— Ҳамма маълумотларингиз, натижаларингиз ва янги навга оид гапларингизнинг барини икки кунда қоғозга тушириб беринг, дедилар.

— Ҳм-м... — Муҳиддин Жабборович қаншарини ишқади; негадир дераза тепасига кўз тикиб, осмонга қаради. Бир оз сукутдан кейин: — Ҳар қалай, у киши институт директори, — деди маъноли насиҳатгўйлик билан. — Қандай илмий ишлар олиб борилаётганини, умуман бўлса-да, билиб туришлари керак. Ҳа, тузук, тайёрлайверинг-чи, биргалашиб кўрармиз. Майли, ҳозир рухсат, — Муҳиддин Жабборович хаёлга толди.

Азиз энди эшикни очишга чоғланганда, домла: «Ҳа, бир минутга... ёдимдан кўтарилай депти, бери

келинг, мундай ўтиринг», — деб галадонини титкилаб, буклоғлиқ бир газета олди. Азизга Маҳамат чатоқ иккаласи тушган ҳу кунги расмни кўрсата туриб, кулди.

— Сирдарёдан қайтишда тажриба участкангизга кириб ўтдим. Манови Маҳамат Турдибоев билан ҳам тасодифан учрашиб қолдик. Хўп азамат одам экан, мириқиб суҳбатлашдик. Пахталарингиз дуруст. Ваҳоланки, Турдибоев айтган гаплар рост чиқса, ўшаларнинг барига илмий жавобингиз тахт бўлса, унда кандидатман деяверинг. Пахтангиз яхши. Жуда яхши! — Муҳиддин Жабборович «тушунарлими?» дегандай қўл силкиб қўйди. Кейин: — Шорасулнинг божаси Йўлдошвой бизга жиян бўлади, — деди. — Бирга боргандик участкангизга, Йўлдошвойгаям ёқиб қопсиз жуда... «Тоға, иложи борича Азизжоннинг ишини тезлатинг», деб қолди у ҳам...

Одамларнинг меҳрибонлиги ва кейинги кунларда ўз илмий тажрибалари бирдан силжиб кетганидан кўнгли эриб юрган Азиз бу гапдан сўнг баттар ажабланди. Нима бўляпти ўзи?! Айниқса, Муҳиддин Жабборовични тушуниш қийин... Наҳотки, у ўз фикридан шу қадар тез қайтадиган кишилар тоифасидан бўлса? Унда шунча йиллик тоат-ибодат ҳам бекор экан-да? Йўқ! Йўқ! Муҳиддин Жабборович бекорга давлатнинг, халқнинг эркатоийга айланмаган! Унда... Нега? Кимсан мана шундай нуфузли академик бирдан Азизга элакишиб қолди? Наҳотки, бунга фақат катталар айтган дашномгина сабаб?! Йўғ-эй! Муҳиддин Жабборович кўп йиллик фаолияти давомида бунақанги даҳанаки жангларни соннинг марталаб кўргандир, ахир! Ҳатто баъзи шогирдлари унинг дадиллиги, казо-казо олимлару раҳбар шахслардан ҳам тап тортмай, ўз фикрида қаттиқ туришини латифамонанд ташбеҳлар билан сўйлаб юришадими-ку? Унда... наҳотки, у ишимнинг асл моҳиятига энди тушуниб етган бўлса? Наҳотки?

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг одатини, ўрни келса, ўлгудек қаттиққўллигини ўз танасида неча бор синаб кўргани учун ҳам унинг кейинги муомаласидан ажабланарди. Дуч келган жойда Азизни яниб юрувчи одам нега бирдан унинг ишларини «Жуда яхши!» деб қолди? Қай лафзига ишониши керак унинг?..

Азиз домланинг олдидан мавҳум бир кайфиятда чиқди ва Расул Оллоёровичнинг деярли буйруқ оҳанги

билан айтган гапи ёдига тушди-ю, хонасига кириб, қоғозларини олишдан олдин «ишни нимадан бошласамикин», дея ўйланиб қолди...

14

Икки кундан бери Муҳиддин Жабборовичнинг егани ҳам, ичгани ҳам татимайди. У, шундоқ кўз ўнгида, шундоқ ёнгинасида ақл бовар қилмас кашфиёт вужудга келганини сира ҳазм қилолмасди. Ўтган куни Расул Оллоёрович икковлари Азизнинг қисқача ҳисоботи ва унга илова қилган жадвалларини кўриб чиқишди-ю, Муҳиддин Жабборович бирдан ҳайрон бўлиб қолди. Ҳар қандай мушкул вазиятдан ҳам қуруқ чиқиб, ўзига йўл топиб кета оладиган Расул Оллоёрович эса пинагани бузмай, гапни дарров бошқа ёққа бурди:

— Домла, биз ҳам қарий бошлабмиз. — Одатда у бировнинг устидан сал ачитиб тапирмоқчи бўлса, уни мана шундай «домла», деб эъзозларди. — Шарманда бўлишимизга сал қолди. Аввалам айтувдим-а, бурнимизнинг остидан битта эпчил кўтариб қочмасин деб. Агар обком қимирлатмаганда шундай бўларкан ҳам. Аммо-лекин йигитларимиз зўр-а, домла? Қойил, тузларини оқлашяпти.

Расул Оллоёровичнинг гапига Муҳиддин Жабборовичнинг энсаси қотди. Қошлари чимирилиб, ичида: «Нукул ўзини ўйлайди, ўзига гап тегмаса бас...» дея ижирғанди. Кейин: «Обкомга сиз бора қолинг, мен нима қилдим», деб ўзини тарозига солган эди, Расул Оллоёрович ҳам қистаб ўтирмади, «майли, бирон гап бўлса, келиб айтарман», деб гапни кесиб қўя қолди.

Муҳиддин Жабборович ўз хонасига чиқиб кетди, бироқ сал ўтмай юрагини гулгула босди. «Нега қўшилиб бормадим? Ахир, Расул Оллоёрович селекционермаску? Назариётчи! Ваҳоланки, жадваллардаги оламшумул маънони тузуккина тушунмаяптиям... Одам ишонмайдиган даражада йирик кашфиёт юзага келганини англаб етмаяптиям!...»

Муҳиддин Жабборович эса Азизнинг ишини бир марта кўздан кечирди-ю, ром бўлди-қолди. Унга ҳар қанча эътироз топишга уринса ҳам бари бир тополмади... «Расул Оллоёрович шундай муҳим тадқиқотнинг мислсиз аҳамияти, кўламини билмагач... обкомда тобиға етказиб изоҳлаб бера олармикин? Изоҳлаб беролмас. Ҳа, майли, бир жиҳатдан бу қайтага яхши! Бирдан

ҳовлиқиб кетишмасин... Ҳали уларга Муҳиддин Жабборович керак бўлади! Исташса-исташмаса, ёқтиришса-ёқтиришмаса — бари бир, пахта уруғчилиги борки, Муҳиддин Жабборовичсиз битмайди!..»

Мана ҳозир ҳам тун ярмигача ухламай, ўз хонасида ивирсиланиб ўтираркан, Муҳиддин Жабборович Расул Оллоёровичнинг бирдан чаққон бўлиб қолганини хаёлан кўз олдига келтирди-ю, яна гаши келди. «Тайёрига айёр бўлишни кўзлаяпти. Ваҳоланки, қўшилиб борганим тузук эди. Қонуний ҳаққим бор... ахир Азиз — аспирантим. Ҳамиша ўзи шундай: ҳар бир кашфиёт — коллектив интилишларнинг маҳсули! Ваҳоланки, якка одамнинг қўлидан нима ҳам келарди? Ёлғиз отнинг чанги чиқади-ю, донғи чиқмайди! Азизга ахир озмунча кишиларнинг меҳнати сингиб, ёрдами тегмадими?! Аммо-лекин обкомдаги суҳбатда ўзим бош-қош бўлишим керак эди. Ким билади... тарози қаёққа оғиб кетишини? Наҳотки, шу ишларнинг бари-ни биргина Азизнинг ўзи қилган?..»

Муҳиддин Жабборович миясига тўсатдан келган мана шу фикрини маҳкам ушлаб олди-ю, шу аснода худди ўзи учун муҳим бир ҳақиқат кашф этгандай юраги орзиқиб кетди. Бирдан ғайрати кўзиб ўрнидан турди. Рўпарасидаги бутун деворни энлаган китоб жавонининг тепасига кўз тикди. Ўша ердаги сарғайиброқ қолган оқ қоғоз папкани мўлжаллаб нарвончани сурди ва папкани олиб нарвонча пиллапояларидан тушиб чангини қоқди, боғичини ечди, кейин пахта тушиб, ичидаги қоғозларини столга ёзиб кўра бошлади. Бу ўн йиллар бурун ёшлар нашриётининг қистови билан совет олимнинг маънавий қиёфасига оид ёзиб берган оммабоп китобчасига йиғилган ҳар хил материаллар эди. Муҳиддин Жабборович ҳозиргина, «Наҳотки биргина Азизнинг ўзи?» деб ўйлади-ю, бирдан кўз ўнгига шу папка келди. Илмий манбаларни бир эслашдаёқ бехато топадиган ўткир ақли ўша папкада қандайдир бир муҳим фикр борлигини сезгандай, нимадир хотирига келаверди... Муҳиддин Жабборович охири ўша қоғозни — таги нотекис йиртилган кичкинагина катак варақни топди: «Ҳар қандай илмий меҳнат, ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай ихтиро умум, кўпчиликнинг меҳнатидир. У — бир қисми замондошларнинг кооперацияси, бир қисми ўтган даврларда яшаганларнинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида бунёдга келади.

Карл Маркс». Муҳиддин Жабборович шоша-пиша қоғознинг орқа-ўнгини ағдариб қаради, бироқ, афсуски, аниқ манбаси ёзилмаган экан. У ўзини койиди. Умр бўйи шу, баъзан таъбига ёқиб кетган зўр фикрларни кўчириб олади-ю, қаердан, қайси китоб, қайси бетдан олинганини ёзишни эса унутиб, кейин қанча овора бўлиб юради...

Муҳиддин Жабборович негадир тўсатдан Шорасулни эслаб, «топиб беролармикин манбасини», деди ўзига-ўзи ва ўша заҳоти бу фикридан қайтди. Яна хаёли Азиз яратган кашфиётга бориб тақалди.

Қосимов қўлга киритган ютуқнинг ҳали ҳеч ким илғаб ололмаётган мислсиз кўламини қайтадан кўз ўнгига келтирди-ю, галати бир маҳзунлик билан ўзининг Азиздака онларини эслаб кетди. Муҳиддин Жабборовичнинг ҳам бошида не-не калтаклар синмаган! Не-не ур-сурларни кўрган у ҳам!.. Мана, бугунги кунга келиб, Муҳиддин Жабборович энди айтгани-айтган, дегани-деган олим бўлиб юрибди. Аммо у пайтларда Муҳиддин Жабборов ҳам ҳамма қатори бир илмий ходим эди. Гоҳо-гоҳо у ўзи босиб ўтган паст-баланд умр йўлларига хаёлан разм соларкан, ҳозир ҳеч ким тил теккизолмайдиган аллома бўлиб кетганига ҳатто ўзи ҳам ажабланади. Кейин ўша навқирон йигитлик дамлари, ёши улуғ ва хизмати кўпроқ олимлар билан айтишиб, вақти келса, улардан калтак еб юрган пайтлари эсига тушади-ю, «наҳотки, мен ҳам ўшалар сингари ёш кучларни кўролмайдиган бўп қолганман-а», деб юраги гашланади. Бир гал роса қизишиб, эътиборли домлардан бирини юзхотир ҳам қилмай: «Эҳ, айниқса, аҳмоқ одамнинг олимлигига чидаш қийин! Тараққиётнинг энг хатарли душмани — аҳмоқ олим!» деб юборган ва кейин қанча вақтгача тилхат ёзиб, сал бўлмаса партиядан ўчиб кетай деган ҳам мана шу Муҳиддин Жабборович эди. Ўша пайтларда, бечора кечаю-кундуз изтиробда юарди. Ҳамма нарсадан воз кечиб, бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйгандек, фанга ҳам тупуриб, бошқа касб топмоқчи бўлган вақтлари... Эҳ-ҳа!.. Ахир, кўпчилик бўлиб оқни қора, қорани оқ деб туришгандан кейин додингни кимга айтасан? Кимга?! Мана, энди ўша эҳтиросларнинг бари унутилиб кетди. У заҳмат, у машаққатларни кейинги шон-шуҳрат завқсафоси эритиб, ному нишонсиз қилиб юборди. Лекин унда...

Нима учун ҳалиям Муҳиддин Жабборович ўзидан-ўзи ўша ўтган воқеаларни эслайпти? Нега эслайпти? Бу аламли эслашлар, наҳотки, Азизга қилган кўп йиллик ноҳақликлари билан алоқадор бўлса?.. Аммо яхши бир кашфиёт юзага келган экан, у бошдан-охир Азизникими? Ахир, у ўша мақтанган ёввойи *taxicanum* гўзасини осмондан тушган навга чатиштирганмиди? Ваҳоланки, Муҳиддин Жабборович бутун умрини бағишлаган «Ф» навига чоғиштирган-ку! Демак, осмондан тушмабди-ку! Нафсиламрига ким уни осмондан тушган деяпти? Ҳеч ким! Ҳали ҳеч ким бу масалани кўтаргани йўқ. Ўзимча ваҳима қиляпман!.. Менинг тажрибаларимга, қолаверса, тўғридан-тўғри камина яратган навга мурожаат этмаганда, хўш, Қосимовнинг эркак уруғидан нима чиқарди? Ҳеч нарса! Демак, бу ерда масалани сал кенгроқ ўйлаш керак, кенгроқ ўйлаш керак... Ҳали бу тайёр нав атрофида Расул Оллоёрович сингари пашшадай айла нишадиганлар кўп топилади! Олдини олиш керак, олдини олиш керак... агар принципиал ёндашилса-ку, бу ерда ҳеч қандай кашфиётнинг ўзи йўғ-а! Ўша мен бундан қирқ йил аввал бошлаган ишнинг давоми, холос! Давоми! Фарқи фақат шуки, мен маданий навларни чатиштирдим. Ҳатто географик узоқ навларнинг ҳам маданийсини танлаб чатиштирганман. Қосимов бўлса, таваккал қилиб, бир тараф уруғликка эркаклаб кетган навни қўйиб текширди. Хўш, нима, бўпти?! Али — Хўжа, Хўжа — Али!..

Муҳиддин Жабборович шу тақлид фикр юритаркан, ора-сира ўз виждони олдида қийналар, ҳар қалай, бу даражада инсофсизлик, бировнинг тайёр ошига бу даражада чанг солиш одамгарчиликка иснодлигини ўзига-ўзи уқтирар... аммо қанча ўйламасин, ўзини қанчалик айбламасин, бари бир кўнглида туғилган ўша хуфёна нияти тобора кучайиб, тобора катталашар; бу ният эса ўз навбатида Муҳиддин Жабборович дилида қатъий бир ишонч пайдо қилган; бу ишонч — шу институт даргоҳида нимаики яратилган, нимаики кашф этилган бўлса, ҳаммаси деярли унинг паноҳида амалга оширилган, буни каттадан-кичикнинг бари билади, тан олади, деган ишонч эди.

Шундай қилиб, Муҳиддин Жабборович бир-икки кун ичидаёқ Азизга нисбатан рақиблик сафидан биратўла унга ҳомийлик, раҳнамолик қаторига ўтди-қўйдики, бундан ҳатто ўзи ҳам ажабланар, «шунча пайтгача

боёқишни бекорга азоблаб келибман-а. Эҳ, хом сут эмган банда! Бечора ҳеч бир шогирд қилмаган ишни қилиб... тадқиқотларимни давом эттириб, ривожлантириб, силжитиб юрган экану мен бўлсам уни нукул дўппослабман. Расул Оллоёровичнинг гапида жон бор, анча қарибмиз...» деб, баттар эриб, баттар ширин хаёл сурарди.

«Бироқ одамлар нима дейди? Эшакнинг ўзи ҳарому кучи ҳалол экан-да, дейишмайдими?.. Йўқ, йўқ! Бу — масаланинг майда, ташқи томони! Ҳаётда икки одам, ваҳоланки, бир-бирини ўлгудек ёмон кўриши, ёқтирмаслиги, аммо қилган ишлари объектив равишда бир нуқтада қўшилиб кетиши мумкин-ку? Мен Қосимовни ҳали ҳам одам сифатида бир тийинга олмайман. Хўш, буни менга ким ман этади, ким тақиқлайди? Лекин фандаги йўналишимиз, қарашларимиз маълум вақтда... ахир, у бегона эмас, аспирантим... Олди-қочди фиску фужурлар эса доимо бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Майда гаплар ҳамиша майда одамларнинг иши! Энди шундан кўрқиб ҳақиқатдан юз ўгирайми? Моҳиятдан юз ўгирайми? Қолаверса, институтдаги жамики олимларнинг нияти бир, ишимизнинг моҳияти ҳам бир-ку. Мамлакатга биздан янги нав керак. Гапирган гапираверади. Ким ҳақ, ким ноҳақдигини вақтнинг ўзи кўрсатади! Вақт кўрсатади...»

Муҳиддин Жабборовичнинг кўнглида бирдан пайдо бўлган ва дам сайин улғайиб бораётган бу ишончдан ҳозир ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Буни Муҳиддин Жабборович нафақат Расул Оллоёровичдан, ҳатто Азизнинг ўзидан ҳам кўп вақтгача сир сақлаб юрди. Лекин бу тамагир ишонч орада ҳали қанча-қанча ортиқча тортишувлар, ноўрин изтиробларни келтириб чиқаришини ҳам ҳозирча ҳеч ким билмасди...

15

Кўклам куёши теккач, дарёдаги музлар шу кўчгандан кўчиб, йўлидаги ҳамма нарсаларни ҳаракатга келтиргани сингари Азизнинг неча йиллардан бери бир нуқтада депсиниб ётган илмий тажрибаси ҳам партия газетаси ва партия органларининг диққат-эътиборига тушди-ю, бирдан ўрнидан силжиди. Илгарилари йўлакда кўриб қолганда ёки тасодифан йўлиққанда шунчаки бош ирғаб ўтиб кетадиган Расул Оллоёрович

энди Азизни кунда бир неча бор суриштирар, уни жамоат ишларига ҳам тортмоқчи бўлар, ҳатто обкомдан қайтгач, ундан, «комсомолда бўлганмисиз?» дея сўраб, Азиз «ҳа», дегач, «жуда соз», деб кўнглида нимадир режа тузган; орадан сал ўтмай институт активлари ичида партия ташкилотининг сёкретари Бобоқуловга: «Ёшлардан партия сафига олиш масаласини ўйлаяпсизми? Яқинда Марказий Комитетнинг ижодий ёшларга бағишланган алоҳида қарори чиқди-я! Бу қарор бевосита бизга ҳам алоқадорлигини унутманг... бизда ҳам партияга лойиқ ёшларимиз анчагина», деб писандаомуз маслаҳат берган эди...

Ўзи бахт бир келгунча қийин экан... кейин қайтага одам шошиб қоларкан. Азизда ҳам худди шундай бўлди. Ўша кунлари Москвада, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясида селекционерларнинг бир ҳафталик семинар-йиғилиши чақирилган экан. Расул Оллоёрович Азизни йўқлаттириб, тўсатдан, «Москвага борасиз, тайёрланинг», деганда, у ҳайрон бўлди, ҳатто аввалига «нима учун» деб сўрашга ҳам ботинмади. Директор эса шероёқли баҳайбат столдан аста чиқиб келиб, Азизнинг тирсагидан ушлади-да: «Бир оз тайёрланиб ҳам олинг, сизгаям сўз бериб қолишлари мумкин...» дея меҳрибончилик қилди. Азиз шундагина нима гаплигини сўради.

— Биз сизни ёмон жойга юборармидик? — деди Расул Оллоёрович кулиб. — Семинар бўлади, селекционерларнинг Бутуниттифоқ семинари. Биздан сиз қатнашиб келасиз. Ишингизга ҳам нафи тегади...

Азиз бу янгиликдан ҳатто сал қизариб кетди. Иттифоқ семинари бўлса, казо-казо олимлар, академиклар, асрларга татийдиган кашфиётларнинг муаллифлари йиғилса-да... Азиз нима деб боради шундай жойга? Сўраб-суриштиришса, «қандай ишларингиз бор», деб қизиқишса, нима жавоб қилади у?... Айниқса, Муҳиддин Жабборовичнинг устози, ҳомийлари ҳисобланган кўпгина олимлар унинг «ўзбошимчаликлари»дан хабар топишган бўлса, нақ олдиларига солиб ҳайдашмайдими?!

Азиз шуларни ўйлаб: «Домла, ишончингиз учун минг раҳмат, аммо Муҳиддин Жабборовичлар турганда бизга йўл бўлсин...» деди ерга қараб. Расул Оллоёровичнинг қошлари чимирилди, нозик кўзойнагини қўлига олиб, «ҳух», деди-да, дастрўмоли билан тозалай бошлади. Кейин гапни чўрт кесиб:

— Энди бормасангиз бўлмайди, келишиб қўйганмиз. Муҳиддин Жабборовичнинг ўзлари розилар, — деди ва шероёқли баҳайбат столига бурила туриб: — Тезроқ ҳаракат қилинг, индинга биринчи рейсда учасиз, — деди буйруқ оҳангида. Гўё директорнинг гапини тасдиқлагандай, қабулхонадаги қадимги соатнинг тантанавор данг-дунг овози эшитилди. Кейинги дақиқада Азиз орқа ўгириб турган девордаги осма соат ҳам унга даранг-дурунг «жўр» бўлди. Расул Оллоёрович қоғозларни йиғиштириб, тушликка ҳозирлана бошлади.

... У Москвадаги семинарга одам юборишдан олдин анча бош қотириб кўрди. Осони, Муҳиддин Жабборовични юбора қолиш эди. Чунки ҳар бир идорадаги каби илм даргоҳларида ҳам катта, масъул командировкаларга жўнатиладиган алоҳида кишилар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Осони шу: уларга ортиқча гап уқтириб ҳам ўтирмайсан; командировка дегани худди ҳадсга ўхшаб, улар ўйлаганингдан зиёда қилиб институтнинг, қолаверса, республика илмий жамоатчилигининг обрўйини жойига қўйиб келишаверади. Янги одам юборилса-чи?.. Аввало, унга ҳаммасини бошдан-оёқ тушунтиришинг, шундаям «ишқилиб, бутун мамлакат олимлари орасида шарманда қилмаган бўлсинда», деб юрагинг пўкиллаб тургани-чи!.. Муҳиддин Жабборович пахта уруғчилиги институтининг ана шундай иттифоқ миқёсидаги нотиғи, минбари эди. Сал анжуман бўлса, у киши жўнатилаверарди. Чет эл, Москва ва бошқа марказий шаҳарларга командировкаси кўпайиб кетган пайтларнинг бирида ҳазилкаш оғайниларида биттаси: «Дўстим, Тошкентга ҳам тез-тез келиб туринг-да», деб атрофдагиларни кулдирган экан. Бундан Муҳиддин Жабборович ранжимамай, қайтага янаям руҳи кўтарилиб, ўзининг қиёси йўқ одамлигидан мамнун бўлган экан. Мана энди Расул Оллоёрович дабдурустдан ҳали ҳеч ким танимайдиган, бунинг устига яқингинада ҳамма уни довдир деб юрадиган хашаки бир болани шунақанги катта илмий анжуманга вакил қилиб йўллапти. Бунинг фақат Расул Оллоёровичгина биладиган бир сабаби бор эди. Кейинги вақтларда у Азизга муносабатини ўзгартирди, албатта. Айниқса, маъмурий идоралар унинг тажрибалари билан кўпроқ қизиқа бошлаганларидан сўнг Расул Оллоёрович мушкул бир аҳволга ту-

шиб қолди. Азизни ёқлай деса, ҳали қўлида тайинли асоси йўқ. Инкор этай деса, юқори идоралар тинч қўйишмаяпти... Иккала йўл ҳам, суриштириб келганда, жавобгарлик билан боғлиқ. Шунинг учун у секингина киевлик бир таниқли селекционер дўстига телефон қоқди-да, «оғайни, бизда мана шундай иш қилиняпти, яъни маданий навга ёввойи навни чатиштириш усули билан вилтга чидамли, ҳосилдор пахта нави етиштирил-япти», дея гап ташлаб кўрди. Янги буғдой навларини яратиб, бутун мамлакатга шуҳрати ёйилган ўша дўсти иккови бундан олти йил муқаддам ярим ойча Канадада бирга бўлишган, канадалик уруғшунослар билан тажриба алмашиб қайтишганди. Шу боисдан, кўнгилларига нима келса, бир-бирига тортинмай айта оладиган қалин дўст, чинакам ҳамфикрга айланиб кетгандилар.

Ўша дўсти Расул Оллоёрович ҳали гапини тугатмасданоқ оғзидан олиб: «Янги нав яратилдими ёки яратил-яптими?» деб сўради. Расул Оллоёрович: «Ҳали хомроқ гап. Дастлабки натижалар... энди яратил-япти», дея жавоб қилганда, дўсти яна уни саволга тутиб: «Кимнинг иши бу, Муҳиддин Жабборовичникими?» деди. Расул Оллоёрович бир оз дудуқланиб: «Йўқ, йўқ, ёш бир йигитларимиздан», деб мужмал жавоб қайтарди. Украинлик олим бир зум ўйланиб қолди-да, кейин: «Ҳар қалай, бу телефонда ҳал бўладиган масалага ўхшамайди, уни албатта кўриш керак. Чамамда бекорга вақт кеткизаётганга ўхшайсизлар. Ёввойи нав одамни алдаб қўяди...» деб яқун ясади гапига. Буёқда эса республика маъмурлари қистаб қўйишмаяпти! Расул Оллоёрович бамисоли икки ўт ичида қолгандай. Нима қилиш керак? Айни шу дамда боя айтганимиз, илмий семинарга одам чақириб, Москвадан телеграмма юборишди. Шунда бирдан Расул Оллоёровичнинг эсига Азиз тушиб қолди. Лекин, бари бир, тагин кўнглига бир гап келмасин, деб аввалига семинарга боришни Муҳиддин Жабборовичга таклиф қилиб кўрди. Аммо Муҳиддин Жабборович шу кунларда унча кайфияти йўқлиги учунми ёки сал таранг қилибми, «келинг, сиз ҳам бир марта хўп денг энди, ҳадеб биз бораверамизми. Ваҳоланки, ёшлардан жўнатинг... мана, масалан, Азиз Қосимовни», деган эди, Расул Оллоёрович бир кулимсиради-ю: «Шундайми, а? Майли, сиз айтганингиздан кейин иложимиз қанча...» деб дабдурустан кўниб қўя қолди; бунга ҳатто Муҳиддин Жабборович ҳам ажабланди. Ас-

лида, Расул Оллоёровичнинг мақсади бошқа эди; у Азизни семинарга юбориб, унинг ишлари қай даражада ҳаётийлиги ва унга марказдаги йирик фан арбоблари қандай муносабат билдиришларини зимдан синаб кўрмоқчи эди. «Шундан-шунга овора бўлиб боргандан кейин кимлиги, олиб бораётган тадқиқотлари ҳақида ҳам гап очилади-да, бари бир». Мабодо таниқли олимлар Азизнинг ишига қатъиян эътироз билдирсалар, ҳалиям кечмас... буни раҳбарларимизга тушунтириш, бундай қалтис ишни шошмашошарлик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш оғир хатоликка олиб келишини уқтириш мумкин. Аксинча, Азизни ёқлашса, унда Расул Оллоёрович у ишлаб чиққан тажриба натижаларини институтнинг кейинги йиллардаги энг муҳим амалий ишларидан бири қилиб кўрсатиш орзусида эди...

Муҳиддин Жабборович ҳам Расул Оллоёровичнинг анойиларданмаслиги, Азизни қандайдир бир ният билан Москвага йўллаётганини сезди-ю, лекин нималигини аниқ билолмай хуноби ошди. Ўйлаб-ўйлаб охирига етолмади-да, кейин, «қойнақой, у хотамтойлик қилиб Азизни қўлга олмоқчи, ўша ишга шерик бўлмоқчи», деган хулосада тўхтади. Сўнгра Азизни ўз хонасига чақириб, бундай илмий анжуманларнинг тартиби, йўлга чиқишдан олдин нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида анча-мунча маслаҳат берди. Азиз худди гирдобга тушгандай гарангсиб қолган, юз бераётган кўп ишлардан хижолат, кимга нима дейишини ҳам билмасди.

Охири Расул Оллоёрович айтган куни биринчи рейсда Москвага қараб учди...

* * *

Салтанат Азизни узоқ сафарга икки хил кайфиятда жўнатди. Эри, «Мени Москвага, илмий семинарга юборишяпти», деган гапни топиб келганда худди пойтахтга Салтанатнинг ўзи бораётгандай юраги орзиқиб тушди. Кейинги дақиқада эса шунча йилдан бери ҳар куни бирга юриб, бирга туриб, ёнидан сира нари жилмаган кишиси тўсатдан бир ҳафтага Москвадек олис шаҳарга кетаётганидан кўнгли хийла хомушланди. Ҳадеса командировкага боравериб пишган одамларга бу кулгили туюлади, албатта. Салтанат учун эса... Ҳатто шу бир ҳафтага кетаётган эрини ҳам азза-базза аэропортгача

кузатиб, йўлда ейиш учун майда-чуйда овқатлар пишириб жўнатди. Қайтиб келишига эса ойисини чақириб, Азиз акаси яхши кўрадиган қазили норин тайёрлатишни кўнглига тугиб кўйди. Ойиси ҳам қизининг чаққон бўлиб қолганини кўриб, ичида севинди... Ҳар қалай, уйдан эшикка чиқмаган, бор умри фарзандларининг ташвиши билан ўтган бу аёл аслида ўғил-қизларининг беминнат хизматкори, канизагига айланиб кетган, улар эзилса она ҳам эзилар, қувонишса қувонар эди. У болалари нима қилса тўғри дейдиган, нима деса дарров маъқуллайдиган, эртаю кеч фақат «уни ё буни ич», деб атрофида гирдиқапалак бўладиган кўнгли бўш, меҳрибон она эди. Авваллари Салтанатнинг сира чигали ёзилмай, кун сайин тажанглашиб, озиб-тўзиб бораётганини кўрган вақтларида, не азоблар билан кўксининг остида олиб юриб туққан боласи-да, шуларнинг барига ношуд, «оғзинг қани деса, қулоғини кўрсатадиган» Азизни айбдор деб ҳисоблар, Салтанатнинг ранг-рўйи ёмонлашган сари куёвига нисбатан унинг ички адовати ҳам улғайиб борарди. Унинг оналик меҳри фақат ўз болалари атрофидагина парвона эди. Уларни шу даражада кўр-кўрона яхши кўрганидан бошқалар ҳам, масалан, шу куёви Азиз ҳам бировнинг худди ўзиникига ўхшаш ширин-шакар дилбанди, жигаргўшаси эканини ҳам тан олгиси келмас, шу боисдан у баъзан эртақлардаги жодугарга ўхшаб кетарди.

Лекин кейинги пайтларда Салтанатдаги яхши ўзгаришни ҳам биринчи бўлиб онаси пайқади. Мана, ҳозир ҳам қизининг «куёв бола»га ҳатто ўзи йўғидаям соясига кўрпача солиб, меҳрибончилик қилаётганидан севиндигина эмас, ийиб кетди. «Озми-кўпми, очми-тўқми... бировдан ортиқ, бировдан кам... ишқилиб, тиниб-тинчиб ўтиришибди-ку. Илойим, бунисининг кўзида ёш кўрмай ўтай. Маърифатимга ўхшаб бахти қаро бўлганда қўлимдан нима келарди? Ўттизга чиқмай ўтин бўлиб ўтирибди, болам бечора... Илойим, жигарбандларининг бошқа азобини кўрмай, елдай келиб, селдай кетай, ўзим ҳам уларга хор бўлмай...» У шунча йиллик умрида не-не савдоларни бошидан кечирмаган ахир! Одам боласи қизиқ экан ўзи, қандайдир тушуниб бўлмас шайтоний бир ҳавас билан бойликка, бошқалардан ажралиб туришга интиларкану оқибатини ўйламас экан. Мана, катта ўғли — егани олдида, емагани кетида. Аммо у бахтлими? Бахтлими? Нега унда бош

ўғли, обрўйи, давлати ошиб-тошиб ётган шу Мирҳосили мундай бир очилиб-сочишиб, хурсанд юрмайди сира?! Қачон қарасанг, пешонасини ушлаган, нимадан-дир боши қотган, бафуржа гаплашишга ҳам вақти йўқ... Одамда ҳамма нарса бадастир туриб, жонида роҳати бўлмаса қийин экан...

Салтанатнинг ойиси кейинги вақтларда бу ҳақда тез-тез ўйлайдиган бўлди. Қизининг кайфияти кўтарилиб, илгариги рутубаларидан қутулиб, тобора кўнгли ёзилган сари Азиз ҳам кўзига ёқимтой кўриниб кета бошлади. «Боёқиш, ювошгина бола бўлса... чигирткадай бир ўзи ишласа... Бой куёв нима қилиб берарди? Яхшиси, анови профессорнинг арзандасими?! Турқи курсин!.. Ундақалар юракни ўрташдан бошқа нарсани билишмайди! Худога минг қатла шукрки, жилла бўлмаса, Салтанатимга мана шундай мўмин-қобил, ҳар бир ушоқни ўз қўли, пешона тери билан топиб ейдиган куёвгина учради. «Оч қорним, тинч қулоғим»... жимгина яшаб юришибди. Тўғри, қариндош-уруғларга, тўй-томошаларга, орзу-ҳавасларга ҳадеганда элакишмайди. Туриш-турмуш кўтармаса, нима қилсин?.. Борига кўнади-да. Шунга яраша, оиласи тинч, ғалва йўқ. Ўзи шу: дунёнинг ишлари — бири бўлса, бири йўқ...»

Салтанат Азизни то самолётга кириб кетмагунча иккинчи қаватдаги баҳайбат ойна девор орқали кузатиб турди. Кейин автобусга тушиб уйига жўнади. Шундагина у киши билмас Азизга жудаям ўрганиб кетганини ҳис этди: «Наҳотки, шунчалик яхши кўрсам уни? Нафақат уйим, бутун вужудим хувиллаб қолгандай худди... Уришиб-талашсак ҳам, араз-димоғ қилсак ҳам бирга юрганимиз тузук экан! Бунчалиги хаёлимга келмаган эди? Тавба-а...»

Аэропортдан қайтгач, бир соатчалардан сўнг ойиси телефон қоқиб: «Қалай, яхши кузатдингми?» — деб сўради-да, охирида: «Салтан, — деди худди қиз пайтидагидек уни эркалаб, — ўғлинг, ана, ҳовлида чопиб юрибди, ўзинг кела қол шу ерга... Сенга ҳам қийин бўп кетди ўзи, қайнонанинг маъракаларида уриндинг... бир ўзингга қозон қайнатиб ўтирасанми?.. Қайси куни даданг ҳам «соғиндим», деяётувди...» деб ҳовлига таклиф қилди. Айниқса қаҳри қаттиқ дадасининг соғинганини эшитганда, Салтанат ғилқ этиб югинди-ю, кўзига ёш қалқди. Дарҳақиқат, орадан қанча йиллар

чопқиллаб ўтиб кетяпти-ю, мундай бир дадаси билан ойисини ҳам бориб кўрмайди. Яқинда телевизорда «ҳайвонот олами» программасини кўриб ўтирганда ҳам шу гап эсига тушган эди. Аллақайси денгиз қушларининг одати қизиқ экан... болаларини сал оёққа турғизгунча боқиб туришарканда, кейин бирдан ажратиб юборишаркан. Шу-шу, ота-онаси боласини, боласи ота-онасини бошқа учратмас экан. Кейин болалари ҳам болалаб... сал ўтмай яна ажралиб кетишавераркан. Шуларни кўриб ўтириб, Салтанатнинг жуда кўнгли бузилиб кетганди ўшанда...

Шу сабабдан Салтанат ҳозир ойисининг гапига ўйлаб-нетиб ўтирмай «хўп», деди. Бир ўзи нима ҳам қилди ҳайҳотдек уйда? Аммо «кирларим кўп, шуларни бир ёқли қилиб, кечроқ борарман», деди-да, ойиси рози бўлгач, севинганча ишга киришиб кетди. Фартуғини тақиб, ювиладиган нарсаларини ваннахонага хирмондай уйди; биринчи бўлиб оқ кирларни тоғорага солаётганда, эшик кўнғироғи жиринглади. Салтанат этлари живирлаб, ёмон бир нарсани сезгандай юраги ўйноқлаб кетди. Секин эшик олдига бориб, ташқарига кулоқ солди. Аввалига ҳеч шарпа эшитилмай турди-ю, кейин кимдир нафас олаётганга ўхшади. Яна кўнғироқ чалинди. Салтанат чўчиб тушди: «Йўлдошдир, ер ютгур, қаёқдан кела қолди дарров? Азиз акамнинг Москвага кетганини эшитган бўлса-я?! Ҳа, божасидан билган...» Салтанат нафасини ичига ютганча чурқ этмай тураверди. Тагин бир-икки кўнғироқ жиринглади-да, йўлакдаги одам энгашиб калит тешигидан ичкарига қаради-ми, алламбалолар қилиб ивирсиланди. Кейин енгил қадам билан зинадан пастга тушиб кетди.

Салтанат кўрққанидан ҳали ҳам оёқ учида юриб, дераза ёнига борди, секин пардани қия кўтариб ташқарига қаради. Ҳадеганда ҳеч ким кўринавермади. Охири, агар Йўлдош бўлса, ҳойнаҳой, бошқа ёқдан кетди шекилли, деб яна ваннахонага кирмоқчи бўлиб турганда, Йўлдош Салтанатларнинг деразасига аланглаганча уйни айланиб ўта бошлади. Кўлида тагин илчамгина оқ қоғоз ўрами. Салтанат уни кўриб, юраги шувиллаб кетди. Шу пайт Йўлдош худди у томонга телмириб, уни кўриб қолгандай бир сония таққа тўхтади. Салтанатнинг вужуди музлаб, бирдан пардани қўйиб юборди, апил-тапил ичкари уйга кирди. Ўзидан-ўзи ваҳм босиб, ўтиргани жой тополмай қолди. Ҳозиргина кўтаринки

кайфият билан ишга уннаган одам бирдан ихтиёри қўлидан кетиб, меровсиланди.

«Яхшиси, кеч кирмасдан ойимникига бориб олай», деди-ю, бошлаган иши жойида қолиб, шоша-пиша кийинишга тушди... қайта-қайта текшириб эшикнинг иккала қулфини беркитди, ташқарига чиқди. Назарида Йўлдош уни йўлакда кутиб тургандай ҳамон юраги така-пука эди. Аммо ҳаммаёқ осойишта, биров билан бировнинг иши йўқ... У шахдам юриб, автобус бекатига қараб кетди. Катта йўлни кесиб ўтиб, нариги томондаги уч-тўрт одам тўпланиб турган бекатга етганда, юқори тарафдан Йўлдошнинг ўша таниш «Волга»си аста жилиб кела бошлади. Аввалига Салтанат буни сезмади. Машина худди рўпарагинасида тўхтаб, Йўлдош олдинги ўриндиқ эшигини очиб, энгашганча Салтанатга кулиб қараганда у шошганидан «вой», деб юборди. Жонҳолатда атрофига аланглаб, «қўни-қўшнилари йўқми», деган хавотирда, гўё Йўлдошнинг илтифотини кўрмаётгандай юзини тескари буриб тураверди.

Йўлдош машинада ҳам чекиб, Салтанатнинг талмовсирашидан завқлаганидан атайлаб уч-тўрт марта қаттиқ сигнал берди. Шунда бекатдаги йўловчилар Салтанат билан Йўлдошга бири ажабланиб, бири ҳавасланиб қарай бошлашди. Салтанат кўпчиликнинг диққатини тортаётганидан ўсал бўлиб, азбаройи нима қиларини билмаганидан юлқинганча пастга қараб кета бошлади. «Шунча одамнинг ичида уялмай... орқамдан эргашса, адабини бераман», деди ичида. Чиндан ҳам Йўлдош машинасини Салтанатнинг қадамига мослаб аста юргизаркан, йўлқадан келаётганлар бу манзарага кулиб қарашар, унга сари Салтанатнинг сочлари тикка бўлиб, бу майнабозчиликдан қандай қутулиш йўлини излар, аламини кимдан олишни билмай, тишини-тишига қўйиб зўрга борарди. Буни Йўлдош ҳам сездими, машинасини тез юргизиб ҳу нарига бориб тўхтади. Шунда Салтанатнинг кўзига Йўлдошнинг дидсизлиги ҳам ярқ этиб кўриниб кетгандай бўлди. У машинасининг орқасига аллақандай лотинча ҳарфлар ва чет эл гербини туширган, орқа ойнасига оқ парда тутиб, икки томонга сидириб тортиб қўйган, ўртада бир-бирига тўхтовсиз бошини ликиллашиб турган иккита хунук ит ўйинчоқ, чап томонида эса орқадаги машинага «тўхта» дегандек пўписа қилаётган резина қўл... Орқани кўрадиган ойнага ҳам жунлари хурпайган қора маймун ўйинчоқ осиб

қўйилган, ўриндиқларига қизил пойандоз гиламчалар тўшалган...

«Яхши кўрган, севган одам шу ишни қиладими», дея ғазабланди Салтанат, энди орқасига қайтишга ийманиб. У, бола-чақа кўрганда ошиқ-маъшуқ бўлиш аксари ҳолларда ҳаётдан зериккан, жазманлик сафосида санқишга вақти ва имконияти бор кимсаларга хослигини, ўшандай эркаклар сира торгинмай бошқаларнинг хотинига кўз олайтиришини билар, бунақанги мисолларни кўплаб эшитган эди.

Йўлдошнинг Салтанатга интилишида ёшликдаги туйғуларнинг кучи ва жозибаси ҳам яққол сезиларди, албатта. Аммо унинг кўнглида турмушдан иложи бори-ча кўпроқ завқланиш истагигина ҳукмрон деган шубҳа Салтанатни кўпроқ ғазабга соларди. Унинг ҳиссиётлари шу қадар мураккаб, шу қадар тубсиз эдики, гоҳо-гоҳо журъати келиб ўзи унга мўралаб қарайман, деса, боши гир-гир айланиб кетарди. Йўлдошни учратгандан бери аслида ўртада ҳеч нарса юз бермагандай эди-ю, аммо... нимадир юз берган эди. У бутунлай ҳаловатини йўқотган, доимо ўзини хаёлан ғалати бир сирга интилаётган жойидан «ушлаб» олаверарди. У Йўлдош билан ораларида бўлаётган воқеа аёл киши, айниқса эри, боласи бор аёл киши учун кечирилмас гуноҳлигини ҳам билар, лекин «ҳаммавақт шундай давом этмайди-ку... кўнгил иши, эҳтимол, ўз-ўзидан қолиб кетар», деб, Йўлдошнинг совишини кутарди. Аслида бу истаги ҳам ўзини-ўзи алдашдан иборат эди.

Йўлдошнинг гаплари, айниқса кейин эсласа, Салтанатга жудаям хуш ёқарди. Ўзини тиёлмай унга талпинишлари, сержун, қорамтир, бақувват қўллари билан ҳаяжонга тушиб унинг билақларини силашлари, мажбурлаб ўпишлари эса бамисоли кечикиб келган баҳордек, бирдан ҳаммаёқни жонлантириб, бирдан ҳаммаёқни гуллатиб юборган илиқ фаслдек Салтанатнинг жисмини ёндирарди. Шунинг учун ҳам у бир неча бор Йўлдошга қаттиқ гапириб, кўнглини олдирмоқчи бўлган пайтларида ҳам бари бир буни қилолмади. Шундай дақиқаларда у бирдан икки хил одамга айланар, бири — тажанг, юраги тор, бироқ ҳалолу покиза Салтанат бўлса, иккинчиси — пинҳоний ўт ичида куйган, дадил, нимадандир ҳамиша умидвор, сирли Салтанат эди. У

оғир, қўрқинчли ҳолатларга тушган вақтида «энди баҳридан ўтаман... паттасини қўлига бераман... орани очиқ қиламан», дер эди-ю, лекин ўзганинг эътиборига ўрганган, мойиллашган юраги эса гўё энг азиз нарсасини йўқотаётгандай, кейин ўша бўм-бўш вужудига яна илгариги хасталиклари, асабий кайфиятлари бостириб кираётгандай туюлаверарди. Шунда у бамисоли қимматбаҳо буюмини қўлида маҳкам ушлаб, ҳибсга олишларидан олдин уни ташлаб юбориб қутулишни ҳам ёки бир амаллаб беркитиб сақлаб қолишни ҳам билмай, жонсарак ҳолга тушган ўғрини эслатарди. Салтанат Йўлдошга дуч келганида ёки уни ўйлаганида, бари бир кўнглининг қайсидир овлоқ тубларида бошни айлантирувчи бир қалқиш, орзиқиш сезади. Кейин ўзидан-ўзи қўрқиб кетар, ўзини-ўзи қаттиқ койир, шафқатсиз бир тарзда қоралар... аммо шунга қарамай, ўша илиқ қалқишни юрагидан бутунлай чиқариб ташлашга эса ожиз эди...

Илгарилари у гоҳо, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, тўсатдан юраги сиқилиб, атрофидаги одамлар кўзига балодан ҳам баттар кўриниб, ўзидан-ўзи ҳеч нима ёқмай қолган пайтлари кўп бўларди. Туриб-туриб, бесабабдан-бесабаб йиғлай бошларди, соатлаб йиғларди. Нега бундай қиялпти, нимадан хафа бўлди — сабабини ўзиям билмасди. Нимадир бир таъсирли воқеа хотирига келарди-ю... йиғлайверарди, тўлиб-тўлиб, ўксиб-ўксиб йиғларди. Кейин кўз ёши тугаб, бир оз ўзига келгач, йиғи учун мундай бир арзирли баҳона тополмай, нега бунчалик куйиб йиғлаганидан ўзи қўрқиб кетарди. Охири «асабим касал, асабим касал», дея таъкидларди ичиди. Кўпинча йиғиси ҳеч ким йўғида келарди. Ҳатто бундан бир марта Азиз ҳам кўрган. Уйга кирса, Салтанатнинг афти-ангорини таниб бўлмайди, йиғлайвериб шишиб кетган. Азиз капалаги учиб: «Ҳа?» деб сўради. Салтанат эса ёшли кўзларини муштининг орқаси билан артиб, «шундай, ўзим, бир йиғлагим келди», деди-да, индамай ишини қилаверди. Ўшанда Азиз баттар бўғилиб кетди. Нега йиғлаганини очиқ айтиб, кўнглини ёзса ҳам майли! Йўқ, йиғлаганда ҳам юрагингни эзиб, жонингдан тўйдириб йиғлайди...

Салтанат Йўлдош бугунгидек шилқимлик қилганда газабланса-да, аммо ундан қутулиб, хотиржам бўлгач, бирдан юраги худди қушдек енгил тортиб бораётганини ҳис этар: айниқса, эртаси кун кечаги ваҳималари бе-

корчи алаҳсирашдай туюларди. Ҳар гал Йўлдошни кўрганида юраги нақ қинидан чиқай-чиқай деб, восвос босгани, назарида эри ушлаб олаётгандай талвасага тушганлари эртаси ўзига кулгили кўринар, «Азиз сезганда индамай ўтирармиди?» деган фикрдан кейин эса бутунлай хотиржам бўларди. «Мабодо сезиб, тиқилинч қилган тақдирда ҳам, нима, мени биров ушлаб олди-ми?.. Тонаман-қўяман...»

Шу кайфият билан яна Йўлдошни ўйларди. Қизиғи шундаки, Салтанатдаги одам ёқтирмаслик касали, бўш қолди дегунча — йиғлашга мойиллик касали Йўлдошни учратгандан бери зим-зиё йўқолгандай. Уни эсласа, қайтага кулгиси қистайди. Унинг ҳу, ўша мастликда қилган қилиқларини хотирлаганида бир жиҳати юраги орқасига тортиб кетади-ю, охири тагин бари бир шўхлиги тутиб... гўё ҳали ҳам Йўлдошнинг ичкилик ҳиди гупиллаб турган иссиқ нафаси, тиканакдек қалин мўйлови бўйнидаги нозик мўйларини қитиқлаётгандай, қиқирлаб кулиб юборгиси келади. У илгарилари нуқул азоб чекиш, аламини ичга ютиш, нари борса эрига зарда қилишгагина кучи етарди. Азиз ҳам хотин кишига тенг келиб, Салтанат билан айтишиб, багтар асабини бузарди. Йўлдош эса буткул бошқача; доим кулгани-кулган. «Ўлгур, ўша куни ўзи оёқда туролмайдиган маст-ку... қўлларимни силаганичи...» Салтанат шуларни эсласа, оғзини йиғиштиролмай кулимсирайди. Йўлдошга ҳар қанча кўполлик қилса ҳам, дағал гапирса ҳам, худди эшитмагандай енгиб кетаверадиган одам. Забардаст, чинакам эркак. Йўлида қандай мушкулот учрамасин, у бир силкиб, елкасидан ошириб жўнай-верадиған азамат...

Салтанатга Йўлдошнинг мана шу хислати ёқарди. Баъзи пайтларда: «Билмаганимдан шундай кўринаётгандир... кўрмаган ернинг чуқури кўп... ўзи шу, эркакларнинг ҳаммаси бир гўр», деб ўйлар, лекин, бари бир, кўнглидаги ўша қалқиш, ўша илиқлик ҳамон руҳиятини илтиб турарди.

... Салтанат Йўлдошнинг бачкана қилиғидан ҳозир ҳам тоқати тоқ бўлиб, лекин шу билан бирга нима қилишини ҳам билмай, ўзига-ўзи зугум сочиб борарди. «Кап-катта одаму... эркак зотининг гоҳида зигирдай нарасаям ақли етмайди. Ахир, ҳамма кўриб турибди!..

Ёки тагин мастми?!» Салтанатни баттар ваҳм босди. Хў, бир кунги уйидаги ҳолатига тушиб, «ишқилиб, шундан кутулай... кўчада тенг келганим билан фойдаси йўқ...» деган фикр ўтди миясидан. Кутилмаганда йўлкадан шарт бурилиб, ариқчадан сакраб ўтди-ю, машина эшигини юлқиб очди ва ўзини олдинги ўриндиққа ташлади. Бурнига гуп этиб ўткир одекolon аралаш бензин иси келиб урилди. Йўлдош тўсатдан бундай бўлишини кутмаганидан аввалига довдираб, бир неча дақиқа кўришишни ҳам, машинани ҳайдашни ҳам билмай турди. Кейин айбдор бир товуш билан «кечиринг», деди ва машинага кучли газ берди.

Анча йўлгача индамай боришди. Салтанат жаҳлини ютиб, Йўлдош эса нимадан гап бошлашни билмай, иккови ҳам йўлдан кўз узмай кетаверишди. Кеч кира бошлаб, одамлар ишдан қайтаётгани учун автобуслар тирбанд, кўчада қатнов тигиз эди. Оловдай ёниб-ўчиб уфқдаги баланд-паст дарахтлар тепасига ўтаётган қуёш шуъласи тикка кўзга тушар, йўлни кўришни қийинлаштирарди. Кўчада қатнов, йўловчилар кўп бўлгани билан, ҳамма чарчаб келаётгани учун уларнинг бирдан-бир хаёли тезроқ уй-ўйларига етиб олиш эди... Салтанат бир сидра: «Хўш, мақсадингиз нима? Мени суюқоёқ деб ўйлаяпсизми? Мактабдошлигимнинг ҳурмати, сиз билан одамдек гаплашганимни менинг айбим? Шундан дарров тескари хулоса чиқариб олдингизми?!» деб Йўлдошнинг таъбини тирриқ қилмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо айтолмади. Айниқса, Йўлдош Салтанат олдидаги қуёш тўсғични тушириб унга меҳрибонлик қилганда, Салтанатнинг қайтага унга бирдан раҳми келиб кетди... «Бечора шундан шунга овора бўп кепти. Бировни айблаш, қоралашдан осони йўқ... Узукнинг кўзидек ўзига муносиб оиласи бор. Зебу-зийнат, мол-дунёси етарли. Аммо энг кераги — бахт бўлмаса-чи? Хотини гўзал, бадавлат, доно, лекин эрнинг кўнгли йўқ. Бунинг давоси қайда?.. Эр-хотин орасидаги совуқчиликка одамлар сабаб ахтаришни яхши кўришади! Бу — тани бошқаларнинг иши! Ҳатто ўзингга бўйсунмай, азобда ўртантирадиган сирли туйғуларинггача совуққон терговчидек сўроқ қилишади баъзан... Эҳ, бировни қоралаш осон, уни тушуниш, унга ҳамдард бўлиш қийин...»

Йўлдош орадаги сукутдан ўнғайсизланиб, машина-

сини ҳайдаб бораётган жойида яна папирос тутатди. Унинг ҳам хаёлида ҳар хил фикрлар ғужгон ўйнар эди. Машинани истаган томонга ҳайдаб, Салтанатга сира қарамасди. У Салтанатни кўрмай юрган пайтида унга қанчалар ўтли хоҳиш билан интилса, ҳозиргидек ёнида ўтириб кетаётганда эса, бирдан ҳафсаласи пир бўлганга ўхшаб, бўшашиб қоларди. Кўпинча Салтанатнинг олдига ичиб келишининг сабаби ҳам шунда эди. Асли уддабурон, фаҳм-фаросатли йигит бўлгани учун ҳам қилаётган иши ҳеч қандай мантиққа тўғри келмаслигини соғ вақтида ажабтовур тарозига солиб кўрар, шундан кейин гапи гапига қовушмай, ташқарига отилишни истаган ҳиссиётлари бамисоли бўғилган дарёдай ўзига бошқа қулай ўзан ахтариб, Йўлдошни қийнар эди. «Мунча ўзимга бино қўймасам?! Балки Салтанат нафратланаётгандир? Таниш-билишлардан биронтаси ёнимга нотаниш аёлни ўтқазиб кетаётганимни кўрсанима дейди?.. Айниқса, Салтанатнинг анови уришқоқ эри... балога қолмай тагин...»

Бироқ Салтанатни кўчада ҳў, ўша кўргандан бери қандайдир кўз илгамас ришта уни шу аёл томон тўхтовсиз тортаётганини сезар, шу сабадан ора-сира дилини боягидек зиддиятли фикрлар қамраб олишига қарамай, бари бир Салтанатга эргашиб юришдан ўзини сира тиёлмас эди. Айниқса, бир гал уйига маст ҳолда бориб сал бўлмаса эрининг кўлига тушиб қолай деганини эсласа, ҳозир ҳам вужуди музлаб, эллари увишиб кетади. «Қайси юрак билан бордима, ўша кунини?! Э, йигитчилик ҳам бор бўлсин, бунақада...»

Йўлдош ҳозир ҳам шу тақлид пойинтар-сойинтар ўй ўйлаб бораётганда, бирдан Салтанат:

— Мумкин бўлса чекманг, — деди Йўлдошга қаттиқ тикилиб. — Кейин... ойимникига обориб қўйсангиз.

Йўлдош орадан сукут кўтарилиб, гап очилганига суюнди-ю, оғзидаги чала папиросини ташқарига отиб юборди, «хўп, хўп», деб, машинани физиллатиб кетаётган жойида пешонасини ушлади, «қайси йўлдан оборсамикин», дегандай бир зум иккиланди ва муюлишдаёқ зарб билан ўннга бурилди...

Анча жим кетишгач, Йўлдош хийла қимтиниб:

— Салтанат, — дея кулимсиради. — Бир нарса айтсам йўқ демайсизми?

Йўлдошнинг овози шу даражада бўш, ялинчоқ эдики, бу Салтанатнинг гашига тегиб, ҳатто сал сесканиб

тушди. Эҳтимол, Йўлдошнинг ҳозирги муомаласи Азиз-никига ўхшаб кетгани учун ҳам Салтанатнинг энсаси қотгандир? Эҳтимол, Йўлдошнинг айнаи ўша ҳеч нарсадан тап тортмаслиги, жасурлиги, ҳар ишга жон-жаҳди билан ёпишиши... Эҳтимол, айнаи шу хусусиятлари Салтанатга қизиқ кўришиб, унга хуш ёққандир? Нима бўлганда ҳам, ҳар қалай, Йўлдошнинг ялиниши Салтанатга ёқмади. Қайтага Йўлдошга қараб чапанироқ жавоб қайтарди:

— Кўрамиз-да, маъкул гап бўлса оламиз, номаъкулроғи — ўзингизга сийлов... — Шундай деб, Йўлдошга кулиб қўйди, кейин асфальт йўлга тикилганча индамай кетаверди.

У бирдан ғазабини ҳам унутиб, шўхлиги тутди: Йўлдошни бир бошлаб қийнагиси келди-ю, аммо рўпарадан зув-зув ўтаётган машиналарда ўтирганлар таниш бўлмасин тагин, деган хавотир бари бир уни жиловлаб турар, шу боисдан машиналар рўпара келганда, ҳар гал юзини четга буриб оларди... Лекин ҳозир эрининг бу ерда йўқлиги, шу сабабли, майли, бир-икки кун бўлса ҳам қўрқмай юра олишини ўйлаб негадир ичидан қувонарди. Кейинги дақиқада эса яна юраги орқасига тортиб, гўё тубсиз жар ёқасига келиб қолгандай, бир сонияда пастликка учиб кетадигандай ўзини ёмон сезарди.

Айниқса, қайнонасининг ўлимидан кейин бу қилиб юрган ишлари қанчалар иснодлигини у биларди. У маълум даражада иримчи ҳам эди, «бу гуноҳларим биронтаннинг бошимизни емаса гўрға эди...» деб қўярди гоҳо-гоҳо қўрққан пайтида. Шунда унинг юраги тарс ёрилгудек бўлиб, беихтиёр ўзини Азизга солиштириб кўрар ва нақадар пасткашлик кўчасига кириб қолганини англаб, худди чуқур хандаққа тушган кийикдай, ўзи йиқилган чоҳдан қутулишнинг сира иложини тополмасди.

Салтанат шу хаёллар билан ора-сира Йўлдошга зимдан тикилиб қўяр, унинг терлаган қорамтир, кенг пешонаси, туртиброқ чиққан энгаги, дўрдоқ лаблари устидаги қалин мўйлови ёндан қараганда қизиқ кўринар, ҳў, ёшлик пайтида йўлда уни тўхтатиб, қўлидаги гулдонини синдириб қўйган Йўлдошга мутлақо ўхшамас, чаккасида битта-яримга толалар ҳам йилтираб қолган, семиз бақбақаси машина силкинган сари дириллаб борарди. Салтанат ичида: «Ажабо, чўпдеккина бола эди... мана қарий бошлабди...» деди ва бирдан: «Ўзим-чи,

Ўзим ҳам ўзгариб кетгандирман... Йўлдошданам катта кўринсам керак...» дея ўйлади ва рўпарасида машина силкинган сари ликиллаб бораётган пахмоқ маймунчага қаради...

Салтанат ҳозиргина Йўлдошнинг ҳаёсизлигидан жаҳли чиққан эди, энди бўлса тўсатдан уни қандайдир мужмал бир кайфият чулғади. У машина ўриндигида, ҳатто Йўлдошни ҳам унутгандай, мажолсизларча ястаниб олган эди. Йўлдош ҳам «бекорга сазам ўлади», деб кўрққанидан то Салтанатларнинг маҳалласига яқинлашмагунча бояги гапирни айтмади. Фақат кўприкдан ўтиб, тор кўчага бурилаётгандагина Салтанатга қараб, митти кўзлари синовчан назар билан тикилганча, сўради:

— Айтайми, ўша гапирни?

Салтанат «ихтиёрингиз» деган маънода елкасини учуриб қўйди. Йўлдош бир дам жим кетди, узоқдан Салтанатларнинг дарвозаси кўринганда:

— Салтанатхон, — деди бирдан овози ўзгариб. — Бошларингизга оғир мусибат тушди... Биз ҳам — тоғам, Шорасул, учовимиз бориб, Азизжондан кўнгил сўраб келдик, айтишгандир. Азизжон жуда тўғри қилибдилар Москвага кетиб. Майли, бир оз ёзилиб келсинлар. Раҳбарларига ҳам балли, яхши йўлини топишибди, боёқишлар. Сал миясини чалғитиб қайтмаса... ахир, бу она-я! — Йўлдош дарвоза олдида тўхтамай, рўпарадан келаётган юк машинасига тор кўчада қийналиб йўл берди-ю, нариги муюлишга ўтиб кетди. Салтанат унга ҳайрон бўлиб тикилган эди, Йўлдош «шошманг, шошманг» дегандай имо қилди. Сал наридаги зилзиладан кейин қурилган баланд қаватли уйлар орасидаги сайхонга бориб тўхтаганда, Салтанат ҳам машинадан тушишга ошиқмади. Атрофни хийла гира-шира босган, ўтган-кетган кўринмасди. Йўлдош энди сал дадилланиб гапида давом этди: — Салтанатхон, агар хўп десангиз, сизни бир сайрга опчиқмоқчи эдим. Узоққамас, Бўстонликқа. — Йўлдош Салтанатга жилмайганча тикилиб, жавобини кутди. Салтанат аввалига бир қизариб кетди, кейин ҳазилга олиб:

— Э-э, зўр-ку! — деди. Бирдан қошлари чимирилди: — Бу ўйинни қўяйлик, Йўлдош ака. Ярашмайди, ёшимизни бир қаранг. Янгамдан ҳам кўрқмайсиз-а? — Салтанат ноз билан ўпкаланди.

Бу гапдан Йўлдошнинг завқи ошиб, баттар дадиллашди:

— Бари бир йўқ деганингизга қўймайман, мени биласиз-ку... эртага тўппа-тўғри уйингизга кириб боравераман.

— Кириб бўпсиз! — Салтанатнинг овозида гардаккина ваҳима, гардаккина ноз, гардаккина буйруқ оҳанги бор эди.

— Мана кўрасиз-да!

— Кириб бўпсиз!

— Кўрасиз-да! Яхшиси, эртага соат тўққизларда кинотеатр олдида кута қолай. Акс ҳолда...

Салтанат «бекорларни айтибсиз» дегандай бошини уйнатиб машинадан тушди, кейин орқасига қарамай уйига кетаверди. Фақат дарвозага киришдан олдин гира-ширада ҳамон кўзгалмай турган машинага қараб кулимсиради-да, лип этиб қоронғи йўлакка ўтди. Аммо ҳовлига ошиқмади. Узун йўлак ўртасида анча тўхтаб, машинанинг қайтиб кетишини кутди. Салдан кейин мотор гувиллаб, Салтанат дарвозадан бош чиқариб қараганда, узокда қизил чироғи ёниб-ўчиб кетаётган машинадан бўлак ҳеч нарса кўзга чалинмади...

Ўша кунни Салтанат жуда ғалати туш кўриб, саҳарда уйғониб кетганча ухлаёлмади. У шаҳар бўлиб шаҳармас, қишлоқ бўлиб қишлоқмас, ўзи ҳам билмайдиган номаълум бир жойдамиш. Аммо қий-чуви шаҳардан баттар эмишу атрофда ҳеч ким кўринмасмиш. Бир замон таниш овоз шундоқ яқингинадан «Салтанат!» деб чақирибди. Салтанат юраги шув этиб қараса, қоп-қора туман ичидан Азиз чиқиб келаётганмиш, ҳадеб кулармиш. Бармоғи билан имлаб, «анави ёққа кетсам қутуламанми?» деб туманни кўрсатармиш. Салтанат: «Кимдан қутуласиз?» деб сўраса, «Беҳзоддан», деб яна кулармиш. Кейин «мен ҳозир келаман», деб қоронғилик ичига кириб кетибди-ю, сал ўтмай онасини етаклаб чиқибди. Салтанат ажабланиб, «вой, ойим ўлган эдилар-ку», демоқчи бўлиб турганида, кимдир гувиллатиб машина ҳайдаб келиб, икковини уриб мажақлаб кетибди. Кейин баҳайбат бир бургут айри чангалида қонга беланган, негадир жимитдеккина бўлиб қолган Азизни кўтариб, гўё Салтанатга «хайр-хайр» дегандай қанотларини силкиб, туман ичидан қора қоя орқасига ўтиб кетибди... Салтанат «Войдод!» деб қичқирмоқчи бўлганида... бирдан уйғониб қараса, муккаси билан ётиб, чап қўли худди юрагининг тагида эзилиб, увишиб қолган экан. Қўлини уқалаб-уқалаб, жиққа тер пешонасини кафти

билан сидириб артгач, туйқусдан юрагини ваҳм босди, «Азиз акам эсон-омон етиб борганмикан?» деб ўйлади. Эрталаб онаси уйғониши билан кўрган тушини оқизмай-томизмай унга сўзлаб берди. Ойиси ҳам «тавба», деб ажабланди-да, қизининг ранги оқариб кетганини кўриб:

— Кўй, кўрқма, — деди қўл силкиб. — Чарчагансан, тинканг қуриган. Дамингни ол. Ўйлама, тушга нималар кирмайди.

Фақат нонушта пайтида почтальон хотин келиб, телеграмма ташлаб кетгандан кейингина Салтанатнинг кўнгли жойига тушди. Телеграммада Азиз Москвага яхши етиб боргани, яхши жойлашганини хабарлабди.

Шундан сўнг Салтанат ўзини яна қушдек енгил ҳис этди. Таваккал қилиб, Йўлдош айтган жойга бир бориб кўрмоқчи бўлди. Атайин сал кечикса ҳам борди. Ойисига эса: «Кўшним қизини узатяпти, тўнғич қизи... кеча аzza-баzza тайинловди, ўшаларга сал қарашиб юборай, юз-юзга тушганда одам уялар...» деб ёлғон гапирди.

— Кечикмай кела қол, — деди она қизининг раъйини қайтармай. — Бир ўзинг нима қиласан ҳувиллаган уйингда? Беҳзодинг қолаверсин, уйқусини бузма. Тўйга қарашадиган одам бола билан судралишиб юрасанми?..

Салтанат ёлғон гапириб севинаётганидан ўзи хижолат чекди, бир ёлғонни пайпаслаш учун бошқа ёлғонни тўқиб, бора-бора мунофиқлик ботқоғига ботиб кетаётганини сезиб турса-да, бари бир олдиндаги саргузашт завқидан энтикиб, бир ёқда ўз иродаси ва мустаҳкамлигига ортиқча ишониб, «ҳар қандай шароитда ҳам бировга ўзимни хўрлатиб қўймайман», деган сохта манманлик ундови билан йўлга чиқди. Кўнглининг бир бурчиди: «Қайтага борганим дуруст... ҳозир Азиз акам йўқ... шундан фойдаланиб, Йўлдош билан гаплашиб олишим, уни бу йўлдан қайтаришим керак. Ҳозир гаплашмасам, бошқа қачон келади бунақа қулай фурсат?» деган мулоҳазага ҳам борди, аммо юрагининг қизигани аслида бўлак нарсаданлигини ўзидан яширолмай, охири қарахт бир ҳолга тушди.

Айниқса кинотеатр олдида келганда Салтанат ўзини жуда ноқулай сезди. Яна тўсатдан бугун кўрган туши эсига тушди. «Йўлдош пана бир жойда туриб, мени кузатаётган бўлса-я... «Ўл-а, учишга қанотинг йўқ экан-

ку, яна ноз қиласан!» демайдими?! Вой, ўла-йй! Бетим ҳам қолмабди, қандай журъат этдим-а, бунга?» У бирдан изига қайтишни мўлжаллади-ю, лекин пана бир жойда кўриб турган бўлсачи, деган фикрдан саросималаниб, қадамини секинлатиб, юраги гупиллаганча таваккалига бораверди. Мабодо Йўлдошни кўрса, «юмуш билан бир жойга кетяпман», деб сир бой бермасликка қарор қилди ва иши тифиз одамдай яна жадаллади... Шу дақиқада у ўзини Йўлдошнинг олдида қаттиқ қарздордек сезар, назарида ундан тили қисик жойи борга ўхшаб туюлаверарди. Ҳақиқатан Йўлдош доим унинг кўнглига қарайди. Азиз гоҳо Салтанатга қанчалик тумтайиб гапирса, Йўлдош уни шунчалик қадамида мақтаб, дилини яйратиб, ёлғон-яшиқ бўлса ҳам ширин сўзлаб, осмонларга олиб чиқиб кўяди. Эҳтимол, Йўлдошни кўзи қиймаганининг сабаби ҳам шундандир?

Салтанат кинотеатр муюлишида ўша таниш «Волга»ни кўрди-ю, юраги қайтадан гупиллаб ура бошлади. Аммо Йўлдош кўринмади. Салтанат атрофга ошкора аланглашга ийманиб, зимдан олазарак бўлганча, қадамини секинлатиб бораверди. Шундоқ муюлишга етганда кўз қири билан ўзи томон тўғри кесиб чиқаётган Йўлдошни кўрди. Бирдан оёқлари ҳолсизланиб, гўё ҳар бир бурчакда таниш-билиши унинг нима иш қилишини пойлаётгандай, асаблари қақшаб, кафтлари, чаккалари терлаб кетди. Йўлдош унга қарийиб икки қадам яқин келиб, «Салтанат», деганда ҳам аввалига талмовсирагандай секин кетаверди. Йўлдош бўлса ҳаяжонини яширолмай:

— Раҳмат, — деди овози титраб.

— Вой, нега раҳмат дейсиз?

— Келганингиз учун...

Салтанат асфальти кўчиб чиққан йўлка четида тўхтаб, елкасини учирди. Кейин бу яқин-ўртада хавотир оладиган ҳеч кимса йўқлигига ишонди шекилли, Йўлдошга галати бир эрка қараш қилди ва «аҳмоқсиз», дегандай оҳанг билан:

— Мен дугонамникига кетяпман, — деди Йўлдошнинг «раҳмат»ига ажабланган киши бўлиб.

Йўлдош бу гапга ишонмади, оғзининг таноби қочиб кулди. «Ноз қиляпти. Истамаган одам келмай кўя қолади-да...» Сўнгра бир нарса эсига тушиб:

— Э-э, кечирасиз, Салтанатхон, — деди ва «юринг, юринг» дегандай, уни машинаси томон бошламоқчи

бўлди. Лекин Салтанат жойида қилт этмай туравергач, сал истиҳола билан гапани давом эттирди: — Биласизми... ҳе, кеча сизга деб оборман нарсамни тагин қайтариб опкетаверибман. Узр, Салтанатхон. Узр.

Ҳаммасиданам, Салтанат «йўқ» деса, унга буюм рўкач қилгани ўтиб тушди. Лекин, «берган худога ҳам ёқибди», Салтанат Йўлдошнинг сўзи ўзига оғир ботганини сездирмади.

Тагин бир оз ноз қилиб турди-да, Йўлдош ҳадеб ялинавергач, шартта машинага ўтирди. Шунда ҳам у кўнглида ёмон нарсани асло ўйламас, ўзига маҳкамлиги учун удабуронлиги ва эпчиллигига ишониб, ҳар қандай вазиятда ҳам Йўлдошдақаларни сувга олиб бориб, суғорма қайтариб келишга кучим етади, деб ишонарди...

16

Расул Оллоёрович хотираси кучли одам эди. Бир айтган топширигини бошқа қайтармас, лекин ўз вақтида талаб қилишни ҳам унутмасди. Аммо кейинги йилларда бир оз хотираси сусайдими ёки ўзича ишини енгиллаштирмоқчими, ҳар қалай, кафтдек-кафтдек қоғоз тутадиган бўлди. Кимга топшириқ бермасин, чиқиб кетиши билан дарров ўша қоғозчага ёзиб қўяди-да, натижасини қачон сўрашини ҳам белгилайди. Ҳар куни ишга барвақтроқ келиб, картага ўхшаш ўша қоғозчаларини бир-бир чийлаб кўради ва кимнинг гарданида қандай топшириқ борлигини аниқлаб, галма-галдан чақириб сўрайверади. Бу оддий сирдан беҳабар айрим илмий ходимлар Расул Оллоёровичнинг фавкулудда хотирасига нақ ёқаларини ушлаб ҳайрон қолишар ва у топширган вазифани кечаю кундуз уйқудан кечсалар ҳам вақтида бажаришнинг кетига тушардилар. Расул Оллоёровичнинг яна бир одати — шошқалоқликни ёқтирмайди. Бир гал кичик илмий ходимлардан бирига иш топшириб, тўрт кун муҳлат берибди. Директор билан умрида биринчи марта гаплашган бояги илмий ходим ҳовлиққанча ўша ишни икки кунда тахт қилиб, югуриб борган экан, Расул Оллоёрович котиба қиз орқали: «Айтинг, ўша буюрган вақтимда олиб келсин», деб сазасини ўлдириб қайтариб юборибди.

Мана шундай вазмин, қатъий тартибга ўрганган одам негадир Азиз Москвага кетгандан бери котиба

қиздан бир эмас, уч марта суриштириб, охирги гал: «Қани, билинг-чи, Азиз Қосимов қачон қайтаркан», деб қистади. Котиба қиз ҳам Азизнинг уйига телефон қилишга оғриниб, тўғри Муҳиддин Жабборовичдан билмоқчи бўлди. Томдан тараша тушгандай бу сўроқдан энсаси қотган Муҳиддин Жабборович эса:

— Мен қаёқдан билай?! — деди-ю, индамай қозларига энгашди. Котиба қиз ўртадаги гаплардан бе-хабар, домланинг муомаласига ҳайрон бўлиб лабини бурди ва дик-дик юриб қабулхонага чиқди-да, жаҳл билан телефон дафтарчаларини қидира бошлади. Шошгандан шундоқ столининг қиррасида турган, ичига бир дона қирқма атиргул солиб қўйилган стакандаги сувни бехосдан ағдариб юборди. Туфлисининг ичи, тўпиклари жиққа ҳўл бўлди. «Шу бир оғиз гапни айтиб юбора қолса ўларканми?!» дея тўнғиллади ичида Муҳиддин Жабборовичга зуғум сочиб. Кейин столининг ҳўл бўлган жойларини латгада тозалаб, полда думалаб ётган стакан билан гулни олди-да, яна телефон дафтарчасини излай бошлади. У яқингинада, ўшанда ҳам Расул Оллоёрович зириллатганда кимдандир Азизнинг телефонини топган ва қайсидир дафтарига аниққина қилиб ёзиб қўйган эди. Лекин ҳозир эсида йўқ, шунинг учун ҳам шошилганча ҳаммасини бир чеккадан титкилаб чиқяпти. Охири топди. Керакли номерни терди-да, уч-тўрт сигналдан сўнг аёл кишининг овозини эшитиб, дарров ўзини танитди ва:

— Азиз Қосимович қачон келадилар, кўнғироқ қилдиларми? — деб сўради. — Расул Оллоёрович қизиқ-яптилар.

— Телефон қилдилар! Индинга келяптилар, самолётда! — деди Салтанат энтикиб.

— Қайси рейсда?

— Нима?

— Рейсини сўраяпман, қайси рейс?

Салтанат бир дам жимиб қолди ва охири гуноҳ-корона товуш билан:

— Эсим курсин, сўрамабман-ку, — деди.

Котиба қиз иши охиригача битмагани ва ҳўл туфлиси гашига текканидан кайфияти бузилиб:

— Вой, рейсини билмасангиз кутгани қандай чиқасиз? — деб ачитиб олди.

— Кечирасиз... — Салтанат жудаям хижолат бўлди.

Котиба қиз индамай трубкани қўйиб қўйди. Кейин

Расул Оллоёрович ҳузурига кириб, суриштириб билган гапларини айтди; директор унинг сўзини бошқа нарса-ни ўйлаган ҳолда паришонхотир эшитди-ю, кўзини хиёл қисиб:

— Индинга қандай кун? — дея сўради ва хаёлида қайси кунлигини санаб чиқди-да: — Ҳа, жума! — деди ва унга «майли, бораверинг» қабилида ишора қилди.

Тушдан кейин котиба қизни баттар ҳайрон қолди-риб, Муҳиддин Жабборович ҳам қабулхонага ярим белидан бош суқиб қаради:

— Аниқладингизми, Азиз Қосимов қачон келаркан?

Котиба қиз Расул Оллоёровичга айтган гапини Муҳиддин Жабборовичга ҳам айтди-ю, бироқ у эшикни ёпгач, ҳайрон бўлди: «Бу индамас йигитни нега бунча суриштириб қолишди? Илгари «ҳой, сенам одаммисан», дейишмасди-ку?! Тавба...»

Чиндан ҳам Муҳиддин Жабборович кейинги кунларда фақат Азиз яратган янги навни ҳар жиҳатдан текшириб, суриштириб, натижаларини иложи борича батафсилроқ аниқлаш билангина машғул бўлди. Ҳозирча Муҳиддин Жабборович бу нав икки-уч йилдан сўнг «ўзини қандай тутиши», яъни уруғидаги эркаклик хусусияти кучаядими ёки йўқми — буни аниқ айтолмайди-ю, лекин шу бугунги ишнинг ўзи ҳам ақлга сирмайдиган бир янгилик эди! Эшитган одам то кўрмагунча ишонмаслиги турган гап... Шуларни ўйларкан, Муҳиддин Жабборовичнинг вужудини ўзи ҳам тушунмаган ғалати хушҳоллик эгаллар, суюнаётганидан ўзи ажабланар, Азизнинг иши унга ҳам катта шуҳрат олиб келаётгандай туюлаверарди... Баъзан эса безовта хаёллардан ваҳимага тушиб, қайта бошдан ўй ўйлаб кетарди. Яқинда миясига қизиқ бир фикр келди: «Нима зарур менга шу ишга шерикчиликни даъво қилиб? Нима кам? Обрўйим камми? Ёки молдунём етишмайдими? Нима зарур, ёшим бир ерга борганда, ваҳоланки, шу тирранча билан ҳақ талашиб? Унинг олдида ялингандай гуруримни поймол этиб? Агар зиғирдай ақли, фаҳм-фаросати бўлганда-ю, шу пайтгача, ваҳоланки, ўзи айтарди! Ўзи айтиши керак эди. «Домла, бу бевосита сизнинг раҳбарлигингизда қилинган иш... Марҳамат!» дейиши керак эди... Бэ-э, бунга ақл фаросат керак!.. Шундай экан, нима қиламан шу гавғага аралашиб? Номимни булғаб! Ундан

кўра, бировлар ҳозир Азизнинг атрофида айланишиб томоғи тақиллаб юрган бир пайтда мен ҳақиқий олимлардек, ваҳоланки, ўзимни сипо тутиб, номим ва ёшимга муносиб иш қилиб, Азизни қўллаб-қувватлаб чиққаним дуруст эмасми? Майли, талашиб-тортишиб унга шерик ҳам бўлай, хўш, кейин нима? Ким менга раҳмат дейди? Кўз тўярканми бу дунёда? Ундан кўра, ёшларга ҳомий бўлиб чиққаним яхши эмасми? Болаларим жой-жойини топиб кетган... Назокатхоннинг егани олдида, емагани кетида. Яна нима керак менга? Мабодо... мабодо... Азизнинг ўзи таклиф қилса... ваҳоланки, у бошқа гап! Ўйлаб кўриш керак унда. Ке, кўй, ҳолва кетса-кетсин, обрў кетмасин...»

Муҳиддин Жабборович бир марта мана шундай қарорга келди-ю, бироқ кечга бориб айниди. Айнишига ҳам Расул Оллоёрович сабабчи. Ҳар хил ишлар билан банд бўлиб, кейин деярли одатланиб қолгани учун Муҳиддин Жабборович ўша кунги газеталарни фақат кечга яқин кўриб чиқа бошлади. Бирдан рус тилида босиладиган республика газетасида Расул Оллоёрович берган каттагина интервьюга кўзи тушди. Унда институтда олиб борилаётган кейинги йиллардаги тадқиқот ишлари қисқагина баён этилиб, асосий гап эса ҳозир синов арафасида турган Азизнинг янги навига қаратилган эди. Муҳиддин Жабборович газета суҳбатига иккинчи бор кўз югуртириб чиқди-да унда «янги навнинг муаллифи Азиз Қосимов» деган фикр уёқда турсин, ҳатто бундай шамани ҳам излаб тополмади. Суҳбатда Азизнинг номи икки ерда тилга олинган, бироқ оддий ходимлар қаторида санаб ўтилган, институтдаги ишлардан хабари йўқ одам бу навнинг яратувчиси айти шу йигитлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эди. Бунинг ўрнига, суҳбатнинг охири бандини қаранг: «Янги навга ҳали ном берилмаган. Очигини айтсак, бу ишнинг методикасига дастлаб шубҳа билан қараган ўртоқлар ҳам бўлди. Лекин шунга қарамай, институт олимлари бу тадқиқотни дадил давом эттирдилар. Аминмизки, яқин ўртада пахта уруғчилиги фани ва практикаси яна бир нодир нав билан бойийди».

Муҳиддин Жабборовичнинг бояги ҳалол фикрлари бирдан зим-зиё учди-кетди. «Шубҳа билан қараган ўртоқлар...» Кимни назарда тутяпти у нодон? Ваҳоланки, ўзи-чи? Азиз бечоранинг шунча сарсон бўлишига, биринчи навбатда илм муассасасининг раҳ-

бари сифатида ўзи айбдор-ку?! Дарров сирғалаб бу томонга ўтиб олаётгани-чи? Одамлар айтарди-я: «Бировнинг юзига қаттиқ гапирмайдиган, ҳар қандай ўзгариш, силкинишлардан ҳам сувдан қуруқ чиққандай омон қоладиган, эски ва янги бошлиқлар дейсизми, ҳаммаси билан баб-баробар иноқ тил топишиб кетадиган кимса бу!» деб. Тўғри айтишган экан! Энди бировларни қоралаб, айбни бировларга тўнкаб, ваҳоланки, ўзини Азизга раҳнамо, устоз қилиб кўрсатмоқчи! Тайёр луқмага шерик бўлмоқчи!.. Ҳа, тулки! Тушингни сувга айт! Хомтама бўлмай кўяқол! Осонликча оғзингга ташлаб кўймайман бу луқмани! Ваҳоланки, сен шу ишга панжа узатсанг, унда мен бошдан-оёқ меники десам ҳам ҳаққим кетмайди!..

Шундан кейин Муҳиддин Жабборович худди қасам ичгандай, тўнини тескари кийиб олди. Азиз Қосимов яратган бу янги навга ўзи нафақат шерик, балки қонуний муаллифлардан бири эканини қатъият билан миясига қуя бошлади. У ҳамон Расул Оллоёровичнинг айёрлигини ўйларди: «Ўшаки, шу ишга кўз олайтириб-дими!.. Агар у жим юрганда, мен ҳам тек турардим. Шу навсиз ҳам номим селекциячилик тарихига... ҳатто дарсликларгача кирган. Агар шу одам ўзини шерик қилса, ваҳоланки, дунёдаги энг катта адолатсизликнинг бири шу иш бўлади! Эккан гўзасига электр нурининг таъсирини ўлчаб юравермайдими?! Гап шундай экан, мен ҳам бир чеккада қўл қовуштириб турмайман! Ахир, янги навнинг мағзи менинг гўзамдан олинган-ку? Нима учун мен шерикмасман-да, ўроқда йўқ, машоқда йўқ одам, мансабини суиистеъмол қилиб, бирдан хирмонда ҳозир бўлармиш? Қани адолат? Қани инсоф? Йўқ, мен бунга йўл қўёлмайман! Чучварани хом санамасин...»

...Котиба қизнинг ажабланганича бор эди. Расул Оллоёрович ҳам сўнгги кунларда киши билмас типирчилаб қолганди. Неча йиллардан бери у гўза ва ёруғлик проблемаси устида ишлапти-ю, аммо минг маълумот тўлагани билан, илмий тавсиялар ишлаб чиққани билан, бари бир, уларни ҳозир амалиётда қўллаб бўлмас эди. Электр нурининг гўза ривожига таъсири масаласи бугунги кун нуқтаи назаридан қаралса, осмондаги гап эди. Айниқса, орадан ҳали кўпчиликка аён бўлмай туриб, одамларнинг оғзига тушиб кетган мана бунақанги кашфиётлар чиқаётганда, Расул Оллоёровичнинг иши

ҳатто ўзига ҳам жуда аҳамиятсиз, ортиқча гапдек бўлиб туюлди. «Тоғни қулатсанг ҳам агар ишинг одамларнинг оғирини енгил қилмаса, меҳнатинг уч пул экан! Биров сени қадрламас экан!..» Расул Оллоёровиچ ўша электр нурларининг гўзага таъсири муаммосини гапириб берман-деса, худди чўпчакдай эрталабгача ҳам тугамайди. Аммо у неча марталаб сезган: деҳқонлар орасида сўзласа, бир хиллари очиқдан-очиқ мийиғида кулади, бир хиллари «ҳа, бўлса бордир... кейин-кейин бориб, балки бутун пахта майдонларини кечаси электрда ёритиб, эҳтимол, бир йилда икки марта ҳосил олишар», деб уни мазах қилаётгандай жилмайишади. Расул Оллоёровичининг илмий ниятларини фақат тадқиқот институтларининг салқин, тинчгина залларидагина тузукроқ тушунишади... Шунинг учун ҳам у гарчи сиртига сув юқтирмай, ўзини «ҳеч кимдан кам жойим йўқ» дегандай эркин тутиб юрса-да, лекин ичида зил кетиб, қаттиқ армон қилади. Шу боисдан, Азиз Қосимовнинг тажриба иши нақадар замонавий, пахтакорлар ҳам, юқори ташкилотлар ҳам анчадан бери кутиб юрган зўр янгилик бўлиб чиққанини сеза бошлагач, бирдан тинчини йўқотди. Илгариги вақтда-ку, бир буйруқ билан унга ҳамтовоқ бўлиб олиш қийин эмасди-я! Лекин ҳозир ҳамма ақли бўлиб кетган! Мана шу Азизнинг ўзи. Одамнинг оласи ичида ахир... Бирдан айюҳаннос солиб, масъул идораларга додлаб борса... хўш, унда нима бўлади?! Ҳозирнинг ўзида ҳам шунча сарсон қилипти-ку, ахир! Бунинг устига, Расул Оллоёрович оддий фан доктори ёки жайдари бир олиммас-ку? Унга академия қошидаги бутун бир илмий даргоҳни, салкам икки юз кишилик фан муассасасини ишониб топшириб қўйишибди! Беш панжани оғзига тиқиб, юқори идораларга ёмон кўриниб қолмайдими ҳали? Боридан ҳам айрилиб ўтирмайдими ҳали?! Унча-мунчасининг оғзини ёпиб қўйишга ҳам кучи етади-ю, бироқ анови Муҳиддин Жабборович-чи? Энг ёмони — Толмас Азимов-чи? Мен аҳмоқ ўшани одам деб ишга олиб ўтирибман. Қайси кунги гапини қара-я. Кўзинг борми, юзинг борми демай, кўпчиликнинг ичида илондай чақди. Азиз Қосимов фанда энг долзарб масалани очишга киришиб, деҳқоннинг оғирини енгил қилишга, унга мадад беришга интилаётганмиш-да, менга ўхшаган олимлар эса қайтага шу пайтгача аниқ турган гапларни ҳам баттар сир пардасига ўраб ташлаган эмишмиз... Қаерда-

нам унга: «Э, қўйинг, бошимни оғритманг, сизсиз ҳам дардим ошиб-тошиб ётибди», дедим-а?! «Эсингиздами, студентлигингиздаёқ жуда сояпар эдингиз. Қишда совуқдан кўрқиб, лунжингизга сув тўлдириб, кейин шундан бет-қўлингизни ювардингиз», дейди-я! Шунақанги ўйинбузуқиларнинг ичида... Эҳ-ҳа! Ўзингдан чиққан балога... Ҳамма нарсадан кўз-қулоқ, нима гаплигини искаб юришибди улар!

Расул Оллоёрович директорликка янги келганда Муҳиддин Жабборовичга анча холис қарарди; шу орада нима ҳам бўлди-ю, ҳамма ердаги сингари ўртада гап ташиб юрувчиларнинг бири: «Асли ўрнингизни мўл-жаллаган одам шу эди... Сизни кўргани кўзи йўқ, эҳтиёт бўлинг», деганида, аввалига бу ифвога учиб, анчагача ундан ўзини тортиб, ҳадиксираб юрди; кейинчалик бора-бора Муҳиддин Жабборович билан апоқ-чапоқ тил топишиб кетди-ю, ҳатто ўзини Фанлар академияси мухбир аъзолигига тавсия этишда ундан фойдаланмоқчи ҳам бўлди. Шу-шу, қаерга борса, икковлари бирга бошлашиб юрадиган одат чиқаришди... «Йўқ, ўшанда анови шипшиган одам тўғри айтган экан... Ҳозирги жим юришида бир гап бор... Айни мана шу Азиз Қосимов ишидан фойдаланиб қолиши мумкин. Эҳтиёт бўлиш керак. Ахир, сал қолди-ку, обком бўлим мудири билан орамизни бузиб қўйишига! Унга нима, дордан ҳайиқмайдиган одам! Оладиганини олган, ҳеч нарса йўқотмайди! Чаппасига кетса, менга қийин. Шунинг учун Азиз масаласида жуда эҳтиёт бўлиш керак... Узоқдаги қуйруқни кўнглим тусаб, яқиндаги жигардан айрилиб қолмай тагин...»

Расул Оллоёрович ўзини тийишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам вилтга чидамли янги навнинг дарди уйкусидаям унга ҳаловат бермасди. Шундоқ қўлининг остида-я! Бир ёғи у бошқараётган институтда қилинган иш бўлса! Ахир, ҳаводан тушмаган-ку? Мана шу ижодий муҳитнинг маҳсули! Шу ишларнинг бошида ким турибди, хўш? Агар ҳақиқа кўчилса-ю, Азиз Қосимовни сақлаб қолган ҳам асли Расул Оллоёрович! У қайтариб турмаганда, Муҳиддин Жабборовичлар уни тинч қўярмиди шу пайтгача, суягигача чайнаб ташларди! Илмий советларда неча марталаб Муҳиддин Жабборовични тўхтатган, кўзида ёш ғилтиллаб, калимасини ҳам йўқотиб турган Азизни йиғилишдан сўнг чақириб кўнглини кўтарган, қолаверса, яна ижодий изланишла-

рига қайтарган ҳам мана шу Расул Оллоёровичмиди, ахир?

Расул Оллоёрович ҳозир тўсатдан, ерга кўмилган хазина устидан чиқиб қолиб, «вой, бошқалар кўрмацикин», деб капалаги учиб кўрқаётган баднафс одамнинг ҳолатида эди. Лекин тўғриси айтса, Азизнинг ишига шерик бўлишда у моддий жиҳатини тама қилаётгани йўқ. Расул Оллоёровичга фақат номи керак! Одамлар орқаворатдан: «Бу фалончи олим, фалон институтнинг директори, бир ойлик маошининг ўзи фалон сўм!» — дейишгани билан вақти келса: «Хўш, нима иш қилган экан ўша олим?» — деб синчиклашганда, Расул Оллоёрович бир оз мулзам бўлади. «Оддий халққа қандай тушунтирасан ахир қилаётган ишингни? Уларга «мана буниса қора, мана буниси оқ» демасанг, бари бир, бефойда! Ишингни улар кўриб туриши керак, ана шунда тан беришади! Акс ҳолда...»

Расул Оллоёрович шуларни ўйлаган сари, нақд кашфиётни сира қўлдан чиқаргиси келмасди... Натижада у Азизнинг янги навини институтга ўзи раҳбарлик қилаётган давр билан чамбарчас боғлай бошлади. Ҳатто бир-икки олимни ишга солиб, ўзидан олдинги ўн йил давомида амалиётга, ишлаб чиқаришга жорий қилинган илмий таклифларни ва тахминий бўлса-да, улардан давлатга тушган даромадлар миқдорини ҳисоблаб чиқишни буюрди. Ўзидан-ўзи аввалги самарадорликни кейингисига таққослаб кўргиси келди! Ҳозир пландаги диссертациялар тўла ёқланиб турибди, биронта аспирант ҳали институтга панд бергани йўқ. Илгари ҳатто аспирантлик ўринлари ҳам бекор қолиб кетаркан. Энди ҳаммаси ҳисобда. Ишлаб чиқаришга бир миллион сўмлик амалий таклиф киритилди. Расул Оллоёрович даврида салкам йигирмадан ортиқ янги пахта нави тавсия этилибди! Тўғри, ҳали улардан биронтаси, масалан, бир пайтлари Муҳиддин Жабборович яратган «Ф» навидай республика пахтазорларига ёппасига экилаётгани йўқ. Аммо ҳар жой-ҳар жойда ишқилиб экилиб, синовдан ўтказилиб турибди. Айримлари ҳатто олиб ҳам ташланди. Ахир, бунга ҳаёт дейдилар! Доимо ўсишда, ўзгаришда!.. Бироқ изланиш, қидириш ишлари бир дақиқа ҳам сусайтирилгани йўқ! Янгиликлар чиқиб турибди...

Энди мана шу Қосимовнинг иши эса уруғчиликда катта бир кўтарилиш бўлади шекилли!.. Баъзи майдонларда «Ф» ва бошқа навлар қарийб тўқсон тўққиз фоиз

касалга чалингани ҳолда, Азизнинг синов картасидан бир фоиз ҳам вилт чиқмаса-я! Шу ростмикан?! Ҳа, мана, жадваллари, чигити, коллекцияси турибди-ку! Омадини қаранг! Камбағалнинг бахти чопибди! Ҳа, чопсин, чопсин! Аммо шу йигитнинг кандидатлиги ҳалигача чўзилиб юргани... жуда хунук иш бўлган-да! Эрта-индин ўша нави бутун республикага ёйилиб кетса борми, казо-казо олимларга тарсакидек тушади! Мана шу томони ёмон... Ишини тезлатиш керак! Ёрдам бериш керак. Муҳиддин Жабборовични энди қистамасам бўлмайди. Ўзим аралашаман!.. Қанақанги одамлар ёқлаб кетаётган маҳалда шу бир меҳнаткаш, ҳалол йигит ҳам ёқласа... Шуни шу пайтгача ўйламаганимни қаранг-а! Ҳаммасига ўша кеккайган Муҳиддин Жабборович айбдор, ўша бошимни ачитди.

Хуллас, Муҳиддин Жабборович ҳам, Расул Оллоёрович ҳам Азиз Қосимовнинг ишини ўзларича баҳолашар, ўзларича тамагирлик қилиб, ўзларича ундан манфаатдор бўлиб қолишни ўйлашар, бу эса эндигина кифтига иссиқ тега бошлаган Азиз учун қанчалар хавфли эканини ҳали у хаёлига келтирмас эди. Қайтага, Азиз Москвадаги катта анжуманда қатнашгандан сўнг, кўнгли тоғдек кўтарилиб кетди. Биринчи кундан оқ у ҳақиқий фан кишилари, ҳолис, чинакам алломалар орасига тушганини ҳис этди. Айниқса, у қатнашган секция бошлиғи — Семён Федотович Александров исмли ленинградлик биолог академик Азизнинг уялиб-қимтинишига қарамай, ишлари билан қизиқиб, у яратган янги пахта навининг характеристикасини батафсил суриштириб унга оқ йўл тилади. Ўзаро суҳбатларнинг бирида, айниқса, унинг дадиллиги ва ҳатто қисман таваккал қилганини ҳам мақтади. «Фанда адашиш мумкин... янгилик очиб йўлида юз марта адашиш — «адашмайлик-да, ишқилиб», деб, ўзини эҳтиёт қилишдан минг чандон афзал», дея мовий кўзлари билан шу даражада ёқимли жилмайиб боқдики, Азизнинг юраги шувиллаб кетди. Шундагина у бу олимнинг юз тузилишлари фавқуллода Сергей Матвеевичга жудаям ўхшаб кетишини кўрди-ю, ёқасини ушлади. Яна бир қизиқ жойи, ўша домла ҳам, у билан суҳбатлашган бошқа йирик олимлар ҳам бирон марта Азизнинг илмий даражасини сўраб-суриштиришмади. Фақат у қилаётган ишларидан сўзлашишди...

Азиз пойтахтдан кўтаринки руҳ, катта бир маънавий

куч билан қайтди. Салтанат уни кутгани аэропортга иккинчи марта чиқди. Эри кетгандан сўнг, орадан уч кун ўтгач келган Кремль расми туширилган откриткани эса авайлаб сумкасига солиб олган... Диктор қизнинг: «Диққат қилинг, 655-рейс билан учган ИЛ-62 самолёти Москвадан келди», деган кўнғироқ овозини эшитганда юраги шигиллаб кетди. То баҳайбат ҳаво лайнери кулоқларни қоматга келтириб чийиллаб ўз майдонига келиб тўхтамагунча Салтанат ундан кўз узмай турди. Беҳзод эса онасига нуқул «кўтаринг, кўтаринг»лаб хар-хаша қилади. Азиз самолётдан деярли охирида тушиб келди. У зинада кўриниши билан Салтанат жонҳолатда қўл силкиб, гўё эрини бир йил кўрмагандек севиниб кетди ва кўзига филт-филт ёш олди. Азиз ҳам одамларга туртина-суртина темир панжарадан ўтди-ю, югуриб келиб, аввал Беҳзодни даст кўтариб бағрига босди, кейин ўғлини чап қўлига олганча, умрида биринчи марта хотинини қўпчилик ичида елкасидан кучиб, юзидан ўпди. Салтанат «вой, жиннимисиз», деб бўйнигача қизариб кетди.

— Таваккал билан эрталабки рейсга ҳам чиққандик Беҳзод иккаламиз. Ҳамма тушиб бўлди, сиз йўқсиз, — деди Салтанат эрига интиқ боқиб.

— Бекорга овора бўпсан! Кутаман демагандинг-ку?

— Ўзингиз айтмадингиз... Ўтган куни директорингиз йўқлабдилар... Шаддод бир қизча телефон қилди.

Азиз котиба қизни кўз олдига келтириб, кулимсиради. Кейин ҳали қайтиб улгурмасиданоқ Расул Оллоёровичнинг ўзи сўроқлаганидан баттар терисига сигмай кетди... Уйга келиб, энгилгина чўмилиб, Салтанат ойисиникида тайёрлаб келган сергўшт нориндан еб тўйиб олди-ю, нақ ярим кечагача ўтириб, илмий йиғинда кўрган ва эшитганларининг барини жамлаб, эртага директорга қандай ҳисобот беришни ҳам ўйлаб қўйди. Ҳў, алламаҳалда анча толиқиб ўрнига ётди. Шундагина Салтанатнинг ҳамон ухламай, каравотда китоб ўқиб ўтирганини кўрди. Бирдан шўхлиги тутиб, шарт ўрнидан турди-да, хотинининг нақ тепасига бориб теракдай қаққайиб туриб олди. Бу ўзича ҳазиллашгани эди. Салтанат ҳам гўё уни сезмаётгандай, қимир этмай китоб ўқишда давом этаверди. Азиз узоқ сафардан қайтиб ҳам хотинига мутлақо эътибор бермагани, яна ёв қувгандай қоғозга кўмилиб олганида Салтанат хийла ўксиганини пайқади-ю, уни даст кўтариб, бурнини момиқ бўйни

орасига суқиб тегажаклик қилди. Салтанат индамай Азизнинг кучоғидан тушди-да, бир вақтлардаги ҳў, ўша қизлик ҳарорати билан Азизнинг юзлари, кўзлари, қошлари, лабларидан ўпа бошлади. Гўё Азизни ҳозир шундай ўпмаса, кейин уни биров опқочиб кетадигандай шиддат билан ўпарди. Азиз хотинининг бу ёқимли эҳтироси оғушида бамисоли эриб кетди-ю, ўзини Салтанатнинг ихтиёрига қўйиб берди. Салтанат эса ҳамон Азиз акасига ёпишар, бу, биринчидан, ўн кун ичида уни обдан соғинганидан бўлса, иккинчидан ўзи қилган гуноҳ учун ундан раҳм-шафқат тилаётгани, виждони олдида айбига иқрор бўлиб, эрининг ҳукмини кутаётгани эди...

Азиз эрталаб барвақ турди-да, кечаги қоғозларини олиб, йўлга тушди. Институтга худди учгандай етиб борди. У ҳамон осмону фалакда эди. Эсон-омон шу навини ўтказиб олса, ишлари шу юришгандан юришиб кетади! Кейин топганининг барини Салтанатга сарфлайди! Йўқ деса ҳам қўймайди. Эри топган текин пулга кериладиган мақтанчоқ кеннойилари вақти келса дарров нолийдиган қайнота, қайноналари ҳам бир кўриб қўйишсин! Ҳалол меҳнат ҳеч қачон ерда қолмаслиги, хор бўлмаслигини, ҳар кимнинг бахт-иқболи оқибат бориб фақат ўзига насиб этиши ва ҳеч ким уни тортиб оломаслигини бир билиб қўйишсин! Меҳнат қилган — ҳеч қачон бировга қарам бўлмаслигини бир кўриб қўйишсин!..

Азиз институтга хурсанд кайфиятда кириб борди. Назарида шу ўн кун ичида ишхонасида қандайдир катта ўзгариш юз бергандай, йўлда учраган ҳар бир ходимга синчиклаб қарар, юраги қувончдан дукиллаб, гўё уни ҳамма қаҳрамондек тантана билан кутиб оладигандай атрофга энтикиб алангларди. Йўқ! Автобусдан тушиб, шундоқ чап тарафда қад кўтарган, неча йиллардан бери ўзи кириб-чиқиб юрган кунгурадор тўрт қаватли бинога қаради-ю, ҳеч нарса ўзгармагани, ҳамма нарса эскилигича турганини ҳис этди ва негадир кўнгли хомуш тортиди. Институт биносига туташиб кетган колхоз далаларига ҳам кузнинг нуқси уриб, йиғим-терим охирлаган пайт эди. Бино пештоқидаги «пахта — бойлигимиз» деган сўзлар ёзилган қизғиш алвон салгина шабадагаям дош беролмай, деворга тўхтовсиз лоп-лоп урилади. Икки тавақали заранг эшикнинг фақат биттаси очиқ. Мармар зина четидаги бетон тувакчаларга экилган гул-

лар ҳам қурий бошлабди. Институт ходимлари эса одатдагидек бири шошиб, бири ниманидир ўйлаб, бири эрталабданоқ шериги билан баҳслашиб... кунгурадор бинога кетма-кет кириб боришяпти. Азизнинг хаёлида Расул Оллоёрович худди уни институт дарвозасида маҳсус кутиб оладигандай, атрофга олазарак қараб қўйди ва ҳамма қатори ичкари томон йўналди. Ҳатто кўп илмий ходимлар Азизнинг Москвага кетганидан ҳам беҳабар, шунинг учун орада ҳеч нарса бўлмагандай, уни кўрганда фақат бош ирғашар, бир хиллари эса кўришмай ўтарди. Салкам икки юз одам ишлайдиган бу илмий-тадқиқот институтида қайси лаборатория ёки сектор ходими қаёққа боргани уёқда турсин, шуғулланаётган мавзуларини ҳам умуман тахминан билишар, шу боисдан, илмий кенгаш йиғилишларидаги ҳисобот пайтидаям бир-бирларининг ишларига лоқайд қараб, ҳомуза тортганча, ўзларига навбат келишинигина кутиб ўтиргувчи олимлар кўп эди.

Азиз хонасига кирди. Одатдагидек, Шорасулнинг бир ўзи. Эшик очилганда Шорасул бир қараб қўйди-ю, юзида ҳеч ўзгариш сезилмай, яна қоғозларига тикилганча, билинар-билинемас бош ирғади. Кейин виждони азобландими, ҳамон столдан бош кўтармай:

— Зиёратлар қабул бўлсин, — деди кесатиб.

Азиз раҳмат айтиб, Шорасул билан самимий кўришди. «Эҳтимол, Расул Оллоёрович «келиши билан дарров кирсин», деб унга ҳам тайинлаб қўйгандир», деган хаёлда Шорасулнинг оғзини пойлади. Аммо у қоғозларидан кўз узмади, қайтага шундоқ тепасида тиралиб турган Азизга гаши келиб, унга ҳорғин қиёфада тикилганча:

— Қалай бўлди? — деди.

— Яхши! — Азиз ёш боладай севинганини яширолмади.

Шорасул «ҳа, унда тузук» дегандай, лоқайд бош ирғади. Яна ўқишга тутинди. Азиз индамай ўз стулига бориб ўтирди. Қанча йўл босиб, қанча жойларни кўриб келгандан кейин шу кичкинагина кир столи Азизнинг кўзига шунақанги оловдай туюлдики, шоша-пиша ғаладонларини очиб, ўзи тахлаб саранжомлаб кетган қоғозларини бир-бир олиб кўздан кечира бошлади. Шорасул эса худди уришгандай, ўзидан-ўзи энсаси қотиб, чимирилиб, юлқиниб, Азиздан мундай бир тузукроқ ҳол-аҳвол ҳам сўрамади... Охири Азиз Расул

Оллоёрович қабулхонасига ўзи секин бош суқиб қараган эди, котиба қиз уни кўриши билан чеҳраси очилиб, пешвоз чиқди;

— Вой, Азиз ака! Сизни кутавериб кўзимиз тўрт бўлди-ку! Боягина сўраган эдилар Расул Оллоёрович, — деди-да, шошилиб кабинетга кириб кетди. Дам ўтмай қайтиб чиқиб, «марҳамат, кутяптилар», деган мазмунда имо қилди. Азиз катта, чорси кабинетга кириб борганда Расул Оллоёрович барваста тик гавдасини баттар ғоз тутиб, кўзойнагини қўлида ўйнаганча, уни кулимсираб қаршилади. Азиз ўзи сезмаган ҳолда югуриб бориб, домла билан эгилиб қўл олишиб кўришди. Расул Оллоёрович бундан мамнун бўлди.

Азиз аввалига анча-мунча ҳаяжонга тушиб, анжумандан ҳисобот берди. Расул Оллоёрович унинг гапларини камоли диққат билан тинглаб, ора-сира унга луқма ташлаб, айрим факт ва фикрларни янаям ойдинлаштириб ола бошлади. Баъзи мулоҳазаларни эса чарм муқовали қалин дафтарига ёзиб ҳам қўйди. Унга сари Азиз илҳомланиб гапирар, бояги тортинчоқлигидан асар ҳам қолмаган, Расул Оллоёрович, айниқса, «Азиз ўз ишлари ҳақида нима янгилик айтаркин», деб кутди. Лекин Азиз тортинганидан бу хусусда лом-мим демади. Шунда Расул Оллоёровичнинг ўзи секин ўсмоқчилаб кўрди:

— Ўз ишингиз-чи? Йирик олимлардан маслаҳат сўрагандирсиз? Бошқа жойларда ҳам синалаётган эканми шу типдаги ишлар?

Азиз Расул Оллоёрович ҳам танийдиган ленинградлик машҳур академик Семён Федотович Александров билан фавқулодда суҳбатлашиб қолгани, у Азизнинг тажрибаларини қизгин маъқуллаб, унга оқ йўл тилагани, илмий натижаларидан эса, агар иложи бўлса, уни ҳам албатта хабардор қилиб туришини сўраганини гапириб берди. Расул Оллоёрович бу маълумотларни жон қулоғи билан эшитиб, бошини тўхтовсиз қимирлатганча, Азизнинг ҳар бир сўзини тасдиқлаб турди. Сўнгра бирдан:

— Навингизни синов майдонига ўтказадиган бўлдик, — деди ва олдидаги кичкина қоғозчага қараб олиб, давом этди: — Давлат синов комиссияси бу йил ишингизни қабул қилди, деб ҳисоблайверинг. Келишганмиз. Янги мавсумдан бошлаб уч йил давомида чигитингиз вилт билан кучли зарарланган Избоскан, Фиждувон, Қўқон, Оқдарё участкаларида, кейинроқ эса натижала-

рига қараб туриб, республиканинг тупроқ, иқлим шароити турлича бўлган 19 участкасида синаб кўрилади. Қалай, кўркмайсизми?

Бу гап Азиз учун ниҳоятда зўр янгилик бўлишини Расул Оллоёрович биларди. Худди ўйлаганидек, Азиз «домла шуларнинг барини чиндан ҳам айтдимиз», дегандай меровсираб қолди. Буни Расул Оллоёрович сезиб, Азизни ларзага солувчи бошқа бир янгиликни ҳам айтди.

— Энди ҳаммаси тезлашиб кетади, Азизжон. Илмий даражангиз масаласини ҳам ўйлашяпмиз. Шунча йил мадрасанинг тупроғини ялаганингиз етар! — У ҳазиллашиб кулди. — Ёқланг, ёрдам берамиз. Аммо бир ой муҳлатда қоралаб чиқасиз, чўзмайсиз. Ҳаммаси тайёрку, тартибга солсангиз — тамом! Муҳиддин Жабборовичга ҳам тайинладим. Бошқа ишларини йиғиштириб, сиз билан шугулланади. Агар майли десангиз, биринчи оппонент ўзим бўлай...

Азиз довдираб қолди. Ичидан тўлиб келаётган миннатдорчилиги-ю, чексиз қувончини қандай изҳор этишни билмай, тили лол эди. Нуқул ютинар, ҳатто раҳмат айтишга ҳам мажоли йўқдек, ҳаяжонланиб кетган эди. Руҳий ларзада юриб-юриб, умидлари кутилмаганда бирдан ушалган одам, одатда қувончдан довдираб, ўзини йўқотиб қўяди. Азиз кўзи филт-филт намланиб, иложи бўлса ҳозир Расул Оллоёровичнинг қўлини ўпиб олишга ҳам тайёр эди.

— Раҳмат! — Азизнинг овози титраб кетди.

Расул Оллоёрович мамнун қиёфада, «арзимаёйди» деди-да, хурсандлиги шундай билиниб, «бўпти, ҳозирча ишларингизни қилаверинг... одатда бундай командировкалардан сўнг навбатдаги илмий кенгашда ахборот берилади, шунга ҳам тайёрланинг», деб қўшиб қўйди. Азиз энди ўрнидан турганда, тўсатдан бир нарсани эслагандай:

— Ҳа, ростдан, сиз йўфингизда марказий газетадан мухбир келган эди, — деди. — Интервью дейишадими, ҳа, ўшанақа бериб юбордим. Қаршимасмисиз?

Азиз ҳозир қайтага домлага ёқиш учун «бу ишларнинг ҳаммаси сизнинг хизматингиз, сиз туфайли бўлди», дейишга ҳам тайёр эди-ю, аммо унга хушомаддек туюлиб, нимагадир писанда қилаётгандай бўлмайин тагин, деган истиҳола билан тилини тийди.

— Раҳмат, домла, — деди ерга қараб.

Расул Оллоёрович сиртида сиполик қилиб, қошини чимириб қўя қолса ҳам ичида беҳад кувонмоқда эди.

— Яшанг, Азизжон! Яшанг! Балли сизга! Энди бориб ҳисоботингизни ёзаверинг. — У шахдам ўрнидан туриб, Азизни ҳатто остонагача кузатиб қўйган бўлди. Эшикни ёпиб, ўйланиб қолди. «Бошланиши ёмонмас...»

17

Салтанат бир нарсага ҳайрон. Йўлдош билан ўзининг пинҳона дон олишишлари киши билмас унинг бошини қанчалар айлантириб, тобора ёқимли, тотли туюлгани сари, орқасидаги ваҳима даҳшати ҳам шу даража ўсиб, улғайиб бораётганга ўхшарди. Кейинги воқеалардан Салтанатнинг обдан боши ғовлаб қолди. Шунисига ҳам шукурки, Азиз шу кунларда ўзи билан ўзи овора, сезмаяпти. Агар илгариги инжиқлиги, ҳар нарсадан қийиқ ахтариши ҳозир бўлганда-ю, у аллақачоноқ Йўлдошдан шубҳаланиб, изига тушиб, шу пайтгача Салтанатни ҳам шарманда қиларди. Хайрият, ўша зиёфатда кайфи ошиб қолди!.. Эртаси бутун айбни ўзига олиб, мастлигини юзига солишмаганига хурсанд бўлиб... Йўлдош ўлгурнинг жилпанглаб қарашларини ҳам унутди. «Унутмаган тақдирда ҳам, ваҳимачиман, кўрққанга қўшалоқ кўринади», деган хаёлда айбни яна ўзига ағдарган бўлиши ҳам мумкин... Чиндан ҳам Азиз сўнгги вақтларда илмий тажриба ишларига муккасидан кетиб, Салтанатдаги бу кучли руҳий ўзгаришни сезмасди. Акс ҳолда, Москвадан қайтганида хотинининг баъзи нотабий хатти-ҳаракатлари, Азизни маҳкам қучиб ўпаётиб, нима учундир кўзига жиқ-жиқ ёш олгани, лаблари титраб, сал бўлмаса, ўкириб йиғлаб юборай деганига ҳам сал эътибор бериши керак эди... Уша дақиқада Салтанат ич-ичидан афсусланарди, ўзини дунёдаги бор даҳшатли сўзлар билан қарғар эди. Оққўнгил, ҳалол, вафодор эрига термила туриб, ҳақиқатан додлаб юборишига сал қолди. «Энди бу ҳаром йўлга юрсам, ўлигим чиқсин шу хонадондан!..» Аммо эрталаб ўрнидан турди-ю, теварак-атрофида ҳеч бир ўзгариш йўқлигини кўриб, Азизнинг яна қоғозлар ичида кўмилиб ётганига ҳайрон бўлди. Ўйланиб қолди... Кейин айна миясидан ҳайдамоқчи бўлган фикрлари унга баттар ёпишиб, тагин Йўлдошни эслай бошлади. Яна ўзини-ўзи койиди. «Ширингина оилам, пола-

пондай ўғлим бор-а. Нима етмайди менга?..» Йўқ, бари бир, нимадир етишмаганга ўхшарди унга. Балки... Азизнинг ишлари кейинги пайтларда юришса юришаётгандир! Бироқ бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ ахир! Салтанатнинг бутун асаби, руҳий қувватини олиб кетди бу ўзгаришлар! Салтанат кўп кутди. Сабр косаси тугаб битганда ҳам кутди... Мана, энди хаёлига, ақлу ҳушига бошқа бир дунё, бошқача эҳтирослар эга чиқяпти. У Йўлдошни кўрмаганда, эҳтимол, юраги ўша-ўша қурум босганча, эркинлик, кўнгилхушликларга талпинмайгина юравериши мумкин эди. Хўш, қай бири яхши бунинг? Агар эрга хиёнат — аёл учун энг мудҳиш гуноҳ ҳисобланса, унда нега юрак қургур баъзан айни шу гуноҳга қараб талпинади? Хоҳишингга бўйсунмай талпинади?.. Салтанат Йўлдошни севмайди, уни ҳатто гоҳо жирканиб эслайди. Лекин қалбидаги галати бир мустақиллик, адирдаги, дайди шамолдек тутқичсиз бир туйғу айни шу Йўлдош туфайли юзага келганини ҳам бари бир сезиб туради. Йўлдошни ҳар қанча ёмонлама-син, унинг нимасидир ёқаётганга ўхшайди. Аммо нимаси ёқишини эса билмайди. Эҳтимол, бу тувоғи берки-тилган қозон бари бир тошиб кетганидек, шу пайтгача кўксида қамалиб келган қат-қат орзу-армонлари, аламлари охири юрагига сиғмай кетганининг оқибатидир? Айниқса ёшликдаги биттагина шўхлик, чанқоғи қонмаган эҳтирос кейин ўт олгудек бўлса... Салтанат ҳам фавқулодда Йўлдошга дуч келди-ю, бир вақтлар кўнглида кул босиб қолган балоғат чўғи бирдан жонланиб, мана, энди уни не кўйларга солиб юрибди! Эҳтимол, у ҳам мактабдаёқ айрим енгилтак қизларга ўхшаб ҳали у йигитни, ҳали бу йигитни «куйдириб», ёшликданоқ эркак зотини азоблашни касб қилиб олганда, Йўлдошнинг тезда унутиб юборармиди? «Кўпни кўрмагани учун» ҳам ҳозир унинг истаклари ўзига жилов бермас эди. Бунинг устига, Йўлдош баъзан кўзига худди халоскордек кўриниб кетарди. Аввалги асабийлигини эсласа, ҳалиям, юраги орқасига тортади. Вой-вой-вой, ўша азоб чеккан пайтлари! Кундузи майда-чуйда ишга чалғиб, юрак сиқилиши унча билинмасди, лекин кеч кириши ҳамона Салтанатнинг ҳақиқий азоби бошланарди. Чироқни ўчириб ётгани билан қани ухласа! Баттар тажанг бўлиб, чироқни ёқиб қўярди, баъзан тун бўйи хонасида чироқ ўчмасди, назарида деразада нимадир ялт этиб кетгандай, гоҳо ҳадеб биров тап-тап юриб

келаётгандай туюлаверарди. Гоҳ юзлари музлаб, гоҳо эса ўзидан-ўзи хона бурчакларида биров қиҳ-қиҳ кулаётганга ўхшарди... Шуларнинг бари Салтанатнинг ўнгида юз бераётгандек, ҳаммасини кўриб, эшитиб тургандек эди. Хайриятки, энди тузалган.

...Салтанат ўз уддабуронлиги, Йўлдошдақаларни сувга олиб бориб ҳам суғормай кела билишига ишониб, унни машинасида Чимёнга қараб жўнади. Бироқ машинага ўтириши ҳамано астойдил пушаймон қилди. Яна одатдаги: «Азиз акамнинг ёки ўзимнинг танишларимдан биронтаси кўриб қолса-я? Ахир бугун дам олиш куни-ку?» деган фикр миясини тўхтовсиз пармалай бошлади. Ўзини Йўлдош билан бемалол чақчақлашиб кетаётгандек тутса-да, рўпарадан келаётган ҳар бир енгил машинани кўрганда, юраги зириллаб, кечагига ўхшаб, юзини тескари буриб оларди.

Шу йўсинда Чирчиқ шаҳридан ўтиб, Искандар посёлкасига қираверишда атрофи теракзор равон йўлга тушишганда Йўлдош машинасини шу даражада учуриб ҳайдадики, Салтанат ярим очиқ ойнани бир оз беркитишга мажбур бўлди. Энди анча сийраклашиб, фақат онда-сонда дуч келаётган машиналар шиг-шиг ўтиб кетишар, ҳатто ичидаги ҳайдовчисини илғаб олиш ҳам қийин эди. Бўстонлиқнинг маркази — Ғазалкент ҳам орқада қолгач, Салтанат ўзини анча эркин тута бошлади. Йўлдош ҳам энди ҳадеб Салтанатга кулиб қарар, кўзлари гоҳ йўлга қадалса, гоҳ Салтанатни еб қўйгудек, оч нигоҳ билан тикиларди. Шундагина Салтанат бекор орқа ўриндиққа ўтирмаганини ўйлади-ю, ичида ўзини койиди. Бироқ энди кеч эди. «Тўхтатинг, орқага ўтирман» деса, қайтага ноз қилаётгандай туюлмаслиги учун Йўлдош кулса, у ҳам бўш келмай кулиб, сир бой бермай кетаверди. Лекин бегона эркакнинг кўздан чет жойда ўзгача ваҳмаси, қандайдир юракни орқага торттириб юборадиган ёқимсиз салобати борлигини Салтанат бийдай тоғ йўлида Йўлдош билан танҳо қолгандагина сизди. Шу боисдан ҳам ҳозиргина ҳазил-ҳузул қилиб кетаётган одам бирдан тумшайиб олди.

Чимён ва Хўжакентга буриладиган муюлишда Йўлдош аввал Чимён томонга, кейин бирдан Чорвоқ тарафга бурилди-да, ўн метрча юриб яна айнидими, машинасини Чимён йўлига қайирди. Машина кескин бурилган пайтда Салтанат шунча ўзини тутаман деса ҳам кучи етмай, Йўлдош томонга оғди ва елкаси елка-

сига тегиб кетди. Йўлдош чап кўлида рулни ушлаб, «кўрқманг» дегандай, ўнг кўли билан Салтанатнинг елкасини кучиб кўйди. Салтанат Йўлдошнинг бакувват билаги куракларига ботиб кетганини ҳис этди-ю, хижолат чекканидан юзи ловуллади. Машина текис асфальтга чиқиб яна гувиллаб кета бошлагач, Салтанатга Йўлдошнинг қилиғи баттар нашъа қилди. Лекин бир нарса деса, вақт ўтган эди. Мард бўлса — ўша кучган пайтида айтиши, узиб олиши керак эди! Энди нима, Йўлдош уни кучоқлашга кучоқлаб, ҳозир йўлдан кўз узмай кетаётганда айтса... худди хуш ёққандай, «яна кучоқла» деган маъно чиқмайдими? Салтанат шуни ўйлаб, дамани ичига ютганча кетаверди.

Сал ўтмай бирдан даҳшатга тушди. «Нима қиялпман ўзи? Бу ишимни ҳеч ким кечирмайди-ку? Нима қиялпман? Эрга тегмаган ёш қиз бўлсам ҳам майли эди... Эри ташлаб кетган бева-бечора бўлсам ҳам майли эди... Хўш, нима мақсадда кетяпман бегона эркак билан? Нима мақсадда? Наҳотки, ўзимни шунчалик хор қилсам?! Ахир, манави корчалон ичида севинаётгандир, боладим, деб! Э, худо, нима шармандагарчилик бу?! Наҳотки кетини ўйламадим?..» Вақт дегани қани энди шундоқ орқага қайтса-ю, Салтанат эрталаб ойисиникидан чиқмай кўя қолса!..

Айланма, тик йўл машинани қийнар, мотор қизиб кетганидан тобора қаттиқ гувиллар; кун димлиги учун нафас олганда ҳам одамнинг ўпкасига иссиқ ҳаво гупиллаб кирарди. Оқиш ҳовур орасидан элас-элас кўзга чалинаётган Чотқол тизмаларини гарчи ҳалиям қор босиб ётган бўлса-да, бари бир, ҳаво дим эди. Фақат йўл четларидаги яккам-дуккам дарахтлар соясига ўтилсагина, одам бирдан тоғ томондан ғириллаб эсаётган шамолни сезарди. Йўлдошнинг ўзига кўйса-ку, бундай сарсонгарчиликни йиғиштириб, машинани ҳам қийнамай биронта дарахт-парахтнинг соясида тўхтаб дам олишгани маъқул эди. Йўлдош аввалига худди аччиқма-аччиқ изғиринга қарши борган одамдай, Салтанатнинг ўжарлигини енгаман, деб тихирлик билан унинг кетидан эргашиб юрди-ю, аммо у бўйсунгандан кейин... бирдан шашти қайтди. Ҳатто у бугун йўлга чиқишдан олдин ҳам Салтанатнинг келмаслигига юз фоиз ишонган эди. Боя бирдан кинотеатр олдида кўрганда, дастлаб сал довдираб қолди. Мана, энди машинасини таваккалига ҳайдаб кетяпти-ю, аммо Салта-

натни аниқ қаерга олиб боришни билмайди, айтадиган тайинли бир гапи ҳам йўқ... Бир сидра гўё у Салтанатни эмас, аксинча, Салтанат уни мажбурлаб қийнаётгандай, шундан шу ёққа ўғри мушукдай ҳар учраган одамдан ҳадиксираб келаётганидан жуда ҳам огринди. Миясига хотин-қизларнинг ҳалоллиги, ор-номуси ҳақидаги фикрлар ёпирилиб келиб: «Наҳотки, ҳамма аёллар шундай? Наҳотки, менинг хотиним ҳам? Э-э, худо асрасин-э, чавақлаб ташларман!» дея шайтоний хаёлларга ҳам борди. Салтанат кўзига дунёдаги энг жирканч махлуқдек кўринди ва машинани тўхтатиб, «Туш, манжалақи!» деб юборишдан ўзини аранг тийди. Бироқ кейинги дақиқада яна ўзига келди. Шундагина у анча-мунча закуска ва бир шиша ароқ билан бир шиша шампан олганига жудаям қувонди. Орадаги ўнғайсизликни энди фақат шу ичкилик йўқотиши, ҳозирги ҳолатларида Салтанатга ҳам, Йўлдошга ҳам фақат ичкилик малҳам бўлиши мумкин эди...

Туристлар посёлкасига икки-уч адир етмай туриб, Йўлдош машинани катта йўлдан ўнгга бурди-да, сал пастликдаги баланд арча дарахтини мўлжаллаб кетаётганда, Салтанат унга ҳайрон бўлиб кўз тикди, лекин индамади. Фақат «қаёққа» деган маънода бош ирғади. Йўлдош бунга жавобан кулимсираб қўйди. Машина ўт босган эски сўқмоқдан эҳтиёт билан юриб, арча орқасига бориб тўхтади. Тарвақайлаб, пастки шоҳлари ер бағирлаб ўсган арча шу қадар баҳайбат эдики, йўлдан қараганда унча билинмас, аммо панасида Йўлдошнинг ГАЗ-21 машинаси мутлақо кўринмасди. Унинг ёқимли, ўткир ҳидини Салтанат ҳам, Йўлдош ҳам машинадан тушмасданоқ сезишди ва бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди. Кейин машинадан тушиб, кафтдаккина саҳнини чўп-хаслардан тозалаб, юкхонадан катта брезент ёпқич олишди-да, сарғая бошлаган алафлар устига текис қилиб тўшашди. Улар тўхтаган ёнбағир сал пастга борганда тагига қараб ўйилиб кетгани учун нариги адир яққол кўзга ташланарди-ю, бироқ пастдаги сой кўринмасди. У ердан сув оқяптими-йўқми, билиб бўлмасди. Бутун борлиқни кузги сокинлик забт этган, нариги қир ёнбағрида бир сурув қўй ўтлаб юрибди, на чўпон ва на соқчи ит кўринади. Жимжитлик... Бирдан икковларини ёқимсиз бир ноаниқлик чулғаб олди. Гўё уятли иш билан қўлга тушишдан кўрққан одамдай Салтанат ҳам, Йўлдош ҳам тўхтовсиз атрофга аланглашар, улар-

нинг назарида қўй боқиб юрган чўпон қайсидир бир бута соясида ёнбошлаб ётганча, икковларининг нима иш қилаётганини кузатиб турганга ўхшар эди. Ҳозиргина катта йўлдан қайрилиб, мана шу хилват жойга келиб тўхтаганларида Йўлдош ичида суюнган, Салтанат бўлса бир енгил тортганди. Энди айниқса Салтанатнинг дилини яна гулгула кемира бошлади.

Йўлдош бу ўнғайсизликни орадан кўтармоқчи бўлибми, худди ёш боладай брезент устида ўмбалоқ ошди-ю, қўл-оёғларини ёйганча чалқанча ётиб, осмонга қаради.

— Бунақанги жойлар ҳам бор экан-ку дунёда! — дея хитоб қилди у, ҳамон тепасида гарангсиб турган Салтанатга пастдан тикилиб. Шу ҳолатда Салтанатнинг қирра бурни ва қотма юзи Йўлдошга негадир бургут боласининг кўринишини эслатди-ю, хохолаб кулиб юборишига сал қолди. Шундагина у ҳали Салтанатни мундай бир тузук билмаслиги, суриштириб келганда икковлари ҳам бир-бирларига бегона одам эканликларини ўйлаб, бу пинҳона висолдан завқланиб кетди ва овозини баланд қўйиб:

— Салтанатхон, ўтирсангиз-чи! Бир томоша қилинг анави томонларни, томоша қилсангиз-чи! — деди рўпарадаги адирларга ишора қилиб.

Салтанат хўрсинди-ю, кўйлак барларини тўғрилаб, тизза чўқди. Чиндан ҳам табиат жуда сокин, чиройли эди; у одамда шаҳарда сира учрамайдиган тотли ҳисларни уйғотарди. Ана, нариги қир устида бир парчагина нимранг оқиш булут ўрмалаб боряпти, осмоннинг қолган қисми эса тип-тиниқ, аммо қуёш нурларидан олтинланиб, қандайдир хира товланишда жимир-жимир қилади...

Йўлдош ўрнидан туриб ўтирди-да, одатлангани учун шамол бўлмаса ҳам кафтлари орасида гугурт чақиб папирос тутатди. Салтанат ўтирган жойида чўзилиб, унинг оғзидан сигаретини олди ва «қўйинг, шундай ҳавони бузманг», деб чўп-хаслар устига отиб юборди. Йўлдош ўрнидан сақраб туриб, жонсизгина тутаётган папиросни оёғининг учи билан эзиб ўчирди. Яна жойига чалқанча ётди, кейин қорнига ағдарилиб, шундоқ брезент четидан чиқиб турган майда-майда тоғ гуллари-ни уза бошлади. Шу пайт бехосдан Салтанатнинг кўзи Йўлдошнинг қулоқлари ичидаги йирик мўйларга қадалди-ю, юраги шувиллаб Азизни эслади.

— Йўлдош ака, мени бу ерга нега опкелдингиз? — деди тўсатдан Йўлдошга қаттиқ тикилиб. Йўлдош бир зум «шу гапларни чинданам Салтанат айтдими ёки бошқа бировми», дегандай меровсираб турди. Салтанат руҳан эзилган, мискин бир қиёфада чўккалаб ўтирар, ўзи Йўлдошга савол берса-да, унга бир тикилиб, кейин жавобидан уяладигандай, юзини нариги қир тарафга буриб олди. Йўлдош қутилмаган бу саволдан ҳайрон бўлиб, ётган жойидан дик этиб турди, Салтанатнинг ичдан эзилаётганини сизди. Ҳазилга олиб кулди. Бир оз жимликдан сўнг Салтанат:

— Қаёқданам кўрдим-а, сизни! — деб тўнгиллади ва тиззаларини қучганча индамай ўтираверди.

— Нега опчиққанганимни айтайми? — деди Йўлдош гапни чалғитмоқчи бўлиб, ўтирган жойида Салтанат томонга чўзилиб. Кейин толбаргак гулли шойи куйлаги остида қабариб турган болдирига беихтиёр тегиб кетгандай қўлини кўйди. Йўлдошнинг кўзларида шиддатли хоҳиш ўти чақнаб ёнарди. Салтанат нарироқ сурилиб ўтирди. Йўлдошнинг баданлари жимирашиб, юз-кўзларидан ўт чақнади.

— Намунча қовоғингизни уймасангиз? — Йўлдош Салтанатни гапга тортмоқчи бўлди. Шунда Салтанат шу қадар ёмон тикилдики, Йўлдош ноилож ундан кўзини олиб қочди. Салтанатнинг қарашида: «Эҳ, сен! Мени ким деб ўйлаяпсан?! Наҳотки, сен ўйлаган одамга ўхшасан? Сендақаларни эримнинг ҳаром тукига ҳам олмасман!» — деган маъно бор эди.

Йўлдош ўрнидан туриб, машина юкхонасини очди-да, чамадондай йўл сумкасини олиб келиб ўртага қўйди...

Салтанатнинг бу саёҳатдан асло ёмон нияти йўқ эди. Йўлдошнинг кейинги вақтлардаги хушомадларини эса илгарилари юрагида очилмай, армонга айланган ўтли туйгуларининг маҳсули деб тушунар, шунинг учун баъзи пайтда одам кераксиз буюмни итқитиб юборсаммикин ёки йўқми, деб иккилангани каби, у ҳам Йўлдошни бирагўла қайириб ташлашга кўзи қиймас эди. Бир томони у Йўлдош билан яхшиликча гаплашиб олмоқ ниятида ҳам мана шу пасқам ерга чиққан эди. Аммо ҳозир нима қилишни билмасди. Шунча ерга ёт эркак билан бошлашиб келаверганига энди ўзи ҳайрон қола бошлади. Барибир шунда ҳам у Йўлдош ҳақида ёмон фикрда эмасди?

— Кеннойимдан қўрқмайсизми? У киши рашк қилмайдиларми?

Кичкинагина магнитофоннинг у ёқ-бу ёғини бураётган Йўлдош оғзи ёйилиб илжайди.

— Нега қўрқарканман? Мен хотин зотидан қўрқмайман! Қўрқадиган иш қилганим йўқ ҳозирча. Мактабдош дўстим билан учрашиб қопман! Хўш, нимаси ёмон?

Салтанат Йўлдошга «ҳа-а» дегандай, кулимсираб қўйди. Лекин айна пайтда унга алам қилди. У ёлғондан бўлса ҳам Йўлдошнинг «сизни севганим учун олиб чиқдим», дейишини истарди. «Хотинининг номини эшитиши билан ўтақаси ёрилиб, овози ўзгариб кетди... Мактабдош дўсти эмишман...» Йўлдошнинг бу сўзи унинг устидан заҳарханда кулгандай бўлиб туюлди. «Фақат мактабдошлик учунми? Демак...» Салтанат шу вақтгача ҳали ўзи бир нарсани қойил қилмаган бўлсада, аммо одамлардан, ҳаётдан талаби катта эди. Унга эътибор бермай қўйишлари билан эзилар, атрофдагиларга ёқмаётганини сезиб қолса-ку, хунуклашиб кетарди. Унинг ҳеч туганмас истаги ўзгаларга ёқиш эди... Шу сабабдан Азиз гоҳ-гоҳда: «Яхшиямки, бу институт, аспирантураларда ўқиб, баъзи аёлларга ўхшаб кандидат, доктор бўлмаган! Унда... худо кўрсатмасин-ей! — деб ўйлар, кейин, — эҳтимол ўқимагани, кўрмагани учун шундайдир?.. Ўқиб, ҳаётни тушуниб, кўпнинг ичида юрганда... балки бундай бўлмасмиди?...» деб ҳам фикрларди...

Салтанат ҳозир мубҳам бир кайфиятда қилаётган ишини, унинг оқибатини аниқ тасаввур этолмас, юрагидаги оғир тош вужудини баттар азобламоқда эди. Шунинг учун Йўлдошга бераётган саволлари тайинсиз, бир-бирига қовушмасди. Бутун жисмда ҳозир ички аёвсиз кураш давом этмоқда эди. Мияси шиддат билан ишлар, ҳали у фикрни, ҳали бу фикрни ўзича муҳокама қилар, шу боисдан, Йўлдош ҳам унинг мақсадини билломай ҳайрон эди.

— Айтмайсизми, нима учун мени бу ерга опкелдингиз? — дея сўради у яна. Лекин бу гал анча бўшашган, кулимсираб турарди.

Йўлдош «шуниям билмасанг, тоза бўлган экансан-ку», дегандай елка қисиб қўйди.

— Шунақасиз-да, ўзингиз билмайсиз нима қилаётганингизни!

Йўлдош кулди. Олма, помидор, бодринг ва иккита патир ҳамда шишаларни сумкасидан олиб, ўртага ёзилган газетага тера бошлади. Салтанат шундоқ боши устида эгилиб турган арча шохини тортиб, бармоқлари билан эзди-да, кўзини юмганча ҳузур қилиб ҳидлади ва кичкина бир шохчасини синдириб олди. Бирдан кўнгли ёришгандай бўлди. Ўрнидан туриб, нариги қирдаги буталарга, гимирлаб ўглаб юрган қўйларга тикилди. Йўлдош эса орқа ўгирганча ҳамон «дастурхон» тузаш билан овора. Салтанат унинг бронзага ўхшаш қорамтир бақувват бўйнига кўзи тушди-ю, беихтиёр Азизнинг ингичка, умуртқа поғоналари саналиб турадиган бўйини эслади. Бирдан шўхлиги тутиб, қўлидаги арча шохини астагина Йўлдошнинг бўйнига тегизди. Йўлдош ялт этиб ўгирилди-да, ирғиб ўрнидан туриб, бор кучи билан Салтанатни кучиб олди ва ўпамаң, деб уринди. Салтанат Йўлдошни итариб ташлади. Йўлдош ҳансираганча яна интилган эди, Салтанат:

— Ўзингизни босинг-е! — дея ўшқириб берди. Йўлдош турган жойида қотди-қолди. — Ўзингизни босинг! — Салтанат уни масхаралагандай кулди. Кейин қуриган хас-чўпларни қисирлатиб босиб сал нарига борди-да, сумкачасидан пудра қутисини чиқариб, ойначасига қараб пардоз қилди. Йўлдош ёпишганда сал бузилай деган соч турмагини тўғрилаб олди.

Йўлдош сазаси қайтганидан уялиб, ўртадаги ўнғайсизликни яна «дастурхон безаш» билан пайпасламоқчи бўлди. Ҳамма нарсани тахт қилгач, худди ҳеч гап юз бермагандай, Салтанатга жилмайиб қаради ва:

— Марҳамат, тушлик тортилди! — деди ҳазиллашиб.

Салтанат «дастурхон»га секин кўз қирини ташлаб, Йўлдош бу саёҳатга аввалдан ҳозирлик кўрганини сезди. Сабзавот, мевалардан ташқари пиширилган ёғлиқ қази, каттакон термосда қайноқ чой... Тоғ ҳавосининг гашти ва олис йўл юрилгани сабабли қорин очгани энди билинди. Салтанат:

— Ресторандан қолишмайди-ку! — деб бояги ўрнига келиб чўккалади. Кўм-кўк бир олмани олиб карсиллатиб ея бошлади. Йўлдош пақиллатиб шампан виносини очди-да, сумкасидан иккита пиёла олиб тўлатиб-тўлатиб кўпиртириб қуйди. Бир пиёласини Салтанатга узатди. Салтанат бошини сарак-сарак қилиб унамади. Йўлдош зўрлайвергач:

— Мен ичадиган одамнинг машинасига тушмайман!

Айниқса бунақа тоғ йўлида, — деди кулимсираб, олма пўчоғини газетага яшираркан. Йўлдош «э, буёғини бизга қўйиб беринг» дегандай қўл силтади ва бир кўтаришда пиёласини сибириб тугатди. Яна бир-икки ичгандан сўнг дадиллашиб кетди, Салтанатни «ичасиз» деб қистай бошлади. Салтанат жаҳл қилса ҳам Йўлдош энди уни писандга олмади. Охири бўйсуннишга мажбур бўлди. Салтанат умрида неча марта ичганини ҳатто бармоқ билан санаб бериши мумкин. Шу боисдан бирдан ичи ловиллаб кетди-ю, кўнгли бузилди... Йўлдош эса энди обдан қизишиб, сумкасидан ароқ шишасини чиқарди. Энди очаётган эди Салтанат «бўлди, бўлди», деб қўлидан тортиб олди. Шунда Йўлдош «унда шам-пандан ичасиз» дея шарт қўйди. Салтанат ноилож яна ичишга мажбур бўлди... Иккинчи пиёладан кейин бутун бадани жимирлашиб, кўнгли эриб, чигаллари ёзила бошлаганини ўзиям сезмай қолди. Қайтага Йўлдош тагин таклиф қилса, қайтармай ичиб юборадиган бир ҳолатга тушди. Борган сари кўзларининг олди хиралашиб, нариги қир бағрида ўтлаб юрган қўй-қўзилар, яккам-дуккам буталар энди хаёлий шарпага ўхшаб кўринар, «панада биров бўлса-я», деган бояғи ҳайиқиш ҳисси аллақачон унутилган эди. Аксинча, Салтанат энди уларга қараб табиатнинг беқиёс жозибаси буюклигидан энтикиб, дил-дилидан завқлана бошлади. Кейин бирдан Азиз акаси, ойисиникида қолган Бехзодни эслади-да, «кетамиз», деб хархаша қила бошлади... Йўлдош кайфлигидан Салтанатнинг гапига кулоқ ҳам солмай, анча куймаланиб, ўзига ёқадиган бир лентани топди ва магнитофонини қўйди. Мурвати охиригача буралган бўлса ҳам магнитофондан чиқаётган овозни теварак-атроф кенглиги ютиб кетар, лекин шунга қарамай осуда тоғ манзарасини аллалаётгандай майин оҳангда «Тан-бур муножоти» янгради. Турғун Алиматов бармоқлари измидан чиқаётган нозик мусиқий навозишлар билан мана шу табиат жилвалари ва кенглиги ўртасида кўз илғамас буюк ўхшашлик мавжудлигини ҳатто анча қизиган Йўлдош ҳам, Салтанат ҳам чуқур ҳис этишди-ю, жим бўлиб қолишди.

Салтанатнинг кун кўрмаган рангсиз юзи энди ичимликдан оловдай қизариб, ўзи эса деярли Йўлдошнинг пинжига тиқилиб олган, боши айланиб, мастлигидан ўрни келса-келмаса, нуқул Азизни мақтар, унинг «айрим ношудликлари»дан астойдил куюнар, баъзан шун-

дай сўлим табиат манзараси, ундаги мусаффоликка ўзлари қилаётган ҳозирги иш нақадар мудҳиш доғдек бўлиб тушаётганини сезиб қоларди-да, ҳиссиз, туйғусиз бир ҳолатда юзини чангаллаганча, анча вақт чурқ этмай ўтириб қоларди. Кейин туйғулари яна сиртга отилиб:

— Шундай ҳалол инсонки у!.. — дер эди деярли ҳарсиллаб. — Бунақаси йўқ бошқа! Йўқ! Эртадан-кечгача иш, иш, иш. Фақат шуни билади! Қани энди ҳамма одам шундай бўлса! Мен аҳмоқман! Аҳмоқман! Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади! Сизга қўшилиб, мен ҳам аҳмоқ бўлдим! — Йўлдошга маст кўзларини сузиб қаради. — Эҳ, Азиз ака! Мен аҳмоқман! Аҳмоқман!..

Йўлдош аввалига пиёлани кетма-кет кўтарди-ю, аммо Салтанат бемалол ича бошлагач, шаҳарга қайтишни ўйлаб, секин ўзини тийди. Хуфёна саёҳат, айниқса, ичкилик деган нарса ҳар қандай қаноатли аёлларни ҳам охири ўз комига олиб, дағал хоҳишларга йўл очиб беришини яхши билар, шунинг учун энди у қўрқмай Салтанатни кучиб, ҳадеб бағрига тортар эди...

Салтанат эса ҳадеб юзини четга буриб йиғламоқчи бўлар, аммо йиғлаёлмасди. Кейин тўсатдан панжаларини Йўлдошнинг жингалак сочлари орасига суқиб, юзини-юзига қаратди-да:

— Эҳ, сиз, нега мунча менга ёпишиб олдингиз? — деди илтижоли овоз билан маъносиз кўзларини Йўлдошга қадаб. — Нега ёпишасиз?! Ростдан севасизми?! Ростданми?! Йўлдош ака! Мени ўлдирдингиз-ку? Энди нима қиламан? Айтинг, нима қилай?! — У Йўлдошнинг қўлларини олиб, қўкрагига босди. — Йўлдош! — Салтанат мактабда ўқиб юрган вақтидагидек бирдан уни сенсиради. — Бу ишни қўяйлик! Биров билса нима бўлади, а? Биров билса нима бўлади?!

Йўлдош билакларига тўсатдан фил кучидек туганмас кудрат сизди-ю, сапчиб туриб, Салтанатни қаттиқ кучоқлаб олди ва қуюқ мўйловларини бўйнига ботириб, кулоқлари, юзлари, лабларидан сўриб ўпди.

У ҳансираб:

— Ҳеч нарса бўлмайди! Қўрқманг, Салтанат! Ҳеч нарса бўлмайди! — деб шивирлар ва Салтанат уни ўзидан итариб, кучи етганча қаршилик қўрсатаётганига ҳам қарамай, бўйнилари, юз-кўзлари, сочлари, лаблари, ҳатто қўл ва тиззаларигача талваса билан чўлпиллатиб ўпа бошлади...

Азиз Расул Оллоёровичдан бунчалик ишни кутма-ганди. Расул Оллоёрович Азиздан ўша Москва ҳисоботи-ни қисқагина тинглаган куни, у энди кабинетдан чиқиб кетаётганида гўё беҳосдан эсига тушгандай, аҳамиятсиз бир гапдай «интервью бериб юбордим, қаршимасмисиз», деганида, ҳар қалай, бунчалигини ўйла-маганди; «институтнинг иши, коллектив иши» баҳо-наси билан у яратган янги навни бу қадар талон-тороғ қилиб, аниқ турган нарсани мубҳамликка кўмиб, Азиз-ни қарийб оддий бир иштирокчига айлантириб, тагини суриштириб келганда, ҳаммасига ўзлари эга чиқиш-ларини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди... Азиз аввалига донг қотиб қолди. «Наҳотки, шуларнинг бари-ни Расул Оллоёрович айтган?» деб ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай боши қотди...

У кун бўйи ўз иши билан машғул бўлди. Тушдан кейин Расул Оллоёрович чақириб: «Райкомда халқаро мавзуда лекция бор экан, активларимиздан бири сифа-тида сиз ҳам қатнашинг, фойдаси тегади», деб тайинла-ди. Азиз, тўғриси, боришга оғринди-ю, аммо домла-нинг раъйини қайтаришни хоҳламади, ўша заҳоти «хўп», деб жавоб берди. Бундан мамнун бўлган Расул Оллоёрович: «Жамоат ишларидан қочманг, ана шунда ютасиз», деди бармоғини ҳавога нуқиб.

Азиз билан тўрт киши, партия ташкилотининг сек-ретари Бобоқулов бошчилигида райкомга белгиланган вақтда етиб келишди. Темир-бетондан ишланган, ойна-ванд, тўрт қаватли бино эшигидан кираётган одам-ларнинг сон-саногини йўқ эди. Раҳбарлар, ишчилар, кўкрагига «Маориф аълочиси» нишонини таққан ўқи-тувчилар, студентлар... Четидаги темир панжараларига-ча тувакда гуллар ўстириб қўйилган зинадан учинчи қаватга кўтарилишаркан, Азиз боя директор ҳузурида лекцияга келишга ўзича оғринганидан энди хижолат бўлди. Беш юз кишилик зал деярли тўлган, фақат ол-динги қаторларгина бўш, у ерга ҳеч ким ўтгиси келма-ди. Бобоқулов Азизларни тўғри биринчи қаторга бош-лади... Лекция белгиланган вақтда — роппа-роса олтида бошланди. Саҳнага область партия комитети лекторлар группасидан келган бўйи пастгина, сочларини ўнг чак-касидан икки томонга текис фарқ очиб тараган, чирой-ли бир йигит чиқиб келганда залдаги ғовур-ғовур бир-

дан тинди. Лектор йигит кулиб туриб, зал билан бош ирғаб саломлашди ва қўлидаги найча қилиб ўралган катта харитани минбар олдига қоқилган, пастандан кўринмайдиган кичкинагина миҳга илди. Бу пайтда Бобоқулов чўнтагидан газета чиқариб, букланган ҳолича қайсидир мақолага кўз югуртириб ўтирарди. Лектор маърузасини бошлағач, Бобоқулов газетани чўнтагига солди-да, Азизнинг қулоғига: «Ўқидингизми?» деб шивирлади. Азиз: «Йўқ, нимани?», дея хайрон бўлди. «Ие, мен сизни ўқигансиз, деб индамовдим. Ишингиз ҳақида Расул Оллоёровичнинг мақолалари чиқибди», деди-да, чўнтагидаги газетани олиб, «кейин ўқирсиз» дегандай Азизга тутқазди. Азиз буклоғлиқ газетага кўз кирини ташлаб, «Империализмнинг яна бир найранги» деган сарлавҳани кўрди-ю, ичкари бетини очишга ийманиб, чўнтагига солиб қўйди... Лектор Яқин Шарққа бағишланган суҳбатини бошлар экан, биринчи дақиқаларданок бутун зални ўзига жалб этиб олди. Аввало, у сира тутилмасдан, дона-дона қилиб, автоматдек тез гапирарди. Иккинчидан, ҳеч нарсага қарамас ва энг муҳими — бу яқин-ўрталарда газеталарда чиқмаган янги фактлар асосида сўзлар эди. У роппа-роса бир соат деганда маърузасини тугатди. Яна анча вақтгача савол-жавоблар давом этди...

Азиз лекторнинг нотиклик маҳорати ва билимига қойил қолганча кўчага чиқди. Бобоқулов ва бошқа шериклари билан хайрлашиб, ўзига қулай бекатга бориш учун хиёбонни кесиб ўтди-да, нариги шоссе томонга қараб юрди. Йўл-йўлакай газетани очиб кўрди. У тушмоқчи бўлган автобус ўша ерда изига қайтар, шунинг учун Чилонзорга бора-боргунча тик оёқда кетгандан кўра бошиданок ўтириб оларман, деган хаёлда тез-тез юриб бориб, энди жўнай деб турган бўш автобуста югурганча осилиб чиқди ва охириги ўриндиқлардан бирига ўтирди. Кейин газетани олиб, ўқишга тутинди.

«Ҳозиргача совет пахтачилигида ҳеч бир нав 1942 йилда кашф этилган «108-Ф» пахтасидек ишлаб чиқаришда узоқ вақт сақланмаган. У ҳосилдорлиги, вилтга чидамлилиги, толасининг сифати билан ажралиб туради. Тўғри, бу навнинг дастлабки намуналари аввалги С-460 навига қараганда анчагина салбий хусусиятларга эга эди. Гарчи у вилтга чидамли, тезпишар уруф бўлишига қарамай, барги секин тўкиларди, тупи теримни қийинлаштирадиган ғужанакроқ шаклда ривожла-

нарди. Сувга жуда ўч, суғориш оралигидаги муддатга чидамсиз, ғўзаси ётиб қоладиган, толаси чаноқда бўш жойлашган, айрим кўсақларда ҳосил пишмай қоладиган намуна эди. Аммо бу камчиликларнинг бари кейинги уруғчилик ишлари жараёнида тугатилди. Энди бу нав ўзида комплекс ижобий хусусиятларни йиғиб олгандан сўнг, унга кенг йўл очилди ва натижада республикамиз пахта майдонларининг деярли ҳаммасига фақат «Ф» нави экила бошланди. Вилт билан зарарланмаган ерларда ҳозир ҳам шу навни экиш катта иқтисодий фойда беряпти...»

Азиз интервьюнинг бу жойларини анча қизиқиш билан ўқиди. Гарчи бу фикрлар Азизга ҳеч бир янгилик бермаса-да, аммо шу жўн гаплар ҳам катта одамнинг лафзидан чиқса, кичик ходимларга қизиқдек туюлавэрарканми, Азиз ҳам «қани буёғи нима бўларкин» деган хаёлда газетани ўқишда давом этди.

«Бир томондан, урушдан аввалги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш тезкорлик билан ривожлантирилгани ва кўпгина колхозларда ўт далали алмашлаб экишга аҳамият берилмай қолиши оқибатида, иккинчи томондан, ўз вақтида вилтга чидамли мукамал янги навлар яратила борилмагани сабабли, пахта экиладиган асосий районларда вилт касаллиги пайдо бўла бошлади... Ҳукумат 1939 йилнинг охирида «Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилиб, унда янада ҳосилдор, вилтга чидамли, толаси пишиқ янги пахта навларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифасини юкладилар. Мана шундай оталарча ғамхўрлик ва амалий ёрдамнинг натижаси ўлароқ урушдан кейинги дастлабки йилларда «Ф» нави ва бошқа яна бир қанча истиқболли навлар дунёга келди. Аммо кўпгина навларнинг маълум хизматини ҳеч бир камситмаган ҳолда, улоқни «Ф» нави олиб кетгани ва бир неча ўн йиллар давомида унга ҳеч қандай нав бас келолмаганини алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим...»

Азиз Расул Оллоёрович айтаётган бу гаплар Муҳиддин Жабборовичга қаратилгани, иложи борича, у, академикнинг жигига тегмай, обрўсини жойига қўйиб сўзлашга уринаётганини сезди-ю, мийиғида кулди.

«Аммо ҳар қандай медалнинг ҳам икки томони бор,

салкам қирқ йил давомида катта майдонларда фақат биттагина навни экавериш оқибатида вилт замбуруғининг шу навга мослашган жуда кучли хиллари пайдо бўлдики, натижада бугунги кунга келиб, ҳисобларга кўра, республикамизнинг ўзи йилига 600—700 минг тонна «оқ олтин»ни кам оляпти. Афсуски, табиатдаги касалликлар ҳам ўсади, ўзгаради, ташқи шароитга мослаша боради. Мана, йиллар ўтиб, «Ф» нави ҳам бу синовга дош беролмай қолди, вилт деган махлуқ бу навни ҳам «эгарлаб» олди. Институтимиз коллективи зиммасига тагин ўша — чидамли янги навлар яратиш муаммоси кўндаланг қилиб қўйилди. Бу борада яна қатор партия ҳужжатлари чиқиб, вазифаларимиз аниқ белгилаб берилди... Тадқиқот ишларида тагин бир муҳим босқич юзага келди...»

Азиз кишига ҳеч қандай янгилик бермайдиган бу сатрларни ҳам «ютоқиб» ўқиди. Чунки энди у мақола руҳиятига киришиб кетган, орқа ўриндиқларнинг дикирлаб сакраши-ю, одамларнинг тўхтовсиз турт-туртига ҳам қарамай, суҳбатни охиригача қўлига қалам олиб чизиб-чизиб ўқигиси келар, кейин унга ўз муносабатини билдирмаса, кўнгли жойига тушмайдигандай эди. У ҳозиргача Расул Оллоёрович айтган гаплар асосий фикри учун даромад эканлигини ҳам ҳис этиб, мақоланинг қолган қисмини ўқий бошлади:

«Кейинги ўн йил ичида институтимизда муҳим бир тадқиқот устида иш олиб борилди. Бу қандай тадқиқот? Ёш ходимларимиздан бири илгариги машҳур биолог олимларнинг таълимотига асосланиб, дадил бир фаразга қўл урган, яъни назария ва кўплаб тажрибалар инкор этган йўлдан бориб, янги нав яратмоқчи бўлган... Бу усулни баъзи йирик мутахассислар ҳозиргачаям хатарли, нотўғри йўл, деб тан олмаётирлар; гўзанинг узоқ, ёввойи формаларини дурагайлаш йўли билан вертиллёз вилт касалига чидамли, мўл ҳосил олишни таъминлайдиган, юқори сифатли тола берадиган янги навларни яратиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб, бу борада тадқиқотлар ўтказиш маблағ ва вақтнинг совурилишига олиб келади, деган фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Айрим олимлар эса бу ишни селекция тарихида мисли бир революция, деб кўкларга кўтариб мақтаяптилар. Бу фикрларнинг қай бирига ишониш керак? Қай бири тўғри? Бизнингча, бу ерда ҳеч қандай революция йўқ. Шунчаки, ёш олим илгари назария ва амалиётда учра-

маган бир услубда тажрибалар ўтказа бошлаган. Институт коллективи эса «сен таваккал қияпсан-ку», деб дарров унинг юзига солмай, аксинча, уни қўллаб-қувватлаб, ёш олимга ҳар жиҳатдан мадад бериб турди. Ҳозирги кунга келиб, мана энди амалий жиҳатдан диққатга лойиқ янги нав яратилганга ўхшайди...»

Азиз бу фикрларни ўқиганда ҳам унча хафа бўлмади, «эҳтимол, шундайдир... қувватлашса қувватлашгандир...» деб қўя қолди. Лекин кейинги дақиқада эса орага сўзсиз совуқчилик тушишини ички бир сезги билан пайқади-ю, ўйланиб қолди. Кунни кечагина ўз навининг республика пахта майдонларига бирдан ёйилиб кетишини хаёл қилган одам, энди ўртада яна қанча гап-сўз, қанча кураш борлигини туйди ва ҳали ўзи голиб чиқадими-йўқми, шундан боши гаранг бўла бошлади... Бесаранжом бир қиёфада, яна газетага тикилди:

«Назаримда бу ҳар иккала қарашда ҳам ўзига яраша нуқсон бор. Янги навни «хатарли» деб, оёқ тираган ўртоқлар ҳам у қадар ҳақ эмаслар. Буни исботлаш қийинмас; биз янги ишни Давлат нав синаш комиссиясига топшириб, нисбатан кенг майдонга экиб, барча ижобий ва салбий жиҳатларини текшириб чиқамиз, вассалом. Бу янгиликни фандаги революция даражасига кўтарган ўртоқларга эса юқорида жавобимни бердим. Энди масаланинг учинчи, фикримча, энг муҳим жиҳати борки, бу хусусда индамай ўтиш нотўғри бўлур эди. Амалга оширилган ушбу тадқиқот аслида бу кишининг эмас, бутун институт коллективининг иши! Уни ишлаб чиқишда ёш олим Азиз Қосимовга ҳурматли уруғшунос академигимиз Муҳиддин Жабборов бевосита раҳбарлик қилган бўлсалар, институт маъмурияти эса масаланинг моддий-ташқилий ва илмий жиҳатларини бекаму кўст ҳал этиб турди. Хуллас, бу — йирик коллективнинг йирик ютуғи. Ўйлаймизки, пахтакорлар кўп вақтдан бери орзу қилиб келаётган вилтга чидамли янги нав бир-икки йил ичида ишлаб чиқаришга тўла жорий этилади...»

Азиз ўзи билмай газетани қаттиқ гижимлади-да, ташлаб юборишига сал қолди. Кейин юраги сиқилиб, хаёлчанлик билан автобус ичига кўз югуртди: йўловчилар жуда кам қолибди. Шундагина у ташқарига қаради ва уйдан икки бекат ўтиб кетганини пайқаб, баттар жаҳли чиқди. Автобус тўхташи билан тушиб, тротуарга ўтди-ю, орқасига қайтди. Қўлидаги гижимланган газе-

тани кафтига уриб-уриб, хаёл суриб келаркан, негадир Сергей Матвеевични эслади, сабабини ўзи билмайди: миясига тўсатдан келди... Кейин одамлар қайнаган на-риги йўлга, тирбанд бўлиб навбат кутаётган ойнаванд магазин ичидаги харидорларга маъносиз нигоҳ ташла-ди-ю, шу тажрибани деб қанча йиллардан бери чеккан жабру жафоларини ўйлаб бирдан хўрлиги келди. У ўзига, қилган ишига нисбатан муносабатларнинг том-дан тараशा тушгандай бу қадар тез ўзгариб кетаёт-ганидан ажабланмоқда эди. Одамлар ўз принципидан қайтсалар, ҳар қалай, унинг изоҳини топиш мумкин. Лекин орада фан принциплари ҳам поймол бўлади-ку ахир?! Кечагина мазах қилиб юрган ишлари... мундай қарасалар, бошқача чиқиб қопти... Энди шуни нимта-лаб, торт-торт қилишмоқчи! Хўп қизиқ эканку-а? Одам дегани ҳеч нарсадан қайтмас, уялмас ҳам экан-да? Ўзи туфлаган тупукни қайта оғзига олиш... Тавба! Ахир буни нима дейиш мумкин? Тагин казо-казо домлалар-а?! Фанни йўрғаклаган, улғайтирган — биз, деб кўк-ракка урадиган алломалар ҳаммаси! Э, тавба! Дунёнинг ишларига тушунмай қолдим...

Азиз узоқдан ўз уйлари ва ахлат ташийдиган маши-на овозига кўп қатори челақ кўтариб чиққан Салтанат-ни кўрганда кўнглидаги изтиробларини бир зум унут-гандай бўлди. Бирдан хотиржам қиёфага кириб, «шунча гавғоларни кўрган бошимиз буёғини ҳам кўраверадид-да», дея ўзига-ўзи далда берган киши бўлди. Кейин бошланғич материалларнинг барини тўрт папка қилиб ўзида сақлаб қўйгани эсига тушиб, қувониб кетди. Ра-сул Оллоёровичга берган ҳисоботини қисқагина ёзган, унда ўз ишининг асосий моҳиятинигина ёритган, энг зарур жадваллар ва маълумотларнигина илова этганди. Жадваллардаги далилларнинг туғилиш жараёни, саба-биятлари эса бари ўзида... Шундан кўнгли хотиржам бўлиб, «жанжал чиқса чиқар, калламни олишмайди-ку... ишим, мана, турибди... мендан уни ҳеч ким тортиб ололмайди... тухмат ҳам қилолмайди...» деган фикрдан сўнг анча руҳи кўтарилиб, кўнгли ёришди.

19

Эртаси куни Азизнинг сира қўли ишга бормади. Шорасул ҳам ўша куни унинг дилини баттар хуфтон қилиб, бошини столдан кўтармай, худди Азиз еб, у

куруқ қолгандай, кечгача қовоғини уюб ўтирди. Орасира жаҳл билан ўнг тирсагини қашиб қўяди. Шундай пайтларда Азизнинг мундай юрак ёриб, маслаҳат сўрайдиган одами ҳам йўқ. Қайнота-қайноғаларига-ку, бўйни ёр бериб, гап очгиси келмайди. Биринчидан, «улар, бари бир, дардимни тушунмайди», деб ўйласа, иккинчидан, унинг ўзи ҳам анча ўжар, мағрур, бировга ич ёриб қовушавермасди... Дўстлари, ҳамкасбларининг аҳволи — биттаси манови Шорасул бўлса, айниқса кейинги пайтларда, Азизнинг ишлари бир оз юришиб, раҳбарларнинг тилига тушиб қолганидан бери худди кундош хотиндек нукул унга ёвқараш қилади, очилибгина гаплашмайдиём, тумшайгани-тумшайган.

Расул Оллоёрович қабулхонаси ва кабинетидаги соатлар данғир-дунғир овоз бериб соат ўн бир бўлганини билдирди. Эрталабдан бери тайинли бир иш қилмай бекор ўтирган Азиз Шорасулнинг сип-силлик қора сочларига яна бир қаради-ю, чуқур хўрсиниб, ташқарига чиқди. Поллари гичирлаган кенг йўлакдан юриб, даҳлиз охиридаги ташландиқ айвончага борди. Орқасига синиқ стол қўйиб, омонат беркитилган эшикни очиб, мақсадсиз бир ҳолда айвонга чиқди. Илгарилари бу ердан одам аримас, қийқириқ-сурон тинмас эди. Аввалги директор биллиард ўйинига ўч эди, шу айвонни жиҳозлаб, биллиардхонага айлантирган; тушлик пайти, ҳатто ишдан кейин ҳам баъзи ходимлар соққа думалатиб чарчашмасди. Азиз ўшанда бу даргоҳга янги келган пайтлари... гоҳо тушдан кейин ҳам қасира-қусур тинмай, ишга ҳалақит берган дамларда у биллиардчилардан хафа бўлиб кетар, «бу илмий муассасами ёки истироҳат боғими», деб ичида аччиқланиб ҳам қўярди...

Азиз чанг босган полда жигарранг қадам изларини қолдирганча қанча вақтдан бери ёнига ҳеч ким йўламаган баҳайбат ҳашамдор биллиардга кўз югуртираркан, ичи ачишди. Яшил мовутининг у ер-бу ери паккида тилингандай, тагидаги оқ фанера кўриниб қолибди; соққа тушавериб, урилавериб, четларидаги ҳовончалари ейилиб, кенгайиб кетган; Азизнинг назарида шу биллирд ҳам унга қараб мунгайиб тургандек эди. Шу пайт ҳозиргина у кириб келган эшик гийқ этиб очилди. Азиз қараса, Расул Оллоёровичнинг котибаси. У, «нима қилиб юрибсиз бу ерда», дегандай Азизга ҳайрон бўлиб тикилиб, елкасини қисди. Сўнг:

— Сизни Расул Оллоёрович йўқлаяптилар, — деди-

да, орқасига бурилиб, жўнаб қолди. Азиз «оббо, яна нима гап топдийкин», дея ўйлади ва директор кабинетини томон чаққон юриб кетди.

Азиз эшикни очиб ичкарига кирганда Расул Оллоёрович чап қўлини ўнг қўлтигига қисиб, тирсагини буккан қўйи ўнг кафтини юзига қўйганча деворга илинган қатор диаграммаларга тикилиб турар, Азизни кўриши билан уни стол олдига — бир-бирига қарама-қарши қўйилган иккита стулнинг бирига таклиф этди. Узи ҳам креслосига эмас, Азизнинг рўпарасига ўтирди.

— Сизни мен... бир маслаҳатга чақирдим, — деди Расул Оллоёрович нафис кўзойнаги остидан Азизга қаттиқ тикиларкан, у томонга хиёл эгилиб. Кейин худди керишгандай ўзини орқага ташлади. — Ўйлаб кўришингиз керак. Яхшилаб! Майли, шоширмайман. Обдан тарозига солиб, бир фикрга келганингиздан сўнг айтарсиз. Яна гап — ўша сиз яратаётган янги нав устида... — Расул Оллоёрович тирсақларини олдидаги курсига тираб олди-да, Азизга яна қаттиқ тикилиб, ундан жавоб кута бошлади.

Азизнинг ёдига лоп этиб, кечаги интервью келди. Суриштирмай-нетмай Азиз қилаётган иши ҳақида директорнинг бунчалик эркин сўзлаб юриши унинг тоза иззат-нафсига теккан эди. Мана бу гапи эса ўлганнинг устига тепган бўлди, аммо шунда ҳам «қани, ичидагисини айтсинчи», деб атайлаб сабр қилди. Лекин ўрни келса, бир чақиб олишни мўлжаллаб ўтирди.

Расул Оллоёрович ўзининг бу даромад сўзи Азизга қандай таъсир қилганини билмоқчи бўлгандай бир дам сукут сақлади. Азиз индамагач, Расул Оллоёрович кўзойнагини олиб, дастрўмоли билан артиб, яна тақди.

— Ука, мен сизга умрбод эслаб юрадиган бир яхшилик қилмоқчиман. — Расул Оллоёрович бир оз тўхтаб, тагин Азизга тикилди:

Азиз ўзини ноқулай сезганидан:

— Раҳмат, — дейишга мажбур бўлди.

Расул Оллоёрович бирдан суҳбат тарhini бошқа ёққа бурди:

— Қалай, газетадаги интервью ёқдимиз?

Азиз домладан кўзини опқочиб, «хайронман» дегандай елкасини учирди. Расул Оллоёровичнинг пиллага ўхшаш миқти бармоқлари столни мақом билан чертаркан:

— Ҳа, тушунарли, демак ёқмабди, — деди жилма-

йиб. Аммо кўзлари сира кулмасди. Азиз ҳозиргина «ма- бодо директор шундан гап очиб қолса, бир узиб олай», дея аҳд қилиб ўтирган жойида бирдан ўсал бўлди- қўйди. Одамнинг айбини юзига айтиш жудаям қийин экан! Айниқса, бутун институт соясига салом беради- ган, йўлакда узоқдан кўрингандаёқ салобати босиб, одамлар бирдан четланиб турадиган бу домланинг юзи- га унинг камчилигини қандай айтиш мумкин ахир? Бу жуда оғир, ўнғайсиз ишлигини Азиз энди тушуниб етди. Ундаги иккиланишни сезган Расул Оллоёрович эса айбни дарров газетага ағдариб, ҳамсуҳбатининг руҳини кўтармоқчи бўлди:

— Умрим бўйи журналистларга ишонмаган одам- ман. Сал учини билишдими, азаматлар, охирини эшит- май, аравани қуруқ олиб қочаверадилар. Шу мақолада ҳам айтганимдан айтганим кўп. — Сўзларига алоҳида урғу бериш учун у кўрсаткич бармоғини ҳавога нуқиб- нуқиб қўйди. — Ўқиб, ҳайрон бўлдим. Ишни қилган четда қолиб, иккинчи даражали одамлар мақталиб ке- тибди. Шунга ўксиниб юрган бўлманг тагин...

Азиз зўрға минғирлаб, «йў-йўқ, нега», дейишдан бошқа илож тополмади. Расул Оллоёрович бир оз кўнгли ёришди, негадир яхшироқ ўрнашиб ўтирди:

— Яшанг, мана бу бошқа гап! Азизжон, битта маслаҳатли гапим бор...

— Қулоғим сизда, Расул Оллоёрович...

— Сиз чинакам улуғ бир ишни бошладингиз. Ўғил- бола гапни айтайми сизга, буни кўп вақт биз ҳам ту- шунмадик. Сизни қийнаган пайтларимиз ҳам бўлди. Аммо қани айтинг-чи, шахсан мен... сизга ҳеч қачон ёмонлик қилдимми?

— Йўқ, Расул Оллоёрович, нега бундай дейсиз? Нега сиз менга ёмонлик қиларкансиз? Раҳмат, сизга...

— Ҳа, балли! Эсингиздадир, илмий советларда нари бориб-бери келган пайтларингизда ҳар қалай сизни суяганман. Ҳар қалай, оёқости бўлишингизга йўл қўймаганман, тўғрими?

— Тўғри, — деди Азиз бу гал астойдил, Расул Оллоёровичга самимият билан тикилиб, кулимсираб. Азиздаги бу ўзгаришдан директорнинг ҳам кўнгли чоғ бўлди.

— Ҳа, майли, бу гапларим ўтди-кетди. Бир жиҳа- ти — бақироқ туянинг ҳам бори яхши... Боя айтганим- дай, зўр иш бошладингиз, Азизжон. Аммо очиги, иш-

ни фақат бошладингиз ! Бу — ишнинг боши! Тўғри-ми?

— Тўғри, Расул Оллоёрович.

— Ҳа, балли! Сиз ҳамма ишларингизни ўша илгариги суръатда давом эттираверасиз! Аммо ташкилий ва бошқа жиҳатларини... бизга қўйиб берасиз энди! Лекин хоҳласангиз албатта. Янги навга оид барча маълумотларни шу йилнинг ўзидаёқ Давлат синов комиссиясига топширишимиз керак. Янаги йилдан... кенг майдонларга эка бошлаймиз. Бу масалани тегишли ташкилотлар иштирокида ҳал этишни ҳам каминага юклайсиз. Сиз фақат ҳамма таҳлилларингиз, далилларингиз, натижаларингизни бизга етказиб турасиз. Янги навга кенг йўл очиш менинг гарданимда...

Азиз қувонганини яширолмай қолди. Худди Расул Оллоёрович бераётган ваъдалар шу ернинг ўзидаёқ амалга ошаётгандай, оғзининг таноби қочиб кулганча, фақат «раҳмат, раҳмат», дейишдан бошқа гап тополмасди.

Анчагача шу йўсин суҳбатлашиб ўтиришди. Азиз оғздан бол томаётган директорнинг гапларидан маст бўлиб, ичида «наҳотки, наҳотки», дея ўзидан-ўзи ҳайратланиб, ҳаяжонланар, юрагидаги чексиз миннатдорчилигини Расул Оллоёровичга қандай изҳор этишни билмай, тили лол эди. Охири директор шу беш-олти кун ичида Азиз нима ишларни бажариши лозимлигини бир-бир тушунтирди-ю, кейин:

— Мабодо Муҳиддин Жабборовични ҳам қўшсак, қандай фикрдасиз? — деб сўради.

Аввалига бу савол Азизга жуда ҳам ўринлидай, ҳеч бир ажабланидиган жойи йўқдай бўлиб туюлди. Фақат ўз хонасига қайтиб боргандагина бирдан ўйланиб қолди. «Бу анчайин жўн савол эмас... Нега Расул Оллоёрович алоҳида таъкидлаб, «Муҳиддин Жабборовични ҳам қўшсак», деди? Ие, ғалати-ку? Мени-ку, ўзинг, ўз хоҳишинг билан қўшдинг, энди Муҳиддин Жабборовични ҳам шерик қила қолайлик, майли, ўшайм тинчисин...» деганими бу? Қизик! Беминнат ёрдам берадиган бўлса... Қўшса-қўшавермайдими? Шунинг ҳам сўраб ўтирадими энди? Қайтага яхшилиқни элбурутдан карнай чалмай, тўсатдангина қилишгани яхши эмасми?..»

Азиз атайлаб шу тақдид фикр юритар, ўзини ҳалеб шу содда мулоҳазага ишонтирмоқчи бўларди-ю, лекин

бари бир кўнглида Расул Оллоёровичнинг нима демоқчилигини энди аниқ сезган эди. Демак, шу ишнинг муаллифи — учовимиз!.. Э, тавба, буёғи қизиқ бўлди-ку! Жуда қизиқ!

Азиз хонасида ўтиролмай, йўлакка чиқди, беихтиёр яна ўша ташландиқ биллиардхонага қараб юрди. Ҳозир у танҳо ўзи қолиб, Расул Оллоёровичдан эшитган гапларини обдан ўйлаб олишга ошиқарди. «Тавба, буниси қизиқ бўлди-ку?! Шундай катта олим, шундай фан доктори! Ановиси — академик! Наҳотки? Наҳотки, уялиш-маса? Тавба!..»

«Тўхта, тўхта! Азиз нима деди Расул Оллоёровичга? Нима жавоб қайтарди? Бир-икки бошини лиқиллатганича чиқиб келаверди. Буни Расул Оллоёрович қандай тушунганикин? Нима деб ўйладийкин?.. Шу ташвиши кам эди ўзи! Шу етмай турган эди!.. Олишса, шерик бўлишса — ундан нарига! Тавба. Тирноқча ёрдамлари тегса ҳам майли эди, алам қилмасди! Энди шерик бўлишармиш!.. Уят, номус қаёққа кетган? Ҳақиқат борми ўзи ҳеч ерда?! Тинчлик борми буларнинг дастидан?!»

Тўсатдан Азизни ички бир титроқ, уятга ўхшаш ўтли ҳаяжон қамраб олди. Руҳи тушиб, юраги сиқилди, худди бутун жисмига куч бағишлаб турган қонлари бирдан ҳаракатдан тўхтаб қолгандай ҳолсизланди. Юзи, бўйинлари, кўкраклари қизиб турса-да, аммо бадани бамисоли кўргошиндай оғирлашиб борарди. Бошини ҳам қилганча, чанг босган полдан кўзини узмасди. Шу аснода ҳар қандай юпатишлар ҳам унинг кўнглини кўтаролмаслиги аниқ эди. У бирдан ҳаётдан чарчаб кетгандай ниҳоятда ожиз сезди ўзини.

Лекин кейинги дақиқада эса, уйқусираган одамга совуқ сув сепилгандай кайфияти ўзгарди. Ўзининг ҳақлиги ва фолиблигини ўйлади-ю... кўксини тоғдай гурур эгаллади. Ҳозиргина ҳолсизланган томирлари бирдан жўш уриб, аллақандай ҳузурбахш илиқлик кўксига қувват берди — зилдай вужуди укпардай енгиллашиб, чигали ёзилди. Бошини тик кўтарди, кўзлари ёниб, тириклиги ва шу ёруғ дунёда тўрт мучаси соғ яшаётганидан севиниб дилида кимларгадир нафрат, кимларгадир эзгу бир ҳис ёлқинланаётганини сезди. Унга қараб турган одам инсон боласи қанчалар сирли, қанчалар фаройиб матодан бино қилинганлигига ҳайратланишдан ўзга чораси қолмасди...

Эски полни гичирлатганча йўлакдан ўтиб кетаётган бир-иккита қизлар жой қуригандай ташландиқ айвонда хаёл суриб турган Азизни кўришиб, пиқир-пиқир кулиб юборишди. Азиз шундагина ўз аҳволини тушуниб, шоша-пиша эшикни очиб, йўлакка чиқди-ю, хонасига кириб кетди.

* * *

Кунни кеча Муҳиддин Жабборовичдан ҳадиксираб, уни қувдан олиб қувга солган Расул Оллоёрович, нега энди унга бирдан ўзи қайишиб, ўзи уни муаллифлар қаторига қўшмоқчи бўлиб юрибди?..

Расул Оллоёрович бу масалани жуда кўп ўйлади, минг хаёлларга борди. Охири ўзича сих ҳам, кабоб ҳам куймасин, деган қарорга келди. Чунки Азизни ўзи пишиқлаб олгани билан кейин нима бўлиши — номаълум. У лапашанг ҳам ким нима деса — «хўп». Иложи қанча бечоранинг! Ёнида кўкрак кериб турадиган суянчиғи бўлсаки, шунга орқа қилиб, унча-мунчаси билан тортишса! «Хўп», демай қаёққа борарди? У, эслихушли йигит, жуда тўғри қилади! Модомики, мункиганда тираги йўқми, зийрак, эҳтиёткор бўлгани яхши! Чакки қадам босмай, тилини тийгани яхши! Акс ҳолда... Одамга бир зарба тегмасин. Тегса — ўнгланиши қийин! Каллакланган дарахтни қанча папалама, тагидан янги новда чиқса чиқадики, каллакланган жойидан бошқа ўсмайди! Ўсмайди!.. Муҳиддин Жабборович ҳам анойи эмас. Нимаики унвон, даражалар — ҳаммасини олган, бировга тобе жойи йўқ. У ҳеч нарса йўқотмайди! Нима, илми, академиклигини биров тортиб олармиди? Ҳали Расул Оллоёрович шу ёшга кириб, ўттиз йилдан бери фан тупроғини ялаб, бирон олимдан академиклигини тортиб олишганини кўрмаган! Шундай экан, Муҳиддин Жабборович нимадан кўрқарди? Балки илгарилари, ҳали бу мартабаларга эришмай туриб, кимлардандир кўрққан, кимларгадир хушомад қилган бўлса бордир. Аммо энди кўрқмайди! Вақтида хизматини қилиб қўйган! Модомики, шундай экан, Расул Оллоёрович у билан орани бузиб нима қилади? Ҳали бу одам керак унга! Жудаям керак!..

Лекин Расул Оллоёрович, ўзини Муҳиддин Жабборович зимдан ёқтирмай юришини ҳам яхши билади. Расул Оллоёрович ҳам академикнинг кўп қилиқларини

унча хуш кўрмайди. Буни икковлари ҳам сезишади. Аммо бир-бирларига сир беришмайди. Муҳиддин Жабборович билан орани бузиб, наф ололмаслигини Расул Оллоёрович тушунганидек, Расул Оллоёровичга тескари борса, Муҳиддин Жабборович ҳам сал бўлса-да, ютқазिशини билади. Улар орасида тилда айтилмаган ғалати бир пинҳоний муроса борки, буни сал диққат қилган одам дарров сезади. Шу боисдан, институт ходимларининг «иккови маъқулласа, ишимиз битди ҳисоб», деб суюниб юришларида ҳам жон бор.

Расул Оллоёровични Муҳиддин Жабборовичга ён босишга мажбур этган сабаб ҳам аслида шу эди. «Нима менга бошимни оғритиб? Кўшмасак, сўзсиз, жанжал чиқади! Бурганинг оёғини санаган одам жим ётардимми? Ўзига қолса-ку, ҳеч кимни бийлатмай, ҳаммани четга суриб, Қосимовнинг ишига якка ўзи эга чиқса... Ахир расмий жиҳатини олганда ҳам у Азизнинг илмий раҳбари! Бирон марта қўлини совуқ сувга урмай, энди питирлаб қопти! Яхшиси, «шериксиз» деган гап мендан чиқсин. Шунда маъқул бўлар...»

Эртаси кўни Расул Оллоёрович бир ишни баҳона қилиб, Муҳиддин Жабборовичнинг ёнига кирди-да, у билан анча вақтгача ёзилишиб суҳбатлашиб ўтирди. Гап орасида тунов кўни «Фан» нашриётидан сўм қоқишгани ва янги пахта навлари соҳасида кейинги йилларда институтда амалга оширилаётган тадқиқот ишларини умумлаштириб, оммабоп бир китоб ёзиб беришни сўрашганини писанда қилиб ўтди. Муҳиддин Жабборович индамай гапнинг давомини кутди, чунки у Расул Оллоёрович бу таклифни бекорга айтмаётганини билар, буни директорнинг кўзлари, ҳаракатлари, тил чайналишларидан яққол сезиб турарди.

— Шунга сиз нима дейсиз?

— Яхши таклиф. Ёзса бўладиган ишларимиз, ваҳоланки, кўп.

— Мен рухсатингизсиз уларга... — Расул Оллоёрович ҳамсуҳбатига босим тикилди. Муҳиддин Жабборович ҳам директорга «қани эшитайлик-чи», дегандай термилди. — Мен уларга ўн листдан ошиқроқ монография таклиф этдим. Айниқса, кейинги ишлар фонида ёзсак дуруст бўлади. Муаллифликка сиз билан Қосимовни айтиб юбордим.

Муҳиддин Жабборович ерга қараб кулди ва «ёзсак ҳам бўлади», деб турган одам бирдан ўзини муаллифлар

орасига қўшмай гапираётганининг маъносини тушунди-ю:

— Ўзингизни ҳам киритинг, акс ҳолда... — деди Муҳиддин Жабборович бирдан жиддий қиёфага ўтиб.

— Хўш, нима «акс ҳолда»?

— Хўп, деяверинг, Расул Оллоёрович. Биз биламизку, ваҳоланки, гапираётган гапимизни. Биринчи муносиб номзод ўзингиз...

Расул Оллоёрович кафтини елпиғичдек силкиб: «Йўқ, йўқ, менга нима бор сизларнинг орангизда? Илмий раҳбари сизсиз-ку?» деди ҳам босиқ, ҳам сипо овоз билан. Кейин Муҳиддин Жабборовичнинг жавобини кутиб, ерга қаради. Муҳиддин Жабборович бу шамадан қайтага анча мулзам бўлди. «Илмий раҳбар» деган сўз бировнинг оғзидан чиққанигами, қулоғига киноядек эшитилди. Аслида Азизга ўзи илмий раҳнамолиги ва у яратган янгиликнинг маълум қисми бевосита ўзига тааллуқли бўлишини кўнглида қанча пишитиб юрмасин, лекин буни ўзга оғиздан эшитганда бари бир ўнғайсизланди. Шунинг учун Расул Оллоёровичга тезда эътироз билдирди:

— Ортиқча камтарлик, ваҳоланки, камтарлик эмас! — деди негадир энли столдан туриб, хона ўртасига ёзиб қўйилган узун пояндоз гилам устидан эшик томонга қараб аста юраркан. У гўё ҳамсуҳбатини унутгандай, оқ оралаган чакка сочларига бармоқларини суққанча, гоҳ тақасимон чўзиқ энгагини эзиб, ниманидир ўйларди. Аввалига Расул Оллоёровичга муҳим бир гап айтмоқчи бўлди шекилли, лекин кейин иккиланиб мужмал жавоб қайтарди: — Мен яқинда зўр фикрга дуч келиб қолдим. Илмдаги кооперация хусусида. Хуллас, қўйинг-чи, Расул Оллоёрович, шу ишларнинг тепасида ким турибди, хўш? Институтга келган пайтингизни, ваҳоланки, бир эсланг. Оти ҳам, гилдираги ҳам йўқ файтонга ўхшаб қолган эди институт бечора! Раҳмат сизга, ваҳоланки, шундай оғир юкни ўрнидан жилдириб, бинойидек тортиб келяпсиз... Манови янги нав ҳам сизнинг хизматингиз-да. Керак бўлса, бунга мен ўзим айтаман илмий кенгашда. Бу ҳаммага беш панжадай аён гап. Ваҳоланки, ўша Қосимовнинг эси бут бўлганда, шунчалик қўллаб-қувватлаб, тарбия бериб келаётганингизга биринчи навбатда ўзи раҳмат айтиши керак эди. Отаси қилмаган ишни, ваҳоланки, сиз билан

биз қиялпмиз! Ўзим айтаман илмий кенгашда, буёғини менга қўйиб беринг!..

Расул Оллоёрович студда ястаниб ўтирганча, хона ўртасида қизишиб гапираётган академикка қандайдир ёқимли кулимсираб қараб турди-ю, охири:

— Раҳмат, домла... — деди товуши хиёл титраб, — ўзбек пахтачилигининг отаси ҳисобланган сиздай одам шундай деб турса... — Расул Оллоёрович «иложимиз қанча» дегандай, қўлларини икки томонга ёйиб ўрнидан қўзғалди ва «ҳа, майли, айтганингизга кўндик» ишорасини билдирди. Муҳиддин Жабборович директорнинг дилида ҳозир нималар юз бераётганини худди рентгенда кўраётгандай аниқ билиб турар, шу сабабли ичида уни мазах қилиб кулар эди...

20

Кеч куз кунларининг бири. Азиз «ҳеч ким йўғида бир оз ишлай», деб институтга анча барвақт кириб келди. Ҳаво булутлигидан хонадаги баланд деразаларга худди сидирга оч-кулранг парда тортилгандай, шу ҳам юракни сиқади. Очиқ дарча орқали ташқаридан нордон-ачимсиқ хазон иси ва куз мавсумининг муздай эпкини кириб турибди. Қаердадир ҳазон ёқишяпти шекилли...

Азиз ҳамон кейинги воқеалардан ҳайрон. Ўйлаб ўйига етолмайди. Баъзан хуноби ошиб, ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборгиси келади. Айниқса, иккала катта домласини кўп ўйлайди. Улар вақти-вақти билан кўзига ғаламис, нопок одамлардек кўринади, шунда у бирдан умидсизланиб, шу наҳангларнинг домига тушмай, тинчгина қишлоғига жўнаворгиси ҳам келади. Аммо бу тутуриқсиз фикри тушкун кайфиятидан келиб чиққанини кейинги дақиқанинг ўзидаёқ сезади ва яна чорасизликдан юраги эзилади. «Вой, бу дунёнинг ишлари-ей!.. Гоҳо кўриб, билиб туриб... тўғрисини айтолмайсан! Яқингинада ишимни майна қилиб, ерга уриб юрган одамлар... Ҳамма билади шуни! Аммо ҳеч ким миқ этмайди! Одамга шуниси алам қилади. Қани энди, бир мард чиқиб, уларнинг мушугини пишт деса!.. Асли ўзи илм дунёси шундай мураккаб изга солиб қўйилган эканки, гимирлаб юрганларнинг бари бир-бирига муте, бир-бирига боғланган, бир-биридан илинжда! Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди! Деёлмайди!!! Виждони ачишган, ҳақиқатга қайишганлари ҳам, «менга нима, ундан кўра

Ўзимнинг ишимни битирсам-чи... нима қиламан душман орттириб...» деб, кўриб кўрмаганга, эшитиб эшитмаганга олади ўзини!..»

Ҳамма таъсирчан одамлар сингари Азиз ҳам умидсизликка тушган пайтларида ўз омадсизлигини дунёдаги энг оғир омадсизлик деб ҳисоблар, шу сабабли гарчи ўткинчи ҳодиса бўлса ҳам арзимаган нарсалардан катта умумлашмалар чиқарар ва бундан биринчи навбатда ўзи қийналиб юрарди. Чиндан ҳам у илгарилари бошқача азобда эди, ҳозиргиси эса ундан беш-баттар. У, энди фан муаммолари доирасидан чиқиб, одамларнинг юраги ва ахлоқига разм солаётгандек эди...

Азиз баланд дераза пештахтасига суяниб ташқарига тикиларкан, институт ҳовлисида, кўча девори тагидаги қатор ёнғоқ дарахтлари остида ёғоч билан барг титкилаб, хазончинак териб юрган қоровул чолга кўзи тушди-ю, кейин ҳў, тўрдаги вақтида ўрилмай, ҳозир эса гули тўкилиб, сарғайиб, ер бағирлаб ётган беда картасига қаради. «Толмас Азимов кўргандами бун!» дея ўйлади у ва оқсоқ домланинг анчадан бери йўқлигини фақат шундагина эслади. Биров билан иши йўқ, қачон қараса тунд юргани учунми, боёқишнинг йўқлиги ҳам унча билинмайди. Кейин Азиз тўсатдан кимдандир яқинда эшитган гапни хотирлаб қолди: ўт далали алмашлаб экиш яна кенг йўлга қўйилаётгани муносабати билан «бедачи профессор» республика областларидан тушган илтимосларга биноан, бир ойчадан бери у водийдан бунисига ўтиб, командировкада юрган экан. Кўринишидан кўпол, лекин аччиқ сўзу ҳақиқатпарвар бу одам Азизга жуда ҳам ёқарди. Унинг заҳар томиб турадиган баджаҳл қиёфасини кўз ўнгига келтираркан, Азиз беихтиёр кулиб юборди. Ўтган йили шекилли, Расул Оллоёрович кабинетда қандайдир йиғилиш бораётган пайт эди. Директор Толмас Азимов билан салгина айтишиб ҳам олди. Одам кўплигидан хона исиб кетиб, кимдир тўрдаги деразанинг форточкасини очиб қўйди. Ўша заҳоти кабинетда ғириллаб елвизак юрди. Бир замон Расул Оллоёрович ўтирган жойида шошилиб кўзойнагини олди-ю, шунақанги афти буришиб акса ура бошладики, форточкани очган ходим хижолат бўлганидан дарров яна ёпиб қўйди. Расул Оллоёрович ўзига келиб, оғзи-бурнини энди дастрўмолига арта башлаганда, шундоқ дераза тагида ўтирган Толмас Азимов ўлганнинг устига тепган қилиб:

— Э-эсингиздами? С-студентлик пайтингизда ҳам но-нозик э-эдингиз, — дея гап ташлаб қолди. — Эрта-лаблари с-совуқдан чўч-чиб, лунжингизга с-сув олиб, кейин шундан юз-қ-қўлингизни ювардингиз-з...

Бутун кабинетни гуриллаб кулги босганди ўшанда. Ҳатто Расул Оллоёровичнинг ўзи ҳам ёзилиб кулганди...

Азиз ўша воқеани эсларкан, кўзлари чақнаб яна кулди, юрагининг хижили бир оз ёзилгандай бўлди. Столига ўтириб, тикмачокдек боғлаб қўйган қоғоз тўла папкасини оча бошлади...

Азиз ўз участкасида етилган пахтани териб олишга розилик берганига хийла вақт бўлди. Энди бу йилги — сўнги бўғинга оид материалларни аввалгиларга қўшиб, қиёслаб, қай даражада ўсиш, мукамаллашиш рўй берганини яна аниқлаб чиқиши керак. Қанча ҳосил олинганини ҳам ҳозирча у аниқ билмайди. Шу далилларнинг бари диссертацияси учун керак...

Азизнинг бугун Маҳамат Турдибоев ҳузурига бормоқчи бўлганининг тагин бир бошқа сабаби ўртада туғилган анча-мунча янги гаплардан уни ҳам хабардор қилиб, секин фикрини билиб қайтмоқчи эди. Ҳў, ўша, газета мухбири иккови билан суҳбатлашган вақтида ҳам Маҳамат ака институтдаги кейинги борди-келдиларнинг бир чеккасини эшитиб, «тавба, олимлар орасида ҳам шундай бўладими», деб ажабланган, кейин Азизга худди отасидек топиб-топиб маслаҳатлар берган, кўнглини кўтарган эди.

Азиз қишлоқда автобусдан тушганда кечадан бери тумшайиб олган ҳаво энди ёға бошлаган, тоғ тарафдан эсган шамол жимгина шивиллаётган ёмғирни гоҳо худди чилвирдай ўйнаб, шартиллаб юзга урмоқда эди. Азиз Салтанатнинг сўзи билан эрталаб плаш кийиб олганига ичида суюнди ва унда-бунда қум юзасида ҳалқа бўлиб турган кўлмакчаларни четлаб ўтиб, шошилганча йўл юзидаги сартарошхона айвонига сакраб чиқди. Ёмғир ёғаётганига қарамай, дала ташвишлари камайгани учун гузарда одам сероб эди. Ҳозир шудгор кўтаришда асосан механизатор, тракторчиларнинг иши қизиган, хотин-халаж, бола-чақалар эса уй, мактаб юмушларига шўнғиб кетган пайт эди. Азиз учраган таниш-билишлар билан кўришиб, ёмғир сал пасайганга ўхшовди, жадал юриб, йигирма қадамча наридаги колхоз идорасига кириб борди. Остонага туташган темир тароққа лой ара-лаш сариқ хазон ёпишган оёқларини сидириб-сидириб

артди-да, йўталиб ичкарига кирди. Чап томондаги раис кабинети ланг очик, аммо бўш эди. Ўнгдаги чорси хонада ҳалитдан калта пўстинча кийиб олган, элликлардан ошган касалманд бухгалтер ўтирибди. Азиз даҳлизга кирганга ҳам у бошини кўтариб қарамади.

Азиз ташқарига чиқди-да, остонада бир оз ҳаяллаб қолди. Кейин яна бухгалтер хузурига кирди.

— Саломалайкум, Маҳамат ака қаердайкин, билмайсизми? — дея сўради ҳамон столидаги қоғозлари ва чўтидан бош кўтармай ўтирган бухгалтерга мурожаат этиб. У шундагина Азизга юзланди ва:

— Э, ваалайкум, сизмидингиз? Вой-вў-ўй, камнамосиз жуда? — деганча чаққон ўрнидан турди-да, Азизга пешвоз чиқиб, икки қўллаб кўришди. — Маҳамат акангиз бир ўлимдан қолди-ю, бечора! Вой-вў-ўй! Энди уйида. Зирапчадай кўричақдан ўлиб кетай деди-я. Шунгаям ўзи сабаб. «Эрта-индин план тўлай деётганда балнисага бало борми», деб апирайсадан кўрқиб, гўл одам, қорнига қизитилган кесак босибди-я... Ичагини ёриб юборибди. Вой-вў-ўй! Ҳайҳайлашиб зўрға етказиб бордик. Бир ўлимдан қолди бу Чатоғи тушмагур! Раисимиз райкомдан қанча гап эшитди... Ҳозир уйида. Кеча борувдим, белини ушлаб сал-пал юряпти... Вой-вў-ўй...

Азиз бухгалтернинг ҳикоясидан ҳам кулиб, ҳам ташвишланиб, у билан хайрлашди-да, ташқарига йўл олди. Бухгалтер ҳам кафтига йўтала-йўтала, орқасидан эргашиб остонага чиқди.

— Газеталарни ўқиб турибмиз, Азизжон, — деди. — Бутун Ўзбекистонга татийдиган синоат келиб-келиб Маҳамат аканинг бригадасидан чиқса-я! Вой-вў-ўй! Ана унда кўрасиз Чатоқнинг керилишини! Вой-вў-ўй! Ўқиб, бошимиз осмонга етяпти, ука. Ишқилиб, омадингизни берсин!

Азиз бухгалтерга самимий раҳмат айтиб, Маҳамат аканинг уйи томон жўнади. Икки тавақали таниш кўк дарвоза олдидаги атрофига тол экилган ариқ лабида учтўртта товук донлаб юрар, улар жадаллаб келаётган Азизни узоқданоқ сезиб, қанотларини ер бағирлатганча дуч келган томонга қочиб қолишди. Азиз дарвозани тақирлатиб ўтирмади, тўғри кириб бораверди. Шошганидан йўлакда ётган итни ҳам кўрмабди. Шундоқ дарвоза тагида кўзларини юмганча узала тушган ориқ този ит Азиз ёнидан ўтаётганда, ақалли, ўрнидан жилгиси

ҳам келмади. Фақат юмуқ кўзларини хиёл очиб, Азизни кўргач, саломлашгандай думини ликиллашиб қўйди. Маҳамат аканинг ўртанча қизи — ўтган йили Азиз тўйида қатнашган Муборак ҳовли тўридаги баланд гўнгтепа атрофларини супуриб-сидириб юрган экан, аввалига Азиздан қочмоқчи бўлди-ю, аммо уни кўргач, қўлидаги чўлтоқ супургисини сўри устунга ёнига ташлаб, ерга қараганча унга яқин келди ва қишлоқ аёлларига хос мулозамат билан Азизнинг уй ичларигача йўқлаб кўришди, кейин уни дадаси ётган хонага қараб бошлади. Остонагача борди-да, «марҳамат, шу ердалар», деди. Азизни ичкарига киритиб, ўзи яна ҳовли супуришга тутинди...

Азиз салом бериб кириб борганда, Маҳамат чатоқ тахмонга тақаб солинган кўрпачада мизғиб ётар эди. Қадам товушини эшитиб, чўчиб ўгирилиб қаради ва Азизни кўргач, бирдан чеҳраси ёришди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб интилган эди, бунга Азиз йўл қўймай, зипиллаб бориб ўзи кўришди. Шундоқ кўрпачага тақаб катта оқ дастурхон ёзилган, патнисга ҳар турли ширинликлар терилган, фақат дастурхоннинг четини қайириб, ноз-неъматларнинг усти беркитиб қўйилган эди. Маҳамат чатоқ ҳол-аҳвол сўраша туриб, дастурхонни очди, янгигина ёпилган нонни ушатди, бош томонида сочиққа ўраб қўйган гардин чойнақдан чой қуйиб узатиб, Азизни еб-ичишга қистади.

Азиз зимдан разм солган эди, Маҳамат ака анча уриниб, ранги сўлиб қолибди. Юпқа лаби устида доимо диккайиб турадиган шопмўйлови ҳам энди бўшашиб пастга эгилган, этини олдириб, ориқлагани учун юзидаги ажинлари баттар чуқурлашган, анча-мунча азоб чеккани сезилиб турарди.

— Ҳа, Маҳамат ака? Ўсал бўлишга қўл тегмайди дейдиган одам, жа-а, кўрпа-тўшак зўр-ку? — Азиз ҳазил аралаш ҳол сўради. Маҳамат чатоқ хижолат чеккандай ҳорғин кулимсиради, чордана қуриб ўтиргани учун кўкқисдан операцияси оғриб кетдими, «и-и» деганча оёқларини узатди, кейин Азизга мўлтайиб:

— Умрим бино бўлиб касал нималигини билмаган одам, ҳайронман, — деди. — Касалман дейишса, гашим келарди. Ўлсам ҳам бирдан ўлиб қолсам керак, деб юрардим ўзимча. Йўқ, бу кўргилик ҳам бор экан пешонада, ука. Хўш, ишлар қалай, тузукмисиз, бола-чақалар яхшими? Келин қалай?

Орадаги мулозамат гаплар ҳам ўтди-ю, кейин икковлари бирдан сукутга чўмиб қолишди. Азиз: «Эҳтимол, бечоранинг ҳозир ҳам жони оғриб тургандир», дея ўйлади ичида. Маҳамат акага ачиниб қараганча:

— Энди тузалиб кетдингизми ишқилиб? — деб сўради.

Маҳамат чатоқ «ҳе, тузалмай қаерга борардик», деган маънода қўлини силкинди-ю, яна тумшайганча ўтираверди. Ниҳоят, Азиз ерга қараб қолганини кўриб:

— Хўш, ука, нима янгиликлар бор оламда? Гапиринг, шифтга қараб ётавериб сиқилиб кетдик жуда, — деди Азизга қандайдир умидвор тикилиб.

Азиз гўр тепасида ҳам ростини сўзлайдиган шу холис одамга мавриди билан юрагини бир бўшатиб олмоқ ниятида келганини эслади-ю, лекин Маҳамат чатоқнинг ҳозирги дилгир кайфиятини кўриб, бир оз иккиланди: «Жарроҳ пичоғи остидан туриб, ҳали мундай тузукроқ оёққа босиб улгурмаган хастанинг кўнглини кўтариш ўрнига, жанжалли, миждов гапларни кўтариб чиқиб, унинг ҳам бошини қотириши... шу ҳам инсофданми?..»

— Тинчлик, Маҳамат ака, тинчлик, — деди Азиз хаёли қочиб. — Иш кўп, диссертациямни ёзаяпман. Қаранг, операцияларга ҳам тушибсиз, билмапман... ҳозиргина бухгалтердан эшитдим, — Азиз шу билан кечирим сўрагандай бўлди-ю, яна индамай қолди.

Маҳамат чатоқ деразага «тиқ, тиқ» тегиб кузги изгиринда тўхтовсиз ликиллаб турган қорамтир новдага термилганча:

— Тинчлик денг? — деди киноя қилиб. — Кўнглингиздагини айтаверинг! Тортинманг. — Маҳамат чатоқ Азизга янги чой куйиб узатди. — Ҳаммасидан хабарим бор. Ёстиққа бош теккандан кейин газетадан бошқа эрмагимиз қолмади...

Маҳамат чатоқнинг сал ғалати қарши олиши ва ўзига баландроқдан туриб муомала қилаётганининг сабабини Азиз энди фаҳмлади. Гап буёқда экан-да! Барини билиб ётган экан бу синчков одам! Қайтага Азизнинг юкини Маҳамат чатоқнинг ўзи енгиллаштирди, чигалнинг учини топиб берди Азизнинг қўлига. Энди у чувалган ипни бир чеккадан бўшатавериши керак.

Азизнинг ўйланиб қолганидан тоқатсизланган Маҳамат чатоқ қизишганча ўзи гап бошлаб кетди:

— Сизларники қизиқ-ку жуда?! Муттаҳамгарчилик-

нинг бари сизлардами, деб қўйдим! Уя эмасми?! Мен сизни ўн йилдан бери биламан ахир! Сизга ачинаман! Нега лалаясиз аммамнинг бузоғидек?! Ёки қўрқадиган жойингиз борми? Ёки сизларнинг илмингизда бировникини биров қўрқмай еб кетаверадими?! Ё, астафуролло, умримда кўрмаган одамларим нега сизга шерик чиқишяпти, нега сизни талашади?! Нима деган гап бу ахир? Уят, инсоф борми ўзи? Касалман, ноилож тушолмадим. Бўлмаса!..

Маҳамат чатоқнинг астойдил қизишганига кулимсираб, кўзини ерга тикканча, кўрпача мағзини ўйнаб ўтирган Азизнинг ҳозирги ҳолати уй эгасига баттар ёмон кўриниб кетдими, пиёласидаги қолган чойни жаҳл билан бурчакка — кигиз устига сепиб ташлади-да, яна жағига зўр берди:

— Биздақа ўқимаган — оми кишилар бўлишса ҳам майли эди, «ҳа, энди нодон-да», дердик. Шунча довдастак билан ўша академикларингизга нима бўлган ўзи? Намунча беш қўлларини бирдан оғизларига тиқишмаса?!

Маҳамат чатоқ бамисоли ўзига биров тажовуз қилаётгандай дағ-дағ титрарди. Азиз унга баттар меҳри товланиб қаради, айни пайтда касал одамни безовта қилганидан мулзам бўлиб, ноқулай аҳволга тушди. Шу аҳволда кампири ёки қизи кириб қолишидан кўрқиб:

— Маҳамат ака, бекорга куюнманг, бари бир фойдаси йўқ, — деди кулимсираб. — Бунисини тишласам, буниси оғрийди! — У бош бармоғи билан жимжалоғини кўрсатди. — Иккови ҳам домлам, таълимларини олганман. Ўшаларки, шундай деб туришгандан кейин... мен нима қилай? Қўлимдан нима келади?

— Ҳей, сиз ўзи қаерда яшаяпсиз?! — Маҳамат чатоқ Азизга ўқрайган қўйи тикланиб ўтирмақчи бўлди. Тагин жароҳати йўл қўймади шекилли, афти буришиб, оёғини узатиб олди. — Сиздан сўраяпман: қаерда яшаяпсиз? Оғайни, сизни мен шу пайтгача яхши синамаган эканман! Қачон икки тарвуз бир қўлтиқда турган? Ҳамма айб ўзингизда экан! Ё ҳақиқатнинг этагидан ушланг, ёки... унда билмадим нима дейишни! Кўзбўямачилик, қаллоблик, ўзим бўлай дейиш — сизнингча, шунчаки кечириб кетаверадиган бир гап экан-да?! Йўқ, бизга буниси кетмайди! Ноҳақликни кўриб туриб қайси виждон билан кўз юмаман? Тилингиз

қисик жойи бўлса, айтинг! Нега кўрқасиз! Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!

Маҳамат чатоқ «э, нодон-а», дегандай юзини четга бурди. Кейин, ҳар қалай, Азиз уйига келган меҳмонлигини эслаб қолдими, бир оз юмшади:

— Ҳақмисиз, ўзингизга ишонасизми, Азизжон, ҳеч нарсадан кўрқманг. Баланд-паст гаплар эса бўлаверади. Агар уларга кулоқ солиб яшасак, унда ҳолимиз нима кечади, биласизми? Ҳаром билан харишни ажратолмай қоламиз! Газетада ўқидиму ишонасизми, шундай алам қилди, шундай алам қилди! Ё тавба, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир». Бу-ку, бурунги баднафсларга тегишли гап. Нима, ҳозирги раҳбарларингиз ҳам семизликни кўтаролмай, тўқликка шўхлик қилиб, ўша бурунги мазахўракларга ўхшашмоқчими? Бировнинг мулкига нега кўз олайтиришади? Нима ҳақлари бор?! Йўқ, бунақаси кетмайди! У замонлар қаро ернинг туб-тубига кўмиб юборилган! Кўзим тирик экан, ўлиб-нетиб кетмасам, қани қўл тегизиб кўришсин-чи, сизга! Ё тавба, ё тавба! Хизматга тўхмат-ку, бу ахир! Вой, барака топкурлар, шу довургача манови бола ўз ёғида ўзи қовурилиб ётган пайтида сенлар қаёқда юрган эдинглар! Қаердан худди кузгундек бирдан ёпирилиб кела қолдинглар?!

Азиз шунча йилдан бери Муҳиддин Жабборовичнинг «бу ишингдан натижа чиқмайди, умрингни зое ўтказма ҳаммани чалгитиб», деган гапларини Маҳамат ака ҳали эшитмай туриб шунча куюнаётганини ўйлади-ю, баттар ҳаяжони ошди.

— Гап бундай! — деди Маҳамат чатоқ ҳукм оҳангида. — Бир қадам ҳам орқага босмайсиз! Мана, мен бор! Керак бўлса, Марказқўмгача чиқаман. Ҳозир зўрлик билан бировнинг ҳақини тортқилаб кетадиган замон эмас! Керак бўлса, ўша ман-ман деган олимларингизнинг ҳам кўзини очиб қўямиз! Адолат давлатимизнинг амали экан — кўрқадиган жойимиз йўқ!.. Ёки айбингиз борми? Қани, айтинг-да, нега индамайсиз?

Шундан кейин Азиз буткул ёрилди, шу пайтгача бўлган ишларнинг барини бир бошдан гапириб берди. Биринчи бор бу мавзунини марҳум Сергей Матвеевич маъқуллаганини ва Маҳамат чатоқнинг ерини ҳам айни ўша домла зўрлик қилиб олиб бергани-ю, Муҳиддин Жабборович туфайли чеккан азоблари... ҳамма-ҳаммасини тўлқинланиб, ҳаяжондан ютиниб-ютиниб сўз-

лади. Маҳамат чатоқ тинглай туриб, ора-сира: «Ё алҳазар, ё тавба!» — деб ёқасини ушлар, баъзан газабидан ёноқлари титраб, аламини босиш учун қулт-қулт чой хўпларди. Кейин анча вақт чурқ этмай қолди.

— Ўша Муҳиддин Жабборовичингиздан тоза кўнглим қолди, Азизжон, — деди охири бўшашиб. — Шундан экан-да, бечора оёғи куйган товукдай участкангизга югуриб чиққани! — У ҳамон эшитганларини ҳазм қилолмай, Азизни худди кўрмаётгандай, у худди бир буюмдай, унга бақрайиб тикилиб турарди. — Умримда кўрмаган одам қаердан пайдо бўлди, левдим-а...

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг Маҳамат чатоқ иккалови тушган газета сонини кўрсата туриб, «далангизга бориб келдим, паҳтангиз яхши, агар ўша бригадирнинг гаплари тасдиқланса, кандидатлигим тайёр деяверинг», деган хў бирдаги писандасини эслади. Ўша шаманинг асл маъносини ҳам у энди тушунди. Демак, ўшандаёқ домла аниқ бир мақсадни кўзлаб, шунинг учун унга киши билмас тилёғламалик қила бошлаган экан-да?..

Азиз Маҳамат акага қараб туриб, унинг хокисорлиги, соддалигидан завқланди. «Бу диёнатли одам уёқдаги замзамаларни қаёқдан билсин бечора? Бу ерда туриб, истаганча гапириш, истаганча орқадан айблаш мумкин! Узоқдан оққан сув билан ёнғинни ўчириб бўларканми?.. Э-э-э, ҳар жойнинг ўз тош-тарозиси бор... қани, уни бузиб кўр-чи!.. Ўша заҳоти жазонгни оласан! Чоғга тушганингни билмай қоласан! Эҳ, топаман деса, кимда айб йўқ?! Биргина шу Муҳиддин Жабборовичнинг ўзини олайлик. Ахир, Азиз унга қандай тескари бора олади? Қандай? «Йўқ, шерик бўлманг менга», деб унга қарши юргани билан нимани исбот қила олади у? Кимга исбот қилади? Сўзини ким эшитади? Қарабсизки, бир ўзи яккамохов! Илм остонасига умид билан қадам қўйган не-не тақдирларнинг жиловини қўлида ушлаб турган, кимсан — Муҳиддин Жабборовичнинг гапини тинглашадими ёки Азизними? Эҳ, бу нарсалар шунчалик чалкаш занжирга ўхшайдики, қаеридан ушлашни билмайсан!.. Ҳа, ана, Муҳиддин Жабборовичга «йўқ» ҳам деди. Хўш, кейин нима бўлди? Домла тўнини тескари кийиб олса, тамом! Кандидатлиги ҳам ўтмайди, иши ҳам чалкашиб, ҳар бурчакдан унга тош отадиганлар ҳам кўпаяди... «Ҳақлигимни исботлайман», деб ким билади, яна қанча умри ўтиб кетади? Муҳиддин Жаббо-

рович сал имо қилса... ўша заҳоти салла ўрнига калла олиб келадиган қанча-қанча шоғирдлари турибди ёнида! Уларнинг қай бири билан олишади?..»

Азиз Маҳамат аканинг юракдан ачиниб айтаётган гапларини тинглаб ўтираркан, хаёлидан мана шу фикрлар лип-лип ўтар эди. Масаланинг бу нозик томонларини у тўпори одам қаёқдан билсин? Буларни билмайди. Билмагани яхши... билганда, хўш, қўлидан нима келарди? Боши ғовлаб, калавасини йўқотиб қўярди... Бир жиҳатдан шу Маҳамат акаларга дуруст! Ҳалоллик ва ноҳалоллик, тўғрилиқ ва эгрилик, яхшилик ва ёмонлик... Уларнинг наздида дунёдаги барча инсоний муносабатлар, ҳар қандай мураккаб муаммолар ҳам мана шу оддий, ҳалол ўлчовлар қолипига бемалол тушаверади. Ё униси, ё буниси... Қанчалар осон-а! Лекин шу тушунчалар замирида тилсимдай мураккаб, оғир масалалар ётишини улар қаёқдан билишсин?

Шу пайт Маҳамат чатоқ Азизнинг хаёлидан кечаётган фикрларни ўқиб тургандай:

— Биламан, сизга осонмас номдор олимлар билан беллашиш, сиз новдадай йигитга... — деб қолди. — Аммо бировнинг савлати, бировнинг обрўи деб, кўриб туриб оқни қора, қорани оқ десак, бош эгиб кетаверсак... ўзимиз ҳам бир кун ўша қоранинг касрига учраймиз. Ҳар ким бошига ёққан қорни охири ўзи курайди, укам. Ҳақ ҳар қанча аччиқ, оғир бўлмасин, дадил айтиш керак уни. Ҳалол одам ҳамиша шундай қилади!

Шу билан фикрларига гўё нуқта қўйгандек, қўлидаги бўш пиёлани дастурхонга юмалатиб юборди-да, Азизга бир қараб олиб, гулдор фанерли шифтга тикилганча хаёлга толди. Азиз баттар ўнғайсизланди; нима дейишни билмай гангиб турди, кейин Маҳамат чатоқни юпатгансимон оҳангда:

— Бекорга куюнманг, Маҳамат ака, — деди. — Бир гап бўлар. Сиз ўзингизни ўйланг. Тезроқ тузалинг.

— Э, мени қўяверинг! Отдайман. Сал кучга кирай деб ётгандим. Ҳозироқ далага чиқиб кетишим мумкин! Мен сизни, сизнияммас... Адолатни ўйлайман! Бу келишувчиликда, бу бўшанглигингизда ҳали кўп қоқилиб қолишингизни ўйлайман, ука! Ҳар учраган чўпдан ҳадиксирайверсак, унда яшашнинг нима ҳожати бор?! Сиз қандай ўйлайсиз, қандай фикрдасиз, билмайман, аммо менинг гапим ўша-ўша! Ишингиз менга тақалгудай бўлса, мабодо сизга зиёни теккан тақдирда ҳам

иккиланмай виждоним айтганини қиламан! Худога минг қатла шукрки, — шу пайтгача ҳали бирон марта ёлгон гапирмадим. Бундан буёғига ҳам қанча умрим қолди, гапирмасам керак!..

Азиз Маҳамат чатоқ билан анчагача гурунглашиб ўтирди. Пахтасидан, унинг сифатидан гаплашишди. Бошқа гал чиқиб, бу йилгисидан тўла намуналар олиб кетадиган ҳам бўлди. Кейин хайрлашиб, ўрнидан қўзгалди. Азиз қўйинг, деса ҳам кўнмай, Маҳамат чатоқ инқиллаб ўрнидан турди, ўнг биқинини ушлаб ҳовлига тушди. Боя хотини овқат олиб кирганда ишора қилган эканми, Иқлимхон ая Азизнинг чиқишига бир тўрхалта қишлоқ узум тайёрлаб турган экан.

— Азизжон, янаги йилги ҳосилимиз бунданам зўр бўлади. Қаранг, қиш қаттиқ келади! — деб Маҳамат чатоқ ҳовлидаги қорамтир танасидан ёмғир суви сизиб тушаётган яланғоч дарахтларга имо қилди. Азиз дарахтларга қараб, ҳеч нарса тушунмади. Маҳамат чатоқ буни сезиб, кўзларини айёрона қисганча гапида давом этди: — Дарахт барги тагидан тўкилса қиш енгил келади, устидан тўкилса — қаттиқ. Қиш қаттиқ келса сув сероб...

Чиндан ҳам деярли ҳамма дарахтларнинг баланд шохлари қип-яланғоч новдага айланган, лекин пастки қисмида эса уч-тўрттадан сарғиш барг ҳамон тўкилмай илиниб турарди. Чап қўлдаги, кундузи бўлса ҳам чироқ ўчмаган хонадондан болаларнинг қийқириқ-сурони, дўпир-дўпири эшитилар, Маҳамат чатоқ неварларининг бу «от ўйини»дан мамнун ҳолда ҳадеб улар томонга қараб жилмаярди.

У Азизни кўчага кузатиб чиққач, қўл олишиб хайрлашишаркан:

— Ҳар қандай мушкулингиз ҳам ҳақ олдида шиша синигидек чилпарчин бўп кетади! Ташвиш тортмай, юрагингиз буюрганини қилаверинг! Мен илмларингизни қайдан билай, эҳтимол, ўша ноинсофларнинг ҳам хизмати бордир... — деди Азизга оталарча насихатга ўтиб. — Аммо-лекин зўравонлик қилишса, уёғини менга қўйиб берасиз. Шармандасини чиқараман! Кимлигингизни, қай юрда яшаётганингизни унутманг, билдингизми?!

Азиз Маҳамат чатоққа меҳр билан боқиб, бошини лиқиллатди-ю, тез-тез юриб узоқлашиб кетди. У юрагини бўшатиб олгани ва Маҳамат чатоқ унга катта далда

берганидан ўзида йўқ шод эди, қушдек энгил сезарди ўзини. Аммо шунда ҳам бари бир бундан буён қандай йўл тутишини у аниқ билмасди. Чунки тушган оқими ҳаддан ташқари зўрлигини, бу гирдобдан фақат фавқулодда қудратли қўлгина қутқариб қолмаса, сарсон-саргардон бўлишини ҳам яхши англарди... Бироқ Азиз айни шундай кучли, забардаст қўллар туфайлигина яқиндан бери ёруғлик кўра бошлади-ку, ахир? Ўша замон қўли, давр қўли бўлмаганда, эҳтимол, шу пайтгача ҳам унинг ишини кўплар майна қилиб юрармиди? Энди эса орада бошқа ташвиш чиқди. Энди Азиз ўша ўзи яратган ва сал кундаёқ оғизга тушиб кетган кашфиёти фақат ўзига тааллуқли эканини исботлаш учун курашиши керак!..

Бу фикрни ўйлаш ҳам мароқли, ҳам азобли эди.

21

Бугун катта илмий кенгаш йиғилишди. Унда, колхозлардаги ҳисоботга ўхшаб, йил бўйи қилинган ишлар галвирдан ўтказилади, ютуқ ва камчиликлар кўрсатилиб, янги режалар белгиланади. Шунинг учун бўлса керак, залда аллақандай тантанавор руҳ ҳукм суларди. Илмий кенгашга барча лаборатория ва бўлим раҳбарларидан тортиб, кичик илмий ходимларгача олдиндан пухта тайёргарлик кўришган, ҳамманинг бу йиғилишдан ўзига яраша орзу-ташвиши бор эди. Директор кабинетига узун столга у ер-бу ерда бир-иккитадан оқ қоғоз ва котиба қиз кеча очиб тайёрлаган янги қалам, «Тошкент» минерал суви, иккита кулдон ҳам қўйилганди. Расул Оллоёровичнинг ўнг томонида академия президиумидан вакил бўлиб келган чўққибош, ёши олтмишлардан ошган кекса фан арбоби ўтирибди.

Азиз Расул Оллоёровичнинг топшириғига биноан бугунги кенгашга яхшилаб тайёрланган, у фақат янги навга оид белги-хусусиятларни қисқагина изоҳлаб ўтиши, кашфиётнинг халқ хўжалиги, пахтачиликдаги аҳамияти ва унинг истиқболи хусусидаги бошқа тadbирларни эса Расул Оллоёровичнинг ўзи ва қисман Муҳиддин Жабборович сўзлаб беришлари зарур эди. Тўғриси, Азиз Маҳамат чатоқникига чиқиб келгач, учтўрт кунгача у айтган гапларнинг маъно ва оқибатларини ўйлаб юрди. Кейин табиатидаги юмшоқлик, журъатсизлик туфайли яна шу ердаги муҳитга мослаш-

ди-ю, «Домлаларимни хафа қилиб нима обрў топаман? Бари бир тақдирим шуларнинг қўлида. Ҳар қалай, инсоф қилишар, ишимнинг ҳеч бўлмаса етмиш фоизи ўзимга қолар, ўттиз фоизини олишса олишсин, розиман...» деган қарорда тўхтади.

Шунинг учун ҳозир кўнгли тўқ, орқа қаторлардан бирида ўтириб, ўзига сўз навбати келишини кутарди. У мажлис бошиданоқ ҳали иситилмай туриб дим бўла бошлаган кенг кабинетнинг шифтлари, ҳар турли диаграмма ва пахта навлари илиб қўйилган баланд деворларга термилиб ўтираркан, тўрдаги деразага ўрнатилган кондиционерни ишлатиб қўйса ҳам бўларкан, деган фикрга келди ва шу диққинафас хонада неча йиллардан бери баҳс, ижод руҳи, фикрлар, ҳиссиётлар, асаблар кураши яшаб келаётганини ўйлади-ю, назарида бирдан шу нарсалар гўё деворларгача сингиб кетгандек туюлди...

Тартиб бўйича дастлаб институтдаги йирик олимлар бошлиқ лаборатория ва бўлимлар ҳисобот беришди. Умуман олганда, кенгаш йиғилиши унақа бир хил пайтдагидек сан-манга бормай, тинчгина, ишчанлик вазиятида ўтди. Фақат қишлоқ хўжалигида вақт факторини тадқиқ қилаётган бўлимдагиларгина бир оз терлашди. Шу бўлимнинг катта илмий ходими, яқинда номзодликни ёқлаган Константин Пак деган корейс йигити вақтни тежашнинг умумий қонуни ва социалистик жамиятдаги модификацияси масаласини мароқ билан гапириб турганда, тўсатдан Муҳиддин Жабборович унга:

— Илтимос, шу ишларнинг самарадорлигини мисоллар билан айтсангиз, — дея савол ташлаб қолди. Бу фикрни ўша заҳоти Расул Оллоёрович билан академия президиумидан келган вакил ҳам маъқуллашди. Қўққисдан тушган саволдан Константин Пак аввалига қизариб кетди, довдираганидан қоғозларини титкилай бошлади. Кейин дудуқланиб, яна умумий гапираверди. Ҳамма ўзига миҳланиб қараб турган ва ким-ким, Муҳиддин Жабборовичдай одам шундай зардали савол бергани учун ҳозиргина сайраб турган олим худди йўли тўсилган ариқ дуч келган нишабликка тошгани сингари фикрлари парокандалашди. Атрофдагилар чурқ этишмасди.

Хайрият, Пак бир-икки минутдан сўнг ўзини босиб олди. Атайлаб охирига сақлаб қўйган ўткир мисолларини топди-да, мажлис аҳлига дадил қараб, шошилмай

сўзлай бошлади. Расул Оллоёрович эса унинг жавобидан қоникаётганини билдириб, бошини қимирлатиб-қимирлатиб қўйди. Муҳиддин Жабборович эса ҳамон жим, Пакнинг жавоби маъқул тушаяптими ё йўқми — билиш қийин эди.

Ҳозиргина хотиржам ўтирган Азиз Пакнинг аҳволини кўриб, кафтларигача терлаб кетди. Ёзиб олган факт ва далиллари яна бир бор кўздан кечириб чиқиш мақсадида уларни шоша-пиша варақларкан, анови кунги Маҳамат чатоқнинг гапларини ўйларди. «Ҳе, содда одам-а! Мана бунақа томошаларни билмайди-да, у! Бир оғиз луқма билан қанча йиллардан бери умрини шу мавзуга бағишлаб келаётган, институтда «яхши мутахассис», деб ном чиқарган олимни йўққа чиқариб қўйдию... Мажлис аҳлининг фикрини ўзгартириб юборишига сал қолди!.. Бу-ку, илмий даражали, ўз йўлини топган одам. Мен кимман?... Мен қандай олишаман булар билан?..»

Бошқа ортиқча гаплар бўлмади. Деярли ҳамма ҳисоб берди. Азиз эса ҳамон навбат кутиб, юраги пўкиллаб ўтирар, Расул Оллоёрович негадир унга сўз бермасди. Бир пайт қабулхонадаги, кабинетдаги осма соатлар галма-галига дангиллаб занг урди, ҳамма ўтирилиб деворга қаради. Расул Оллоёрович худди шу дақиқани кутиб тургандай:

— Агар бошқа саволлар, таклифлар бўлмаса, шу билан кенгайтирилган кенгашимиз тугади, ўртоқлар, — деди, одати бўйича кўзойнагини алмаштириб. Кейин Азизга қараб, «сиз шошмай ўтираверинг», дегандай кулимсираб қўйди. — Яна бир масаламиз бор. Уни кенгаш аъзолари билан муҳокама қилса ҳам бўлаверади. Илтимос, кенгаш аъзолари кетмасин, қолганларга руҳсат.

Салкам уч соат давом этган зерикарли йиғилиш ва димиқиб кетган хонадан қутилганлари учун одамлар дув ўринларидан туришди, зум ўтмай кабинет анча бўшаб қолди. Расул Оллоёрович шер оёқли залворли столида эгилиб ўтирганча, бир оз нафасни ростлаш маъносида гоҳ академия вакили билан, гоҳ Муҳиддин Жабборович билан кулиб-кулиб, нималар ҳақладир бўйинини чўзиб гаплашарди. Азиз эса чиқиб кетишини ҳам, қолишини ҳам билмай, кенгаш аъзолари олдида хижолат чекиб, охири индамай ўтираверди. Ғовур-ғувур суҳбат билан орадан беш минутча вақт ўтди. Расул

Оллоёрович мажлиснинг давом этишини гўё шундагина эслаб қолгандай, қаламининг орқасини столга уриб-уриб:

— Ҳурматли кенгаш аъзолари, — деди хийла ҳорғин қиёфада. — Яна бир масала бор. Уни атайлаб ўз муҳокамамизга олиб қолдик, ўртоқлар билан келишиб, — Расул Оллоёрович ҳурмат юзасидан академия вакилига ишора қилиб қўйди. — Негаки бу ҳали унча пишмаган гап. Ҳали ишнинг бошланиши. Шу сабабдан элдан бурун ҳаммага жар солмайлик-да, ҳозирча ўзимиз муҳокама қилайлик. Биз шунга келишдик. Қаршилик йўқми?

Ўтирганлар «қаршилик йўқ», дейишгандан сўнг Расул Оллоёрович гапида давом этди:

— Биз ютуқларимизга, халқ хўжалигига қўшаётган катта, ҳа, иккиланмай айтиш мумкинки, катта ҳиссамизга маҳлиё бўлмаслигимиз керак. Бугунги яхши ишимизни эртага янада яхшилаш учун унга ҳамиша танқидий кўз билан қараб, танқидий ёндашишни бизга доимо партиямиз таълим бериб келмоқда. Буни унутмаслигимиз керак. Мана, ҳозиргина барча бўлим ва лабораторияларнинг мудирлари ҳисоб беришди, ўртоқлар. Уларни эшита туриб, кўнгил қувонади! Тоғни урса талқон қиладиган йигит-қизларимиз бор. Аҳил коллективимиз аъзолари партиямиз, халқимизнинг буюк ишончини ҳалол оқлаётганларини бугунги сарҳисобдан ҳам кўриб турибмиз... — Расул Оллоёрович «сарҳисоб» сўзини ишлатганда Муҳиддин Жабборович мийиғида кулиб қўйди. Чунки директор вақтли матбуотда учрайдиган бирон-бир сўз таъбига ёқса, дарров уни «ўзлаштириб» кўп қайтараверишини яхши биларди. — Бугина эмас, институтимизда тагин бир йирик ишни бошлаб юборганмиз. Агар биз кутгандек натижа чиқса, ишонинглар, давлатимиз, халқимиз, пахтакорларимиз олдида юзимиз янаям ёруғ бўлади...

Расул Оллоёрович шу ерда худди катта мажлисларда гапираётгандай бир дам сўлиш олди, атрофига разм солиб, қисқача нутқи ўтирганларга қандай таъсир этганини билмоқчи бўлдими, жавдираб қаради. Кейин қаноат ҳосил қилди шекилли, мамнунлигидан юзи ёришиб кетди.

— Буёғини сўрасангиз, биз ишлаб чиқаётган янги навга ҳали ном ҳам қўйилмаган. Фақат лаборатория ва кичик тажриба майдони шароитида тадқиқот ўтказил-

ди, холос. Ишнинг қийини ва асосий босқичи ҳали олдинда. Аммо қўлга киритган лаборатория натижаларимиз бизни қувонтиряпти. Энди уни зудлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш устида бош қотирыпмиз. Ҳўш, бу янгилик нимадан иборат? Маълумки, ҳозирги кунда пахтачилик вилтдан мисли кўрилмаган даражада оғир зарар кўряпти... Бу вабо натижасида кўпгина районларда мўлжалланган ҳосилнинг ҳатто ярми ҳам етишмаяпти. Биз, — Расул Оллоёрович йўталиб, ерга қараб ўйланиб турди, кейин давом этди — яъни, олимларимиз, мана, ҳурматли Муҳиддин Жабборович бошчилигида дадил бир тажриба ўткази бошлади... — Расул Оллоёрович яна тўхталиб қолди; умуман, гапларидаги бояги мантиқ, шиддат бирдан бўшашгани, фикрлари энди анча тартибсиз шаклда келаётганини ўтирганлар ҳам дарров сезишди. — Хуллас, вилтга чидамли янги нав яратилди, ўртоқлар! Айниқса, ёш олимимиз Азиз Қосимовнинг хизматлари салмоқли бўлди. У Муҳиддин Жабборович раҳбарлигида яхши ишлади. Академик Муҳиддин Жабборовичнинг катта илмий ва ҳаётий тажрибаси қўл келди. Тўғрими? — Расул Оллоёрович шундай деб кўзойнаги устидан Азизга қаради ва кулимсираганча ундан тасдиқ ишорасини кутди. Азиз мажлисда ҳукм сураётган умумий руҳ таъйиқи остида аввалига «тўғри» дегандай бош ирғади; аммо нотўғри иш қилганини кейинги дақиқадаёқ фаҳмлади-ю, лекин бир нарса дейишга вақт ўтган эди. Ранги қув ўчганча Расул Оллоёровичга кулоқ солиб ўтираверди. — Ўртоқлар, бу даврада айтиш мумкин... орқаворатдан шундай гап-сўзлар ҳам эшитяпмизки, гўё бу катта ишга аввалига кимлардир тўсқинлик қилганмиш, бу янгиликни коллектив эмас, биргина одам яратганмиш... Борингки, мана шунақанги сийқа гаплар! Қачон қараса шу, сал тузукроқ кашфиёт чиқдимиз, атрофида албатта олов ёқадиган, гайирлик тегирмонига сув қуюдиганлар дарров кўпайиб қолади. Биз бунга зарба бермоғимиз керак. Коллектив фикрини ҳурмат қилмайдиган, шахс қобилиятини коллективга қарши қўядиган бузғунчилик кайфиятдаги кишиларга бизнинг орамизда ўрин йўқ! Соғлом, аҳил коллективимизнинг бир-иккита худбин, шахсиятпараст вайсақиларга бемалол кучи етади, уларни тийиб қўйишга кучимиз етади!

Шу ерда Муҳиддин Жабборович узун бир йўталди. Бунинг маъносини атрофда ўтирганлар ҳам тушуниш-

ди. Авваллари Азизга қарши Муҳиддин Жабборович ортиқча жаҳлланиб зарда қилган пайтларда қайтага Расул Оллоёрович мана шундай маъноли йўталлар билан академикни босиб турарди. Энди қарангки, Расул Оллоёрович ўз нутқиға ўзи маҳлиё бўлиб, ҳадеса қизишиб боряпти. Муҳиддин Жабборовичнинг йўтали директорга чиндан ҳам тез кор қилди. У кўзойнаги устидан бир зумгина академикка «нима гап» дегандай термилиб турди-ю, кейин қоғозларини титкилаб, асосий мавзуга кўчди:

— Бу навнинг аҳамиятини ҳозир аниқ баҳолаш қийин, албатта. Агарки, ишнинг бошида бу кашфиёт принципига баъзи ўртоқлар шубҳа билдирган эканлар, бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Бу табиий бир ҳол! — Расул Оллоёрович бояги баҳсини бари бир давом эттиргиси бор эди. — Бунинг нимаси ажабланарли ахир, ўртоқлар?! Фанда баҳс тўхтаркан, амин бўлаверингларки, фаннинг ўзи ҳам тўхтади!.. Хўш, энди асосий масалага ўтсак, ўша янги навнинг қандайлиги, белги ва хусусиятлари, умумий характеристикасини ёш олимимиз ўртоқ Қосимов қисқача шарҳлаб берадилар, — Расул Оллоёрович шундай деб соатига қараб қўйди.

Азиз шошмай, дона-дона гапира бошлади. Ҳатто бунга ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ҳозиргина кафтларигача терлаб ўтирган одам, энди бирдан ўзини тутиб олди-да, қўлида факт ва далиллари етарли бўлгани учун асосли ва ишончли бир руҳда ахборот беришга ўтди. Ора-сира гоҳ Муҳиддин Жабборович, гоҳ Расул Оллоёрович майинлик билан луқма ташлаб уни тўхтатишар, «анови тажрибаларни ҳам айтинг-да», ёки «мен таклиф этган қиёсий таҳлилдан сўнг қандай натижа чиқди?» деган қабилда ёрдамчи савол беришар, бунга Азиз худди ўргатилган тўтидай жавоб қайтараётганидан ҳатто ўзи ўнғайсизланар, лекин кўпчиликнинг якка одам бас келолмайдиган кўз илғамас салобати борлигини ҳам Азиз янада чуқурроқ ҳис этар, шундай бўлса ҳам бари бир бутун мажлис аҳли унинг ахборотини жон қулоғи билан тинглаётганидан завқи ошиб, борган сари дадилроқ сўзлар эди. Охири бир-икки савол-жавобдан сўнг Азиз гапини тугатиб, ўрнига бориб ўтирди. Расул Оллоёрович яна ўрнидан туриб:

— Биз бу ишни келаси йил Давлат синов комиссиясига топширадиган бўлдик, — деди. Ўтирганлардан ай-

римлари чапак чалди. Расул Оллоёрович чапак чиққан томонга қараб кулимсираб қўйди. — Раҳмат, дўстлар! Раҳмат... «Фан» нашриётидан кейинги йилларда институтда яратилган янги, самарадор пахта навлари ҳақида китоб ёзиб беришимизни сўраб, илтимос қилишяпти. Битта ақл — битта, иккитаси — иккита! Кенгашли тўй — тарқамас. Модомики, йиғилибмизми, шу нарса-ни ҳам маслаҳатлашиб олсак. Менинг фикрим — бу китобга Муҳиддин Жабборович билан Азиз Қосимовни муаллиф этиб тайинласак...

Расул Оллоёрович гапини тугатмасдан Муҳиддин Жабборович сўз сўраб қўл кўтарди. Директор «марҳамат», дегач, ўрнидан турди ва гижимланган шимини тортиб-тортиб тўғрилади-да:

— Бажонидил, биз бундай китобни ёзамиз, — деди мажлис аҳлига бир-бир қараб. — Бу масъулиятли, шарафли иш! Бажонидил ёзамиз. Аммо битта тақлифим бор. Бу ниҳоятда жиддий мавзу, ваҳоланки, институти-мизнинг юзини кўрсатадиган мавзу. Шундай экан, муаллифлар коллективи назаримда кучлироқ, обрўлироқ бўлмоғи даркор. Шунча ютуқларимизнинг бошида, ваҳоланки, мана шу ўзимиз билган Расул Оллоёрович турибдилар. Тақлифим: муаллифлар қаторига у киши киритилишлари керак.

— Йўқ, йўқ! — деди Расул Оллоёрович сиполик билан бош чайқаб, аммо қувонганидан бўйинларигача бўртиб кетган эди. — Биз энди ўзимизни қўяйлик... ҳали номи чиқмаган, келажаги бор ёшлардан бўлгани маъкул...

Лекин Муҳиддин Жабборович айтганида туриб олди ва охири фикрини ўтказди: китоб ёзиш Расул Оллоёрович, Муҳиддин Жабборович ва Азиз Қосимовларга юклатилди...

Шу билан илмий кенгаш йиғилиши тугади-да, академия вакили, Азиз ва Муҳиддин Жабборовичдан бўлак ҳамма тарқади. Академия вакили яна бир оз суҳбатлашиб ўтириб, йиғилишга ўзича баҳо берган киши бўлди, кейин кетишга чоғланди. Уни Расул Оллоёрович ташқаригача кузатиб чиқди-да, шофёрини чақириб, «домлани айтган жойларига ташлаб келинг», деб хайр-маъзур билан жўнатди... Кейин йўл-йўлакай ҳар хил масалаларни ўртага тикиб мурожаат қилган ходимлар билан гаплашиб, охири кабинетига кирди. Бу пайтда Муҳиддин Жабборович Азиз билан нима

ҳақдадир ёзилишиб суҳбатлашар, директор разм солса, ўртада гина-кудурат бўлаётган, Муҳиддин Жабборович «мен сизга илгаритданоқ меҳрим бор эди-ю... аммо ёшлигингизга қарамай, сиздаям дилозорлик кўп», деб Азизнинг «айб»ларини юзига солаётган экан. Директор кириши билан улар ўртасидаги гапнинг тархи ўзгарди.

— Мана, йиллик ҳисобот ҳам ўтди, — деди Расул Оллоёрович қўлларини ишқаб. — Энди, домла, — у Муҳиддин Жабборовичга мурожаат этди, — Азизжоннинг диссертациясини тезлатишимиз керак. Азамат шунча иш қилса-да, ҳатто кандидатлик даражаси ҳам бўлмаса... қизиқ туюларкан!

Муҳиддин Жабборович ерга қараб кулимсиради ва гап оқимини бошқа йўналишга солиш мақсадида:

— Ҳа, энди, домла, сиз билан биз ҳаммасидан ўтиб олганмиз, — деди. — Кандидатлик кўзимизга ўйинчоқ бўлиб кўринади, ваҳоланки, эламай гапирамиз. Аслида кандидат бўлиш осон эканми? Азизжондақа вақтларингизни бир эсланг... қийналганларимиз ёдингиздан чиқиб кетди-да. Энди «ҳатто кандидатлик», деб менсимай гапиряпмиз!

Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборович эътирозидеги нозик нуқтани дарров тушунди. «Бу гўдакни ҳовлиқтириб юборманг... Аввал кандидатликни эплаб олсин-чи, уёғи бир гап бўлар», деган маънони уқди унинг луқмасидан. Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборовичнинг эҳтиёткор зеҳнига яна бир бор қойил қолди, бу одам севинганда ҳам, хафа бўлганда ҳам — бир хил. Расул Оллоёрович эса Азизни ўзига яқин тутаман, деб у билан худди тенгқур оғайнидай муомала қилаётганини Муҳиддин Жабборовичнинг гапидан кейингина англаб етди...

Охири иккала домла катта ҳамият кўрсатиб, Азизни бир ойма институт ишидан озод қиладиган, у эса тўплаган материаллари асосида кандидатлик диссертациясини қоралаб келадиган бўлди. Ҳатто Расул Оллоёрович тегишли кишилар билан гаплашиб, қишда талабгорлар камлиги сабабли ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижодий уйига бир ойлик путёвка олиб беришни ҳам ваъда қилди. Азиз бирдан Салтанатни ўйлаб:

— Йўқ, раҳмат, уйда ҳам ёзавераман, — деган эди, Расул Оллоёрович уни ҳазил билан қайириб ташлади:

— Бўлмаган гап! Уйда тинч ўтираркансизларми, сиз ёшлар! — деди Муҳиддин Жабборовичга атайлаб кўз қисиб. — Бўлмайди! Уйда чалғийсиз. Иш юришмайди уйда. Сизга ҳозир холи, ҳеч ким халақит бермайдиган жой керак. Ўша ёзувчиларнинг уйи айни муддао. Аммо огоҳлантириб қўяй, тагин диссертацияни ҳам шеър билан ёзиб юрманг! — Расул Оллоёрович ўз топқирлигидан ўзи таъсирланиб, шу даражада ёзилиб қаҳ-қаҳ отдики, ундан завқланиб Муҳиддин Жабборович ҳам, Азиз ҳам қулиб юборишди.

22

Азиз шунча йил Тошкентда яшаб, шаҳарнинг шундоқ биқинида ёзувчиларнинг шу қадар сўлим боғи борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Биринчи кун у азим туп чинорлар тагида узоқ-узоқ тўхтаб, тепасига қараб... боғ ўртасидан шариллаб оқаётган катта анҳорга тикилиб, чарчоғи босилгунча айланиб юрди. Ижод уйи қоровулидан бу боғни асли марҳум Ҳамид Олимжон очгани, Азиз ўрта мактаб дарслигида ўқигани — Яшин, Уйғунлар ҳам ҳозир ёз пайтлари шу ерда яшашларини эшитганда аввалига жудаям ҳаяжонланиб кетди. Яшин билан Уйғун яшайдиган коттежларни рўпарасида анча туриб томоша қилди. Пишиқ гиштдан ишланган икки қаватли бинолар экан. Теварак-атроф эса гулзор. Яна шунақа уйлар қатор тизилишиб турибди. Азиз қизиқиб, бошқаларида ким яшашини ҳам сўради. Қоровул бирма-бир юриб, ҳаммасини тушунтира кетди. Аммо Азиз мактабдан сўнг деярли адабиётга қизиқмагани, ўқишга қўли тегмагани, тўғрироғи, ҳафсала қилмагани сабабли қолган ёзувчиларни, гарчи исмлари қулоғига иссиқ чалинса ҳам бари бир танимади. «Ҳойнаҳой, кейин чиққан шоирлардир», деб ўйлади-ю, ҳаётдан анча орқада қолиб кетганини ҳам тан олиб қўйди. Диссертациясидан эсон-омон кутулса, ҳозирги ёзувчиларнинг асарларини йиғиб, бир чеккадан ўқиб чиқишни кўнглида ният қилди...

...Бир томондан, у иши жўнашаётганидан хурсанд эди. Шу пайтгача кандидатликни ёзишни бамисоли устидан ошиб бўлмас тоғдан ҳам баттар мушкулот деб биларди. Авваллариям ғайрати қистаб кетган дамларда неча марталаб илмий ишени ёза бошлаган, аммо сал совигач, ёзганлари кўзига жудаям жўн кўриниб, бурда-

бурда қилиб йиртиб ташлаган ёки «архив» қоғозлари турадиган қалин папкасига солиб қўйган вақтлари кўп бўлган эди. Ҳозир эса, ишлари юришгандан-юришиб кетди! Расул Оллоёровичга минг раҳмат, Азизни мана шундай хилват боққа чиқариб, «қани, ишланг», деб меҳрибонлик қилди. Чарчаса, шундоқ ҳовлини айланиб келади-да, яна қоғозлари, диссертациясининг қисмлари, жадвалларига кўмилади. Ишга берилиб кетганидан икки қадам жойда туриб, ўн беш кун ичида уйига бор-йўғи икки мартагина тушиб чиқди, холос. Биринчи тушганида эшикдан кириши билан Салтанат.

— Вой, буни қаранг-а! Салгина, атиги ярим соатга кечикдингиз, — дея афсусланиб кутиб олди уни. Азиз «нима гап» деган маънода хотинига ҳайрон бўлиб тикилган эди Салтанат гапини хушнуд бир кайфиятда давом эттирди: — Маҳамат ака келувдилар. Бир соатча ўтириб, чой ичиб кетдилар. Ярим соат ё бўлди, ё бўлмади.

— Ҳа, тинчлик эканми? Нима иш билан кепти?

— Тинчлик бўлмай нима? Бечора операцияларга тушибди. Яқинда чиққан экансизу у кишиникига, айтмайсизам! — Салтанат димоғ қилди. — Бир оғиз айтсангиз...

Азиз яқинда далага чиққани, ҳатто бир тўрхалта узум кўтариб келиб ҳам Салтанат сўрамагани учун индамай қўя қолганини эслади-да:

— Узумини еб-еб, боғини энди суриштирасизми? — деди ҳазиллашиб. Салтанат ҳам гапнинг тагидаги нимкосасини дарров пайқади-ю:

— Вой, ўша ерданмиди? Ўзимам айтувдим-а, мазаси бошқачароқ деб! — деб кулиб юборди. — Боёқиш, кўзлари ичига чўкиб кетибди. Ачиндим. Хўп яхши одам-да, гапларига тўймайсиз. Анови... нимаям деди-я? Ҳа, Ҳосил байрами бўларканми? Шаҳарда туриб биз билмаймизу қайтага қишлоқилар ҳаммасидан хабардор! Отчопарда пойга бўпти. Шунга кептилар. Биратўласи сизни ҳам кўриб ўтай деб кирганлар экан. Анча гаплашиб ўтирдик. «Шунақа, ёзувчи бўп кетганлар», десам, «хайрият-эй, туф-туф кўз тегмасин», дейдилар. Нуқул «келин, йиғилишиб бир боринглар энди... юмушларимиз анча товсилган пайт, боринглар», деб қистайди денг боёқиш. Бир чиқсак-чи, Азиз ака? Ўтаверамизми шу диққинафас Чилонзорингизда?!

Азиз хотинига қараб кулимсираб қўйди, аммо хаёли эса бошқа ёққа учди. «Хойнаҳой, бекорга кирмаган-

дир бу Маҳамат чатоқ? Бир гапи бўлгану айтолмаган...»

— Ҳеч нарса демадимми?

— Йў-ўқ. Ҳа-а... чиқиб кетаётганда, «Азизжонга айтинг: ҳеч ташвиш тортмасинлар, ҳаммаси жойида... ишни битираверсинлар», деди. Мен ҳам ўзи айтмагандан кейин эжикилаб суриштириб ўтирмадим.

Азиз Маҳамат чатоқнинг меҳрибонлиги, одамшавандалигидан таъсирланди-ю, кейин тўсатдан:

— Ишхонадан ҳеч ким сўрамадимми? — дея қизиқсинди.

— Йў-ўқ. Ўзлари юборишди-ку, сизни ўша курортга! Керак бўлсангиз, топволишар.

Азиз хотинининг «курорт» дея айтган нозли кесатигига кулгиси қистади-ю, жилмайиб қўйди...

Эртаси куни азонда туриб, яна ёзувчилар боғига қараб жўнади. Автобусда бораркан, кайфияти баланд, ишлари жадаллашаётганидан севиниб, янги куёвлик вақтида қайнотаси айтган қизиқ бир гап тўсатдан ёдига тушди ва ўзидан-ўзи кулиб юборди. Ёнидаги — дўпписининг жияклари ёғ босган, бароқ қошлари диккайган, кирза этикларининг орасига каттақон қоп қўйганча мудраб келаётган деҳқон ҳам Азизнинг бесабабдан-бесабаб ўзича кулаётганини кўриб, «тавба» дегандай унга ажабсиниб тикилди, кейин нарироқ сурилиб ўтирди-да, юзини тескари бурди. Азиз эса ҳамон ўша гапни эслаб илжаярди. Нима ҳам бўлиб, қайнотаси омаддан баҳс очиб, «э, омади келса, калнинг бошига ҳам соч чиқиб кетаркан», деган эди ўшанда. Азиз халқнинг бу нозик қочирғидаги ўткир маънодан завқланиб, яна кулди...

Азиз учинчи марта боғдан уйига қайтишига тўрт кун қолганда тушди. Тушмасди-ю, биринчи йили олган натижаларининг жадвалини шунча қидиргани билан кўтариб чиққан қоғозлари ичидан тополмади-да, ўйлаб-ўйлаб, телевизор тагидаги кичкина шкафчада ҳам бир тўп қоғозлари борлигини эслаб, «эҳтимол, ўша ердадир», деган тахминда йўлга тушди. Уйга соат бирларда келди. Кетма-кет қўнғироқни босди. Негадир ҳеч ким жавоб қилмади...

Анча совуқ тушиб қолган, кеч куз бўлгани учун баъзан тўсатдан қиш ҳавосидек аччиқ изғирин эсиб қолар, бир куннинг ўзида ҳамма иссиқ кийимга бурканиб оларди. Бунақа пайтда Салтанат ҳатто ойиси ча-

қирса ҳам Беҳзод шамоллаб қолади, деб иссиқ уйдан чиқмасди. Азиз шунга хавотирланди.

Рўпарадаги кўшникини жиринглатаман, деб турганда, гийқ этиб эшикнинг ўзи очилди. Журналист ҳамсоясининг хотини — ўрта бўй, оппоқ, лўппигина, жамалак соч жувон Азизга майин жилмайиб қаради-ю, «қалай, яхши дам оляпсизми», деб сўради. Азиз қўлини кўксига босиб раҳмат айтди ва Салтанат унга ҳам мақтаниб улгурганидан бир оз хижолат чекди.

— Кўшнингиз кўринмайдими?

— Боягина кўзим тушувди. Беҳзоджонни кийинтириб, чиқиб кетаётувдилар. Мен қаёққа, деб сўрамадим, у киши ҳам айтмадилар. Нима, йўқмилар?

Азиз «ҳа, майли, узр», деб зинадан зипиллаб пастга тушди ва «Қаерга кетганикин? Ҳойнаҳой, ойсиникида...» деган фикр билан тўппа-тўғри сартарошхона олдидаги автомат-телефонга қараб юрди. Бориб, уч-тўрт марта кўнғироқ қилган эди, нукул қисқа дут-дут эшитиллаверди. Охири «телефон бузуқ бўлса керак», деб таваккалига яна бир бор керакли рақамларни терганида, телефон тўғри тушди. Беш-олти гудок бўлгунча кутиб турди. Трубкани Салтанатнинг онаси олди. Азизнинг аввал сўрашиб, кейин «Салтанат ўша ердами?» деган сўроғига қайнонаси ҳам:

— Қаердан гапиряпсиз? — дея савол билан жавоб берди.

— Чилонзордан, автоматдан!

— Тавба! Эр-хотин сира гапларингиз бир ердан чиқмади-чиқмади-да! Салтанат бечора сизни қидириб сарсон бўп юргандир. Сиз буёққа кепсиз. Тавба!..

— Э, мен қаёқдан билай? Боришини айтмаган бўлса! Мен ҳам бир қоғоз керак бўлиб қолиб...

Қайнонаси бир оз жим турди-да:

— Ҳа-а, — деди кинояомуз, қизининг ёнини олишга уриниб. — Унда келаверинг шу ерга. Сизни топмай, қайтиб кеп қолар.

— Йўқ, шошиб турибман... Менга ўша қоғоз керак. Мабодо келса, айтарсиз. Ҳозир институтга бориб, бир хабар олай-чи, яна кўнғироқ қиларман.

Қайнонаси «ҳа, майли», деди-ю, трубкани қўйди. Азиз иши битмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, телефон будкасида зарда қилиб чиқди ва оғринганча автобус бекатига қараб юрди. У ҳозир тўппа-тўғри бориб Расул Оллоёровичга киради, диссертациясининг қанчаси бит-

гани ва биринчи нусхаси тахминан қачон тугабини ҳам айтади. Аввалига Расул Оллоёрович: «Ижод уйидан жой олиб берай», деганида ёқмаган одам, энди у сал кунда мазахўрак бўлиб қолди. Қулоғи тинч. Овқати тайёр. Ҳеч ким ҳалақит бермайди. Бир-икки ёзувчи ҳам шу ерда ишляпти, деган гапни эшитди-ю, бироқ Азиз уларни кўрмади. Ёзувчиларнинг дам олиши ҳам қизиқ экан — фақат ёзишаркан! Хоналарида тун бўйи чироқ ўчмайди. Аммо ҳаммаёқ жим. Хуллас, мириқиб ишлайдиган жой экан. Ортиқча ҳашамати йўту, лекин ижод қиламан деса, ҳамма шароити бор. Шунинг учун Азиз ҳам Расул Оллоёровичга «муддатини яна чўзиб беринг», демасу, аммо гап айланса, ёзувчилар боғини бир мақтаб, диссертациясининг хомаки нусхасини тугатишга неча кун кераклигини секин қистириб ўтмоқчи...

Шу ҳаёл билан у институтга келди: тўғри Расул Оллоёрович қабулхонасига кирган эди, ҳар доимгидай ўша сулув котиба қизга йўлиқди, у машинкаси устига кичкина кўзгучасини қўйганча, лабини бўяб ўтирарди. Азизга кўзи тушди-ю, кулди, кейин уялгандай шошилиб йиғиштиринди, қошларини ўйнатиб, «буёққа кирмоқчимисиз?» деган ишорада директор кабинетини кўрсатди. Азиз ҳам «ҳа, кирмоқчиман», деган маънода бош ирғади. Котиба қиз дикир-дикир юриб, Расул Оллоёрович кабинетига кириб кетди. Анча ҳаяллаб қолди ва ҳозиргина чопқиллаб турган одам, ичкаридан худди тарвузи қўлидан тушгандай бўшашиб чиқди. Азизнинг юзига қарамай, алланарса деб гудранди. Азиз нохуш бир гапни дарров фаҳмлади-ю, котиба қиз машинканинг олдига келиб ўтирмагунча, чурқ этмади. Котиба қиз эса гўё Азизни унутгандай, сумкасини очиб, ичини титкилай бошлади. Кейин остонага яқин жойдаги стул олдида қаққайиб турган Азизга юзланиб, совуқ бир оҳангда:

— Расул Оллоёрович бандлар, қабул қилолмайдилар, — деди.

Кутилмаган бу жавобдан Азиз бамисоли яшин теккандай чайқалиб кетди, қаттиқ эсанкиради. Кейинги бир-икки ой ичида у институтнинг эркасига айланиб қолган эди, ҳатто бунга ўзи ҳам сезмасди. Довдираганининг сабаби ҳам шундан бўлса керак, ўша иззат-хурматларнинг бирдан ҳавога учгани, беиз йўқолаётганига ташвишланганидан бўлса керак...

Расул Оллоёровичнинг қўпол муомаласидан ҳатто

котиба қиз олдидаёқ ер ёрилиб, ерга кирмади-ю, шошилганча йўлакка чиқди. Ранги қув ўчиб, бармоқлари титрар эди. Лекин сал ўтмай ўзини қўлга олиб, холисона фикр юрита бошлади: «Иши бордир-да. Шундай катта илм даргоҳининг раҳбари бўлганидан кейин... Мен шу ерда юрган ўнлаб, юзлаб ходимларнинг биттасиман. Нимаси ажабланарли бунинг?!. Директор менга эмас, мен унинг вақтига мослашишим керак... Ахир, илгарилари ойлаб, йиллаб ҳатто кўришолмас эдим-ку?..»

У қабулхона эшиги олдида меровсиб туриб қолди ва мақсадсиз равишда йўлакдаги креслоларнинг бирига бориб ўтирди. Кейинги дақиқада бу қилиғи ўзига эриш туюлиб, тез ўрнидан турди ва бориб секин ўз хонасининг эшигини очиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Худди биров қуваётгандай ҳовлига чиқди. «Нимадир юз берган! Нимадир бўлган! Ой ҳам, кун ҳам менга боқиб қолувди... бир кунда ўн марталаб чақиртирарди ўзи. Нимадир юз берган! Нима бўлиши мумкин?.. Кунни кечагина қабулхонага ўзи чиқиб, ўзи бошлаб олиб кириб кетарди. Олдида ким ўтирганидан қатъи назар, шундай қиларди. Тавба, раҳбарнинг теварагидаги одамларга ҳайронсан! Шамолга қараб иш тутадиган беқарор кимсалар ҳаммаси!..»

Азизга энди туриб-туриб котиба қизнинг қилиғи айил ботди. Кунни кеча директор билан Муҳиддин Жабборовичлар «Азизжон, Азизжон», деб юрганларида ҳам ҳаётда боши бир ерга тақ этиб тегмаган мана шу тажрибасиз қизча ҳам Азизга ширин муомала қилиб, пайти келса, ноз-карашмадан ҳам уялмасди. Энди-чи? Директорнинг олдидан чиқди-ю, бирдан бошқа одам бўлди-қўйди!..

Азизнинг назарида энди қолганлар ҳам ундан ўзини олиб қочадигандай, юраги шувиллаб кетди. «Орада нима юз берди ўзи? Нима?» Азиз бармоғида кунларни санай бошлади. Орадан роппа-роса йигирма бир кун ўтибди. «Шу вақт ичида нима бало бўлди экан-а? Ёки, ёки...» Миясига келган фикрдан Азизнинг ранги қув ўчди. «Наҳотки, ишимни марказдаги олимлар ёмон баҳолашган бўлса?.. Ўшаларгаям юборганмиз дейишадиган эди-ку?.. Эҳтимол, йирик олимлар инкор этишгандир? Шунақада ҳамма четга қочади ўзи! Ишнинг фойдасини кўриб туриб ҳам ёқлашмайди! Мартабали одамнинг ҳукмидан кўрқишади! «Менга нима, шундай машҳур олимга шак келтириб?! Нима қиламан бошим-

ни огритиб?...» Мана, уларнинг фалсафаси! Азиз бунақаларни кўравериб пишиб кетди-ку! Йўқ, ишига салбий баҳо келганига Азиз бари бир ишонмайди! Келганда ҳам қўрқадиган жойи йўқ!.. Кўлида тах-тах далиллари, энг муҳими — пахтакорлар маъқуллаб турган янги нави бор! Буни ким инкор эта олади, хўш?! Расул Оллоёрович ҳам, Муҳиддин Жабборович ҳам билишади буни. Бекорга хуштор бўлишгани йўқ улар!..»

Шу тақлид асабий ҳолда ўй ўйлаб бораркан, Азиз Муҳиддин Жабборович ҳузурига кирмаганини дарвозага яқинлашгандагина эслаб қолди-ю, директорнинг совуқ муомаласидан сўнг қандайдир ички бир сезги ундови билан унинг олдига кириб, вазиятни чамалаб кўришга аҳд қилди, остонадан ўтаётган жойида орқасига қайтди. Йўлакка кирганда кўча томонга шошиб келаётган котиба қизга кўзи тушди. Юраги бирдан лоп этиб кетди. «Шаштидан тушибди шекилли... мени излаётганга ўхшайди», деган фикрдан кўзлари ёришди. Чиндан ҳам котиба қиз унга узоқдан қўлини силкиди-ю, чопиб келиб:

— Кетиб қолдингиз, деб қўрқаётувдим... хайрият, шу ерда экансиз, — деди-да, икки қадам чопганигами ёки Азизни топганигами, ишқилиб, энтикиб-энтикиб гапида давом этди: — Расул Оллоёрович айтдилар: эртадан ишга тушаркансиз. Топшириқлар кўпайиб кетибди. — Аммо котиба қиз директорнинг: «Ёзувчилигини қўйсин!» деган гапини айтмади. У қайрилиб кетаётган эди, Азиз ундан:

— Муҳиддин Жабборович бормилар? — деб сўради.

— Йўқ. Тўрт кундан бери грип у киши. Расул Оллоёровичга айтаверайми, эртадан тушасизми ишга?

— Тушаман. Шунчалик зиқ бўлса, бугун ҳам ишлашим мумкин...

Котиба қиз Азизга кесатиқ қиляпти шекилли, дегандай бўзрайиб турди-да, кейин елкасини қисиб, «ихтиёрингиз» ишорасини билдирди ва индамай изига қайтди. Азиз аста бориб, боя бирров бош суқиб қаргани, қанча йиллардан бери кириб-чиқиб юраверганидан бир жиҳати жонига ҳам теккан, бир жиҳати бошқа ҳеч жойга алишмайдигани — қадрдон хонасига кирди. Шифтида қанотларини ёйганча бургутсимон иккита баҳайбат вентилятор. Бурчакдаги кичкинагина столи кетишидан олдин қандай йиғиштириб қўйилган бўлса,

ўшандай турибди; ўнг томонда устига бурама қоғозлар қалаб ташланган эски жавон. Шорасулнинг столида эса ҳар хил қоғоз ва журналлар сочилиб ётибди, ўзи йўқ... тушликка чиққан бўлса керак... Азиз ғаладонини очганча, ўзи тахлаб кетган қоғозлари, газета парчаларини хаёл паришонлик билан бир-бир кўздан кечириб ўтираркан, «балки котиба қиз айтса, Расул Оллоёрович чақириб қолиши ҳам мумкин», деган умид пайдо бўлди бирдан юрагида. Бояги муомаласидан кейин-ку, бошлиқнинг олдига киришга ҳам у қадар кўзи учаётгани йўғ-а, асли! Аммо Расул Оллоёровичнинг тўсатдан ўзгариб қолганига тушунолмагани баттар хунобини ошириб, кўнглини ғаш қиларди. «Бунақанги асабий вазиятда ишлаб бўладими?! Азиз ахир уларга нима ёмонлик қилдики, бунчалик зуғум сочишмаса?! Очиқ-ойдин айтишса ҳам майли! Ўзларидан-ўзлари тумшайиб... худди мен еб, улар қуруқ қолгандай. Илгари «натижа чиқмайди», деб жонимга тегишарди. Кейин ўзлари ҳайбаракаллачилик қилиб... энди мана бу аҳвол! Нима бўлган ўзи?!»

Шорасул тушлиқдан анча кеч келди. Шахсий юмуши билан бир ерга кетган экан. Азизни кўриб, хайҳотдек хонада якка ўзи ўтириб зерикканиданми, ҳар қалай, уни бу гал чеҳраси очилиб қаршилади, ишларини сўради. Азиз ҳам директорнинг кўполлигидан азият чекиб, ўзига ҳамдард кўмсаганидан бўлса керак, Шорасулга юрагидаги бор гапнинг барини яширмай айтди. Кейин диссертацияси тугай деб қолганини ҳам айтди. Аввалари ўзича ваҳима қилиб, ёзишга қўли бормагани, аммо кўз кўрқоқ — қўл ботир экан, ҳозир асосий қисмини қоралаб чиққани, энди хулоса бобини ўйлаётганини ички бир гурур билан сўзлаб берди. Шунда Шорасул ҳам бирдан очилиб кетди-ю, диссертация ёқлаш масалаларида ўзини Азиздан анча устун қўйиб, унга маслаҳат бера бошлади:

— Ҳадеб материал йиғаверманг, бари бир фойдаси йўқ. Қайтага ўша материалларга ўралашиб қоласиз. Энг муҳимларини олингу ёзиб ташлайверинг. Битта вариантни битирсангиз бўлди! Биров у дейди, биров бу дейди... қаламда сал-сал туртиб-туртиб юборасизу... икки ўртада ишингиз битиб қолади, — Шорасул қирғиз қовоқлари тортишиб, энли қошлари чимирилиб кулимсиради. — Чўзсангиз юраверасиз, сизга биров ёзиб берармиди? Менга ишонаверинг: фактни кўпайтирманг

сира. Агар ҳозирги ақлим илгари бўлганда, ўша йиққан материалларимдан докторлик чиқарардим. Ҳа, ҳа! Кулманг!..

Азиз Шорасулнинг гапларига жилмайганча қулоқ соларди. Улар яна анча вақт ундан-бундан суҳбатлашиб ўтиришди-ю, кейин Шорасул бирдан столи устида қалашиб ётган журналларга шўнғиди. Азиз унга тикилиб туриб, бир жиҳати, ҳаваси келди. «Шунақа, юриб-юриб, ҳаш-паш дегунча докторликни ҳам ёқлаб кўяди!..» Азизнинг юраги сиқилди. Расул Оллоёровичнинг бугунги муомаласи энди назарида ҳақоратдек туюлди. Шорасулдан Муҳиддин Жабборовични сўради.

— Билмадим, — деди Шорасул беихтиёр ўқиётган мақоласидан хаёлини бўлмай. — Билмадим. Тўрт кунча олдин директор билан Муҳиддин Жабборовични қайсидир жойга чақиришди. Охирги кўрганим ўшанда эди. Шеф шундан бери бетоб. Шамоллабди. Яна билмадим.

Азиз «демак, ўртада бўлган гаплардан Муҳиддин Жабборович ҳам хабардор экан-да. Фақат хабардоргина эмас, алоқадор ҳам шекилли...» дея ўйлади. Яна Шорасулдан эжикилаб сўради:

— Қаерга чақиришди дедингиз домлаларни?

Шорасул пир-пир учаётган журъатсиз кўзларини Азизга қадаб, бир оз меровсираброқ турди, кейин:

— Билмадим, — деди қўлларини ёйиб. — Ўзингизга маълум-ку, катта идоралар билан ишим йўқ. Қаергадир чақиришди, дейишди. — Бирдан Шорасул шивирлашга ўтди: — Ўшандан бери директорнинг авзойи бузуқ...

Шорасулнинг «ўзингизга маълум-ку, катта идоралар билан ишим йўқ», дегани Азизга қаттиқ ботди. Назарида Шорасул ҳам унга пичинг отаётгандай эди... «Дунёда шундай иш қилгинки, кирови одамларнинг оғзига тушсин! Уларга наф келтирсин!» Кўнглига тўсатдан келган бу фикрдан куз об-ҳавосига ўхшаб, бирдан кайфияти кўтарилди. «Қилган ишингни кимдир ёқласин, кимдир инкор этсин!.. Умри бино бўлиб муқоваси очилмайдиган «илм»нинг кимга кераги бор?! Эҳтимол, директори-миз билан Муҳиддин Жабборович мен туфайли яна гап эшитишгандир? Ажаб бўпти! Хўп бўпти! Мана бунақа кўчирмачилик билан менга деса академик бўлмайсанми? Қани биров раҳмат десинчи?! Фақат ўзингни

ўйлаганингдан кейин, халқ сени танимагандан кейин алломалигинг қаерга борарди?»

Азизнинг руҳи кўтарилиб, ғайрати қистаб, дадиллашиб кетди. Рухсат бермаса ҳам Расул Оллоёровичнинг хузурига ўзи кирмоқчи бўлди. Яна қабулхонага борди. Котиба қиз унга, «вой, ҳалиям шу ердасиз?» дегандай термилиб қўйди. Азиз тўппа-тўғри жаҳл билан кабинет эшиги тутқичини ушлади-да:

— Бир минутга, бир оғиз гапим бор, — деди ва котиба қизнинг жавобини ҳам кутмай ичкарига отилди. Кабинет бўм-бўш, Расул Оллоёровичнинг столи саранжом-саришта; бу — энди бугун келмаслигининг белгиси эди. Азиз мулзам бўлганидан бўйнигача қизариб қабулхонага чиқди, уялгани ҳам, алам қилгани ҳам бир бўлиб, котиба қизга:

— Йўқ, эканлар, айтмайсизми? — деб ачитди.

— Оғзимни очмасимдан югуриб кириб кетдингиз-ку! У киши бугун йўқлар.

— Қаерга кетганлар?

— Айтмадилар, эртага бўладилар.

Азиз қабулхонадан худди бировдан калтак егандай бўшашиб чиқди, ҳозирги ғайратидан асар ҳам қолмади. Бутун вужудини яна тушкунлик қамради. Бугуннинг ўзида қайта-қайта камситилган ғурури асабларини баттар эговлар, тўсатдан юз берган ҳақоратли ўзгаришдан боши қотиб, аччиқланарди. Шу кайфият билан йўлак охиридаги тўғри шаҳарга уланадиган телефон қаршисига борди-да, трубкани олишдан бурун баланд, чанг босган дераза орқали ташқарига қаради: кеч кириб қопти... эҳтимол, Салтанат ҳам ойисиникига келгандир, деб ўйлади Азиз. Телефон рақамларини тера бошлади. Трубкани Салтанатнинг ўзи олди.

— Қаерларда юрибсиз, курортчи! — дея шанғиллади у дабдурустан эрининг ҳол-аҳволини ҳам сўрамай, Азиз Салтанатга нима жавоб беришни билмай жим туриб қолди. — Ҳой, эшитмаяпсизми? Нега индамайсиз? Мен сизни қидириб, Чирчиқларга ўтиб кетибман. Сарсон бўлиб, ҳозир келдим. Шунча жойга таксида борибман-а, мен аҳмоқ!

Азиз ичида: «Хайрият, кимлигини бир марта тан олди», деди-ю қўрс жавоб қайтарди:

— Мен сенга бор дебмидим? Уйингда ўтиравермайсанми?!

Салтанат ҳам «қани, ҳамма гапини айтиб олсинчи»,

дегандай кутди шекилли, индамай турди-турди-да, охири худди Азизнинг зардасини эшитмагандай:

— Келинг, ойим чучвара тугяптилар, — деди, — бугун шу ерда ётиб қоламиз.

— Йўқ! Менга зарур бир қоғоз керак, уйга кел! — деди Азиз энсаси қотиб. — Чучвара ейиш қочмайди.

— Доим шу! — деди Салтанат трубкадан. — Яхшилик ёқмайди! Тансиқ овқат қилиб чақирса ҳам ёмон! Шунча йил турган қоғозингиз, яна бир кун турса турар, биров еб қўядими?!

— Йўқ! Ҳозир етиб кел! — деди Азиз баттар алам қилиб.

Салтанат бир дамгина ҳансираб турди-ю, кейин трубкани тақ этиб қўйди. Азиз нима қиларини билмай гангиб, яна рақамларни қайтадан терди. Салтанат телефонни олиб, дарғазаб овозда: «Да!» дегандан сўнг, секин трубкани жойига ташлади... Хонага кириб, ўзини босиш учун Шорасул билан анча хотиржам хайрлашди, у «қачон ишга тушасиз», деган эди, «эртага», деб жавоб қилди ва ташқарига йўналди. Кўчада ҳам у бир неча бор қароридан айнаиди: бир Чилонзорга уйига борадиган бўлди, бир қайнотасиникига... Охири Салтанатнинг газабнок овози бугунги кўрган аламларига баттар туз сепди-ю, жаҳли чиқиб, Дўрмонга жўнади. Ҳар доймгидай очиқ юз билан қўл қовуштириб кутиб олган Ижод уйи қоровулига ҳам совуққина салом берди ва бир хилларидан машинка чиқиллаб, бир хилларидан радиодан берилаётган сўнгги ахборот овози эшитилаётган қатор хоналар ёнидан зипиллаб ўтди-да, ўз эшигини очди ва форточкадан ғувиллаб кирган шамолда учиб ерга тушган бир-икки варақ қоғозига ҳам эътибор бермай, плашини ечмай диванга ўзини ташлади. Шу пайтда қани битта дилкаш одам топилса-ю, тўйиб-тўйиб ичса! Афсуски, бу ерда ёзувчиларнинг биронтасини ҳам танимади. Таниганда обдан отамлашарди!..

Ярим соатлардан сўнг шошилмай қоғозларини йиғиштира бошлади. Ҳисоб-китобга улгурса, кеч бўлишига ҳам қарамай уйига кетишни мўлжаллади. Аксига олиб, кўпинча шу ерда тунаб қоладиган бухгалтер ҳам йўқ экан, ноилож яна бир кунга чидайдиган бўлди. Кечки таомдан кейин боққа чиқди. Ҳаво анча салқин, аммо осмон тип-тиниқ, қорамтир тусда товланарди... Азиз хилват боғ ичида кезиб, тунда намиққан кузги

хазонларни шип-шип босиб, тепадаги живир-живир юлдузларга термилганча, биллур сокинликка қулоқ со-ларкан, гўё шу билан кўнглидаги ғашликни нари ҳайдамоқчи бўларди-ю... лекин кечагина, бугун эрта-лабгина нақ кўкка учишга тайёр турган юраги, бари бир, беқиёс бир азоб юки остида мижиғланар эди. Те-пага қараса, назарида юлдузлар ҳам узоқлашиб, худди чексизлик яқинлашиб келаётганга ўхшарди. Дарахтзор орасидан хўмрайиб турган қоронғиликка хиёл юраги увишиб тикиларкан, бирдан мархума онасининг доим тайинлайдиган бир гапи эсига тушиб кетди: «Кечқурун кўчада юрма», дер эди нуқул онаси раҳматлик. Нима учун шундай дерди, бирон хунук воқеани эшитиб қўрққанидан айтармиди — Азиз билмасди... Кейин у Расул Оллоёрович, Салтанат, Шорасулларни бирма-бир кўз ўнгига келтириб, хаёл дарёсига ғарқ бўлганча, бир ўзи аста-секин боғ ичкарасига қараб кета бошлади. Сиртдан кузатган одам уни қаҳрамонларининг ички оламига буткул шўнғиган, ўзини ҳам, борлиқни ҳам унутган ёзувчига ўхшатиши мумкин эди...

23

Азиз ўша куни ярим тунгача ухломмади. Кеч куз бўлгани учун дераза тирқишларидан изиллаб совуқ кирар, Азиз шунча ўраниб олса ҳам ётган ўрни исимасди. Ора-сира тепасидаги деразадан ташқарига қараб қўйганида чинор барглари орасидан юлдузли қоп-қора осмон кўзга ташланар, атроф жимжитлигидан ҳовлини кесиб ўтган анҳорнинг бир текис шовиллаши аниқ қулоққа чалинарди. Азизни яна хаёл олиб қочди. Салтанатнинг муомаласи ҳам ўтиб тушди. «Бемаҳалда Беҳзод билан туртиниб-суртиниб уйга борган бўлса-я», деган ташвиш келди кўнглига. «Қайсарлигим тутганда ҳайвон бўп кетаман! «Майли, қолсанг қола қолгин, мен эртага келяпман бутунлай», десаму олам гулистон эди! Йўқ, албатта дилини оғритиб, уни ҳам, ўзимни ҳам қийнаб, юрак ўйноғи қилмасам кўнглим жойига тушмайди! Муҳиддин Жабборович тунов куни кулиб туриб хўп топиб айтди — «дилозорсиз», деди... Ана, энди Салтанат бечора уйга борса, йўқман. Қоқ саҳаргача мижжа қоқмай, кўча пойлаб чиқади. Бир оғиз сўз-а, шунга айтиш шунчалик қийинми?! Аксига олиб, уч-тўрт кундан бери телефон ҳам ишламаяпти...»

Эрталаб барвақт туриб, Ижод уйи маъмурияти билан ҳисоб-китоб қилди. Ошпаз аёл, кейин боғ қоровули билан хайрлашиб, енгилгина чамадончасини кўтарганча, шаҳарга жўнади...

Авваламга у тўғри уйига бориб, нарсаларини ташлаб келишни мўлжаллади. «Борди-ю, кеча Салтанат ойисиникида қолган бўлса-чи?.. Чилонзордан яна сарсон бўлиб қайтаманми», дея ўйлади-да, биратўла институтга киришга аҳд қилди. Кеча ҳатто дам олиш муддатини беш-олти кунга узайтириб беришини Расул Оллоёровичдан сўрайман, деган нияти автобусга ўтирганида эсига тушди-ю, яна юраги хижил бўлди. Аслида кеча бекор борган экан, шаҳарга тушмагани маъқул эди, тушмаганда бу гаплар йўқ эди. Балки Расул Оллоёровичнинг кайфияти ёмон пайтда йўлиққандир? Бошқа вақт борганда, эҳтимол, бунчалик бўлмасмиди? Яқингинада уни партия аъзолигига тавсия этган, жамоат ишларига тортиб, райкомларга юбориб турган одам... наҳотки бирдан ҳаммасидан дарров юз ўгирса?! Йўқ, ҳар қалай, феъли айнаб турган пайтида дуч келди шекилли...

Азиз Расул Оллоёрович бир мартагина совуқ муомала қилганга ҳадеб ўзининг жириллаб кетаётганини ўйлади-ю, хижолат чекди. «Нима, шу пайтгача Расул Оллоёровичсиз ўлиб қолаётувдимми? Рўйхуш бермаса — ундан нарига! Унинг марҳаматисиз куним ўтмайдим?! Ўтади! Зўр келса кандидатлигимни чўзар. Шунча вақт чўзилган, яна бир-икки йилига чидарман... Бир амаллаб кунимни ўтказарман...»

Азиз ўзига-ўзи таъна ёғдириб, «етар, бошқа ўйламайман», деб фикрини майда-чуйда нарсаларга чалғитиш мақсадида ташқарини томоша қилиб кета бошлади...

Институтга кириб борганда ҳамма нарса бурунгидек осойишта, фақат Расул Оллоёрович йиғилиш қилаётган шекилли — қабулхонаси гавжум. Азизларнинг хонасида эса одатдагидек Шорасулнинг якка ўзи, столи устига уюб олган газетага бўйнини чўзганча аллақайси мақолани қадалиб ўқиб ўтирарди. У Азизга қаради-ю:

— Хў-ўш, агар адашмасам, кандидатликни тугатиб келяпсиз, шундайми? — деди қийиқ кўзлари қувлик билан ўйнаб.

— Адашдингиз! Биз кандидат бўлгунча сиз профес-

сор бўласиз! — Азиз ҳам унга ҳазил аралаш жавоб қайтарди.

— Тезлатинг, тезлатинг! — деди Шорасул бошлиқларнинг гапига тақлид қилиб, кейин яна газетага тикилди...

Азиз қўли ишга бормай, мақсадсиз равишда галадонини титкилай бошлади. Охири бундан ҳам зерикди-да, директорнинг олдига кириб, келганини айтиб қўймоқчи бўлди. Йўлакка чиққанда «керак бўлсам ўзи чақирар», деб айниди. Хонасига қайтиб, диссертациясининг «Хулоса» қисми устида бош қотира бошлади... Кеча аксига олиб аввалги бобларда ишлатилмай қолган бир жадвали хотирига келди-ю, шуни излаб бекорга шаҳарга тушди. Жой қолдириб кетаверса бўларди. Шунда ўзига бунча гап-сўзни сотиб олмасди.

Азиз аввал ёзилган «Хулоса» сўзини ўчириб, тагидан яна «Хулоса» деб ёзди-да, «1» рақамини қўйди. Аммо диссертациясидаги хилма-хил фикрлар худди қўй подаси дув этиб ўзини ташқарига урганидек бирдан миясига сиғмай кетди ва ҳеч нарса ёзолмади...

Йўлакдаги телефондан уйига қўнғироқ қилиб кўрди. Анча кутса ҳам трубкани ҳеч ким олмади. «Наҳотки, кеча бормаган бўлса?» Қайта қўнғироқ қилди. Йўқ, телефон яхши ишлаяпти, аммо ҳеч ким олмаяпти. «Демак, Салтанат уйга бормабди...» Бехосдан Азизнинг юрагида, эҳтимол, умрида биринчи марта совуқ бир шубҳа туғилди. Тўсатдан келган рашк алаmidан кўзлари хунук чақнаб кетди. Юрганнинг — йўли, ўтирганнинг — ўйи кўпаяди. Омади келиб, юмушдан қўли бўшамаса, одам майда гапларга ўралашмайдиам! Борди-ю, қилаётган иши унмай, айниқса, муваффақиятсизликка учрагудек бўлса, эркак киши ҳам худди жанжалкаш хотинлардек нукул бошқа ёқдан баҳона ахтаради. Азиз ҳам кечаги борди-келди гаплардан кейин бирдан ичи ҳувиллаб... энди хотинидан шубҳа қияпти... Азиз ўз ўрнига келиб ўтирганда ҳам ўша ёвуз фикр миясига елимдек ёпишиб, аста-секин уни қийноққа сола бошлади. «Наҳотки, наҳотки?...» У ғалати бир руҳий сезгирлик билан хотинининг кейинги пайтларда анча ўзгариб қолгани, ҳатто кўпол гапирса ҳам Салтанат паст тушиб индамай қўя қолишларини эслади-ю, баттар шубҳаси кучайди. Гоҳо-гоҳо хотинининг бирдан қувноқ бўлиб кетишларини ўйлаб, жаҳли чиқди. Назарида Салтанатнинг юрагини энди бегона туйғулар чир-

магандай баттар ваҳимаси ошди. «Наҳотки, Салтанатнинг қўлидан шу иш келса?! Йўқ, йўқ! Эшитган қулоқ нима дейди?! Шармандалик-ку, бу! Тўхта, тўхта! Анови Шорасулнинг божаси!..

Азиз сиқилиб, яна йўлакка чиқди. Жонҳолатда қай-нотасиникига қўнғироқ қилди. Телефонни Салтанат олди. Азиз шошганидан тақ этиб трубкани жойига қўйди. Бирдан елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиди. «Хайрият, ойсиникида экан» деган фикрдан асаблари бўшашиб, телбанамо илжайиб қўйди. «Хайрият!..» Кафтларини жиқ-жиқ тер босган эди...

Ўрнига келиб ўтирди. Бари бир, Салтанат хаёлидан кетмади. «Қизик! Уйда йўқ бўлсам, оёғи чиқиб қолади. Худди шуни пойлаб тургандай. Аввал бунақамасди... Уйга меҳри йўқ! Демак, қўнғлида кемтиги бор...»

Азиз бундан уч-тўрт йил бурунги воқеани эслаб қолди. Ўшанда Салтанат салга юраги сиқилиб, салга жазаваси тутарди. Азиз «иш билан чалғиса, балки дарди енгиллашармикин», деган ўйда, уни ишга жойлаштирмақчи ҳам бўлди. Бунинг устига «кўпдан орқада қолмайди... топгани оилага — дармон...» Азиз шу мақсадда журналист қўшнисининг маслаҳати билан Салтанатни шундоқ уйлариининг пастидаги газета дўконига ишга киритадиган бўлди. Салтанат эрининг гапини эшитиб, ўшанда ранги қув оқариб кетди:

— Вой, шўрим! Газета сотиб кун кўраманми ҳали! Вой, шўрим! — деб дод солишига сал қолди. Азиз эса айтган гапига минг пушаймон еди. Кейин ҳам сал оралари бузилса, Салтанат Азизга ачитиб, «бўлмасам, дўконда газета сотиб ўтира қолай», дея пичинг қилар, Азиз азбаройи жони чиққан пайтларида:

— Касбнинг яхши-ёмони йўқ! Тушунсанг-чи! Даданг ҳам умр бўйи савдонинг нонини еган-ку! — деб хуноби ошса, Салтанат:

— Худога шукр, иш билан ишнинг фарқига борадиган таги кўрган оиладанман, — дея Азизни яна ерга урарди. — Очимдан ўлганимдаям бу паст хунарни қилмайман! Ҳа, жа-а кучингиз етса, ўқишга киритинг. Уйланмасдан олдинги қоп-қоп ваъдаларингиз қаёққа кетди? Гулдай умрим хазон бўлди сенларни деб...

Ҳозир Салтанат бошқача. Ҳатто шу ёзда ишдан ўзи гап очди. «Чилонзордаги енгил машиналарни ремонт қиладиган станцияга котиба-машинистка керак экан,

шунга борайми?» дея сўраб кўрди эридан. Азиз аввалига «мени яна кесатяпти», деб ўйлади. Кейин қараса, гап жиддий. Ҳайрон бўлиб:

— Ким айтди сенга бу ишни? — деб сўради.

— Ўзим ўқидим. Симёғочга эълон ёпиштириб қўйилган экан.

Азиз кулди:

— Қуруқ эълон билан иш битмайди. Бунинг учун мутахассис бўлиш керак, машинкани билиш керак.

— Ўрганса бўларкан. Маоши юз йигирма сўм. Бунақа жой қаерда?..

Азизга ўшанда Салтанатни кимдир шу ишга қизиқтираётгандай бўлиб туюлди-ю, ўзи ёрилиб айтмагани учун суриштириб ўтирмади. Лекин хотинига «ҳа» ё «йўқ», деб аниқ жавоб ҳам бермади. Уни ҳайратга солган яна бир нарса шу бўлдики, ишдан аввалига Салтанатнинг ўзи гап очиб, Азиз сал ўйланиб қолгач, ўша гапини бирдан эсидан чиқариб юборгандай бошқа тилга олмади. Кейин Азиз ҳам унутди...

Азизнинг юрагидаги шубҳа илони баттар бош кўтармоқда эди. У пешонаси тиришиб, билинар-билинмас кўзи тинаётганга ўхшади. Бурунги қон босими хуруж қилган ва чўнтагида доимо «резерпин» олиб юрган вақтлари эсига тушиб, чаккасини уқалай бошлади. Унинг бу аҳволини зимдан кузатиб ўтирган Шорасул газетани четга суриб, Азизга кулиб қаради:

— Нима бўлди, биродар? — деди гўё институтдаги пичир-пичирлардан хабари йўқ кишидек талмовсираб. — Нега таъбингиз хира? Нима бўлди?

Азиз:

— Йўқ... — деди-ю, аммо овози жудаям жонсиз чиққанини ўзи ҳам сезди. — Шундай, ўзим... сал бош оғрияпти.

— Анальгин берайми?

— Йўқ, йўқ. Ўтиб кетади...

Шорасул «ихтиёрингиз» дегандай бошини лиқиллатди-да, ўрнидан туриб, йўлакка қараб юрди.

* * *

Аслида у ҳамма нарсадан бохабар эди. Орқаворатдан бутун гапларни эшитган, Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборович аввалига Азизнинг теварагида айланишиб қолиб, энди ундан юз ўгираётганларининг

сабабини ҳам яхши биларди. Бирдан кўнгли ёзилиб, оёғи чаққон бўлиб қолганининг сабаби ҳам шунда. Кеча Азизни очиқ юз билан кутиб олгани, ҳатто унга меҳрибончилик қилгани ҳам бежизмасди...

Вақтида Расул Оллоёровичга дадасининг катта меҳнати сингганини билгани учун Шорасул директор билан муомалада ўзини бемалол тутишга уринар, гўё Расул Оллоёровичга дадаси эмас, ўзи қарашиб юборгандай, баъзан унга писанда билан қарарди. Буни Расул Оллоёрович ҳам сезарди албатта. «Қуш уясида кўрганини қилмай ўлсин», деб баъзан ичиди жеркиниб ҳам қўярди. Шу боисдан, унга совуққина муносабатда бўлиб, ҳузурига деярли чақирмас, ўзига яқин йўлатмас, йўлакда кўриб қолган тақдирда ҳам бирдан гапни чалғитиб, дадасининг аҳволини сўрар, «мендан салом айтинг», деб дарров гапни қисқа қиларди. Домланинг бу «нонкўрлиги» Шорасулни баттар газаблантирарди. Неча йиллардан бери Расул Оллоёрович ўзи билан мундай бир дилдан гаплашмаганини ўйласа, Шорасулга жуда ҳам алам қилиб кетарди... Расул Оллоёрович бўлса, унга ўлганининг кунидан қарашар, тили қисик жойи бўлмаганда-ю, бундай олифталарни институт остонасига ҳам йўлатмасди. «Бунақа ичидан пишганларга ёрдам бериб, одам қилиб, қайтага балога қоласан. Эртаси дарров таниш-билишини ишга солиб, тагингга сув қуяди. Шу сабабли ҳар қанча кўмагинг бўлса, Азизга ўхшаган безиёнларга қил. Улардан фақат яхшилик қайтади...» Шорасул ҳам домланинг шу тарзда ўйлаш ва шу тарзда иш тутишини тахминан биларди. Айниқса буни иккала домла Азизнинг атрофида пашшадай айланишиб, у яратган янги навга шерик бўлиш умидида юрган вақтларида кўпроқ сездди. «Азиз ўлгудек довдир! Не азоб билан яратган ишига шу текинхўрларни шерик қилиб ўтирибди! Мен бўлсам, «бор, бор, тошларингни тер», дер эдим. Урвоғини ҳам бермасдим! Бу довдир, оғзидагини олдириб ўтирибди!..»

Шорасул университетнинг иккинчи курсида ўқиётганидаёқ қўлида жарақ-жарақ пул ўйнарди, дадасининг ҳисобига ҳар гал юзталаб лотерея оларди. Буни кўрган курсдошлари «вуй-й», деб қолишарди. Улар орасидаям манови Азизга ўхшаган умрида пул кўрмаган қилтириқ махсумлар кўп эди... Буни қарангки, лотереялардан бири «Волга» ютди! Ҳаммаёқ шов-шув бўп кетди ўшанда. Университет домлаларидан бири Шорасулнинг ома-

дига гайирлиги келибми ёки соддалик қилибми, ё ҳазиллашибми: «Студентсиз... машина нимага керак сизга, бошингизни оғритиб?.. Кечинг, шуни давлат ҳисобига», деганда Шорасул дағ-дағ қалтираб:

— Бекор айтибсиз! Кечиб бўлман! — деб лаблари учиб кетган, — бунақа университетингиздан ўнчасини шу битта «Волга»га алишмайман! — дейишгача борган эди ҳатто.

Кейин «Волга» ўз-ўзидан гумдон бўлди, Шорасул уни ёлчитиб минмадиям. Ҳозир энди тагида «Жигули», «Фир» этиб ишига келади, «фир» этиб кетади...

Аммо Шорасул бошига оила тушиб, рўзгор тебрата бошлагач, айниқса, ўзини тутиб олди. У ҳали ҳам унча-мунчани одам ўрнида кўрмайди-ю, лекин сиртида билдирмайди. Энди бойликка хуруж қўйган. Илгаригидай отасининг текин пулига керилишлари қолиб кетган, бир тийинни ўн жойидан туфлаб тугади. Айниқса, ўзи ишлаб топгандан кейин ҳар тийини кўзига ширин туюлиб, хотинига ҳам бир чақа тутқазмайди. Сал орттирса, кассага солиб, анча-мунча йиғиб ҳам қўйган. Шундаям бари бир кўзига кам кўринаверади, секин кўпаяётганига бардоши чидамайди. Шунинг учун ҳозир зўр бериб докторлик устида ишляпти. Ақли-хуши шунда. Баъзилардек, мана масалан, божаси Йўлдошга ўхшаб ҳавойи юришга, айш-ишрат, маишатбозликка тоби-тоқати йўқ. Буни у «аҳмоқлик» деб билади, ҳатто на онаси ва на дадаси тақводор одам, ўзича ирим-сиримларга эътиқод қўйган, «аёлларга илашиш — ҳаром иш, ҳаром иш албатта бир кун мисингни чиқаради...» деб астойдил ишонади. Чилонзордаги енгил машиналарни ремонт қиладиган станцияда бош инженер бўлиб ишлайдиган божасини «пул топиб, ақл топмаган тентак», деб ичида сўкади. «Бошингга бирон иш тушса, ўша манжалақиларинг қутқарадими?! Омадинг кетса, ҳатто туққан онанг ҳам, тепкилашиб ўсган оға-иниларинг ҳам жонингга ора кирмайди. Ҳаммаси кечиб кетади. Фақат пулинг бўлса яккаланмайсан. Йўлдош фирт аҳмоқ одам, ҳозирига учган, эртасини ўйламайди, кўрдан баттар...»

Йўлдошнинг Салтанат билан анчадан бери дон олишиб юришини Шорасул билади. Йўлдош буни бир марта мастликда оғзидан гуллаб, мақтаниб қўйган. Шорасул бу гапни эшитганда аввалига даҳшатга тушган бўлса ҳам кейинги дақиқада кўксини ёвуз бир севинч қоплаган эди. Айниқса, Азиз Расул Оллоёровичларга яқин-

лашиб, учишга қаноти йўқ юрган пайтларида, Шорасул катта домлаларнинг эътиборидан ўзи тобора қолиб кетаётганига куйса ҳам бари бир Азизнинг устидан куларди. «Ўл-а, сен буёқда ўпкангни қўлтиқлаб «янги нав-чи, янги нав», деб ҳаллослаб юрибсан уйингдаги, шундоқ қўйингдаги илонни билмайсан. Ҳезалак!..»

Шорасул юраги сиқилган вақтларда мана шундай пинҳона, пасткаш фикрлардан далда оларди... Кейин баъзан Салтанатнинг нима учун шу йўлга кирганини ўйлаб кетар, хаёлан у ҳам ўз хотинини Салтанатнинг ўрнига қўйиб кўрар ва ўша заҳоти тепа сочи тикка бўлиб: «Эркакларга-ку, майли, уларники билинмайди... Болалик, оилалик хотинни жин урганми? Бунақаларни тошбўрон қилсанг, савобга қоласан...» дея яна Азизнинг устидан куларди.

* * *

...Кутилмаганда Азиз Шорасулга «бир отамлашсакчи, а», деб қолди. Анчадан бери хонада бир ўзи ўтирганни учунми, Азизнинг овозидан Шорасул чўчиб тушди.

— Огайни, бугун кайфиятим зўр... — деди Азиз Шорасулни баттар ҳайрон қолдириб. Шорасул Азизга кулимсираб қаради:

— Хурсандликданми ёки хафаликданми? Агар хафгарчиликдан бўлса, бормайман.

— Хурсандликдан, — деди Азиз ҳам Шорасулга кулиб боқиб.

...Ҳазил-ҳазил билан ишдан кейин Азиз иккалови автобусга ўтиришди-да, ярим йўлда учраган қаҳвахона қаршисида тушиб қолишди. Бунга бир жиҳати Шорасул «Жигули»сини минмай келгани ҳам сабаб бўлди, тормози бўшашгани учун шанбада Йўлдошнинг устахонасига олиб бориб кўрсатишни мўлжаллаб қўйганди...

Азиз эса гарчи Шорасулга кулиб турса ҳам, аммо руҳи тушган, сўнгги вақтларда энди юриша бошлаган ишлари яна чаппасига кетиб, худди «етдим» деганда оғзидагини олдирган одамдек ўзини қўйишга жой топмас эди. Шу боисдан, бир вақтлардаги сингари ҳаётдан, унинг бетайинлиги, адолатсизликларидан изтироб чекиб, мужмал, мавҳум кайфиятда, туйқусдан Шорасулни дардлашишга таклиф этди. Ичкиликка унча йўқлиги, ичганда кўтаролмаслигини била туриб шундай қилди. Чунки аламдан куйган кўнгли ҳозир ким ва қаердалиги-

дан қатъи назар, ҳасрат тинглайдиган бир ҳамдард тусаб қолган, майли, дуч келган одам бўлса ҳам у ичини бир ёриб, дилини бўшатиб олгиси келаётган эди.

Азиз билан Шорасул говур-говур авжга чиққан, шифтини папирос тутуни қоплаган ойнаванд қаҳвахонага киришаркан, бир-бирларига «шу ерда ичаверамизми», дегандай тикилиб қолишди. Айрим одамлар қиттай шўр балиқ билан пиво симирар, баъзилари гўштли бутерброд ер, яна бошқалари эса пуфлаб қайноқ кофе ичишарди. Азиз буфет олдига бориб, қатор шишаларга кўз тикди ва ёнидаги Шорасулдан:

— Нима ичамиз? — деб сўради.

— Ўлдирса ҳам... оқ ўлдирсин, — деди Шорасул Азизнинг ҳолатига монанд бўлишга интилиб. — Кўп эмас, юзта-юзтадан!

— Совуқда жа кетади-да, бу жонивор.

— Тагин эмаклашиб қолмайлик...

Азиз бир шиша арақ билан иккита бутерброд олиб келди. Тик турган айлана столларнинг бирини танлашди-да, стол юзидаги қолган-қутган тузланган помидор парчалари ва балиқ қилтаноқларини четга суриб, стаканларга тўлдириб-тўлдириб қуйишди. Азиз бир симиришда, Шорасул эса икки бўлиб ичди. У асли кўп ичмайди, чунки кўп ичса, ўнг тирсагидаги қичимаси кўзийди. Аммо ора-сира томоғи тақиллаб қолганда, уйда якка ўзи ўтириб, ҳатто бир шишагача ҳам бемалол ичиб қўяди. Лекин бир хиллардек шилқимлик қилмайди, ҳатто кайфи чоғлигини ҳам сездирмайди, қайтага тўйиб ичганда баттар жиддийлашиб, китоб жавонига қатор териб қўйган Катта Совет Энциклопедиясининг бирор жилдини олади-да, қизиқ мақолалари ва расмларини бир чеккадан кўриб чиқаверади, охири уйқуси келса, хотинини овора қилмай ўзи жой солиб ётиб, то эрталабгача донг қотиб ухлайди.

Биринчи стакан оч қоринга ичилгани учун ичакларни жизиллатиб, ични ёндириб кетгандай бўлди. Айниқса, Азизга бу ёмон таъсир қилди. Бирдан кўзлари ёришиб, табиатан бировга тик қарамайдиган одам, қўлларини пахса қилиб, кесиб-кесиб гапира бошлади:

— Биласизми, Шорасул, Расул Оллоёрович топилмайдиган одам! Мени Москвага юборган ҳам, ишдан озод қилиб «диссертациянгизни ёзинг», деган ҳам ўша!

Азиз ҳозир ширакайфлиги учун ҳатто Муҳиддин

Жабборович ҳам кўнглига мойил тушиб, ҳадеб уларни мақтагиси келаётган эди. Шорасул эса Азизнинг гапларини маъқуллаб бошини тўхтовсиз лиқиллатганча, индамай бутербродни урарди. Азиз Шорасулга тикилиб туриб, бирдан кулгиси қистади: Шорасул овқат чайнаётганда қулоғи қимирларкан. Азиз умрида биринчи марта унга яқиндан тикилаётган эди. Назарида кўз қорачиқлари ҳам мушукникига ўхшаш йирик-йирикка ўхшаб туюлди.

— Муҳиддин Жабборович тузук одаму... — Азиз донолигини қўймасди. — Тузук одаму...

Шорасул Азиз ўйлагандек «хўш, хўш», дея қизиқиш ўрнига атайлаб бошини кўтармай, қўлини салфетка қоғоз билан арта бошлади.

— Нега индамайсиз? Ё гапим ёқмаяптими? — деб ўшшайди Азиз унга дабдурустан.

— Йўқ, йўқ, марҳамат. Одатим: овқат еяётганда гапирмайман. Гапираверинг, гапираверинг, қулоғим сизда.

— Оғайни, сиз ҳам мени тушунмайсиз... ёки нотўғрими? Муҳиддин Жабборовичдан ҳам, Расул Оллоёровичдан ҳам кўрқмайман! Минг қийнашсин, юз қийнашсин, бари бир кўрқмайман!

Шорасул Азизнинг қизиша бошлаганини сезиб, унинг пойинтар-сойинтар гапларини индамай эшитганча, бориб яна биттадан бутерброд олиб келди ва ўзиникини ея бошлади. Азиз бўлса асли овқатга чимхўр. У нуқул маҳмадоналик қиларди. Бир замон қолган ичкиликни икки стаканга бўлиш ўрнига яна шиша олиб келмоқчи бўлди. Шорасул уни қўлидан ушлаб тўхтатди. Шиша тагидаги арақнинг кўпроғини Азизга, ўзига эса бир қултумгинасини куйди-да, «қани, ичайлик» деб кўтарган эди, Азиз қовоқ-лунжи осилиб, Шорасулнинг стаканига ёпишди ва «бунақаси кетмайди», деганча ўзиникини унга ағдарди. Шорасул «кўйинг», деса ҳам қарамай, тагин бир шиша арақ олиб келди. Сал ўтмай иккови ҳам қизишиб кетди-ю, бир-бирларига гап маъқуллашиб, кейинги кишини ҳам бўшатишди. Азизга қўйиб берса, тагин ичгиси бор эди, лекин Шорасул уни мажбурлаб ташқарига етаклади...

Шорасул Азизни қўлтиқлаб суяб олган, аммо у оёқлари чалишиб зўрға судралиб борар, ўтган-кетганлар, баъзи ёш қиз-жувонлар эҳтиёт юзасидан хў олисданок нариги йўлкага ўтиб олишар, бунини Шорасул сезиб,

«бу аҳволда кўчада юриш ўлим, ишқилиб, биронта таниш-билиш кўрмасин-да», дея ваҳимага тушиб, тезроқ бир таксини ушлаб, тезроқ, Азизни уйига ташлаб кетишни ўйлар эди. Азиз бўлса, энди ақлини йўқотиб алжирар, бурун катаклари кенгайиб, ўзидан-ўзи ҳанси-рарди:

— Ҳаммангни боплайман ҳали! Боплайман! Э, бор-э! Сен кимсан ўзинг! — Шундай деб худди Шорасулни биринчи бор кўраётгандай қўлидан силтаниб чиқди-ю, унга ҳайратга тушганча тикилиб қолди. Ўзи эса чайқалиб-чайқалиб, оёғида зўрга турарди. Улар неон лампочкаси тагида тўхташган, Азиз итариб ташлаётган бўлса ҳам Шорасул уни маҳкам ушлаб турар, ҳам ўтган машинага қўлини кўтариб, тўхтатишга уринарди. Азиз эса бетиним валдирарди:

— Текинхўрлар! Сен ҳам текинхўрсан! Ўшанинг қариндоши! Бақрайма манга! Бақрайма-а-а!

— Текинхўр бўлиб онангни молини едимми?!

— Текинхўрсан! Бақрайма, деяпман сенга-а!

Шорасул уйида бир ўзи ичганида биров унинг қонини ҳам қайнатмасди. Ҳозир бегуноҳдан-бегуноҳ Азиз уни ҳақорат қилаётганига шу қадар ғазабландики, юзи-га тарсаки тортиб юборишдан ўзини аранг тийди. «Мастлик — ростлик» деган гап ёдига тушиб: «Э-э, бу аблаҳ ичидан зил кетиб юраркан-да...» деб ўйлади. Азизга баттар қаҳрли тикилди ва энсаси қотганидан уни қўйиб юборди. Шорасулга деярли осилиб турган Азиз бирдан мувозанатини йўқотди-да, оёғи чалишганча, шундоқ ариқ ёқасига ўтириб қолди. Инқилаб-синқиллаб, сўлаклари оқиб, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, энди турганда боши айланиб, тротуарга қулаб тушди. Шорасул ҳам «бир қийналсин» деб, ёнида индамай без бўлиб тураверди.

Лекин у ҳар гал узоқдан машина кўринганда жон-ҳолатда шошилиб қўлини кўтарар, ҳатто йўл ўртасигача чиқиб кетар, баъзи машиналар чиндан ҳам тўхтамоқчи бўлиб тезлигини пасайтирарди-да, ҳайдовчиси ерда ўтирган Азизга кўзи тушиши билан яна газни босиб, вағиллатиб учириб қоларди. Охири Азиз амаллаб ўрнидан турди-да, Шорасулга ёпишиб, уни бўралаб сўка бошлади. Шорасул бир силтаб юборган эди, Азиз чап оёғи билан ариққа кириб кетди ва устини чирик хазонлар беркитган балчиққа тушиб, тиззасигача ифлос бўлди...

Бир вақт муқолишдан «ГАЗ-21» машинаси бурилди-ю, чироғини ёқиб-ўчириб, яқинлашиб кела бошлади. Шорасул қўл кўтариб йўлни тўсиб чиқди ва орада беш-ўн қадам қолганда рулда ўтирган Йўлдошлигини таниди. Баттар машинага бостириб чиқди. Бироқ машина шарт четга бурилиб, энди тезлигини ошираётганида Шорасул божасининг кўрмаганини сезди-да, овозининг борича: «Йўлдош! Йўлдош!» деб бақирди. Машина орқасида қизил чироқлар ёниб, йўл четига ўтиб тўхтади. Кейин ўша заҳоти эшик очилиб, Йўлдош чиқди. Бу пайтда Шорасул ҳам етиб келган эди. Оғзидан арақ ҳиди гупиллаётганини Йўлдош дарров пайқади.

— Шорасул, нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Бу ер қаер? — дея астойдил сўради Шорасул.

— Ҳазиллашманг. Қаер бўларди. Шайхонтахур-да! Уйига олиб кетяпгандим. — У олдинги ўриндиқда бола кўтариб ўтирган нотаниш аёл томонга имлаб қўйди. — Кетдик. Аввал уни, кейин сизни ташлаб ўтаман.

Шорасулни қаттиқ ҳиқичоқ тутди, чопиб келган томонини кўрсатиб:

— Анови ерда биттаси ўтирибди, ўшани ҳам олиб кетишимиз керак, — деди нафратдан қалтираб.

— Ким у? — деди Йўлдош оғриниб.

— Э, биттаси! Ташлаб кетсам тўловига қоламан... —

Шорасул шундай деб Йўлдошнинг жавобини қутмай, ўзи кўрсатган томонга қараб кета бошлади. Йўлдош машинага ўтирди-да, ёнидаги аёлни тинчлантирмоқчи бўлди шекилли, «парво қилманг», дегандай қўл силкиб қўйди. Кейин машинасини орқага тисалтира бошлади. Азизни силтаб-судраб Шорасул ҳам етиб келди. Машина қоронғида тўхтагани учун аввалига унга ҳеч ким эътибор бермади. Йўлдош ўтирган жойида чўзилиб орқа эшикни очди, Шорасул тўнғиллаб-тўнғиллаб Азизни ўриндиққа итариб киргизди, ўзи ёнига ўтирди. Бу пайтда Йўлдош худди эсанкирагандай ранги қув ўчиб, тили калимага келмай бақрайиб қолди. Бошини машина эшигига қарсиллатиб уриб олган Азиз эса ҳамон алжираб:

— Расул Оллоёровичга кўрсатаман ҳали кимлигимни! — деди букланиб қолган оёқларини ўнглаёлмай. Шундагина боядан бери «мастлар билан нима ишим бор», деб йўлдан кўзини узмай ўтирган болалик аёл жонҳолатда орқасига бурилди. У Салтанат эди! У

даҳшатдан шу даражага тушгандики, афтини кўрган одам кўрқиб кетарди. Салтанат аввал Азизга, кейин ваҳший бир қараш билан Шорасулга тикилди. Кейин тиззасида ўтирган ўғилчасини қучганча, бошини унинг елкасига босиб, силкиниб-силкиниб йиғлай бошлади...

Уни кўриши билан Шорасулнинг ҳам тили гапга келмай қолди, анча ичганига қарамай, бирдан кайфи учиб кетди. Онасининг тиззасида ўтирган Беҳзод эса нима бўлаётганига ақли етмай, дадасини нотаниш одам машинага судраб киргани, айниқса оёқларининг йиғлаётганидан даҳшатга тушиб, дағ-дағ қалтирар эди... Азиз шу орада кўзини очиб яна алжий бошлади-да, бирдан олдинги ўриндиқда ўтирган хотини билан ўелига кўзи тушиди-ю, мастлигидан «нега бу ердасизлар», деб сурштирмади ҳам, кўлини чўзиб ўглини эркалатмоқчи бўлди. Кейин қаттиқ бир ўқчиқ келди-ю, гўқиллатиб қусиб юборди. Йўлдош ижирғаниб туфлисини кўтариб-кўтариб кўйди. Аммо ҳеч ким индамади. Йўлдош жадаллаб машинани ҳайдаб борар, Шорасул эса ҳар замон-ҳар замонда Азизнинг елкасидан тортиб, бошини кўтармоқчи бўлар, у эса кўзлари юмуқ, сўлаклари оқиб, нима балолар деб мингилларди... Охири Чилонзорда, уйларида сал бериқоқда, қоронғироқ жойда тўхташди-ю, Салтанат машина эшигини қарсиллатиб ёпиб, ўглини кўтарганча, орқасига қарамай жўнаб қолди. Шорасул Азизни машинадан судраб туширди-да, юзига бир-икки шапатилаб уриб, кўзини очди. Шунда ҳеч ким кутмаган иш юз берди. Азиз бирдан Шорасулнинг кўлидан чиқиб, Йўлдошнинг бошига мушт солмоқчи бўлди-ю, у чап бериб қолган эди, кўли билан бориб машина ойнасига қаттиқ урилди ва гандираклаб ерга йиқилди. Қутуриб кетганидан ўрнидан шитоб билан туриб, яна Йўлдошга ёпишди. Ёқасидан ушлаб силтаган эди, қоронғида Йўлдошнинг қаеридир тариллаб йиртилди. Йўлдош ҳам жазаваси тутиб, Азизни бир уришда ерга ағдарди ва қорнига тепди. Азиз бир зум ғужанак бўлиб қолди. Шунда Шорасул божасини судрагудек рулга ўтқазди-ю, «жўнанг, жўнанг», дея бақирди. Машина энди қўзғалганда Азиз унга катта бир тош отди, лекин тегмади. Йўлдош сал нарига бориб тўхтади-да, қоронғида сўкина-сўкина машинанинг ҳамма эшигини очиб ташлади.

Шорасул Азизни суяб, не азобда, уйи тарафга олиб кета бошлади. Тўрт қаватли бино қаршисига бориб,

«қайси йўлакда тураркан бу лаънати», деб бош қотираётган пайтда Салтанат боласини ташлаб ҳовлига ўзи тушиб келган эди. Кўчада ҳеч ким йўқ, бутун кийим-боши тупроққа беланган Азизни икковлашиб тезгина иккинчи қаватга суяб олиб чиқишди-ю, эшикдан киришлари билан:

— Чўчқага ўхшаб қаерда бунчалик ичдинглар?! — деди Салтанат Шорасулга ғазабдан кўзлари ёниб.

Шорасул эса унга тенгсиз бир нафрат билан қаради-ю, остонага бир туфлаб, эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетди...

24

Азиз ечинишгаям ҳөли етмай, ичкари уйдаги кўрпачага чўзилганча ухлаб қолди.

Салтанат шунчалар қўлга тушиб шарманда бўлганидан, вужудини бўғиб келаётган номус зўридан ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолса... «Шуларни Азиз билми турганмикин ёки шу даражада мастки, ажратолмадими? Тақдир ҳам одамнинг устидан шунчалар куладими, а? Салкам икки миллион киши яшайдиган шаҳарда келиб-келиб айна биз бир-биримизга дуч келиб қолсак-а! Тавба қилдим, тавба-а! Қаерданам учратдим, бу ер ютгур олифтани? Қаердан учратдим! Бутун ҳаловатим, тинчимдан айрилдим ўшани деб! Пешонам шу экан: нукул тескариси бўлиб чиқади. Таксида кетаверай дедим-а! Шайтон йўлдан уриб, телефон қилиб ўтирибман-а, шу касофатга! Бир сўм тўлаб кетавермайманми?! Тўхтатма, дедим-а! Анови сўхтаси совуқ божасидан кўрқди. Бунчалигини билганда тўхтатмасди! Нима, Азиз мени пойлаётганими бу? Кечаям шаҳарда эди, бугун ҳам... Тагин умрида элакишмаган, итдан баттар ёмон кўрадигани — анови Шорасул иккови топишиб қопти! Наҳотки, Йўлдош шунчалар пасткаш, майда гап бўлса?! Наҳотки, орамиздаги сирни божасига айтган? Унда тамом!.. Бебахтман! Унда тамом!.. Бу олифта, бетамиз, ўша заҳил божасига айтган! Айтган! Бўлмаса... Шорасул менга бунчалик ўқрайиб, юзимга туфлагандан баттар қарамасди. У оғзи шалоқ айтган! Мақтанган! Энди нима қилдим? Нима қиламан энди? Вой, шўрим! Кап-катта одам, машинада ичи узилиб фариллатиб қусгунча ичибди-я! Борди-ю, у ҳаммасини билса-чи? Аламидан шундай қилган бўлса-чи? Шора-

сул билан бекорга етаклашиб юрмагандир у! Тамом... тамомман энди!..»

Фақат қийин дақиқалардагина, ҳаёти қил устида турган пайтдагина инсофга келадиган Салтанат ҳозир бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, ётган жойида минг хил хаёлларга бориб, охири руҳий азобдан ҳол-жони қолмай, ҳамма нарсадан воз кечган одамнинг кайфиятига тушди-ю, «бўлар иш бўлди энди, пешонамдагисини кўравераман», деди ичида. Кейинги дақиқада эса худди Азиз шу кечанинг ўзида жонига қасд қиладигандай қаттиқ даҳшатга тушди. Негадир, Беҳзодни каравотидан олиб, бағрига босиб ётди. Унинг лўппи юзига лабларини босаркан, ўз қадрига куйганидан бир лаҳзанинг ўзида кўзларини жикқа ёш қоплади. Ярим кечага бориб, энди кўзи илинганда, ошхонада нимадир тарақлаб кетди. Сакраб ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Қараса, Азиз худди биров мижгилаб ташлагандай, кўзлари ўрадай чўкиб, ҳали ҳам билинар-билиномас гандираклаганча, чойнакни бошига кўтариб, лабларининг четидан оқиб тушаётганига қарамай сув симирарди. У катта гардин чойнакни тагигача ичиб тугатди-да, хотинига маъносиз назар билан тикилди ва бир оз шишинқираган ўнг қўл бўғинини ушлаб, оғриқдан кўзини юмди, ерга қараб:

— Қачон келдим? — деб сўради.

— Шорасуллар ташлаб кетишди...

Азиз ҳалиям унча кайфи тарқаманган, аслида бутун азоб энди бошланган, тили шу даражада бемаза, боши карахт эдики, худди тахир нарса чайнагандай кўзларини юмиб, пешонасини тириштириб-тириштириб қўярди. Аммо анча ўзини тутиб, гарчи ҳали қилган ишларидан даҳшатга тушиш даражасига етмаган бўлса-да, ҳар қалай, мантиқли фикр юритаётган эди. Гандираклаб уйга кирдида, Салтанат шоша-пиша солаётган ўринга узала тушди ва бошини кўрпага ўриб, худди хотинининг қадам товушини тинглаётгандай унсиз ётаверди. Кейин ўзи қилган номаъқулгарчиликларига номуси чидамай, хўрсиниб-хўрсиниб йиглай бошлади...

Эрталаб гира-шира бўлмасданоқ уйғонди; духоба ёстиқни четга сурди-да, ётган жойида оёғини чўзиб керишиб, уйқули кўзлари билан кеча чала-ярим ечган кийимларини пайпаслаб ола бошлади. Бошининг қақшаб оғриётганига зўрға чидаб, ер тортиб кетаётса ҳам бир амаллаб, қовоғини уйганча ўрнидан турди. Бўйи

келса, хотинининг чакаги очилиб кетишидан қўрқиб, индамай ичди ва «мен кетдим», деди-ю, чиқиб жўнади. Салтанат тили гунг, эрининг «кетдим», деган сўзининг маъносига тушунмай, юраги зириллаб, ерга қараганча қолаверди. Кейин бирдан бошини чангаллаб, шу вақтгача гўё жисми-жонига ҳузур бағишлагандек туюлиб юрган бевафолигининг мислсиз оқибатини тўсатдан фаҳмлаб қолди-ю, бурунги дадиллиги, эркинлиги, аёллик номус-ори ўша тоғдаги арча орқасида абадий қолиб кетганини алам билан эслади ва додлаб юборар даражада ўзини диванга ташлади. «Нима қилиб қўйдим?! Нима қилдим?! Аввало... ўзимни, аёллигимни ҳақоратладим-ку?! Ёлғон ҳавасга алданиб, нима орттирдим? Шохим чиқдими? Шарманда бўлдим, шарманда!..»

Орадан сал ўтгач, Салтанат бу аянчли ҳолатидан хийла қутулганга ўхшади ва шиддат билан ўйлай бошлади. Миясига қаёқдандир тиниқ фикрлар қуюни келиб, гўё шу ишларнинг барини у эмас, бошқа аёл қилгандай, юз берган воқеани ғалати бир совуққонлик билан тарозига солиб кўра бошлади. «Йўлдошнинг нимасига учдим? Нимасига?» Салтанат қанча ўйламасин, ўз қилмишига тузук бир баҳона, сабаб топа олмади. «Меъёридан ошган ҳавас ғайирликка айланаркан. Шу ғайирлик йўлдан урди мени. Ўзимча янада тиниқроқ, янада ширинроқ туйғуларни топгандай эдим, акси бўлиб чиқди... Оҳ, Азиз икковимиз ғарибгина яшасак ҳам худди дуторнинг қўш торидек мағрур, миннатсиз умр ўтказган ўша жўровоз онларимиз қани? Қани, ўша покиза кунларим? Қани энди?.. Уришардик, ярашардик... Аммо бир-биримизга қўрқмай, тик қарай олардик! Қўрқмасдик! Энди-чи, энди?..»

Вақт тушга яқинлашиб қолган бўлса ҳам Салтанат ҳамон эски диванда бошини чангаллаб ўтирганча, гоҳ ваҳима босиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ тиниб, ҳиссиз бир аҳволда ўзини-ўзи азобга соларди. Беҳзод балконда ўйнаб-ўйнаб охири зерикканидан кўчага чиқиб кетганини ҳам гўё сезмагандай эди. Аввал ташқаридан сал йиғлаган овоз келса, жонҳолатда балконга югурадиган одам, Беҳзод ҳовлида қоқилиб йиқилиб, овози борича чинқирганини ҳам эшитмади. Йиғидан кўзлари шишиб диван қиррасида тошдай қотиб ўтираркан, ўздан-ўзи биринчи бор Азизни учратган пайтини эслаб кетди. Ўшанда Азиз Сергей Матвеевич дарвозасидаги

кўнғироқ тугмачасини босаётган эди. Салтанат уни кўрди-ю, ўзидан-ўзи, ҳеч сабабсиз юраги бирдан жиз этди. Қотмадан келган, буғдойранг юзли, оппоқ финкасини оқ каламинка шимиға қистирган, қўлида каттакон сумка кўтарган Азиз ўшанда Салтанатга азод ўгирилиб, шу қадар самимият билан жилмайиб боқдики, Салтанат ҳатто ҳозир ҳам ўша ўтли нигоҳни эслаб, томоғига бир нарса тиқилгандай қаттиқ ютинди. Кўзига дувиллаб ёш қалқди... «Наҳотки, севги — фақат ёқимли ҳаяжон, вужуднинг ўтмисол ёниб туришигина бўлса?! Ўт билан ўтнинг фарқи йўқми, ахир?! Гуллаган бўстонни қувратувчи ўт-чи?.. Севги — алам, завқ, қувонч, кулфат, даҳшат, мардлик, нафрат... Ахир, икковлари орасида шу туйғулар йўқмиди? Йўқмиди?!»

Салтанат афсус ва надомат тўла ўйлар билан кунни қандай кеч қилганини ҳам билмади. Кун бўйи туз тотмади. Беҳзод ҳам нон чайнаб, сув ичиб юрди... Салтанат ҳатто овқатга уннамаганини ҳам ғира-шира бўлган пайтдагина сизди. Яна вужудини даҳшат босди. Назарида эри азроилдек, кела солиб жонини оладигандай, юраги кўркувдан дукиллаб ура бошлади. Қўллари, бўғинлари, бутун жисми титрат-қақшаб, ичи яхлагандай, туйғусиз бир махлуққа ўхшаб ўтирарди. Айниқса, Азиз ишдан қайтадиган вақт яқинлашган сари баттар восвосга тушиб, ўзидан-ўзи йиғлагиси келар... елга со-вурилган қадри, номусининг аламиға чидолмаганиданми, Азизнинг қаҳридан кўрққаниданми, ўксиб-ўксиб, борган сари ўзини тўхтатолмай йиғлай бошлади. У иродаси ва ақлини йўқотган эди, бамисоли ўпқонга тушган хассимон, ўзини буткул мажруҳ туйғулар қўлиға топширган эди...

* * *

Азиз эрталаб боши қақшаб оғриб, қулоғи битиб, юраги тез-тез урганча зўрға автобуста чиқиб ўтирди-ю... кечаги воқеани эслай бошлади. Сал нарсага чидамай, иродасизлик қилгани шунча аламларининг устига яна бир алам бўлиб кўшилди. «Ўзимни шу қадар йўқотмасам... Салгина оғирликка чидамай, дарров ичкиликка ёпишдим!.. Иккинчи шишаға бало бормиди?! Ҳеч қачон меъерини билмаганман ўзи! Билмаганман! Ҳаммага шарманда бўлиб...» Ана, энди етим кўзидек бошини бўйнининг ичига олиб, дуч келган одамдан кўзини

опқочиб... Ҳамиша шундай!.. «Тўхта, тўхта!.. Қандайдир машинага тушдик... Машинада Салтанат билан Беҳзод ҳам бор эди шекилли?!» Ҳа, ҳа, аниқ бор эди. Ҳатто Азиз Беҳзодни эркалайман, деб қўл узатгани ҳам эсида... Қизиқ, қаерда бўлиши мумкин?.. Ёки такси олиб, маст ҳолича қайнотасиникига бордими? Унда ёнида Шорасул нима қилиб юрибди? У, бир ўзинг кетма, деб боргандир-да?.. У ҳам маст эди...»

Азиз пўла бўлиб шишинқираган устки лаби, сал қимирлатса безиллаб оғриётган ўнг қўл бўғинини ушлади-да, тўсатдан Йўлдош эсига тушиб, ичида «вой», деди-ю, уятдан юраги шувиллаб кетди. «У билан қаерда ёқалашдим?... Ҳаммамиз ўшанинг машинасида эдикми? Йўғ-е... қаерда ёқалашдим? Шорасул ажратди-ку, икковимизни...» Азиз кеча юз берган воқеаларни аниқ хотирлаёлмай, бутун йўл бўйи ўзини-ўзи азобга солиб, қийналиб борди...

Гуноҳқорона қимтиниб, хонасига аста кириб борганда, Шорасул газета ўқиб ўтирарди. Азизни кўриб, кўзини олиб қочди, хиёл қизариб, ўрнидан турди, кейин жилмайган кўйи келиб, у билан кўришди. Азиз ердан кўзини узмасди. Шорасул билан совуққина кўришди-да, ўрнига бориб ўтирди ва икковлари ҳам анчагача миқ этишмади. Охири Азиз:

— Кеча сал кўпроқ бўп кетдимиз?... — деди мингиллаб.

Бу гап Шорасулнинг тилига Азиз хонага киргандаёқ келган эди-ю, лекин у бошқа нарсадан кўрқаётганди. «Азиз Йўлдошни эслаб қолганмикин ёки йўқми?» деган хавотир уни қийнарди. Шу сабабли тилини тийиб, Азизнинг гапини пойлади. Азизнинг афсусига кўшилиб «чиндан ҳам бекор қилибмиз», дегандай кулимсиради:

— Ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетяпти... ўша ҳолимизни биронтаси кўрса-я! — Шорасул лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қимирлатди. Шу билан айна пайтда у Азизнинг кеча Йўлдошни таниган-танимаганини ҳам билмоқчи эди. Азиз индамади. Узун «ух» тортди-да:

— Бир замон қарасам, уйда ётибман, — деди яқин кишисига сирини айтаётгандай. — Салтанатнинг олдида ер ёрилмади-ю...

Азиз ҳам аслида «Шорасул менга қараганда камроқ маст эди, шундай десам, эҳтимол, нима бўлганини бир бошдан сўйлаб берар», деган умидда чайналган эди.

Шорасул нимадир дейишга энди огиз жуфтлаганида эшик очилиб, Расул Оллоёровичнинг котибаси кўринди-да, Азизга қараб:

— Сизни чақиряптилар, — деди. — Ҳозир.

Азиз бирдан ҳаяжонга тушиб, шоша-пиша у ёқ-бу ёғини тўғрилай бошлади; қабулхонага кирди. Котиба қиз «марҳамат, ҳеч ким йўқ» дегандай имо қилгач, чўчибгина эшикни тортиб, ичкарига бош суқди.

— Кираверинг, кираверинг! — деди тўрда қалам очиб ўтирган Расул Оллоёрович; босиқ, салобатли овози ўзига жуда ҳам ярашарди. Бир қарашда гўё орада ҳеч нарса бўлмагандай туюлди, аммо кейинги дақиқада Расул Оллоёровичдаги ўзгаришни бари бир пайқади. Табиатан очиқ юз Расул Оллоёрович ҳозир қовоғини уйиб, Азиз билан қўл олишиб ҳам кўришмади, ўтирган жойидан қимирламай, рўпарасидаги стулни кўрсатди. Кейин бир оз сукутда турди-да, бирдан Азизга юзланиб:

— Ҳозир нима иш қиляпсиз? — деб сўради.

Азиз кутилмаган бу саволдан бир оз шошиб қолди:

— Менми? Диссертациям охирляпти...

— Диссертациянгиз — ўзингизнинг шахсий ишингиз, ука. Биз сизга қайишиб, тагинам бир ой ҳамма юмушлардан озод қилиб, бор шароитни яратиб бердик. Энди аччиқ ичакдек чўзавермасдан... ёзинг-қўйинг-да! Нима, тоғни қайириб берармидингиз жуда! — Расул Оллоёрович шу гапдан кейин хиёл жаҳли чиқиб, юзини зарда билан четга бурди. Азиз Расул Оллоёровичнинг бундай асабийлашганини деярли кўрмагани учунми, нима дейишини билмай қолди. Атиги йигирма уч кун олдин худди шу кабинетда, яна бунинг устига, Муҳиддин Жабборович гувоҳлигида Расул Оллоёрович Азизга мутлақо бошқача гапирган эди.

Азиз изтиробдан «қилт» этиб ютинди-ю, ўзи ҳам кейин ҳайратга тушган бир дадиллик билан:

— Тушунмай қолдим! — деди қўлларини икки тарафга ёйиб.

— Нимани? — Расул Оллоёровичнинг қалин қошлари чимирилиб, кўзлари чақчайиб кетди. — Нимани тушунмаяпсиз? Айтинг, ука!

Азиз кафтларини бир-бирига ишқаганча, миқ этмай қолди. Расул Оллоёрович арслон оёқли столдан шошилмай туриб, кабинет полини гичирлатиб у ёқ-буёққа юра бошлади ва бир гал шундоқ Азизнинг орқасида тўхтаб:

— Райкомдан одам сўрашяпти, — деди. — Қўшни тоғлик районда эрта-индин қор ёғиб, қора совуқ тушармиш. Сабзавотларни йиғиб улгуришолмабди бечоралар. Шунга бир ҳафтага бориб келасиз энди. Яна биронтасини топармиз, бориб, тоза ҳавода бир ўйнаб келасизлар. Бу — ишингизга халал беради албатта. Лекин ноиложмиз, ука. Биласиз-ку, кўплар декретда, кўплар касал... Бир кунга ҳўкиз ўлмади, икки кунга эгаси бермайди. — Расул Оллоёрович жойига бориб ўтирди.

Азиз: «Ахир, мен сентябрь ва октябрь ойида ҳар якшанба пахтага чиқдим-ку... Нега Шорасул бормади бундай ишларга?» демоқчи бўлди-ю, директор билан олишиб обрў топмаслигини билиб индамай қўя қолди ва сукут билан розилик берди. Энди ўрнидан қўзғалаётганда, Расул Оллоёрович қўл ишораси билан «ўтиринг, тагин гап бор», дегандай имо қилди.

— Бунча муғамбирликни қаердан ва кимдан ўргангансиз, ука?

Азиз бамисоли чўғ босиб олгандай сапчиб Расул Оллоёровичга ўгирилди: у Азизга истехзоли боқиб турарди. Азиз кап-катта раҳбар одамдан бундай ҳақорат эшитганига чидолмай, қандайдир тилда тасвир этиб бўлмайдиган алам юрагини омбурдек қисиб, лаблари титраганча:

— Мен тушунмаяпман, Расул Оллоёрович! — деди директорга асабий тикилиб. — Кимга муғамбирлик қилибман, нима муғамбирлик қилибман? Йигирма кунгина олдин худди шу ерда менга бошқача ваъдаларни берган эдингиз! Энди тушунмай қолдим?!

— Расул Оллоёрович жаҳли чиқсагина тортмасида доимо шай ва бисёр турадиган сигаретадан олиб чекарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Шошилмай сигарета тутатдида, Азизга баттар истехзо билан тикилди, папирос тутуни оша кўзларини қисиб:

— Тушунмаяпсизми?! — деди лабининг учида кулиб. Кейин бирдан «сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ», дегандай гапни чўрт кесди: — Менга қаранг, ука! Шу сўзларимни у қулоғингизга ҳам, бу қулоғингизга ҳам кўрғошиндай қўйволинг! Сиз унақа муштдек бошингиздан менга бир хил, унга бир хил, яна бошқасига яна бошқа хил гапиришни бас қилинг! Лат ейсиз, лат еганда ҳам, очигини айтиб қўяй, ўлгунча ўнганмайдиган бўлиб лат ейсиз, тушунарлими?!

— Айбим нима, Расул Оллоёрович?! Айтсангиз-чи,

ахир, очигини? Бунақада домонгир бўлиб юраверасиз-да! Нон урсин, ҳеч нарсадан хабарим йўқ!

— Бунақа онт ичишингизни уйингизга бориб қилинг, тушунарлими? Кейин кўзингизни бақрайтириб, менга ёлгон гапирманг! Мен сизга ўйинчоқ эмасман, тушунарлими? Ҳали Муҳиддин Жабборович ишга чиқсин, ҳаммасини элақдан ўтказамиз, ҳаммасини! Коллектив панасида қаҳрамон бўлишни истаб қолдингизми?! Кетмайди! Ҳаммасини элақдан ўтказамиз! Катта идораларни чалғитиб, бизни ёмонотлиққа чиқариб юрганларингиз учун ҳали жавоб берасиз! Боринг энди, ишингизни қилинг!

Азиз йигламсираб, тагин нимадир демоққа уринди-ю, Расул Оллоёрович шахт билан ўрнидан туриб, Азизга дарғазаб тикилганча, қўлини силкиди, «бўлди, гап тамом, жўна», дегандай ишора қилди. Азиз бу ҳақсизликдан дод деб юборишига сал қолиб, кабинетдан отилиб чиқиб кетди. Ранг-рўйи таниб бўлмайдиган аҳволда хонасига кирди-ю, Шорасулнинг тепасига бориб:

— Олдинги куни нима девдингиз? Директор билан Муҳиддин Жабборовични қаерга чақиритишган экан? — деб сўради гўё ҳамма эшитган дашномларига мана шу Шорасул айбдордек, бутун зуғумини унга тўкиб. Шорасул орада жиддий гап-сўз ўтганини дарров фаҳмлади. Азизнинг вазоҳатидан ҳайиқиб, журъатсиз бир қиёфада ўрнидан турди ва дераза пештахтасига қўйилган графиндан сув қуйиб аввал ўзи ичди, кейин Азизга узатди. У ҳам ичди.

— Ўзингизни босинг, Азиз. Нима гап? — Шорасулнинг кўзлари ҳамон ҳайратли боқарди. Азиз муздай сув ичиб, бир оз бўшашди, Шорасулга қараб, ғарибона бир кулимсиради-да, кўзларига билинар-билинемас ёш келиб:

— Анови куни айтдингиз-ку, иккала домлани қайсидир катта жойга чақиртиришибди, деб. Ўшани сўраяпман, — деди ва жавобини кутмай, ҳолсиз тарзда жойига бориб ўтирди.

Шорасул «раҳбарларнинг гапига аралашиб жонимда қасдим борми», деган ўйда, елкасини қисди:

— Билмадим, кимдандир эшитувдим, — деди мужмал қилиб.

Азизни энди унинг жавоби қизиқтирмас, аҳамиятсиз эди. Чунки Расул Оллоёрович кабинетидан азба-

ройи даҳшатга тушиб чиққани учун эсига келган ўша гапни сўраган эди. Кейин аста-секин ҳаяжони сўна бошлади-ю... тўсатдан бир нарса ёдига тушиб, мияси сирқираб оғриди. Жонҳолатда ўрнидан туриб, апил-тапил жавонни очди. У ерда кеча эслан чиқариб қолдирган сумкасини кўрди-ю, «хайрият», деб тиззалари бўшашиб кетди. Қулоқлари шанғиллаб, боши тўхтовсиз лўқиллаб оғрий бошлади. «Яхшиям кеча эслан чиқарибман-а, сумкани! Бўлмаса, қаерларда қолиб кетарди!.. Бори ишонганим, ҳаммани ағдар-тўнтар қилиб, одамларни минг хил мақомга йўрғалатиб юрган ҳужжатларимнинг бари шу ерда-я! Унда ҳаммасидан айрилдим! Ўн йил бурунги натижаларимдан тортиб... бари шу ерда».

Азиз боя автобусда келаётганида кеча кўп ичиб қўйгани ва Шорасул билан кўчада сандироқлаб, уйига қандай етиб борганини ҳам билмаганидан даҳшатга тушган бўлса, Расул Оллоёрович ҳузуридаги ҳозирги жанжаллари у хаёлларининг барини миясидан сидириб ташлади. «Расул Оллоёрович кеча менга бекорга кўрс муомала қилмаган экан, буёқда катта гап бор экан. Э, тавба, нима муғамбирлик қилибман? Муҳиддин Жабборович чиқсин ҳали ҳаммасини элакдан ўтказамиз, дегани нимаси?..»

У кун бўйи шу тақлид боши қолиб юрди-ю, кейин «бор-э», деб сумкасини олиб, уйига жўнади. Ишдаги ташвиши етмагандай, уйда ҳам кутилмаган воқеанинг устидан чиқди. У, бир жиҳати, Расул Оллоёровичнинг аччиқ сўзларини ўйлаб, бир жиҳати, Салтанатнинг кўзига йўлиқишдан номус қилиб, ҳардамхаёл билан шундоқ остонага етиб келганда, ичкаридан йиғи овози эшитилди: Салтанат! Ўтакаси ёрилиб, эшикни дукурлата бошлади. Салтанат қулфни шиқирлатиб очди. Азиз қараса, шундоқ кираверишда, ерда симлари узилиб телефон аппарати ётибди. Салтанат дунёдаги бор нарсадан умидини узган, ҳатто ўлимга ҳам тайёр одамнинг қиёфасига тушган эди; йиғлайвериб шишиб кетган, сочлари тўзғиган... Азиз жонҳолатда уйга кириб, эшикни беркитиши ҳамано Салтанат унинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди-да, ҳўнграб йиғлай бошлади. Аслида бу ниҳоятда кўрқиб кетгани туфайли пайдо бўлган шайтонлаш эди... У, Азиз бўйнини бўшатаман, деса ҳам баттар ёпишар, баттар ҳўнграб йиғлар; шундоқ даҳлизда турганлари учун ўтган-кетган эшитишидан хижолат

чеккан Азиз охири чидолмай уни қаттиқ силтаб ташлади. Салтанат гандираклаб бориб, деворга суяниб қолди-ю, баттар жазаваси тутиб йиғлай бошлади.

— Нима гап, айтсанг-чи?! Тинчлик борми ўзи бу ёруғ жаҳонда?! — дея бақирди Азиз ўпкаси тўлиб.

Шунда у етти ухлаб тушида кўрмаган воқеа юз берди: Салтанат бирдан ўзини ерга ташлаб, Азизнинг оёқларини кучоқлаб олди, ёшли кўзлари билан эрига илтижоли боқиб:

— Азиз ака, мени ўлдилинг! Ўлдилинг! — деди елкалари изтиробдан қалқиб. — Мен нопокни ўлдирсангиз ҳам кам! Кам!.. Ўлдир! Ўлдир!..

Эҳтимол, Салтанат кун бўйи фақат кечаги воқеани ўйлаб, «Азиз билиб турибди... ўзини гўлликка соляпти...» дея васвасага тушмаганда, бу ишни қилмасди. Эҳтимол... Лекин Салтанатнинг ҳозирги гапи Азизнинг бошимга гурзи билан ургандай уни сескантириб юборди. У атиги бир зумгина «шу эшитганларим ростми ёки шундай туюлдим», деган ҳолатда иккиланиб турди, кейинги дақиқада эса кутилмаганда юраги қаттиқ санчди: Кўзлари ола-кула бўлиб, Салтанатнинг устига энгашиди:

— Нима? Нима дединг?!

Салтанат бирдан ўзига келиб оғзидан чиқиб кетган гапнинг мислсиз даҳшатидан даг-даг қалтиради-ю, кўр одамдай Азизнинг оёқларини пайпаслаб, кўзидан юмюм ёш тўка бошлади.

— Ким у?! — деди Азиз азроилдай наъра тортиб. — Айт, мегажин? Айт!

Салтанат безгак тутгандай титраб-қақшаб йиғлар эди. Азиз газаб билан елкасига тепиб юборди. Салтанат даҳлиз деворига суяб қўйилган жигарранг трюмога қунишиб олди-ю, бақироқ болалардек васваса билан ўкира бошлади. Азиз томирларидаги қони бирдан кўкрагига сигмай, қутуриб кетди; Салтанатнинг устига бостириб бориб, ёйилган сочларидан тортиб, юзини ўзига қаратди-да, лабларидан тупук сачраб:

— Айт, ким?! — деб ўшқирди.

Салтанат баттар ғужанак бўлиб, тепки ейишдан кўрқиб, эрининг оёқларини маҳкам кучоқлаб олди. Азиз ўзидан-ўзи, беихтиёр Йўлдошни ўйлади-ю, кўз ўнгида хона гир-гир айланиб, ўзи гандираклаб, чайқалиб кетди. Юраги игна санчгандай бир-икки зирқираб, нафас ололмай қолди. Кейин «у-уввфф»,

деди-ю, оёғини хотинининг қўлларидан силтаб суғуриб, лапанглаб борганча ўзини диванга ташлади. Нариги уйда ўйинчоқ машинасини ўйнаб ўтирган, дадаси билан ойисининг бақиригига секин чиқиб келган Беҳзод эса, кеча қўрган даҳшатли воқеалари ҳали хотиридан кетмай, бугунги аҳволдан яна гўдакларча изтироб чекиб, кўзларини муштчалари билан ишқалаб, остонада «ҳиқ-ҳиқ» йиглаб турарди...

Азиз шу ётганча қанча ётди, билмайди. Ғам юки тоғдан оғир. У юз берган ҳодисани сира ақлига сиғдирилмас, ўйлаш ҳиссидан маҳрум бўлган одамдай фикрини жамлаёлмасди. То эрталабгача миужа қоқмади. Шу орада қанча шайтоний фикрлар келди миясига. Ҳозироқ хотинини бўғиб ўлдиргиси ёки ҳозироқ бориб ўша кеча ёқалашгани Йўлдош билан яна муштлашгиси, ҳатто ўзини ўзи осгиси... Лекин бу ишларнинг бари Салтанат қилган қилмишга урвоқ ҳам бўлолмайди-гандай туюларди унинг назарида...

Эрталаб Азизни кўрган одам афти-ангорини мутлақо таниёлмасди. Азонда туриб, кеча кўтариб келган сумкасини олди-ю, эшикни қарсиллатиб ҳам ёпмади, секингина очиб, секингина чиқиб кетди. Шу-шу, Салтанат уни йиғи-сиғи билан бир кун кутди, икки кун кутди, уч кун кутди, бир ҳафта кутди... У келмади. «Ўзини бир нарса қилиб қўйса-я...» деган ваҳимада институтга ҳам сим қоқди, директор котибаси: «Вой, қанақа хотинсиз ўзи? Ҳув, Москвага борганидаям шу гапни айтувдингиз... Бир ҳафтага сабзавот йиғишга кетди-ку, эрингиз... наҳотки сизга айтмади?» деб трубкани илиб қўйди. Салтанат шунисигаям шукур қилиб, овунди.

25

Азиз сабзавотдан қайтган куннинг эртасига институтда навбатдаги илмий кенгаш йиғилиши белгиланган экан.

Азизнинг назарида шу бир ҳафта бамисоли йилдек чўзилиб, дилидаги ташвишлариниям тобора узайтириб юбораётганга ўхшайверди. У рўй берган ҳодисадан бутунлай гангиб қолган, Салтанатни ҳар қанча оқламоқчи бўлса ҳам бунга сира асосли важ-баҳона тополмас эди. Илгарилари эътиборсиз қарагани, аммо мана энди билса, ҳаммаси бир-бирига боғланган воқеаларни

ўйлаганида, ўзининг гўллиги ва чорасизлигини англаб, баттар нафрати ошиб кетарди. Ўтган йили Йўлдошни ўз йўлаклариди, ўғри одамдек сирғалиб, зинғиллаб жўнаётганини кўрганидаёқ ёқасидан олмайдими-я?! Ўйласа, Азизнинг боши гириллаб айланиб, кўксини ўртаётган алам юрагига сифмаётгандай, жигар-бағри эзилиб хўрсинади. Умрида ҳеч бир нарса ҳали уни бунчалик азобламаган, ҳеч бир нарса унга бунчалик алам қилмаган эди. Кейин... Шорасулнинг зиёфатида кўрган эди ўша малъунни! Юраги сесканиб, тўсатдан шубҳа босган эди-я, ўшанда! Йўлаклариди учраганини ҳам эслаганди чамаси? Ёки эсламаганмиди? Йўқ, йўқ... эсловди, аниқ хотирида бор ҳозир ҳам. Ҳатто ўшанда: «Тавба, бу одам биз томонларда нима қилиб юрган эди?» деб ўзига-ўзи сўроқ ҳам берган эди. «Наҳотки, ўшандаям сезмабман-а?! Наҳотки?...» Миясига шу фикр келгач, Азиз Салтанатни унутиб, ўзини қойий бошлади. «Шуларнинг бари мастликдан! Ичдингми — нафақат иродангни, унга қўшиб бор-йўқ зеҳнинг, ақлинг, обрўйинг, фаросатингни ҳам ютиб юборасан!.. Ўшанда Шорасулнинг зиёфатидан кейин ҳам ичгани учун бутун айбни ўзига олди. Ичдингми — хотинчалиш бўласан-қўясан! Ўз соянгдан кўрқиб, қилмаган айбингни қилдим, деб ўйлаб, восвосга учрайсан. Анови, Шорасул билан отамлашган кунимиз ҳам... Тўхта, тўхта! Нега орамизга бирдан Йўлдош аралашиб қолди? Наҳотки, наҳотки ўша?! Оҳ, қанчалар бадбахтман-а! Ўша, ўша! Ўша махлуқ эди Салтанат билан олдинда ўтирган! Ўша газанда эди! Бу шармисорликдан қочиб қайларга борай энди?! Қайларга?! Ҳамма нарсани кутсам ҳам Салтанатдан бу ишни кутмаган эдим! Шўрим қуригани — шу менинг! Шорасулдақаларга майна бўлган одам!.. Шошма, шошма! Хў, бирда Муҳиддин Жабборович нима деган эди?! «Шорасулнинг божаси бизга жиян бўлади... Йўлдошвойгаям ёқиб қопсиз жуда... «Иложи борича ишини тезлатинг, тоға, деб илтимос қилди», девди-ю... ўшанда жияни мени қаердан билишини ҳам сўрамабман! Нега у менинг ишимга аралашади? Наҳотки, наҳотки, шу пасткашликларнинг баридан Муҳиддин Жабборович ҳам хабардор?! Наҳотки, билиб туриб индамаган?! Ёки...»

Бир ҳафта давомида Азиз шу хилдаги хаёллар азобида эзилиб, иштаҳаси бўғилиб, кўзлари киртайиб қолди. Баъзан у Салтанат билан Йўлдош ўртасида бўлган иш-

нинг тафсилотини ўзича ўйлаб кетар, нима бўлганикин, қай даражада бўлганикин, деб баттар юраги сиқилар эди. Сабзавот тераётганда ҳам, кўчада бораётганда ҳам ўзини бурунгидай, гўё орада ҳеч нарса юз бермагандай тутишга уринар, аммо қандайдир номус кучи билан ўзидан-ўзи қийналар, дуч келган ҳар бир таниши унга ачиниб ёки кулиб қараётгандай туюлаверарди. Бир сидра ҳамма нарсадан воз кечиб, туя гўшти еган шу жанжалли илмини ҳам, одамлари бир-бирига дўст кўришиб, аммо ичларида бир-бирларини еб ташлашга тайёр турган мана шу шаҳри азимни ҳам ташлаб, қишлоққа — отасининг ёнигами ёки ҳеч ким танимайдиган олис бир жойгами кетишни ҳам ўйлаб юрди. Лекин одатда бунақанги хомхаёллар билан сиз ва биз яшаётган кундалик ҳаёт оралиғида чексиз бўшлиқ ётгани учун ҳам бу хаёллар хаёллигича қолаверди... Ана, Азиз қишлоққа борди ҳам дейлик!.. «Мана сенга агрономлик», деб қўшқўллаб унга жой узатиб турган одам йўқ қишлоқда ҳам! Кези келса, Азизнинг шаҳарда яшаши, катта бир илмий муассасада ишлаб, янги пахта нави устида тадқиқот олиб бораётганини ҳамқишлоқлари эшитишган... Айниқса, колхоз раҳбарлари: «Отангга раҳмат, гўдаклигида ўзи зеҳнли эди...» деб Азиз туфайли у ер-бу ерда гурурланиб юрган вақтлари ҳам бўлган. Улар Азизнинг сўзсиз бир ердан ёриб чиқиши, ўзи тугилиб-ўсган қишлоғининг шуҳратини янада оширишига ишонганларидан шундай дейишган. Энди бирдан «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, томдан тараша тушгандай, «қишлоққа қайтмоқчиман», деса, улар ҳайрон қолишмайдими ахир? «Майли, бажонидил, биз хурсандмиз», деб яхши кутиб олишган тақдирда ҳам янги жой, янги одамлар... ҳамма ерда ўзига яраша тошу тарози...

Азиз қанча ўйламоқчи, бу режалари хомхаёллигини ўзиям билар, бироқ айна пайтда шу ситамкор туйғулардан қутулишнинг йўлини ҳам тополмасди. Ора-сира Беҳзод эсига тушганда эса, қулоғининг остида ҳамон унинг охириги марта ҳиқиллаб йиғлаётгани эшитилар, аммо эркаклик гурури хўрлангани туфайли Салтанатга нисбатан нафрати шу қадар кучли эдики, ўглини соғинаётгани ҳам юрагига наштар бўлиб санчиларди.

Азиз қўшни райондан қайтгандан кейин уйига бормади, тўппа-тўгри қишлоққа, отасининг ёнига кетди. Отаси аввалига обдан суюнди. Салтанат, Беҳзодни сўраб-суриштирди. Лекин Азиз қандайдир паришон

ҳолда жавоб қайтара бошлагач, бирдан гап қовушмай қолди. Азизнинг «фалон районда сабзавот йиғишда эдим, тўғри сизни кўргани жўнайвердим», деган сўзига ҳам отаси унча ишонмади. Чунки Азиз айтган район Тошкентнинг нариги тарафида, у ердан бу ерга келиш учун албатта шаҳарни кесиб ўтиш керак эди. «Бир ҳафталик кир-чир кийим-кечакларини ҳам алмаштирмаган бўлса, ишқилиб, тинчликмикан? Азизда бунақа одат йўқ эди-ку?..» дея ўйлади кексайиб, мункайиб қолган Қўрғонбой ота, пиёладаги чойни асабий ҳолатда пуфлаб ичаётган ўғлига зимдан тикилиб...

Азиз институтга келиб, ҳали нафасини ростламасидан Шорасул унга: «Эртага илмий кенгаш, сиз ҳам қатнашишингиз керак экан», деган янгиликни айтди. «Боя директор котибаси огоҳлантириб кетди... кеча Муҳиддин Жабборович ҳам айтувдилар...» деб қўшиб қўйди худди суюнчи олгандай. У илмий кенгашда яна Азизнинг иши кўрилишини, шу орада анча-мунча жанжалли масалалар йиғилиб қолганини орқаворатдаги миш-мишлардан эшитган эди. Шу сабабли сўнгги пайтларда хийла «ошиғи олчи туриб, кеккайиброқ кетган» Азизнинг бошига тушган бу ғавғоли савдолардан ўзича қувониб-қувониб қўйди: «Ажаб бўпти, жазоси шу!..» Ҳозир ҳам у гарчи Азизга меҳрибончилик қилаётгандай кўринса-да, лекин ўзи яйраб, кўзлари қулиб турибди.

Азиз Расул Оллоёровичнинг «ҳали Муҳиддин Жабборович келсин, ҳаммасини элакдан ўтказамиз», деган дарғазаб гапларини эслади; эртага яна тортишув бўлишини, ҳали унга кўп ёпишишларини бутун вужуди билан сезди-ю, қайтага қандайдир лоқайд, совуққон бир кайфиятга тушди. Ҳар нарсани ўйлайвериш, бўлар-бўлмасга хавотирланавериш охири Азизнинг жонига тегди. Айниқса, кейинги кунлардаги кетма-кет зарбалардан жисму руҳияти тошдай қотиб, на гап ва на калтак ўтадиган бир ҳолга тушди. «Осмон қўлларида бўлса, ташлаб юборишар! Гапиравериб, сўзда ҳам қадр қолмади...»

... Соат ўн бирда илмий кенгаш бошланиши керак эди. Ҳали сал вақт бор. Қавариқ қора чарм эшикнинг бир тавақаси очиқ. Одам кўп, бири кириб, бири чиқиб, баъзилари четроққа ўтиб, папирос чекиб туришибди.

Азиз одамлар билан кўришиб-кўришиб, қабулхонага кирди-да, тўрироқда, Дарвин портрети тагида давра олган бир-икки янги ходимлар тўпига қўшилди. Орадан сал ўтмай, кабинетдаги, қабулхонадаги соатлар данғирданғур занг урди. Йиғилганлар дув этиб ичкарига кира бошлашди. Бу гал ҳам катта-кичик ҳамма ходимлар таклиф этилган эди. Кабинет одамга зич тўлди, енгилгина ғовур-ғувур кўтарилди...

Расул Оллоёрович институт илмий котиби, пак-пакана малла йигит билан қандайдир қоғозларнинг ҳали унисини, ҳали бунисини олиб, нималарнидир келишишяпти. Расул Оллоёрович қоғозлардан бирини силкий туриб, паст овозда котибдан алланарсани сўрайди-да, у директорга энгашиб тушунтиргандан кейин Расул Оллоёрович, бошини лиқиллатиб, маъқуллаб қўяди. Кўлининг остида турган иккита кўзойнагининг бирини тақиб, хатга тикилади.

Муҳиддин Жабборович эса одатича яхши кийинган, галстугини бўшгина боғлаб, директор столига тақалган узун курси ёнида эмас, негадир бугун дераза тагига қатор тизилган стулларнинг бирида ўтирибди, қўлида анчагина қоғоз, ҳар замон-ҳар замонда кўзойнаги устидан варақларга қараб-қараб қўяди-да, қоғозларини беркитгач, кўзойнагини буклаб кўкрак чўнтагига солади. Ора-сира энли қаншарини ишқалаб-ишқалаб қўяди. Бирон нарса эсига келса, эпчил ҳаракат билан яна кўзойнагини тақади ва иши битгач, тагин чўнтагига солади. Бир пайт қоғози тушиб кетди-ю, инқиллаб энгашаётган жойида, чап томонида ўтирган бухоролик найнов шогирди лип этиб эгилиб, олиб берди. Муҳиддин Жабборович унга раҳмат айтди ва бериги ёнида ўтирган бошқа бир аспирантга нимадир деб шивирлади. У бундан тўрт йиллар бурун институтга келган, ёши анчага бориб қолган агроном киши эди, узоқ йиллар давомида Чиноздаги тажриба участкасида ишлаган, Муҳиддин Жабборовичнинг тадқиқотлари, янги навларига меҳнати кўп сингган одам, дейишади уни. Шу сабабли Муҳиддин Жабборович ҳам кексайганида унга бир яхшилик қилгиси келганми, ўзига аспирантликка олган. «Унинг иши тайёр», деган гапни Азиз анча бурун эшитган эди. «Яқин-ўртада ёқлаб қолса керак», деган фикр ўтди миясидан унга қараб қўяркан. Институтда ҳамма уни Баратов деб чақирар, Азиз ҳам бир-икки дуч келганида исмини билмагани учун «ўртоқ Баратов»,

деган эди. Шуларни ўйларкан, Азиз унга беихтиёр тикилиб қолди. Бундан Баратов ўнғайсизланди шекилли, кўзини олиб қочди.

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг нариги найнов шогирдига қараган пайтда Расул Оллоёрович илмий котиб билан маслаҳатини пишитиб, мажлис аҳлига бир-бир кўз югуртди. Айрим стулларда кичик илмий ходимлар ҳатто иккитадан омонатгина ўтиришар, эшик ташқарисига ҳам курси қўйиб жойлашиб олганлар бор эди. Лекин директор рўпарасидаги узун стол атрофидаги стуллар эса бўш, лаборатория ва бўлим бошлиқлари ҳам четда ўтиришарди. Расул Оллоёрович уларнинг бир-иккитасига қараб «нега бундай қилдинглар, ўтирмайсизларми жойларингизга» дегандай бош силкиди.

— Марҳамат, жой бор-ку, нега сиқилишасизлар? — деб бўш стулларни кўрсатди. Доим узун стол атрофида тизилиб ўтирадиганларнинг кўпчилиги ялт этиб Муҳиддин Жабборовичга юзланишди, «у киши четда бўлсалар, бизга ноқулай-ку», деган маънони уқиш мумкин эди уларнинг нигоҳидан. Муҳиддин Жабборович эса гўё бунини сезмагандай, бутун диққати тиззасидаги қоғозларига миҳлангандай кўринарди-ю, аслида Расул Оллоёровичнинг алоҳида тақлифини кутаётган эди. Расул Оллоёрович бунини сезиб:

— Муҳиддин Жабборович, ўзингиз бошланг, йигитлар сиқилишиб қолибди, — дея кулди. Муҳиддин Жабборович шунда ҳам бир оз қистатиброқ одатдаги ўрнига ўтирди. Бирин-сирин стулларни ғичирлатиб, бошқалар ҳам олдинга ўтишди. Ҳамма ўрнашиб бўлгач, Расул Оллоёрович:

— Ўртоқ Қосимов шу ердами? — деб атрофга аланглади. Азиз ўрnidан турди. Расул Оллоёрович Қосимовдан бир-икки стул нарида ўтирган профессор Толмас Азимовга кўзи тушди. У ёғоч оёғини буклаганча, ҳозиргина Муҳиддин Жабборович кўрсатган томошадан заҳарханда жилмайиб ўтирарди. «Бу фалокат ҳам шу ерда экан-ку», деган фикр келди Расул Оллоёровичнинг миясига ва билинар-билинемас қовоғи уйилди. Кейин Муҳиддин Жабборовичга қараб «бўлмасам бошлайверайлик-да», деган маънода бош ирғагач:

— Ўртоқлар, бугун маърузада биргина масала, — деди қошларини чимириб. — Бунини очиқ партия мажлиси десак ҳам бўлади. Чунки биз муҳим ахлоқий-тарбиявий масалани кўриб чиқмоқчимиз. Илмий кенгаш дей-

сизларми, партия ё ишлаб чиқариш мажлиси дейсизларми, таъбларингиз.

Азиз шундагина Муҳиддин Жабборовичнинг бугун ҳамма қатори четга ўтирганининг маъносини тушунди. Демак, мажлиснинг кун тартиби, қандай ўтиши, унда нима масала кўрилишини Муҳиддин Жабборович аввалдан билган. Демак, Расул Оллоёрович иккови келишиб олган. Шунинг учун ҳам Муҳиддин Жабборович демократлигини кўз-кўзлаш мақсадида бундай йиғилишларнинг таомили юзасидан илмий даражасини ҳам пеш қилмай четга ўтира қолган эди.

— Бугунги гапимиз, олимнинг маънавий қиёфаси хусусида. Илм кишилари мамлакатимизда энг ҳурматли ва энг имтиёзли социал гуруҳлардан ҳисобланади. Барча шарт-шароитлар яратилган биз учун. Яхши ишласак — мукофотлар ҳам, орденлар ҳам, ёрлиқ ва унвонлар ҳам олишимиз мумкин. Бу фақат ўзимизга боғлиқ. Мана, масалан, салкам икки юз кишилик институтимиз коллективи ичида биронта бошпанасиз одам борми? Йўқ! Каттадан-кичикнинг бари уй-жой билан таъминланган. Фақат шу беш йилликнинг ўзида... — Расул Оллоёрович столи устида турган кичкинагина қоғозчани олди-да, унга кўз югуртириб, давом этди: — Ҳа, мана... фақат шу беш йилликнинг ўзида йиғирма учта янги квартира олибмиз. — Расул Оллоёрович қоғозчани столига қўйиб, бошқа кўзойнагини тақди ва мажлис аҳлига «кўрдингларми» дегандай бир-бир назар ташлади. Қаерда бор бундай шароит ўртоқлар? Қаерда бор? Демак, шундай экан, ҳар бир совет зиёлиси ўз ақли, ўз камолоти учун биринчи галда шу жамият олдида қарздор! Ўзидан-ўзи осмондан олим бўлиб тушмаган у! Уни олим қилган мана шу макон, мана шу одамлар, мана шу муҳит, қолаверса... — Расул Оллоёрович қўлини ҳаволатиб катта ярим доира ясади, — мана шу коллектив! Кимки буни унутса — у ўтакетган эгоист!.. Мен бу гапларни нима учун гапираяпман, ўртоқлар?!.

Залда бирдан жонланиш пайдо бўлиб, одамлар бўйинларини чўзганча, Расул Оллоёровичнинг оғзини пойлай бошлашди. Ҳамма жим.

Азиз ўзига ҳозир кетма-кет айб ёғдирилишини кутиб, ерга қараганча нафасини ичига ютиб, қимир этмай ўтирибди. «Қайтага... жанжалда қолганинг ҳам маъқул, шунда кўксингдаги руҳий азобни бир оз унутасан!...»

Ҳозир кимдир Азиз билан тортишиб, асабини бузиб турмаса, у ўзини-ўзи еб ташлайдигандай. Салтанатнинг гами юрагини зараркунанда қурт мисол кемиряпти. Бирон кимсага айтолмаса дардини! Нима, «хотиним хиёнат қилди», дейдими?! Баъзан у Салтанатни эмас, бутун ҳаётини, бутун орзу-умидларини бирваракайига йўқотгандай сезади ўзини. Ахир, у баъзилардек тош-меҳр ҳам бўла қолмаган экан!.. Шунча йиллик иссиқ оила, шунча йиллик умр... Беҳзод...

Азиз Расул Оллоёровичнинг гапларини худди тушида эшитаётгандай, ўзидан-ўзи хаёлига қизиқ бир фикр келди. «Одам мақсадга, маррага яқинлашгани сари йўлидаги қийинчиликлари кўпаявераркан. Майли, гапираверишсин! Истаганча гапиришсин. Гапирадиган гап борки, гапиришяпти! Қани, сабр қилай-чи, яна қаергача боришаркин? Мен ҳам бўлдим энди! Етар! Етар, шунча йил индамаганим! Инсофга келишар, деб шунча кутдим. Демак, ҳаёт — кураш дегани шу экан! Янгилик ўзи учун ўзи йўл очиши керак экан! Кураш дегани шу экан! Курашдингми — асло енгилма! Енгилсанг — ноҳақсан!..»

Азизнинг назарида ўша марра, мақсаднинг тақдири айни ҳозир, мана шу йиғилишда ҳал бўладигандек эди. Шу сабабли, ички бир ирода кучи билан бирдан ўзини қўлга олди-ю, Расул Оллоёровичнинг маърузасига астойдил қулоқ солиб, хотиржам тинглай бошлади.

— ...Мен бир нарсага ҳайронман, ўртоқлар! Қандай қилиб совет кишиси, тагин совет олими шу даражага бориши мумкин?! Ўзини одам қилган коллективини менсимай... нонкўрлик-ку бу! — Расул Оллоёрович шу қадар ғазабландики, гапиролмай тўхтаб қолди. Лаблари титраб, ёмон сўз айтиб юборишдан ўзини зўрға тутиб турганга ўшарди. — Кўпчиликнинг қаноти остида, кўпчиликнинг кучи, кўмаги, гамхўрлиги билан бўлган ишни меники дейиш... Тўғри, ишнинг анчагина қисмини сен қилгансан, тепасида тургансан. Буни сендан ҳеч ким тортиб олаётгани йўқ! Аммо мундай дўппингни олдинга қўйиб, чуқурроқ ўйлаб кўрсанг-чи, ҳей инсон!.. Кўпчиликсиз, бошқаларнинг ёрдами ва ақлисиз, сен бир ўзинг кимсан?! Ҳеч ким! Ҳеч ким!

Шу ерда Муҳиддин Жабборович қўл кўтарди-да, ўрнидан туриб:

— Расул Оллоёрович, гапингизни бўлганим учун узр сўрайман, — деди қоғозлари ичидан таги йиртилган бир

энлик катак варақчани танлаб оларкан. — Фикрингизни қувватламоқчиман, холос. Мана бу ерда шундай ёзилибди: «Ҳар қандай илмий меҳнат, ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай ихтиро умум, кўпчиликнинг меҳнатидир. У — бир қисми замондошларнинг кооперацияси, бир қисми ўтган даврларда яшаганларнинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида бунёдга келади». Карл Маркс! — Муҳиддин Жабборович бошқа ҳеч нарса демай, хиёл зарда билан ўрнига ўтирди.

— Ана! Ана! — деди Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборовичнинг қўлидаги қоғозга ишора қилиб. Кейин яна бояги оҳангда гапни давом эттира кетди. Лекин салкам ўн минутчалардан бери қизишиб сўзласа ҳам ҳамон умумий йўсинда, ҳеч кимнинг номи ни тилга олмай ваъз айтарди. Азиз эса Муҳиддин Жабборович келтириб ўтган фикрга қойил бўлганча, ҳар бир дақиқада номи тилга тушиб қолишини кутар, аммо энди бутунлай хотиржам, мабодо Расул Оллоёрович чалпиб кетса, нима жавоб қайтаришини ҳам тайёрлаб қўйган эди. Расул Оллоёровичнинг боядан бери асосий мақсадга ўтолмай, гапни насихатгўйлик билан чувалаштираётгани, айниқса, Азизга далда берарди. Чунки унга тўнкалаётган айбларнинг таги пуч бўлгани учун ҳам бирдан юзига айтишолмаётганини у яхши биларди.

— Хуллас, — деди Расул Оллоёрович бир дам сукутдан сўнг, хиёл шаштидан тушиб, — институтимизда халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга молик вилтта чидамли янги пахта нави яратилди. Бу биринчи галда муҳтарам профессоримиз, академигимиз Муҳиддин Жабборовичнинг ҳиссалари. — Одамлар Муҳиддин Жабборовичга ўгирилишди. У қоғозларидан бошини кўтармай, камтарона бир вазиятда, ўз шаънига айтилаётган мақтовларни гўё эшитмаётгандай, эшитсаям унча аҳамияти йўқдай, янги очилган қизил қалам билан ҳар хил шаклларни чизиб ўтирарди. — Азиз Қосимов у кишининг бевосита раҳбарлигида тажриба ва тадқиқот ишларини олиб борди. Натижаси, кўриб турибсизларки, ёмон чиқмади. Энди ўйлашингиз мумкин: хўш, шундай экан, шунча гап-сўзнинг нима ҳожати бор, шуни мажлис муҳокамасига олиб чиқиш шартмиди, деб? Биз «шарт», деймиз! Шарт! Нега? Чунки олим нима яратганидан ташқари, у инсон сифатида ким ўзи? Биз бунга бефарқ қаролмаймиз! Хўш, ўртоқ Қосимов,

айтинг-чи, наҳотки, шундай салмоқли ишни фақат бир ўзингиз қилгансиз? Коллектив қани? Унда бошқалар нима иш қилган сизнингча?

Расул Оллоёрович дарғазаб бўлиб, Азизга тикилиб қолди. Ўтирганларнинг бари Азизга ўгирилиб, унинг нима деб жавоб қайтаришини кута бошлашди.

— Сизга ҳамма шароитларни яратиб бердик, яхши ишланг, деб! Ўша колхоздан олинган ер ҳам сизники-мас, институтники. Шунини тушунасизми сиз ўзингиз?! Москваларга юбордик... Яна нима керак биздан?

Бу гаплар Расул Оллоёровичнинг асосий даъвосига мутлақо ёпишмагани учун директор ўзидан нима талаб қилаётганини Азиз унча тушунмай, елкасини қисди. Расул Оллоёрович унга қўлини ниқтаб:

— Ана, кўрдингизми, билмайсиз! — деди. — Лекин отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмайсиз. Суқротдай одам ҳам, «Хўш, шунча китоб ўқиб нимани билдингиз?» деб сўрашганда, «Ўзимнинг ҳали ҳеч нарса билмаслигимни билдим», деган экан. Камтарроқ бўлиш керак, ука! Ҳали ёшсиз!

Шу ерда Азиз қўл кўтариб, сўз сўради. Расул Оллоёрович: «Ҳа, нима?» дегандай унга тикилиб турди. Азиз шошилмай ўрнидан қўзғалиб:

— Расул Оллоёрович, Суқротнинг фикрини тўғри айтдингиз. Бу ерда ўтирганларнинг кўпи бу нақлга амал қилса, янаям яхши бўларди, — дея ачитди. — Гап ўзи нима ҳақда кетяпти? Аниқроқ айтиш мумкинми? Мен ҳеч нарса тушунмаяпман. Роппа-роса бир ой бурун Муҳиддин Жабборович икковларингиз менга мутлақо бошқача гапирган эдинглар. Ҳеч нарса тушунмай қолдим.

Расул Оллоёрович «шошманг, ҳали тушунасиз» дегандай қўлини силкиди ва гапида давом этди:

— Биз, илмий кенгаш аъзолари яхшилаб ўйлаб кўрдик бу масалани. Бу — коллектив кашфиёт, умуман... институтимиз қўлига киритган ютуқ. Шунинг учун авторлар составини кенгайтиришни лозим топдик. Марҳамат, Муҳиддин Жабборович!

Муҳиддин Жабборович ўрнидан туриб, боя ўқиган варағини қўлига олди-да, яна бир кўз югуртириб, столга қўйди. Кейин йиғилганларнинг кайфиятини билмоқчи бўлгандай, атрофга разм солди ва:

— Шахсан мен Расул Оллоёровичнинг таклифига, ваҳоланки, мутлақо қўшиламан, — деди. — Нафақат қўшиламан, шундай бўлиши учун курашаман! — У

Азизга совуқ тикилиб, чўнтагидан оппоқ дастрўмолини чиқарди, лаблари, юзлари, кўзларининг четини артиб, давом этди. — Расул Оллоёрович ҳамма гапни айтганлари йўқ. Ваҳоланки, Қосимовнинг хунари ҳали бу билан тугамайди. Энг ёмони — ўзининг пуч даъволари билан, ваҳоланки, юқори ташкилотларнинг, партия органларининг фикрини чалғитиб юрибди. Гўёки, ҳамма ишни у киши қилганмишлар! Ука, ҳали мундай бир илмий саводнинг ўзи йўқ-ку сизда, бор-йўғи бир агрономсиз! Агар кандидат-пандидат, ваҳоланки, доктор-доктор бўлганингиздами... Унда билмадим, ҳаммамизни еб ташлар экансиз.

— Агрономлигимдан фахрланаман! — деди Азиз ўтирган жойида терсайиб. Расул Оллоёрович қаламини столга тиқ-тиқ уриб, Азизга тикилганча: «Тавба... бу болага нима бўлди ўзи? Туппа-тузук эдию... тозаям бетгачопар экан-ку?..» дея ўйлади. Муҳиддин Жабборович эса остонадан сал берироқда, деворга суяб қўйилган стулларнинг бирида ўтирган Азизга шарт қайрилиб қаради-да:

— Гапни чалғитманг! — деди. — Коллективсиз ўртоқ Қосимов агар валий бўн кетганларида ҳам, ваҳоланки, ҳеч нарса қилолмасдилар. Авторлар составини кенгайтирсак — фақат адолатни юзага чиқарган бўламиз. Мен бу рўйхатга биринчи навбатда шу институтимизнинг илгариги шуҳратини қайта тиклаётган Расул Оллоёровични кўшгим келади. Ахир; биласизлар-ку, яқингинада институт, ваҳоланки, оти ҳам, тўртала филдираги ҳам йўқ извошга ўхшаб қолувди. — Ўтирганлар кулиб юборишди. — Шундай извошни тортиш, тиқилган жойидан кўзгатиш осонми, ваҳоланки... — Яна кулги. Кейин у ер-бу ердан «тўғри, тўғри», деган овозлар эшитилди. Шунда Расул Оллоёрович қўл ишораси билан Муҳиддин Жабборовични тўхтатди-да:

— Керакмас, Муҳиддин Жабборович, — деди, — керакмас. Лавозимга қараб соавторлик қилсак, ярашмайди. Мен фақат ҳақиқат юзага чиқсин дейман, холос. Ишлаган одам четда қолмасин дейман, холос. Мен эсам бу ишда бевосита иштирок этмаганман. Муҳиддин Жабборович, ҳурматларингиз учун раҳмат. Меҳнат қилганларни киритинглар, — Расул Оллоёрович гапни чўрт кесди.

Гарчи йиғилишдан олдинги суҳбат пайтида ҳам Расул Оллоёрович шерикликдан воз кечган бўлса-да,

Муҳиддин Жабборович, «ҳа, муғамбир... ичида жон деб турибди-ю, таранг қиляпти...» деб ўйлаб, бу таклифни тўппа-тўғри йиғилишда киритаверишни кўнглига тугиб қўйган эди. Ҳозирги узил-кесил эътирозидан сўнг эса, «наҳотки, ўша кунги Марказий Комитетдаги гапдан шу қадар қўрқиб кетган?.. Амалига ёпишяпти...» — деган фикр ўтди-ю, кўпчилик ичида икки йирик олимнинг айри чиқиб ўтиришини истамай, сўзини давом эттирди:

— Биз кейинги йилларда институтимизда, хусусан, камина бошқараётган ғўзанинг вилтга чидамлик геноетикаси лабораториясида кенг кўламда олиб борилган тажрибалар ва илмий изланишларни, барча мураккаб дурагайлаш, танлаш ва кўлайтириш, элита уруғчилик ишларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, бу янги навни яратган авторлар қаторига ўртоқ Баратов билан Шораҳмедовларни ҳам қўшишни лозим топдик. — Азиз етти ухлаб тушига кирмаган бу гапдан ҳайратга тушиб, ялт этиб Баратов билан Шораҳмедовга — Муҳиддин Жабборовичнинг аспирантларига қаради. Улар ердан кўз узмай ўтиришарди. — Нима учун уларни бу ишга қўшяпмиз? Ваҳоланки, аслида ўртоқ Қосимовни уларга қўшиш керак эди. Чунки бу тажрибани—яъни, маданий навни ёввойи мексиканум ғўзасига чатиштириб, чидамли авлод яратиш ишини, ваҳоланки, бундан ўн йиллар бурун ўртоқ Баратов Чиноздаги участкадаёқ бошлаган эди. Ўша, хў бирда, Қосимов газетада мақтанган ғўза уруғи коллекциясини ким яратган, хўш? Мехисанум ҳам ўша коллекциядан.

Шу ерда Муҳиддин Жабборович қоғозларини титкилаб, битта фотосуратни топди-да, ўтирганларга кўрсатиб:

— Мана, ўша ғўза! — деди. — Бу кенжа тур, кўп йиллик ўсимлик. Асосан, жанубий Мексиканинг ўзлаштирилмаган территориясида тарқалган. Ваҳоланки, Ўрта Осиё шароитида ёзда шона ҳам тугмайди, гулламайди. Шона тугиб, гуллаши учун, ваҳоланки, кун қисқа бўлиши керак. Вилтга чидамли. Пояси бақувват, туксиз, оч қизил рангда... Шундайми, ўртоқ Баратов?..

Аслида бу гаплар Азизга мўлжаллаб айтилаётган эди. «Янги навни жуда ўзингники қилиб олма, биз ҳам биламиз...» деган писандаси эди бу Муҳиддин Жабборовичнинг. Азиз индамай турса, оқибат ҳамма иши талон-тарожга айланиб кетаётганига чидолмади-да, ўтирган жойида:

— Хўш, шунга Баратовнинг материаллари борми? — деб сўради Муҳиддин Жабборовичдан. Академик Азизга ўгирилди-да:

— Ҳей, ўрнингиздан туриб гапиринг, ваҳоланки, валломат бўп кетсангиз ҳам! — деди ранги оқариб. — Материал деяпсизми? Нега бўлмас экан? Қанча керак сизга?!

— Бир кўрсак... — деди Азиз беихтиёр ўрнидан туриб.

— Нима, мени тергов қилмоқчимисиз? Ваҳоланки, кимсиз ўзи сиз? Кимсиз?

Расул Оллоёрович яна қаламини тикиллатиб қўйди.

— Бу ер материал кўрсатадиган жой эмас! — Муҳиддин Жабборовичнинг ўнг қоши учиб, лаблари юмилди, томирлари бўртиб кетган бўйнини чўзиб ўшқирмоқчи бўлди-ю, аммо иложи борица ўзини босди. — Керак бўлса, мажлисдан кейин қолинг, кўрсатамиз! — Азиз ўрнига ўтирди. Бўлаётган бу гапларга зўрға чидаётган Толмас Азимов сўз сўраб, қўл кўтарди: аммо Расул Оллоёрович уни кўрмадими ёки атайлаб ўзини кўрмаганликка олдим, ишқилиб, Муҳиддин Жабборович гапини давом эттирмагунча Азимовга қарамади.

Муҳиддин Жабборович эса ўзини зўрға босиб турарди. Неча йиллардан бери энг майда масалалар ҳам фақат у билан ечилгани ва бир кун бориб унга ҳам кимдир қарши чиқиши мумкинлигини у деярли унутиб юборгани учун Муҳиддин Жабборович ҳозир расмана довдираб қолди; қаердаги тирранча бир бола бутун коллектив ичида уни мулзам қилганидан лаблари, қўллари қалтираб, юраги бўшашиб, энди директорга зарда қилиб гапира бошлади:

— Ваҳоланки, мен бундан бир йил олдин ҳам, икки, уч, тўрт йил олдин ҳам айтганман — бу боланинг кимлигини! Айтганман! У қилиб юрган ишларнинг нималигини ҳам айтганман!

— Мумкинми? — деб Азиз шахд билан ўрнидан турди. — Мен муҳтарам домланинг шахсиятига тегиш фикридан мутлақо узоқман. — У ўзидан-ўзи камарини сидириб қўйди; тили гапга бунчалик бурро бўлиб кетганига одамлар ҳайрон эди. — Муҳиддин Жабборовичга битта саволим бор, агар мумкин бўлса?..

Муҳиддин Жабборович ҳам, Расул Оллоёрович ҳам Азизга хўмрайиб қарашди. Ўтирганлар эса аланг-жаланг. Баъзи олимлар «сичқоннинг ўлгиси келса, мушук

билан ўйнашаркан», деган хаёлда Азиздан ранжиб ўтиришар, айримлари эса зимдан севиниб, «ҳақиқатни айтадиганлар ҳам топиларкан-ку... боплаяпти азамат...» деб охири нима бўлишини кутишарди. Расул Оллоёрович ҳам, Муҳиддин Жабборович ҳам миқ этмай қолишди. Азиз баттар ўзини хотиржам тутиб, саволини айтди:

— Агар яна тергов деб айтмасангиз, домла... — у Муҳиддин Жабборовичга юзланди, — тўрт йил олдинги гапингизни бир қайтарсангиз? Майли, ўртоқ Баратов ўн йил бурун бошлаган бўла қолсинлар бу ишни! Нима дегандингиз ўшанда, худди мана шу кабинетда? Унда мана бу ерда ўтирган эдингиз?

Муҳиддин Жабборовичнинг ранги докадек оқариб кетди. Кўзлари қисилиб, газаб билан Азизга қаради-ю, «вой, сен газанда!.. Ҳали мен билан олишадиган бўлдингми?» дегандай ҳазар қилиб тикилди ва Расул Оллоёровичга ўгирилиб:

— Мен бундай нодон билан гап талашини ўзимга эп кўрмайман! Бошқа ерда гаплашаман! — деди юлқиниб ўрнига ўтираркан.

Худди тоғдаги битта тош кўчса, йўлидаги қолган тошларни ҳам думалатиб, гувиллаб сурон кўтариб, то пастликка етиб тинмаганидек, Азиз ҳам ўзини тўхта-толмади:

— Унда ўша гапингизни мен айтмай. Мана, нима дегансиз ўшанда! — Азиз кичкинагина блокнотчасини чиқариб, асабий ҳолда варақлай бошлади. Расул Оллоёрович энди столга қаттиқроқ тақиллатиб, важоҳат билан ўрнидан турди:

— Ҳаддингиздан ошманг, Қосимов! — деди кўзлари ёниб. — Бу ер сизнинг уйингиз эмас истаганингизни қиладиган! Бу ер илм даргоҳи!

Айниқса, директорнинг «бу ер сизнинг уйингиз эмас истаганингизни қиладиган», дегани Азизга тигдек ботди. У баттар ўзини йўқотиб, Расул Оллоёровичга ҳам сўз бермади:

— Расул Оллоёрович, адолат борми ўзи бу дунёда?! Ёки ҳамаша зўрнинг гапи ўтиб кетаверадими?!

— Оғзингизга қараб гапиринг, Қосимов! Қарда турганингизни унутманг! — Расул Оллоёрович очиқчасига пўписа қилди.

— Ҳарҳолда, сизнинг ҳам уйингизда эмас, билдингизми?! — деди Азиз ҳам ранги оқариб. — Шунинг учун овозимни бўғманг!

Бу гапдан ҳатто Расул Оллоёрович ҳам довдираб қолди, қўлларини икки томонга ёйиб, мажлис аҳлига: «Ҳой, яхшилар, эшитяпсизларми?.. Наҳотки, мен унинг овозини бўғдим?..» деб илтижо қилгандай жавдираб қаради. Азиз эса ғазаби ҳам, шунча кўрган хўрликлари ҳам бир бўлиб, кўзига жиқ-жиқ ёш қуйилиб, деярли бақириб гапира бошлади:

— Сизларга мендан нима керак ўзи?! — У Муҳиддин Жабборовичга нақ бостириб боргудек важоҳатда эди. — Нима керак?! Мана шу пахта нави керакми? Олинглар! Олинглар! Мени тинч қўйинглар! Сизлар топгансизлар бу навни! Сизлар яратгансизлар. Олинглар! Олинглар! Ушогиям керакмас менга! Фақат мени тинч қўйинглар!

Кабинет диққинафас бўлса-да, бутун хона худди бир танага айлангандек ҳамманинг қулоғи динг эди. Фақат Азизнинг овози жангларди:

— Лекин битта ҳақиқатни гапириб оламан. Уни бу ерда ўтирганларнинг кўпи билади, аммо айтмайди. Мен ҳам айтмай-айтмай шунча чидадим. Энди айтаман! Энди қўрқмайман! — Азизнинг чиндан ҳам жазаваси тутиб кетганди. — Ўшанда сиз, муҳтарам академик, мана нима дегансиз! Аспирантлигимдаёқ «бу тажрибага овора бўлма... бошни оғритма...» дегансиз. Бу ишимни сароб дегансиз. Эсингиздами? Яқин-яқингачам мени хомхаёл, довдир деб калака қилгансиз. Чидадим. Мана, Шорасул тирик, зиёфатида теккизиб айтган гапларингиз-чи? Анови муҳокама пайтида-чи? «Одам ҳаётда минг хил адашиши мумкин... тўғри йўл эса — битта», деб бутун умримни бағишлаган мавзуимдан чалғитган вақтларингизни, наҳотки, унутдингиз?! Ахир, қайси лафзингизга ишонай?! Энди қарасангиз, бошқача чиқиб қоптими?! Қўй нимталагандай, дастёрларингизга, гумашталарингизга тақсимлаб беряпсиз?! Нукул юқори идораларни ўртага соласиз! Қани, айтинг-чи, мард бўлсангиз кўпчиликнинг ичида, кимга борибман, ахир? Кимга нолибман?! Яна уялмай-нетмай Марксдай буюк зотнинг фикрини келтиряпсиз ўзингизча. Сизки шунчаликка бордингизми, бўлди, тўйдим! Кечдим шу ишдан! Сизларга сийлов! Фақат мени тинч қўйинглар!

Азиз уёғига ўзини тўхтатолмай, йиғлаб юборди ва шарт бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. Ўтирганлар, ҳатто Расул Оллоёрович ҳам ҳайҳайлаганча қолавердилар.

Шунда Азиздан икки стул нарида ўтирган Толмас Азимов бошқа тоқат қилолмади. Ёғоч оёғини тўғрилайман, деб қаттиқ мункиб ўрнидан турди ва кабинетни бошига кўтариб:

— Ҳой, Расул, к-кўзингни оч! — деди дабдурустан директорни сенсираб. — Ундан к-кўра кўчага чиқиб гадойлик қ-қилганларинг яхшимасми? Инсоф борми ўзи?! Ҳаромзадаларни ҳимоя қ-қиламиз деб қон кечганмизми, д-дўстим?! Кўзингни оч! Сен, ахир асли т-тоза одамсан-ку! Нега йўлдан озяпсан?! Сен, Расул, м-мановисиз ҳам... — У Муҳиддин Жабборовичга ғазаб билан кўлини нуқди, — б-бўласан академик! Шошма! Бўласан!.. Шошма, ишингга, меҳнатингга яраша б-бўласан!.. Ахир, бу нима кўргиликки, билиб т-туриб билмайсан?! Кўриб т-туриб кўрмайсан?! Ҳовлиқма, оғайни... б-бўласан! Аммо имонингдан кечиб бўлсанг, б-бўлмаёқ қўя қол!..

Дим кабинет сув қуйгандек жим эди. Ҳамманинг кўзи Толмас Азимовга михланиб қолган эди.

— Расул Оллоёрович! — деди профессор Азимов энди бирдан расмиятчиликка ўтиб. — Айтишингиз м-мумкин! «Сен арвоҳнинг н-нима ишинг бор, т-тошингни териб юравермайсанми!» деб. Афсуски, бу ерда ўтирганларнинг к-кўпи шу хилдаги одамлар! Агар ҳаммамиз в-виждон билан сўзлаганимизда эди, анови б-бола б-бечора ҳозир қ-қон қақшаб йиглаб ўтирмасди! Бировларнинг баднафслигини ёқлаб, кундалик ташвишларни р-рўкач қилиб, сиз одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни, ахир, қ-қачонгача поймол этамиз?! Биз ўзи нима учун яшаяпмиз? Кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, инсоннинг қ-қадр-қиммати учун курашяпмизми ахир?! Нима учун яшаяпмиз?! Билиб қ-қўй, Расул! Ёмонликнинг шатмоғи ҳаммага т-тегади! Яхши-ёмонга ҳамма ж-жавобгар! Сен эса бошдан-охир ж-жавобгарсан! Наҳотки, т-тушунмасанг, раҳбар дегани бировнинг уйига тушиб ўғирлик қи-қилиши шарт эмас! У биттагина масалани нотўғри, адолатсиз ечса к-кифоя! У одамларнинг бахтини ўғирлайди!..

Толмас Азимов ҳам оқсоқланганча чиқиб кетди. Орага оғир, юракни эзувчи жимлик чўкди. Кейин Муҳиддин Жабборович гўё ҳеч нарса бўлмагандай, ўртадаги ўнғайсизликни пайпаслаш мақсадида ўрнидан турди-да:

— Қойилман шаддодлигига! — деди ва зўраки ку-

лимсиради. Дастрўмолини олиб, терлаб кетган пешонаси, бўйнини артди. — Қойилман шаддодлигига! Бироқ илмда, ваҳоланки, шаддодлик ҳам, оҳ-воҳ ҳам, кўзёш ҳам кетмайди! Илмда кетмайди! Уртоқ Қосимов, ваҳоланки, аслида зўр бир артист бўлиши мумкин экану бекорга адашиб... — У «бекорга адашиб фанда юрибди», демоқчи эди шекилли, лекин тили бормади, гапни бошқа ёққа бурди: — Мана, у одамнинг ҳақиқий башараси! Коллектив юзига оёқ босди-ю, чиқди-кетди! Яна одамлардан раҳм тилаб, йиғлагани-чи?! Расул Оллоёрович, институт тарихида, билмадим, мен ҳеч кўрмаганман бундай воқеани. Нима бу ҳурматсизлик! Мен илмий кенгап йиғилишини тўхтатишни, ўша онкўр-ни қайтариб келиб, бошқачасига давом эттиришни талаб қиламан...

Расул Оллоёрович яна анча вақтгача чайналиб-чайналиб, йиғилишни бир нави тугатди-ю, лекин, бари бир, ташқарида баҳс тугамади...

26

Азиз уйдан шу чиқиб кетганча, бир ҳафталик саб-завотдан кейин ҳам қишлоққа — отасиникига қатнаб юрди. Қўргонбой ота ўғлини койиб, «попукдек боланг туриб шу қилиқни қиласанми», деб шаҳарга ўзи тушиб, келини билан ўзи гаплашмоқчи эди, Азиз жеркиб ташлади: «Тушманг, тушсангиз хафа қиламан», деди. Қўргонбой ота шундайм бўш келмай, ўғлини кўндиришга уринди. «Онанг бўлганда ҳам майли эди. Беш кунлигим қолдими-йўқми, тинчгина ўлай, болам. Куйдирма», деб насиҳат қилган эди, Азиз қўрелиги тутиб: «Бизнинг оилавий ишимизга аралашманг», деб бечора чолни қайириб ташлади. Шу билан Қўргонбой ота ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, ичида «билганларингни қилинглар-э», деди-да, қўлини ювиб, қўлтиққа урди...

Азиз тобора шумшайиб ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Юрагини ҳеч кимга очолмаса! Илгари-ку, ишдан хафа қайтса, яхшими-ёмонми хотини бор, ўшанга дардини айтарди, ўғли билан овунарди. Икки ҳафта ичида Беҳзодни шунчалик соғиндики! Аммо уйга боришни ўйласа... юраги орқасига тортиб, юзигача қизиб кетади. Бу энди хаёлдаги гап эканини ўзи ҳам яхши билади. Катта ҳовлида икки эркак — отаси билан ўзи. Яхшиямки, кичик синглиси ён маҳаллага тушган экан. Ов-

қатлари, кир-чирларига ўша боёқиш қарашиб турибди. Лекин унғаям қийин, уй-рўзғор дегандай... яна ёш-ёш икки боласи бор. Шуларни ўйларкан, Азиз баттар сиқилар, ҳамма ерда ортиқчалигидан эзилар, туриб-туриб тушкунликка муккасидан кетарди...

Ҳаммасиям майлийд-ю, аммо кечагиси ўтиб тушди...

Ўша жанжалли йиғилишдан кейин орадан уч кун ўтгач, Азизни мажлис олдидан Расул Оллоёрович билан нималарнидир узоқ гаплашган пакана малла йигит — институтнинг илмий котиби чақиртирди. Азиз кутилмаган бу таклифдан юраги ҳовлиқди ва «яна бирон нарса бўлди-ёв», деб қўйди ичида. Чунки одатда илмий котиб билан уларнинг деярли иши йўқ эди. Фақат ҳар йили бир марта бошқалар қатори илмий ҳисоботини ёзиб, бўлим мудирига топширар, у ҳам ўз навбатида йиғилган материалларни умумлаштириб шу котибга берарди. Уларнинг бор алоқалари шу эди. Энди бўлса Азизни ўша илмий котиб чақиртиряпти.

Азиз эски мебеллар қўйилган узунчоқ кабинетга кириб, котиб билан саломлашди. У бош ирғаб, алик олди ва дарров мақсадга ўтди:

— Азиз Қосимович! Сиз қачон ёқлайсиз?

— Қачон ишим битса, ўшанда ёқлайман-да! — деди Азиз яланғоч саволдан ранжиб.

— Ҳм-м... — деди котиб Азизга ер остидан қараб. — Тушунарли. Ёқлаш керак. Тезроқ ёқлаш керак, оғайни. Мана, академиянинг қоғози: яқинда аттестация бошланади. Штатларни кўриб чиқяпмиз. Бўлимнингизда ишлайдиганларнинг бари фан кандидати бўлиши керак.

— Мен лаборантман-ку? — ажабланди Азиз.

— Тўғри, лаборантсиз. Ўзингизга маълум, мен янги одамман бу ерда, тўрт ой бўляпти ишлаётганимга. Сиздаги штат бошқа бўлим ҳисобидан олиб берилган экан. Аспирантурани тугатиб ёқлолмай қолган бўлсангиз керак-да? Ноиложликдан шундай қилишган. Лекин энди чатоқ. Ревизия келса, гап эшитамиз. Биласиз-ку, биз фаннинг ҳамма тармоқларини баравар кўришимиз, баравар ривожлантиришимиз керак. Катта жанжал бўлади...

— Хўш, ёқлашим шарт экан, қанча муҳлат берасиз менга? — Азиз тошиб келаётган ғазабини зўрға босди.

— Муҳлатми? — деди котиб ва шошилмай ҳозиргина кўрсатган қоғозига кўз югуртирди-да, Азизга қаради. —

Яна икки ой бор. Икки ойда ёқлаёлмасангиз, бошқа ердан иш топишингизга тўғри келади.

— Ёқламасам-чи? — деди Азиз ҳезланиб.

— Унда... айтдим-ку, бошқа ердан иш топасиз, деб. Гапларимдан қоникмасангиз, марҳамат, Расул Оллоёровичга киринг...

Азиз зарда билан чиқиб кетди-ю, аммо Расул Оллоёровичга кирмади. Котиб йигитнинг хотиржам туриб айтган гаплари айниқса хонасидан чиққандан сўнг баттар наша қилди. «Нега бирдан тўнларини тескари кийиб олишди? Ташвиш кетидан ташвиш уланиб кетяпти. Нима бўлди? Муҳиддин Жабборович бугун институт олдида мени шикоятбозга чиқариб қўйди. Бу ерда бир гап бор... бир гап бор... Шошма, шошма! Хув анови куни Салтанат нима девди? Маҳамат чатоқ уйга келиб, «Азизжонга айтиб қўйинг, ҳеч ташвиш тортмасинлар, ишлари жойида», деди деганмиди? Ҳа, ҳа... Бу нима дегани? Ёки институтга келганмикин? Йўғ-э, унда биллиарди-ку! Ҳосил байрамига тушган экан ўшанда... Уйига борганимда «Марказқўмга кираман», деяётган эди. Ё катталарга айтдимикин?..»

Азизнинг боши қотди. Дадасини огоҳлантирмаган бўлса ҳам ишдан барвақтроқ чиқиб, юрагини бир ёзиш ва ўрни келса, маслаҳат сўраш ниятида Маҳамат чатоқ-никига қараб йўл олди...

Таниш ҳовлига кириб борганда, Маҳамат чатоқ энди ишдан келиб турган экан, Азизни кўриб қувониб кетди:

— Ие, ие, буни қаранг, Азизжон, қайнонангиз суяр экан, ошнинг устидан чиқдингиз. Оёққа турганимдан бери биринчи палов заказ қилишим. Бир чўқим ейманми-йўқми, ҳар қалай, оғизга маза киради... Яхши келдингиз...

Эрининг овозига ошхонадан югуриб чиққан Иқлимхон ая ҳам елвиллаб келиб Азиз билан худди ўз ўғлидек елкасига қоқиб самимий кўришди, «тагин келинимни обчиқмабсиз-а», деб койиниб қўйди. Кейин Азизга негадир бошқача термилиб турди-да, кўйлақларининг кирлангани, ўзидан эса тер ҳиди келаётганини, аёл киши эмасми, дарров пайқади. Рангини ҳам анча олдириб қўйибди боёқиш. Шимлари умр бўйи дазмол кўрмагандай. Иқлимхон ая Азиздаги бу ўзгаришни сезса ҳам индамади:

Иқлимхон аянинг Маҳамат чатоқ сингари меҳрибонлигини, аммо эрининг акси ўлароқ гаплари, одамга муомаласи ипакдай майинлигини Азиз илгаридан биларди. Шу боисдан, у Иқлимхон ая елкасига қоқиб сўрашганда бамисоли онасини кўргандек бўлди. Ҳовли ташқарисидаги чорбоғдан эса болаларнинг қийқириқ-сурони эшитиларди. Шу пайт Азиз этакдаги олди очиқ оғил устунларига боғланган қўйларга ем солиб юрган Маҳамат аканинг ўртанча қизи Муборакка кўзи тушди-ю, аввалги келганида ҳам шу ердалигини эслаб, «қиз бечоранинг турмуши бўлмаган шекилли», дея ўйлади ва Маҳамат чатоқнинг изидан эргашиб, кенг, тўрига гиллам, оёқроқ томонга эса қалин кигиз тўшалган уйга кирди. Маҳамат чатоқнинг бугун ўзи олдиндан кайфи чоғ эканми ёки Азиз чиқиб, ҳамсухбат топилганига суюндими — ишқилиб, бирдан юраги эшилиб, Азизни қўймай тўрға ўтқазди.

— Ишонасизми, кўнглим сезиб турувди... — деди шопмўйловларини бураб. У энди анча ранги тиниқиб, бурунги ҳолига келиб қолган, аммо шундаям касалнинг асорати билиниб турар, кўзлари сал киртайган эди. — Ана, аянгиздан сўранг ишонмасангиз. Эрталаб чой ичаётганимда сизга ўхшаган қотмагина бир шама пиёламда айланиб юрган эди, — деди эшикдан дастурхон кўтариб кирган хотинига бошини силкиб.

— Ҳа-ҳа, Азизжон, «кимдир келяпти», деб қайта-қайта айтувдилар, — деб эрининг ҳазил аралаш гапини тасдиқлади Иқлимхон ая.

Таом ейилгунча Маҳамат чатоқ Азизнинг ишларини атайлаб сўрамади; Азиз ҳам «эшикдан кирмасдан дардимни очиб, дилини хуфтон қилмай, ўрни келиб айтаман ҳали», деди-ю, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Кейин аччиқ чой ичилди. Иқлимхон ая дастурхонни йиғиштириб чиқиб кетгач, орага бир зум жимлик чўкди, икковлари ҳам «нимани гапирсам экан», деб ўйланиб қолишди шекилли. Охири Маҳамат чатоқ муҳим бир гап эсига тушган одамдай:

— Қалай, энди индашмаяптими? Секретарга айтгандим, — деди ғолибона бир қиёфада жилмайиб.

— Қайси секретарга? — сўради Азиз Маҳамат чатоқни унча тушунмай.

— Қайси секретарь бўларди. Марказқўмнинг секретари-да! Мана бундай одам! — Маҳамат чатоқ бош бармоғини ҳавога кўтарди. — Ҳосил байрамида кўрдим

у кишини. Сизни айтиш хаёлимдаям йўқ эди, ўзлари қизиқ гапириб қолдилар. «Қалай, Маҳамат ака, жим бўл кетдингиз жуда! Ёки сизни ҳам вилт чалиб юбордимми?..» деб ҳазиллашдилар. Кейин қўлимни сиқиб, «Маҳамат ака, яна бир оз сабр қилинг, жонингизга ора кирадиган янги нав топилди, бир-икки йилда сизларга ҳам етиб боради», дедилар. Бирдан, «Тўхтанг, тўхтанг! Ҳа, ўша нав сизларнинг колхозингизда яратилиптику...» деб кулдилар. Шундан кейин ўзимни тийиб туролмадим, ҳаммасини айтдим. У киши бирдан қошлари чимирилиб, хафа бўлдилар. «Обкомдаги ўртоқлар ҳам сал айтишган эди...» деб ўйланиб қолдилар. Кейин чўнтақларидан кичкина дафтарча чиқариб, ёзиб-ёзиб олдилар. Шу!

Азиз Маҳамат чатоқнинг гапини тингларди-ю, юраги дукурлаб урар, ҳаяжонидан этлари жимирилди. «Наҳотки, шу гап рост?..» Унинг нави билан обкомдаги раҳбарлар қизиқиб юрганини орқаворатдан сал эшитган эди. Аммо шундаям на Расул Оллоёрович ва на Муҳиддин Жабборович мундай бир тузукроқ тушунтиришмади. Лекин у қилаётган кичик бир иш билан Марказқўмнинг секретари шуғулланишини эса ақлига сиғдиrolмай қолди. «Наҳотки, шундай бўлса?! Наҳотки?!»

Кейинги дақиқада у бирдан: «Нега унда институт раҳбарлари менга тумшайиб олишди?.. Атрофимда гирдикапалак юрган одамлар нега мени бундай азобга солишяпти?.. Буниси қизиқ-ку!» дея ўйланиб қолди. Маҳамат чатоқ сўнгги воқеалардан хабари йўқ, яна секретарни мақтай бошлади:

— Барака топгур, ажойиб одам! — Маҳамат чатоқ мамнун бир тарзда мўйловини силаб қўйди. — Хўш бирон ўзгариш бўлдимми ўшандан бери?

— Бўлди, — деди Азиз Маҳамат акага қараб гамгин кулимсираркан. Кейин кўзини ерга олди. Маҳамат чатоқ Азизнинг феълени билгани учун унинг нимадандир қаттиқ ранжиганини сизди. Чой қуйиб узатаркан:

— Тинчликми? — деб сўради унга ўзини отасидек яқин тутиб. Шунда Азиз кейинги воқеаларнинг барини бир чеккадан сўзлаб берди.

— Маҳамат ака, бошида сизга «айтманг», дегандим-ку, уларнинг мана шунақалигини билардим-да. Жами унвонлару жами мансаб-мартабалар қўлларида. Иста-

ганларини қилишади, кўриб турибсиз-ку. Мени энди қувғинга солишяпти... — деди у охири бўшашиб.

— Номардлар! — Маҳамат чатоқ газабидан лабла-ри титраб кетди. — Имонсизлар! Қўйинг, Азизжон, хафа бўлманг. Сизга яхшилик қиламан, деб қайтага қийнаб қўйибман. Лекин энди, мана, биз бошлаймиз! Шундай масъул одамларнинг, раҳбарларнинг гапидан кейинки шундай қилишибдими, навбат энди бизга! Мен бу масалани партиявий томондан қўяман! Аввал шунчаки шахсий ишдек айтган эдим, энди расмий қўяман! Ахир, мен биламан-ку сизни! Йўқ, йўқ, сиз куюнманг! Биз бунақангиларнинг сонмингини кўрганмиз! Бу сочлар бекорга оқармаган, ука! Сиз ташвиш тортманг. Халқ иродаси қаршисида, биласизми, манман дегани ҳам толқондек майда-майда бўлиб кетади. Давлат, эл-юрт ҳар биримизни галма-галдан мана шундай варракдай учириб синаб кўради, тепага чиқиб ортиқча дарилладикми, секин-секин ипидан тортиб, пастга тушириб ҳам қўяверади.

Азиз ерга қараганча кўрпачанинг мағзини ўйнаб турди-да:

— Маҳамат ака, фикрларингиз тўғрику-я, аммо бизда сал бошқачароқ-да. Сизларга ўхшаб очиқ-ойдин, шарт-шурт гапириб қўя қолишмайди. Кулиб туриб, жонингизни олишади. Мени шикоятбозга чиқариб қўйишди... — деди.

— Сизлар, нима, фариштамисизлар жуда, шаънига тил теккизмайдиган! «Бизда, сизда» деганингиз нима-си?! — Маҳамат чатоқ азбаройи жаҳли чиққанидан думини тикка кўтариб, дастурхонни мўлжаллаб келаетган бароқ мушукни қулочкашлаб бир туширди. Мушук «жиқ» этиб деворга тегди-ю, қия очиқ эшикка ўзини урди. — Айни мана сизга ўхшаганлар айбдор ўшанақа соясидан от ҳуркадиган бўлиб кетишларига! Сиздақалар айбдор! Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади, шунга биласизларми? Соясига салом бериб, кавушини кийгазиб юрасизлар-да, кейин тақ этиб бошларингга текканда биздақалар керак сизларга, шундайми? Унгача тегмаса — кўриб-кўрмаганга олиб кетаверасизлар, шундайми?! Одам дунёга бир марта келади! Шу битта умрида тўғри гапирмаса, қачон гапиради, гўридами?!

Эрининг одатини билган Иқлимхон ая ташқаридан унинг қаттиқ-қаттиқ овозини эшитиб, чойни янгилаш

баҳонаси билан секин уйга кириб келди-да, ҳали ярим ҳам бўлмаган чойнакни кўтариб чиқиб кетди. Маҳамат чатоқ гапнинг белига тепгани учун хотинига қаттиқ ўқрайиб қаради, аммо индамади. Фикри узилиб, ерга қараганча ўйланиб қолди...

Азиз эса унинг гапларидан зигирча ҳам ўксинмасди. Чунки унинг фикрлари аччиқ ҳақиқат бўлгани учун ҳам кўнглига ёғдек ёқаётган эди...

Маҳамат чатоқ бир парда паст тушиб:

— Укажон, — деди. — Ҳақиқат учун курашмасангиз, ҳақиқат талаб қилманг. Ё униси, ё буниси! Лекин билиб қўйинг, яхшиликдан кўра ёмонликнинг оёғи илдам. Доимо хушёр туриш керак. Беллашганда отангни аяма! Ҳақ сўзга ўлим йўқ. У букилиши, эгилиши мумкин... лекин ўлмайди!

Маҳамат чатоқ жим бўлиб қолди. Кейин яна бирдан тутақиб, ўтирган жойида кўтарилиб қўйди ва бошини сарак-сарак ўйнатиб:

— Буни менга биринчи марта айтдингиз, — деди Азизга қаттиқ тикилиб. — Аввалига ўша Муҳиддин Жабборовичми?.. Ким, ўша одам?.. «Бу ишдан натижа чиқмайди», деб сизни сарсон қилган эди, денг-а! Ё тавба-а! Энди эга чиқяптими? Тагин ёнига текинхўр югурдаklarини ҳам қўшяпти, денг-а?! Тавба! Аммо-лекин бу гапни яхши айтдингиз менга. Яхши айтдингиз. Ё тавбаа-а!

Азиз ҳамон индамай ўтирарди. Маҳамат чатоқ ҳам сукутга чўмди. Кейин тарашадай ёниб, тарашадай ўчадиган одам, ҳозир қалтираб туриб, энди қўлини бир силкиди-ю:

— Қўйинг, садқаи гап кетсин ўшаларингиздан, — деди. — Мен сизнинг ишингиз билан шахсан Марказқўмга тушаман. Тушмасам бўлмайди энди. Э, тавба! Шунча йил индашмаган... энди яроқсиз бўп қолибсизми?! Бутун рўзгорни кўтарган туяга битта элак оғирлик қип қоптими? Қандай одамлар-а, қандай одамлар! Қўрқинмайдиам!

Маҳамат чатоқ чой кўтариб кирган хотинига:

— Каналхон! — деди бирдан ҳазиллашиб. — Азизжонни яниб, «келиним-келиним» дейсану ўзинг ўлғудай қоқвошсан. Ҳа, мундай қовун-повунлардан опкемайсанми? — У сўйлоқ тишларини кўрсатиб кулди.

Иқлимхон ая «меҳмоннинг олдида мени мулзам қилдингиз», деб гинага ҳам ўтмади, қовоқ-димоғ ҳам

осмади, «вой, жоним билан, ҳозир, ҳозир», деганча шошилиб чиқиб кетди. Азиз бўлса салкам олтмишларга бориб қолган бу аҳил одамларнинг бир-бирига чинакам муҳаббати, ҳурматини кўриб, ниҳоятда таъсирланди. «Бири бирининг гапини икки қилмайди... бири бирини қўллайди...» Азизнинг қалбини аччиқ алам қамради.

— Тагин, «бу одам яхши сўзни билмайди, ҳамма нарсани албатта уриш-жанжалга олиб бориб тақайди», деб ўйламанг, Азизжон, — Маҳамат чатоқ Азиздаги изтиробни ўзича тушунганидан шундай деди. — Тўғри, яхши муомалага туя ҳам чўкади. Аммо яхши гап — тушунадиган одамга. Тушунмаса, сўкиш, лозим бўлса, уриш керак. Лекин буёғи ҳам борки, сўз ўтмаган одамдан калтак ўтмайди...

Шу пайт Иқлимхон ая зилдай чўгири билан гардиш патнис кўтариб кирди. Азиз ирғиб туриб, «вой қўйинг», деганига ҳам қарамай, қовун билан патнисни қўлига олиб, қайта ёзилган дастурхонга қўйди. Маҳамат чатоқ қўнжидан дандон сопли пичоғини чиқариб, аввал обдан уни чироққа солиб томоша қилгач, кейин қовун сўйишга тутинди. Ҳамон остонада турган Иқлимхон ая эса эрига қараб:

— Сал берироқ сурилиб туринг, сизларга шу ерга ўрин соберақолай, — деди. Маҳамат чатоқ бери сурилди. Азиз ўзи шу пайтгача ётишдан ҳеч ким сўз очмаётгани учун бир оз хижолат чекиб ўтирганди, ичида севиhib қўйди.

Иқлимхон ая эпчиллик билан деярли ёнма-ён қилиб, гилам устига қалин-қалин ўрин солди-ю, Азизга тўрдаги, атлас кўрпа ёпилган жойни кўрсатиб, «сизники мановиниси», деди-да, чиқиб кетди. Қовун ҳам муздеккина экан, мириқиб ейишди. Кейин Маҳамат чатоқ ҳовлига чиқиб, анча ҳаяллаб қолди. Азиз ўрнига кириб ётгандагина кирди.

— Қалай, яхши ўрнашиб олдингизми? — деди ва чироқни ўчириб ечинди. Ўрнига киргач, қоронғида: — Уйку келмаётган бўлса, токчанинг ёнига қўлингизни чўзинг, лампа бор, — деди. Азиз аввалига ўйламасдан, «йўқ», деди-ю, кейин дарров айниди, чироқ тугмасини чирқ этказиб ёқди. Бутун уй, жиҳозлар, токчалар юзига ўрнатилган, бўялмай шундай лак берилган нақшинкор ром сиёҳ рангида йилтираб кетди. Шу пайтгача Азиз эътибор бермаган экан, шундоқ рўпарасида — икки

токча ўргасидаги рахга дока рўмол ўраган нуроний бир кампирнинг сурати илиб қўйилган экан.

Азиз кўрпадан бош чиқариб ётган Маҳамат акага қаради:

— Бувимларми?

Маҳамат чатоқ суратга қараб «ҳа», дегандай ишора қилди ва бир оздан сўнг:

— Қайнонам, — деди. — Бу кишиям оламдан ўтганларига ўн йил тўлади яқинда! Хўп яхши одам эдилар, мархума, яхши одам эдилар!..

Азиз ёш бўла туриб, Маҳамат чатоқни ҳадеб гапга солишга ийманди. У ҳам бир дақиқа ўйланиб жим ётдида, кейин бирдан:

— Азизжон, сизга бошимдан ўтганларни сўзлаб бермаганмидим? — деб сўради. Азиз мана шундай танҳоликда, одатда, сўзсиз, орадан шунақанги ҳикоятлар чиқишини билар, ўзи ҳам Салтанатни эслаб, яна қони қайнай бошлаган жойида Маҳамат чатоқнинг бу гапи айна муддао бўлди-ю, у:

— Йўқ, айтмагансиз, — деди Маҳамат чатоққа умидвор нигоҳ билан боқиб. Маҳамат ака кўрпага ўранганча, ўрнидан ўтириб олди ва қайнонасининг расмига имо қилиб «марҳумани сўраб ёдимга тушириб юбордингиз, ука», деди ва илгари ҳам кўп гапирган бўлса керак, шошмасдан, доно-дона қилиб ҳикоясини бошлади:

— Тўрт яшарлигимда бир кунда, бир кечада отамдан ҳам, онамдан ҳам, опамдан ҳам айрилган одамман мен. Азизжон, бу бошларга, вой-бў-ў, қанча савдолар тушмаган. Шундан айрим мучасига ел тегмаган олифталарни кўрсам, тепа сочим тикка бўлиб, симёғочдек қалтираб қоламан. Айтишади-ку, бир ўлганга тегма, бир куйганга, деб. Тинч ҳаётдан, ҳозирги мўлчиликдан, пири бадавлатликдан қутурган одамлар йўқ дейсизми, оғайни? Шунисига куяман-да! Тўғри, бир ёмоннинг қаршисида юз яхши бор. Шундай хур замонда ўшандай ярамаслар курмакка ўхшаб бирдан тишга тегди! Йўқ, ука, тагин ўйламанг, ота-она меҳрисиз ўсгани учун ҳозирги бадас-тир одамларга ичида алами бор, деб! Йўқ! Замон шундай эди. Ота-онасиз ўсиш оғир мусибат, буни бошидан ўтгангина биледи! Аммо ҳаммаёғидан тинчиганларга, ишонинг, зиғирча ҳам гаразим йўқ. Тақдир шу экан, замон шуни талаб қипти, дод десанг ҳам — фойдасиз. Лекин битта хафа бўладиган жойим, ука, айна шу ҳар нарсадан тиниб-тинчиганлар тақдирга минг қатла шукур

айтиб, мамлакатимиз, давримиз, халқимизга муносиб, ҳалол хизматда бўлиш ўрнига... биттаси мана шу Муҳиддин Жабборовичингизми? Нима етмайди унга? Пулми, бойликми? Ошиб-тошиб ётгандир. Ҳа, ошмаганда ҳам бировнинг мулкига кўз олайтиришга қандай ҳаққи бор? Бирон-бир тушунмаган, саводсиз галча шундай қилса ҳам майли эди, «ҳар хил одам бор-да», дейиш мумкин эди. У, ахир, академик-ку?! Яна доврўғи оламга ёйилган академик! Қўлларимдаги бу қадоқлар ўша кишининг чигитларидан тушган. Шундай мартабали инсон қариганда қармоққа илиниб... Шунисига кўяман, ука. Энди буни қандоқ тушунайлик?!

Маҳамат чатоқ, «ҳа, нодонлар-а», дегандай ўзича бошини сарак-сарак қимирлатиб қўйди. Кейин Азизга қараб туриб, бирдан кўзлари чақнаб кетди.

— Бултур бир ойлик ўқишда бўлдим Тошкентда, — деди ҳаяжонланиб. — Лекин отамиз хўп билган эканлар-да... бекорга ишчиларни раҳбар синф демаганлар! Кўрганини, дилига келганини, бор ҳақиқатни шартшурт айтади-қўяди! Меҳнатидан бошқа ишонадигани, билак кучидан бошқа илинжи йўқ. Яхшиямки, дейман, баъзан, шу раҳбар синф, унинг йўлбошчиси партиямиз бор экан. Бўлмасам, уруг-аймоқчилик, бир-бирига пахта қўйишлар авжга чиқиб кетса борми, кейин уни ҳам, қандай қилиб тузатади ахир?! Яхшиямки, ҳаётимизни ҳаминиша ёруг қилиб турадиган шу муаллимлар бор... — Маҳамат чатоқ пешонасини ушлаб, ниманидир хотирлашга уринди-да, кейин эсига тушиб, боладек қувонганча давом этди. — «Ишчи ва деҳқонлар билан биргалликда меҳнат қилгандагина чинакам коммунист бўлиб етишиш мумкин». Қаранг, бир мағзини чақинг! Ўша Муҳиддин Жабборовичларингиз ҳам, ҳойнаҳой, ишчилик, деҳқонлик пайтларини, ҳар луқмани ҳалол меҳнати билан топиб еган вақтларини унутиб қўйгандир-ов? Ўзи шу — ҳаром луқма оғизга тушдими, кейин маза-хўрак бўлиш қийин эмас!

Маҳамат чатоқ «бошдан кечирганларимни сўзлаб бераман», деб туриб яна шу кун ташвишларига киришиб кетганини бирдан ўзи ҳам сезиб қолди-ю, «Ол-а!» деб кулиб юборди. Чиндан ҳам у шу даражада фаол одам эдики, бугунсиз бир дақиқа ҳам яшолмасди. Нима гапирса, нимани фикр қилса, бари бир хулосаси шу кунга келиб тақалаверарди... У бошини силкиб-силкиб кулганча:

— Қариганда қайтадан бола бўларкансиз, Азизжон, — деди. — Сиз ҳам қаринг, шу кунларга етинг. Лекин ёш ўтгач, гапирган гапинг ҳам бамисоли дайди шамолдек, дуч келган томонга эсиб, охирига етмай қолиб кетавераркан. Қоним қайнайди-да, ука. Бекорга чатоқ дейишмаган мени. Одамлар бекорга гапирмайди!... Биз асли Наманган тарафдан. Тошқўрғонданмиз. Ҳеч борганмисиз, Азизжон? Шундай бир қишлоқ бор.

Азиз «йўқ», дея жавоб қилди.

— Мен Тошқўрғонни тўрт яшарлигимда ташлаб кетганман. Ҳозир тоғаваччаларим, амакиваччаларим бор у ерда. Лекин ёшлиқдан бирга ўсмагандан кейин, бири-бирини билмагандан кейин ўртада меҳр ҳам бўлмас экан, бориш-келишимиз йўқ. Уч йил бурун амакиваччалардан бири излаб кепти, ўғли Тошкентда ўқиркан, икки кун меҳмон бўп кетди. Яна чалғияпман-а? Хуллас, тўрт яшарман... Ҳалиям кўз ўнгимда, каталакдеккина ҳовлимиз бўларди, адёллар билан тўсиб қўйиладиган очиқ айвондан кириларди. Отамни эс-эс биламан, мана шунақа шопмўйловли, қотмадан келган, дароз одам эди, раҳматлик. Ойим бечора негадир эсимда қолмаган. Ўйласам, баъзан хўрлигим келади. Расм-пасмга ҳам тушишмаган экан денг! Ким билади, балки тушишгандир. Йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин...

Маҳамат чатоқнинг овози хиёл титраб, товланиб чиқа бошлаганини Азиз дарров сизди. Чунки ўзи ҳикоя қилаётган воқеа кўз ўнгида буткул жонланиб бораётгани аниқ эди...

— Мендан икки ёш катта опамниям тузук эслолмайман. Дадам баджаҳл одам эдилар, балки шундан ёдимда қолгандир? Хуллас, Азизжон, миямга миҳдек қоқилган ўша тундаги воқеани ҳеч қачон унутолмасам керак. Ҳали қиш қиличини судраб келмаган палла эди шекилли, айвонда ётардик. Аммо бурчакдаги танчага олов босиб қўйилгани эсимда. Дадамнинг кимлигини мен билмасдим, кўкрак ва белларига қайиш боғлаб, каттакон оқ от миниб юрардилар. Бир марта тўппончаларини ҳам кўрганман... Ўша кеча дўпир-дўпир бўлиб, кимнингдир қичқиригидан уйғониб кетдим. Совуқ еганманми, ўзим билмай олови ўчиб илиққина кулга айланиб қолган танчанинг ичига сирғалиб тушибман. Юрагим така-пука, кўрпа остидан секин бош чиқарсам, худди кимдир нафаси бўғилаётгандай, хунук хириллаш

эшитилди. Боламисан деб, кўрққанимдан баттар танчага кириб кетдим. Кимдир «оҳ», деб юборди, кимнидир оғзини юмишдики, овози узилиб-узилиб эшитилди. Биров нимадир деб шивирлади. Кейин дўпир-дўпир оёқ товушлари узоқлашиб, бирдан ҳаммаёқ тинчиб қолди. Кўкрагим чумчуқнинг юракчасидек гурсиллаб уриб, тер куйганча ётавердим...

Маҳамат чатоқ ҳаяжонланаётганини сездирмасликка уриниб, нафас ростлаш учун бир оз жим бўлиб қолди. Азиз эса майкачан ҳолда ўтириб олган, сиёҳранг нурда икковлари сиртдан қараган одамга ҳам кулгили, ҳам ваҳимали кўринишарди.

— Танчада яна қанча ётдим, билмайман... Жимжит айвонда бирдан кимдир инграб юборди. Мана, мана ҳозир ҳам қулоғимда ўша инграш эшитиляпти. Жон-ҳолатда танчадан чиқиб кетдим. Негадир айвондан уйга кираверишдаги остонага зиғирдеккина шам ёқиб кўйилган, у липиллаб турибди. Ҳалиям кўз ўнгимда... Қарасам, дадам ҳам, ойим ҳам, опам ҳам қора қонларига беланиб ётишибди. Дадамнинг бошини деярли узиб олишган, гавдасидан қийшайиб қопти. Ойим бечора эса худди ухлагандай, муштдеккина бўлиб қимир этмайди. Бу гапларни мен ҳозир айтяпман. Ўшанда билмай тўсатдан дадамнинг устига бориб қолдимудодлаб юбордим. Одамларнинг айтишича, опамнинг жони узилмаган экан, дўхтирга олиб кетишаётганда йўлда ўлибди. Инграган ҳам опам экан...

Азиз кўп йиллардан бери баъзан гап талашиб, баъзан қойил қолиб, баъзан ёқтириб, баъзан ёқтирмай юрган рўпарасидаги мана шу одамга ҳозир шу қадар ачиниб кетдики, ўзини тутолмади, кўзига жиққа ёш қуйилиб, кетма-кет ютинди. Шунда Маҳамат чатоқ Азизни ҳайратга солиб, қайтага уни юпата бошлади:

— Кўйинг, куюнманг, Азизжон. Буларнинг бари ўтган ишлар. Гоҳи-гоҳида ўзимнинг ҳам ўпкам тўлиб, дод солиб йиғлагим, шу билан бир енгиллашиб олгим келади. Аммо ўзимни тияман. Ҳатто марҳум отамнинг арвоҳи олдида ҳам бўшанг, кўрқоқ, юраксиз бўлиб кўринишни истамайман. Мен йиғласам, душманларим кулаётганга ўхшайди. Шундан доим қаҳр ёғилиб туради мендан... Ўшанда тўсатдан дадамнинг устига бориб, овозим борича додлаб юбордим. Бирпасда ҳовлимизда халойиқ тирбанд бўп кетди. Кимдир мени даст кўтариб, бағрига босиб, хўнграб йиғлаганча юз-кўзларимдан

ўпди. Қий-чув, йиғи-сиғи... Кейин эртаси куниеқ тўпа-тўғри Тошкентга детдомга юборишди мени. Сал ўтмай янги одамлар, янги ўртоқларга ўрганиб кетдим...

Маҳамат чатоқ кейинги фикрларини бир сафга жамлаётгандай, тагин бир оз жим қолди.

— Ўша кеча отам, ойим ва опамдан ташқари қишлоқдаги яна тўрт комсомолниям ўлдириб кетишган экан. Уларни аввалига чала ўлик қилиб қийнаб, кейин мозор орқасига судраб бориб, ўт ёқиб, тириклайин ёндирворишибди. Хуллас, Азизжон, тўрт ёшимдан мен ҳаммасидан айрилганман. Ука, мени бекорга «чатоқ» дейишмайди. Баъзилар ҳазилга олиб айтади, улардан хафамасман, қишлоқда лақабсиз одамнинг ўзи йўқ. Аммо баъзилар борки, орқаворатдан «чатоқ» деб мени янийди. Чунки мен уларнинг ҳолвайтарига тушган туз, чойига тушган музман. Эгри ишларини юз-кўзи демай, тикка бетига айтаман-қўяман! Аввалги раис ҳам шундай эди, беш қўлини оғзига тикқан! Билмайман, ҳозир қаерларда юрибди! Э, ука, ёмон гап кимга ёқади?! Ўғри ҳам, фар ҳам ўзини эшондан аёло кўради. Ўшанга ҳам тўғрисини айтсанг — ёқмайсан! Мен бўлсам айтаман!..

Агар Азиз ийманмаганда, ҳозир шарт ўрнидан туриб, Маҳамат чатоқни ўпиб-ўпиб, кучоқлаб оларди. Бу одамнинг шунчалар мусибатли ҳаёт юкени ҳеч кимга билдирмай елкалаб юргани, унинг чинакам алп инсонлигига ҳайрон қолаётганди. Шу аснода у тўсатдан ўзини Маҳамат акага қиёслаб кўрди-ю, ижирганиб кетди...

— Маҳамат ака, кейин нима бўлди? — деб сўради у ҳамон ярим-яланғоч ҳолда ўтирганча.

— Кейинми? Нима бўларди. Детдомда ўсдим. Катта Фаргона канали қурилишида қатнашдим. Ўшанда кучга тўлган арслондек йигит эдим. Ҳа, мановинисини эшитинг! — Маҳамат чатоқнинг кўзлари яна чақнаб кетди. Ўрнашиброқ ўтириб, Азизга қараб кулимсиради. — Мен ўшандаям бригадирман. Биз нариги участкадаги кетмончилар бригадасини мусобақага чақирганмиз. Энди ўйласам, ўшанда канал қирқ беш кунда кетмон, замбил билан қурилибди-я!.. Айни биз енгган кунга Усмон ота келиб қолса бўладими! Эсимда бор, бошига кепка кийган, енги калта оқ кўйлак, галифе шимда, кўзларини қисганча биз томонга қараб келяпти. Орқа-ўнги кетмон-

чилардан баттар чанг. Аввалдан суриштириб билган эканми, «Хўш, азаматлар, ким енгди?» дея сўради дабдурустдан. Ҳамма қичқириб мени кўрсатди. Шунда, кўзига жуда ёш кўриниб кетдим шекилли, ёнимда тўхтаб, шарт белимдан кўтариб олди-ю, чириллатиб бир айлантирди, кейин гурс этиб ерга қўйиб, мана шу елкамга, — Маҳамат чатоқ чап елкасини ушлади, — ҳазиллашиб бир урди ва: «Раҳмат, укам! — деди.— Раҳмат! Отангга раҳмат. Ота ўғил шундай бўлади!» деди-да, гурс-гурс юриб нариги участкага ўтиб кетди. Ўшанда Усмон Юсупов отамни ўлдиришганини билиб туриб шундай дедими ёки шунчаки сўзи тўғри келиб қолдими, аммо у кишининг: «Ота ўғил шундай бўлади», деган гапи ҳалиям кўнглимни эритиб туради. Мана, энди салкам ўттиз йилдан бери шу колхоздаман. Ҳа, ростдан Иқлимхон аянгизни ҳам Каналда топганман. Шунинг учун уни Каналхон, дейман. У ўшанда сочи тақимига тушадиган, қўли гул ошпаз эди. Қанча-қанча арслонлар кетидан чопмаган унинг! Лекин биттасига насиб бўларкан. Ўша менман! — Маҳамат чатоқ кулди. Кейин «ишлар шунақа» дегандай бош ирғади. Кўкси ғурурга тўлиб давом этди: — Минг қатла шукрим, ким бўлса ҳавасланиб қараган турмушимизга. Оиладан ёлчиганман, уқа. Обрў-иззатларимнинг бари шу хотиним туфайли. Ўзи бир нўноқни бир эпчил эпларкан!.. Азизжон, дунёда фақат тўғрисини айтадиган битта одамим — шу хотиним. Баъзан энг яқин улфатим ҳам, туғишганим ҳам кўнглимга, феълимга қараб ёлғон гапириши мумкин. Аммо Иқлимхон аянги заққум бўлса ҳам тўғрисини айтади. Гоҳи пайтда ловиллаб кетиб, уришиб ташлайман-да, кейин ўкинишга тушаман, ўйлаб қарасам, ҳамма гапи тўғри. Ўғлим бор. Илгариям айтувдим сизга чамамда. У бобосига тортди: офицер! Саккиз йилдан бери Берлинда. Хизматини тугатиб, ўша ерда бир немис қизига уйланиб, ўғил ҳам кўрди. Ҳа, майли, замон шуларники экан, қандини урсин! Ҳар йили отпусмага келади, хотини билан ўғлини олиб. Шунақанги ширин неварам борки, дурагайлар ўзи зўр бўлади сизнинг ғўзангизга ўхшаб. Катта қизим ипакчилик агрономи. Ўрганчаси, ўша ўзингиз тўйида қатнашган Мубор, боя ҳовлида кўрдингиз-ку...

Шу гапдан кейин Маҳамат чатоқнинг бирдан қовоғи уйилди. Юраги эзилгани шундоқ билиниб, Азизнинг бояги шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Маҳамат чатоқ бир гап очдими, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақи-

қатга тик қарай оладиган одамлиги учун фикрининг ярмини ичида қолдириб ўтирмади:

— Оила куриш ҳам баъзан қимор ўйинидек, ютасанми, ютқизасанми — билмайсан. Шу Муборимни кўрсам, юрагим жизиллаб ачишади. Эри ярамас чиқди. Бўлмасам, туппа-тузук одамларнинг боласи. Ичади. Эсингиздами, уйимдан чиқарганимда болам бечора шунақамиди? Қандай кўҳлик, қандай соғлом, юзлари, кўзлари кундуздай... қаранг, ҳозир таниб бўлмайди. Ҳароми, нуқул қизим бечорани калтақлар экан-а! Бир марта отаси аралашса, уни ҳам тутволиб урибди. Қизим боёқиш мендан яшириб келаркан шуни. Бир кун сариқ бўлиб, касалхонага тушибди, деб эшитдим. Борсам, юзларию кўзлари, ҳаммаёғи моматалоқ, болам бечоранинг. Шунда ҳам айтмайди. Айтмаганига қўймадим. Эри ураркан-а, аблаҳ! Мен галварс бўлсам, аввал ҳам бир-икки уйга йиғлаб келганда, олдимга солиб ҳайдабман-а! Жанжалингни бу ерга опкема, бор, ўзларинг ҳал қил, деб қайтариб юборибман-а!.. Бамисоли қутуриб кетдим, югурганча уйига борсам, йўқ. Отаси ҳам калтак еганини кўзига ёш олиб гапириб берди. Ўғлининг аламини отасидан олдим. «Ҳозир кўзингни гилтилластунча илгари ўйлагин эди! Новдани ёшлигида эггин эди», деб роса тузладим. Кейин «гулдай қизим отасига қўл кўтарган оқпадарнинг хотини бўладими ҳали», дедиму, кўч-кўронини ортиб, уйга опкелдим. Бир парча этлигидан қўлингга авайлаб, дардга чалинса, тепасида ухламай, ширин-ширин тилларини чиқариб, тап-тайёр хизматкор қилиб бировнинг қўлига топширасану, шу гулдай жигарбандингни оёғининг остига олиб тепса, чинини синдиргандай ҳайвонлик қилса, бунга қандай чидайсан?! Азизжон, бола — юракнинг бир парчаси бўларкан. Уларга қараб туриб, ўзим дунёдаги энг азиз меҳрдан — ота-она меҳридан бегона ўсганимни сезаману кўнглим бузилади. Қийинчилик кўравериб юракларим безиллаб қолган. Энди болаларимнинг кўзидаги ёшга чидолмайман. Бечора Мубор ҳам... Опкелишга опкелдиму, хўш, шу билан унинг дардини енгиллаштирдимми?! Қаёқда дейсиз? Болам фақир иккиқат, туну кун шуни ўйлайди, чет-четга ўтиб йиғлайди. Қўлимдан нима келади? Ўша номаъқул куёвни ураманми, сўкаманми? Бари бир, фойдасиз. Бурунгилар айтарди: болам болалади, демагин — ғамим болалади, дегин, деб. Катта бўлган сари даҳмазаси кўпаявераркан...

Маҳамат чатоққа қўшилиб, Азиз ҳам изтироб чекди. Шу дақиқада бошидан ўтган барча кечмишлар, жанжаллар ҳатто Салтанат билан бирга бўлган воқеалар ҳам назарида арзимас нарсасидек туюлди-ю, қовурғалари саналиб рўпарасида ўтирган мана шу ориққина, аслида эса қоядек мустаҳкам одамнинг ички дунёси олдида ўзининг қанчалар бачкана эканини ҳис этди ва ўзидан ўзи уялди. У Маҳамат чатоқ ҳикоясидан туғилган ҳам гамгин, ҳам аллақандай жозибали жимликни бузишга журъат этмай, унга мўлтиллаб ўтирарди. Маҳамат чатоқ эса унинг бу қарашини ўзича йўйиб, ўрнига ётди.

— Соат ҳам анча бўп қолди чамамда. Кўнгил тортиб, бир оғзим очилиб кетди-да, Азизжон, — деди ва яхшироқ ўраниб олди. — Аммо сиз хавотир бўлманг. Ҳақиқат сиз томонда. Ишданам ҳайдашолмайди, илмингизниям торт-торт қилишолмайди. Мана, мени бир айтди дейсиз! Қани ётдик, бўлмасам. Чироқни ўчира-сизми ёки ёруғдаям ухлайверасизми? Менга бари бир...

Азиз сиёҳранг лампани ўчирди. Қоронғи хонага оғир жимлик чўқди. Азизнинг кўз ўнгида Маҳамат чатоқнинг ўша айвонда ётиши, танчага беркингани, боши узилган отаси... ҳамма-ҳаммаси худди кино лентасидек бир-бир липиллаб ўтди-ю, баттар уйқуси қочди. Чуқур хўрсиниб, Маҳамат чатоқ тарафга қаради. Қоронғида унинг бир маромдаги нафаси эшитиларди...

Соат неча бўлганини Азиз билмади-ю, аммо у уйғониб кетганда шу яқин-ўртада ҳадеб хўроз қичқирарди. У ойнага қаради, ҳали қоронғи, лекин деразанинг тепа кўзини хира кўкиш шарпа қоплаган, тонг яқинлашиб келмоқда эди. Секин тоқчага қўл узатиб, кечқурунги чироқни ёқди ва соатига қаради: бешдан ошибди. Чироқни ўчириб, яна бир оз ухламоқчи бўлди. Аммо кўзи юмилмади. Ҳар хил хаёллар миясида қалашиб, уйқу бермади. Охири қоронғида пайпаслаб-пайпаслаб энгил-бошини топди-да, тусмоллаб кийиниб, секин эшикни очиб ташқарига чиқди. Ҳовли совуқ эди. Уйда билинмабди, ташқарида ғира-шира тонг ёришиб қолган эди. Азиз юпунгина костюмига ўраниб, ҳовли этагидаги дарча томонга қараб юрди. Бурчакдаги оғил устунига ҳў бирда йўлакда ётган този ит боғлаб қўйибди, у дарчага орқа ўтирганча бошини чотига тикиб, қунишиб ётар эди. Сал нарироқдаги қўноқда эса қатор

тизилишиб олган товуклар. Атрофдан ачимсиқ гўнг хиди келарди...

Азиз дарчадан энгашиб ўтди-да, қуюқ шудрингни шип-шип босиб, боғ ичкарисига қараб йўналди. Таги резина юпқа туфлиси бирпасда жиққа хўл бўлди-ю, эрта-индин қор ташлаб қолса, нима кийишини ўйлади. Ҳаммаси уйда. Кимнидир юбориши керак. Эҳтимол, дадасини юборар. Аммо ўзи ўлиб қолса ҳам бормайди. Азиз яқингинада қиртишлаб ўрилган, лекин хашаги ҳали йигиб улгурилмаган бедазор уватидан аста-секин пахлаб бораркан, баъзи-баъзида: «Қишлоққа кетсам яхши бўларди», деб ўйлашлари ёдига тушди ва қишлоқ ҳаёти худди уйқусирагандай тинч ўтиши хусусидаги фикрлари бошдан-оёқ хомхаёл эканини яна бир бор ҳис этди... Қаердадир сигир маъради. Пастак гувала девор ичидаги ҳовлидан кўлдан тушиб челақнинг шарақлаган овози эшитилди. Аёл киши сигирни қарғаб «тек, тек» дея бўғилди. Боғ этагидаги қизил тунука уйли ҳовлидан «қарс-қурс» акс садо бериб теша ишга тушди...

Дарахларнинг баргсиз новдаларига муздай шафақ теккан пайтда Азиз боғдан чиқиб, дарча орқали ҳовлига ўтди. Бу пайтда Маҳамат чатоқ айвон рўпарасида узун тўнани елкасига омонат ташлаб олганча, ҳадеб самовар ўтхонасини пуфлар эди...

27

Маҳамат Турдибоев илгариги Тупроққўрғоннинг ўрнига тушган олти қаватлик партия Марказий Комитети биносидан чиққач, димоғи чоғлигидан қош қорая бошлаган бўлса ҳам Чилонзорга — Азизларникига қараб жўнади...

Ҳосил байрамида Марказий Комитет секретари Маҳамат чатоқни кўриб, у айтган гапларни блокнотига ёзиб олгач, эртаси куни қишлоқ хўжалик бўлими мудир — кекса агроном Машариповга: «Яхшилаб ўрғанинг-чи, натижасини айтасиз», деб топшириқ берган эди. Машарипов «бу иш билан олдиндан хабардорсиз», деб Зокир Қўшмоқовни ҳам чақириб, икковлашиб Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовични тоза ўртага олишган, «агар иш шундай кетса, энди биз томошабиндай қараб турмаймиз... пахтакорларга тезроқ янги самарадор нав етиштириб бериш ўрнига, ҳали йўқ нарсани торт-тортга айлантириб...» деб обдан саза қи-

лишган, иккала домла ҳам Марказий Комитет бўлимадан тавбаларига таянгандай бўлиб чиқиб кетишган эди...

Маҳамат чатоқдан кейинги воқеаларни эшитган Секретарь аввалига ишонинқирамай, кейин қовоғи уйилди. Телефонда қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири билан уланиб, анча вақт унинг изоҳини тинглаб турди-да:

— Сиздан илтимос, ўртоқ Машарипов, — деди рўпарасидаги календарни варақлаб. — Институт директорини, ўртоқ Муҳиддин Жабборовни, бошланғич партия ташкилотининг секретарларини... яна кимни чақириш мумкин? Ҳа, тўғри айтасиз, ўртоқ Қўшмоқовни эрта ўтиб, индинга, яъни иккинчи декабрь эрталаб соат ўн бирга ҳузуримга чақирсангиз. Ўзингиз олиб кирасиз уларни...

Телефонни қўйгач, Секретарь Маҳамат чатоққа қараб кулимсиради ва ўрнидан туриб:

— Буни ҳал қиламиз, Маҳамат ака, — деди. — Янгилик ҳеч қачон осонликча майдонга чиқмайди. Ҳозир ишимиз тигиз, мажбуриятни бажаришимиз керак. Сизларга-ку, яхши, қутулиб олдинглар. Ахборотни кўрдим, шудгорлаш ҳам областда биринчи бўлиб сизларнинг районингизда тугаяпти. Раҳмат. Лекин Қорақалпоғистон билан Хоразмда бу йил аҳвол чатоқ бўлди. Баъзи жойларда тўрт-беш марталаб чигит экишди азаматлар. Пахта етарли, тағинам куз яхши келди, ҳалигача ёғмай турибди. Уларга кўмаклашиб, далда беришимиз керак. Бугун-эртадан ҳамма бюро аъзолари областларга жўнашяпти. Мен ҳам сиз айтган домлаларни қабул қиламану Қорақалпоғистонга учаман. Ишлардан сал бўшайлик. Азиз Қосимовни ўзим чақириб гаплашаман. Кўп мутахассислар ишини юқори баҳолашяпти. Ҳамма ҳужжатларини тўғрилаб Москвага жўнатишни топширдик. У йигитнинг келажаги порлоқ... Хўш, Маҳамат ака, тагин нима топшириқлар бўлади бизга? — Секретарь яна самимий жилмайди. У Маҳамат акани кўпдан бери билиши ва ҳурмат қилиши шу кейинги ҳазил луқмасидан ҳам сезилиб турарди. Маҳамат чатоқ Секретарнинг сўзидан «агар бошқа гаплар бўлмаса... ишларим зиқ», деган нозик маънони дарров тушунди-ю, қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Кеч бўлишига қарамай қабулхонада чиндан ҳам одам кўп эди...

Маҳамат чатоқ «газик» машинанинг орқа ўриндигида ўтирганча, Чилонзорга қараб бораркан, Секретарнинг айтганини қиладиган бирсўз одамлигини билар, «энди тоза адабини беради у нобакорларнинг», деб ичида суюнади. Айни вақтда, оддий бир ҳақиқатни ҳам мундай ўрнига қўйиш гоҳо қанчалар қийинлигини, ҳали турмушда шахсиятпараст, ўз жигилдонини кўзлайдиганларнинг сероблигини ўйлаб яна авзойи бузилди. «Нега бундай? Марказий Комитетнинг масъул ходими, бўлим мудири айтибди-ю... шунгайм бўйин бергилари келмайди-я! Қайтага тескарисини қилиб, ишдан ҳайдашмоқчи... Вой, тавба! Вой, тавба! Шу даражада ўзларига бино қўйиб, ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб кетганлари-да, бу! Бошқача нима дейиш мумкин ахир?! «Катта олимми, мансабимни олишганда ҳам илмимни олишолмайди», десалар керак-да?! Йўқ, уларни шунга ақли етмайдиган нодон одам деб бўлмайди. Улар айниган одамлар... Аммо халқнинг назар-эътиборидан қолсанг, ҳафсаласини пир қилсанг... умр бўйи топган обрў, ҳурматингни кейин пулга сотиб оласанми?!»

Шу хил хаёллар билан Маҳамат чатоқ Азизларнинг уйига етиб келганиниям сезмай қолди. Шофёр йигит ҳў бирда тушгани учун яқин йўлни танлаб ҳайдадими, ишқилиб, жуда тез келишди. Маҳамат чатоқ шофёрга «кўп ушланмайман, ҳозир кетамиз», деди-да, соатига қараб олди. Еттидан сал ошган, аммо кеч куз бўлгани учун теварак-атроф қоронғи, баланд иморатларнинг сон-саноқсиз деразаларидан нур ёғилиб турарди. «Бир жиҳатдан шуларга ҳам яхши, иссиққина уй...» деган фикр ўтди хаёлидан...

Иккинчи қаватга кўтарилиб, таниш қўнғироқни босгач, кўп ўтмади, ичкаридан аёл кишини зипиллаб келаётгани эшитилди... Салтанат эшикни очиб, бир зум довдираб қолди, «бошида ҳеч ким йўқми» дегандай ташқарига бош чиқариб қаради. Кейинги дақиқада ўзини қўлга олиб, «ассалому алайкум, Маҳамат ака, келинг, келинг, марҳамат», деб эшикни катта очди. Маҳамат чатоқ келиннинг майин муомаласидан эриб кетди, оёқларини остонадаги ҳўл лагтага қайта-қайта артиб, ичкари кирди. Даҳлизда тўхтаб, чўнтагини кавлай бошлади, нариги уйнинг эшигига суянган ҳолда ётсираб турган Беҳзодни чақирди-да, икки дона шоколад берди. Беҳзод индамай келиб олди. Салтанат ўғлига дашном берган бўлди:

— Вой, Бехзоджон, уят, уят! Нима дейиш керак амакига?

— Раҳмат...

— Э, баракалло, ўғлим, баракалло! Катта йигит бўл!.. Маҳамат чатоқ даҳлиздаги пойабзалларга разм солиб.

— Бу гал ҳам Азиз йўқми? — деб сўради бамайлихотир.

Маҳамат чатоқнинг бу саволидан Салтанатнинг ичи «шиф» этиб кетди. У Маҳамат акани остонада кўрган-даёқ юраги севинчдан қалқиб тушди; биринчидан, Азиз акаси билан боғлиқ қадрдон кишисини кутмаганда учратганига шундай бўлса, иккинчидан, «яраштиришга келдимикин?» деган фикрдан маст кишидай боши айланиб кетаёзди. Афсуски, Маҳамат ака орадаги гаплардан беҳабар экан, акс ҳолда, «бу гал ҳам Азиз йўқми?» деб сўрамасди. Салтанат ичи тўлиб келиб, бирдан хўнграб юборай деди-ю, бегона одамнинг олдида зўр-базўр ўзини босди.

— Азиз акам бизни ташлаб кетдилар... — деди ерга қараб.

— Ие, ие, келин, йўғ-э, нима деяпсиз?! Бу қандай аҳмоқгарчилик? — Маҳамат чатоқ йўлакда қаққайганча шошиб қолди. — Қачон?

— Йигирма кун бўляпти...

Маҳамат чатоқ «ҳа, тушунарли», дегандай ерга қаради. Аёл кишидан «нимага шундай бўлди?» деб сўраб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Кейин бемаврид кирганига афсусланди. У-бу деб Салтанатни юпатди. Ҳамон эшикка суянганча хўмрайиб турган Бехзоднинг бошини силади-да, Салтанат «уйга кириш, ўтириш», деб қистаса ҳам унамай, эшик тутқичини тортди. Кетаётди:

— Келин, оилада бунақа гаплар бўп туради, — деди насиҳатомуз. — Бекорга эзилманг, ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади, қуюнманг. Мен ўзим гаплашаман Азиз билан.

Салтанат хўрлиги келиб, лаблари титраб, бирдан кўзларига дув-дув ёш қуйилди; юзини рўмолининг учи билан беркитди. Маҳамат чатоқ унга қараб туриб, лоп этиб кўз ўнгига Мубор қизи келди ва бирдан тутақиб кетди.

— Мен ўзим гаплашаман у тентак билан! — деди кўзлари ёниб. — Сиз қуюнманг, болам. Кўз ёшингизга арзимамайди унинг аҳмоқгарчилиги! Йигламанг, қизим. Қаерларда тентираб юрибди ўзи ҳозир?

Салтанат елкасини қисди. Маҳамат чатоқ шарт бурилди-ю, жаҳл билан зинадан тушиб кетди. Салтанат баттар эзилиб йиғлади. Анча вақт йиғлади. Маҳамат чатоқнинг соддалиги, ҳаммани ўзига ўхшаш ҳалол деб ўйлашидан эзилиб, ўзидан-ўзи ҳазар қилиб йиғлади...

Маҳамат чатоқ жаҳл билан чиқиб, жаҳл билан бориб «газикка» ўтирди, шофёрга дағал товушда: «Ҳайда!» деди ва ундан уёғига мум тишлагандек «қирт» этмай кетаверди. У плашининг олд тугмаларини қадаб, бошини елкасига қисганча орқа ўриндиқ бурчагига қунишиб олди-ю, ичида эса: «Вой, тирранча-ей, қўйнинг оғзидан чўп олмагандай кўриниб, бунақа ҳунарлари ҳам бор экан-ку» дея ўйлаб, тобора ғазаби қайнай бошлади. Бу ғазаб аслида Азиздан ҳам кўра ўзининг куёвига тегишли эди.

Салдан кейин Маҳамат чатоқ анча ҳовуридан тушди. «Наҳотки, шу бола шундай?.. Бир балоси бор буларнинг. Аммо-лекин келин бечора очикқина, эпчилгина...» Маҳамат чатоқ Азизларникага биринчи бор тушганидан бошлаб, то шу пайтгача ўртада юз берган воқеаларнинг барини, Азизнинг гап-сўзларигача бир-бир эслай бошлади. «Ҳа, оралари азалдан совуқ эди. Буни ҳў ўша биринчи уйларига келгандаёқ сезганман. Лекин ҳайронман, оталарининг молини талашинишадими?.. Ҳар қалай, Азиз ёшлик қилаётган бўлса керак. Айб Азиздадир...» деган хулосага келди-ю, уни топиб панд бермоқчи бўлди. «Лекин бола-фақир боши оғиб қаерларда юрганикин? Отасиникидамикин? Ҳа, бечора-я!.. Секретарь билан бўлган гапни айтиб, бир кўнглини кўтарай деб келсам, энди буниси чиқибди!.. Баъзи одамлар ўзи шу, сира омади юришмайди... Тўғри деб қилган иши ҳам чалкаш чиқаверади. Ҳар қалай, Азизни топиб, насиҳат қилиш бурчим...»

* * *

Марказий Комитет Секретари чақираётганини эшитганда Расул Оллоёровичнинг таъби обдан хира бўлди. «Ювошгина, ҳеч ерга қўли етмайдиган бола десам, галвадан бошим чиқмай қолди-ку. Индамай юради-да, мана бунақа ишлар қилади. Марказий Комитет Секретари олдида қизаришим керак энди...»

Ер қаттиқ келса, ҳўкиз ҳўкиздан кўргандек, Расул

Оллоёрович ҳам энди айбни бошқалардан қидирарди. «Қаерданам Муҳиддин Жабборовичнинг гапига кирдим?! Анови «бедачи профессор» ҳам умримда эшитмаган гапларни айтиб, обрўйимни уч пул қилди. Нима бўляпти ўзи?.. Ўринсиз ҳақорат соқовни ҳам бурро қилади. Хуллас, яхши бўлмади. Орадан лаънати аттестацияси ҳам лоп этиб чиққанини қаранг. Хойнаҳой, энди ишдан ҳайдашяпти, деб шикоят қилган у. Шу масалани бекор котиб йигитга топширдим. У ҳам ҳадеб кандидатлигини ўртага солавергандан кейин, «ҳа билганларингизни қилинг, унда Қосимов билан ўзингиз гаплашинг», деб адашдим шекилли-ёв!.. Муҳиддин Жабборович ҳам хўп қизиқ одам-да. Гердайдани-гердайдан! Ҳа, нима қилади катталар билан олишиб?.. Э, у олишганда нимасини йўқотарди? Шунисига ишонади. Куйганда мен куйиб қолишим мумкин... Объектив бўлмасанг, ҳаммага бир хил қарамасанг, партия сиёсатини тўғри ўтказолмасанг, нима қилиб ўтирибсан бу ерда сўппайиб, дейишмайдим?! Охири, бари бир, менга тушади. Жанжал бошлаганлар секин четга чиқиб олади. Балога гирифтор — мен. Бошидаёқ, бу академикка эҳтиёт бўлинг, доғули одам, дейишгандия!.. Аслида-ку, шу Қосимов бечорани ҳаддан ташқари қийнаб юбордик. Нима қилсин, боссанг қурбақа ҳам вақ этади. Чатоқ бўлди, чатоқ бўлди. Аммо-лекин ўлгудек муғамбир, ичидан пишган бола экан. Бу ерда «хўп», дейди-да, кўчага чиқар-чиқмас «кимга арз қилсамикан», деб одам ахтаради. Хойнаҳой, анови герой Маҳамат Турдибоевмиди?.. Ҳа, ўшанда бир гап бор. Ўша қиялпти бу ишларнинг ҳаммасини, ўша қиялпти...»

У Муҳиддин Жабборовични чақиртирди. Академик тезда кириб келди-да, Расул Оллоёровичнинг кайфияти пастлигини кўриб:

— Яна нима гап, тинчликми? — деди пичинг аралаш, креслога ёзилиб ўтираркан.

— Тинчлик...

Расул Оллоёрович Секретарь чақиртираётганини айтди. Муҳиддин Жабборович аввалига хиёл ранги ўчди-ю, кейин:

— Яхши, чақирса бораверамиз! — деди худди гапини тишининг орасидан чиқараётгандай энсаси қотиб. Бу Расул Оллоёровичга наша қилиб кетди ва «намунча ўзига бино кўймаса», деб ўйлаганидан:

— Муҳиддин Жабборович! Сал паст тушайлик, мунча осмонга сапчимасак! Суриштириб келганда биз кимиз ўзи? — деди ачитиб.

Муҳиддин Жабборовичнинг Расул Оллоёровичга тикандек қадалган кўзлари бир оз қисилди. Утирган жойида яна ҳам ястаниб олди-да, негадир хў узоққа узатиб юборган оёғининг учига қараб кулди.

— Сиз кимлигингизни эҳтимол билмассиз, — деди ҳамон Расул Оллоёровичга хунук илжайиб, — аммо мен ўзимнинг кимлигимни яхши биламан!

Муҳиддин Жабборовичнинг бу кўрс жавоби Расул Оллоёровичга шу даражада оғир ботдики, ўрнидан туриб кетди:

— Э, домла! Қўйсангиз-чи, олифтагарчиликни! Очиғини айтганда, Қосимовнинг ишида сизнинг ҳам, менинг ҳам, бошқа ҳеч бир кимсанинг ҳам мана бунчаям ҳаққи йўқ! — У жаҳл билан тирноғининг учини кўрсатди. — Билдингизми?!

— Унда нега монографияга авторлик қилиб юрибсиз?

— Хотиржам бўлинг! Аллақачон нашриётга айтганман, китоб фақат Азиз Қосимов номида чиқади.

Муҳиддин Жабборовичнинг ранги қув ўчиб, худди Расул Оллоёровични урадигандай ўрнидан турди.

— Сиз принципи йўқ одамсиз! — деди ва стулларни қасир-қусур суриб, эшикни қарсиллатганча ёпиб чиқиб кетди.

Расул Оллоёрович ўзини муаллифлар қаторидан олиб ташлаб тўғри иш қилганидан мамнун бўлди-ю, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил ҳис этди ўзини. «Э, иш бор жойда хато ҳам бор... Ҳаёт шунчалар мураккабки, ҳозир ҳар қандай авлиё одам ҳам бирда бўлмаса, бирда албатта тояди. Аммо ҳамма гап — ўша хатоларнинг қадрини билишда. Нега биз хатоларни бутунлай, кўр-кўрона инкор этишимиз зарур? Нима, биз осмондан тушган фаришталармизми? Хатодан кўрқмаслик керак. Истаймизми-истамаймизми, турмуш экан, хато бўлади. Инсоннинг фазилати — ўша хатони вақтида тузатиш-да...»

Расул Оллоёрович Марказий Комитет Секретари мабодо шу гапларни сўраб қолгудай бўлса, анча юзи ёруғлигини ўйлаб, Зокир Қўшмоқовга телефон қоқди. Аммо у жойида йўқ эди. Асли Расул Оллоёровичнинг обком бўлим мудирига айтадиган тайинли гапи ҳам йўқ

эди. У шунчаки вазиятни бир билиш учун қўнғироқ қилган эди...

Расул Оллоёрович ўйлаганига мутлақо тескари ўлароқ Марказий Комитет Секретари уларни очиқ юз билан ўрнидан туриб самимий кўришганча кутиб олди. Расул Оллоёрович Секретарни ўз кабинетига биринчи кўриши эди. У ўрта бўйдан сал тикроқ, ҳаракатлари вазмин, суҳбатдошига майин, лекин ғоят диққат билан тикиладиган, сочлари сийрак, юзи қоратўри, ёши элликлардан ошган киши эди. У Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовични столи рўпарасидаги креслога таклиф қилгач, қолганлар ҳам у ер-бу ерга жойлашиш-да, Секретарь ўз ўрнига бориб ўтирди. Кейин столнинг четига қўйилган қудратли сув чиқариш насоси макетини кўрсата туриб, республика пахтачилигининг келажаги, янги ўзлаштирилаётган Қарши чўли, ичидан самосвал машиналар ўтса бўладиган баҳайбат қувурлар орқали пастан сув чиқарилиши, чўгдек ёниб ётган минглаб гектар қақроқ ерлар яқин ўн йилликлар ичида боғ-роғларга, кўм-кўк пахта майдонларига айланишини шу қадар берилиб гапира кетдики... ўтирганлар миҳланиб қолишди. Ҳозир у ерларда неча минг ишчи, мутахассис меҳнат қиляпти? Қанча техника воситалари бор? Қайси участка қачон битади? Фалон минг тонна пахта олиш учун қанча минг куб сув керак?..

Секретарь шуларнинг барини бирон марта ҳам қоғозга қарамай, аниқ рақамларни келтирган ҳолда, худди республика унинг кафтида тургандай, дадил ҳикоя қиларди.

Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборович илгарилари ҳам газеталарда, айрим адабиётларда Қарши чўлининг истиқболини тасвирловчи материалларни кўп ўқишган, аммо бунчалик ўзгаришлар юз бераётганидан бари бир беҳабар эдилар.

Расул Оллоёрович тўсатдан бу ерга ўзларининг нима учун келганларини эслаб қолди-ю, ноқулай аҳволга тушди, ер ёрилмади-ю, ерга кирмади! «Дунёда шундай улуг ишлар амалга ошириляётган бир пайтда... бош қашшишга ҳам вақти йўқ Секретарни овора қилиб... яна нимага денг? Ёш бир олим яратган янгиликни аввалига

обдан қоралаб... кейин тўс-тўс ёқдан тортқилаб, бошига не қунларни солиб...»

Шунча вақтдан бери илмий кенгашдан олиб, илмий кенгашга қўйиб, бутун институт ходимларининг бошини қотириб юрган масалалари Расул Оллоёровичнинг назарида ҳозир шу қадар бачкана, гариб, кулгили туюлдики, изза бўлганидан ҳатто юзларигача ловиллаб кетди. «Бутун республикани, миллионлаб меҳнаткашларнинг тақдирини, Ўзбекистоннинг бундан ўн, йигирма йил кейинги истиқболини ўйлаб, шу муаммоларни ечиб ўтирган одамни шунчалик майда, тутуриқсиз жанжалга қозилик қилишга мажбур этиб... Расул Оллоёровичнинг ўзи сал қаттиқ турса тинчийдиган арзимас бир иш билан унинг бошини қотириб... Ахир, буни нима дейиш мумкин? Хўш, унда нима учун уни шундай даргоҳга директор қилиб қўйишибди? Шу ўлармонликни ҳам бир ёқлик қилолмаса... бунинг устига ҳалигиндай иш қилиб ўтирса! Тағинам замон яхши, тағинам раҳбарларнинг феъли кенг, сабр-тоқати чексиз...»

Секретарь республикада юзага келаётган катта ўзгаришларни аллақандай гурур, кўтаринки руҳ билан сўйлади. Кейин гўё ўз фикрига яқун ясагандай, ўрнидан туриб:

— Ўзбек диёрининг саховати улуг, — деди «Ўзбекистон харитаси» ёнига келаркан. — Аммо энг ноёб бойлигимиз — пахта. Пахта — фахр-ифтихоримиз, умумиттифоқ маъмурчилик дастурхонига кўшадиган асосий ҳиссамиз. Аммо ўзларингизга маълум, йил сайин пахта майдонларини кенгайтириш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига сув ресурсларимиз тобора камайиб боряпти. Шунинг учун ҳам биз келажакда Сибирь дарёларидан сув олишимиз мумкин. Ҳозирча сувнинг ҳар томчи, ҳар қатрасини тежаб ишлатишимиз керак. Кўраяпсизларми, қанчалар оламшумул воқеалар айна сиз билан биз яшаётган ҳозирги кунда замондошларимизнинг кучи ва қудрати билан бунёд этиляпти. Бундан ҳам зўр фахрли иш бўлиши мумкинми?

Секретарь сал четроқда ўтиришган Марказий Комитет қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Машарипов билан обком бўлими мудири Зокир Қўшмоқовга қараб қўйди-да:

— Муҳиддин Жабборович, — деди бирдан академикка юзланиб. — Шогирдларингиздан бири вилтга чидамли янги пахта навини яратибди. Тўғрими?

Муҳиддин Жабборович боядан бери қошларини чи-
мириб терсайганча ўтирарди. Ҳатто оёқларини чалиш-
тириб, тиззасини кучиб олган; Расул Оллоёрович «бун-
дай қилманг», дегандай бир-икки кўз уриштириб ҳам
қўйди — бари бир фойдасиз. Муҳиддин Жабборович шу
ерда ҳам Азиз Қосимовдан нолиётган эди. «Уша гала-
мисни деб, қирқ йил пахтачиликни елкада кўтариб кел-
ган мендек одамни сўроқ қилишмоқчи...» У «қачон гап
келаркан менга... бир узиб оламану кейин кетавераман,
осмон қўлларида бўлса, ташлаб юборишар, кўркмай-
ман», деб ҳезланиб ўтирганди. Секретарнинг саволидан
кейин:

— Ҳа, — деди димоғ билан. — Ўн йилдан бери бир
арзимаган ишни судраб юриб-юриб... охири ҳаммамиз-
ни бошимизни галвага кўмиб ташлади, маломатга қоп
кетдик... Ўн йилдан бери... ўн йил-а!

— Ҳар қалай, ўн йил судраса ҳам натижа чиқибди-
ку?

Секретарнинг бу фикрига Муҳиддин Жабборович
дарров эътироз билдирмоқчи эди, у:

— Айтиб қўяй, агар тагин муддати ҳақида баҳс оч-
сангиз, муҳими бу эмас, тўғрими? — деди. — Шу
фикримга қўшиласизларми? — Ҳамма бош ирғаб
Секретарнинг гапини маъқулласа ҳам Муҳиддин Жаб-
борович серрайиб тураверди. — Муҳими, янги нав
кашф этилгани, ўртоқлар! Мен сизларга республика-
мизнинг яқин келажагини, халқимизнинг фидокорона
меҳнатини қисқача сўзлаб бердим. Энди сиз олимлар-
га ҳам талабларимиз катта. Бизга янги навлар керак.
Вилт, ахир, бир кунда ўзидан-ўзи пайдо бўлмади.
Унинг шу даражага чиқишида сўзсиз объектив ва
субъектив сабаблар ҳам бор, лекин бош айбдор — сиз
селекционерлар. Буни очикчасига тан олишимиз ке-
рак. Кимки, ўзидан бошқани кўрмай, фақат ўз ишига
маҳлиёлик касалига йўлиқдимиз, у агар ҳар қанча но-
дир талант эгаси бўлган тақдирда ҳам бари бир
ҳаётдан орқада қолади. Чунки ҳар даврнинг ўз
қаҳрамонлари, ўз муаммолари бўлганидек, ҳамиша
универсаллигича қоладиган кашфиёт ҳам йўқ. Пахта-
чиликда, селекциячиликда ҳам худди шундай: кўриб
турибмизки, универсал навлар йўқ. Шунинг учун ҳам
бу соҳадаги изланишлар бир дақиқа ҳам
тўхтатилмаслиги, бўшаштирилмаслиги керак. Фан
ҳамиша олдинда юриши зарур. Акс ҳолда, мана шун-

дай табиат офати қаршисида чорасиз бўлиб ўтираве-
рамиз. Кўриб турибсизлар, вилдан ҳозир деҳқоннинг
тинкаси қуриган. Қанча меҳнат, қанча-қанча пешона
тери зое кетяпти. Сизлар ишлаётган ва бошқараётган
илм муассасасида эса майда гапларга ҳам, майда иш-
ларга ҳам мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Фанда
майда-чуйдага ўралашиб қолиш — катта хавф... Биз-
даги маълумотларга қараганда, ўртоқ Қосимов яратган
янги нав вилтга чидамли, ҳосилдор, тезпишар. Шун-
дайми? — Секретарь Расул Оллоёрович билан Му-
ҳиддин Жабборовичга қаради. Расул Оллоёрович ўша
заҳоти бошини лиқиллатиб, Секретарнинг фикрини
маъқуллади. Муҳиддин Жабборович эса қовоғи уйи-
либ:

— Бу янги нав эмас, шуни алоҳида таъкидламоқ-
чиман, — деди ва Секретарга гинахон бир қараш
қилиб, гапида давом этди: — Янги нав эмас! Нима
учун? Шунинг учунки, ваҳоланки, чатиштириш пай-
тида оналик сифатида биз яратган навдан фойдала-
нилган... Яна... бу иш Чинозда ҳам синаб кўрилган...
синаб кўрганмиз...

— Хўш, хўш?

— Демокчиманки, бу осмондан тушган нав эмас,
янги нав ҳам эмас. Бизнинг мавжуд, қирқ йилдан бери,
сиз айтган республика пахтазорларида тўхтовсиз экилиб
келаётган чигитимизнинг жиндек ўзгартирилган нусха-
си, холос. Ваҳоланки, шундай экан, қандай қилиб у
Қосимовнинг иши бўлади?! Ахир, фанда кооперация
деган қонун бор.

Секретарь мийиғида кулди-да:

— Биламиз, биламиз. Маркснинг фикрини келтир-
моқчисиз, — деди. — Илгари ҳам айтган экансиз.
Лекин унда сизга битта саволим бор, Муҳиддин Жаббо-
рович. Ўша бир вақтлари сиз яратган, довруғи оламга
таралган навингиз учун ҳозир ҳам сизга мингдан-минг
раҳмат айтамиз. Ўша «Ф» навига оталик ва оналик
сифатида қайси ғўзаларни ишлатгансиз? Нега унда сиз-
га Ячевский билан Зайцевлар шерик бўлмаган? Сиз ҳам
ахир, уларнинг маданий навларидан фойдалангансиз-
ку?..

— Бу бошқа гап, — деди тўнғиллаб Муҳиддин Жаб-
борович, тузукроқ жавоб тополмай.

— Ҳаммадан кутсак ҳам, — Секретарь яна ўрнига
бориб ўтирди, — сиздан кутмагандик, Муҳиддин Жаб-

борович! Сиздан кутмагандик! Сиз қилаётган даъво Маркс айтган кооперация масаласига мутлақо ёпишмайди. Яхшиси ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитманг. Сизнингча фикрланадиган бўлса, унда «ТУ», «ИЛ» конструкторлик бюроларида ҳам минг-минглаб одамлар ишлайди, демак, улар ҳам ўз номларини ёзишлари керак экан-да, ҳар бир самолётга? Нима деяётганингизни чуқурроқ бир ўйлаб кўринг, Муҳиддин Жабборович. Вилтга чидамли навни бир соат олдин жорий этсангиз ҳам сизга катта раҳмат деймиз ҳозир. Сизлар бўлсангиз, йўқ авторликни даъво қилиб, битган ишни ҳам тўсиб ётибсизлар! — Секретарь тагин ўрнидан турди, паркет полни қисирлатиб бир-икки қадам босди-да, шахд билан тўхтаб, энди анча зардали гапира бошлади: — Керак бўлса, бизда ҳамма маълумотлар бор, ўрганиб чиқдик... Бу иш янги бошланган пайтда сиз ҳам, сиз ҳам! — У шундай деб аввал Муҳиддин Жабборовичга кейин Расул Оллоёровичга қўл силтади, — ўртоқ Қосимовга тўғаноқ бўлгансизлар. Ёш олимни рағбатлантириш, унга далда, кўмак бериш ўрнига «бундан ҳеч нарса чиқмайди», деб юрагидаги орзусини ўлдиргансизлар. Энди соавтор эмишсизлар! Йўқ, бизда бировнинг ҳақини биров юлиб кетолмайди! Биз бунга йўл қўймаймиз!.. Сизларга обкомнинг сўзи ўтмаса, Марказий Комитет бўлимига қулоқ солмасанглар! Бу нима деган гап?! Бурунги хизматлар — бурунги! Аввало унга ҳамиша муносиб бўлиш керак. Олға юришга халақит берган одамни аввалги хизматлари ҳеч қачон сақлаб қололмаган. Коммунистнинг бирдан-бир имтиёзи — ҳалол меҳнат. Бунинг унутган одамни ҳаётнинг ўзи четга итқитиб ташлайди!

Секретарь полни гарч-гурч босиб, яна жойига бориб ўтирди. Муҳиддин Жабборовичнинг юзи ҳамон серраганча қотган, Расул Оллоёрович эса ерга қараб олган эди.

— Сизлардан илтимос, — деди Секретарь кутилмаганда юмшаб. — Бориб, яхшилаб ўйлаб кўринглар, агар сизлардан камчилик ўтган бўлса, ҳечқиси йўқ — бўйинга олсанглар, қайтага обрўйингиз камаймайди, ошади. Ҳақиқат, бари бир, эртами-кечми қарор топади! Мана сизлар қадрига етмаган ишни биз Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясига тавсия этишни буюргандик. Улар олинган натижаларга жуда ҳам қизиқиб қарашяпти. Бир ойдан бери қўшимча материал тўпла-

япмиз. Буни кўп мутахассислар Давлат мукофотига лойиқ иш деб баҳолашяпти. Шуларнинг бари сизлар сарсон қилиб юрган ёшгина бир йигитнинг иши!

Секретарь бир оз тин олиб, кейин: «Бошқа гаплар йўқми?» дея сўради. Ҳеч ким индамагач, «бўпти, сизларга жавоб», деди Муҳиддин Жабборович билан Расул Оллоёровичга ишора қилиб, Муҳиддин Жабборович ўрнидан тураётиб, ҳамон ўжарлигини қўймай:

— Мен бари бир ўз фикримда қоламан, — деди тўнғиллаб. Расул Оллоёрович ўрнидан турган жойида унга ўқрайиб қаради.

— Марҳамат, — деди Секретарь Муҳиддин Жабборовичга ҳам жиддий, ҳам босиқ назар ташлаб. — Биз ўз бурчимизни адо этдик, сизни бир неча бор огоҳлантирдик. Коллективингизда одамлар ҳам норози сизлардан. Айниқса, ёшлар норози. Устларингиздан Комсомолга ҳам ариза тушган. Расул Оллоёрович, нима учун партия ташкилотининг секретари йўқ?

— Ўртоқ Бобоқулов касал ётибдилар.

Секретарь «ҳа тушунарли», деди. Машарипов ва Зокир Қўшмоқовни қўл имоси билан кабинетда қолдириб, олимларга рухсат берди. Улар чиқиб кетишгач, Секретарь:

— Кўриниб турибди, — деди ўйчан бир қиёфада деразадан ташқарига қараб. — Гап қайтармайдиган «хўп-хўп»чи одамни партия ташкилотига секретарь қилишган булар. Партиявий иш бўшашиб кетганини сезяпсизларми? — Машарипов ҳам, Зокир Қўшмоқов ҳам бу гапни ўзларига айтилаётган ўринли таъна деб қабул қилдилар. Секретарь худди буни сезгандай: — Пахта — бизнинг сиёсатимиз, ўртоқлар! — деди. — Шу боисдан, пахта билан шуғулланувчи муассасаларнинг партия ташкилотчилари, биласизларми, қандай бўлишлари керак!.. Бу — бизнинг камчилигимиз, дўстлар...

Охири Секретарь буларга ҳам жавоб бера туриб, яна ўйчан қиёфада, ҳойнаҳой, миясига боя келган фикрини давом эттирди:

— Катта масалаларда одамни билиш қийин, чунки у ўзини қандай тутишини ўрганиб олади. Одамнинг ҳақиқий башараси майда масалаларда билинади... Институт партия ташкилоти фаолиятини яхшилаб ўрганиш керак. Баланс мартабалар ҳадеб уни пёш қилиш, янгилик йўлига тўғоноқ бўлиш учун берилганмас. Уни халқ берган, керак бўлса — тортиб ҳам олади!

Азизнинг яккалиги айниқса Янги йил арафасида билиниб кетди. Буниси ҳам майлийди-ю, лекин кеча институтга Маҳамат чатоқ келиб, Азизни топиб, таъби-ни анча хира қилгани ўтиб тушди. Одатдагича Шорасул икковлари ўтиришган эди, кимдир эшикни очиб, бо-шини суққандек бўлди-да, ёпиб қўйди, кейин яна очи-либ, Маҳамат чатоқ кириб келди. Устида ишга кияди-ган кулранг матодан тикилган эски халат-шими, оёғида жигарранг брезент этик. У шаҳарга тушганда бошқача-роқ кийинарди, ҳозир шошиб турган шекилли, деҳқон-часига эски-тускисини илиб келаверибди. Азиз «ие, Маҳамат ака, келинг, келинг», деб икки қўлини узат-ганча унга пешвоз турди. Аммо Маҳамат чатоқнинг шашти пастроқ эди. Азиз буни ўзича тушуниб: «Хў, айтган гапларидан натижа чиқмаганга ўхшайди», дея ўйлади. Маҳамат чатоқ Шорасул билан ҳам кўришди, Азиз кўрсатган стулга омонатгина ўтириб:

— Ишлар қале-ей? — деди дабдурустдан Азизга қаттиқ тикилиб.

Азиз бу киноямуз сўроқдан ўнғайсизланиб, «тузук», деб қўя қолди. Маҳамат чатоқ ҳозиргина кирган бўлса ҳам ўрнидан туриб Шорасул билан хайрлашди-да, Азизга юзланиб:

— Мумкин бўлса, бир минутга ташқарига чиқсан-гиз, — деди ўта расмий тарзда. Азиз ажабланганча унинг изидан эргашиб, институт ҳовлисига ўтди. Четроқдаги газета дўкони ёнига бориб тўхташди. Ўтган-кетганлар Маҳамат чатоқни танимагани учун: «Ким экан бу?» — деб унга қизиқсиниб қарар, Азиз эса кўзлари жавдираб, Маҳамат чатоқдаги тундликнинг са-бабини билолмай ҳайрон эди.

— Мен сизни тилло йигит деб юрсам... — Маҳамат чатоқ аччиқ кулимсиради. — Шунча иш қилиб, бир оғиз айтмайсизам!

— Нима деяпсиз, Маҳамат ака, ўлай агар, тушунма-япман.

— Ўзингизни гўлликка солманг. Нега келинни хафа қилдингиз?

Азиз, «ия, шуми?» дегандай енгил бир хўрсинди-ю, энди оғиз жуфтлаган эди, Маҳамат чатоқ уни гапиртир-мади:

— Сизга буёқдаги жанжаллар каммиди ўзи?! Тушун-

май қолдим, сизда ҳам айб кўпга ўхшайди. Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилишини биласизми? Хотин кишини хафа қилган одам — номард одам! Эркак деганнинг сал оғирроғи тузук! У бечоралар уйда ўтиравериб қон бўп кетишади, сиз эса куни билан кўча хандон юрасиз. Бир гапдан қолсангиз — осмон узилиб ерга тушмас!..

Азиз Маҳамат чатоқ танбеҳининг асл сабабини билар: у хаёлида бахтсиз қизи Муборакнинг қисматини ўйлай туриб, аёлларга бу қадар ачиниб қайғураётгани аниқ эди. Аммо юрагини зулукдек сўриб ётган аччиқ ҳақиқатни унга айтишга Азизнинг тили лол. «Қандай айтсин унга?! Нима, «хотиним бузук», дейдими? Қайси бет билан айтади?! Битта Маҳамат чатоққамас, ҳеч кимга... ҳатто қийин-қистовга олишганда ҳам оғиз очмайди! Ажралишган тақдирларида ҳам бутун айбни ўзига олса, оладики, аммо баъзи одамларга ўхшаб бу шармандагарчиликни судда пеш қилмайди! Номус-ку бу, ахир?!»

Азиз шуларни ўйлаб изтироб чекаётгани учун Маҳамат чатоқ паст тушди. «Эҳтимол, бу бечорада айб йўқдир, бекорга унинг дилини сиёҳ қилаётган бўлмайти тагин», деган фикр миясига келди-ю, чурқ этмай қолди.

— Шунга овора бўп келдингизми, Маҳамат ака?..

Маҳамат чатоқ Азизнинг ғамгин қиёфасига тикилганча, эр билан хотиннинг мақсад-интилишлари бир ёки бир-бирига яқин бўлиши дунёдаги энг нодир бахт эканлигини ўйлар эди. Кўпгина оилалар ўзларини ўтга-чўққа уриб, ораларидаги ўша дарзни йўқотишга уринсалар ҳам бари бир бундан натижа чиқмайди. Чунки уларда бир-бирига яқинлик, чинакам муҳаббат йўқ...

Маҳамат чатоқ энди Азизга ачиниб қарай бошлади. Кейин елкасига қўлини қўйиб:

— Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади, Азизжон, — деди. — Ўзларинг биласизлар. Мен сизни бир кўриб ўтай, деб уйингизга киргандим бундан бир ҳафта олдин. Борсам, йўқсиз. Келин бирам йиғлади, бирам йиғладики... юракларим эзилиб кетди. Нима бўлди ўзи сизларга?

Маҳамат чатоқ Азизнинг жавобини кутди. У индамай туриб-туриб, охири:

— Э, сиз бошингизни қотирадиган иш эмас, арзимайди! — деди қўлини силтаб.

— Нега арзимас экан? Мен ким бўлман жуда! Битта

оиланинг тақдири, гулдай фарзандингизнинг тақдири — арзимайдиган гапми шу?! Бу турмушда нималар бўлмайди, ука! Эҳ-ҳе!..

Маҳамат чатоқ ҳар қанча суриштирса ҳам бари бир Азиз уйдан кетганининг сабабини айтмади. Шундан кейин у Азизга анча насиҳат қилди: «Кўйинг ука, энди бола эмассиз. Мен сизни азбаройи ўғлимдек кўрганимдан гапиряпман, сизга қараганда анча кўйлакни ортиқ йиртганим учун гапиряпман. Мени десангиз, уйга қайтинг...» Кейин у Азизни синамоқ ниятида:

— Ё ўзим обориб қўяйми? — деб унинг жавобини кутди.

Азиз ўша заҳоти бош чайқади:

— Йўқ, Маҳамат ака, шу пайтгача қачон мен сизнинг гапингизни қайтарувдим, лекин бу гал қайтараман, бари бир бўлмайди...

Маҳамат чатоқ елкасини қисди. Орадаги ўнғайсизликни кўтариш мақсадида ишларини суриштирди. Азиз энди анча чиройи очилиб, кандидатлигининг биринчи нусхасини битиргани, ҳозир баъзи жойларини кўраётганини, Янги йилдан сўнг домлаларига бермоқчилигини айтди. Маҳамат чатоқ хийла енгил тортгандай бўлди. Аммо Марказий Комитет Секретари ҳузурига кириб, Азизнинг иши билан атайлаб учрашиб чиққанини эса айтмади...

Шу билан Маҳамат чатоқ хайрлашиб жўнади-ю, олатасир одамлиги учун кейинги кунларда Азиздан ранжиб юрганини шу ернинг ўзидаёқ унутгандай бўлди. Лекин Азизга эса туриб-туриб алам қила бошлади. Айниқса, Маҳамат чатоқнинг «сизда ҳам айб кўпга ўхшайди... хотин кишини хафа қилган одам — номард одам», дегани қулоғи остидан ҳамон кетмас, худди миясини тўхтовсиз пармалаётгандек юраги сиқиларди. «Эҳ, бу одамзодни тушуниб қийин экан... «Йўқ, бу ёлғон! Аслида мана бундай», деб баралла айтолмайсан кўп нарсаларни... Ахир, инсонлигимни, йигитлигимни, номусим, гуруримни шунчалар поймол этган аёл билан қандай қилиб бирга яшайман?! Сўққабош ўтганим яхши эмасми?!»

Азиз Маҳамат чатоқ билан хайрлашиб, бамисоли ярасига яна қайта туз сепилгандай изтиробга тушиб, хонасига қайтаркан, коридорнинг ўртасига етганда орқадан биров: «Азизжон, Азизжон», деб чақирди. Қараса: Маҳамат ака, «Ие, бирор гапи эсидан чиқиб-

дими», деб изига қайтди. Маҳамат ака уни қўлтиқлаб олди-да, яна ташқарига олиб чиқди, зинадан йўлгага тушишгач:

— Бари бир чидолмадим! — деди негадир Азизнинг тирсагидан ушлаб. — Машинага ўтирган жойимда кўз ўнгимга келди келин бечора. Беҳзод келди кўз ўнгимга. Кўйинг, бу аҳмоқгарчиликни ташланг! Айб сизда!

Маҳамат чатоқнинг ҳозиргина индамай кетиб, энди суриштирмай-нетмай Азизга «айб сизда» дегани шу қадар алам қилдики унга, лаблари титраб кетди ва Маҳамат чатоққа ўкинчли нигоҳ билан тикилиб:

— Йўқ! — деди дағал товуш билан. — Айб мендамас! Ишонинг, мендамас, ахир! — Азиз хўрлиги келиб юзини четга бурди.

Маҳамат чатоқ гапнинг бунчалик кескинлашиб кетишини кутмаганидан сал шошди. Азизнинг ҳозиргидек дарғазаб ҳолати ва оғзидан тупук сачратиб гапирганини у биринчи кўриши эди. Шу сабабдан бирдан хаёли қочиб, нима дейишини билмай қолди.

— Ҳамма менга насиҳат қилади! — Азиз ердан кўз узмай гапираётган бўлса-да, ҳамон газабда эди. — Айтинг, Маҳамат ака, нима қилай мен?! Нима қилай?! Нима қилсам тўғри бўлади, айтинг, Маҳамат ака! Сиз ҳам «айб сенда» дейсиз! Айтинг, нима қилай? Ўзи бу ёқда-ку... ҳар куни бошимда тегирмон тоши юргизиб ётишибди... — Азиз тагин юзини четга буриб, қилт этиб ютинди.

— Нима?! Нима деяпсиз?! — Маҳамат чатоқнинг кўзлари чақчайиб, жаҳл билан Азизнинг елкасидан ушлаб ўзига қаратди. — Ҳали ҳам қийнашяптими, а? Ростданми шу? Қани, кўрсатинг уларни менга! Кўрсатинг!

Энди Азиз шошиб қолди, ишқал чиқмаслиги учун Маҳамат чатоқни юпатишга ўтди:

— Йўқ, йўқ, кўйинг, кирманг, — деди у деярли ялиниб. — Кирманг, Маҳамат ака, илтимос сиздан.

— Э, боринг-е! Афтингизни бир қаранг! Садқаи одам кетинг-е! — Маҳамат чатоқ шундай деди-ю, силтанганча бурилиб, институт биносига кирди. Лекин остонадан ўтиши билан ўзига-ўзи: «Ҳой, Маҳамат, ўзингни бос, шайтоннинг измига кирма, ўзингни бос... Ҳар қандай гапниям босиқлик билан гапирса бўлади, ўзингни бос», дея тергай бошлади, аммо газабидан юзлари қизиб кетган эди. Рўпара келган бир аёлдан: «Профес-

сор Жабборов қаерда ўтиради?» деб сўради; аёл орқасига қайтиб, Муҳиддин Жабборовичнинг кабинетини кўрсатиб қўйди. Маҳамат чатоқ зарб билан эшикни очди. Хонага кириб, номига: «Мумкинми?» деди кесатиб. Муҳиддин Жабборович нимадир ўқиб ўтирган эди. У Маҳамат чатоқни кўрганда аввалига ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқай деди-ю, бироқ ўша заҳоти бу фикридан қайтди, ўтирган жойидан қимирламади.

— Келинг, келинг, — деди ва столи олдидаги креслони кўрсатди. Маҳамат чатоқ «раҳмат» деб ўтирди-да, домлага бошдан-оёқ синовчан назар ташлаб чиқди. Бундан Муҳиддин Жабборович ўнғайсизланиб, «марҳамат, қулоғим сизда» дегандай ҳаракат қилди.

— Ҳа, домла, камнамосиз жуда биз томонларда! — Маҳамат чатоқ шунча ўзини босаман деса ҳам, бари бир ачитиб олди.

Маҳамат Турдибоевнинг бетакаллуф кириб келиб, ўзига қўпол муомала қилаётгани Муҳиддин Жабборовичнинг нафсониятига тегиб кетди, ўтирган жойида у ҳам «хўш, нима демоқчисиз» дегандай қимти-ниб қўйди ва:

— Адвокатликка келишингизни билардим, — деди ачитиб. — Қулоғим сизда, хизмат?

— Адвокат деб мени сийламай қўя қолинг, кўнглингиздагини билиб турибман: даллол деяверинг. Айтаверинг, хафа бўлмайман!

— Даллолми, адвокатми, бу, ваҳоланки, масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Эшитаман, гапингизни айтинг, вақтим зиқ...

Маҳамат чатоқ Муҳиддин Жабборовичнинг бу гапини «тур, жўна» деган маънода тушунди-да, баттар дарғазаб бўлиб:

— Ўртоқ Жабборов! — деди ўдағайлаб. — Азиз бечорани нега қийнайсиз-а? Шундай обрўли, шундай номдор одам, келиб-келиб тенгингиз шу Азиз бўлдими?!

Муҳиддин Жабборович ўрнидан турди:

— Э, Маҳамат ака, ким айтди ўзи сизга менинг тенгим ўша деб? Ким айтди?! У боланинг қувлиги ҳам, ваҳоланки, шумлиги ҳам шундаки... ҳаммани алдайди, ҳаммани лақиллатади! Мана сиздай одамни ҳам йўлдан урган у! Лақиллатган!.. Ундан кўра ўзининг баднафслигини, беш қўлини оғзига тикқанини гапирсин! Бутун коллектив қилган ишни, ваҳоланки, бир ўзим қилдим деб...

Маҳамат чатоқ ортиқ чидолмади:

— Ҳа, ахир, яқингинада бу гап йўқ эди-ку?! Азиз-жоннинг пахтасини кўриб, «э, бу оламшумул янгилик-ку», деганингиз эсингиздами ишқилиб? Энди бу қанақаси? Ўшанда ҳам шу оғзингиз билан гапиргандингизми?!

Муҳиддин Жабборович Маҳамат чатоқнинг бу аччиқ гапидан қизишиш ўрнига кулимсиради, жойига бориб ўтирди, яна заҳарханда илжайиб, бошини сарак-сарак қимирлатди.

— Ахир, Маҳамат ака! — деди у бутун гавдаси билан столига энгашиб, — мен сизнинг бригадангизга бориб, «мана бу ишларингиз нега бундай», деб тиқилинч қилаётганим йўқ-ку?! Сиз қаёқдан биласиз, ваҳоланки, биздаги масалаларни? Фанда шундай... бир ишни айни бир вақтнинг ўзида бир неча киши... ваҳоланки, бир-бирини билмаган ҳолда текшириши мумкин...

Маҳамат чатоқ ҳафсаласи пир бўлиб ўрнидан турди, Муҳиддин Жабборовичнинг: «Ўтиринг, ўтиринг, гапимни охиригача эшитинг», деганига ҳам қарамади.

— Адашмаган эканман! — деди Муҳиддин Жабборовичга нафрат билан тиқилиб. — Адашмаган эканман! Сизни тепага чиқиб олиб, ортиқча дариллаган варракка ўхшатгандим, адашмаган эканман! Энди думингизни тортиб, пастга тушириб кўйиш қолибди! Уйлайсизки, ҳаммани букиб олганман, истаганимни қиламан, а? Йў-ўққ! Сизни ҳам букиб кўядиганлар бор! Хайф сизга шунча иззат-ҳурмат! Сиз соб бўлган одамсиз! Сиз энди яхшиликка ярамайсиз! Қариганда қармоққа илинган одамсиз! Сиздан яхшилик чиқмайди энди!

Маҳамат чатоқ ўтирган креслосини қарс-курс орқага сурди-да, энди деярли бақирганча эшикка қараб йўл олди:

— Хайф сизга шунча иззат-икромлар! Хайф!..

Муҳиддин Жабборович бу жанжални ташқаридагилар эшитиб қолишидан кўрқиб:

— Маҳамат ака, кулоқ солсангиз-чи, ҳой, Маҳамат ака! — деганча қолаверди.

Маҳамат Турдибоев шу бақирганича бориб эшикни очди ва уни синдириб юборар даражада қарсиллатиб ёпди. Дарвоза олдига борганда негадир яна орқасига қайтди-да, Азизларнинг эшигини очиб кўрди. Хонада Азизнинг бир ўзи эди. У Маҳамат чатоқни кўриши билан ўрнидан турди. Аммо Маҳамат чатоқ кирмади, Азизга

ҳам бир ўқрайиб қаради-ю, бу эшикни ҳам қарсиллатиб
ёпганча кетаверди. Азиз баттар хижолат бўлди...

* * *

У ўзини ҳар қанча дадил тутишга уринмасин, бари бир бу иш қўлидан келмасди. Унга ҳатто энди Маҳамат чатоқнинг куйиб-пишишлари ҳам, ўзини гаровга қўйиб унинг ёнини олишлари ҳам аллақандай малол келаётганга ўхшар эди. Оилавий ҳаёти остин-устун бўлганига эса ҳалиям туриб-туриб ишонмас, аммо айни замонда аччиқ ҳақиқатдан қочиб қаерга ҳам борарди?! У Салтанат билан жанжалларини эсларкан, назарида бутун умри фақат дилсиёҳлик билан ўтгандек туюлар, хотини туфайли бахтсиз бўлганини ўйлаб, баттар ўзига-ўзи раҳми келар эди... Қанчалар иштиёқ билан киришган илмий ишига ҳам ҳозир қўйиб берса, қўл ургиси йўқ. Ахир, яқиндагина ёзувчилар боғида ғайрати жўшиб ишлаб юрган кезлари дунёдаги энг бахтли одамларнинг бири мана шу Азиз эди! Ўзида тоғни ҳам йиқитиб ташлайдиган мислсиз қудрат сезарди! Орадан қанча вақт ўтди ахир? Наҳотки, инсон тақдири шунчалар бесубут, беқарор бўлса?! Мана, энди Азизга ҳеч нарса татимайди! Ҳеч нарса! У бир жиҳатдан хотинига нисбатан беқиёс ғазаб ўтида ёнса, иккинчи томони, ундан биратўла кўнглини узиб ҳам кетолмайди. У раҳмдил, кўнгли бўш бир кимса бўлгани учун ҳам масалани баъзи бир одамлардек шарт-шурт ҳал қилиб ташлаёлмайди. У ҳамон Салтанатга нисбатан юрагида кучли бир боғлиқлик сезади, шундан ҳеч нарса ёқмайди. Шундан юраги ўзидан-ўзи зирқираб оғрийди... Шундан бўлса керак, сабзавотдан келганининг эртасигамиди, якшанба куни шаҳар айланиб юрди-юрди-да, беихтиёр, ўзи ҳам билмай Бешёғочга, Комсомол кўлига қараб кетди. Истироҳат боғининг кунгурадор пештоқли баланд дарвозасидан кираётгандаёқ юраги орқасига тортди. Ўша боғ, ўша қўл. Бундан ўн йил бурун қандай бўлса, шундай турибди. Азизнинг назарида фақат сал кичрайиб қолгандек. У дарвозадан кириб, ўнг томондаги йўлқадан кета бошлади. Ҳаммаёқ шипшийдам, очиқ, йўлкалар тўла хазон. Деярли одам кўринмайди, унда бунда хизматчилар хазон супуриб юришибди. Иккита йўлка кесишган жойда, бурчакка, катта акация дарахти тагига қўйилган скамейкага бирдан Азизнинг кўзи туш-

ди-ю, юраги орзиқиб кетди. «Наҳотки, ўша скамейка бўлса?» деди ва бориб ушлаб, пайпаслаб кўрди. Ҳа, ўшанга ўхшайди... У йигитлик чоғини эслаб, баттар хомушланди. У пайтлар баҳор фасли эди. Азиз Салтанатни кинога таклиф қилиб, кейин шу кўлда кечгача қайиқда сузишган, мана шу акация панасида Азиз биринчи бор Салтанатдан ўпич олган эди. Мана шу дарахт, шу йўлка, шу соҳил уларнинг илк муҳаббатига биринчи гувоҳ бўлган эди... Мана энди ҳаммаси ўша-ўша: ўз ўрнида қотиб турибди, гўё орада ҳеч нарса юз бермагандай... Эҳтиросу куйишлар, бахтдан энтикишлар, рашк ўтида ёнишлар... гўё шуларнинг биронтаси ҳам бўлмаган...

Азиз атрофга разм соларкан, боғнинг аллақандай тантанавор, совуқ хўмрайишидан этлари жунжикиб кетгандай сизди ўзини. «Ҳаммаси унутиларкан. Ким билан кимнинг иши бор бу жаҳонда! Бари унутиларкан... У пайтлар баҳор эди, ҳамма нарса жонланган, туғилиш, яралиш мавсуми эди. Мана, энди куз... Наҳотки, умримнинг якуни ҳам шундай бўлса?!»

Азиз скамейка тепасига энгашган симёғочга қаради. «Ўшанда неон лампочкалари ёниб турган эди...» Кейин у Салтанатнинг елкасидан кучиб, дарахтзор хиёбонни неча марталаб айланиб чиққанлари, ҳазиллашиб қулогига нималарнидир шивирлаганлари, кўл четида туришганда сувга кесак юмалаб тушиб, дарахтлар орасидан ёғилаётган нурда кўл сатҳи худди қорамойдек ялтираб лопиллаганидан ҳам болаларга ўхшаб энтикиб қувонганларини эслади-ю, хотиралар аламига чидолмай шарт орқасига бурилди-да, боғдан чиқиб кетди...

Неча кундан бери унинг на тузукроқ бир қувонмаётгани, на тузукроқ бир хафа бўлмаётганининг сабаби ҳам шундан... Ҳатто райкомдан партияга қабул қилиш учун битта анкета берилган экан, аввалги келишувга биноан уни Азиз Қосимовга тўлдиришни мўлжаллаганларида орага яна Муҳиддин Жабборович аралашиб: «У хотинини ташлаб кетган паст одам... бундай эгоист партияга лойиқмас», деб анкетани Шорасулга бердириб юборибди. Азиз шуни эшитганда ҳам унақа илгаригидай тутақиб юрмади; гўё бадани сезги қобилиятини йўқотгандай, кўл силкиди-қўйди.

Лекин ишдан кейин автобусда қишлоққа қайтаётганида, бу гап тагин эсига тушди-ю, қаттиқ ранжиди. Маҳамат чатоқни эслади... Кейин автобусдан ташқа-

ридаги зим-зиё қоронгиликка, деразага шарт-шурт ури-лаётган изғирин аралаш ёмғирга термилганча, енгил уст-боши ва пойабзалини ўйлаб бораркан, тўсатдан оғзида қандайдир бемаза таъм сезди-да, қўнгли айна-ётганга ўхшади. Дарров сергакланиб, ўзига-ўзи қулоқ сола бошлади. Кейин ҳеч ери оғримагани ҳолда худди ўласи қилиб калтаклагандай аъзойи бадани бирдан бўшашди, ўтирган жойида баттар ваҳимага тушиб, атро-фидагиларга билдирмай чуқур-чуқур нафас ола бошла-ди... Чап кўкраги ачишиб-ачишиб турди-да, кейин қаттиқ санчди. У юрагини ушлаганча, оғриқнинг зўридан «вой» демоқчи эди, ҳатто шуниям айтолмади... Автобусдаги йўловчилар бирдан ҳайҳайлашиб, кимдир шоша-пиша оғзига ўткир таъмли тугмачадеккина дори солди, «тилингизга босиб шиминг» деди ва елкасидан ушлаб турди. Чиндан ҳам Азиз салда ўзига келди, юра-гидаги санчиқ пасая-пасая, охири тинди. Тепасидаги — дори берган жуссадор, сочлари оппоқ рус кампир си-новчан нигоҳ билан унга кулиб қаради-ю, «бўш кел-манг, ўғлим», дегандай бош ирғаб қўйди. Азизнинг тер-лаб кетган пешонасини артиб:

— Ўғлим, илгари ҳам шундай бўлгансизми ёки би-ринчи мартами? — деб сўради.

— Биринчи марта, — деди Азиз кампирга миннатдор боқиб. Бир пайтлари «резерпин» ичиб юрганларини эса айтгиси келмади.

— Унда албатта докторга учранг. Иложи бўлса — бугун, бўлмаса — эртадан қолдирманг, менга ишона-веринг... Ёш экансиз, кучингизга алданманг, албатта кўрсатинг ўзингизни, — деди ва Азизнинг елкасига қоқиб, жойига бориб ўтирди. Азиз қишлоғига етиб ке-либ, секин олдинги эшикка қараб юрганда ҳам бояги кампир унинг қўлидан қисиб, «маҳкам бўлинг», де-гандай самимий жилмайиб қўйди. Азизнинг дили ёри-шиб кетди. У то уйига етгунча ҳам ўша меҳрибон кам-пирни ўйлаб борди, туфлисининг юпқалигини ҳам, шитоб билан ёғаётган изғиринли ёмғирни ҳам унча сезмади...

* * *

Эртага Янги йил.

Институтда ҳамма байрам кайфиятида у ёқдан-бу ёққа чопиб, касаба союз уюштирган ҳар хил танқис

нарсалардан олар, дўст-ёрлар бир-бирлари билан келишиб, Янги йилни бирга кутишга ахдлашардилар. Буларни кўрган сари Азиз ичидан зил кетарди. У ҳам кўп бўлмаса-да, бир оз майда-чуйдалардан харид қилди. «Куёвимникида кутарман», деган қарорга келди...

Бу орада Салтанат институтга бир-икки қўнғироқ қилиб, Азизни сўради. Азиз кимлигини билмай трубкини олган заҳоти, у, гап йўқ, сўз йўқ — хўнг-хўнг йиғлайверди. Азиз эса ҳар гал трубкини шарақлатиб илиб қўяверди...

Кеч кириб қолганда Расул Оллоёрович институт мажлислар залига барча ходимларни йиғдириб, кириб келаётган Янги йил билан қизгин табриклади, оила аъзоларига, ўзларига сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилади ва гапининг охирида: «Агар зарур ишларингиз бўлмаса, майли, бораверинглар», деб ҳаммага бир соат олдин жавоб бериб юборди.

Азиз ҳам энди Шорасул билан хайрлашиб, жўнашга ҳозирланиб турган пайтида директор котибаси келиб уни чақириб кетди. Азиз энди Расул Оллоёрович кабинетига шошмай, ҳаяжонланмай борди. Чунки сўнгги вақтлардаги воқеалардан эти ўлиб кетгандай эди. Кабинет эшигини очиб кирганда Расул Оллоёрович бурчакдаги одам бўйи сейфини кавлаб, нимадир қидираётган эди. Азизни ўтиришга таклиф қилиб:

— Сиздан қутуламинми ёки йўқми? — деди дабдурустдан унга кўзларини лўқ қилиб. — Айтинг-чи, ука, сиздан ҳам тинчийминми-йўқми?! Қон бўп кетдик-ку, ахир! Кўчага чиқиб дод дейишимиз қолди фақат!

— Яна нима қипман?

— Ўқинг! — Расул Оллоёрович Азизнинг олдида машинкада ёзилган уч-тўрт варақли қоғозни отиб юборди; устида конверти ҳам бор. Азиз биринчи бетнинг тепароғидаги оппоқ жойига босилган йирик-йирик ҳарфли «Контроль» деган муҳрга кўзи тушди. У энди ўқишга бошлаганида Расул Оллоёрович яна заҳрини сочиб:

— Буёққа беринг! Янги йилга совғангиз шу бўлди сизнинг! Кейин ҳал қиламиз! — деди-да, Азизнинг олдидаги қоғозни энгашиб олиб, яна сейфига солиб қўйди.

— Менинг айбим нима ахир?! Айтинг-да, нукул учини чиқарасизу нималигини айтмайсиз! — деди хуноби ошиб.

— Айтайми?! Марказқўмнинг Секретаригача бизни ёмонотлиқ қилдингиз! Обкомга сўроқ бердик! Энди Москвага берамиз, ука! Шундай институтни қаро ерга тикдингиз-ку?! Инсоф борми ўзи? Мановинда ёзишибди... сизни — плагиат, бошқалар қилган ишга бир ўзи эга чиқяпти, деб ёзишибди. Сизни Давлат мукофотига қўйишганига мутлақо қарши бўлиб ёзишибди. Мукофот тугул, унга жазо бериш керак, деб ёзишибди, билдингизми?!

— Қандай мукофот? Тушунмаяпман?

Расул Оллоёрович иккала қўли билан баҳайбат столнинг қиррасига тиралиб, заҳарханда кулди:

— Э, ҳали билмайман денг! Сиз-а, сиз билмай-сизми?! Ернинг тагида илон қимирласа биларсиз! Гап бундай, дўстим! Сиздан тилим қисик жойим йўқ! Мен сиздан ҳеч нарса даъво қилаётганим йўқ. Даъвогарлар бошқа! Мени тинч қўйинг! Институтни тинч қўйинг! Илтимос, ука, илтимос!

— Ахир, айбим нима, Расул Оллоёрович?! Мен ёзмаганман-ку, бу ифлос хатни?!

— Сиз ёзмасангиз, сиз туфайли бўляпти шу гапларнинг бари! Ука, омадсизлигингиз ҳам бекорга эмас! Сиз ҳеч ерда тинч ишлаёлмайсиз, чунки сизда ихлос йўқ! Мана шу еримга етди! Боринг, жўнанг! Янги йилимни ҳам ҳаром қилдингиз! Жўнанг!..

Азиз томоғига аччиқ ёши тикилиб индамай чиқиб кетди-ю, хонасига кирар-кирмас юраги кечагидан ҳам баттар санчди. Ҳушини йўқотаётгандай кўз олди бирдан қоронғилашиб кетди. Зўрға бориб столига ўтирганини биледи-ю...

...Кўзини очганда аллақандай ёруғ, тепага ҳар хил резина сим, ялтироқ шишали асбоб-усқуналар осилган орастагина хонада ётганини кўрди. Аввалига шуларнинг бари хира бир шарпага ўхшаб турди, кейин секин-секин ёришиб, ҳамма нарсани аниқ ажрата бошлагандан сўнг... бирдан Азизнинг кўзлари чақчайиб кетди. У шундоқ тепасига энгашган башарага кўзи тушганида аввалига «тушимми», деб ўйлади. Аммо кўз гавҳарлари ёришиб, аниқ илғай бошлагач, тепасида Салтанатнинг «хайрият, хайрият», деганча юм-юм йиғлаб турганини кўрди-ю, ундан жирканиб юзини бурмоқчи бўлди, яна кўз ўнги қизаришиб,

ҳамма нарса хира тортиб кетди. Шунда: «Марҳамат, сиз чиқинг, бемор безовта бўлди», деган гап худди олис-олислардан эшитилгандай қулоғига зўрға чалинди... Орадан қанча вақт ўтганидан хабари йўқ, яна кўзлари аста-секин ёриша бошлади. Энди боши узра оқ халатли нотаниш аёл энгашиган, унинг думалоқ юзи анча вақтгача худди бузиб кўрсатадиган кўзгу аксига ўхшаб турди-ю, кейин Азизнинг нигоҳи бутунлай ёришиб, тепасида диққат билан унга тикилаётган шифокор аёлни кўрди.

— Яхшимисиз? — деди аёл унга тилла тишларини кўрсатиб қулиб.

Азиз ютинди. Аммо шунгаям қуввати етмагандай ҳолсизланди. Шу пайт аёлнинг ёнига оқ халатли бошқа эркак ва аёллар ҳам келишди-да, Азизнинг юзига тикилиб, ўзларича нималарнидир пичирлаб гаплашишди. Азиз бирдан Расул Оллоёрович билан бўлган охирги суҳбатни эслади. Хонага қайтиб кирганда Шорасул бормиди, йўқмиди — эслолмайди. Кейин ҳозиргина кўргани Салтанат хаёлига келди. «Чиндан уни кўрдимми ёки тушмиди? Йўқ, у аниқ кўринди. Биров чиқариб юборди уни...» Азиз Расул Оллоёрович кабинетидан чиқиб, ўз хонасига кираётганида кўкраги қаттиқ санчганини эслади, кўз олди бирдан қоронғилашиб кетди. Бу ер қаер ўзи? Қачон олиб келишди?..

Халатли аёл яна Азизнинг юзига энгашиб:

— Сиздан илтимос, ўртоқ Қосимов, иложи борича кам ҳаракат қилинг, — деди оналарга хос меҳрибон товуш билан. — Кризисдан эсон-омон ўтиб олдингиз. Фақат кам қимирланг, ёмон нарсаларни ўйламанг.

«Ана, холос! «Ўйламанг», деган билан кошки шундай қилиб бўлса! Қайтага ўйламайман, деса одам кўпроқ ўйлайди!..» Азизнинг миясига тўсатдан онасининг ўлими келиб урилди. Тилсиз ётиб, видолашолмай дунёдан кўз юмганини эслади-ю, юраги эзилиб, изтироб зўридан киприклари намланди. Яна кўз олди хиралашиб, кўнгли озаётганга ўхшади...

29

Салтанатнинг ойиси қизи билан куёви ўртасида қандайдир жиддий гап ўтганини пайқаб олди-ю, Салтанати буюқда қолиб, Маҳфиратини эслади: юрагига гулғула тушди. Қизнинг пинҳона азобидан ўзича кую-

ниб, бутун айбни яна ҳў бирдагидек Азизга ағдарди-да, яна унинг «таги паст»лигидан зорланди. «Шу-у-унча йил бадалига энди иши салгина юришиб, битта кўйлаги иккита бўлай левди... бунақа ҳунар чиқаряпти... Асли таги пастми, сира косаси оқармайди... Қизим бечорани қийнаб... Шох чиқмай ўлсин, тўқими ўзгаргани билан ўзи ўша-ўша...»

Шундай мубҳам кайфиятда юрган она қизи бир кун уйига ўғлини етаклаб келиб қолганда, кундузи уйда ҳеч ким йўқлиги учун секин кўнглига қўл солиб кўрди:

— Салтанат, нега хомушсан, тинчликми ўзи?

Ховли юзини супуриб-сидириб келган Салтанат айвонда ўтирган ойисининг кўлидан бир пиёла чойни оларкан, ранги кўв ўчди. «Наҳотки ойим билган?» деган фикрдан юраги шигиллаб кетди. Кейин ерга қараган кўзларидан ғам ва илтижо учкунлари тўкилиб, зўрма-зўраки жилмайишга уринди. Чойдан бир қултум ичиб, пиёлани дастурхон четига қўйди-да:

— Азизни айтяпсизми? — деб сўради бошқа бир маънили гап тополмагач. — Азиз ҳозир сабзавотда, бир ҳафтага районга кетган.

Ойиси худди қизнинг сўзлари қай даражада тўғри-ноғўгрилигини синаётгандай унга босим тикилиб турди-ю, кейин:

— Ҳа, ундай бўлса майли... — деди Салтанатнинг сўзларига ишонмай. — Ишқилиб, ҳу бирда, кўнглига ботадиган у-бу нарса демовдингми? Тил ёмон, ҳамма бало тилдан келади, тилга эҳтиёт бўлиш керак...

Шундан кейин ҳам, уй ишлари билан ўралашиб юрган пайтида ҳам ойиси зимдан тикилиб қараётганини пайқаган Салтанат янаям ўзини ноқулай сездди. «Ҳеч ерда тинчлик йўқ экан-да. Уйимга келиб, ойимдан далда олай десам, бу ерда ҳам ўша кўрқув, ўша алам... бир қадам жилмайди мендан...» Салтанат меровсиб, онасининг дилидаги ваҳимани баттар орттирарди.

Аммо ҳақиқатни қачонгача яшириш мумкин? Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади. Ана, Салтанат айтган бир ҳафта ҳам ўтди, кўз очиб-юмгунча иккинчиси ҳам ўтди. Салтанат эса кайфияти кўтарилиши ўрнига тагин эзилиб, ранги сомондай саргайиб, тинка-мадори қуриб бораётганга ўхшайди. Кейин на «ҳа» бор, на «йўқ», бир уйига жўнаганича анча вақт жим бўлиб кетди. Онани тагин ваҳм босди.

Кенжа қизига «бир бориб келгин-чи», дейишга ҳам кўнгли чопмай, Салтанат келмаганига бир ҳафта бўлган куни тушга яқин у-бу нарсани тугун қилиб ўради-ю, секин Чилонзорга қараб йўлга тушди.

Қизи эшикни очиши билан «хайрият» дегандай у юзи-бу юзидан ўпиб кўришди. Лекин Салтанатнинг обдан йиғлагани, кўзлари қизариб, шишиб кетганини кўрди-да, остонадаёқ:

— Ҳа, кўрнамак эринг хафа қилдими яна? — деди куюниб.

Салтанат онасининг қўлидан тугунчани олиб, ошхонага кириб кетди. Газ ёқиб, шариллатиб чойгумга жўмракдан сув ола бошлади.

Онаси йўлдан чарчаб келгани учун тўппа-тўғри катта хонага ўтди. Эски диванга гуп этиб ўзини ташларкан, «ваҳимачиман, туппа-тузук ўтирган экан-ку... йиғласа-йиғлагандир, оилада ҳар хил гап бўлади ахир», дея ўзини-ўзи юпата бошлади. Лекин бари бир кўнгли гаш эди.

Қизи ошхонада анча ивирсиланиб, қўлида дастурхон кўтариб кириб келгач:

— Нега жим бўлиб кетдинг? Эринг қалай, яхши юрибдими? — деб синчиклади.

Салтанатнинг бўғзига худди тош тикилгандай қаттиқ ютинди. Шундоқ ердаги гилам-пойандоз устига ёзган дастурхонини силаб-силаб текисларкан, чўккалагани ҳолда пастдан ойисига тикилди. Ўзини тутиб туролмади. Лаблари титраб-титраб келди-да, бирдан бошини четга бурди, елкаси учиб йиғлай бошлади.

— Ҳа, нима гап? Айтсанг-чи! — ойиси ўрнидан туриб, иссиқ кафтини Салтанатнинг елкасига қўйди.

— Шўрим қуриди, ойи! Шўрим қуриди! — Салтанат дув-дув оқиб тушаётган кўз ёшларини артиб, ойисининг пинжига тикилди.

— Вой, нега ундай дейсан? Нега шўринг қуриркан?! Ундай дема, болам, худонинг қаҳри келади. Анови ер юткурингми сени қийнаган? Сендан бошқага кучи етармиди у ландавурнинг!..

Салтанат ўша куни «айб ўзимда» дегани билан ойисига мундай бир ичини ёриб, юрагини эзиб ётган дард-аламларини очик-ойдин айтолмади бари бир. Кейинги кунларда ҳам айтолмайди. Фарзанднинг иши юришмаса оғирлиги ота-онага тушади. Салтанатнинг ойиси ҳам ичида куёвини қарғаб юрса-да, «энди бунисининг ҳам

оиласи дарз кетмасин... унисини-ку, бойвачча десам, бу индамасда ҳам гап кўп экан», деди-ю, бир амаллаб Азизнинг кўнглини илтишнинг чорасини излай бошлади. Айниқса, Азизнинг касалхонага тушганини эшитганда, аввалига «ажаб бўпти, қилмишига яраша...» деб ўзича аламини олган бўлди-ю, аммо кейинги дақиқада дарров ҳушини йиғиштирди. Салтанатни қўярда-қўймай эрини кўришга юборди...

Муҳиддин Жабборович расмана кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Бир ери тайинли оғримайди-ю, лекин кўнгли хижил, ўзини худди биров дўппослаб савалагандай оғир сезади, ўрнидан тургиси ҳам, кўчага чиққиси ҳам келмайди. Ҳамон у одамлардан хафа. «Бир кунда керак бўлмай қоларкансан. Ҳамма қилган ишларинг, бутун тоат-ибодатинг бир кунда уч пул бўларкан-қоларкан...»

Фақат шу йўсинда ўйлагани учун ҳам туриб-туриб хўрлиги келар, ёшлиги ўтиб, тобора кучдан қолиб бораётгани тагин кўнглини эзарди. У келиб-келиб Азиз масаласида ўзига ноҳақлик қилаётганларидан куюнар, «ҳаммаси ўтди-кетди-я», деб тўхтовсиз бош чайқарди. Мана, ҳозир ҳам у ҳар хил қақир-қукур, безагу ҳашаматларга тўла ҳайҳотдек уйда бир ўзи, нуқул бош қотирыпти. «Бари ўтаркан... Вақт деган жаллод ҳаммани ўз комига тортаркан. Ҳаммани...» Бирдан унга ўзининг қанча-қанча вақтлари бекор кетгандай туюлди-ю... лекин шунда ҳам бари бир кимларгадир таъна отиб, «қариганда кучдан қоласану... аммо қари одамнинг ақлини қаердан топасанлар», деган аламли бир фикрни ўйлади. Яна кўз олдига Азиз келди.

«Одамни билиш, тушуниш учун унинг ички зиддиятларигача етиб бориш керак... Ўша Қосимов ҳақида нима биламан мен? Жуда қизиқ... Қобилияти бор бола экан ҳар қалай. Ҳар бир нарсани ҳеч ким кутмаган, фавқулодда бир томонидан ўйлайди. Шундан гаплари ҳам, ишлари ҳам қизиқ кўринади одамга... Нега мен қила қолмадим ўшанинг ишини?! Нега?...»

Оппоқ ёстиги ва ўзининг хира башараси акс этиб турган ялтироқ мебелга қараркан, яна юраги сиқилди. Уйдаги ҳашаматларнинг бари кўзига ёвдай кўриниб кетди. Қизиқ, қачон ҳирс кўйди у шуларга? Қачондан бошлаб?

Муҳиддин Жабборович каттакон деразадаги нарёғидан нур ёғилиб турган оч яшил дарпардага тикилиб

қолди-да, бирдан ўзига-ўзи аччиқ қилиб: «Ўйламай қўйдим!» деди алам билан. Неча йиллардан бери мундай бир чуқурроқ ўйламабди-я! Ўйламабди! Ўйласа ҳам енгил-елпи ўйлабди. Ўйламаган олим олимми?! Аммо шундаям... ишлари кетаверган бари бир. Ўйламаса ҳам кетаверган! Катта оқимга тушиб олгану, ҳатто шу оқимни ўзи бошлаб бергану кейин тўлқинда кетаверган. Бирон-бир жойда тўхтаб, жиддий бош қотирмаган!...

Ўша оқимга тушиб олибди-ю, йилма-йилига, кунма-кунига сезилмасдан, аста-секин фикрлари дейсизми, қарашлари, фаразлари дейсизми — худди қайроқ тошдек силлиқлашиб, бошқаларнинг фикрига ўхшаб, уларга қўшилиб, улар билан тенглашиб бораверибди.

«Э, аттанг! Шунча ёшга кирибману одам танлашни билмабман-а! Оғзимдан чиқиши билан фикримга қўшилиб кетаверганлар аслида менга душман кимсалар экан. Қани энди шуни вақтида билсанг! Билмайсан! Фикрингга қўшилишса, сенга хуш ёқади, иккинчи томонини ўйламайсан!..»

Ҳар қандай улуғ кишини ҳам сал олисроқдан, унинг майда-чуйда туйғулари, ожизликларини асосий ишига қўшмаган ҳолда кўрган маъқул. Ҳозир Муҳиддин Жабборович ҳам шу аҳволда эди. У, бир томони, бутун республикага, Иттифоққа танилган олим бўлгани ҳолда, иккинчи томондан, ҳозир бошидан ўтказаетган руҳий азоблари бошқа барча одамлардаги сингари гоҳ адолатли, гоҳ бачкана, гоҳ тайинли, гоҳ тайинсиз туйғулар эди. Айниқса, Марказий Комитет Секретарининг «Қосимовнинг ишини Давлат мукофотига қўйдик», деган гапини эслаганда, у яна тутақиб кетди. Шунча дилсиёҳликлар етмагандай, тунов куни Маҳамат Турдибоев ҳам кабинетига бостириб кириб, обрўйини уч пул қилгани... ундан кўра юзига тарсаки тортиб юборгани ҳам яхши эди... Яна бирдан Муҳиддин Жабборовичнинг ўжарлиги, қаттиққўллиги тутиб, шогирдларига айтиб, Азизнинг устидан хат уюштирганидан суюнлигина эмас, ўзини бирдан ҳақиқатпарвар, бошига қилич келганда ҳам тўғриси айтиладиган ҳалол одам қиёфасида кўрди. У ғайрати қистаб ўрнидан турди ва неча кундан бери «бир қадримни билишсин», деб уйда ёш болалардек аразлаб ётиб олгани, иродасизлиги учун ўзини койиди, эртага барвақт ишга боришга жазм этди. У ҳали бўш келмайди. Курашади! Ўзининг ҳақлигини исботлайди! Исботламай қўймайди!

Аммо қандай қилиб?! Қандай исботлайди? Ҳамма кўриб турибди-ку, ахир гап нимадалигини! Хўш, унда нима қилсин энди? Шунча тарақ-туруқ, шунча довжанжалдан кейин Азизга бўйин эгиб борсинми? «Сеники тўғри экан, кечир мени», десинми? Йўқ, йў-ў-ўқ! Ҳали Муҳиддин Жабборович ўлмаган! Ҳали билагида кучи, калласида ақли бор! Ҳали бўш келмайди!.. Бир бемаза, одобсиз унинг тап-тайёр ғўзасини ишлатиб, сал шаклини ўзгартириб... уруғ топибди-ю, шунга энди шунча шов-шув! Шунча гап-сўз! Бу янги нав эмас!.. Нима учун нақдини ўйлаб, одамларнинг иззат-нафсини ҳақорат этишаркан? Қайси қонунда ёзилган бу? Қани олимнинг қадр-қиммати? Бериб турсанг — кераксану, бермасанг — ташлаб юборишаркан-да? Йўқ, бунақаси кетмайди! Мен ҳуқуқимни биламан! Олишаман! Тирик эканман, олишаман! Қўрқмайман!..

Айни пайтда сал ҳалол ўйласа, ҳеч ким унинг иззат-нафсига тегмаётгани, шу вақтгача доимо қайтага иззатини ошириб муомала қилганлари ва қилаётганларини англаб етарди-ю, лекин шунда ҳам бари бир ўжарлигидан тушгиси келмас эди. Мана, ҳозир ҳам Азизнинг устидан хат уюштирганларига яна қувонди. Агар буни-сини ёпди-ёпди қилишса, яна ёзади, яна ва яна ёзаверади. Токи, Азизни жазолашмагунча ёзаверади. Керак бўлса, тўппа-тўғри номини қўйиб ҳам ёзади. Қўрқадиган жойи йўқ! Ёзаверади.

Лекин бу ишидан ҳеч нарса чиқмаслигини, ҳозир гап Азизнинг шахсияти устида эмас, балки у эл-юрт учун яратиб берган энг самарадор пахта нави тақдири устида кетаётганини ҳам сезар, аммо шунда ҳам ҳақиқатга тик қарашга, ўзининг катта олимлигини, катта ишлар қилганини ҳамма эътироф этиши ва шунга яраша ҳурматини ҳам жойига қўяётганларини очикчасига тан олишга мардлиги етмасди. У «ҳамма нарсани мен қилганман» дейиш, айниқса, фанда ўта кулгили гаплигини билгани ҳолда, ўзи шу оддий ҳақиқатга ҳам амал қилолмасди. Муҳиддин Жабборовичнинг чинакам олимлиги тўхтаган нуқта ҳам аслида мана шу ерда эди.

* * *

Азизни салкам уч ҳафтадан кейин реанимация хонасидан оддий палатага ўтказишгач, кўргани келганларни ҳар куни бир-иккитадан унинг ёнига қўя бошлашди.

Азиз энди анча тетик, гарчи ҳар замонда юраги оғриб-оғриб қўйса ҳам, ҳар қалай, палатада бемалол юрар, ҳожатга ўзи борар, гоҳо-гоҳо соатлаб палатадошлари билан ҳангомалашиб ўтирарди. У кўпинча дераза тагидаги каравотида чалқанча тушиб, тоза артилган ойнадан рутубатли, тунд осмонга тикилиб ётар, ҳамма тирқишлар пахта билан маҳкам беркитилгани ва шундоқ бошида иссиқлигидан қўл теккизиб бўлмайдиган узун батарея борлиги учун ташқарининг совуқлигини ҳам сезмасди. Азиз салкам бир ойчадан бери ўрнидан жилмагани учун институтни ўйласа, ичи қизирди. Бир неча марта дадаси билан синглиси хабар олиб кетишди, институтдан эса ҳозирча ҳеч ким йўқ...

Шундай кунларнинг бирида уни кўргани Маҳамат чатоқ келди. У пастдаги навбатчидан олган халатини елкасига қийшиқ илиб, бир этаги ерга тегай-тегай деб палатага кирди-ю, Азизни кўриши билан йўрғалаганча бориб, ўрнидан туришига ҳам қўймай, шундоқ унинг каравоти ёнидаги стулга ўтирди. Қорайиб кетган юзларида аянч ва шафқат туйғулари акс этиб, Азизга худди айбдордек жилмайиб боқди.

— Қалай, тузукмисиз? Ҳаммасини эшитдим, Азиз-жон. Фалокатингиз арибди, арибди! — деди Азизнинг билагига кафтини қўйиб.

— Раҳмат, Маҳамат ака! Шу ерниям топиб кепсиз-а?! — Азиз ҳазиллашди.

— Бекор «чатоқ» дейишганми бизни?! Тирикмизки, қимирлайверамиз.

Кейин зўрға кўтариб келган сумкасини очиб, анор дейсизми, олма, узум дейсизми, ҳатто Иқлимхон ая иссиқ жиззали нонгача солган экан, Азиз «йўқ, йўқ», дейишига қарамай, тумбочкасининг устини тўлдириб ташлади. То навбатчи врач келиб, «беморни кўп уринтирманг», демагунча ўрнидан жилмади. Касалига зиён тегмасин, деб Азиз сўраса ҳам атайлаб чалғитиб, олдиқочди гаплардан сўзлаб бериб ўтирди. Охири Азиз билан хайрлашиб, қишлоққа жўнади.

Аммо орадан икки кун ўтиб, оғзи қулоғида яна кириб келди. Қўлида қандайдир буклоглиқ газета, кўкрагига Қаҳрамонлик юлдузини тақиб олган, халат кийишни ҳам унутиб, ҳадеб газетани Азизга қаратиб силкияпти.

— Мана, кўринг! Кўринг, ука! Айтмовдимми, ҳақиқат ўлмайди, деб! Мана, сизга ҳақиқат! — Маҳамат

чатоқ ҳатто Азиз билан кўришишни ҳам унутиб, газетани йиртиб юборар даражада у ёқ-бу ёғини очиб, керакли саҳифасини қидира бошлади. Охири топиб, сиёҳ билан тағи чизиб қўйилган жойини кўрсатди. Азиз ўқиб, дастлаб кўзларига ишонмади. Фан соҳасида Давлат мукофотига тавсия этилган ўтган йилги ишлар орасида ўз фамилиясини ҳам кўрди: «Вилтга чидамли янги «Тошкент» пахта навининг муаллифи Азиз Қосимов...» Юраги дукиллаб ура бошлади, сал ачишиб ҳам кетди. Кейин гурс-гурс ураётганини ҳатто Маҳамат чатоқ ҳам эшитгандай бўлди.

— Ҳақиқат бор, ука! — дея такрорлади Маҳамат чатоқ ҳамон ҳаяжонини босолмай. — Ҳақиқат йўқ, деганлар ношуд, бетамиз одамлар! Ҳақиқат бор! Бор!..

Азиз ҳаёлида «наҳотки шундай бўлса, наҳотки бирдан шунчалик бахт куши қўлимга келиб қўнса...» деб ўйлаганидан юз берган воқеага ҳамон ишонгиси йўқ эди. Дастлаб иш бошлаган пайтларида Муҳиддин Жабборович уни кўпчилик ичида кулги қилиб юрган вақтларини эслади-ю, бирдан кўнгли бузилди. Худди ичидан титроқ тургандай, бирдан эти увишиб кетаётгандай сезди ўзини. Маҳамат чатоқ: «Ҳақиқат бор, ука», дегани сари томоғига нимадир қаттиқ нарса тиқилиб, охири ҳар қанча ўзини тутаман деса ҳам бўлмади, қўлидаги газетани алам билан юзига босди-ю, силкиниб йиғлай бошлади. Ёнида ўтирган Маҳамат чатоқ юпатмоқчи бўлиб елкасига қўлини қўйган эди, у баттар унинг кифтига ўзини ташлаб йиғлади. Кейин аста-секин тиниб, юзидан гижимланган газетани олди. Маҳамат акага ёшли кўзлари жавдираб кулимсиради. Маҳамат чатоқ унинг ялтираб турган қорачиқларида ўз аксини кўрди-да, бир дақиқа унинг ҳам кўнгли бузилди. Аммо кейинги дақиқада ўзини қўлга олиб, ҳаяжонга тушиб гапира кетди. Азиз эса ҳолсизланганча аста каравотига чўзилди. Кўкрагида орден порлаётган Маҳамат Турдибоев бўлса гўё бу гапларнинг бари Азизга эмас, ўзига тааллуқлидай босар-турсарини билмасди...

Кетишидан олдин бирдан Салтанатдан гап очиб қолди. «Уч кеча-кундуз ҳушсиз ётганингизда шу ёмон хотинингиз ярабди-ку? Тегангиздан бир қадам ҳам жилмабди, боёқини. Ана, ҳамма дўхтирлар айтяпти», деди Азизга дашном бергандай. Палатадагилар зерикиб даҳлизга чиқиб кетишган, шундоқ остона тағидаги бе-

мор эса орқасини ўтирганча пишиллаб ухлаб ётарди. Шунинг учун Маҳамат чатоқ Азизга бемалол гапирарди:

— Худо кўрсатмасин, муолажаси эм бўлмай, ўлиб-нетиб кетганингизда-я?! Туф-э, туф-э, нафасимни ел учирсин. Ҳаммаси қоларди-кетарди! Ҳаммаси! Орадаги шунча майда гаплар ҳам, сиз яратган ва ҳозирнинг ўзида республикага овозаси кетган манави катта ишингиз ҳам, ҳаммаси қоларди-кетарди! Ақлли одам ўзини аяши керак! Соғлигингиз, ука, олдингиздаги мингта қўйингиз, уни йўқотгандагина биласиз. Худо кўрсатмасин, орқангиздан куладиганлар ҳам топила қолади. Бу дунёда ўлимни унутиб, душманларга алам қилдириб яшаш, даврон суриш керак! Ўлиш қочмайди, истамасангиз ҳам бир кун келади ўзи. Шундай экан, яхшилик билан битган ғамни ғам деманг-да, буёғига энди бардам бўлинг. Азоб кўрмай — роҳат йўқ ўзи. Дарахт яшнаб тургани учун сояси-дан одам аримайди, қуригандан кейин унга зоғ ҳам кўнмайди... Мабодо келин келса, хафа қилиб юрманг. Хотин бўлса шунчалик бўлар, бошқаларники ҳам осмондан тушган фариштамасдир!

Маҳамат чатоқ кетгандан кейин ҳам Азиз анчагача ҳаяжонини босолмади. Қайта-қайта газетани очиб кўрар, кўзларига ишонмасди.

Охири газетани тумбочка устига қўйди-да, шифтга қараб ётганча, ўй сура кетди. «Одам кўпинча бахтли яшайди-ю, ўзи буни сезмайди. Аммо тан олиш керак, бахтнинг тикани кўп... уни бутун умр кўриқлаш керак...»

Азиз босиб ўтган озми-кўпми ҳаёт йўли, яшаган, ишлаган муҳити, қувонч ва изтироблари, ўз ҳақиқатини исботлайман, деб сал бўлмаса ўлиб кетай деганлари... Шуларнинг барини бир-бир ўйларкан, гўё ҳадсиз гирдоб, ўпқон ичига тушиб чиққандай сизди ўзини. «Ҳақиқатан оламнинг қайси пуштига қарама: гирдоб!»

У зерикканидан боягина қўшнисидан сўраб олган «Фан ва турмуш» журналининг эски бир сонини варақлай бошлади ва яна «Галактика нима?» деган мақолага тикилиб қолди. «Мана шу чексизлик — Галактика, яъни Сомон йўли ҳам юлдузлар аро чанг, газ, атом ва фазовий зарралар гирдобидан иборат. Эҳ, оламдаги жамики нарса-ҳодисаларнинг каттасидан тортиб энг майда заррасигача, суриштириб келганда, моҳияти бир. Гирдоб, гирдоб, гирдоб!..»

Азиз ўз хаёллари таъсирида қандайдир бир суқро-

тона қиёфага киргандай бўлди-ю: «Яхшиям Муҳиддин Жабборовичлар бор бу дунёда! — дея пичирлади. — Улар ҳамisha одамни курашга чақиради, асабингни бузади, қонингни қайнатади, гижгижлайди... Беаёв кураш, гирдоб жараёнида худди қимматбаҳо маъданлар чўкиб тингани сингари ҳақиқат, адолат тугила боради. Ёмонлик бўлмай, яхшилик йўқ!..»

Азизнинг бу файласуфона фикрларини ҳамшира қизнинг тўсатдан:

— Қосимов! Сизни кўргани хотинингиз келди, — деган овози бўлиб юборди.

Азиз ранги қув ўчиб, ўрнидан турди. Қандай қарорда тўхташга улгуролмади, эшик тирқишидан Салтанат ва Беҳзодни етаклаб олган қайнотасини кўрди...

*1975—1978 йиллар,
Тошкент.*

БОҶИЙ УМР

(Сўнгсўз ўрнида)

Мен Ўктамжонни «Тонг юлдузи»да ишлаб юрган кезларда танирдим. Озгингина, бизларга нисбатан найновгина, оқ-сарикдан келган бола эди. Кейинчалик «Ўзбекистон овози» таҳририятига ўтгандан сўнг «Шарқ юлдузи»га кичик-кичик ҳикоялар олиб кела бошлади. Бу ҳикоялар шунчаки ўрта-миёнадан сал баландроқ, ўқиса бўлаверадиган ҳикоялар эди. Ёзувчи камолга ета борган сари, илгариги ёшлик туйғулари иссиқ, аммо ўта жўн кўрина бошлайди. Ўктамжон институтни битириб, таҳририятга ишга келгач, айниқса журналистик қизгин фаолияти бошлангач, ўзининг илк машқлари ўзига ўта жўн туюлиб, аста-секин насрга қадам кўя бошлади.

«Тонг юлдузи»дан Марказий Кўмитага ишга ўтганининг иккинчи йили эди. Бир куни қўнғироқ қилиб қолди.

— Хўжайин (у кўпинча, ҳазиллашиб менга «хўжайин» деб муомала қиларди), вақтингиз бўлса, бир учрашсак.

— Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик. Бир нарса қораловдим. Шунга фикрингизни эшитсам, девдим.

Ўктамжон эртасига эрталаб, қўлимга юпқароқ оқ папка олиб келиб тутқазди. Папканинг сиртига: «Бировнинг бахти. Қисса.» деб ёзиб қўйилган эди. Янглишмасам бу Ўктамжоннинг биринчи йирик асари эди. Хуллас, мен папкани олиб қолдим-у, бир ҳафта ичида ўқиб чиқдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, ўзи қўнғироқ қилиб қолди.

Келишувимизга биноан у шанба куни бизникига келди. Мен асар ҳақидаги фикримни деярли батафсил баён қилдим. Ўктамжон эса, қўлида блокноти, индамай, деярли гап қўшмай диққат билан тинглаб ўтирар эди. Асарнинг сюжети, баъзи қаҳрамонлар тақдири: Азиз ва унинг хотини, домла Муҳиддин Жабборов, Расул Оллоёров кабиларнинг тақдирларидаги муҳим

бурилишлар, асарга қўшилажак боблар, қаҳрамонлар ҳақида гаплашдик. Шу мулоқот асносида Йўлдош, Шорасул каби образлар кашф этилди ва уларнинг асарга кераклиги, сюжет динамикасини ривожлантиришга уларнинг жудаям зарур эканини қайд этдик.

Шу воқеадан сўнг олти ой мобайнида у асарни қаттиқ ишлабди. Кунлардан бир куни у папкасини қўлтиқлаб яна олдимга келди. Бу гал папка залварлироқ эди. Мен қўлёмани варақлаб кўриб танимай қолдим. Бошида тўрт босма тобоқдан ошмасди. Қўлимдаги вариант йигирма босма тобоқча келарди. Табиийки, асарни қайта бошдан ўқиб чиқдим. Тагин кўнглим тўлмаган жойларини айтиб қайта ишлатдим, тагин баъзибир чизгилар киритилди, учинчи бор қайтарилганида, тагин чидам билан ишлади, ортиқча дейилган жойлари кесилди. Шунда мен Ўктамжоннинг тоқатига қойил қолган эдим. Охири тўртинчи бор кўриб, баъзи жузъий гапларни айтганимда, чидаёлмади шекилли:

— Бўлди-е, хўжайин, — деди. — Жа, қон босимимни ошириб юбордингиз.

Майда-чуйда фикрлар майли-ку, аммо, мен романдаги бир жиҳатни тузатишни қаттиқроқ туриб талаб қилганим ёдимда. Бу жиҳат шундан иборат эдики, ўша пайтдаги қатор асарларда бош қаҳрамон бошига тушган офатлардан бирдан-бир қутулиш йўли — Партия Марказий Кўмитаси котибига чиқиб аҳволни тушунтирар ёки арз қилар, шундан сўнг Бош котиб бир имо билан ҳамма масалани ҳал қилиб қўя қолар эди. Ўктамжоннинг асаридаги бош қаҳрамон Азизнинг ҳаракатларида ҳам, гарчи ўзи арз қилмаган бўлса-да, шу андозадан узоқлашиб кетолмагани шундоққина кўриниб турарди. Афсуски, муаллиф ўша вақтда русум бўлган андозадан ҳатлаб ташқарига чиқолмади. Давр тақозасига кўра ўша русумдан ташқарига чиқишни истамади, десак тўғрироқ бўлар.

Бир йилдан сўнг асар «Гирдоб» деган ном билан чоп этилди. Хуллас, асар чиққандан сўнг катта шов-шувга сабаб бўлди. Уюшмамизнинг ўша йиллари таъсис этилган мукофотларидан бири — Ойбек мукофотига сазовор бўлди. Бу орада Ўктамжон уюшмага котиб бўлиб келди. Котиблигининг учинчи йилида мамлакатда қайта куриш шабадалари эсиб, ҳаммани бир-бир чайқатганида, бу шабада Ўктамжонни ҳам четлаб ўтмади. Ўша пайтда бирон жўяли гап тополмаган баъзи

«дўстларимиз» «Гирдоб»ни ўзи ёзмаган, деганга ўхшаш беъмаъни гапларни ҳам тарқатдилар.

Энди бу гаплар ортида қолди. Боя айтганим, қайта қуриш шабадасидан жиндек лат еган Ўктамжон, бироз ўзига келгач, Ўзбекистон Маданият министрлиги ҳузуридаги Киноматографчилар уюшмасида ишлаётган бўлади. Мен Фафур Фулом нашриётида ишлаётганим учун идораларимиз жуда яқин, тез-тез маслаҳатланиб турардик. Ўктамжон йигирманчи йилларни, яъни Турккомиссия ҳақидаги материалларни ўрганаётганини тўлиб-тошиб гапириб берди. Мен муносабат билдиришга шўшилмадим.

— Ҳмм, индамайсиз?! — деб қолди Ўктамжон ҳайрон бўлиб.

— Унда «Гирдоб»нинг иккинчи китоби нима бўлади? — деб сўрадим. У мени энди кўраётгандай юзимга тикилиб қолди.

— «Гирдоб» тугаган...

— Бекорларни айтибсиз. Менинг кўнглимда «Гирдоб»нинг иккинчи китоби сайраб турибди. Мана, масалан, биринчи китобда бош қаҳрамонинингиз Азиз Муҳиддин Жабборовларнинг, Расул Оллоёровичларнинг дастларидан дод деб, урилиб-сурилиб шунчалик обрў-эҳтиромга эга бўлди. Энди буёғи, одамзоднинг табиати қизиқ-да, ўша устозлари ўзига кўрсатган нағмаларни бунинг ўзи шогирдларига, ўзидан кейингиларига кўрсатмайди, деб ким кафолат бера олади?..

— Хўжайин, ҳалиги гапни ўйлаб кўрдим, — деди у тўсатдан. — «Гирдоб»нинг иккинчи китобини. Қарасам, бу ёғи ҳам анча жиддий, пухта асар бўладиганга ўхшайди. Қўлимда бир қиссам бор. Шунини тугатиб олай. Кейин жиддий киришаман.

Ўктамжон айтаётган асар «Қисмат» деган қисса эди. Шундан кейин ҳам Ўктамжон ўзи татиб кўрган қайта қуриш шабадаларига бағишлаб «Кишан» деган қисса берди. Бу асар «Қисмат»га қараганда бироз кескинроқ, дадилроқ чиқди.

Афсуслар бўлсинки, «Гирдоб»нинг иккинчи китобини ёзиб мухлисларни хурсанд қилишга Ўктамжоннинг умри қисқалик қилди. Албатта сиз унинг дастлабки бобларини «Шарқ юлдузи»нинг 1991 йил тўртинчи сонидан ўқигансиз.

«Гирдоб» Ўктамжон дўстимизнинг иккинчи умридир. Илоҳи, унинг бу умри боқий бўлғай.

Носир. Фозилов